



Жахондаги  
МАМЛАКАТЛАР

ҲИҚАЧА СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ  
МАЪЛУМОТНОМА

№ 20156  
3

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1962

ТУЗУВЧИЛАР:

Ф. АБДУЛЛАЕВ, Ж. ДУДАРОВА, Ү. РУСТАМОВ,  
М. ЧЕРМАН, А. ҚҰРМОНОВ, Ҳ. ҲАСАНОВ

САРВАР АЗИМОВ  
тахрири остида

ЖАҲОНДАГИ МАМЛАКАТЛАР. (қисқича сиёсий ва иқтисодий  
маълумотнома) Т., Ҳудаянашр, 1962.

492 бет.

Тит. в. орақсиди тузувчилар: Ү. Рустамов, Ҳ. Ҳасанов,  
М. Черман (ва бошқ.).  
СТРАНЫ МИРА

## НАШРИЁТДАН

Сўнгги йилларда инсоният тарихида, жаҳондаги мамлакатлар ҳаётида ғоят катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Илгари мустамлака ва қарам мамлакатларда яшаган кўпгина халқлар озод ва мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олди, жаҳон мамлакатларининг сиёсий картасида янгидан-янги мустақил мамлакатлар пайдо бўлди.

Мазкур «Жаҳондаги мамлакатлар» маълумотномасини тузган авторлар ҳурматли китобхонларни дунё мамлакатлари билан, уларнинг табиий шароити, тарихи, хўжалиги, давлат тузилиши, сиёсий партиялари, ҳозирги сиёсий аҳволи, алоқа воситалари, маориф ва маданияти билан қисқача бўлса-да таништиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.

Тўпلامни яратишда «Қатта Совет Энциклопедияси», шу энциклопедиянинг йилда бир марта нашр этиладиган «Солнома»си, СССР Фанлар Академиясининг Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти томонидан чиқариладиган «Халқаро сиёсий-иқтисодий солнома»си, шунингдек турли маълумотномалар, махсус китоблар ва журналларда босилган мақолалардан фойдаланилган.

Тўплам кенг китобхонлар оммасининг диққатига тақдим этилади.

---



# Европа







Европа Шарқий ярим шарда жойлашган қитъадир. У Осиё ва Европани уз ичига олган яхлит Евросиёнинг ғарбий қисмини ишғол қилиб туради.

Майдони 10 миллион 501 минг квадрат километр. Аҳолиси (СССРдан ташқари) 420 миллион киши.

Европа қитъаси — Совет Иттифоқи (Европа қисми), Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳамда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Греция, Дания, Испания, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Финляндия, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларни ўз ичига олади.

Социалистик мамлакатлар. Жаҳон социализм системаси — мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг янги, инсоният тарихида мисли кўрилмаган типидир. Европадаги халқ демократияси мамлакатлари, бутун жаҳон социалистик системаси каби, ўзаро ҳамкорликда бўлган тенг ҳуқуқли ва суверен социалистик давлатлардир. Эндиликда, Европа аҳолисининг ярмидан кўпроғи социализм байроғи остида яшамоқда. Барча халқ демократияси мамлакатларида бутун ҳокимият меҳнаткашлар қўлида бўлиб, пролетариат диктатураси жамиятнинг сиёсий негизини ташкил қилади.

Унинг иқтисодий негизини эса ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан социалистик мулкчилик ташкил этади. Ҳозирги вақтда социалистик мулкчилик барча халқ демократияси мамлакатларида ҳукмрон мавқени эгаллаб бормоқда, деҳқонларни коллектив хўжаликларга жалб қилиш масаласи муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Жаҳон социалистик системаси 1959 йилнинг бошидаёқ аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича жаҳон капиталистик системасини қувиб етди. 1960 йилда Социалистик мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқариши 1937 йилги даражадан 6,8 баравар кўпроқ ошди. Шу давр ичида капиталистик мамлакатларда эса фақат 2,5 мартача кўпайди. 1960 йилда жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 36 процентидан кўпроғи социалистик мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. Социалистик мамлакатларнинг асосий маҳсулот хиллари бўйича жаҳон ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси капиталистик давлатлар ҳиссасидан ўзиб кетадиган вақт ҳам узоқ эмас, албатта.

Жаҳон социалистик системасининг куч-қудрати унинг иқтисодий ривожланишида, кризислар ва ишсизликнинг йўқлигида, меҳнаткашлар турмуш шароитларининг тўхтовсиз яшиланиб боришида ва социалистик демократиянинг яшнашида яққол намоён бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш воситалари устидан социалистик, жамоат мулкчилигининг ҳукмронлик қилиши, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг характери жаҳон социалистик системасига кирган халқлар ва давлатларнинг бирлашишларига асос яратиб берди. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик халқаро муносабатларнинг янги типдаги энг муҳим, конкрет кўринишларидан биридир.

Социалистик мамлакатлар ўзларининг катта ёки кичик бўлишларидан қатъи назар тўла тенг ҳуқуқлилик, мустақилликни ва суверенитетни ҳурмат қилиш, қардошларча ўзаро ёрдам, ўзаро манфаатдорлик асосларида иқтисодий ҳамкорлик, социалистик дўстлик — мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг характерли белгиларидир. Улар ўзларининг ишлаб чиқариш ҳаракатларини бирлаштириб, меҳнатни халқаро социалистик тақсимлаш асосида халқ хўжалик планларини ўзаро мувофиқлаштирмоқдалар. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг асосий формаларидан бири илмий-техника ҳамкорлигидир. Шунингдек, ядро физикаси ва атом қувватидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш проблемаларини ҳал этиш соҳасида ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.



Совет иттифоқи иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат сифатида бошқа социалистик мамлакатларга катта ёрдам кўрсатмоқда. СССР социалистик мамлакатларга имтиёзли шартларда умумий суммаси 7,8 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда кредит ва қарзлар берди. Шунингдек, 620 дан кўпроқ йирик саноат корхоналари ва 190 айрим цех ва установкалар қурилишида ёрдам бермоқда. СССР 1948 йилдан 1960 йилгача бўлган давр ичида социалистик мамлакатларга ҳар хил машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, капитал қурилиши учун 28817 техника ҳужжатлари комплектини топширди. Ўз навбатида Совет Иттифоқи ҳам бу мамлакатлардан 7048 ана шундай ҳужжатлар олди. Шунингдек, Чехословакия ва ГДР ҳам қардош мамлакатларга анча миқдорда комплект ускуналар етказиб бермоқда.

1960 йилда социалистик давлатларнинг ташқи савдо обороти 1950 йилдаги 39 миллиард сўм ўрнига 114,8 миллиард сўмга етди, яъни уч баравар кўлайди. Айни вақтда, капиталистик мамлакатларнинг товар обороти бу муддат ичида фақат 2 баравар кўпайди.

Жаҳон социалистик системасининг бутун дунёда тинчлик учун курашда халқаро майдонда ўзаро келишиб олиб бораётган ҳаракати ҳозирги жамият тарихининг ривожланишида социалистик мамлакатлар ролини белгилаб берувчи муҳим омиллардан биридир.

Ғарб давлатларининг социалистик лагерга қарши қаратилган НАТО каби агрессив ҳарбий иттифоқларни вужудга келтирганига жавобан Европадаги социалистик мамлакатлар 1955 йилда Варшава шартномасини туздилар. Бу шартнома мудофаа характерида бўлиб, социализм мамлакатларининг тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилда Москвада бўлиб ўтган Кенгаши ва бу Кенгашда яқдиллик билан қабул қилинган Баёнот социалистик мамлакатлар ва бутун халқаро коммунистик ҳаракат бирлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Фақат Албания Меҳнат партиясининг ҳозирги раҳбарларигина марксизм-ленинизм йўлидан тойиб, халқаро Коммунистик ҳаракатга хиёнат қилмоқдалар.

СССРда тарихий етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилаётганлиги ва халқ демократияси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши икки система ўртасидаги тинч мусобақада социализм лагерининг ютиб чиқиши учун барча зарурий имкониятларга эга эканлигидан яққол далолатдир.

Жаҳон социализм системаси — мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг янги типидир. Социалис-

тик мамлакатлар бир типдаги иқтисодий негизга — ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигига, бир типдаги давлат тузумига — ишчилар синфи бошчилигидаги халқ ҳокимиятига, ягона идеологияга — марксизм-ленинизмга, революцион ютуқларни ва миллий мустақилликни империалистик лагеръ тажовузларидан ҳимоя қилишдаги умумий манфаатларга, коммунизм қуришдан иборат ягона буюк мақсадга эгадирлар. Бу социал-иқтисодий ва сиёсий умумийлик социалистик лагердаги давлатлар ўртасида мустаҳкам ва дўстона муносабатлар учун объектив негиз яратмоқда. Тўла тенг ҳуқуқчилик, мустақилликни ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик — социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг характерли белгиларидир.

Барча социалистик давлатлар жаҳон социалистик системасини қуриш ва ривожлантиришга, унинг қудратини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Совет Иттифоқининг мавжудлиги халқ демократияси мамлакатларида социализм қурилишини анча осонлаштирмоқда ва тезлаштирмоқда. Социалистик давлатларнинг марксчи-ленинчи партиялари ва халқлари шунга асосланадиларки, бутун жаҳон социализм системасининг муваффақиятлари ҳар бир мамлакатнинг ҳиссаси ва куч-ғайратига боғлиқ ва шу сабабли улар ўз мамлакатларининг ишлаб чиқарувчи кучларини бутун чоралар билан ривожлантиришни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар. Социалистик давлатларнинг ҳамкорлиги уларнинг ҳар бирига ўз ресурсларидан энг рационал ва тўла фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш имконини беради. Социализм мамлакатларининг иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги процессида, уларнинг халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш процессида *халқаро меҳнат тақсимотининг янги типи таркиб топмоқда.*

Жаҳон социалистик системасининг тинчлик, демократия ва социализм манфаатлари йўлидаги ижтимоий тараққиёт жараёнига таъсири тобора ўсиб, тобора чуқурлашиб бормоқда. Социалистик система — бутун инсониятнинг истиқболдир.

Капиталистик мамлакатлар. Европа капиталистик мамлакатларида ички экономиканинг милитаризациялашганлигига ва асосий капиталистик давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясининг кучайишига қарамай бу мамлакатлар ишлаб чиқариш кризисидан қутула олмаётир.

Ғарбий Германия АҚШ ва Англиянинг бевосита ёрдамида энг кучли буржуа давлатлари қаторига чиқиб олиб, Европа-

да биринчи ва дунёда (АҚШдан кейин) иккинчи индустриал капиталистик мамлакатга айланди. Франция ҳам ўзининг иқтисодий позицияларини тузатиб олмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий нотекис ривожланиши Европадаги турли буржуа давлатлари ўртасидаги кучлар нисбатини кескин ўзгартириб юборди ва ўзаро келишмовчиликларни чуқурлаштирди.

Энг йирик капиталистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий қарама-қаршиликларнинг ривожланиши Фарбий Европани бир-бирига душман бўлган икки иқтисодий блокка: Франция ва ГФР бошчилигидаги Европа иқтисодий ҳамкорлиги — ЕЭС («умумий бозор») ва Англия бош бўлган Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ)га бўлиниб кетишга олиб келди.

Европа иқтисодий ҳамкорлиги — ЕЭСни тузиш ҳақидаги шартнома Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург мамлакатларининг ҳукумат бошлиқлари томонидан 1957 йил 25 мартда Рим шаҳрида имзоланди. «Умумий бозор» — иқтисодий иттифоқ бўлиб, товар, капитал ва ишчи кучларининг шу бирлашма доирасида эркин ҳаракат қилиши ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг ҳаммаси учун ягона ташқи савдо тарифи белгилашни кўзда тутди.

Европа иқтисодий ҳамкорлиги — давлатлараро монополистик ташкилот бўлиб, коллектив мустамлакачиликнинг бир хилдир, чунки у баъзи қарам мамлакатларни ҳам ўз ичига олади.

«Умумий бозор»нинг вужудга келиши Англиянинг тўб манфаатларига зарар бера бошлади, чунки у, Фарбий Европа бозорларидан инглиз молларини сиқиб чиқариши (бу моллар бутун инглиз ташқи савдосининг 30 процентини ташкил қилади) ва айни вақтда Англиянинг Фарбий Европа мамлакатларидаги сиёсий позицияларига путур етказиши мумкин эди. Бунинг устига Англия, ўз манфаатига зид бўлган ана шу хунук оқибатларнинг олдини олмоқ учун «умумий бозор»га аъзо бўлишдан бош тортди. Англия бу иттифоққа аъзо бўлган тақдирда империя преференциялари<sup>1</sup> системасини бекор қилишга мажбур бўлиб қоларди.

Англия «умумий бозор»ни бетараф қилиб қўйиш мақсадида Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо бўлган

---

<sup>1</sup> Чет мамлакатлардан киритилган моллардан бож ундиришнинг алҳудда имтиёзли системаси. Бу системадан «Стерлинг зонаси»даги мамлакатларнинг позицияларини кучайтириш ва империяни сақлаб қолш мақсадида Англия билан Британия империяси таркибидаги мамлакатлар ўртасида фойдаланилади. У, 1932 йилги, Оттава шартномасига мувофиқ жорий этилган.

мамлакатларнинг, шу жумладан, «умумий бозор» мамлакатларини ўз ичига олувчи «Эркин савдо зонаси»ни тузиш плани ўртага ташлади. Бу план мазкур «умумий бозор»да аъзо бўлган олти мамлакатнинг «умумий бозор» блокидан воз кечишларини кўзда тутмайди, лекин Англия учун империя преференцияларидан келадиган устунликларни сақлаб қолиш ва Ғарбий Европадаги сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Франция бу план бўйича Англия рақобатининг ўсиш хавфи борлиги ва инглизларнинг Европада ўзларининг етакчи мавқеларини сақлаб қолишга интилаётганликлари учун унга кескин қарши чиқди.

Эркин савдо зонасини тузиш тўғрисидаги инглиз плани амалга ошмади. «Умумий бозор»нинг фаолияти Англиянинг Ғарбий Европадаги иқтисодий позицияларини заифлаштираётганлиги сабабли, инглиз монополиялари контрблок тузишга киришдилар. Англия бошчилигида тузилган Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ)га Англиядан ташқари Швеция, Норвегия, Дания, Австрия, Швейцария ва Португалия мамлакатлари кирди. Ассоциациянинг 1960 йил январида ратификация қилинган конвенцияси ассоциация аъзоси бўлган мамлакатлар доирасида экспорт қилинадиган моллардан бож ҳақи олишни аста-секин йўқотиш ва импорт молларининг сон жиҳатидан чекланишини бекор қилишни кўзда тутди.

Бу ассоциация «умумий бозор»дан фарқ қилиб, иштирок этувчи мамлакатлар ўртасида бож-хирожларни аста-секин (10 йил мобайнида) камайтириб боришни ва импортдаги сон чеклашларини бекор қилишни кўзда тутувчи бирлашмадан иборат, холос. Ассоциация «умумий бозор»га бирлашган мамлакатларга, аввало, Францияга тазйиқ ўтказишдан ва Ғарбий Европада кенг кўламда «эркин савдо зонаси»ни вужудга келтиришга эришишдан иборат стратегик мақсадни мўлжаллайди.

АҚШ тор доирадаги «эркин савдо зонаси»ни қўллаб-қувватламади. Чунки у, америка молларини Европа бозоринида сотишга ҳалақат берар ва шу билан бирга ҳеч қандай сиёсий фойда ҳам келтирмасди. АҚШ Атлантик иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини тузишни таклиф қилди. Бу билан у НАТО қатнашчилари ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларни жамоатчиликдан яширишни ва «Атлантик бирлашма»сини сақлаб қолишни ҳам назарда тутди.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг 1960 йил апрелда Женевада бўлиб ўтган XV сессиясида СССР ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ривожланишига эффектив ёрдам берадиган

янги иқтисодий ташкилотнинг принципларини ишлаб чиқишда ўзининг иштирок этиш хоҳишини билдирди. Лекин капиталистик мамлакатлар СССРнинг бу таклифини рад қилдилар.

Ғарбий Европа мамлакатларидаги халқаро иқтисодий аҳвол икки Ғарбий Европа иқтисодий группировкалари — «умумий бозор» билан кичик «эркин савдо зонаси» ўртасидаги кураш ва АҚШ ташаббуси билан «Атлантик иқтисодий альянси»ни тузишга интилиш билан характерланади.

Шундай қилиб, капиталистик рақобат ҳам ашё манбалари, бозор ва сиёсий-иқтисодий таъсир доирасини қўлга киритиш учун ҳалокатли кураш олиб бораётган капиталистик давлатлар ўртасида муросасиз зиддиятларни ва антагонизмни туғдирмоқда.


Капитализм умумий кризисининг янги даврида капиталистик мамлакатларнинг нотекис ривожланишининг кучайиши ва капиталистик оламда кучлар нисбатининг ўзгарганлиги натижасида капиталистик хўжалик тузумининг беқарорлиги ўсиб бормоқда.

Агрессив Шимолий Атлантик битим (НАТО) капиталистик Европанинг сиёсати ва экономикасига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Ғарбий Европа мамлакатлари НАТОга аъзо бўлиш билан ўз суверенитетлари камситилгани ҳолда, жаҳон сиёсатининг бир қатор муҳим масалаларини Америка ҳукмига бўйсундирибгина қолмай, шу билан бирга жуда катта ҳарбий харажатлар юкини ҳам кўтаришга мажбур бўлмоқдалар. НАТО қўмондонлиги ихтиёрида Европада 50 га яқин дивизия мавжуд. Бундан ташқари НАТОда аъзо бўлган Европа мамлакатларининг ўзлари ҳам миллий қўмондонликларга бўйсунганидан 30 дан ортиқ дивизияларни сақлаб турибдилар. Бу мамлакатлар территорияларида АҚШ томонидан бунёдга келтирилган жуда кўп ҳарбий, ҳарбий-ҳаво базалари, ракетаалар учуриладиган майдонлар мавжуд.

Ғарбий Германия НАТОнинг асосий атом-ракета базасига айлантирилган. НАТО зўравонлари юргизаётган сиёсат (улар ичида ГФР Европада бошчилик ролини ўйнамоқда) тинчлик ишига катта хавф солмоқда.

Зўр бериб қуролланиш ва монополияларнинг катта фойда учун курашлари Европа капиталистик мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини кескин ёмонлаштириб юборди. Расмий маълумотларга қараганда, 1960 йилнинг бошида ишсизлар сони Англияда 497 минг, ГФРда 440 мингдан кўпроқ, Италияда 2 миллиондан кўпроқ ва Бельгияда 303 минг кишини ташкил қилди.

Монополистик доиралар халқ оммасининг демократик ҳуқуқларига ҳужум қилмоқда. ГФРда компартия ва бошқа де-



Европа қитъасининг снѣсий картаси.

мократик ташкилотлар таъқиқланиб, фашизмнинг тикланишига йўл очиб берилмоқда. Франциядаги «президентлик республикаси» шаклидаги идора усули халқ оммасининг сиёсий ҳуқуқларини очиқдан-очиқ йўқ қилди. Грециядаги реакцияон тўзум мамлакат ватанпарварларини қонли жазоларга маҳкум қилмоқда. Испания ва Португалияда фашистлар ҳокимияти ҳукм сурмоқда.

Бироқ халқ оммаси фашизмнинг тикланишига қарши, демократик ҳуқуқларни сақлаб қолиш, турмуш шароитларини яхшилаш ва тинчлик учун коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлиги остида қаттиқ кураш олиб бормоқда.

Европа халқлари ер юзидаги ҳамма халқлар каби Совет Иттифоқи ва социалистик лагерь мамлакатларининг бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш йўлида қаноат ва сабот билан олиб бораётган курашларини актив қўллаб-қувватламоқда.







## АВСТРИЯ

(Австрия Республикаси)

**А**встрия — Марказий Европада бўлиб, Дунай дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган давлат. У Чехословакия, Венгрия, Югославия, Италия, Лихтенштейн, Швейцария ва Германия Федератив Республикаси билан чегарадошир.

Майдони 83,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 7 миллион киши. Аҳолининг 95 процентини немис тилида сўзлашувчи австрияликлар ташкил қилади. Қолганлари эса словенлар, чехлар, словак ва мижорлардан иборат.

Пойтахти Вена шаҳри (аҳолиси 1 миллион 683 минг киши).

*Табий шароити.* Австрия территориясининг 70 процентини Шарқий Альп тоғлари, шимоли шарқий қисмини Ўрта Дунай паст текислиги ишғол қилади. Дунай дарёси Австрия бўйлаб 350 километр узунликда оқиб ўтади. Дарёлар бой гидроэнергия манбалари ҳисобланади. Мамлакат территориясининг учдан бир қисмини ўрмонлар қоплаган.

Австрия иклими муътадил.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Австрия 1918 йилда, Улуғ Октябр революцияси таъсири туфайли авж олган қудратли миллий-озодлик ҳаракатининг тазйиқи остида Австрия-Венгрия империясининг қулаши ва бу империянинг парчаланиб кетиши натижасида ташкил топган. 1938 йилда Австрия Германия томонидан босиб олинди. 1955 йил 15 майда Вена шаҳрида СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Австрия вакиллари томонидан мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Давлат битими имзоланди. Уша йили 26 октябрда Австрия парламенти «доимий нейтралитет» тўғрисида федераль конституцион қонун қабул қилди.



*Вена шаҳри. Парламент биноси.*

*Хужалиги.* Австрия — юқори даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Мамлакат гидроэнергия, нефть, темир рудаси, магнезит, графит ва ўрмон ресурсларига бой. Саноат Австрия экономикасида асосий ўринни эгаллайди. Машинасозлик, жумладан электротехника ва аниқ приборлар ҳамда турли машиналар ишлаб чиқариш, электр қуввати ҳосил қилиш, металлургия, кон, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик — Австрия саноатининг асосий тармоқларидир. Мамлакат экономикасида йирик монополиялар ҳукмронлик қилади.

Қишлоқ хўжалигида катта ер эгалари помешчиклар ва католик черкови ҳукмрон бўлиб, ҳайдаладиган ернинг 75 проценти (ўрмонлар билан бирга) шулар қўлидадир. Чорвачилик қишлоқ хўжалигида асосий ўрин тутуди, чўчқачилик айниқса ривожланган. Австрияда етиштирилган ғалла ўзига етмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларидан жавдар, сули, буғдой, қанд лавлаги ва картошка экилади.

*Давлат тузуми.* Австрия — федератив давлат. Австрия федерацияси Қуйи Австрия, Юқори Австрия, Зальцбург, Штирия, Каринтия, Тироль, Форарльберг, Бургенлэнд ва Вена вилоятларидан иборат.

Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Парламент икки палатадан: Миллий кенгаш (қуйи ёки биринчи палата) ва

Федераль кенгаш (юқори ёки иккинчи палата) дан иборат. Ҳукуматни канцлер бошқаради.

*Сиёсий партиялари.* Австрия Халқ партияси — 1945 йили Христиан-социалистик католик партия негизда тузилган йirik капиталистик партиядир. Составида бир қанча неофашистик группировкалар бор; Австрия Социалистик партияси — 1945 йилда ташкил этилган, у реформистик сиёсат юргизади; Австрия Озодлик партияси деб аталувчи партия—1959 йилда неофашист «Мустақиллар иттифоқи» негизда тузилган. Партия тепасида собик гитлерчилар туради; Австрия Коммунистик партияси — 1918 йилда тузилган. У Австрия ишчилар синфининг илғор отряди бўлиб, меҳнаткашлар манфаатини изчиллик билан ҳимоя қилмоқда.

Касаба союзларининг марказий ташкилоти— Австрия касаба союзлари бирлашмаси бўлиб, унга Социалистик партия аъзолари раҳбарлик қилади.

Ёшлар ташкилотларидан — Социалистик ёшлар ташкилоти, Австрия ёшлари ҳаракати, Католик ёшлар ташкилоти, Озод Австрия ёшлари иттифоқи ва бошқалар бор.

Ватикан билан 1933 йили тузилган конкордат (битим)га кўра, Австрияда католик черковига давлат билан тенг ҳуқуқ берилган. Черков бу ерда жуда катта бойликларга эга бўлиб, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Австрияда нейтралитет эълон қилинганлиги чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш имкониятини яратиб берди. СССР билан Австрия ўртасида савдо битими тузилган, шунингдек кинофильмлар айирбошлаш, темир йўл ва ҳаво алоқалари ўрнатиш, почта айирбошлаш ва Дунайда кемалар қатнови тўғрисида шартномалар тузилган. 1958—1960 йилларда ҳаво йўли орқали товарлар етказиб бериш тўғрисида СССР билан Австрия ўртасида имзоланган шартнома муваффақиятли амалга оширилмоқда. Австрия СССРга металлургия, машинасозлик ва электротехника саноати маҳсулотлари етказиб беради. СССР эса Австрияга саноат ускуналари, тошкўмир, хом ашё ва озиқ-овқат моллари чиқаради.

## АЛБАНИЯ

(Албания Халқ Республикаси)

Албания Халқ Республикаси — Европанинг жануби-шарқида бўлиб, Болқон ярим оролининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. У Югославия ва Греция мамлакатлари билан чегарадош, ғарбда эса уни Адриатика денгизи ўраб туради.

Майдони 28,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 561 минг киши. Албанлар — Болқон ярим оролидаги энг қадимий халқлардан бири бўлиб, улар ўзларини «шкипетарлар» («бургут қабилиси») деб атайдилар.

Пойтахти Тирана шаҳри (аҳолиси 120 минг киши).

*Табийий шароити.* Албания территориясининг кўп қисмини тоғлар ишғол қилган. Адриатика денгизи соҳилида доим ям-яшил бўлиб турувчи бутазорлар билан қопланган тепаликлар орасида кичик, кўркам водийлар, яхши ўтлоқлар бор. Денгизга қуйиладиган дарёлар ана шу водийлардан оқиб ўтади. Мамлакат территориясининг учдан бир қисмини ўрмонлар (дубзорлар, бук ва ёнғоқзорлар), қолган учдан бир қисмини эса яйловлар ташкил қилади.

Денгиз бўйидаги унча баланд бўлмаган районларнинг иқлими — Ўрта денгиз иқлими, баланд тоғли районларнинг иқлими эса салқин, континентал иқлимдир.

*Қисқача тарихи.* Эрамиздан аввалги биринчи асрдан то эрамизнинг IV асрига қадар албан қабилалари яшаган территория Рим империяси составида бўлиб, кейинчалик Византия таъсирида бўлган. XV асрда мамлакатни Туркия босиб олди. 1404—1467 йиллар давомида албан халқи Искандарбек раҳбарлигида туркларга қарши қўзғолонлар кўтарди. Биринчи Болқон урушида Россиянинг қўллаб-қувватлаши туфайли Болқон мамлакатларининг Туркия устидан қозонган ғалабалари ва бу мамлакатларда бошланган миллий-озодлик ҳаракати 1912 йилда Албанияга мустақиллик келтирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида бошланган миллий-озодлик ҳаракати империалистларнинг Албанияни қайтадан мустамлакага айлантириш планларига кескин зарба берди. Бироқ 1924 йилда Аҳмад Зоғу бошчилигидаги феодал тўдалари чет эл империалистларининг ёрдамига таянган ҳолда ҳокимиятни босиб олди. Аҳмад Зоғу кейинчалик (1928 йил) ўзини «албанлар подшоҳи» деб эълон қилди. 1939 йил 7 апрелда фашистлар Италияси Албанияни босиб олди.

Совет Иттифоқи бу шармандали босқинчиликни қоралади ва албан халқининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида албан халқи ўз озодлиги учун қаҳрамонона курашди. Совет Армиясининг фашист ғалаларига берган қақшатқич зарбалари албан халқига босқинчиларни ўз ватанларидан ҳайдаб чиқариш имконини берди. 1946 йилда Албания Халқ Республикаси деб эълон килинди.

*Хужалиги.* Империалистлар зулмидан озод бўлган Албания ярим мустамлака, қолюқ, аграр мамлакатдан мустақил, аграр-индустриал давлатга айланди.



*Тирана шаҳаридаги Исқандарбек майдони.*

1958 йилда саноатнинг ялпи маҳсулоти 1938 йилдагига нисбатан 18,8 баравар кўпайди. 1938 йилдагига нисбатан 16,9 баравар кўп электр қуввати ҳосил қилинди, нефть чиқариш 4,5 баравар, хром рудалари қазиб чиқариш 36 баравар ва енгил саноат буюмлари ишлаб чиқариш 33 баравар кўпайди. Саноатнинг ўсиши билан бирга Албанияда Церрик, Курбнеши, Преньяс, Рогожина, Мемалнай, Малик ва Патоси каби янги шаҳарлар ҳам вужудга келди.

1959 йилда асосий саноат маҳсулотларидан: 285 миллион тонна кўмир, 607 миллион тонна нефть чиқарилди, 216 миллион тонна битум ҳозирланди, 177 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди, 26 миллион метр ип газлампалар ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалигида ташкил этилган коллектив хўжаликлар бутун ишланадиган ер майдонининг 81,5 процентини ўз ичига олди. Экин ерлари анча кенгайтирилди. 1955 йилда экин экиладиган ерлар 354 700 гектар бўлган бўлса, 1960 йилнинг охирига келиб, 451 200 гектарни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида асосан маккажўхори, буғдой, тамаки, пахта ва қанд лавлаги экилади. Боғдорчилик ҳам (зайтун ва шитрус дарахт-

лари) ривожланиб бормоқда. Чорвачилик, айниқса, қўй ва эчки боқиш қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутди.

Албания нефть, хром рудалари, тамаки каби товарларни 20 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилади.

Албания қадимий миллий маданиятга эга бўлган мамлакатдир. Албан халқ ўзининг ўтмиш ёдгорликларини авайлаб сақлагани ҳолда, ўз маданиятининг энг яхши традицияларини ривожлантирмоқда. 15 йил ичида 400 йил мобайнида чиқарилган китобларга қараганда кўпроқ китоб нашр этилди.

Мамлакат озодликка эришмасдан илгари халқнинг 85 проценти саводсиз эди. Бир вақтлар қолоқ ҳисобланган Албанияда, ҳозирги вақтда 183 минг ўқувчи таълим олаётган 2915 мактаб бор. Албания аҳолисининг ҳар беш кишидан бири ўқийди. 1957 йилда университет ташкил этилди.

*Давлат тузуми.* Албания Халқ Республикасида — Халқ Мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Халқ Мажлиси тўрт йил муддатга сайланади ва у президиум сайлайди ҳамда Министрлар Советини тузади.

1941 йилда тузилган Меҳнат партияси 1948 йилга қадар Қоммунистик партия деб аталган.

Албания Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир. У жуда кўп мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Албан халқи оз муддат ичида бундай муваффақиятларга Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг катта ёрдами натижасида эришди.

Аммо, 1960 йил ўрталаридан эътиборан Албания меҳнат партиясининг ҳозирги раҳбарлари нотўғри сиёсат юргиза бошладилар. Улар мамлакатда шахсга сифинишни зўрайтириб, марксизм-ленинизм таълимотидан узоқлаша бошладилар. Албания меҳнат партиясининг раҳбарлари ўзларини бошқа коммунистик партиялардан ажратиб қўйдилар. Улар социалистик лагерь мамлакатларининг ҳамкорлигига қарши иш тутмоқдалар.

## АНДОРРА

Андорра — Ғарбий Европада бўлиб, Пиреней тоғларининг марказий қисмида, Франция билан Испания чегаралари ўртасида жойлашган давлат.

Майдони 465 квадрат километр. Аҳолиси 5660 киши. Андорраликлар каталон тилида, шунингдек испан ва француз тилларида сўзлашади. Пойтахти Андорра-ла-Вьеха шаҳри (аҳолиси 2 минг кишига яқин).

*Табиий шароити.* Андорра тоғли рельефга эга, табиати жуда хушманзара. Майдонининг учдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган. Дарёлари гидроэнергия манбалари ҳисобланаиб, ишлаб турган гидростанцияларнинг умумий қуввати 35 минг киловаттни ташкил қилади.

*Қисқача тарихи.* Андорра давлати 819 йилда ташкил топган. XIX асрнинг охиридан бошлаб у Франция таъсири остига ўтади.

Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида Андорра бетарафлик сиёсатини амалга оширди.

*Хўжалиги.* Андорра экономика жиҳатдан энг қолақ мамлакат бўлиб, феодал сарқитлари ҳозиргача кучлидир. Лекин, ер ва ер ости бойликлари давлат ёки жамоа мулки ҳисобланади. Хўжаликнинг асосий тармоғи— чорвачилик (қўйчилик) дир. Деҳқончилик мамлакатнинг фақат жанубий қисмида ривожланган. Тамаки етиштириш ва четга чиқариш Андорра даромадининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Овчилик ва туризм ҳам мамлакат хўжалигида маълум аҳамиятга эга.

Андоррада ҳаммаси бўлиб бир неча ярим кустарь корхона бор, ҳолос. Мамлакат сифатли темир руда запаслари ва жуда кўп минерал сув манбаларига эга.

Андорра четга жун, қорамол, ёғоч, тахта, пистакўмир ва сир (пишлоқ) чиқариб, четдан тайёр саноат буюмлари, ун, вино, зайтун мойи ва бошқа товарлар келтиради.

*Давлат тузуми.* Андорра Испания ва Франция протекторати остидаги республикадир.

Бош Кенгаш (парламент) 4 йил муддат билан сайланадиган 24 депутатдан иборат. Президент Кенгаш аъзоларидан сайланади. Мамлакатда фақат оила бошлиқларигина сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

## БЕЛЬГИЯ

(Бельгия Қироллиги)

Бельгия— Европанинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. У Франция, Нидерландия, ГФР ва Люксембург билан чегарадош.

Майдони 30,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 9 миллион 79 минг киши. Аҳолисининг кўпчилик қисмини бельгияликлар—валлонлар ва фламандлар ташкил қилади. Француз ва фламанд тиллари давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Брюссель шаҳри (аҳолиси 994 минг киши).

*Табиий шароити.* Ер юзасининг тузлиши жиҳатидан Бельгия асосан паст текисликда жойлашган мамлакатдир. Иқли-

ми юмшоқ, денгиз иқлими бўлиб, ўртача йиллик температура +10°. Дарёлари қишда музлайди.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Бельгия территориясида қадим замонларда белгларнинг кельт қабилалари яшаган. Кейинчалик улар герман қабилаларига қўшилиб кетди. Франклар давлати тузилиши билан Бельгия унга қўшилди. Бу давлатнинг бўлиниб кетиши натижасида Бельгия икки қисмга ажралиб, унинг ғарбий қисми Францияга ва шарқий қисми Лотарингияга ўтди. 1516 йилда Бельгия испан монархиясига бўйсундирилди. Испан дворянларининг ҳукмдорлиги мамлакатда синфий курашнинг кучайишига олиб келди. 1701---1714 йиллар давомида Бельгия Франция қўл остида бўлди. 1714 йилда эса мамлакатда Австрия ҳукмронлиги ўрнатилди. 1795 йилда уни Франция босиб олди. 1830 йилнинг декабрида Лондонда бўлиб ўтган беш буюк давлат (Россия, Англия, Франция, Австрия ва Пруссия) конференцияси Бельгиянинг мустақиллигини таниди. 1831 йилда эса Бельгия донмий бетарафлик эълон қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бу кичик давлат Европада саноати ривожланган мамлакатга айланиб, мустамлакачилик сиёсатини юргиза бошлади.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларида Бельгия Германия томонидан босиб олинди. 1944 йили инглиз ва америка қўшинлари Бельгияни немис босқинчилардан озод қилди.

*Ҳужалиги.* Бельгия ҳозирги замон индустрияси юқори даражада тараққий этган капиталистик мамлакатдир. Саноатининг асосий тармоқлари йирик банклар ва монополистик компаниялар қўлидадир. Тошкўмир қазиб чиқариш, металлургия ва машинасозлик мамлакат экономикасининг асосини ташкил қилиб, рух, мис, қўрғошин эритиш муҳим аҳамиятга эга. Химия, ойна ва тўқимачилик саноати ҳам бирмунча ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасида иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, бунда қулоқларнинг ҳамда шаҳар буржуазиясининг роли катта. Асосан ем-хашак экинлари, картошка, зиғир, буғдой ва қанд лавлаги экилади.

Қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг, айниқса сут етиштиришнинг роли катта.

Бельгиянинг Ғарбий Европа иттифоқи ва Шимолий Атлантик пактида (НАТО) қатнашиши мамлакат экономикасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1960 йилда ҳарбий харажатлар ҳамма бюджет харажатларининг 15,8 процентини ташкил қилди, маориф соҳасига сарфланган харажатлар эса 1,3 процентгача камайди.





*Янги Брюссель шаҳри.*

Саноат маҳсулотининг 40 процентидан кўпроғи, яъни қора ва рангли металллар, кимё, газмол товарлари ҳамда ускуналар экспорт қилинади. Бельгия ўзида етиштирилган дераза ойнасининг 90 процентини, рухнинг 71 процентини, қора металлургия маҳсулотларининг 70 процентини, ёғочсозлик маҳсулотининг 76 процентини четга чиқаради. Саноатда ишлатиладиган хом ашёнинг 80 процентини чет эллардан келтиради. Ғалла етишмаслиги туфайли, мамлакат эҳтиёжига зарур бўлган арпанинг 70—75 проценти, буғдойнинг 63 проценти ва жавдарнинг 20 проценти чет эллардан келтирилади.

*Давлат тузуми.* Бельгия—конституцион қиролликдир.

Давлат бошлиғи қиролдир. Парламент икки палатадан — вакиллар палатаси ва сенатдан иборат. Ҳар икки палата ҳам 4 йил муддатга сайланади. Қирол парламентни чақириш ва уни тарқатиб юбориш, министрларни тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқига эга. У қонунларни тасдиқлайди ва фармонлар чиқаради.

Бельгия территорияси 9 вилоятга ҳамда кантонларга, қишлоқ ва шаҳар жамоаларига бўлинган. Вилоятларни қирол томонидан тайинланган губернаторлар, кантонларни эса комиссарлар бошқаради.

*Сийсий партиялари.* Социалистик партия—1885 йилда тузилган, Бельгиянинг Ғарбий Европа иттифоқида ва Шимолий

Атлантик пактида иштирок этишининг актив тарафдори; Либераллар партияси— йирик ва ўрта буржуазия зиёлилари вакилларидан ташкил топган, Ғарбий Германияни қуроллантириш ва Конгода мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш тарафдори; Социал-христианлар партияси— Ватикан билан маҳкам алоқа боғлаган католик партия; Бельгия Коммунистик партияси—1921 йилда тузилган, ҳукуматнинг Конгодаги сиёсатига қарши, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашмоқда.

Бельгия ҳукумати НАТОга содиқ бўлиб, герман милитаризмини тиклаш ва Ғарбий Германияни қайта қуроллантиришга қаратилган сиёсат олиб бормоқда. БМТ байроғини ниқоб қилгани ҳолда Африкада реакция мустамлакачилик сиёсати юргизмоқда. 1960 йил 16 июлда Бельгия қўшинлари эндигина мустақилликка эришган суверен Конго мамлакатига бостириб кирдилар. Бельгиялик мустамлакачиларнинг бу ҳаракати Конгони Африкада жиддий кескинлик ўчоғига айлантириб юборди.

1935 йилда СССР билан Бельгия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Брюсселда бўлган Жаҳон виставкасида СССР ҳам қатнашди.

## БОЛГАРИЯ


(Болгария Халқ Республикаси)

Болгария Халқ Республикаси — Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролида жойлашган давлат. У Руминия Халқ Республикаси, Югославия, Греция ва Туркия билан чегарадош. Мамлакатнинг шимолдан оқиб ўтадиган Дунай дарёси— энг муҳим сув йўлидир, унда кемалар қатнайди. Шарқ томонда Қора денгиз билан ўралган бўлиб, бу ҳам мамлакат транспорти учун муҳимдир.

Майдони 111 минг квадрат километр. Аҳолиси 7 миллион 829 минг киши. Мамлакат аҳолисининг 88 процентини болгарлар ташкил қилади. Шарқий ва жануби-шарқий районларида турклар яшайди.

Пойтахти София шаҳри (аҳолиси 644 минг киши).

*Табиий шароити.* Болқон тоғлари Болгариянинг табиий шароитини бир-биридан фарқ қилувчи икки қисмга — Шимолӣ ва Жанубий Болгарияга бўлади. Болқон тоғлари ва уларнинг шимолӣ этаклари ўрмонлар билан, юқори қисми эса игнабаргли дарахтлар билан қопланган.



*Болгарияни озод қилган рус жангчиларига қўйилган ёдгорлик.*

Болгария қўнғир кўмир, тошкўмир, нефть, темир ва мис рудаларига бой.

*Қисқача тарихи.* Болгария узоқ вақт Туркия ҳукмронлиги остида бўлган; XIX асрнинг охирида Россия Болгарияни Туркия зулмидан озод қилди. Совет Армиясининг иккинчи жаҳон уришида немис-фашистлар устидан қозонган ғалабаси Болгарияни фашизм асоратидан қутқазди. 1946 йилнинг 15 сентябрида Болгария Халқ Республикаси деб эълон қилинди.

*Хужалиги.* Илгари қолоқ, аграр мамлакат бўлган Болгария халқ ҳокимияти йилларида индустриал-аграр мамлакатга айланди. Илгари бир йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти эндиликда бир ой давомида ишлаб чиқарилмоқда. Саноатнинг тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, тоғ қазиш, машинасозлик, кемасозлик ва металлургия тармоқлари кенг кўламда ривожланмоқда. 1962 йилда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 1959 йилга қараганда тахминан икки баравар кўпаяди. 1965 йилга бориб, Болгария аҳоли жон бошига электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича Франция, Италия, Греция ва Туркия каби капиталистик мамлакатларга етиб олади ва улардан ўзиб кетади.

Қишлоқ хўжалигида бугдой ва маккажўхори асосий экинлардир. Илгари тарқоқ ва майда ер участкаларига эга бўлган деҳқонларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш кооперативларига бирлашдилар. Бу кооперативларнинг сонни 1000 тага етди.

Транспортнинг асосий хили— темир йўллардир. Марказий ва Жануби-шарқий Европани Яқин Шарқ мамлакатлари (Туркия, Ироқ, Сурия) билан боғлайдиган муҳим халқаро йўл Болгария территориясидан ўтади. Болгария дунёнинг 62 мамлакати билан савдо қилади.

Мамлакат экспортида — машиналар, улкан юк кемалари, самосвал-вагонлар, станоклар, электр ускуналари ва бошқа саноат маҳсулотлари муҳим ўрин эгаллайди.

*Маданияти.* Халқ ҳокимияти йилларида болгар адабиёти ва санъати гуллаб-яшнади. Ҳозирги вақтда мамлакатда 47 театр, 12 симфоник оркестр ишлаб турибди. Таълим ва тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Урта ва олий таълим бўйича Болгария жаҳонда энг олдинги ўринлардан бирида туради.

*Давлат тузуми.* Болгария Халқ Республикаси—социалистик давлатдир. Давлат ҳокимиятнинг олий органи Халқ Мажлиси, ижроия органи— Министрлар Совети, Болгария Коммунистик партияси (БКП) мамлакатда раҳбар сиёсий куч ҳисобланади. Коммунистик партия раҳбарлигида иш олиб

бораётган Ватан fronti— болгар халқининг оммавий-сиёсий ташкилотидир. Болгария Деҳқонлар халқ иттифоқи ҳам социализм қурилишида актив қатнашмоқда. Қасаба союз ташкилотлари Жаҳон Қасаба союзлари Федерациясига ки-ради.

Болгария Халқ Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, 39 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

## БУЮК БРИТАНИЯ

*(Буюк Британия ва Шимолий Ирландия  
Бирлашган Қироллиги)*

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги (Буюк Британия расман шундай деб аталади) Европанинг шимоли-ғарбий қирғоғига яқин бўлиб, Британия ороларидида жойлашган давлат. У Британия оролини, Ирландия оролининг шимоли-шарқий қисмини ва жуда кўп майда ороларни (Оркней, Шетланд, Гебрид ва бошқа ороларни) ишғол қилади.

Буюк Британияни ғарб томондан Атлантик океан ўраб туради. Буюк Британия билан Ирландия ороларини бир-биридан Ирландия денгизи ажратади. Шимолий денгиз, Ла-Манш ва Па-де-Кале бўғозлари Буюк Британияни Европа қитъасидан ажратиб туради.

Буюк Британия ўз территориясининг катталиги жиҳатидан Европадаги бошқа кўп мамлакатлардан кичик бўлса ҳам, лекин дунёнинг барча қитъаларида унинг ерлари (мустамлакалари, протекторатлари, ўз васийлигидаги территориялари) бор. Буюк Британия ўзига қарашли ерлари ва доминионлари билан биргаликда Британия империяси деб аталади.

Бирлашган қироллик составига Буюк Британия оролининг катта қисмини ўз ичига олган Англия ва Уэльс, Буюк Британиянинг шимолидаги Шотландия, Ирландия оролининг шимоли-шарқидидаги Шимолий Ирландия ки-ради. Буюк Британиянинг асосий қисмини Англия ташкил қилади. Шимолий Ирландия автоном область ҳуқуқига эга. Буюк Британия территорияси (Ланкашир, Йоркшир ва бошқа) графликларга бўлинган.

Майдони 244,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 51 миллион 900 минг киши. Инглизлар мамлакат аҳолисининг



*Лондон шаҳридаги  
Вестминистер ибодатхонаси.*

80 процентини ташкил этади. Мамлакатда инглизлар билан бир қаторда шотландлар, ирландлар ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

Пойтахти Лондон шаҳри (аҳолиси 3 миллион 227 минг киши). Бирмингем, Шеффилд, Манчестер, Брадфорд, Лидс ва Ливерпуль — Буюк Британиянинг муҳим шаҳарларидир.

*Табиий шароити.* Буюк Британиянинг шимол ва ғарб томонлари тоғлиқдир. Пеннин тоғлари шимолдан жанубга томон чўзилиб ётади. Оролнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмини Англия паст текислиги ишғол қилади. Бу ердаги яйловларда ширадор ўтлар ўсади. Мамлакатнинг 20 процент майдони экиладиган ерлар, 5 проценти эса ўрмонлар билан банд. Шотландиянинг шарқида

ва Англиянинг жануби-шарқида дуб ўрмонлари кўпроқ ўсади.

Буюк Британия оролини ўраб турган денгизлар Атлантик океан денгизларидир. Бу ердаги дарёлар калта бўлса-да, серсув бўлиб, улар каналлар орқали бир-бирига туташган. Энг йириклари Северн (355 километр) ва Темза (332 километр). Булардан бошқа Трент, Уз, Хамбер, Мерсей, Клайд каби дарёлар ҳам оқади. Денгиз ва дарёлар кемалар қатновида муҳим роль ўйнайди, чунки бу ерда жуда кўп гавань ва қўлтиқлар бор.

Иқлими умуман ўртача. Океаннинг яқинлиги мамлакат иқлимини серёмғир ва туманли типик денгиз иқлимига айлантириб юборади.

*Хўжалиги.* Буюк Британия — юксак даражада тараққий қилган капиталистик индустриал мамлакатдир. Капиталнинг юксак даражада марказлашганлиги ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланганлиги инглиз экономикаси учун характерли ҳолдир. Буюк Британия саноатишлаб чиқариши жиҳатидан капиталистик дунёда (АҚШ ва Ғарбий Германиядан кейин) учинчи ўринни эгаллайди. Саноати асосан, XVIII ва XIX асрларда ривожлана бошлаган тошкўмир, кемасозлик, оғир машинасозлик, станоксозлик, тўқимачилик каби «эски»

ва ХХ асрда ривожлана бошлаган автомобиль, авиация, кимё ҳамда электротехника каби «янги» sanoat тармоқларидан иборатдир. Sanoatning «янги» тармоқлари мамлакат экономикасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, ўзининг 40 процент sanoat маҳсулотини четга чиқаради.

Мамлакат юқори сифатли тошкўмир ва темир руда загаларига бой. Мамлакатда нефть ва рангли металл конлари йўқ. Хом ашё ва ярим фабрикатнинг 90 проценти четдан келтирилади.

Кўмир—Англия sanoatининг асосий энергетика базасидир. Электр станциялар кўмир билан ишлайди; кўмир куйдирилиб коксга айлантирилади. Тошкўмир sanoati—оғир индустрия тармоқлари орасида муҳим ўрин тутади.

Металлургия sanoatида ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган йирик заводлар мавжуд бўлиб, йилига ўрта ҳисобда 18—20 миллион тонна пўлат ва 10—12 миллион тонна чўян эритилади. Чўян эритиш учун ишлатиладиган темир рудасининг анча қисми ва юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш учун зарур бўлган металллар (марганец, хромит ва вольфрам) чет эллардан келтирилади.

Машинасозлик заводларида буг ва электр двигателлари, станоклар, кўтарма кранлар, тўқимачилик машиналари, локомотивлар, автомобиллар ишлаб чиқарилади. Кемасозлик бўйича Буюк Британия дунёда энг олдинги ўринлардан бирида туради.

Шунингдек, Англияда кимё, тўқимачилик sanoati тараққий этган. Атом энергиясидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

Англияда ер йирик помешчиклар—лэндлордлар қўлида бўлиб, улар хўжаликда ўзлари ишламай, ерни фермерларга ижарага берадилар. Йирик фермаларда эса ёлланувчи ишчилар ишлайди. Бу ишчилар қишлоқ аҳолисининг деярли 70 процентини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналари ва ўғитлар ишлатилади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат эҳтиёжининг 40 процентини қоплайди.

Буюк Британиянинг шарқида бугдой, картошка, қанд лавлаги етиштириш ва ем-хашак экинлари экиш ривожланган. Фарбда сут чорвачилиги ривожланиб, жанубда эса қишлоқ хўжалигининг бу тармоғи деҳқончилик ва гўшт чорвачилиги билан биргэ қўшиб олиб борилади. Сабзавотчилик ва мевачилик ҳам кенг тарқалган. Кент ярим ороли боғдорчилик билан машҳурдир. Оролларнинг тоғли жойларида ва Уэльс вилоятида қўйчилик ривожланган. Балиқ овлаш мамлакат экономикасида муҳим роль ўйнайди.

*Ташқи савдо.* Савдо флоти ва шунингдек молиявий операциялар Буюк Британия экономикасида муҳим ўрин тутди. Инглиз савдо флоти ҳажм жиҳатидан капиталистик дунёда биринчи, ташқи савдо кўлами жиҳатидан эса Буюк Британия АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўринда туради. Инглиз импортининг 80 проценти доминионлар ва мустамлакалардан келтириладиган хом ашё ҳам озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат. Экспортнинг 80 процентдан кўпроғини эса тайёр буюмлар ташкил қилади.

*Қисқача тарихи.* Эрамиздан илгариги VIII—VII асрларда ҳозирги Буюк Британия территориясида кельтлар пайдо бўлди. Эрамизнинг I асрида бу ерларни римликлар эгаллади. V—VI асрларда оролларнинг катта қисми англ, сакс ва ютгерман қабилалари томонидан забт қилинди. 1066 йилда мамлакатни нормандлар босиб олди. 1265 йилда парламент тузилиши билан табақали монархия ташкил топди. 1381 йилда У. Тайлер раҳбарлигида феодализмга қарши қудратли деҳқонлар қўзғолони кўтарилди. Қизил тул ва Оқ тул урушларида феодал аъёнлари тор-мор келтирилганидан сўнг Тюдорларнинг (1485—1603 йиллар) ва ундан кейин эса (1603—1649 йиллар) Стюартларнинг мустабид ҳокимиятлари ўрнатилди. Тез орада капитализмнинг жадал ривожланиши натижасида мустабид ҳокимиятга қарши кучли оппозиция пайдо бўлди. 1640—1660 йилларда инглиз буржуа революцияси бўлиб ўтди.

Англиянинг биринчи мустамлакаси Ирландия бўлди. XVII ва XVIII асрлар мобайнида Англия Ҳиндистон ва Шимолий Америкадаги жуда катта ерларни, Франциядан Канадани тортиб олди ва негр савдосини ўзининг монополияси қилиб олди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида деҳқонларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиниши ва капиталистик жамғармалар мамлакатда саноат тўнтариши ясашга замин тайёрлади.

XIX асрнинг 30 йилларига келиб мамлакатда ишлаб чиқаришнинг фабрика системаси мустаҳкам қарор топди. Буюк Британия иқтисодий жиҳатдан бошқа капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

XIX асрнинг 40 йилларида Англияда ишчиларнинг биринчи оммавий революцион ҳаракати— чартизм авж олди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Буюк Британия Австралия, Янги Зеландия, Бирма ва Жанубий Американи мустамлака қилишга киришиб, Ҳиндистонни босиб олишни тугаллади. Хитойга қарши талончилик урушлари олиб борди.

Империализм даврининг бошларига келиб Буюк Британия ўзининг саноат монополиясини йўқота бошлади.



Буюк Британя биринчи жаҳон урушининг бошланишида актив роль ўйнаб, Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган биринчи кунларданоқ АҚШ ва Франция билан биргаликда Совет Россиясига қарши интервенция уюштирди.

1924 йилда лейборист Макдональд ҳукумати СССРни таниди. Бу дипломатик муносабатлар 1927 йилда узилиб, 1929 йилга келиб яна қайта тикланди.

1938 йилда Англия иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига йўл очган Мюнхен битимида иштирок этди. Гитлер Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилгандан кейин, 1942 йилда Германия ва унинг вассалларига қарши урушда иттифоқ тузиш ва урушдан кейин ўзаро ҳамкорлик ҳамда ёрдамлашиш тўғрисида англиз-совет битими имзоланди. Лекин, СССРнинг бир ўзи душманни батамом тор-мор келтиришни аниқ бўлиб қолган пайтдагина Англия АҚШ билан биргаликда 1944 йилда иккинчи фронтни очди.

Буюк Британиянинг урушдан кейинги ташқи сиёсати агрессив НАТО (1949 йил) иттифоқида қатнашиш билан характерланади. Бу иттифоқда англиз-америка блоки ҳали ҳам бош ролни ўйнаб келмоқда. Буюк Британиянинг Ғарбий Германияга нисбатан юргизаётган сиёсати мамлакат ичиде асло маъқулланган эмас. Британия империализмининг 1956 йилда Сувайш каналида, 1958 йилда эса Ливан ва Иорданияда қилган ҳарбий авантюралари ҳам мағлубиятга учради. 1958 йилда англиз дипломатиясининг «эркин савдо зонаси» ташкил қилиш йўлидаги уринишлари ғарбий герман ва француз монополияларининг ўзаро тил бириктириб Европа иқтисодий бирлашмасини тузишлари натижасида муваффақиятсизликка учради. Шундан кейин Англия ҳам ўзининг иқтисодий блокни вужудга келтиришга киришди. Ниҳоятда, Европада иккита иқтисодий группировка пайдо бўлди. Бу группировкалар ўртасидаги рақобат НАТО ҳарбий иттифоқи қатнашчилари ўртасида келишмовчиликлар туғдирмоқда.

*Маорифи.* Мамлакатда маориф тармоқлари бошланғич, ўрта мактаблар ва олий ўқув юртлари — университет ва коллежлардан иборат. Буюк Британия — маданияти ривож топган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Улуғ физик Ньютон, машҳур табиатшунос олим Дарвин ва бошқа англиз олимлари жаҳон фанига катта ҳисса қўшдилар.

*Давлат тизими.* Буюк Британия — конституцион қиролликдир. Давлатга қирол бошчилик қилади. Қирол ҳокимияти меросдан меросга ўтиб, унинг ҳуқуқи парламент билан чекланган. Парламент қонун чиқарувчи орган бўлиб, у, икки палатадан, Умум палатаси (қуйи палата) ва Лордлар пала-

таси (юқори палата)дан иборатдир. Лордлар палатаси наслдан-наслга ўтувчи лорд унвонига эга аристократия вакилларидан иборат. Умум палатаси халқ томонидан сайланиб ижроия ҳокимият бош министр бошлиқ Министрлар кабинети қўлидадир. Ҳукумат умум палатасида қўпчиликни ташкил этган партия вакилларидан тузилади ва шу палата олдида жавобгар ҳисобланади.

*Маъмурий бўлиниши.* Буюк Британия, маъмурий-сиёсий жиҳатдан Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия ёки Ольстер каби бўлақлардан иборат. Шунингдек, Буюк Британияга Мэн, Нормандия ороллари ва бошқа беш мингга яқин майда оролчалар ҳам киради. Мамлакат маъмурий жиҳатдан графликларга бўлинади.

Дунёнинг турли жойларида Буюк Британияга қарашли мустамлака ва протекторатлар бор.

*Сиёсий партиялари.* Консерваторлар партияси — XIX асрда тузилган, инглиз монополистик капитал манфаатини ифодалайди; Лейбористлар (ишчилар) партияси — 1900 йилда ташкил этилган. Бу партияда социал-реформистлар ва қасаба союзларнинг ўнг элементлари кўпчиликни ташкил қилади; Коммунистик партия — меҳнаткашларнинг манфаатини изчил ҳимоя қилиб келмоқда.

Қасаба союз ташкилотларининг бир қисми Британия тред-юнионлари конгрессини ташкил қилади, бошқа қисми коллектив аъзолар ҳуқуқи билан Лейбористлар партиясига кирилади.

Еш консерваторлар ташкилоти, инглиз студентлари миллий иттифоқи, Шотландия студентлар иттифоқи, Коммунистик ёшлар союзи ва бошқалар Буюк Британиянинг ёшлар ташкилоти ҳисобланади.

Кейинги вақтларда Буюк Британия билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро муносабатлар ва савдо алоқаси анча яхшилана бошлади.

## ВАТИКАН

Ватикан — Рим шаҳрининг (Италия) марказий қисмида жойлашган бўлиб, дунёдаги энг кичик «давлат», католик черковининг бошлиғи Рим папасининг қароргоҳи.

Майдони 44 гектар. Аҳолиси 1000 киши. Аҳолисининг бир қисми Ватикан фуқароси ҳисобланади. Аҳолиси итальян тилида сўзлашиб, ҳужжатлар латин тилида юргизилади.

Ватикан 1929 йилдан бошлаб папа билан Италиянинг фашист ҳукумати ўртасида тузилган битимга мувофиқ, алоҳи-

да давлат деб ҳисоблана бошлади. Папа ҳокимияти кишилик жамияти тарихида илғор ва прогрессив бўлган ҳамма нарсага қарши мурасасиз курашиб келди ва курашмоқда. 1930 йилда папа Пий XI СССР га қарши «салб юриши» эълон қилди. 1933 йилда Ватикан Германияда гитлерчилар диктатурасини ўрнатишга қўмаклашди, иккинчи жаҳон уруши даврида эса фашистлар блокига ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Урушдан кейинги йилларда халқ демократияси мамлакатларининг халқларига қарши қаратилган фитналарда қатнашди.

Ватиканнинг валюта ва олтин фонди 12 миллиард долларни ташкил қилади. Ватикан ва унинг ташкилотлари бир неча банкка хўжайинлик қилади. Италия ҳамда дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги юзлаб йирик банкларда Ватиканнинг сармояси бор. Италия банкларида жамғарилган 600 миллиард лиранинг 400 миллиарди Ватикан назорати остидадир.

Черков хизматидаги капиталистлар ўз сармоялари билан Франциянинг тўқимачилик, Канаданинг ўрмон, Американинг металлургия, электротехника ва химия sanoатларида, шунингдек бошқа жуда кўп соҳаларда актив қатнашиб, катта фойда олмоқдалар. Ватикан ва унинг ташкилотларига қарашли капиталнинг умумий миқдори 30 миллиард доллардан ортиқдир.

Ватиканнинг мустамлака ва қарам мамлакатларда юргизаётган миссионерлик фаолияти империалистлар манфаатига хизмат қилиб, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларига қарши қаратилгандир. 1949 йилда Ватикан (папа Пий XII) католик мазҳабидаги кишиларнинг коммунистик партияга аъзо бўлишларини ва ҳатто бу партияга бирон йўсинда хайрихоҳлик билдиришларини таъқиқловчи декрет чиқарди. 1959 йилда эълон қилинган декрет эса Ватиканнинг коммунизмга қарши позицияда эканлигини яна бир марта исботлади.

Ватикан ўз гвардияси, суд ва муассасаларига, ўз пули, матбуоти, матбуот агентлиги ва радиостанцияларига эга.

«Давлат» бошлиғи — папа—кардиналлар кенгашининг учдан икки қисм овози ва қўшимча бир овоз билан умрбод муддатга сайланади.

Қонун чиқарувчи олий ҳокимият, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари папа қўлидадир. Сиёсий ишларни папа томонидан тайинланадиган статс-секретарь олиб боради. Папа «давлати» дунёнинг 40 дан кўпроқ мамлакатлари билан дипломатия муносабатлари олиб боради.

Ватикан СССРга, социализм лагеригаги бошқа мамлакатларга ва бутун тинчлик лагерига нисбатан агрессив сиёсат юргизмоқда.

## ВЕНГРИЯ

(Венгрия Халқ Республикаси)

Венгрия Халқ Республикаси — Марказий Европанинг шарқий қисмида, Урта Дунай ҳавзасида жойлашган давлат. У Чехословакия, СССР, Руминия, Югославия ва Австрия мамлакатлари билан чегарадошдир.

Майдони 93 минг квадрат километр. Аҳолиси 9 миллион 978 минг киши. Аҳолисининг 97 процентини венгрлар (можорлар) ташкил қилади.

Пойтахти Будапешт шаҳри (аҳолиси 1 миллион 807 минг киши).

*Табиий шароити.* Венгрия территориясининг катта қисми-ни Урта Дунай паст текислиги ишғол қилади.

Иқлими континентал бўлиб, ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ, қиши анчагина совуқ бўлади.

Дунай ва Тисса дарёлари Венгрия территориясидан ўтади.

Венгрия территориясининг 12 проценти ўрмонлар билан қопланган. Ер ости бойликларидан боксит, қўнғир кўмир, темир рудаси, коксланувчи кўмир, нефть ва табиий газ бор.

*Қисқача тарихи.* IX асрнинг охирларида ҳозирги Венгрия ерларида Урал бўйи районларидан кўчиб келган можор ёки венгрларнинг угр-фин қабилалари яшаган. XIII асрнинг бошларида Венгрия мустақил феодал вотчиналарига бўлиниб кетди. XV асрда Венгрияни Туркия босиб олди. XVIII асрнинг охирларида Австрия Венгрия устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1867 йилда Австрия ҳукумати Венгрия ҳукмрон синфи билан тил бириктириб, бирлашган Австрия-Венгрия давлатини тузди.

Биринчи жаҳон урушида Австрия-Венгрия давлатининг мағлубиятга учраши ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли Венгрияда миллий-озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Натижада 1918 йилнинг октябрь ойида буржуа-демократик революцияси бўлди, ўша йили ноябрь ойида Коммунистик партия тузилди. 1919 йилда эса Венгрия Совет республикаси деб эълон қилинди. Лекин, кўп ўтмай шу йилнинг августида мамлакатда Хорти бошлиқ фашист режими ўрнатилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Германия фашистлари томонидан босиб олинган Венгрия 1944 йил июнь ойида СССРга қарши уруш эълон қилди. Лекин, ўша йилнинг октябрь ойида совет қўшинлари Венгрия территориясига кирганда, янгидан муваққат ҳукумат тузилди. Янги тузилган Венгрия

муваққат ҳукумати гитлер Германиясига қарши уруш эълон қилди. 1945 йилда Совет Армияси Венгрияни немис босқинчиларидан тамом озод қилди. Венгрия Компартияси мамлакатда халқ демократияси ўрнатиш учун кенг кураш бошлади. Венгрия 1945 йил 31 январда республика деб, сўнгра 1949 йил 15 августда эса халқ республикаси деб эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Урушдан аввалги Венгрия чет эл капитали ҳукмрон бўлган қолоқ, аграр-индустриал мамлакат бўлиб, унинг қишлоқ хўжалигида феодализм қолдиқлари анча кучли эди. Халқ демократияси ҳокимияти йилларида Венгрияда юзлаб йирик саноат корхоналари қурилди ва реконструкция қилинди. Урушдан илгариги даврга нисбатан салкам беш баравар кўп электр қуввати, 28 баравар кўп алюмин, қарийб уч баравар кўп пўлат ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни яқин вақтлар ичида 65—70 процентга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, тери (кўн), пойабзал, озиқ-овқат ва кимё саноатлари — мамлакат саноатининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Венгрия қишлоқ хўжалиги мамлакат эҳтиёжларини тўла таъминлайди, ҳамма экиладиган ернинг 50 процентини социалистик сектор ташкил қилади. Мамлакатда асосан буғдой, маккажўхори, чигит, шоли ва қанд лавлаги экилади.

Чорвачилик — мамлакат қишлоқ хўжалигида муҳим тармоқ ҳисобланади.

1965 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 1954—1958 йиллардаги ўртача даражага нисбатан 33 процент кўпайиши керак. Бу ўсиш қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни механизациялаш, сунъий ўғитлардан кенг фойдаланиш ва ирригация системасини ривожлантириш йўли билан қўлга киритилиши мўлжалланган.

Венгрия халқ ҳукумати саводсизликни бутунлай тугатиб, мамлакатда саккиз йиллик мажбурий таълимни жорий қилди. Урушдан илгари Венгрияда 11 700 студент ўқиган бўлса, ҳозир уларнинг сони 34 850 кишига етди. Илгари ишчи ва деҳқон болалари студентларнинг фақат 3,5 процентини ташкил қилган бўлса, ҳозир 53 процентни ташкил қилади. Мамлакатда янгидан учта университет ташкил этилди. 1959—1960 ўқув йилида 137 минг бола таълим олган 435 ўрта мактаб ишлади. Бошланғич мактабларда эса 1 миллион 300 минг бола таълим олди. Венгрияда саноатнинг турли соҳалари бўйича 119 илмий текшириш институтлари ҳамда Фанлар академияси ишлаб турибди. Тасвирий санъат ходимлари союзи ва Венгрия Ёзувчилар союзи катта ижодий ишлар қилмоқда. Фақат

1958 йилнинг ўзидагина 27 миллион 300 минг нусхада 270 асар нашр этилди.

*Давлат тузуми.* Венгрия Халқ Республикаси — социалистик мамлакатдир. Давлат мажлиси — давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиб, 4 йил муддатга сайланади. Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати ижро этувчи олий орган дир.

Венгрия Социалистик ишчи партияси — венгр халқининг социализм қуришда етакчи ва ташкилотчи партияси ҳисобланади. Партия ўз фаолиятида Ватан фронти, касаба союзлари ва Венгрия Коммунистик ёшлар союзига таянади.

Совет Иттифоқи Венгрияга металлургия корхоналари, машинасозлик заводлари ва цехлари қуришда ёрдам бермоқда. Венгр мутахассислари ўз навбатида энергетика ва аниқ асбоблар, тўқимачилик ва фармацевтика саноатлари соҳасида ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Венгрия билан Совет Иттифоқи ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари ўртасида маданий алоқалар кенг ривожланган. Венгрия юзтача мамлакат билан савдо алоқалари олиб боради.

Венгрия Халқ Республикаси БМТнинг аъзосидир.

## ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Германия Демократик Республикаси — Шимолий Германия паст текислигининг шарқий қисмини, Тюрингия ўрмони тоғлари областини ва Рудали тоғларни ишғол қилади.


Майдони 107,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 17 миллион 411 минг киши.

Пойтахти Берлин шаҳри бўлиб, унинг демократик секторида 1 миллион 122 минг киши яшайди.

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг шимол, шарқ ва ғарб томонлари асосан текисликлар, жануб ва жануби-шарқ томонлари эса тоғли рельефга эга.

Иқлими — ўртача, ёзи илиқ, қиши юмшоқ.

*Қисқача тарихи.* Германия Демократик Республикаси — тарихда биринчи немис ишчи-деҳқон ҳукумати бўлиб, 1949 йил 7 октябрда ташкил топди. Шу йили СССР ҳукумати ГДРдаги совет ҳарбий маъмуриятини тугатди. 1951 йилда ГДРда ўтказилган халқ референдумида қатнашган кишиларнинг 99 процентдан кўпроғи Германия билан сулҳ шартномаси тузишни ёқлаб чиқди. ГДР Халқ палатаси 1951 йил 2 мартда



*Хайерсверд шаҳри яқинида қурилаётган „Шварце пуме“ кўмирни қайта ишлаш комбинати.*

Бонн парламентиغا мурожаат қилиб, бирлашган, мустақил демократик Германияни барпо қилиш учун Миллий мажлисга эркин умумгерман сайловлари ўтказишни ва Германия билан сулҳ шартномаси тузишни муҳокама қилиш учун Умум Германия кенгашини чақириш тўғрисида таклиф қилди. Бонн ҳукумати бу таклифни рад этди. 1952 йилда ГДР ҳукумати тўрт улуг давлат (СССР, АҚШ, Англия ва Франция)га Германия билан сулҳ шартномаси тузишни тезлаштириш тўғрисида мурожаат қилди.

Совет ҳукумати Германия билан тезда сулҳ шартномаси тузиш ва мамлакат бирлигини тиклаш зарур эканлигини кўрсатиб ўтди. Лекин, ҳали урушнинг тамом бўлганига 15 йил тўлганлигига қарамай, Европада энг йирик давлатлардан бири бўлган Германия билан сулҳ шартномаси тузилмади. Бу эса бутун Европа халқларининг тинчлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Совет Иттифоқининг ҳар икки Герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш ҳақидаги таклифни ҳам Ғарб давлатлари томонидан ҳаминша рад этиб келинди.

**Хужалиги.** Германия Демократик Республикаси саноатнинг ривожланиши бўйича Европада бешинчи ўринни эгаллайди. Қўнғир кўмир қазиб чиқариш асосий саноат тармоқларидан бири ҳисобланиб, бу соҳада дунёда биринчи ўринда

туради. Бундан ташқари, металлургия, кимё ва машинасозлик sanoatlari ҳам асосий тармоқ ҳисобланади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планига мувофиқ 1965 йилга бориб ялли sanoat маҳсулоти 1958 йилга қараганда қарийб 2 барабар кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперативлари устун туради. Экиладиган ерларнинг ярмидан кўпи социалистик секторга қарашлидир. Қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлиги бўйича ГДР дунёда олдинги ўринларнинг бирида туради. Мамлакатнинг шимолида жавдар, картошка ва ем-хашак экинлари, жанубида эса буғдой, арпа ва қанд лавлаги экилади. Мамлакат яйловларида қорамоллар, чўчқалар, қўй ва паррандалар боқилади.

ГДР юзга яқин чет эл мамлакатлари билан савдо қилиб, ҳар хил машина, завод ускуналарини экспорт қилади. Нефть, металл, пахта, ёғоч ва шунга ўхшаш товарлар четдан келтирилади.

*Давлат тузуми.* ГДР — социалистик типдаги халқ демократик давлатидир. Халқ палатаси — давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиб, тўрт йил муддатга сайланган 400 депутатдан иборатдир. Халқ палатаси президентни сайлайди.

Халқ палатасининг 1960 йил 12 сентябрда (республика президенти Вильгельм Пикнинг вафотидан кейин) бўлиб ўтган мажлисида президент функцияларини янгидан тузилган Давлат кенгашига топшириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат кенгаши — раис, раиснинг олти ўринбосари, секретарь ва 16 аъзодан иборат бўлиб, Халқ палатаси томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Давлат кенгаши Халқ палатаси олдида қасамёд қилади ва унинг олдида жавобгар ҳисобланади. Кенгаш янги қонунларни эълон қилиш, Халқ палатасига сайловлар муддатини белгилаш, умумхалқ сўроқлари ўтказиш, халқаро битимларни ратификация қилиш ва бекор қилиш, элчиларни тайинлаш ва чақириб олиш, ишонч ёрлиқларини қабул қилиш, қонунларни қараб чиқиш, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигига тегишли муҳим қарорлар қабул қилиш, миллий мудофаа кенгаши аъзоларини тайинлаш, ҳарбий ва дипломатик унвонлар бериш, орден ва бошқа мукофотлар билан мукофотлаш каби ҳуқуқларга эга.

Германия Бирлашган социалистик партияси — ГДРнинг раҳбар ва ташкилотчи кучи бўлиб, антифашист демократик партиялар ва оммавий ташкилотларга бошчилик қилади.

Германия Демократик Республикаси ҳамма Шарқий Европа мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик битимлари



тузган. Социалистик лагердаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик алоқалари кундан-кунга кенгайиб, мустақамланиб бормоқда.

Германия Демократик Республикаси СССР ҳукумати томонидан илгари сурилган ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини қўллаб-қувватлаб, совуқ уруш муносабатларига қарши, халқлар ўртасидаги тинчлик учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда.

## ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ

Германия Федератив Республикаси — Европанинг марказий қисмида жойлашган давлат. У Шимолий Германия паст текислиги, Урта Германия тоғларининг ғарбий қисмини, Рейн водийси ва Бавария ясси тоғлигини ишғол қилади.

Майдони 248 минг квадрат километр. Аҳолиси 53,1 миллион киши. Пойтахти Бонн шаҳри (аҳолиси 140 минг киши).

*Қисқача тарихи.* Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилгандан сўнг, Потсдам конференциясида Совет Иттифоқининг қатъий ва изчил сиёсати туфайли мустақил, демократик ва тинчликпарвар герман ҳукуматини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лекин, кўп ўтмай Ғарб мамлакатлари мазкур қарорларни бузиш йўлига ўтиб, Германияни парчалаб юбориш, унинг ғарбий қисмини агрессив ҳарбий блокларга тортиш мақсадида «Бизония» ва «Тризония»ни туздилар. Тез орада пул ислоҳоти ўтказилди ва Германия Федератив Республикаси эълон қилинди. 1949 йилда Бонн шаҳрида герман ҳамда америка монополистларининг гумаштаси бўлган Аденауэр бошчилигидаги ҳукуматнинг тузилиши Германияни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан икки қисмга бўлиб ташлади.

*Ҳужалиги.* Германия Федератив Республикаси — капиталистик давлат. Унинг территориясида йирик капиталистлар, помещиклар ва катта ер эгалари ҳукмронлик қилиб, бир неча қудратли монополистик уюшмалар мамлакат экономикасини ўз чангалига олган. Ишлаб чиқаришнинг йириклашиши ва капиталнинг концентрациялашуви мамлакатда нацизм ҳукмронлик қилган даврга нисбатан ортиб кетди. Ун еттига энг йирик ғарбий герман концерни акцияли капиталнинг 80 проценти устидан назорат қилмоқда. 1957 йили миллионерларнинг сони 3502 кишига етди. Абс, Крупп, Флик, Тер-Меер ва Виннекер каби миллионерлар фашист режими дав-

ридагидек, Бонн ҳукуматининг сиёсатини жонлантириб юбордилар.

Германия Федератив Республикаси саноатида тошқўмир, металлургия, машинасозлик, электр-техника ва кимё саноати тармоқлари етакчи роль ўйнайди. Енгил саноатнинг асосий тармоғи — тўқимачилик саноати четдан келтириладиган пахта ва сунғий тола билан ишлайди.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий ўрин тутаети. Деҳқончилик экинларидан буғдой, қанд лавлаги ва картошка экилади, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва тамакичилик ривожланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мамлакат аҳолиси 70—75 процентининг эҳтиёжини таъминлайди, холос.

Четга асосан саноат моллари чиқариб, четдан озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё келтиради.

Экспорт борасида Германия Федератив Республикаси капиталистик дунёда иккинчи ўринни эгаллаб олди. Ғарбий герман монополиялари меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатация қила бошлади. Шунинг учун ҳам аҳолидан олинадиган солиқларнинг миқдори узлуксиз ортиб, ишсизлар сони кўпаймоқда. 1960 йил январь ойида ишсизларнинг сони 627 минг кишига етди.

Мамлакат экономикасини ҳарбийлаштириш капиталистлар учун янгидан-янги заказлар ва катта фойдалар келтирмоқда.

*Давлат тузуми.* Ғарбий Германия — буржуазия типидagi федератив республикадир. Давлатга президент бошчилик қилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент амалга оширади. Ижроия ҳокимияти канцлер бошлиқ министрлар кабинети ихтиёридадир.

Аденауэр бошлиқ Бонн ҳукуматининг аъзолари орасида собиқ нацистлар партияси ва штурмчи отрядларнинг актив аъзолари, Гитлер армиясининг офицерлари, қолганлари эса концернларнинг вакиллари ёки йирик саноат эгаларидир.

*Сиёсий партиялари.* Христиан демократлар союзи — 1950 йилда тузилган, ғарбий герман монополияларининг етакчи партияси бўлиб, бу партияга Аденауэр раислик қилмоқда; Христианларнинг социал-союзи — бу партия 1945 йилда ташкил этилган; Социал-демократик партия — 1946 йилда тузилган, йирик оппозициячи партия; Германия Коммунистик партияси — 1918 йилда тузилган, 1956 йилда қонундан ташқари деб эълон қилинди ва яширин иш олиб боришга кўчди.

Германия Федератив Республикасининг сиёсий ва оммавий ҳаётида қора реакциянинг фаолияти активлашмоқда. «Буюк Германия» империясини қайта тиклашни талаб қилувчи майда

сиёсий ташкилотлар ва турли уюшмалар жонланмоқда. Давлат аппарати ва суд органларида ишлаб турган собиқ гитлерчиларнинг сони тобора ортмоқда. Демократик кучлар қувғинга учрамоқда. Мамлакат НАТО ҳарбий блокиннинг Европа қитъасидаги асосий зарба берувчи кучига айлантирилмоқда. Ғарбий Германия ҳукумати қўшни давлатларда ҳарбий базалар қуриш сиёсатини юргизиш билан бирга, халқаро кескинликни юмшатишга, шунингдек Германия билан тинчлик шартномасини тузишга ва Ғарбий Германиядаги аҳволни нормаллаштиришга қарши чиқмоқда.

Айни вақтда мамлакатдаги прогрессив кучлар ҳарбий блокларга қарши, ҳар иккала Германияни тинчлик йўли билан бирлаштириш учун ва герман империализминини қайта тиклашга қарши кескин кураш олиб бормоқдалар.

## ГРЕЦИЯ

(Эллилар Қироллиги)

Греция — Болқон ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган давлат. Унинг уч томони денгиз билан ўралиб, шимолда Албания, Югославия ва Болгария билан чегарадошдир.

Майдони 132,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 8,2 миллион киши. Аҳолисининг 94 процентини греклар ташкил қилади.

Пойтахти Афина шаҳри (аҳолиси 565 минг киши).

*Табиий шароити.* Ер юзасининг тузилиши жиҳатдан Греция тоғли мамлакатдир. Паст текисликлар ва текис ерлар унча катта бўлмаган майдонни ишғол қилса ҳам қишлоқ хўжалиги учун ҳосилдор ерлар ҳисобланади.

Мамлакат Урта денгиз иқлимига эга.

*Қисқача тарихи.* Греклар Европада энг қадимий халқлардандир. XIX асрнинг охириги чорагида Греция бир неча аср давом этиб келган турк асоратидан қутулди ва мустақилликка эришди.

Биринчи жаҳон урушида Греция Антантага қўшилди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида мамлакатда революцион ҳаракат кучайиб кетди. Иккинчи жаҳон урушида мамлакатни Германия босиб олди. Грек халқи ўзининг Коммунистик партияси раҳбарлиги остида босқинчиларга қарши курашга отланди. Партизан отрядларини Халқ озодлик армияси (ЭЛАС)га бирлаштирган Миллий-озодлик fronti тузилди. Лекин, фашистлар Германияси тор-мор келтирилгач, Варкиз шартномасига асосан ЭЛАС тарқатиб юборилди.



*Афина шаҳарининг умумий кўриниши.*

Кейинчалик демократик армия вужудга келди. Бу армия мамлакатнинг бир қисмини озод қилди ва демократик муваққат ҳукумат тузилди. 1949 йилда муваққат ҳукумат кенг кўламдаги харбий операциялардан воз кечиш, меҳнаткашларнинг курашини иқтисодий ва сиёсий талаблар билан давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1952 йилдан эътиборан Греция НАТО аъзоси.

*Хужалиги.* Греция — аграр мамлакатдир. Миллий даромадда саноат салмоғи 19 процентни ташкил қилади. Тўқимачилик, кимё ва озиқ-овқат саноатлари асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, металл ишлаш, кўн, қоғоз ва тоғ-кон саноати корхоналари ҳам бор. Экономиканинг бир қатор тармоқларида чет эл капитали, айниқса америка ва инглиз капитали ҳукмрон.

Қишлоқ хўжалиги экспорт қилинадиган маҳсулотлар — тамаки, зайтун, цитрус экинлари ва пахта етиштиришга мўлжаллаб ихтисослаштирилган. Кейинги вақтларда ғалла, айниқса буғдой экишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чорвачиликда асосан эчки ва қўй боқиш устун туради. Бундан ташқари чўчқа, йилқи, хачир ва сигирлар ҳам боқилади. Ипакчилик ва балиқ овлаш ҳам анча ривожланган.

Ҳарбий блокда иштирок этиш Греция экономикасини орқага судрамоқда. Сўнгги ўн йил мобайнида Греция ҳарбий харажатлар учун 40 миллиард драхма сарфлади. Бу эса Давлат йиллик бюджетининг деярли ярмини ташкил этади. Натижада, грек халқининг турмуши йилдан-йилга оғирлашмоқда,

1960 йилда меҳнаткашларга солинган солиқларнинг умумий миқдори сал кам 13 миллиард драхмага етди. Шунинг айтиб ўтиш керакки, айни вақтда грек ишчисининг иш ҳақи Европада энг паст иш ҳақи ҳисобланади.

*Давлат тузуми.* Греция конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи қиролдир. Қонун чиқарувчи ҳокимият қирол ва бир палатали парламент қўлида. Ижро этувчи ҳокимият эса Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

*Сийёсий партиялари.* Миллий радикаллар союзи — ҳукмрон партия, йирик молия-саноат буржуазияси ва катта ер эгалари манфаатини ифода этади, 1956 йилда тузилган; Бирлашган демократик сўл партия — 1951 йилда тузилган, меҳнаткашларнинг манфаатини ифодаловчи прогрессив партия; Либераллар партияси — 1910 йилда тузилган, йирик саноат ва молия буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилади; Демократлар союзи — 1958 йилда тузилган бу партия прогрессив руҳда бўлган бир қатор интеллигенция табақалари, майда ва ўрта буржуазия манфаатларини ифодалайди.

Греция Коммунистик партияси — 1918 йилда тузилган. 1947 йили ҳоқундан ташқари деб эълон қилинган ва ҳозир ўз фаолиятини яширин равишда олиб бормоқда.

## ДАНИЯ

(Дания Қироллиги)

Дания — Болтиқ денгизи билан Шимолий денгиз ўртасида жойлашган давлат. Ютландия ярим оролининг катта қисми ва яқин атрофдаги бир тўда ороллардан иборат.

Майдони 43 минг квадрат километр. Аҳолиси 4,5 миллион киши. Аҳолисининг 99 процентини данияликлар ташкил қилади.

Пойтахти Копенгаген шаҳри (аҳолиси 1 миллион 168 минг киши).

*Табиий шароити.* Дания — денгиз мамлакати бўлиб, ер юзасининг тузилиши жиҳатидан Европадаги давлатлардан фарқ қилади. Мамлакат территорияси асосан сидирға паст текисликдан иборат бўлиб, биронта ҳам каттароқ баландлик йўқ.

Бу ерда денгиз иқлими мавжуд.

*Қисқача тарихи.* Қадимги данияликлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар VI аср ҳужжатларида учрайди. Бир вақтлар Дания Шимолий Европада ва Болтиқ денгизда ҳукмрон



*Хиллерүддаги Фредериксбург қасри.*

ҳамда қудратли давлат эди. XVIII асрда унинг қудрати бўшашиб, қарам бўлган мамлакатлар бирин-кетин ундан ажралиб чиқдилар.

Биринчи жаҳон урушида Дания бетарафлик эълон қилди. 1916 йилда АҚШнинг тазйиқи остида ўзининг Вест-Индиядаги ерларини унга сотди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатда оммавий ҳаракатни кучайтириб юборди. 1919 йилда Коммунистик партия тузилди. 1920 йилда ўтказилган плебисцит туфайли Шимолий Шлезвиг Данияга қайта қўшилди. 1940 йилда Данияни гитлерчилар Германияси босиб олди. Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германиясининг тор-мор келтирилиши натижасида Дания озод бўлди. 1949 йилда Дания агрессив НАТО пактига қўшилди.

*Хужалиги.* Дания ривожланган аграр-индустриал мамлакатдир. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади, балиқ овлаш ҳам яхши ривожланган.

Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, оёқ кийим, машина-созлик, кемасозлик ва цемент ишлаб чиқариш мамлакатнинг асосий саноат тармоқларидан ҳисобланади.

Дания экономикасининг заиф томонларидан бири шундаки, четдан келтириладиган молларнинг миқдори четга чиқариладиган молларга нисбатан бир неча марта кўп. Мамлакат саноатида америка, инглиз ва ғарбий герман капиталининг иштироки катта. НАТО иштирокчиси бўлган бу давлат ғарбий харажатлар учун салмоқли маблағ харжлашга мажбур бўлмоқда. Булар меҳнаткашларнинг турмуш даражасининг йил сайин ёмонлашувига, солиқларнинг ҳажми ортиб боришига ва озиқ-овқатнинг нархлари кўтарилиб, ишсизлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

*Давлат тузуми.* Дания — конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи қиролдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни у бир палатали парламент (фолькетинг) билан биргаликда амалга оширади. Ҳукумат қирол номидан иш юритади.

*Сиёсий партиялари.* Социал-демократик партия — 1871 йилда тузилган, реформистик партия; Венстре партияси — 1870 йилда тузилган, йирик ва ўрта ер эгалари манфаатини ҳимоя қилади; Консерватив халқ партияси — 1915 йилда тузилган, йирик саноатчилар, молиячилар ва унвони бўлган ас-лодалар манфаатини ифодалайди; Радикаллар партияси — 1905 йилда тузилган, қишлоқ ва шаҳар майда буржуазиясининг манфаатини ифода этади; Коммунистик партия — 1919 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатини оғишмай ҳимоя қилиб келмоқда.

Дания амалда, тобора ғарбий герман реваншистларининг яқин иттифоқдошига айланиб бормоқда. Дания ишчилар синфи эса меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун, ғарбий тайёргарликларига қарши ва Данияда Ғарбий Германия ғарбий базалари қурилишига қарши курашмоқда.

## ИРЛАНДИЯ

*(Ирландия Республикаси)*

Ирландия республикаси (Эйре) — Ғарбий Европада жойлашган давлат бўлиб, Ирландия оролининг жанубий катта қисмини ишғол қилади. У шимолда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги составидаги Шимолий Ирландия билан чегарадош. Жануб, ғарб ва шимолий-ғарб томонлари Атлантик океан билан ўралган. Мамлакатнинг шарқ томонини ўраб турган Ирландия денгизи уни Буюк Британиядан ажратиб туради.

Майдони 70,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 2,8 миллион киши. Асосан ирландлардан иборат бўлган бу мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисми гэл тилида сўзлашади.

Пойтахти Дублин шаҳри (аҳолиси 584 минг киши).\*

*Табиий шароити.* Ирландиянинг ери асосан текисликдан иборат. Мамлакат территориясининг бешдан бир қисмини ботқоқликлар ташкил қилади. Ирландияда дарё ва кўллар кўп, унинг шимолий-ғарбий қисми «кўллар ўлкаси» деб аталади.

Мамлакат сернам, денгиз иқлимига эга.

*Қисқача тарихи.* Ирландия — Буюк Британиянинг биринчи мустамлақасидир. XII асрдаёқ Ирландия ороли инглиз-норманд баронлари томонидан босиб олинди. Ирландларнинг инглизлар ҳукмронлигига қарши, миллий мустақиллик учун олиб борган узоқ кураши натижасида 1949 йилда Ирландия республика деб эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Ирландия — аграр мамлакатдир. Экономикасининг асоси — чорвачилик бўлиб, саноати унча ривожланмаган. Мамлакатда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар кўп. Тўқимачилик ва тикувчилик саноатлари ҳам бирмунча ривожланган.

Чет элларга қорамол, ёғ, бэкон, зиғирпоя ва ундан ишланган буюмлар чиқариб, четдан тамаки, ғалла ва бошқа озиқ-овқат товарлари, машиналар ҳамда транспорт воситалари келтиради.

Мамлакат экономикасида капиталистик монополияларнинг таъсири кучли, улар саноат, транспорт, банк ва қишлоқ хўжалигини назорат қилиб туради. Мамлакат хўжалиги жуда ҳам пасайиб кетган, тушкун аҳволда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад Дания ва Англиядагига нисбатан икки баравар кам. Аҳоли турмуш шароитининг ёмонлиги ва ишсизлик туфайли йилига 40 минггача киши Ирландиядан бошқа мамлакатларга кўчиб кетади.

*Давлат тизими.* Ирландия — буржуа республикасидир. Давлат бошлиғи — президент бўлиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари Парламент ва ҳукумат томонидан жуда чеклаб қўйилган. Бош министр президент томонидан тайинланади.

*Сийсий партиялари.* «Фианна Фойн» (Тақдир солдатлари) — 1926 йилда тузилган, шаҳар ва қишлоқ буржуазиясининг миллатчи партияси; «Фине Гал» — 1933 йилда тузилган, йирик модия ва саноат капитали манфаатларини ифодалайди; Лейбористлар партияси — 1912 йилда тузилиб, бу социал-реформистлар партиясидир; Коммунистик партия — 1933 йилда тузилган. Ишчилар манфаатини ҳимоя қилувчи бупартия мамлакатнинг бўлиб юборилишига қарши ва ижтимоий тизимни демократлаштириш учун актив курашмоқда.



## ИСЛАНДИЯ

(Исландия Республикаси)

Исландия — Европанинг шимоли-ғарбида, Исландия оролида жойлашган капиталистик мамлакатдир.

Майдони 103 минг квадрат километр. Аҳолиси 173 минг киши. Аҳолисининг 90 процентини исландияликлар ташкил қилади.

Пойтахти Рейкьявик шаҳри (аҳолиси 70 минг киши).

*Табиий шароити.* Исландиянинг рельефи тоғлидир. Исландия ороли вулканларнинг отилиб чиқиши натижасида пайдо бўлган, ҳозир ҳам отилиб турадиган вулканлар ва гейзерлар кўп.

Мамлакат территориясининг бир қисми доимий муз билан қопланган. Усимлик оз. Асосан қайин, тол, рябина ва арча ўсади. Исландияда ҳайвонлар жуда кам. Оролни ўраб турган океан сувлари тюлень, морж ва балиққа айниқса бой. Фойдали қазилмалари йўқ даражада. Мамлакатдаги Катта Гейзер булоғи жуда машҳурдир.

Исландия иқлими: киши юмшоқ, сернам ва илиқ, ёзи салқин ва булутли. Январь ойининг ўртача температураси  $-3^{\circ}$ ,  $+3^{\circ}$ , июлники  $+7^{\circ}$ ,  $+12^{\circ}$ .

Дарёлари қисқа ва тез оқар.

Исландлар — IX—XI асрларда Исландияга кўчиб келган норвеглар билан данияликларнинг авлодларидир. Иккинчи жаҳон урушига қадар Исландия Дания қироли билан иттифоқда турувчи давлат эди. Дания қироли айна вақтда Исландия қироли ҳам эди. 1944 йилда Исландия Даниядан тамомила ажралиб, республика деб эълон қилинди. 1948 йилда Исландия «Маршалл плани» системасига қўшилиб, америка монополияларни асоратига тушди. 1949 йилда эса Атлантик ҳарбий иттифоқига аъзо бўлиб кирди. 1952 йилда Исландия ҳукумати АҚШ билан Исландияни мудофаа қилиш тўғрисида шартнома тузиб, америкаликларга Исландия территориясидан ҳарбий база сифатида истаганларича фойдаланиш ҳуқуқини берди. 1956 йилда кенг халқ оммасининг тазйиқи остида парламент мазкур шартномани қайта кўриб, америка қўшинларини мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ бу қарор амалга ошмади.

*Ҳўжалиги.* Исландия иқтисодий жиҳатдан америка ва инглиз монополиялари асоратндадир. Балиқ овлаш ва қўйчилик мамлакат экономикасининг асосий тармоқларндир. Аҳоли жон бошига балиқ овлаш бўйича Исландия дунёда биринчи ўринда туради. Балиқни қайта ишлайдиган заводлар кўплаб консервалар, балиқ мойи ва балиқ уни тайёрлайдилар.

4 *Жаҳондаги мамлакатлар*

Деҳқончилик кам ривожланган. Мамлакат территориясининг фақат 0,4 процентигагина экин экилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 80 проценти катта ер эгалари қўлида бўлиб, улар ёлланган батраклар меҳнатидан кенг фойдаланадилар.

Исландия экспортининг 95 процентини балиқ ва балиқ маҳсулотлари, 2—3 процентини эса жун, кўн ва улардан ишланган буюмлар ташкил қилади. Нефть маҳсулотлари, кўмир, қурилиш материаллари, ғалла ва саноат моллари чет эллардан келтирилади.

*Давлат тузуми.* Исландия — парламентли буржуазия республикасидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Альтинг (парламент) амалга оширади. Альтинг Юқори ва Қуйи палаталарга бўлиниб, тўрт йил муддатга сайланадиган 52 депутатдан иборат. Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Ҳукумат президент томонидан тайинланади ва расман Альтинг олдида жавобгардир.

Маъмурий жиҳатдан Исландия 16 вилоятга бўлинади.

*Сийсий партиялари.* Прогрессив партия — 1916 йилда тузилган, аграр капитал манфаатларини ифода этувчи буржуазия партияси; Исландия Бирлашган социалистик партияси — 1938 йилда Коммунистик партия билан Ишчи партияси сўл группасининг бирлашишидан ташкил топиб, мамлакатнинг миллий мустақиллиги учун, чет элларнинг аралашувиغا қарши изчил кураш олиб бормоқда; Социал-демократик партия — 1916 йилда тузилган.

Исландиянинг прогрессив доиралари мамлакатни НАТО ҳарбий блокдан чиқишини, АҚШ билан тузилган ва Кефлавик ҳарбий базасини қуришга олиб келган шартномани бекор қилишни ҳамда америка қуроли кучларининг Исландиядан олиб кетилишини талаб қилмоқдалар.

## ИСПАНИЯ

Испания — Европанинг жануби-ғарбида бўлиб, Пиренея ярим оролида жойлашган давлат. Мамлакатнинг қитъадаги асосий қисмидан ташқари Урта денгиздаги Балеар ороллари ва Атлантик океандаги Канар ороллари ҳам Испания таркибига киради. Африка қитъасида Испаниянинг бир неча мустамлақалари бор.

Майдони 503,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 29 миллион 894 минг киши бўлиб, кўпчилигини испанлар ташкил қилади.

Пойтахти Мадрид шаҳри (аҳолиси 1,9 миллион киши).

*Табийий шароити.* Испания — тоғли мамлакат. Территориясининг катта қисмини Месета ясси тоғлиги ишғол қилган. Бу

ясси тоғликни шимолда Пиренея ва Кантабрия тоғлари, жанубда Андалузия тоғлари ўраб туради. Фақат денгиз бўйлари ва дарё ҳавзасидаги баъзи ерларгина унумдор текисликлардан иборат.

Мамлакат иқлими — қуруқ, континенталдир.

*Қисқача тарихи.* XV асрда Испания ерлари бир бутун давлат бўлиб бирлашди. XVI асрда мамлакатда абсолют монархия ўрнатилди. XV аср охирида Марказий ва Жанубий Американи мустамлака қилиб олиш бошланди ва бу ҳол Испаниянинг кучайиб кетишига ҳамда бойишига олиб келди. XVII—XVIII асрларда Испания иқтисодий тушкунликка учраб, мамлакатни сиёсий жиҳатдан ҳам кучсизланишга олиб келди. Натижада Европа ва Америкадаги бир қанча мустамлака мамлакатлар Испаниядан ажралди.

Биринчи жаҳон урушида Испания бетарафлик эълон қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида мамлакатда революцион ҳаракатлар бошланиб кетди. 1920 йилда Испания Коммунистик партияси ташкил топди. 1931 йилда монархия афдалиб, республика эълон қилинди. 1936 йилда генерал Франко раҳбарлигида фашистлар исёни бошланди. Исёни гитлерчилар Германияси ва фашистлар Италияси ташкил қилиб, Франция, Англия ҳамда АҚШ империалистлари томонидан қўллаб-қувватланди. 1939 йилда эса генерал Франко диктатураси ўрнатилди ва шундан буён испан халқи фашистлар режими асоратида ззилиб келмоқда.

Франко режими испан халқининг бошига катта фалокатлар келтириб, мамлакатнинг миллий мустақиллигини Гитлер ва Муссолинига арзон-гаров сотиб юборди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса Франко америка империалистларининг содиқ малайи бўлиб, Испанияни социалистик лагерга қарши душ базасига айлантирди. Франко Испаниясида сўз, йиғилиш ва жамиятлар тузиш каби энг оддий гражданлик ҳуқуқлари поймол этилди. Иш ташлаш ва йиғилишларда қатнашиш, шунингдек мавжуд режимга тил тегизиш жиноят ҳисобланади. Юзлаб ва минглаб ватанпарварлар қамоққа олинган ва олинмоқда. Бироқ йигирма йилдан бери ҳукмронлик қилаётган фашистлар диктатураси Испания халқининг озодлик ва демократияга бўлган иродасини бука олмади. Испан халқи Коммунистик партия раҳбарлигида озодлик ва демократия учун, халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун кураш олиб бормоқда.

*Хужалиги.* Испания — аграр-индустириал мамлакатдир. Унинг қишлоқ хўжалигида феодализм қолдиқлари сезиларли даражада сақланиб қолган.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасида етакчи ўрин тутади. Лекин, шунга қарамай хўжаликнинг бу асосий соҳаси жуда ҳам қолоқ. 1959 йилда 1929 йил даражаси миқдориди маҳсулот етиштирилганлиги бундан далолат беради. Экиладиган ерларнинг деярли ҳаммаси феодалларга тегишли бўлиб, миллионларча деҳқонлар ерсиздир. Ижара ҳақи эса жуда баланд. Бунинг устига деҳқонлар 40 дан ортиқ турли солиқларни тўлашга мажбур. Қишлоқ хўжалигида асосан буғдой, арпа, маккажўхори экилади. Зайтун мойи етиштириш бўйича Испания дунёда биринчи ўринда туради.

Испаниянинг саноати Франко режими даврида ортиқча ривожланмади. Енгил (тўқимачилик ва озиқ-овқат), тоғ-кон ва ҳарбий саноатлар асосий ўринда туради. Саноатда чет эл капиталининг мавқеи жуда ҳам зўр. Чет элларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хом ашё, темир рудаси, пирит, пробка, зайтун мойи, апельсин, вино ва зайтун меваси чиқаради, четдан саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, буғдой, лавия, картошка, пахта, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Франко давлат, ҳукумат ва армия бошлиғи, шунингдек ҳукмрон партия — «Испания фалангаси»нинг раҳбари ҳамдир. 1947 йили Испания монархия деб эълон қилинди. Лекин, подшо ҳокимиятининг ўрнатилиши генерал Франконинг ўлимидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

*Сийёсий партиялари.* 1939 йилдан бери «Испания фалангаси» партиясидан бўлак ҳамма сийёсий партиялар яширин иш олиб боради. Долорес Ибаррури раҳбарлигидаги Коммунистик партия Франко тузумига қарши олиб борилаётган умумхалқ курашининг ташкилотчиси ва илҳомчисидир.

## ИТАЛИЯ

(Италия Республикаси)

Италия — Европанинг жанубида, Урта денгиз ҳавзасида жойлашган давлат. У Апеннин ярим ороли ва унинг шимолидаги Падана текислигининг ҳамда Сицилия, Сардиния ва бошқа бир қанча майда ороллари ишғол қилиб, Югославия, Австрия, Швейцария ва Франция мамлакатлари билан чегарадошдир.

Майдони 301,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 50 миллион 519 минг киши. Қадимги римликларнинг авлоди итальянлар мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади.

Пойтахти Рим шаҳри (аҳолиси 1 миллион 956 минг киши), жаҳонда энг қадимий шаҳарлардан. Асосий шаҳарлари —



*Неаполь шаҳрининг кўриниши.*

Милан (саноат маркази), Генуя (асосий денгиз порти), Венеция ва Неаполь.

*Табий шароити.* Италия территориясининг 40 процентини тоғлар, 40 процентини тепалик ва тоғ этаклари, қолган 20 процентини эса паст текислик ҳамда текисликлар ишғол қилади. Мамлакатнинг шимолида Альп тоғлари қад кўтариб, унинг энг баланд чўққилари Монблан (4810 метр) ва Монте-Роза (4638 метр) дир. Альп тоғларининг ён бағирлари жануб тарафдан ўрмонлар (каштан, бук, қарағай ва арча) билан, баландроғи оч-яшил, ширадор, ўтлоқлар, чўққилари эса доимий қор ва музликлар билан қопланган. Йирик гидроэнергия манбалари ҳисобланган дарёлари шу тоғлардан бошланади. Альп тоғ водийларида Гарда, Камо, Лато-Маджора каби кўпгина кўллар бор. Тоғ яйловларида қўй ва қорамоллар боқилади. Альп этакларидаги водийларда деҳқончилик қилинади.

Италиянинг асосий дарёлари По ва Тибр.

Мамлакатнинг иқлими шимолда ўртача, жанубда эса субтропик ва Урта денгиз иқлимидир.

*Қисқача тарихи.* Италиянинг қадимги тарихи Рим қулдорлиги тарихи билан маҳкам боғлангандир. V асрда Фарбий Рим империяси қулагач, Италия остготлар, Византия ва лангобардлар босқинига дучор бўлди. VIII—IX асрларда Италия франклар қироллиги составида бўлди, XI асрдан бошлаб у, Рим папалари билан герман императорлари ўртасида бўлган курашлар майдонига айланди. XI асрда Италия шаҳарлари мустақил республикалар бўлиб олди. XI—XIII асрлардаги салиб юришлари Венеция, Генуя ва Пиза шаҳарларини Европа билан Шарқ ўртасида бўладиган савдо-сотиқнинг воситачи марказларига айлантirdи.

XII—XIV асрларда синфий қарама-қаршиликларнинг кучайиши натижасида деҳқонлар бир неча мартаба қўзғолон кўтардилар. Бу даврларда мамлакатда якка подшолик ҳокимияти ўрнатилди. XIV—XV асрларда Италия буржуа маданиятининг уйғониши билан машҳур.

XVIII асрда Италия Наполеон урушлари натижасида Франция асоратида бўлди. Суворовнинг Италия походи (1799 йил) натижасида французларнинг Италия устидан ҳукмронлиги тугатилди, бироқ 1800 йилда Наполеоннинг австрияликлар устидан қозонган ғалабаси бу ҳукмронликни яна тиклади.

Мамлакатни бирлаштириш ишида Италия халқ қаҳрамони Жузеппе Гарибальдининг (1860 йил) хизмати катта бўлди, 1870 йилда Рим папалари ҳукмронлигидан Римнинг озод қилиниши билан Италиянинг бирлашуви тугалланди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Италияга маълум даражада таъсир кўрсатди. 1921 йилда А. Грамши ва П. Тольяттилар бош бўлган Италия Коммунистик партияси тузилди.

1922 йилда мамлакатда Муссолини бошлиқ фашист диктатураси ўрнатилди. 1935—1936 йилларда Италия жаҳон империализмининг мадади билан Эфиопияни (Ҳабашистонни) босиб олди, 1936—1939 йилларда эса гитлерчилар Германияси билан биргаликда Испаниядаги фашистлар исёнида қатнашди. 1937 йилда Италия Коминтернга қарши тузилган пактга қўшилди ва 1939 йилда Албанияни забт этди.

Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германияси томонида турган Италия 1943 йилга келиб, Совет Армиясининг ғалабалари туфайли Гитлерга қарши коалиция мамлакатлари билан яраш битимини имзолашга мажбур бўлди.

1946 йилда ўтказилган референдум натижасида Италия республика деб эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Италия — индустриал-аграр мамлакат. Мамлакатда олтингурут, симоб, боксит, қўрғошин, рух рудалари, нефть, табиий газ ва мрамор бор. Гидроресурслар мамлакат саноати энергетик базасининг 80 процентини ташкил қилади.

Металлургия (пўлат ва рангли металллар эритиш), машина-созлик (автомобилсозлик ва самолётсозлик), кемасозлик, кимё (ўғит, сунъий тола, кислота ишлаб чиқариш), тўқимачилик (ип газлама, жун ва шойи газламалар) ва озиқ-овқат (тегирмон, макарон саноатлари, вино ишлаш, зайтун мойи ишлаб чиқариш) мамлакат саноатида асосий ўринни эгаллайди.

Италияда ерларнинг анча қисми помешчиклар қўлида бўлиб, деҳқонлар майда участкаларда ёки ижарага олинган бир парча ерларда ўз хўжалиklarини юритадилар. Ҳосилнинг бир қисми ижара учун тўланади. Мамлакатнинг шимолида буғдой, маккажўхори, шоли, ем-хашак ўтлари, қанд лавлаги ва тамаки экилади. Боғдорчилик ва тоқзорчилик кенг тарқалган. Цитрус дарахтлари ўстириш катта иқтисодий аҳамиятга эга. Италия зайтун мойи етиштириш бўйича капиталистик мамлакатлар орасида Испаниядан кейин иккинчи ўринда туради. Италияда чорвачилик кам ривожланган. Четдан тошкўмир, металл, чала фабрикалар, пахта, ёғоч ва буғдой келтирилиб, четга автомобиллар, электротехника буюмлари, газмол, мева, вино ва зайтун мойи чиқарилади.

«Кўзга кўринмас экспорт» — туризм мамлакат экономикасида муҳим ўрин тутиб, Италия бундан анча даромад олади. Италиянинг хушманзара табиати, қадимий архитектура ёдгорликлари ва бой санъати ҳамда музейлари турли мамлакат саёҳатчиларини ўзига жалб қилади.

*Маориф ва маданияти.* Италиян халқи жаҳон маданиятига жуда катта ҳисса қўшган халқдир. Италиялик сайёҳ Марко Поло, олим-астроном Галилео Галилей, буюк шоир Давте, улуғ рассомлар — Леонардо да Винчи ва Рафаэлларнинг номи бутун жаҳонга машҳурдир.

Италияда маориф системаси мактабгача тарбиядан (3—5 ёшдан) бошланади. Бошланғич мактаблар (6—11 ёшли болалар учун) беш йиллик бўлиб, 2 группага — қуйи (3 йиллик) ва юқори (2 йиллик) группаларга бўлинади. Бошланғич маълумот олиш бепул ва мажбурийдир. Бироқ, қишлоқ жойларида мактабларнинг йўқлиги сабабли бу ҳуқуқдан фойдаланилмайди.

Ўрта мактаблар классик, педагогик ва техник мактаблардан иборат. Ўрта маълумот олиш пуллик.

*Давлат тузуми.* Италия — парламентар республикадир. Давлат бошлиғи — президент бўлиб, у парламент ва вилоят мажлислари вакиллари томонидан 7 йил муддатга сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент қўлидадир. Парламент беш йил муддатга сайланадиган депутатлар палатаси ва олти йил муддатга сайланадиган сенатдан иборат иккита тенг ҳуқуқли палатадан ташкил топган. Ижро этувчи ҳокимият президент тасдиқлаган ва конституцияга асосан парламент слдида жавобгар бўлган Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

Италияда традиция бўйича мамлакатнинг (19) тарихий вилоятга бўлиниши ҳамон сақланиб келади. Маъмурий жиҳатдан эса Италия 91 вилоятга бўлинди.

*Сийсий партиялари.* Христиан-демократик партия—1943—1944 йилларда тузилган, йирик буржуазия, помещчиклар ва католик черковининг манфаатини ифода этади; Социал-демократик партия—реформистлар партияси; Социалистик партия—1892 йилда ташкил топган. Бу партия ҳамма асосий масалалар бўйича Компартия билан бир фронт бўлиб ҳаракат қилади; Коммунистик партия—1921 йилда тузилган, миллий мустақиллик, тинчлик, демократия ва социализм учун олиб борилаётган курашга раҳбарлик қилмоқда.

Асосий касаба союз бирлашмалари—Умумитальян меҳнат конфедерацияси, Италия меҳнат союзи ва Италия Меҳнаткашлар касаба союзлари конфедерацияларидан иборатдир.

Ешлар ташкилотларидан Италия Коммунистик ешлар федерацияси, социалистик партиянинг Ешлар ҳаракати, Италия халқ спорти союзи, католик ҳаракати, гольядистлар союзлари мавжуддир.

Италия—НАТО ҳарбий иттифоқига аъзодир.

1960 йил, 9 февралда Москва шаҳрида совет-итальян маданий битими имзоланди. Бу битим маданият, санъат, фан, техника ва спорт соҳаларида ҳар икки мамлакат ўртасида олиб бориладиган ҳамкорлик асосларини белгилаб берди.

## ЛИХТЕНШТЕЙН

Лихтенштейн—Марказий Европада бўлиб, Рейн дарёсининг ўрта оқим ҳавзасида, Австрия билан Швейцария оралигида жойлашган давлат. У ғарбда ва жанубий-ғарбда Швейцариянинг Санкт-Галлен ва Граубюнден кантонлари билан, шимол ва шарқда эса Австриянинг Форарьберг вилояти билан чегарадошдир.

Майдони 157 квадрат километр. Аҳолиси 15 минг киши. Давлат тили—немис тилидир.

Пойтахти Вадуц шаҳри (аҳолиси 3 минг киши).



*Табиий шароити.* Лихтенштейн тоғли мамлакат. Территориясининг тўртдан уч қисмини Шарқий Альп тоғ тизмалари ишғол қилади. Қолган қисми Рейнга туташган текисликдан иборат. Тоғлар игна баргли ўрмонлар ва альп ўтлоқлари билан қопланган. Лихтенштейннинг ғарбий чегараси бўйлаб, мамлакат ифтихори — Рейн дарёси оқиб ўтади. Иқлими мўътадил ва юмшоқ. Баланд тоғли жойлари эса совуқроқ.

*Қисқача тарихи.* Лихтенштейн 1719 йилда мустақил давлат сифатида ташкил топди. 1806—1814 йилларда Франция протекторати остида бўлган Рейн иттифоқи 1815—1866 йилларда Герман Иттифоқи составига қўшилди. 1876—1918 йиллар мобайнида Лихтенштейн Австрия-Венгрия протекторати остида бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Лихтенштейнга Швейцария ҳомийлик қилди. 1924 йилга келиб Швейцария бож бирлигига қўшилди ва унинг пул системаси (швейцария франки)ни қабул қилди.

*Хўжалиги.* Лихтенштейн иқтисодий жиҳатдан ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Мамлакат экономикаси чет эт капитали, айниқса швейцария капитали билан маҳкам боғланган. Бу ерда қурилиш материали бўлган оҳактош, оқ лой ва алебастр ишлаб чиқарилади.

Лихтенштейнда ҳозир юқори даражада механизациялашган ускуналар билан қуролланган 40 га яқин саноат корхоналари ишлаб турибди. Машинасозлик (аппаратсозлик, асбобсозлик), тўқимачилик саноати, тери ишлаш, ганч ва кулолчилик корхоналари, сунъий тиш ишлаш, айниқса мамлакатга катта фойда келтираётган марка-филателия ишлаб чиқариш саноат тармоқлари шулар жумласидандир. Мамлакат ўз эҳтиёжларини тўла қондира оладиган энергетика базасига эга.

Қишлоқ хўжалигида майда хусусий деҳқон хўжаликлари ҳукм суради. Бу ерда дон экинлари (маккажўхори) экилади, боғ ва тоқзорлар ҳам бор. Мамлакатнинг 27 процент территорияси ўрмонлар билан қопланган.

Лихтенштейннинг озиқ-овқат маҳсулотларидан бошқа ҳамма саноат маҳсулотлари четга чиқарилади.

*Давлат тузуми.* Лихтенштейн — конституцион монархия (князлик) бўлиб, давлат тепасида князь туради. Князь Ландтаг (парламент)ни чақириш ва тарқатиб юбориш ҳамда унинг қарорларини бекор қилиш ҳуқуқларига эгадир. Ландтаг сессиялари ўртасидаги даврда унинг беш аъзодан иборат комитети ишлаб туради.

*Маъмурий бўлиниши.* Мамлакат икки қисмдан — маркази Вадуц шаҳри бўлган Оберлэнд (Юқори Лихтенштейн) ва маркази Шеленберг шаҳри бўлган Унтерлэнд (Қуйи Лихтенштейн)дан иборат. Юқори Лихтенштейн олти жамоага, қуйиси

эса беш жамоага бўлинади. Жамоаларга халқ томонидан сайланувчи маҳаллий бошқармалар раҳбарлик қилади.

*Сийсий партиялари.* Бюргерлар партияси — буржуазия партияси ҳисобланиб, нуқул корчалонлар, йирик саноатчилар ва рантье (судхўр)лардан иборат; «Ватан иттифоқи» партияси — буржуа-фермерлар партияси ҳисобланиб, савдогарлар, майда корчалонлар ва деҳқонлардан иборат; Ишчи партияси — меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади.

Лихтенштейн князлигининг бошқа мамлакатлар билан бўладиган дипломатик муносабатларини Швейцария амалга оширади.

## ЛЮКСЕМБУРГ

(*Буюк Люксембург герцоглиги*)

Люксембург — Ғарбий Европада жойлашган давлат бўлиб, Франция, ГФР ва Бельгия билан чегарадошдир.

Майдони 2,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 320 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини тили, маданияти ва ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан немисларга яқин бўлган люксембургликлар ташкил қилади. Немис ва француз тиллари мамлакатда расмий давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Люксембург шаҳри (аҳолиси 70 минг киши).

*Табиий шароити.* Люксембургнинг ер усти асосан тепаликлардан иборат. Унинг шимолий қисмини қадимги Арденн тоғларининг тармоқлари ишғол қилган. Мамлакатнинг шарқий қисмида эса Люксембург Швейцарияси деб аталган жуда хушманзара жой бор. Люксембург территориясининг учдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган. Мамлакат муътадил, қуруқ иқлимга эга.

*Қисқача тарихи.* Люксембург феодал давлат сифатида X асрларда вужудга келган. 1506—1684 йиллар мобайнида бу ерлар Испанияга қарашли бўлган. 1684—1697 йилларда Люксембург Франция қарамоғида, 1697—1714 йилларда яна Испания қарамоғида бўлиб келди. 1716—1794 йиллар давомида мамлакат Австрияга тобе бўлди. 1794 йилда Люксембургни Франция яна босиб олди ва 1815 йилга қадар ҳукмронлик қилди.

1814—1815 йилги Вена конгрессига мувофиқ Люксембург Германия иттифоқи составига кириб, Буюк герцоглик номини олди. Лекин, 1815—1890 йиллар мобайнида Голландия билан иттифоқда бўлди.

1867 йилги Лондон битимига мувофиқ, Люксембург «доимий нейтрал» давлат деб эълон қилинди. Биринчи ва

иккинчи жаҳон урушларида Германия томонидан оккупация қилинди. 1949 йилда Люксембург Шимолий Атлантик пактига қўшилди.

*Хўжалиги.* Люксембург — йирик металлургия саноатига эга бўлиб, ривожланган индустриал мамлакатдир. Аҳоли жон бошига чўян эритиш бўйича Люксембург жаҳонда биринчи ўринда туради. Мамлакат ер ости темир руда запасларига жуда бой.

Қишлоқ хўжалигида асосан сули, арпа, бугдой ва картошка экилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 50 процентга яқини чет эллардан келтирилади. Чорвачилик бирмунча ривожланиб, асосан сут берадиган ва гўштга боқиладиган чорва молларидан иборат.

Мамлакат экономикасида Бельгия ва Франция мамлакатларининг капитали устунлик қилади. Люксембург Бельгия ва Нидерландия (Голландия) мамлакатлари билан иқтисодий иттифоқ тузган.

Чет элларга чўян, пўлат, прокат ва темир рудаларини чиқариб, хорижий мамлакатлардан асосан озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

Люксембург — конституцион монархия давлатидир. Буюк герцог давлат бошлиғи ҳисобланади. Аҳоли томонидан беш йил муддатга сайланиб, 52 аъзодан ташкил топган депутатлар палатаси қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ҳукумат ана шу палата олдида жавобгар ҳисобланади.

*Сийсий партиялари.* Социал-христиан (католиклар) партияси — саноат ва қишлоқ хўжалик буржуазиясининг манфаатларини ифода қилади. У католик руҳонийлари орасида катта нуфузга эга; Люксембург социалистик ишчи партияси — реформистик партия ҳисобланиб, «Социалистик интернационал» составига киради; Демократик партия — асосан ўрта ва майда буржуазия вакилларини бирлаштиради; Коммунистик партия — 1921 йилда ташкил этилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади.

## МАЛЬТА

Мальта — Ўрта денгиздаги ороллар группасидан ташкил топган Буюк Британия мустамлакасидаир. Мальта ва Гоцо ана шу группага кирувчи энг йирик ороллардир.

Ороллар группасидан иборат бўлган архипелагнинг умумий майдони 316 квадрат километр. Аҳолиси 319 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини мальталиклар ташкил қилади. Маркази Ла-Валетта шаҳри (аҳолиси 19 минг киши).

Мальта оролининг ер усти, асосан, оҳакли ясси тоғлардан иборат. Оролнинг жанубий ва жануби-ғарбий қирғоқлари тикка тушган ва баъзи жойлари жарликлардан иборат. Шимол ва шимоли-шарқий томонлари ясси ва паст бўлиб, қулай гаванларга эга.

Бу ерда Урта денгиз иқлими мавжуд, ёзи иссиқ, қиши юмшоқ ва ёмғирли келади. Оролнинг катта қисми сувсиз бўлиб, ўсимликлар қарийб ўсмайди.

Эрамиздан аввалги VI асрда Мальта оролини карфагенлар босиб олди. Эрамиздан олдинги V асрда вундаллар ва кейинроқ остготлар қўлига ўтди, III асрга келиб эса уни римликлар забт этди.

VI—IX асрларда орол арабларга тобе бўлди. 1090 йилда уни нормандлар босиб олди ва кейинчалик Сицилия қироллигига қўшиб олинди. 1550 йилда «Муқаддас Рим империяси»нинг ҳукмдори Карл V Мальта оролини Поннитларнинг рицарлар ордени (жамоаси)га топширди ва у, шу вақтдан бошлаб Мальта ордени деб юритила бошлади.

1775 йилда Мальтада рицарлар зулмига қарши қўзғолон кўтарилди. 1798 йилда оролни Наполеон Бонапарт забт этди, 1800 йилда эса уни Англия босиб олди ва ўз мустамлакаси деб эълон қилди.

Мальта экономикаси ҳарбий базаларга хизмат кўрсатишга бўйсундирилган. Саноати, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, мева ва сабзавот консервалари, тамаки маҳсулотлари чиқарадиган, вино ва пиво пиширадиган корхоналардан иборат. Шунингдек, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган баъзи бир ҳунармандчилик корхоналари ҳам мавжуд. Ла-Валетта шаҳрида кема ремонт қиладиган ишхоналар ва механика мастерскойлари бор.

Оролларининг таҳминан учдан бир қисмига экин экилади. Оролда майда деҳқон ер эгалиги устун туради.

Чорвачилик йўқ даражада бўлиб, фақат оз миқдорда қўйлар боқилади. Соҳил бўйи районларида балиқ овлаш ривожланган.

Мальта аҳолиси аёвсиз мустамлака зулмига дучор бўлган. Оролни милитаризациялаштириш мақсадида маҳаллий аҳоли ўз ерларидан ҳайдаб чиқарилмоқда. Бу ердаги ҳарбий-денгиз ва авиация базаларидан инглизлар билан америка ҳарбий-денгиз кучлари ҳам фойдаланадилар.

Мальта инглиз губернатори ва у тузган кенгаш томонидан идора қилинади.

Мальтада Лейбористлар (Мальтага мустақиллик берилишини талаб қиладиган), миллатпарвар, Демократик миллатпарвар ва Конституцион прогрессив партиялар иш кўрмоқда.

## МОНАКО

Монако — Европа қитъасида, Урта денгиз соҳилида жойлашган давлат бўлиб, унинг территорияси Франция ерлари билан ўралган. Майдони жиҳатидан Европада (Ватикандан кейин) энг кичик давлат ҳисобланади.

Майдони 1,57 квадрат километр ёки 157 гектар. Аҳолиси 20,4 минг киши бўлиб, асосан французлар, италянлар, инглизлар, белгияликлар ва швейцарияликлардан иборат. Аҳолисининг зичлиги жиҳатидан Европадагина эмас, ҳатто дунёда ҳам биринчи ўринда туради.

Пойтахти Монако шаҳри (аҳолиси 2 минг кишига яқин).

*Табиий шароити.* Монако денгиз соҳили бўйлаб чўзилган бўлиб, иқлими жиҳатидан Европада энг яхши ер ҳисобланади. Бу ерлар Ривьера ёки Бинафша соҳили номи билан машҳур бўлиб, энг гўзал курорт ерлар ҳисобланади.

*Қисқача тарихи.* 1346 йилда Монако Генуя протекторати остидаги кичик князлик сифатида ташкил топди. 1731 йилда князь Гримальди ҳокимиятни ўз қўлига олди ва унинг авлодлари ҳозиргача ҳукмронлик қилиб келмоқда.

1792 йилда Монако Францияга қўшиб олинди. 1848 йили бўлган революция таъсирида Монако халқи қуролли қўзғолон кўтариб, князь Флорестан I ни ағдарди, саккиз йилдан сўнг эса Ментона ва Роккебрюн шаҳарларининг аҳолиси ўз шаҳарларини мустақил республика деб эълон қилди.

1861 йилда Монако князи Карл III Ментона ва Роккебрюн шаҳарларини ғайри қонуний равишда француз императори Наполеон III га сотиб юборди. Бунинг натижасида князлик территорияси 20 квадрат километрдан ҳозирги ҳажмга тушиб қолди.

*Ҳўжалиги.* Монаконинг бутун саноат корхоналари Ла-Кондамин шаҳрида тўпланган бўлиб, бир неча пиво заводи, тегирмонлар, кондитер ва тўқимачилик фабрикалари, саёҳатчилар учун эсдалик буюмлари ишлайдиган кичкина заводдан иборат. Монте Карло шаҳарида жойлашган қиморхона-казинолар асосий даромад манбаларидан ҳисобланади.

Монако зарур маҳсулотларнинг ҳаммасини чет эллардан келтиради ва четга ҳеч нарса чиқармайди.

*Давлат тузуми.* Монако — наслдан-наслга ўтадиган, Франция ҳомийлигидаги конституцион монархиядир. Ижроия ҳокимияти давлат министри ва маслаҳатчилар томонидан

амалга оширилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса князь ва тўрт йилга сайланадиган Миллий кенгаш қўлида. Фақат эркакларгина сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Маъмурий жиҳатдан князлик уч округ — Монако, Ла-Кондамин, Монте-Карлога бўлинади.

Монако Париж, Рим, Мадрид, Брюссель, Вашингтон ва Ватиканда ўз вакилларига эга. Бошқа мамлакатлар билан бўладиган дипломатик муносабатлари Франциянинг дипломатик вакиллари орқали олиб борилади.

## НИДЕРЛАНДИЯ

(Нидерландия Қироллиги)

Нидерландия (ёки Голландия) — Европанинг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Ғарб ва шимол томонлари Шимолий денгиз билан ўралган, шарқда ГФР ва жанубда Бельгия билан чегарадошидир.

Майдони 32,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 11 миллион 384 минг киши. Аҳолиси асосан голландлардан иборат бўлиб, тилн немис тилига яқин.

Нидерландия мустамлакачи давлат. Америка ва Индонезияда унинг мустамлакалари бор.

Пойтахти Амстердам шаҳри (аҳолиси 872 минг киши).

*Табиий шароити.* Нидерландиянинг рельефи паст текисликдир. Мамлакат территориясининг бешдан икки қисми денгиз сатҳидан паст туради.

Мамлакат юмшоқ ва денгиз иқлимига эга.

*Қисқача тарихи.* Нидерландия территориясида эрамиздан аввалги I—II асрларда батавлар, фризлар ва бошқа герман қабилалари яшаган, III—IV асрларда эса франк-сакс қабилалари бу ерларга кўчиб кела бошлаган. V асрдан XI аср ўрталаригача Нидерландия франклар давлати составига кирган. XV аср ўрталарида мамлакат Испания қўл остига ўтди. 1581 йилда Нидерландия Испания асоратидан қутулди. Мамлакатда капиталистик мануфактура ишлаб чиқариш, кemasозлик ва денгизда қатнов ишлари тез ривожлана бошлаб, унинг флоти Франция ва Англиянинг бирлашган флотидан ҳам кучайиб кетди. 1810 йили Наполеон I Нидерландияни француз империяси составига қўшиб олди. 1815 йилнинг охирига келиб, Нидерландияда буржуазия қироллиги барпо этилди.

1870—1914 йилларда Нидерландия мустамлака халқларини қаттиқ эксплуатация қилиш ҳисобига энг йирик савдо мамлакатларидан бирига айланди. Биринчи жаҳон уруши даврида Нидерландия бетарафлик эълон қилди. Иккинчи жаҳон урушида мамлакатни Германия босиб олди. Урушдан кейин мамлакатнинг ҳукмрон доиралари АҚШга кўпроқ ёндоша бошладилар. 1949 йилда Нидерландия Шимолий Атлантик агрессив пактига қўшилди.

*Ҳўжалиги.* Нидерландия — индустриал-аграр мамлакатдир. Саноатида асосан четдан келтириладиган хом ашё базасида ишлайдиган тармоқлар ривожланган. Мамлакат экономикасида саноат етакчи роль ўйнайди. Озиқ-овқат саноати асосий тармоқ ҳисобланиб, какао, шоколад ва шакарқамишдан ишлаб чиқарилган қанд ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаш кенг ривожланган. Тўқимачилик, кемасозлик ва кимё саноати ҳам муҳим ўрин тутуди. Тошкўмир — мамлакатнинг асосий энергетика базаси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида гўшт-сут чорвачилиги ривожланиб, унинг маҳсулоти қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларнинг 65 процентини ташкил қилади. Деҳқончиликда асосан жавдар, сули, бугдой, арпа, қанд лавлаги, зигирпоя ва картошка экилади.

Чет элларга тўқимачилик буюмлари, электр лампалари, кемалар, энергетика ускуналари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқариб, четдан саноат учун керакли хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат ва ем-хашак маҳсулотлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Нидерландия — конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи қиролдир. Қонун чиқарувчи ҳокимият қирол ва генерал штаб (парламент) томонидан амалга оширилади. Парламент икки палата — қуйи ва юқори палатадан иборат. Ижроия ҳокимияти Министрлар Совети қўлидадир.

*Сийсий партиялари.* Католик халқ партияси — 1901 йилда тузилган, буржуазия манфаатларини ҳимоя қилувчи антиреволюцион партия; Меҳнат партияси — 1946 йилда социалдемократлар партияси базасида қайта ташкил этилган, ишчилар синфининг анча қисмига, интеллигенцияга ва ўрта қатлам деб аталган доирага таянади; Коммунистик партия — 1918 йилда тузилган, меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш, ҳарбий харажатларни қисқартириш ва Ғарбий Ирианни Индонезияга қайтариб беришни талаб қилмоқда.

Нидерландиянинг ташқи сиёсати НАТО ҳамда Ғарбий Европа давлатларининг сиёсий-иқтисодий группировкаларида актив қатнашиши билан белгиланади.

## НОРВЕГИЯ

(*Норвегия Қироллиги*)

Норвегия — Европанинг шимолида, Скандинавия ярим оролининг шимолий ва ғарбий қисмига жойлашган давлат. У СССР, Финляндия ва Швеция билан чегарадошдир.

Майдони 324 минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 565 минг киши. Аҳолисининг 97 процентини норвеглар ташкил қилади.

Пойтахти Осло шаҳри (аҳолиси 467 минг киши).

*Табиий шароити.* Норвегия территориясининг қарийб учдан икки қисми ясси тоғлик ва баландликлардан иборат. Дарёлари серсув. Иқлими Шимолий Атлантик илиқ оқимининг кучли таъсприда.

*Қисқача тарихи.* IX аср ўрталарида ҳозирги Норвегиянинг бир қисми қирол Гаральд Гарфагр қўл остида бирлашди. XIV асрга келиб, мамлакат Данияга қарам бўлди. 1814 йилда Дания Норвегияни Швецияга топширди. 1814—1905 йиллар мобайнида мамлакат Швеция қўл остида бўлди. Бу давр ичида халқ мустақиллик учун кураш олиб борди, 1905 йил 7 июнда Норвегия Швеция иттифоқидан ажралиб чиқди. Биринчи жаҳон урушида у бетарафлик эълон қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Норвегияда ишчилар ҳаракатини кучайтириб юборди. 1923 йилда Норвегия Компартияси ташкил этилди. 1940 йилда мамлакатни гитлерчилар Германияси босиб олди. Халқ Компартия раҳбарлигида босқинчиларга қарши кураш олиб борди. 1944 йилнинг кузида Совет Армияси Шимолий Норвегияни озод қилди, 1945 йилнинг 8 майида эса Норвегиядаги гитлерчи қўшинлар таслим бўлди. 1949 йилда Норвегия агрессив Атлантик пактига қўшилди. Бу ҳол Норвегия халқининг бошига катта фалокатлар келтирмоқда. Мамлакат бюджетининг 25 процентдан ортиқроғи ҳарбий мақсадлар учун сарфланмоқда. Натижада хўжалик тушкунликка учраб, мамлакатда нарх-наво ошиб кетмоқда, ишсизларнинг сони кўпаймоқда. Меҳнаткаш халқ иш ҳақини кўпайтириш, солиқларни камайтириш ва социал таъминотни яхшилашни талаб қилмоқда.

*Хўжалиги.* Норвегия — индустриал-аграр мамлакат. Сув ресурслари ва ўрмонлар мамлакатнинг асосий табиий бойликларидир. Сув ресурслари бўйича у, Ғарбий Европада биринчи ўринни эгаллайди.

Оғир саноат, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноати тармоқлари мамлакат экономикасида асосий ўрин тутати. Электрометаллургия саноати айниқса ривожланган.



Мамлакат савдо флоти капиталистик дунёда АҚШ ва Англиядан кейин учинчи ўринда туради ва дунёнинг кўп мамлакатларига хизмат қилади.

Кит ва балиқ овлаш Норвегия экономикасида муҳим ўрин эгаллаб, овланадиган балиқларнинг миқдори бўйича капиталистик дунёда Япония ва АҚШ дан кейин учинчи ўринда туради. Чорвачилик — қишлоқ хўжалигида асосий соҳадир.

Экиладиган ерлар мамлакат территориясининг 4 процентинигина ташкил қилиб, асосан жавдар, буғдой, сули ва картошка экилади.

Норвегия экономикасида Фарбий Германия концернларининг маъқеи инглиз ва америка монополияларига зўр хавф туғдирмоқда.

Чет элларга қоғоз массаси, целлюлоза, металл, балиқ ва балиқ консервалари, кит ва балиқ мойи чиқаради; четдан кемалар, ёқилғи, машина-ускуналар, ғалла ва ем-хашак маҳсулотлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Норвегия — конституцион монархия. Давлат бошлиғи — қирол. Қонун чиқарувчи олий орган парламент бўлиб, 4 йил муддатга сайланадиган 150 депутатдан иборат. Қирол ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзи тузган ҳукумат (давлат кенгаши) орқали амалга оширади. Бош министр (давлат министри) ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.

*Сийсий партиялари.* Норвегия ишчилар партияси — 1887 йилда тузилган. У 1919—1921 йилларда III Коммунистик Интернационал аъзоси бўлиб, Советлар Россиясига қарши бошланган империалистик интервенцияга кескин қарши чиқди. Партия ичида Норвегиянинг НАТО ҳарбий иттифоқида аъзо бўлишига қарши ва бетарафлик сиёсати учун курашаётган оппозициячи группа ҳам бор; «Хейре» партияси — 1884 йилда тузилган. Норвегияни милитаризациялаш тарафдори. Йирик саноатчилар ва кемасозлик корхона эгаларининг манфаатларини ифода қилади; «Венстре» партияси — ўртача саноатчилар, савдо буржуазияси ва либерал интеллигенциянинг манфаатини ифода этади; Деҳқонлар партияси — 1920 йилда ташкил топган, катта ер эгалари ва ўрмон хўжайинлари манфаатини ҳимоя қилади; Христиан халқ партияси — 1933 йилда тузилиб, майда ва ўрта буржуазия манфаатларини ифодалайди. Бу партия ички ва ташқи сиёсатда реакцион йўналиш тарафдори; Норвегия Коммунистик партияси — 1923 йилда тузилган, мамлакат ишчилар синфининг илғор отряди.

Совет Иттифоқи билан Норвегия ўртасида маданий ҳамкорлик ва чегара районидаги Паатсо-Йоки дарёсидан биргалишиб фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузилган.

## ПОЛЬША

(Польша Халқ Республикаси)

Польша Халқ Республикаси — Марказий Европада, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида жойлашган давлат. Жанубда Чехословакия билан чегарадош, шимолда эса Болтиқ денгизи билан ўралган.

Майдони 311,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 29,5 миллион киши бўлиб, унинг 97 процентини поляклар ташкил қилади.

Пойтахти Варшава шаҳри (аҳолиси 1 миллион кишидан ортиқроқ).

*Табиий шароити.* Польша территорияси асосан текисликдан иборатдир. Унинг шимолий ва ўрта қисмини Буюк Польша паст текислиги ишғол қилиб, шарқда Шарқий Европа текислиги, ғарбда эса Шимолий Германия паст текислиги билан туташади.

Мамлакат территориясининг бешдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган. Висла, Одра (Одер) ва унинг ирмоқлари мамлакатда энг йирик дарёлар бўлиб, кемалар қатнашга қулайдир.



Янги Варшава шаҳри

Мамлакат иқлими ўртача континентал.

*Қисқача тарихи.* X асрда илк феодал Польша давлатининг ташкил топиш процесси тугалланди. 1569 йилда Польша Люблин иттифоқига биноан Литва билан бирга қўшилди. XVIII асрга келиб Польша ўз мустақиллигини йўқотди. Россия Польшадан қадимий белорус, украин ва литва ерларини қайтариб олди. Биринчи жаҳон урушида Польша территориясининг Россияга қарашли қисми Германия ва Австрия-Венгрия томонидан босиб олинди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Польшага миллий-озодлик келтирди. Совет ҳукумати поляк халқининг мустақилликка бўлган дахлсиз ҳуқуқини таниди. 1918 йилда Польшада Ишчи депутатлари Совети ташкил этилиб, Коммунистик партия тузилди. Лекин, кўп ўтмай мамлакатда буржуа-помешчиклар ҳокимияти ўрнатилди.

1939 йили Польшани гитлер Германияси босиб олди. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида гитлерчилар Германиясини тор-мор қилиб, Польшани фашистлар асоратидан озод қилди ва унга мустақиллик келтирди. Польшада халқ ҳокимияти ўрнатилди. Мамлакатда рўй берган турли социал-иқтисодий ўзгаришлар туфайли помешчик ва капиталистлар синфи тугатилди.

*Хўжалиги.* Илгари қолоқ, аграр мамлакат бўлган Польша халқ демократияси ҳокимияти йилларида ривожланган индустриал-аграр мамлакатга айланди. Мамлакат экономикасида саноат устун бўлиб, қишлоқ хўжалиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқ Польшасида ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки деб эълон қилинди, помешчикларнинг ерлари мусодара қилиниб, деҳқонларга бўлиб берилди. Илгари помешчикларнинг мулки бўлган ерларнинг бир қисмида йирик давлат хўжаликлари ташкил қилинди.



*Краков шаҳридаги қадимий Барбокон қасри.*

1947—1960 йиллар мобайнида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати йилига ўрта ҳисобда 10 процентдан кўпроқни ташкил этди. 1959 йилда саноат 1938 йилдагига қараганда 7 мартга кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Тошкўмир қазиб чиқариш, металлургия (станоклар, тракторлар, локомотивлар, автомобиллар, турбиналар ва тошкўмир комбайнлари ишлаб чиқариш), кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — саноатнинг муҳим тармоқларидир. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи тармоқ ҳисобланади, жавдар ва картошка асосий экин бўлиб, улардан олинadиган ҳосил бўйича Польша СССРдан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Чорвачилик ва балиқ овлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Мамлакатда 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик план саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 80 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни эса 30 процентга кўпайтиришни кўзда тутди.

Чет элларга ёқилғи, хом ашё, ярим фабрикатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари ва сансат товарлари чиқаради, четдан машиналар, темир рудаси, нефть, пахта, каучук ва шунга ўхшаш товарлар келтиради.

Халқ Польшасида саводсизлик тугатилди. Ҳозир мамлакатда 76 та олий ўқув юрти ишлаб турибди. Фанлар академиясининг 80 илмий муассасаси илмий-текшириш ишлари билан шуғулланмоқда. 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун умумий мажбурий таълим жорий этилди. Совет Иттифоқининг илмий-техник ёрдами билан мамлакатда атом реактори ва циклотрон қурилиб ишга туширилди.

*Давлат тузуми.* Польша Халқ Республикаси — социалистик типдаги халқ-демократик давлатдир. Сейм — давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланиб, тўрт йил муддатга сайланади. Сейм давлат кенгашини сайлайди. Давлат кенгаши олий коллегиял ҳокимият органи бўлиб, Сеймга бўйсунди. Ижро этувчи ва фармойиш берувчи Олий орган — Министрлар Совети. У уч йил муддат билан сайлаб қўйиладиган миллий кенгашлар — маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади.

1948 йилда тузилган Польша Бирлашган ишчи партияси (ПОРП) Польша меҳнаткашлар оммасининг социализм қурилиши учун олиб бораётган курашига раҳбарлик қилмоқда.

Польша — БМТ аъзоси ва Варшава шартномаси қатнашчиси.

Польша Халқ Республикаси дунёнинг кўп мамлакатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

## ПОРТУГАЛИЯ

(Португалия Республикаси)

Португалия — Европанинг жануби-ғарбида, Пиренея ярим оролининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Атлантик океанидаги Азор ва Мадейра ороллари Португалия составига киради. Мамлакатнинг ғарб ва жануб томонлари Атлантик океан билан ўралган, шарқ ва шимол томонлари Испания билан чегарадош.

Майдони 92,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 9 миллион 52 минг киши.

Пойтахти Лиссабон шаҳри (аҳолиси 190 минг киши).

Португалия аҳолисининг 99,5 проценти тил ва маданият жиҳатдан испанлар ва галицияликларга яқин турган португаллардир.

*Табиий шароити.* Португалия территорияси устки тузилиши жиҳатдан икки қисмга — шимолий ва жанубий қисмларга бўлинади. Шимолий қисмининг ер юзаси жуда парчаланиб кетган тоғли ерлардир, жанубий қисмини эса кенг паст текисликлар ва унча баланд бўлмаган ясси тоғлар ишғол қилган. Тахо дарёсининг қуйи оқимидан жанубга томон кенг паст текислик чўзилиб кетган.

Португалияда асосан Ўрта денгиз иқлими мавжуд бўлиб, ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши эса жуда юмшоқ келиб, ёнғингарчилик кўп бўлади. Дарёлари Атлантик океанига қуйилади (Дуэро, Тахо ва Гвадиана).

Мамлакатда бир хил бўлган дарахтлар — Ўрта денгиз ҳавзасига хос бўлган доимий яшил ўрмонлар, маквис ва гарига дарахтлари кўп ўсади. Пробка ишлаб чиқариладиган дуб пўстлоғи (йилига 170 минг тонна) етиштирилади. Дуб ва қарағай ўрмонлари ҳам мамлакат территориясининг катта қисмини ишғол қилади. Океан қирғоқларидаги кенг майдонларни эвкалипт дарахтлари ва денгиз бўйи қарағайзорлари қоплаган.

Португалия қалайи, вольфрам, уран ва марганец рудалари каби фойдали қазилмаларга эга.

*Қисқача тарихи.* Эрамиздан аввалги I асрларда Португалия территорияси Римга тобе бўлган. Эрамизнинг VI асрида вестготлар қироллигига қўшилди. VIII аср бошларида Португалия араблар ва барбарлар томонидан босиб олинди.

Марказлашган португал давлатининг барпо этилиши ва мустақкамланиши билан (XV аср ва XVI асрнинг бошлари) Португалия йирик мустамлакачи мамлакатга айлана бошлади. У 50° ғарбий узунликдан бошлаб, шарқ томонда жойлаш-

ган ҳамма денгиз ва қуруқликлар устидан ҳукмрон бўлиб қолди. Шарқ билан бўладиган бутун савдо португаллар қўлига ўтди.

Бироқ XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб саноатнинг суи ривожланиши сабабли Португалия инқирозга юз тута бошлади. 1581—1640 йилларда Испанияга тобе бўлиб қолиши унинг янада заифлашиб қолишига олиб келди. 1703 йилги Метуэн ва Лиссабон шартномалари Португалияни Англияга қарам қилиб қўйди.

1910 йилда бўлган буржуа революцияси натижасида Португалия расман республика деб эълон қилинди. Аслида эса, мамлакат илгаригидек Англияга қарам эди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Португалия Антантага қўшилди. Урушдан сўнгги иқтисодий ва сиёсий кризислар шароитида буржуа-помешчиклар реакцияси мамлакатда фашистлар диктатурасини ўрнатишга уринди. 1926 йилда реакцияон генерал Карамэна ҳокимиятни ўз қўлига олди. 1932 йилда ҳукумат йирик финансист Антонио де Оливейр Салазар қўлига ўтди. Салазар мамлакатда қонли террор режимини ўрнатди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Португалия фашистлар блокига ёрдамлашди. 1949 йилда у, агрессив Шимолий Атлантик блокига қўшилди. Урушдан кейин Португалия ва унинг мустамлакаларида Англия, Америка империалистларининг мавқеи кучайди.

*Хўжалиги.* Мамлакат экономикаси икки юз йилдан кўпроқ давр мобайнида сиёсий-иқтисодий жиҳатдан Буюк Британияга қарам ҳолда шаклланиб келди.

Португалия — кескин ижтимоий зиддиятлар мавжуд мамлакатдир. Португалия батрагининг бир кунлик иш ҳақи 12, баъзан эса 8 эскудони ташкил қилади. Айни вақтда компания директорининг кунлик даромади 8 минг эскудодан ҳам кўпдир.

Капиталнинг озчилик қўлида тўпланганлиги бу мамлакат учун характерли бўлиб, фақат 50 хонадонгина мамлакатнинг асосий бойлигига эгаллик қилади.

Мамлакат экономикасининг асосини қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш ва енгил саноат ташкил қилади. Ишловчиларнинг 47 проценти қишлоқ хўжалигида банддир.

Португалия қишлоқ хўжалиги Европада энг қолоқ ҳисобланади. Бу эса кучли феодал сарқитлари ва реакцияон фашист режими оқибатидир. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган аҳолининг 69,5 проценти ерсиз деҳқонлардир. Ерларнинг катта қисми дворянларга ва черковга қарашли. Урта ҳол деҳқонининг ери 2 гектардан камроқнигина ташкил қилган бир вақтда, бир

неча минг гектарлаб ерлари бўлган юзлаб помешчик ва капиталистлар бор. Помешчик ва капиталистлар қишлоқ меҳнаткашларини эксплуатация қилиб талаб келмоқда. Деҳқоннинг ҳар гектар ерига давлат томонидан белгиланган солиқ катта ер эгасининг ерига белгиланган солиқдан 10—20 марта кўп. Мамлакатда аксарият батрак ва қишлоқ хўжалик ишчилари доимий ишсизлик дардига мубтало бўлиб, ҳар йили бир неча ўн минглаб қишлоқ меҳнаткашлари Латин Америкаси мамлакатларига кўчиб кетадилар.

Токзорлар ва зайтунзорлар Португалия қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ғалла хўжалиги мамлакатнинг донга бўлган эҳтиёжларини қондиролмайди. Деҳқончилик қадимий «техника» — оғоч ёрдами билан олиб борилади, олинадиган ҳосил жуда ҳам паст. Чорвачилик эса иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг сушт ривожланиши Португалия учун характерли ҳолдир. Саноат ишлаб чиқаришида айтарли юксалиш белгилари кўринмайди, аксинча бир қанча саноат тармоқларида орқага кетишлик юз бериб туради. Мамлакатда ишлайдиган бутун аҳолининг фақат 25 процентигина саноатда банддир. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ишловчилар сони жиҳатидан мамлакат саноатида анча салмоқли ўрин эгаллайди. Четдан келтириладиган хом ашё асосида ишлаб турган тўқимачилик корхоналари анча ривожланган. Озиқ-овқат саноатида вино, қанд, тамаки ва балиқ консервалари каби маҳсулотлар етиштирилади.

Ташқи савдонинг ҳажми ва структураси Португалия экономикасининг сушт ривожланганлигини ҳамда ташқи бозорга қарамлигини кўрсатади.

Португалия асосан, Англия, АҚШ, Бельгия, Францияга ва ўзига қарам мустамлака мамлакатларига товар чиқаради. Четга чиқариладиган товарларнинг ярмини вольфрам ва пробка, қолган ярмини озиқ-овқат маҳсулотлари ташқил қилади. Четдан пахта, нефть, қора металллар ва саноат ускуналари келтирилади.

Португалия халқ маорифининг даражаси бўйича Европада энг охириги ўринлардан бирида туради. Ҳукумат соғлиқни сақлаш ва маориф эҳтиёжлари учун бюджетнинг 16 процентини, яъни ҳарбий харажатларга нисбатан икки баравар кам маблағ ажратади. Шунинг учун ҳам аҳолининг 40 процентдан кўпроғи саводсиз. Ҳар бир минг португалдан 58 киши сил касалидан ўлиб туради.

*Давлат тузуми.* 1933 йилги конституцияга биноан Португалия «қўшма корпоратив республика»дир. Давлатга етти йил муддатга сайланувчи президент бошчилик қилади. Бош

министр ва бошқа ҳукумат аъзолари президент томонидан таъинланади. Қонун чиқарувчи орган — Миллат мажлиси 4 йил муддатга сайланади. «Манфаатлар ваколати» принципи асосида ташкил этилган маслаҳат берувчи Корпоратив палата Миллат мажлиси тасдиқига киритилган қонун лойиҳалари ва битимларни муҳокама қилади. Ижроия ҳокимияти 15 министрдан иборат Министрлар Совети қўлидадир.

Португалия амалда фашист диктатураси мамлакати бўлиб, ҳокимият «Миллий союз» деб номланган фашистлар партиясининг раҳбари Антонио де Оливейра Салазар қўлидадир.

Мамлакат 22 округга бўлинган, шундан 4 таси ороллардаги территорияга тўғри келади. Португалиянинг ўзидаги округлар эса 11 вилоятни ташкил қилади.

*Сиёсий партиялари.* Мамлакатда ҳукмрон партия ҳисобланган «Миллий союз»дан ташқари ҳамма партиялар тақиқланган. «Миллий союз» партияси 1930 йилда тузилган, йирик буржуазия ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилади. Коммунистик партия 1921 йилда тузилиб, 1926 йилдан буён яширин иш олиб боради; «Социалистик союз» партияси — 1944 йилда ташкил этилган, зиёлилар ва майда буржуазиянинг катта бўлмаган группасини бирлаштиради, яширин равишда иш олиб боради.

Португалия ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга бўлмай, Америка ва Англия мамлакатларининг таъсири остидаги мамлакатдир.


## РУМИНИЯ

(*Руминия Халқ Республикаси*)

Руминия Халқ Республикаси — Европанинг жануби-шарқида, Дунай дарёсининг қуйи оқими ва Карпат тоғлари раёнида жойлашган давлат. У, СССР, Болгария Халқ Республикаси, Югославия Федератив Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси билан чегарадошир. Шарқ томонда эса Руминияни 245 километр масофада Қора денгиз ўраб туради. Қора денгиз орқали Урта денгизга ва ундан Атлантик ҳамда Ҳинд океанларига чиқилади.

Майдони 237,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 18 миллион 350 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини руминлар ташкил қилади, венгрлар, немислар, украинлар, руслар ва бошқа халқлар ҳам яшайди.





*Бухарест шаҳри.*

Пойтахти Бухарест шаҳри (аҳолиси 1 миллион 237 минг киши). Йириқ шаҳарлари — Ясси (олий ўқув юртлари шаҳри), Плоешти (нефть шаҳри), Констанца (Қора денгиздаги порт шаҳри).

*Табиий шароити.* Мамлакат рельефи жуда хилма-хил бўлиб, Карпат тоғлари Руминияни икки қисмга ажратиб туради. Булардан бири — Қуйи Дунай паст текислиги, иккинчиси Трансильвания ясси тоғлигидир.

Руминия территориясининг тўртдан бир қисмини ўрмонлар ишғол қилади. Дарёлари — Дунай, Серет, Сомеш, Муреш ва Тисса гидроэнергиянинг йириқ манбаларидир.

Руминияда нефть ва табиий газ кўп.

Қуйи Дунай паст текислигининг иқлими ўртача континенталдир.

*Қисқача тарихи.* Руминия — қадимий давлат.


IX—X асрларда Руминиянинг қарийб бутун территорияси Болгария давлати составига кирган. X—XI асрларда мамлакат территориясининг бир қисми қадимги Русь давлатига қўшилган. XIV асрда Руминия Туркия асоратига тушди. 1859 йилда Россиянинг ёрдами туфайли Руминия территориясидаги князликлар Туркиядан автономия олишга муваффақ бўлди

ва 1861 йилда Руминия деб аталган ягона давлатга бирлашди. Бу вақтларда у Туркияга вассал эди.

Россиянинг Туркия билан 1877—1878 йиллардаги урушдан ғолиб чиқishi туфайли Руминия мустақил давлат бўлиб қолди. 1881 йилдан бошлаб эса у қироллик давлати сифатида майдонга чиқди. 1944 йил 23 августда румин халқи Руминия Коммунистик партиясининг раҳбарлигида Совет Армиясининг оламшумул ғалабаси шароитида қуролли қўзғолон кўтарди ва ҳарбий-фашист диктатураси ҳукуматини ағдарди. 1947 йил 30 декабрда монархия узил-кесил тугатилиб, Руминия Халқ Республикаси эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Халқ Руминияси индустриал-аграр мамлакат сифатида майдонга чиқди. Мамлакат нефть, табиий газ, тошкўмир, темир рудаси ва рангли металлларга бой. Нефть, кўмир, металлургия, машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат тармоклари муваффақият билан ривожланмоқда. Саноат маҳсулотининг ҳажми урушдан аввалги даражага нисбатан олти баравар кўпайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олти йиллик (1960—1965 йиллар) планига кўра, 1965 йилга бориб саноатнинг ялпи маҳсулоти 1959 йилдагидан 2 баравар ва 1938 йилга нисбатан 10 баравар кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигида деҳқонларнинг коллектив хўжаликлари ва давлат хўжаликлари тобора катта аҳамиятга эга



*РХР да қишлоқ хўжалик ишлари механизациялаштирилган.*

бўлиб бормоқда. 1965 йилга бориб қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишини тугаллаш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи роль ўйнаб, асосан макка-жўхори ва буғдой экилади.

Руминия четга металлургия ва қурилиш материаллари саноати учун установакалар, саноат ускуналари, машина ва механизмлар, теплоцентраллар, электр моторлар, локомотив ва вагонлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, тоғ-кон ва нефть конлари ускуналари, ғалла, нефть маҳсулотлари ва бошқа товарлар чиқаради. Четдан асосан машиналар, механизмлар, сараланган уруғликлар, фармацевтика буюмлари келтиради. РХР СССР ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари ҳамда бир қанча капиталистик мамлакатлар билан яқин иқтисодий алоқалар боғлаган.

1956 йили Руминияда саводсизлик батамом тугатилди. Мамлакатда 16 300 мактаб, 98 факультетни ўз ичига олган 36 олий ўқув юрти ва Фанлар академияси ишлаб турибди.

*Давлат тузуми.* Руминия Халқ Республикаси — социалистик давлатдир. Ҳозир амалда бўлган конституция 1952 йил 21 сентябрда қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Буюк Миллат мажлиси бўлиб, ижроия ҳокимиятининг олий органи — Министрлар Советидир. Республиканинг социалистик қурилишдаги раҳбар ва ташкилотчи кучи — Руминия ишчи партиясидир.

РХР — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо. У ҳозир эллик мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

## САН-МАРИНО

Сан-Марино — Европа қитъасида Апеннин ярим оролида жойлашган кичик давлат. У Италия ерлари билан ўралган бўлиб, унинг турли вилоятлари билан чегарадош.

Майдони 60,5 квадрат километр. Аҳолиси 14 минг киши. Мамлакат аҳолиси итальян тилининг тоскано шеvasида сўзлашади.

Пойтахти Сан-Марино шаҳри (аҳолиси 2 минг киши).

Сан-Марино — тоғлик мамлакат, иқлими ўртача.

Сан-Марино Фарбий Европада энг кичик давлатлардан бири. «Сан-Марино республикаси» деган ном биринчи марта X аср ҳужжатларида учрайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сан-Марино бетарафлик сийсатини юргизди. Бироқ 1944 йил 4 сентябрда Гитлер армияси республикани босиб олди. Икки ҳафтадан кейин эса

инглиз-америка қўшинлари немис босқинчиларини бу ердан қувиб чиқарди.

1951—1955 йилларда бўлиб ўтган сайловларда демократик блок ғалаба қилди. Бироқ 1957 йили бир группа реакцион депутатлар чет эл ҳарбийлари ёрдамига суянган ҳолда республика ҳокимиятини истеъфо беришга мажбур қилдилар.

Сан-Марино — аграр мамлакат, ерининг 75 проценти боғлар, токзорлар ва экин майдонлари билан банд. Узумчилик ва боғдорчилик ривожланган. Чорвачилик қишлоқ хўжалигида жуда муҳим тармоқ ҳисобланади. Пиллачилик ҳам ривожланган. Тоғ-кон, озиқ-овқат, кулолчилик ва тўқимачилик — саноатнинг асосий тармоқларидир.

Сан-Марино буржуа республикасидир. Олий орган Катта кенгаш қўлида бўлиб, тўрт йилга сайланадиган 60 депутатдан иборат. Катта кенгаш қонун чиқариш функциясини бажаради ва ўз аъзолари ичидан 10 кишидан иборат ҳукумат сайлайди. Ижроия ҳокимият катта кенгаш томонидан олти ой муддатга сайланадиган иккита капитан-регент томонидан амалга оширилади. Капитан-регентлардан бири қишлоқда яшаб, қишлоқ хўжалик ишларига раҳбарлик қилади, иккинчиси эса шаҳарда яшайди. Улар Катта кенгаш чиқарган қарорларга «вето» қўйиш ва қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқларига эгадирлар. Капитан-регентлар ҳузуридаги 12 аъзодан иборат Кичик кенгаш тузилади ва бу маслаҳат берувчи орган ҳамда республика олий суди ҳисобланади. Капитан-регентлар фақат уч йилдан сўнг яна қайта сайлана оладилар.

*Сийсий партиялари.* Коммунистик партия, Социалистик партия, Христиан-демократик партия, Социал-демократик партия ва Мустақил социалистлар партиялари бор.

Касаба союз бирлашмаларидан — Сан-Марино меҳнат конфедерацияси, Сан-Марино меҳнаткашлари касаба союзлари конфедерацияси мавжуд.

Сан-Марино бир неча кичик кемалардан ташкил топган савдо флотига эга.

Чет элларга бинокорлик тошлари, олтынгурут, вино, қорамоллар ва тери чиқаради. Четдан аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар ва ускуналар келтиради. Ташқи савдо асосан Италия билан олиб борилади.

Сан-Марино республикаси АҚШ, Англия, Франция, Италия, Югославия мамлакатлари ва Ватикан билан дипломатик муносабатлар олиб боради.

1956 йилда Сан-Марино билан Совет Иттифоқи ўртасида консуллик муносабатлари ўрнатилди.

**СССР**

(Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи)

СССР — Шарқий Европада ва Осиё қитъасининг шимолий ва ўрта қисмида жойлашган, ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат барқарор қиладиган коммунистик жамият қуришга отланган буюк социалистик давлатдир. У Норвегия, Финляндия, Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Туркия Эрон, Афғонистон, Хитой, Мўғулистон ва КХДР билан чегарадош. СССРнинг қитъадаги энг шимолий пункти Челюскин бурни, энг жанубий пункти Кушка шаҳри, энг ғарбий пункти Ёданск қўлтиғи ва энг шарқий пункти Дежнев бурни ҳисобланади. Унинг улкан территориясини Атлантик океанининг Болтиқ, Қора ва Азов денгизлари; Шимолий Муз океанининг Баренц, Оқ, Кара, Лаптевлар, Шарқий Сибирь ва Чукотка денгизлари ҳамда Тинч океанининг Беринг, Охота ва Япон денгизлари ўраб туради. Шимолдаги Кола, Канин, Ямал, Таймир ва Чукотка, шарқдаги Камчатка ва жанубдаги Қрим ярим ороллари; Арктикадаги Франц Иосиф Ери, Новая Земля, Северная Земля ва Новая Сибирь ороллари; шарқдаги Сахалин ва Курил ороллари СССРга тегишлидир.

Майдони 22,4 миллион квадрат километр. Ерининг катталиги жиҳатидан СССР дунёда биринчи ўринда туради.

СССРда юздан ортиқ миллат ва халқлар яшайди. Аҳолиси 220 миллион киши. Аҳолининг кўпчилигини руслар (114,1 миллион), украинлар (37,2 миллион), белоруслар (7,9 миллион), ўзбеклар (6 миллион 15 минг), қozoқлар (3,6 миллион) ташкил этади.

Пойтахти Москва шаҳри (аҳолиси 5 миллион 46 минг киши).

*Табиий шароити.* СССРнинг табиий шароити жуда хилма-хилдир. Мамлакатнинг ғарбий ва марказий қисмларида жуда катта паст текисликлар бор. Жанубий чегаралар бўйлаб ва шарқ томонларда улкан тоғлар қад кўтарган. Мамлакат территориясининг Европа қисмида Россия (Шарқий Европа) текислиги, Осиё қисмида эса Ғарбий Сибирь ва Турон паст текисликлари жойлашгандир.

Мамлакатдаги тоғлар ғарбдан СССР чегараларига кириб келадиган Карпат тоғларидан бошланади. Ундан кейин Қрим тоғлари, Кавказ, Копетдоғ, Помир, Тянь-Шань, Тарбағатой, Олтой, Танну-Ола, Саян ва Забайкал тоғ тизмалари чўзилиб кетади. Лена билан Енисей дарёлари ўртасида улкан Урта Сибирь ясси тоғлиги ётади.

Табиатнинг кўриниши жиҳатидан СССРда арктика, тундра, ўрмон-тундра, ўрмон, ўрмон-чўл, чала чўл, чала саҳро, саҳро ва субтропик каби зоналар бор. СССР ўрмонлар ва қора тупроқли чўллар майдонининг катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

СССРнинг дарё тармоқлари кенг ривожланган. Унинг баъзи дарёлари (Волга, Обь, Лена, Енисей, Амур, Аму) серсувлиги ва узунлиги жиҳатидан дунёдаги энг катта дарёлар жумласига киради. Баъзи дарё, кўл ва денгизлар каналлар орқали бир-бирига туташтирилган. Бир қатор йирик сун омборлари вужудга келтирилган. Мамлакатдаги кўп кўллардан Каспий денгизи дунёда энг улкан, Байкал эса дунёда энг чуқур (1620 метр) кўллардир.

СССР территориясининг катта қисми ўрта поясда (минтақада) жойлашган бўлиб, фақат шимолдагина совуқ арктика минтақасига кириб боради. СССРда тропик иқлимдан бошқа ҳамма иқлим турлари мавжуд.

СССР хилма-хил фойдали қазилмаларга жуда бойдир. Мамлакат халқ хўжалигига зарур бўлган нефть, кўмир, темир ва марганец рудалари, боксит, мис, қўрғошин, никель, вольфрам, рангли ва нодир металл рудалари, шунингдек калий тузлари, фосфат ўғитлари запаслари ҳамда бошқа қазилмалар билан етарли таъминланган. Совет Иттифоқида аниқланган темир руда запаслари (дунё запасининг 41 проценти), марганец рудалари (дунё запасининг 88 проценти), мис, қўрғошин, рух, никель, боксит, симоб, олтингурут, калий тузлари (дунё запасининг 54 проценти), фосфат хом ашёси (дунё запасининг 33 проценти), кўмир (дунё запасининг 57 проценти), торф ва ўрмон ресурслари бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

*Хўжалиги.* СССР 1917 йил октябридан кейин жаҳон тарихида янги саҳифа очган дунёда энг йирик индустриал-аграр мамлакатлардан биридир. Саноатнинг ўсиш суръатлари бўйича СССР ер юзида биринчи ўринни эгаллайди. Унинг саноати асосий капиталистик мамлакатлардагига қараганда 5—7 марта тезроқ ривожланмоқда. Совет Иттифоқи саноат ишлаб чиқаришининг даражаси бўйича Европада биринчи ва дунёда, ҳозирча, иккинчи ўринда туради.

1960 йилда Совет Иттифоқининг ялпи саноат маҳсулоти 1913 йилдагига қараганда 40 баравардан кўпроқ, жумладан, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 93 баравар ва машинасозлик ҳамда металл ишлаш саноат маҳсулотлари эса 270 баравардан зиёд кўпайди. Социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда саноат етакчи роль ўйнайди. Энергетика, ёқилги, металлургия, кимё, машинасозлик, ўрмон.

ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари — асосий саноат тармоқлари ҳисобланади.

1960 йилда Совет Иттифоқида 1913 йилдаги 4,2 миллион тонна ўрнига 46,8 миллион тонна чўян, 4,2 миллион тонна ўрнига 65,3 миллион тонна пўлат эритилди; 9,2 миллион тонна ўрнига 148 миллион тонна нефть, 9,2 миллион тонна ўрнига 107 миллион тонна темир рудаси қазиб чиқарилди; 1,9 миллиард киловатт-соат ўрнига 292 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди ҳамда 4,8 миллиард квадрат метр ип газламалар ва 675 миллион квадрат метр ипак газламалар ишлаб чиқарилди.

1960 йилда оғир саноат маҳсулоти ҳам анча кўпайди: 1959 йилдагига нисбатан 3,8 миллион тонна кўп чўян, 5,3 миллион тонна кўп пўлат эритилди, 12,1 миллион тонна кўп темир рудаси, 6,7 миллион тонна кўп кўмир қазиб чиқарилди ва 21 миллиард киловатт-соат кўп электр қуввати ҳосил қилинди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

Совет Иттифоқи дунёда энг йирик социалистик деҳқончилик мамлакатидир. Илгариги миллионларча майда деҳқон хўжаликлари ўрнини энг сўнгги техника билан қуролланган 54 мингдан ортиқ колхоз ва саккиз мингга яқин совхозлар эгаллади. Хилма-хил агротехника тадбирларининг мавжудлиги қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини муваффақиятли равишда ривожлантиришга имкон беради.

1960 йилда бутун экин майдонлари 203 миллион гектарга етказилди. Шу йили ялпи ғалла ҳосили 8 миллиард 131 миллион пудни ташкил қилди. Бу миқдор 1959 йилдагидан 445 миллион пуд ортиқдир, 1960 йилда 4,4 миллион тонна пахта ва 48,4 миллион тонна қанд лавлаги етиштирилди. Мамлакатнинг деярли барча районларида сабзавотчилик, марказий ва айниқса, жанубий районларда эса боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган.

1960 йилда СССРда 61,5 миллион тонна сут (АҚШ да 56,9 миллион тонна), 848 минг тонна ёки аҳоли жон бошига 4 килограмм мол ёғи (АҚШда 665 минг тонна ёки аҳоли жон бошига 3,7 килограмм) етиштирилди.

СССРда бўш ётган ва қўриқ ерларни кенг равишда ўзлаштириш мисли кўрилмаган суръатлари билан амалга оширилмоқда.

Қисқаси, муқаррарлиги Маркс ва Энгельс томонидан илмий равишда олдиндан айтиб берилган социализм, қуриш плани Ленин томонидан қизиб берилган социализм Совет Иттифоқида реал воқеликка айланди.

*Маориф ва маданият.* Социалистик жамиятда миллатларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги таъминланибгина қолмай, улар-

нинг эски тузумдан мерос қолган иқтисодий ва маданий тенгсизлиги ҳам тугатилди. Барча совет миллий республикалари ўзаро қардошларча ёрдамга, биринчи навбатда, улуғ рус халқининг ёрдамига таяниб, ўзларида шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантирдилар. Илгари қолоқ бўлган кўпгина миллатлар капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб социализмга кирдилар.

Экономиканинг муваффақиятли ривожланиши билан бирга совет халқларининг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси ҳам тўхтовсиз ўсиб бормоқда. 1960 йилда СССРнинг миллий даромади 144 миллиард сўмни ташкил қилиб, аҳоли халқ маорифи, медицина хизмати, социал таъминот ва ҳар хил тўловлар ҳамда имтиёзлар учун умумий жамоат истеъмол фондидан 24,5 миллиард сўм пул олди. Шунингдек, ишчи ва хизматчиларни етти, олти соатлик қисқартирилган иш кунига кўчириш иши тугалланди. 1962 йилда 40 соатлик иш ҳафтасига ва 1964 йилдан эса 30—35 соатлик иш ҳафтасига ўтилади.

1960 йил 1 октябрдан бошлаб ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқлар аста-секин бекор қилина бошланди.

1960 йилда умумий ҳажми 1959 йилдагига қараганда 11 миллион квадрат метр ортиқ уй-жой бинолари қурилди. 1961 йил давомида 9—10 миллион киши янги уйларга кўчиб киради.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 4 миллион 450 минг киши (шу жумладан, олий мактабларда 2 миллион 400 мингга яқин киши) ўқишмоқда. 1960 йилда 340 мингдан кўпроқ ёш мутахассис кадрлар, шу жумладан 117 мингга яқин инженер кадрлар тайёрлаб чиқарилди. Илмий ходимлар сони 350 мингдан кўпроқ кишини ташкил қилди, 1961 йилда СССРда инженерлик дипломини олувчи мутахассисларнинг сони 1959 йилда АҚШда бўлганига қараганда уч баравар кўп бўлади.

Совет Иттифоқи ҳамма социалистик лагерь мамлакатлари ва капиталистик дунёдаги 76 мамлакат билан кенг савдо алоқалари олиб боради.

1961 йилда Совет Иттифоқи техника ҳамкорлиги тартибидан баъзи социалистик мамлакатларда ва шунингдек иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган мамлакатларда барпо этиладиган 380дан кўпроқ sanoat корхоналарини қуришда иштирок этди.

*Давлат тузуми.* Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида вужудга келган дунёда биринчи социалистик давлатдир. СССРнинг амалдаги мавжуд Конституцияси 1936 йил 5 дека-



Брада Советларнинг Умумиттифоқ VIII съезидида қабул қилинган. СССР — тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий асосларда ягона кўп миллатли давлатга — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига уюшуви ва жипслашувидан ташкил топган улуг давлатдир. СССР составига — РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркменистон ССР ва Эстония ССРлардан иборат 15 иттифоқчи республика, 20 автоном республика, 8 автоном область, 10 миллий округ, 6 ўлка, 108 область, 1682 шаҳар ҳамда 3070 шаҳар типидидаги посёлкалар киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидида бутун ҳокимият меҳнаткашлар депутатлари Советлари орқали шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари қўлида тўпланган. Советлар СССРнинг сиёсий негизини, унинг иқтисодий негизини эса хўжаликнинг социалистик системаси, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига нисбатан социалистик мулкчилик ташкил қилади.

Давлат ҳокимиятининг олий органи СССР Олий Совети бўлиб, у, икки палатадан — тўрт йил муддатга сайланадиган Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан ташкил топган. Олий Совет ҳар иккала палаталарининг қўшма мажлисида СССР Олий Совети Президиуми — раис, раиснинг 15 ўринбосари, 15 аъзо ва секретари сайланади. Олий Совет сессиялари ўртасидидаги давр ичида Олий ҳокимият СССР Олий Совети Президиуми томонидан амалга оширилади.

СССР Министрлар Совети мамлакатда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи бўлиб, Олий Совет олдида, Олий Совет сессиялари орасида ўтган вақт ичида эса Олий Совет Президиуми олдида жавобгардир.

Меҳнаткашлар депутатларининг икки йил муддатга сайланадиган ўлка, область, округ, район, шаҳар ва қишлоқ Советлари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларидир.

*Сиёсий партиялари.* Совет жамиятининг етакчи ва раҳбар кучи ҳисобланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва интеллигенциядан ташкил топган бўлиб, бир маслакдаги кишилар — коммунистларнинг кўнгилли, жанговар союзидир. КПССнинг XXII съезиди олдида (1961 йил) партиянинг 9 миллион 716 минг аъзо ва кандидати бўлган. КПСС совет халқининг ягона ва буюк сиёсий партиясидир.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи (ВЛКСМ) — ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда

Коммунистик партиянинг резерви ва ёрдамчисидир. ВЛКСМ ўз ишини КПСС раҳбарлиги остида олиб боради.

*Ташқи сиёсати.* Совет ҳукумати ленинча ташқи сиёсат принципларига, КПСС XX, XXI ва XXII съездлари қарорларига ва СССР Олий Совети директиваларига амал қилгани ҳолда, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган илчил сиёсат олиб бормоқда. Тўла ва батамом қуролсизланиш ишини олға силжитиш, мустамлакачиликнинг ҳамма ҳоллари ва шакллари тугатиш, империалистларни ўзаро тинч-тотув яшашга ишонтириш ва уларни шу йўлга ўтказиш, ҳамда агрессив ва уруш сиёсатидан воз кечишга мажбур этиш вазифаларини муваффақиятли бажариш йўлида Совет Иттифоқининг хизмати жуда каттадир.

Совет халқининг чет мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва маданий алоқалари йилдан-йилга кенгайиб ва мустаҳланиб бормоқда. Бу алоқалар СССРда кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари орқали, жумладан, СССР Министрлар Совети қошидаги чет эллар билан маданий алоқа Давлат Комитети, чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари Союзи, матбуот бўйича жамоат агентлиги ва бошқа ташкилотлар орқали олиб борилмоқда.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари Союзининг ўз олдига қўйган асосий мақсади жаҳон халқларини кўп миллионли совет халқининг ҳаёти, унинг давлат қурилиши, халқ хўжалигини ривожлантириш, маданият, фан ва санъат соҳаларида эришган муваффақиятлари билан таништиришдан иборат. Шу билан бирга у, чет эл халқларининг тарихи, хўжалиги, маданияти ва ҳаёти билан совет халқларини таништиради.

Чет мамлакат халқлари билан дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш иши Совет Иттифоқида умумий, оммавий тус олди. Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг минглаб вакиллари, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари бу шарафли ишда ҳормай-толмай фаолият кўрсатмоқдалар.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари Союзи дунёнинг 51 мамлакатига ташкил этилган СССР билан дўстлик ва маданий алоқа қиладиган 60 жамият билан алоқа қилиб туради. Бундан ташқари бу Союз Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятлари тузилмаган 30 мамлакатдаги 150 ташкилот билан алоқа боғлаган.

СССРда чет эл мамлакатлари ва мамлакатлар группаси билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи 30 дан ортиқ жамият тузилган. Бу жамиятлар иттифоқчи ва автоном республикаларда ўзларининг 70 дан ортиқ бўлимларига эга.

СССР ривожланган туризм мамлакатидир.

Совет Иттифоқи коммунистик жамият қурилишининг кенг авж олган даврида, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, СССРнинг асосий иқтисодий вазифаси — аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш бўйича энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларни қувиб етиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш даврида турибди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг фаолияти социалистик демократияни янада ривожлантириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва давлатни идора қилиш органларини янада такомиллаштириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширишга қаратилгандир.

Партиямизнинг КПСС XXII съездида қабул қилинган Программаси давримизнинг буюк сиёсий ва назарий марксча-ленинча ҳужжатидир. Программада коммунистик жамият қурилишининг илмий жиҳатдан асосланган конкрет плани инсониятнинг бутун тарихида биринчи марта илгари сурилди. Совет Иттифоқи олдида жуда кенг истиқболлар очиб берувчи бу Программага кўра, яқин ўн йил мобайнида СССРда саноат маҳсулоти тахминан 2,5 ҳисса, 20 йил мобайнида эса камида 6 ҳисса кўпаяди. Иккинчи ўн йилликнинг охирига келиб Совет Иттифоқида йилига 2700—3000 миллиард киловатт-соат электр энергияси ва тахминан 250 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилади. Совет Иттифоқи аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан АҚШни жуда орқада қолдириб кетади. СССР дунёда энг мукамал ва энг қудратли индустрияга, ўз кўламлари ва сифат даражаси жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳамда капитализм эриша олмайдиган ишлаб чиқарувчи кучлар ва моддий бойликларга, равнақ топган ҳар томонлама ривожланган ва ғоят маҳсулдор қишлоқ хўжалигига, энг илғор фан ва юксак маданиятга эга бўлади. Совет космик кораблларининг космик фазога муваффақиятли учирилиши совет фанининг кучи ва қудратидан, унинг келажаги нақадар порлоқ эканлигидан, советлар юртида илму фан инсоннинг бахти ва саодати учун, тинчлик учун хизмат қилишдан далолат беради.

Эндиликда Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари Ленинчи Коммунистик партиянинг раҳбарлигида коммунистик жамият қуриш Программасини амалга оширишга киришди.

## РСФСР

(Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 17 075,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 117 миллион 534 минг киши. Маъмурий жиҳатдан Федерация составига 16 автоном совет социалистик республикаси (Бошқирдистон АССР, Бурятия АССР, Дағистон АССР, Кабарда-Балкар АССР, Қолмиқ АССР, Карелия АССР, Коми АССР, Мари АССР, Мордва АССР, Шимолӣ Осетия АССР, Татаристон АССР, Тува АССР, Удмуртия АССР, Чечен-Ингуш АССР, Чувашия АССР, Якутия АССР), 6 ўлка (Олтой, Краснодар, Красноярск, Приморье Ставрополь, Хабаровск ўлкалари), 49 область, 5 автоном область, 10 миллий округ киради. Республикада 876 шаҳар ва 1607 шаҳар типдаги посёлка бор. Пойтахти — Москва шаҳри, Федерация халқининг асосий кўпчилигини руслар (97 864 минг, ёки 83,3%) ташкил қилади. Руслардан ташқари татарлар, украинлар, чувашлар, бошқирлар ва бошқа жуда кўп миллатлар қардош оилада яшайди.

*Давлат тузуми.* Россия Федерациясининг амалдаги конституцияси 1937 йил 21 январда қабул қилинган. Қонун чиқарувчи олий орган Россия Федерациясининг Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти Федерация Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хўжалиги.* Россия Федерацияси — юксак даражада ривожланган индустриал республикадир. Федерациянинг саноати Совет Иттифоқи умумий саноат маҳсулотининг  $\frac{2}{3}$  қисмини, жумладан пўлатнинг 57, нефтнинг 78, электр қувватининг 67, машинасозликнинг 75, автомобилсозликнинг 92, газмолнинг 86, оёқ кийимининг 60 процентини ишлаб чиқаради. Фақат 1960 йилнинг ўзидагина 1959 йилдагига нисбатан чўян ишлаб чиқариш 1,8 миллион тоннага, пўлат ишлаб чиқариш 2,8 миллион тоннага, прокат ишлаб чиқариш 2 миллион тоннага кўпайтирилди. Етти йилликда (1959—1965) республика саноатининг ялли маҳсулоти тахминан 80 процент, чўян эритиш 69—84, пўлат эритиш 60—69 процент кўтарилди. Электр қуввати ҳосил қилиш 2 баравардан ортиқ, нефть қазиб чиқариш 2,1—2,3 ҳисса, газ қазииш ва ишлаш 6 марта, синтетик каучук тайёрлаш 2,6 баравар, пластик масса ишлаб чиқариш 5 ҳисса, цемент ишлаб чиқариш 2,2—2,4 марта, қанд ишлаб чиқариш 3 баравар кўпаяди. Шу давр ичида республикада металлургия ҳам кенг кўламда ривожланади. 1965 йилга бориб фақат биргина Челябинск областидагина ҳозир Францияда ишлаб чиқарилаётгандан кўпроқ чўян эритилади. Сибирь ва Узоқ

Шарқда кўмир қазиб чиқариш 1965 йилда 181—186 миллион тоннани ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар рўй берди. Дон хўжалиги бўйича республика етти йиллик планни олти йилда бажариб, 1964 йилда 6,5—7 миллиард пуд дон етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Етти йиллик давомида қанд лавлаги етиштириш 1953 йилдагига нисбатан 8 баравар, мева етиштириш 5 марта, узум етиштириш 7 ҳисса кўпаяди. Чорвачилик маҳсулдорлиги ривожлантирилади. 1965 йилга бориб республикада 1958 йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўп гўшт, 1,6—1,7 марта кўп сут, 1,6 ҳисса кўп тухум, 1,7 баравар кўп жун тайёрланади. Республикада (1960) 3364 совхоз ва 28 600 колхоз бор.

Россия Федерацияси меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси узлуксиз ортиб бормоқда. Меҳнаткашларга кўплаб уй-жой қуриб берилмоқда, саноат корхоналари ва турар жойлар газлаштирилмоқда, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. 1958/1959 ўқув йилида ўқишга жалб қилинганларнинг умумий сони 29 миллионга етган эди. Республика олий ва ўрта махсус билим юрларида ўқиб турган студентларнинг сони 2,5 миллиондан ортиб кетди.

СССР Фанлар академиясининг асосий институтлари, шунингдек иттифоқ аҳамиятига эга бўлган энг йирик илмий текшириш институтларнинг аксарияти Россия Федерациясида жойлашган. Республикада ўнлаб давлат театри, 100 дан ортиқ халқ театрлари, 16 киностудия ишлаб турибди. 50 мингга яқин киноустановка, 1 миллиондан ортиқ радиочока мавжуд.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси кун сайин гуллаб-яшнамоқда.

## УКРАИНА ССР

*(Украина Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 601 минг квадрат километр. Аҳолиси 41 миллион 869 минг киши. 1960 йилнинг июль ойигача республикада 25 область, 604 қишлоқ районлари, 345 шаҳар ва 823 шаҳар типигаги посёлкалар бўлган. Пойтахти — Киев шаҳри (1104 минг киши). Халқининг кўпчилигини украинлар (31 158 минг ёки 76,8 %) ташкил қилади. Бундан ташқари руслар (7091 минг ёки 16,9%), яҳудийлар (840 минг ёки 2,0%), поляклар (363 минг ёки 0,9%), бело-

руслар (291 минг ёки 0,7%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Украина — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикасиدير. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 30 январда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий органи — Республика Олий Советидир. Украина Министрлар Совети ижроия ҳокимиятни амалга оширади.

*Хўжалиги.* Украина — юқори даражада ривожланган индустриал-аграр республикадир. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 22 мартадан ортиқ ўсди. Аҳоли жон бошига чўян ишлаб чиқариш бўйича республика барча капиталистик мамлакатлардан ўтиб кетди. Кўмир қазиб чиқариш соҳасида у дунёда иккинчи ўринга, пўлат ишлаб чиқариш бўйича эса учинчи ўринга чиқиб олди. Эндиликда Украинанинг саноат маҳсулоти 60 га яқин чет эл мамлакатларига чиқарилмоқда.

Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилаётган металл асбоб-ускуналарнинг 50 процентини, тоғ-шахта ускуналарининг деярли ярмини, магистрал тепловоз ва юк вагонларининг 80 процентини, маккажўхори ва лавлагини йиғиштириб олувчи комбайнларнинг ҳаммасини Украина саноати ишлаб чиқаради.

1959—1965 йиллар давомида республика саноатининг ялпи маҳсулоти тахминан 77 процентга ортади. Шу жумладан, чўян қуйиш 47—57 процентга, пўлат эритиш 39—45 процентга, прокат ишлаб чиқариш 32—39 процентга кўпаяди. Кўмир қазиб чиқариш 211 миллион тоннага, нефть чиқариш 6 миллион тоннага етказилади.

Украина — Совет Иттифоқини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминловчи йирик республикадир. Дон экинлари маҳсулотининг абсолют миқдори бўйича Украина Канада, Франция ва Аргентинадан ўзиб кетди. Республикада Италияга қараганда 2 баравар, ГФРга қараганда 2,5 баравар кўп ғалла етиштирилади. Яқин келгусида дон экинларининг ялпи маҳсулоти 2,1 миллиард пудга етказилади. Боғ ва тоқзорларнинг майдони 740 минг гектарга кенгайтирилади. Етти йиллик давомида гўшт етиштириш 1,9 баравар, сут етиштириш 1,9 баравар кўпаяди.

Республиканинг миллий даромади 1965 йилга бориб 1958 йилдагига нисбатан 62—65 процентга ўсади.

Украинада саводсизлик тугатилган. Республиканинг умумий таълим мактабларида ўқиб турган болаларнинг сони 1959/60 ўқув йилида ўтган йилдагига нисбатан 71 минг кишига кўпайди. 140 университет ва олий ўқув юртлирида 1960

йилда 400 мингдан ортиқ студент таълим олди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш соҳасида Украина Европадаги барча капиталистик мамлакатлардан ўтиб кетди. Ҳозир республикада 48 драма театри, 5 опера театри, 26 филармония ишлаб турибди. Республикада 500 турли журнал ва бюллетенлар, 3500 газета нашр этилмоқда.

Украина Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқи халқлари қардошлик оиласида коммунизм сари бормоқда.

## БЕЛОРУССИЯ ССР

(Белоруссия Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 207,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 8 миллион 55 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 6 область, 131 қишлоқ районига бўлинади. Республикада 69 шаҳар ва шаҳар типдаги 127 посёлка бор. Пойтахти Минск шаҳри (509 минг киши). Халқининг кўпчилигини белоруслар (6532 минг, ёки 81 %) ташкил қилади. Руслар (659 минг ёки 8,2%), поляклар (539 минг ёки 6,7%), украинлар (133 минг, ёки 1,7%), яҳудийлар (150 минг, ёки 1,9%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Беларуссия — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикасидир. Қонун чиқарувчи олий орган — Беларуссия ССР Олий Советидир. Республика Министрлар Совети эса ижроия ҳокимиятини амалга оширади.

*Хўжалиги.* Совет ҳокимияти йилларида Беларуссиянинг хўжалиги тамоман ўзгариб кетди. Беларуссия қолоқ, аграр мамлакатдан илғор, индустриал ўлкага, Совет Иттифоқининг муҳим иқтисодий районларидан бирига айланди. Саноатнинг станоксозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, автомобилсозлик, тракторсозлик ва бошқа тармоқлари республика халқ хўжалигида етакчи роль ўйнайди. Беларуссия жуда катта торф запасига эга, у зиғирпоя етиштирувчи йирик районлардан биридир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани Беларуссия экономикаси ва маданиятини ҳам ривожлантиришни кўзда тутди. Республикада 1965 йилга келиб 1958 йилдагига нисбатан 2,7 баравар кўп электр қуввати ҳосил қилинади, машинасозлик саноати маҳсулоти 2,2 баравар, кимё саноати маҳсулоти 3,4 баравар, қурилиш материаллари саноати маҳсулоти 2,4 баравар кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигида — дон етиштириш 2,3—2,6 баравар, қанд лавлаги етиштириш 3,2—3,6 баравар, гўшт етиштириш 2 баравар, сут етиштириш 1,9—2 баравар кўпаяди.

Етти йиллик ичида халқ фаровонлиги янада ўсади. Янги етти йилликда ўтган етти йилдагига нисбатан 2,2 марта кўп уй-жой қурилади. Болалар боқчасидаги ўринлар 2,4 баравар, яслилардаги ўринлар сони эса 2,3 баравар кўпаяди.

1965 йилга бориб бошланғич, етти йиллик ва ўрта мактаблардаги ўқувчилар сони 1,6 миллион кишига ошади. Мавжуд 25 олий ва 106 ўрта махсус билим юртларига қўшимча бир қанча янги олий мактаблар очилади.

Республикада Фанлар академияси ва бошқа илмий текшириш институтлари илм-фанни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқдалар.

Республикада давлат опера ва балет театри, 9 драма театр, кино ва телестудия, 15 минг бадний ҳаваскорлар тўғараги, 63 минг клуб, 8,1 минг оммавий кутубхона, 43 музей ва 9 халқ ижоди уйлари ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг буюк коммунизм қуриш программасидан илҳомланган Белоруссия меҳнаткашлари етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР

(Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 408,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 8 миллион 106 минг киши. Ўзбекистоннинг составига Қорақалпоғистон АССР ва 7 область киради. Республикада 33 шаҳар, 73 шаҳар типигаги посёлка, 116 қишлоқ райони бор. Пойтахти Тошкент шаҳри (912 минг киши). Халқининг кўпчилигини ўзбеклар (5038 минг ёки 62,2%) ташкил қилиб, бу ерда руслар (1091 минг ёки 13,5%), татарлар (445 минг ёки 5,5%), қozoқлар (335 минг ёки 4,1%), тожиклар (311 минг ёки 3,8%), қорақалпоқлар (168 минг ёки 2,1%) ва бошқа миллат фарзандлари дўстона оилада яшайди.

*Давлат тузуми.* Ўзбекистон — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи Совет Социалистик Республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 14 февралда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий органи Ўзбекистон ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ичтиёридадир.



**Хўжалиги.** Ўзбекистон — ҳозирги замон саноати, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалиги ва юқоак маданиятга эга республикадир. Ҳозир республика саноатининг 70 тармоғида 1100 дан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турибди. Металлургия, машинасозлик, металл ишлаш, кимё, энергетика ва қиқ-овқат саноати Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқларидир. 1960 йилда республикада 297 минг тонна пўлат эритилди. Бу 1951 йилдагига қараганда 2 баравар кўп. Етти йилликда пўлат ишлаб чиқариш 1,4 баравар, машинасозлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпаяди. Ўзбекистон Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларининг ҳаммасидагига нисбатан кўпроқ қишлоқ хўжалиқ машиналарини ишлаб чиқаради. 1960 йилда Ўзбекистонда 5,8 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди. 1965 йилда бу миқдор 2,5 баравар кўпаяди. 1960 йилда 3410 минг тонна тошкўмир, 446,6 миллион куб метр газ, 1913 йилдагига нисбатан 146 баравар кўп нефть қазиб олинди.

Енгил саноатнинг барча тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. 1960 йилда республикада 234,7 миллион метр ип газлама, 24 886 минг метр ипак газлама ишлаб чиқарилди. 1965 йилда енгил саноатнинг ялпи маҳсулоти 1,6 миллиард сўмга тенг бўлади.

Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта базасидир. 1961 йили давлатга 3 миллион тоннадан кўпроқ пахта топширилди. Етти йиллик давомида пахта етиштириш анча кўпаяди. Республика қишлоқ хўжалигида пиллачиликнинг ҳам роли катта. 1960 йилда 14633,3 тонна пилла етиштирилди. Чорвачилик ва хусусан қорақўлчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти катта. Ҳозир республикада 951 колхоз ва 179 совхоз бор.

Ўзбекистонда 6410 умумий таълим мактаби ўқув-тарбия ишларини олиб бормоқда. Бу мактабларда 1489 минг бола ўқийди. Республикадаги 75 ўрта махсус мактабларда 52 600 бола ва 30 олий ўқув юртида 101 300 студент таълим олмоқда. Республика Фанлар академияси ва юздан ортиқ илмий текшириш институтлари илму фанни ривожлантириш йўлида самарали иш олиб бормоқдалар. Республикада яшовчи халқларнинг тилларида 227 газета ва 121 журнал нашр этилади. Республикада 20 театр, 4 концерт ташкилоти, кино ва телестудия, 2081 киноустановка, 2882 клуб, 3316 оммавий кутубхона, 17 музей, 83 маданият университети, 28 маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқи қардош халқлари оиласида коммунистик жамият қуришга астойдил киришган.

## ҚОЗОҒИСТОН ССР

(Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 2756 минг квадрат километр. Аҳолиси 9 миллион 310 минг киши. Республикада 1 ўлка, 16 область, 189 қишлоқ райони ва 46 шаҳар бор. Пойтахти Олмаота шаҳри (455 минг киши). Асосий халқи қозоқлар бўлиб, руслар, украинлар, татарлар, ўзбеклар ва бошқа миллат фарзандлари ҳам истиқомат қиладилар.

*Давлат тузуми.* Қозоғистон — СССРнинг составига кировчи Иттифоқчи Совет Социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 26 мартда тасдиқланган. Республика Олий Совети қонун чиқарувчи олий орган бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хўжалиги.* Ўтмишда қолоқ Қозоғистон эндиликда ривожланган индустрияга эга республикадир. Совет ҳокимияти йилларида республикада ялпи саноат маҳсулоти 57 баравар ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 7 баравардан ортиқ кўпайди. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида ялпи саноат маҳсулоти планда белгиланган 22 процент ўрнига 28 процент ошди. Чўян, пўлат, прокат, темир рудаси қазниш, минерал ўғитлар ва турли қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш каби саноат тармоқлари янгидан ташкил қилинди. Кейинги бир неча йил давомида Қарағанда металлургия комбинати, Соколов-Сарбай темир руда ҳавзаси, мис, қўрғошин, рух рудалари ва кўмир қазиладиган шахталар ишга туширилди.

Революциядан илгари Қозоғистон ўлкасидаги барча электростанциялар 1—3 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилган бўлса, 1960 йилда электр қуввати ҳосил қилиш 10500 миллион киловатт-соатга етди. Бу бутун чор Россиясида ишлаб чиқарилган электр қувватидан 5 баравардан ҳам зиёддир.

Қозоғистоннинг социалистик қишлоқ хўжалиги ҳам тобора юксалмоқда. Кейинги йилларда 25 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш Қозоғистон ССР экономикасини ривожлантиришда бурилиш даври бўлди. Қўриқ ерларда 800 дан ортиқ янги, юксак даражада механизациялаштирилган йирик совхозлар вужудга келди. Қолхозлар йириклашди ва бақувватлашди. Юзлаб янги, обод посёлкалар қад кўтарди; элеваторлар ва ғалла омборлари, неча минг километрлаб темир ва тош йўллар қурилди.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилмасдан аввалги беш йил ичида (1949—1953 йиллар) ғалла етиштириш ҳар йили ўрта ҳисобда 240 миллион 600 минг пудни ташкил қилган бўлса, кейинги беш йилликда (1956—1960 йиллар) йилига бир миллиард 149 миллион 700 минг пудни ташкил этди. Шу йиллар мобайнида республикада давлат томонидан ғалла харид қилиш йилига ўрта ҳисобда 111 миллион пуддан 708 миллион пудга кўпайди.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жамоат чорвачилигини тез ривожлантириш имконини берди. 1953 йилда гўшт етиштириш 325 минг тоннани (сўйилган вазнда) ташкил қилган бўлса, 1960 йилда 544 минг тоннага етди. Шу йиллар ичида сут етиштириш 1562 тоннадан 2 490 000 тоннага кўтарилди.

Қозоғистоннинг шаҳар ва қишлоқларида уй-жой қурилиши йилдан-йилга кенг қулоч ёймоқда. Фақат кейинги етти йил ичида республикадаги шаҳарлар ва ишчи посёлкаларда умумий сатҳи 28 миллион квадрат метрдан иборат уй-жойлар ёки 750 мингдан ортиқ квартира қурилди.

Совет Қозоғистони халқларининг маданияти гуллаб-яшнамоқда. Революциядан илгари халқининг деярли ҳаммаси саводсиз бўлган, олий ўқув юртлари, врачлари, инженер ва агрономлари бўлмаган Қозоғистонда ҳозир ҳар минг аҳолидан 251 киши олий ва ўрта маълумотга эга. Республикада 178 минг инженер-техниклар ва агрономлар, 150 мингга яқин ўқитувчи, илмий ходимлар ва маданий фронтнинг бошқа арбоблари ишламоқдалар. Қозоғистон ССР Фанлар академияси ва жуда кўп бошқа илмий текшириш институтлари самарали иш олиб бормоқдалар. Республикада 17 драма театр, давлат консерваторияси ва филармонияси, опера ва балет театри, киностудия, халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбли, хор капелласи, 10 халқ театрлари, 5 мингдан ортиқ киноустановакалар, 200дан кўпроқ маданият саройлари, 5000 клуб, 13 минг кутубхона ва 24 музей ишлаб турибди; 325 газета ва журнал чиқарилмоқда, умумий тиражи бир неча миллион нусхадан иборат юзлаб китоблар босилмоқда.

Совет Иттифоқининг барча халқлари каби республика меҳнатқашлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва коммунистик жамият қуриш йўлида ҳормай-толмай курашмоқдалар. Етти йиллик давомида халқ хўжалигига 11,6—11,9 миллиард сўм маблағ сарфланади, бу эса ўтган 35 йил ичида ўзлаштирилган маблағдан 1,8—2,1 миллиард сўм кўп. Саноат маҳсулотининг ҳажми 1958 йилдагига нисбатан 2,7 баравар, 1913 йилдагига нисбатан эса 100 баравар кўпаяди.

## ГРУЗИЯ ССР

*(Грузия Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 69,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 4 миллион 44 минг киши. Грузиянинг таркибига Абхазия АССР, Аджария АССР ва Жанубий Осетия автоном области киради. Маъмурий жиҳатдан Грузия 66 районга бўлинади. Республикада 35 шаҳар ва шаҳар типдаги 50 посёлка бор. Пойтахти Тбилиси шаҳри (695 минг киши). Халқининг кўпчилигини грузинлар (2601 минг ёки 64,3%) ташкил қилади. Грузинлардан ташқари арманлар (443 минг ёки 11%), руслар (408 минг ёки 10,1%), озарбайжонлар (154 минг ёки 3,8%), осетинлар (141 минг ёки 3,5%), абхазлар (63 минг ёки 1,6%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Грузия — СССР таркибига кирувчи Иттифоқчи Совет Социалистик Республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 13 февралда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган Грузия ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хўжалиги.* Грузия — юксак даражада ривожланган индустриал-аграр республикадир. Совет ҳокимияти йилларида Грузияда мингга яқин саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Батуми нефть ва Каспий цемент заводлари, Зестафони ферросплав заводи, Тбилиси авторемонт ва Агара қанд заводлари, Ингури қоғоз ва Тбилиси трикотаж комбинатлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

1960 йилда республикада 1913 йилдагига нисбатан 41 баравар кўп саноат маҳсулоти, 41 баравар кўп тошкўмир қазиб чиқарилди, 190 баравар кўп электр қуввати ҳосил қилинди. Республика саноат маҳсулоти ҳозирда 50 чет эл давлатларига чиқарилмоқда.

Революциядан илгари Грузиянинг саноати Туркия ва Эронда бўлгани каби паст даражада эди. Ҳозир эса республика мазкур қўшни чет эл Шарқи мамлакатларини орқада қолдириб кетди. Грузияда киши бошига Италиядагига қараганда 2 баравар кўп чўян, 2 баравар кўп пўлат, 1,7 баравар кўп прокат ишлаб чиқарилмоқда. Республиканинг саноат корхоналарида 250 минг ишчи ва мутахассис ишламоқда.

Қишлоқ хўжалигида майда деҳқон хўжаликлари тугатилиб, йирик коллектив хўжаликлар барпо этилди. Республикадаги 1115 қолхоз ва 121 совхоз тўла электрлаштирилган; 7900 трактор, 1700 комбайн ва 11 минг юк ташиш машиналари ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалигида 11 200 мутахассис самарали меҳнат қилмоқда. Суғориш системасини ривожлантириш ва

кенгайтириш соҳасида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ҳозир Грузияда 341 минг гектар ер суғорилади, бу эса 1921 йилдагига нисбатан деярли тўрт баравар кўпдир. Суғориладиган ер майдонини яна 350 минг гектарга кўпайтириш планлаштирилган.

Грузиянинг қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли. Хўжаликнинг асосини чой ва цитрус плантациялари, мевазорлар, техника ва донли экинлар, шунингдек чорвачилик ташкил қилади. Чой плантациялари 55 минг гектар ерни ишғол қилади. Грузия Совет Иттифоқининг бутун чой маҳсулотининг 96 процентини беради. 1960 йилда йиғиб олинган яшил чой баргининг миқдори 157 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1965 йилга бориб бу миқдор 200 минг тоннага етказилади. Цитрус экинлари ҳам худди ана шундай суръатлар билан кўпайтирилади. Ҳозир улар 9200 гектар майдонни ишғол қиладилар. 1965 йилда цитрус экинларининг майдони 13 минг гектарга етказилади. Бу майдондан 60 минг тонна цитрус мевалари йиғиб олинади. Етти йиллик давомида лавр барги тайёрлаш икки баравар, мевазорлар 1,5 баравар кўпаяди, токзорларнинг майдони 83 минг гектардан 150 минг гектарга кенгайтирилади.

Грузия — саводхонлар республикаси. Ҳозир бу ерда 4664 умумий таълим мактаби ва 42 интернат-мактаб бор. Бу мактабларда 710 мингдан ортиқ бола ўқимоқда. Республикадаги 18 олий ўқув юртида 56 минг студент таълим олмоқда. 1935 клуб, 3114 кутубхона, 20 давлат театри, 1209 киноустановка ва 64 музей ишлаб турибди. Грузия Фанлар академияси республика илмий ҳаётининг ҳақиқий марказига айланган.

Совет Грузиясининг меҳнаткашлари республиканинг санати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

## ОЗАРБАЙЖОН ССР

*(Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 86,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 698 минг киши. Озарбайжоннинг таркибига Нахичевань АССР, Тоғли Қорабоғ автоном об-ласти кирди. Маъмурий жиҳатдан 60 районга бўлинади. Республикада 43 шаҳар ва 108 шаҳар типидagi посёлка бор. Пойтахти Боку шаҳри (971 минг киши). Халқининг кўпчилигини озарбайжонлар (2494 минг ёки 67,5%) ташкил қилади. Шунингдек, руслар (501 минг ёки 13,6%), арманлар (442 минг ёки 12%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Озарбайжон — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 14 мартда тасдиқланган. Озарбайжон ССР Олий Совети қонун чиқарувчи олий орган бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хўжалиги.* Совет ҳокимияти йилларида республика экономикасида туб ўзгаришлар рўй бериб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Утган 41 йил ичида республика ялпи sanoat маҳсулоти 38 барабар ўсди. Нефть қазиниш, пўлат ва прокат ишлаб чиқариш, темир рудаси қазиниш, минерал ўғитлар ва қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи sanoat тармоқлари янгидан ташкил қилинди.

Етти йиллик давомида Озарбайжоннинг sanoati янада ривожланади. Нефть қазиниш чиқариш 22 миллион тоннага (1913 йилда 7,7 миллион тонна), газ қазиниш чиқариш 11,6 миллиард кубметрга етказилади. Кимё sanoati маҳсулотини ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан 6 барабар, металлургия ва тоғ-кон sanoati маҳсулотини ишлаб чиқариш 2,2 барабар кўпаяди. 11 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. 1730 тонна чой етиштирилади.

Озарбайжоннинг социалистик қишлоқ хўжалиги ҳам тобора юксалмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликдир. 1965 йилга бориб 600 минг тонна пахта етиштириш мўлжалланган. Етти йиллик давомида ялпи дон маҳсулоти 2 барабар кўпаяди, сабзавот етиштириш 472 минг тоннага, тамаки етиштириш 14,1 минг тоннага, яшил чой барги етиштириш 7 минг тоннага етказилади.

Республиканинг 1341 колхоз ва 72 совхозида (1960 й.) 18 249 трактор, 3 641 дон йиғиш комбайни, 1303 пахта териш машинаси ишламоқда.

Озарбайжоннинг шаҳар ва қишлоқларида уй-жой қурилиши йилдан-йилга кенг қулоқ ёймоқда. Совет ҳокимияти йилларида республикада 6,2 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Совет Озарбайжони халқларининг маданияти гуллаб-яшнамоқда. Революциядан илгари Озарбайжон халқининг 90 процентдан кўпроғи саводсиз бўлган бўлса, ҳозирда умумий таълим мактабларида 700 мингга яқин бола ўқимоқда. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида 70 минг чамасида студентлар таълим олмоқда.

Республикада 9 драма театр, 2 музикали драматеатр, опера ва балет театри, киностудия, маданият уйлари, клуб, кутубхона ва музейлар ишлаб турибди.

Республика меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва коммунизм барпо этиш йўлида мардонавор курашмоқдалар.

## ЛИТВА ССР

(Литва Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 65,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 711 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 62 қишлоқ районига бўлинади. Таркибида 88 шаҳар ва 28 шаҳар типигаги посёлка бор. Пойтахти Вильнюс шаҳри (235 минг киши). Халқининг кўпчилигини литваликлар (2151 минг ёки 79,3%) ташкил қилиб, бу ерда руслар (231 минг ёки 8,5%), поляклар (230 минг ёки 8,5%), белоруслар (30 минг ёки 1,1%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Литва — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1940 йил 25 августда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган Литва ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтёрлидир.

*Хўжалиги.* Литва — тараққий қилган индустриал-аграр республикадир. Машинасозлик ва металл ишлаш Литва саноатининг энг тараққий қилган тармоқларидир. 1959 йилда 10,7 минг дона электросварка агрегати, 704 минг дона электр двигатели ишлаб чиқарилди. Ана шу йилнинг ўзидагина 21 янги саноат корхонаси ва 14 янги цех қуриб ишга туширилди. Етти йиллик давомида машинасозлик ва металл ишлаш саноат маҳсулотини етиштириш 2,4 баравар кўпаяди. Кимё саноатини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. 1965 йилга бориб ипак газлама ишлаб чиқариш 16 миллион метрга етказилади, трикотаж буюмларининг 40 проценти синтетик толалар асосида ишлаб чиқарила бошлайди. Электр қуввати ҳосил қилиш 1958 йилдаги 855 миллион киловатт-соат ўрнига 1965 йилдан 2420 миллион киловатт-соатга етказилади. Енгил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш етти йиллик охирига бориб 61 процентга кўпаяди. 1965 йилда Литва фабрикалари аҳоли жон бошига тахминан 2,8 метр жун газлама ишлаб чиқаради.

Литванинг қишлоқ хўжалигида сут-гўшт чорвадорлиги ва гўшт-бэкон чўчқачилиги асосий роль ўйнайди. Асосан картошка, сабзавот, қанд лавлаги ва зиғирпоя етиштирилади.

Литва халқининг маданияти гуллаб-яшнамоқда. 1940 йилда ҳар 42 минг аҳолига 1 давлат гимназияси тўғри келган бўлса, ҳозир 1 ўрта мактаб ҳар 6 минг кишига тўғри келади.

1939 йилда 10 минг аҳоли ҳисобидан олий ўқув юртларида атиги 13 киши таълим олган. Ҳозир эса ҳар 10 минг аҳолининг 91 таси олий ўқув юртларида ўқимоқда. Совет ҳокимияти йилларида маданий-оқартув муассасаларининг сони 369 дан 6576 га етди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани (1959—1965) Литва саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятини янада ривожлантиришни назарда тутди. Халқ хўжалигига маблағ сарфлаш ўтган етти йилликка нисбатан 2 баравар кўпаяди. Республиканинг саноати тез суръатлар билан ривожланади. Саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик давомида 1,8 марта кўпаяди. Халқнинг моддий ҳаёти янада фаровон бўлади.

Литва Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқининг барча қардош республикалари билан баб-баравар буюк коммунистик жамият яратишга киришди.

## МОЛДАВИЯ ССР

(Молдавия Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 33,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 885 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 35 қишлоқ районларига бўлинади. Республикада 17 шаҳар ва шаҳар типигадаги 21 посёлка бор. Пойтахти Кишинев шаҳри (214 минг киши). Аҳолининг 65,4 процентини молдаванлар, 10,2 процентини руслар ташкил этади. Мамлакатда бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилади.

*Давлат тузуми.* Молдавия — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Қонун чиқарувчи олий орган республика Олий Советидир. Министрлар Совети эса ижроия ҳокимиятини амалга оширади.

*Хўжалиги.* Илгари қолоқ, мустамлака ўлка бўлган Молдавия Совет ҳокимияти йилларида саноати ва қишлоқ хўжалиги юксалган, фан ва маданияти гуллаб-яшнаган республикага айланди. Чет эл босқинчилари, маҳаллий эксплуататорлар зулми остида жафо чеккан молдаван халқи социалистик тузум туфайли бахт-саодатли бўлиб қолди. У энди на очлик ва на қашшоқликни биллади.

Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда экономика ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланди. 1960 йилда саноатнинг ялпи маҳсулоти урушдан илгаригидан 8 баравардан зиёд кўпайди. Республикада оғир саноат тармоқлари — электротехника, металл ишлаш, асбобсозлик саноати вужудга келди.



Қишлоқ хўжалигида ҳам оламшумул ғалабалар қўлга кiritилди. Ҳозир Молдавия узумдан қилинадиган маҳсулотлар (асосан вино) ишлаб чиқаришда Иттифоқда биринчи ўринда ва турли консерва ҳамда кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришда эса учинчи ўринда туради. 1960 йилда республикада 11 миллион 826 декалитр вино тайёрланди.

Шу кунларда республиканинг шаҳар ва қишлоқларида 1810 мактаб бор. Уларда қарийб ярим миллион бола таълим оляпти. Неча минглаб студентлар 6 олий ўқув юрти ва 32 махсус билим юртларида фан чўққиларини эгаллаптилар.

Ҳозир Молдавияда ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда Франция ва Ғарбий Германиядагидан 2—3 барабар, Туркиядагидан эса 6 барабар кўп студент ўқияпти. Республикада 20 мингдан зиёд ўқитувчи, 4 мингга яқин врач ишляпти, 40 дан ортиқ илмий муассасалар халқ хўжалигининг муҳим проблемалари устида иш олиб бoryптилар.

1960 йил июль ойида Молдавия ССР Фанлар академияси ташкил этилди. Бу — республикада фан ва маданиятнинг юксак даражага етганлигидан далолатдир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани Молдавия халқ хўжалигининг юксалиш истиқболларини ҳам белгилаб берган. Шу кунларда Молдавия меҳнаткашлари етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

## Л А Т В И Я С С Р

*(Латвия Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 63,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 93 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 32 районга бўлинади. Республикада 55 шаҳар, 31 шаҳар типидagi посёлка бор. Пойтахти Рига шаҳри (605 минг киши). Халқнинг кўпчилигини латишлар (1298 минг ёки 62%) ташкил қилиб, бу ерда руслар (556 минг ёки 26,6%), белоруслар (62 минг ёки 2,9%), поляклар (60 минг ёки 2,9%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Латвия — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг конституцияси 1940 йил 25 августда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган — Латвия ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хужалиги.* Латвия — тараққий қилган индустриал-аграр республикадир. Саноатнинг электротехника, радиотехника, приборсозлик, транспорт машинасозлиги тармоқлари яхшигина ривож топган. Электрлаштирилган темир йўлларда фойдаланиш учун мотор ва прицепп вагонларини, шунингдек шаҳарлараро телефон коммутатор аппаратларини ишлаб чиқаришда Латвия Совет Иттифоқида биринчи ўринда туради. 1959 йилда Латвия саноати 91,1 минг тонна пўлат, 251 минг тонна электр ускуналари, 180 трамвай вагонлари, 153 минг дона автоматик телефон станция аппаратлари ишлаб чиқарди. Совет Иттифоқида 1959 йилда ишлаб чиқарилган электр кир ювиш машиналарининг 13,8 процентини, радиоприёмникларнинг 15 процентини Латвия берди.

Республиканинг энергетика саноати, шунингдек енгил саноати тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. 1959 йилда 1473 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинган бўлса, 1965 йилга бориб бу миқдор 2,2 баравар кўпаяди. Ип газлама тўқиб чиқариш 1959 йилдаги 48,6 миллион метр ўрнига 1965 йилда 55,1 миллион метрга етказилади. 1965 йилда Латвияда 8,3 миллион жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилади. Балиқ овлаш Латвия аҳолисининг қадимий ҳунарларидандир. 1959 йилда 104,7 минг тонна балиқ овланди. Етти йилликнинг охирига бориб балиқ овлаш 2,1 баравар кўпаяди.

Латвиянинг қишлоқ хўжалиги сут чорвадорлиги ва бэкон чўчқачилигига (чўчқа гўштини дудлаб ёки чала тузлаб тайёрлаш) ихтисослаштирилган. 1959 йилнинг охирида Латвияда 1236 колхоз ва 140 совхоз бўлган. Экиладиган ернинг умумий майдони 1515,3 минг гектарни ташкил этган, шундан 730,7 минг гектарига ем-хашак экинлари экилган. Қишлоқ хўжалиги механизациялаштирилган. Республика қишлоқ хўжалигида (1959 йил маълумотларига кўра) 20,9 минг трактор, 1,8 минг галла комбайни, 7,4 минг юк автомашиналари ишлаб турди. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина қишлоқ хўжалиги 3,5 минг трактор, 200 комбайн, 1,1 минг трактор плуги ва бошқа ускуналар билан таъминланди.

Коммунизм сари қадам қўйган Латвия халқининг маданий даражаси йил сайин ўсиб бормоқда. Латвия ўзининг Фанлар академиясига эга. Республиканинг олий ўқув юрлари ва ўрта махсус мактабларида 42 минг (1958) студент ўқимоқда. Умумий таълим мактабларида 1958/59 ўқув йилида 286 минг бола ўқиди. 1958 йилда Латвиянинг халқ хўжалигида 60 минг олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишлади.

**ҚИРҒИЗИСТОН ССР***(Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 198,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 66 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 2 область ва 37 районга бўлинади. Республикада 15 шаҳар, 28 шаҳар типдаги посёлка ва 360 қишлоқ Совети бор. Пойтахти Фрунзе шаҳри (217 минг киши). Халқининг кўпчилигини қирғизлар (837 минг ёки 40,5%) ташкил этади. Қирғизлар билан бир қаторда руслар (624 минг ёки 30,2%), узбеклар (219 минг ёки 10,6%), украинлар (137 минг ёки 6,6%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Қирғизистон — СССР таркибига кирувчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 23 мартда қабул қилинган. Қонун чиқарувчи Олий орган Қирғизистон ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

*Хужалиги.* Қирғизистон — колхозлашган-индустриал социалистик республикадир. Унинг саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 1959 йилда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1913 йилдагига нисбатан 55 баравар, йирик саноат маҳсулоти эса 965 баравар ўсди. Ҳозирги вақтда республика саноати ҳар 7 кунда бутун 1913 йилда чиқарилганидан анча кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқараётир. 1959—1965 йиллар давомида республика саноатининг ялпи маҳсулоти 2,2 баравар кўпаяди. Шу жумладан нефть қазиб чиқариш 3 баравар, электр қуввати ҳосил қилиш 3,6 баравар, енгил саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 3 баравар ошади; 4 миллион тонна тошкўмир, 2 миллиард кубметр газ қазиб чиқарилади.

Қирғизистон саноат тараққиётининг суръатлари бўйича фақат Эрон, Афғонистон, Покистон каби қўшни Шарқ мамлакатларидангина эмас, балки саноати тараққий қилган Англия, Франция, Швеция сингари капиталистик давлатлардан ҳам ўзиб кетди. Қирғизистонда ҳозир Италия, Покистон, Эрон ва Аргентина мамлакатларининг ҳаммасидан кўп кўмир қазиб олинади. Республикада аҳоли жон бошига Франция, Италия ва ГФР дагига нисбатан кўпроқ қанд ишлаб чиқарилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Совет Қирғизистонида майда чорва хўжаликлари ўрнига 357 йирик колхоз ва 64 совхоз барпо этилди. Республика далаларида 15 мингга яқин трак-

тор. 3300 дан ортиқ комбайн, 8 мингга яқин юк автомашиналари ва бошқа кўпгина техника ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалигидаги кўп меҳнат талаб қилувчи барча процесслар механизациялаштирилган. Асосан пахта, қанд лавлаги, ғалла ва тамаки етиштирилади. Чорвачилик ривожланган.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилинди. Республиканинг миллий даромади 1957—1959 йиллар ичида 17,1 процент ўсди. Сўнгги тўрт йил ичида давлат маблағлари ҳисобига 700 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қирғиз халқининг социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда. Республикадаги 8 олий ўқув юрти ва 25 ўрта махсус мактабда 33 минг студент билим олмоқда. Қирғизистон Фанлар академияси самарали равишда ишлаб турибди. Шаҳар ва қишлоқлардаги 1755 умумий таълим мактабларида 345 минг бола ўқимоқда.

Қирғизистоннинг кўп миллатли халқи етти йиллик план программасини муддатидан илгари бажаришга ва коммунизм қуришнинг улуғ ишига ўз муносиб ҳиссасини қўшиш учун бугун куч ва ғайратини сарфламоқда.

## ТОЖИКИСТОН ССР

(Тожикистон Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 143 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 980 минг киши. Тожикистоннинг составига Тоғли Бадахшон автоном области ва Ленинобод области киради. Республикада 16 шаҳар, 30 шаҳар типидagi посёлка, 31 қишлоқ райони бор. Пойтахти Душанба шаҳри (224 минг киши). Халқи асосан тожиклардан (1051 минг ёки 53,1%) иборат. Бундан ташқари ўзбеклар (454 минг ёки 23%), руслар (263 минг ёки 13,3%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Тожикистон — СССР таркибига кировчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 1 мартда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган — Тожикистон ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети ихтиёридадир.

*Хўжалиги.* Илгари қолоқ бўлган Тожикистон Совет ҳокимияти йилларида юксак индустриал-аграр республикага айланди. Революциядан бери ўтган давр ичида ялпи sanoat

маҳсулоти ишлаб чиқариш 35 баравар, йирнк саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 1000 баравардан ортиқроққа кўпайди. Оғир саноат ва шунингдек саноатнинг тоғ-кон, кўмир, металл ишлаш, ипакчилик, пахта тозалаш каби тармоклари жадал ривожланмоқда. Тожикистон саноатининг ялпи маҳсулоти 1965 йилга бориб 80 процентга кўпаяди. Етти йилликнинг охирида Тожикистоннинг завод ва фабрикалари 63 миллион метр ипак газлама ишлаб чиқаради; Душанбадаги ипак газлама комбинатида 1965 йилда тўқиб чиқарилган газмол билан ер куррасини икки марта айлантриб чиқиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликдир. 1959 йил Тожикистонда 474 минг тонна пахта териб, давлатга топширилди. Етти йилликнинг охирида 680 минг тонна пахта йиғиб олиш мўлжалланган. Пахтачиликдан сўнг иккинчи ўринда чорвачилик туради. Етти йиллик план қорамол бошини 15% га кўпайтириб 703 минг бошга, қўйларнинг сонини 27% га кўпайтириб 2840 минг бошга етказишни назарда тутади.

Ўтмишда қолоқ ўлка — Тожикистон эндиликда саводхонлар мамлакатига айланди. Республикада 2600 умумий таълим мактаби, бир неча ўн ўрта махсус мактаб, 7 олий ўқув юрти, Фанлар академияси бор. Маданий-оқартув муассасаларидан 8 театр, 800 оммавий кутубхона, 100 клуб ишлаб турибди. 70 газета ва 11 журнал нашр этилади.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планида Тожикистонда энергетика базасини кенгайтириш, оғир ва енгил саноатни янада ривожлантириш, халқ моддий-маданий фаровонлигини янги босқичларга кўтариш каби буюк вазифалар олинган ва уларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуддир.

## АРМАНИСТОН СССР

*(Арманистон Совет Социалистик Республикаси)*

*Умумий маълумотлар.* Майдони 29,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 763 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 33 районга бўлинади. 16 шаҳар ва 25 шаҳар типидagi посёлкалари бор. Пойтахти Ереван шаҳри (509 минг киши). Халқининг кўпчилигини арманлар (1552 минг ёки 88%) ташкил қилади. Арманлардан ташқари озарбайжонлар (108 минг ёки 6,1%), руслар (56 минг ёки 3,2%), курдлар (26 минг ёки 1,5%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Арманистон — СССР таркибидаги иттифоқчи социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 23 мартда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган — Арманистон ССР Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

*Ҳужалиги.* Утмишда қашшоқ ва қолоқ ўлка — Арманистон Совет ҳокимияти йилларида саноати юксак даражада ривожланган, қишлоқ ҳўжалиги коллективлашган ва механизациялашган социалистик республикага айланди. Революцияга қадар Арманистонда саноат деярли бўлмаган бўлса, ҳозирда республикада жуда кўп оғир, енгил, озиқ-овқат ва бошқа йирик саноат корхоналари қурилди. 1960 йилда республика саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдагидан 70 марта кўпайди. Ана шу йили республикадаги станок қуриш заводлари 4,5 минг металл қирқиш станоклар ишлаб чиқардилар. Ҳолбуки 1913 йилда чор Россияси ҳаммаси бўлиб 1,5 минг ана шундай станоклар чиқарган эди. Арманистоннинг саноат маҳсулотлари 40 дан ортиқ чет эл мамлакатларига чиқарилади.

Сўнгги йилларда саноатнинг кимё, рангли металлургия, аниқ машинасозлик ва приборсозлик каби янги тармоқлари тез суруъатлар билан ривожланмоқда.

Машинани кенг жорий қилиш, шунингдек электрлаштириш асосида Арманистонда йирик механизациялашган қишлоқ ҳўжалиги барпо этилди. Экиладиган ер майдони кенгайтирилди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳосилини ошириш йўлида катта ишлар қилинди. 1959 йилда республикада донли экинларнинг ялпи маҳсулоти 1919 йилдагига нисбатан 6,1 баравар, тамакиннинг йиллик маҳсулоти 285 баравар, пахтаники 88,8 баравар, картошканики 27,3 баравар, сабзавот экинлариники 12,3 баравар ўсди. Ирригация ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли суғориладиган ер майдони 1919 йилдаги 60 минг гектардан 230 минг гектарга етказилди. Колхоз ва совхозларни электрлаштириш 1960 йили батамом тугалланди.

Чорвачилик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Утган қирқ йил давомида қорамолларнинг сони 2 баравар кўпайди.

Арман халқининг социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда. Республикадаги 76 илмий текшириш институтларида 158 фан доктори ва 1431 фан кандидати самарали иш олиб бормоқда. Унта олий ўқув юртида 12 мингдан ортиқ студент, 33 техникум ва 1200 мактабда 320 минг ёш авлод таълим олмақда.

1913 йилда Арманистонда фонди 9 минг китобдан иборат 13 кутубхона бўлган бўлса, 1960 йилда кутубхоналар 1130 га етди, улардаги китобларнинг сони эса 7 миллионни ташкил этди. Ҳозир республикада 22 музей, 12 давлат ва 10 халқ театри ишлаб турибди.

Етти йиллик планнинг муваффақиятли амалга оширилиши Совет Иттифоқининг бошқа халқлари билан бир қаторда арман халқининг ҳам моддий-маданий фаровонлигини исбли кўрилмаган даражага кўтаради.

## ТУРКМАНИСТОН ССР

(Туркменистон Совет Социалистик Республикаси)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 488 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 516 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 3 област ва 39 районга бўлинади. Республикада 13 шаҳар ва 63 шаҳар типидagi посёлка бор. Пойтахти Ашхобод шаҳри (170 минг киши). Аҳолисининг кўпчилигини туркманлар (924 минг ёки 60,3%) ташкил қилади. Шунингдек, руслар (263 минг ёки 17,3%), ўзбеклар (125 минг ёки 8,3%), қozoқлар (70 минг ёки 4,6%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Туркменистон — СССРнинг таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1937 йил 2 мартда тасдиқланган. Туркменистон ССР Олий Совети қонун чиқарувчи олий орган бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети иштиридадир.

*Ҳўжалиги.* Утмишда қолоқ Туркменистон эндиликда, колхозлашган, индустриал социалистик давлатдир. Республика саноати жадал суръатлар билан юксалмоқда. Саноатнинг нефть тозалаш, табиий газ қазиб чиқариш, цемент ишлаб чиқариш каби соҳалари энг муҳим тармоқлар ҳисобланади.

Етти йилликнинг охирига бориб саноат ишлаб чиқаришининг ялпи маҳсулоти 1958 йилдагига нисбатан салкам 2 баравар кўпаяди. 1959—1965 йиллар давомида нефть қазиб чиқариш 1,8 баравар, газ қазиб чиқариш 4,7 баравар, кимё саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш 3,9 баравар, электр қуввати ҳосил қилиш 2,6 баравар ошади. Пахта толасини етиштириш 63 процентга, ипак толасини етиштириш 33 процентга кўпайтирилади. Оёқ кийим тайёрлаш 3,9 баравар, мебель чиқариш 7 баравар, сут тайёрлаш 2,3 баравар ортади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Совет Туркменистонинда илгариги майда чорва хўжаликлари ўрнига 342 йирик колхоз, 48 совхоз барпо этилди. Республика далаларида 9623 дан ортиқ тракторлар ва бошқа кўпгина техника ишлаб турибди. Кўл меҳнати талаб қилувчи барча процесслар механизациялаштирилган. Қишлоқ хўжалигида асосан пахта етиштирилади, боғдорчилик ва пиллачилик билан шуғулланилади. Чорвачилик ривожланган.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилинди. Республикада 1959—1965 йиллар мобайнида 3271 мингдан ортиқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Туркман халқининг социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда. Республикадаги 29 олий ва ўрта махсус билим юртралида 26 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Умумий таълим мактабларида эса 260 мингдан ортиқ бола ўқимоқда. Туркменистон Фанлар академияси самарали иш олиб бормоқда.

Республикада 7 театр, 359 киноустановка ишлаб турибди, 66 газета ва журнал нашр этилмоқда.

Туркменистон халқи етти йиллик план программасини муддатидан илгари бажариш ва коммунизм қуришнинг улуғ ишига ўз муносиб ҳиссасини қўшишга бутун куч ва ғайратини сарфламоқда.

## Э С Т О Н И Я С С Р

(*Эстония Совет Социалистик Республикаси*)

*Умумий маълумотлар.* Майдони 45,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 197 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 21 районга бўлинади. 33 шаҳари ва шаҳар типигадаги 24 посёлкалари бор. Пойтахти Таллин шаҳри (280 минг киши). Халқининг кўпчилигини эстонлар (893 минг ёки 74,6%) ташкил қилади. Эстонлардан ташқари руслар (240 минг ёки 20,1%), финлар (17 минг ёки 1,4%), украинлар (16 минг ёки 1,3%) ва бошқа халқлар ҳам яшайди.

*Давлат тузуми.* Эстония — СССР таркибига кирувчи иттифоқчи совет социалистик республикадир. Унинг амалдаги конституцияси 1940 йил 15 августда тасдиқланган. Қонун чиқарувчи олий орган республика Олий Совети бўлиб, ижроия ҳокимияти республика Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.



*Хўжалиги.* Эстония — тараққий қилган индустриал-аграр республикадир. Саноатининг 50 дан ортиқ тармоқлари бўлиб, улар орасида энг муҳимлари сланец, кимё, энергетика, машинасозлик, приборсозлик ва балиқ овлаш саноат тармоқларидир. Совет Иттифоқида 1959 йилда қазиб чиқарилган сланецнинг 66 процентини Эстония берди. Ана шу йили республикада 417,3 минг тонна минерал ўғит ва 22 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарилди. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина Эстония саноати 58 минг машина ва приборлар яратди.

Енгил саноат муваффақиятли ривожланмоқда. Ип-газлама тўқиб чиқаришда Эстония Совет Иттифоқида РСФСР ва ЎзССР дан кейин учинчи ўринда келмоқда. Етти йилликда ип-газлама тўқиб чиқариш 1,5 баравар ўсади. Озиқ-овқат саноатининг ҳам истиқболи порлоқ. Киши бошига мол ёғи етиштириш бўйича Эстония 1959 йилдаёқ АҚШдан ўзиб кетди. Балиқ овлаш кенг кўламда ривожланмоқда. 1959 йили 72,1 минг тонна балиқ овланган бўлса, 1965 йилга бориб бу миқдор 130 минг тоннага етказилади.

Саноат билан бир қаторда Эстониянинг қишлоқ хўжалиги ҳам тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1960 йил маълумотларига кўра, республикада 134 совхоз (экиладиган майдони 175,9 минг гектар) ва 821 колхоз (экиладиган майдони 503,3 минг гектар) бўлган. Асосан ғалла ва сабзавот етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг роли катта (1960 йилнинг бошида республикадаги қорамолларнинг сони 486,1 минг бошни, қўйларнинг сони эса 274,5 минг бошни ташкил этди).

Совет Эстониясининг маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир республикада 6 олий ўқув юрти, 33 техникум, Фанлар академияси ишлаб турибди. Эстония аҳолисининг ҳар 90 кишисига биттадан студент тўғри келади. Бундай ҳол тараққий қилган капиталистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам учрамайди. Етти йилликда республика олий ўқув юртлари 15 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассисларни етиштириб чиқаради. 1959/60 ўқув йилида умумий таълим мактабларида 178 минг бола, 8—11 синфларда эса 35 минг ўқувчи ўқиди. 1960 йилда республикада 1283 оммавий кутубхона, 698 клуб, 29 музей, 20 га яқин маданият университети, 1 халқ университети ишлаган.

Эстония Совет Социалистик Республикаси кун сайин гуллаб-яшнамоқда.

## ФИНЛЯНДИЯ

(Финляндия Республикаси)

Финляндия Республикаси — Шимолий Европада жойлашган давлат. Фарбда ва жанубда Болтиқ денгизининг Фин ва Ботник қўлтиқлари билан ўралиб, Швеция, Норвегия ва Совет Иттифоқи билан чегарадошир.

Майдони 337 минг квадрат километр. Аҳолиси 4 миллион 444 минг киши. Аҳолисининг 91,2 процентини финлар ва кареллар, 8,6 процентини шведлар, 0,2 процентини эса бошқа миллатлар ташкил қилади.

Пойтахти Хельсинки шаҳри (аҳолиси 459 минг киши). Тампере (Таммерфорс), Турку, Лахти ва Пори асосий шаҳарларидир.

*Табий шароити.* Финляндия — шимолий мамлакат. Территориясининг катта қисми денгиз сатҳидан 200 метргача баланд бўлиб, унинг рельефи паст-баланддир. Ернинг устки тuzилишида муз даврининг излари аниқ кўринади.

Иқлими бирмунча қаттиқ, қиши узоқ бўлиб, қор кўп туради.

Ўрмон — Финляндиянинг асосий бойлигидир. Серсув дарёлар электр энергия олиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Фойдали қазилмалардан темир, мис ва рух рудалари бор. Торф ва бинокорлик тошлари — гранит, мрамор кўплаб учрайди.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Финляндия территориясида эраиздан илгари фин-угор қабилалари яшаган. XII асрнинг охирига қадар бу ерда ибтидий-жамоа тузуми ҳукм сурган. XII асрнинг ўрталарида Финляндия швед қироллари томонидан босиб олинди, олти юз йилдан кўпроқ уларнинг ҳукмронлиги остида бўлди.

XIX асрнинг бошларида Финляндия Россияга қўшиб олинди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида Финляндия миллий мустақилликка эришди. 1919 йил декабрь ойида Финляндия мустақил давлат, деб эълон қилинди.

*Хужалиги.* Финляндия — индустриал аграр мамлакат. Аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида ва фақат тўртдан бир қисмигина саноат ва транспортда банд. Айни вақтда мамлакат хўжалигида саноатнинг салмоғи жуда катта.

Финляндияда саноат ишлаб чиқариши жуда йириклашган. 20 хонадондан иборат йирик монополистик бирлашмалар мамлакат экономикасида ҳал қилувчи позицияларни эгаллаб келмоқда.

Саноат ўрмон бойликларини ишлаш билан маҳкам боғланган. Ёғоч-тахта, фанер, целлюлоза, қоғоз ва мебель ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. СССР билан Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг кучайиши Финляндияда машинасозлик ва кемасозликни ривожлантириш учун имконият яратиб берди. Четдан келтириладиган хом ашё билан ишлайдиган тўқимачилик ва озиқ-овқат (сут, мой ва гўшт) саноати ҳам ривожланган.

Қишлоқ хўжалигида помешчик хўжаликлари асосий роль ўйнайди. Деҳқонларнинг кўпчилиги кам ерли хўжаликлар, майда ижарачилар, батраklar ва мардикорлардир. Чорвачилик асосий тармоқ ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида келадиган бутун даромаднинг 85 процентини беради.

Четга асосан ўрмон ва ёғочсозлик саноати маҳсулотлари, шунингдек кемалар ва машиналар чиқаради, четдан кўмир, нефть, пахта, бугдой ва саноат буюмлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Финляндия — буржуазия республикасидир. Давлат бошлиғи — президент бўлиб, олти йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий орган — бир палатали парламентдир. У ҳалқ томонидан 4 йил муддатга сайланади.

*Сиёсий партиялари.* Финляндия халқининг Демократик уюшмаси — 1944 йилда тузилган, оммавий, демократик, сиёсий жамоат ташкилоти; Финляндия Коммунистик партияси — 1918 йилда яратилган; Финляндия Социал-демократик партияси — 1899 йилда ташкил қилинган ва ҳоказо.

Президент Кекконеннинг СССРга келиб кетиши ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущевнинг Финляндияга жавоб визити билан бориши, Финляндия билан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Кейинги ўн йил ичида ҳар икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли учта савдо битими тузилди.

## ФРАНЦИЯ

(Франция Республикаси)

Франция — Европанинг ғарбида жойлашган давлат бўлиб, Бельгия, Люксембург, ГФР, Швейцария, Италия ва Испания билан чегарадош. Шимол томони Шимолий денгиз, Па-де-Кале ва Ла-Манш бўғозлари билан ўралган. Бу бўғозлар Францияни Британия оролларида ажратиб, бошқа мамлакатлар билан алоқа қилишда муҳим аҳамиятга эга. Франция ғарби Атлантик океан ва Бискай қўлтиғи билан ўралган. Франциянинг жанубида Европани Африкадан ажра-

тиб турадиган Урта денгиз бор. Бу денгиздаги Корсика ороли Францияга қарайди.

Майдони 551,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 45 миллион 355 минг киши бўлиб, асосан французлардан иборат. Французлардан ташқари бретонлар, фламандлар, эльзаслар ва корсикаликлар яшайди.

Пойтахти Париж шаҳри (аҳолиси 2 миллион 850 минг киши, шаҳар атрофидагилар билан 5 миллион 155 минг киши). Асосий йирик шаҳарлари: Гавр (муҳим денгиз порти), Лилль (тоғ- завод ва тўқимачилик саноати маркази), Нанси (Лотарингия районининг саноат маркази), Лион (жанубдаги саноат маркази), Марсель (йирик порт) ва Бордо (порт шаҳри).

*Табиий шароити.* Франциянинг рельефи хилма-хилдир. Мамлакатнинг шимолий қисмини Шимолий Франция паст текислиги ишғол қилади, шарқий қисмида ўрмон билан қопланган Вогеза тоғлари ва Рейн бўйи водийси бор; жанубий қисмида катта паст-баланд ясси тоғлик Марказий массив жойлашган, жанубий-шарқида Европанинг энг баланд тоғи — Альп қад кўтарган.

Дарёлари: Сена, Луара, Гаронно ва Рона.

Мамлакат ўртача илиқ, денгиз иқлимга эга.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Франция территорияси қадим замонларда Галлия деб аталган ва унда кельтлар (галлар) яшаган.

IX асрда Франция мустақил давлат сифатида майдонга чиқди.


1337—1453 йилларда Англия билан бўлган юз йиллик уруш натижасида француз ерлари бирлашиб, миллий француз давлатининг ташкил топишига замин ҳозирланди. XVI асрнинг иккинчи ярмида мамлакатда абсолютизм мустаҳкамланди.

XVIII асрнинг охирларида (1789—1794 йиллар) бўлиб ўтган француз буржуа революцияси ва хусусан якобинчилар диктатураси феодал-абсолютизм муносабатларига барҳам берди ва мамлакатда Наполеон Бонапартнинг ҳарбий диктатурасини ўрнатди. 1848 йил февраль революцияси мамлакатда буржуа республикасини ўрнатди.

XIX асрда Франция империализм даврига кирди.

Иккинчи жаҳон урушида француз ҳукмронлари мамлакатда революция бўлиб қолишидан қўрқиб, Францияни гитлерчилар қўлига топширдилар.

*Хужалиги.* Франция — индустриал-аграр мамлакатдир. Унинг экономикасида саноат асосий роль ўйнайди, аynи вақтда қишлоқ хўжалиги ҳам фоят катта аҳамиятга эга. Франция темир рудаси ва калий тузларига бой. Темир руда запаслари бўйича у жаҳонда энг олдинги ўринлардан бирида туради.



*Париж шаҳрининг кўриниши. Ўртада Сена дарёси.*

Франция саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда (АҚШ, СССР, ГФР ва Буюк Британиядан кейин) бешинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда машинасозлик, жумладан автомобилсозлик, самолётсозлик, электротехника ва кимё саноатлари ривожланган. Бундан ташқари енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ҳам ривожланган.

Франция четга темир рудаси, боксит, автомобиллар, газ-моллар, кимёвий буюмлар, ҳар хил зеб-зийнат буюмлари, буғ-

дой ва узум виноси чиқаради. Четдан келтириладиган товарларнинг кўпчилигини хом ашё ва ярим фабрикатлар ташкил қилади.

Мамлакат территориясининг 40 процентига экин экилади. Ернинг катта қисми йирик капиталист хўжаликлар қўлида бўлиб, бу хўжаликларда ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан кенг фойдаланилади. Бугдой, қанд лавлаги ва ток қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим экинлардир. Франциянинг шимолий ва жанубий районларидаги аҳоли чорвачилик билан шуғулланади.

*Маорифи.* Франция 17 ўқув округлари (академиялар)га бўлиниб, ҳар қайси округга ҳукумат томонидан тайинланадиган ректорлар раҳбарлик қилади. Мактабларнинг тўртдан бир қисми хусусий католик мактабларидир. Мактаблар — бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта (лицей ва коллежлар) мактабларга бўлинади. Мамлакатда 17 университет бор.

*Давлат тузуми.* Франция — республика бўлиб, давлат бошлиғи — президент ҳисобланади. Президент 7 йил муддатга сайланади ва фақат бир мартагина қайта сайлана олиш ҳуқуқига эга. Конституцияга мувофиқ, президент Министрлар Советида, Француз Иттифоқи Олий кенгашида, Миллий мудофаа комитетида ва Олий судда раислик қилади. Шу билан бирга, у қуролли кучлар бош қўмондони ҳамдир.

Мамлакатда олий орган — Парламент икки палатадан — Миллат мажлиси ва Республика кенгашидан иборатдир. Миллат мажлиси 5 йилга сайланадиган 627 депутатдан, Республика кенгаши эса 6 йилга сайланадиган 320 депутатдан иборат. Миллат мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятга эга. Ижроия ҳокимият Министрлар Совети томонидан амалга оширилади. Ҳукумат президент томонидан тайинланади ва зарур бўлган вақтда тарқатиб юборилади.

Франция территорияси департаментлар, округлар, кантон ва коммуналарга бўлинган.

Француз жамияти мураккаб синфий структурага эга. Бу ҳол мамлакатда кўп сонли сиёсий партиялар ва группировкаларнинг бўлишига сабабчидир. Кўп партиялилик буржуазия томонидан Коммунистик партиянинг ўсиб бораётган обрўсига қарши ҳаракат воситаларидан бири сифатида фойдаланилади. Бу партиялар ва группировкаларнинг сони барқарор эмас. Учдан ортиқ сайлов округларида ўз депутатларининг номзодини қўйган партия ва группировкаларгина «миллий» ҳисобланади.

*Сиёсий партиялар.* Янги республикани ҳимоя қилиш иттифоқи — энг ашаддий ўнг буржуазия партияси, йирик монополиялар манфаатини ҳимоя қилади; Радикал ва радикал-социалистлар республика партияси — 1901 йилда тузилган, ўрта даражадаги майда буржуазия манфаатларини ифода этади.

Халқ-республика ҳаракати — ўнг буржуа партияси, 1944 йилда тузилган, йирик саноатчилар ва катта ер эгалари манфаатини ҳимоя қилади; Француз Социалистлар партияси — 1920 йилда тузилган, амалдорлар, хизматчилар, ҳунармандлар, савдогарлардан ташкил топган; Франция Коммунистик партияси — 1920 йилда тузилган, ишчилар синфи ва бутун Франция меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Франция НАТО ҳарбий иттифоқнинг аъзоси бўлиб, агрессив сиёсат олиб бормоқда.

Н. С. Хрущевнинг 1960 йилги Францияга сафари Совет-Франция муносабатларида ижобий ўзгаришлар яратди. 1960 йил 2 апрелда СССР билан Франция ўртасида маданий ва илмий-техника масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида протокол ва шартнома имзоланди. 1960—1962 йилларда ўзаро товар етказиб бериш тўғрисида тузилган шартнома ҳар икки мамлакат ўртасида савдо муносабатларини янада кучайтиришга қўшилган ҳисса бўлди.

## ЧЕХОСЛОВАКИЯ

*(Чехословакия Социалистик Республикаси)*

Чехословакия — Марказий Европада жойлашган давлат бўлиб, Польша, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Австрия, Венгрия ва СССР билан чегарадошир.

Чехословакиянинг бевосита денгизга чиқадиган йўли йўқ, шунинг учун у денгиз орқали савдо қилишда дўстона қўшни мамлакатларнинг портларидан фойдаланади.

Чехословакия составига мамлакатнинг катта ғарбий қисмини ишғол қилган Чехия ва мамлакатнинг шарқидаги Словакия киради.

Майдони 127,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 13 миллион 692 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини чехлар ва словаклар ташкил қилади.

Пойтахти Прага шаҳри (аҳолиси 988 минг киши).

*Табийий шароити.* Чехословакия тоғли рельефга эга. Мамлакатнинг ғарб томонида Чехия-Моравия ясси тоғлари, шарқда эса Карпат тоғлари қад кўтарган. Чехия-Моравия ясси тоғлари бутазор ўрмонлар билан қопланган. Уни шимоли-шарқда Судет тоғлари, шимоли-ғарбда Рудали тоғлар, жануби-ғарбда эса Чехия ўрмони ва Шумава тоғлари ўраб туради.

Иқлим муътадил-континенталдир.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Чехословакия территориясида қадим замонларда славян қабилалари яшаган. VII асрда би-

ринчи марта ғарбий славянларнинг Само давлати барпо этилди. IX асрда эса Буюк Моравия давлати тузилди.

Миллий қаҳрамон ва реформатор Ян Гус замонлари ва Гус урушлари даври Чехословакия халқи тарихида поржоқ юксалиш даври ҳисобланади. Ҳша вақтларда қишлоқ камбағаллари Ян Жишка, Улуғ Прокоп ва бошқа халқ қаҳрамонлари раҳбарлиги остида черков ва феодалларнинг зулмига қарши кураш олиб борди. Чех халқи XVI асрда тахтни босиб олган ва мамлакатни 300 йил давомида ўз асоратида сақлаган Габсбурглар зулмини сира эздан чиқармайди.

Словакия эса қарийб минг йил давомида Венгрия аристократиясининг асоратида эзилиб, миллий мустақиллик учун тинмай курашиб келди. XIX аср охиридан бошлаб бу курашга янги қудратли куч — пролетариат раҳбарлик қилди.

Чех ва словак халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида авж олган миллий-озодлик ва революцион курашлари, шунингдек биринчи жаҳон урушида Австрия-Венгриянинг маглубиятга учраши ва 1918 йилда бу империянинг қулаши туфайли Чехословакия республикаси вужудга келди. Бироқ ўнг элементларнинг сотқинлиги мамлакатда буржуа-помешчиклар ҳокимиятининг ўрнатилишига олиб келди. Ана шу ҳукумат фашистлар Германиясининг агрессиясига қарши курашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида Совет Иттифоқининг таклифини рад этиб, 1939 йил Мюнхен шартномаси қатнашчилари олдида таслим бўлди. Натижада, Судет области гитлерчиларга топширилди, кўп вақт ўтмасдан эса Гитлер Германияси бутун Чехословакияни босиб олди. Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигида босқинчиларга қарши миллий-озодлик уруши бошланди. Немис-фашист қўшинларини тор-мор келтирган қудратли Совет Армияси 1945 йилда Чехословакияни гитлерчи босқинчилардан халос қилди ва Чехословакия халқларига ҳақиқий озодлик келтирди. Чехословакияда халқ демократияси тузуми мустаҳкамланди.

1960 йил 11 июлда Чехословакия социалистик республика деб эълон қилинди.

*Ҳўжалиги.* Чехословакия — юксак даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. 1945—1948 йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган тадбирлар уруш ва немис-фашист оккупацияси қолдирган оғир яраларни қисқа муддат ичида тузатиш ва ҳўжаликни планли равишда бошқаришга ўтиш имконини берди.

Чехословакия фойдали қазилмаларга бой бўлиб, тошкўмир ва темир руда запаслари муҳим аҳамиятга эгадир. Аъло сифатли чех графити ва каолини бутун дунёга машҳурдир.



Халқ хўжалигида Словакия ўрмонларининг роли каттадир. Рудали тоғ этакларидаги шифобахш минерал булоқлар ўзининг даволаш хусусияти билан машҳур. Бу ерда Карлови-Вари каби дунё аҳамиятига эга бўлган курортлар бор.

Чехословакия илгари ҳам sanoати ривожланган мамлакатлардан ҳисобланар эди. Бироқ унинг экономикаси капиталистик ишлаб чиқаришининг беқарорлигига дучор эди. Социалистик индустриалаштириш эса мамлакат экономикасининг структурасини бутунлай ўзгартириб юборди. Илгари енгил sanoат тармоқлари устун бўлган бўлса, эндиликда экономикада оғир sanoат асосий роль ўйнай бошлади.

Чехословакия sanoат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича Европада ва дунёда олдинги ўринлардан бирида бўлиб, аҳоли жон бошига Франция, Италия ва Бельгиядагига нисбатан кўпроқ sanoат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Цемент ишлаб чиқариш бўйича Чехословакия АҚШ, Англия ва Франциядан ўзиб кетди. Металл қирқиш станоклари ва темирчилик-пресс ускуналари ишлаб чиқариш соҳасида Чехословакия энг ривожланган Ғарб мамлакатлари даражасига кўтарилди, пар ва сув турбиналари ишлаб чиқариш бўйича эса ривожланган Ғарб мамлакатларидан ўзиб кетди.

Чехословакияда йилига 27 миллион тонна тошкўмир, 56 миллион тонна қўнғир кўмир қазиб чиқарилади. Металлургия заводларида йилига салкам 4 миллион тонна чўян ва 6 миллион тонна пўлат эритилади.

Халқ хўжалигининг 1961—1965 йилларга мўлжалланган учинчи беш йиллик плани Чехословакия экономикасини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, бу беш йиллик мамлакатда социализм қурилишини тугаллаш беш йиллигидир. 1965 йилга бориб 73,2 миллион тонна қўнғир кўмир, 35,5 миллион тонна тошкўмир қазиб чиқариш ва 11,6 миллион тонна кокс ишлаб чиқариш мўлжалланган. Планга мувофиқ 1965 йилда пўлат эритиш 10,5 миллион ва чўян эритиш 7,7 миллион тоннага, электр қуввати ҳосил қилиш 37,7 миллиард киловатт-соатга етади.

Металл ишлаш ва машинасозлик sanoатлари Чехословакия sanoатида етакчи тармоқ ҳисобланади. Асосан станоклар, тракторлар, локомотивлар, электр моторлари, автомобиллар, паровозлар, мотовозлар, вагонлар, самолётлар ва пар ҳамда сув турбиналари ишлаб чиқарилади. Чехословакия sanoати учун кимё, цемент, қанд ва бошқа заводларга комплект ускуналар ишлаб чиқариш айниқса характерлидир. Республикада энергетика машинасозлиги жуда ҳам ривожланиб, янгидан кемасозлик sanoати барпо этилган. Прага, Брно, Пльзень ва Острава шаҳарлари машинасозликнинг муҳим марказларидир.


Чехословакияда кимё саноати ҳам кенг ривожланган. Мамлакат экономикасида қурилиш материаллари, хусусан цемент ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутди. Ойна ва чинни саноатлари ҳам анча ривожланган бўлиб, Чехословакия саноатининг энг кекса ва традицион тармоқлари ҳисобланади. Енгил саноат тармоқлари орасида тўқимачилик ва оёқ кийим саноатлари етакчи ўрин тутди.

Илгари қоқоқ, аграр мамлакат бўлган Словакия, ҳозирги вақтда индустриал-қишлоқ хўжалик мамлакатига айланган. 1965 йилга бориб, бу ўлкада саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1958 йилда бутун Чехословакияда бўлган даражага тенг бўлади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, юксак техника билан қуролланган. 1960 йилнинг бошида умумий экин майдонининг 84 проценти социалистик сектор ҳиссасига тўғри келди. Халқ ҳокимияти йилларида мамлакатда 12 560 бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари, 164 давлат хўжалиги ва 258 машина-трактор станциялари ташкил этилди. Ғалла экинларидан бугдой ва жавдар, техника экинларидан эса қанд лавлаги ва хмель экилади. Боғдорчилик (Чехияда) ва тоқчилик (Словакияда)



*Чехословакияда энг йирик Вирс гидроэлектростанцияси.*



*Буюк чех композитори Б. Сметананинг ватани Литомишль шаҳрининг умумий кўриниши.*

ривожланган. 1959 йилда ўртача ғалла ҳосили гектар бошига 23 центнерни ва қанд лавлаги эса 280—290 центнерни ташкил қилди.

Чет элларга асосан машина ва ускуналар чиқариб, четдан ҳам ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

Халқ ҳокимияти йилларида маданият кенг ривожланди. Ҳозирги вақтда Чехословакия маданий ривожланишнинг даражаси бўйича дунёда олдинги ўринларнинг бирини эгаллайди.

Чехословакияда умумий ва мажбурий таълим жорий этилган. 1959 йилда ҳар юз минг кишига 15 219 мактаб ўқувчиси ва 1426 хунар мактаблари ўқувчиси тўғри келган. Бу миқдор Англия, Франция, Бельгия, Италия, Швеция ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча кўпдир. Мамлакатда 40 олий ўқув юрти бор. 1952 йилда ташкил этилган Фанлар академияси 90 илмий муассасаларни ўзида бирлаштиради. Мамлакатда 76 театр, шу жумладан 12 та опера театри, 3500 давлат кинотеатрлари, 15 минг халқ кутубхонаси, 358 музей, 24 та сурат галереялари, жуда кўп сонли клублар ва ўқиш заллари мавжуддир.

*Давлат тузуми.* Чехословакия — икки тенг ҳуқуқли миллат (чех ва словак миллатлари)нинг ягона социалистик давлатидир. Давлат бошлиғи — президент. Бир палатали Миллат мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий ҳокимият органи президент томонидан тузиладиган ва Миллат мажлиси тасдиқлайдиган ҳукумат қўлидадир.

1960 йил 11 июлда қабул қилинган янги Конституция Чехословакияни тўла ташкил топган социалистик давлат эканлигини таъкидлайди.

Чехословакия Социалистик Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси, Варшава шартномасининг қатнашчисидир.

Чехословакия Социалистик Республикаси дунёнинг 60 дан кўпроқ давлатлари билан муносабат ўрнатган. У социализм лагерининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

*Сиёсий партиялари.* Чехословакия Коммунистик партияси— Чехословакия халқининг социалистик жамият қуришда раҳбар кучидир. У социалистик партия, Халқ партияси, Словакия уйғониш партияси ва Эркинлик партияларини бирлаштирган Миллий фронтга раҳбарлик қилади.

## ШВЕЙЦАРИЯ

Швейцария — Марказий Европада жойлашган давлат. У ГФР, Франция, Италия ва Австрия билан чегарадошдир.

Майдони 41,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 5 миллион 411 минг киши. Аҳолисининг 72 проценти (марказий ва шарқий районларда) немис тилининг швейцар лаҳжасида, 21 проценти (шимоли-ғарб ва ғарбий районларда) француз тили шеваларида ва жанубий районларда аҳоли италян тилида гаплашади. Пойтахти Берн шаҳри (аҳолиси 161 минг киши). Цюрих (400 мингдан кўпроқ киши) ва Базель (190 минг киши) мамлакатнинг асосий шаҳарлари ҳисобланади.

*Табиий шароити.* Швейцария — тоғли мамлакатдир. У ташқи қиёфаси бўйича бир-биридан ажралиб турадиган учта табиий область — Швейцария Альплари, Юра ва Швейцария ясси тоғликларига бўлинади.

Альп тоғлари системаси мамлакатнинг марказий, жанубий ва жануби-шарқий қисмларини ишғол қилади. Тоғ чўққиларидан Монте-Роза (4638 метр) ва Юнг-Фрау бор. Мамлакатнинг шимолий-ғарбида ўртача баландлиги 800 метр бўлган Юра ва оҳақтошли тоғлар қад кўтарган. Бу икки тоғ системалари орасида Швейцария ясси тоғлиги ётади. Тоғлар, телаларда эса альп яйловлари, мангу қор ва музликлар ястаниб ётади.

Рейн, Рона, Тичино ва Инн — Швейцариянинг асосий дарёларидир. Бу дарёларда кемалар қатнамаса ҳам улар гидроресурс сифатида муҳим роль ўйнайди. Музликлардан пайдо бўлган Женева, Боден, Цюрих ва бошқа кўллар бор.

Иқлими юмшоқ ва нам. Ясси тоғли жойларда илиқ, баланд тоғ районларида нам ва совуқ, водийларда эса ўрта денгиз иқлими мавжуд.

*Қисқача тарихи.* Қадимда Швейцарияда гельветларнинг кельт қабилалари яшаган. Швейцария Гельвеция деб аталган.

Бу мамлакат эрамиздан аввалги I асрларда римликларга, эрамизнинг V асрида аллеманлар, бургундлар ва остготларга, VI асрларда эса франкларга тобе бўлган. Швейцария то XII асрга қадар давлат сифатида мавжуд бўлмаган. Швейцария Иттифоқи мамлакатдаги тоғли кантонларни (областларни) кейинчалик Австрияга император бўлган Габсбург князларига қарши олиб борган курашлари жараёнида вужудга келди.

XVIII асрда Францияга тобе бўлган ягона Гельвеция республикаси вужудга келди. Наполеон армияси рус қўшинлари томонидан тор-мор келтирилгандан сўнг Швейцария мустақил давлат бўлиб қолди.

1814—1815 йилларда бўлиб ўтган Вена конгресси Швейцарияни абадий нейтрал давлат деб эълон қилди. 1848 йилда Швейцарияда конституция қабул қилинди. Бу конституция 1874 йилда ўзгартирилди.

XIX асрда Швейцария революцион ва демократик эмиграция марказига айланди. 1883 йилда Г. В. Плеханов Женевда «Меҳнатни озод қилиш» группасини ташкил қилди. Биринчи жаҳон уруши йилларида эса бу ерда В. И. Ленин яшади. Швейцарияда туриб, у «Империализм капитализмнинг юқори босқичи», «Деҳқончиликда капитализмнинг ривожланиш қонунлари тўғрисида янги маълумотлар» каби китоблар устида ишлади ва кўпгина мақолалар ёзди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатда революцион ҳаракатни мисли кўрилмаган даражада авж олдириб юборди. 1921 йилда Швейцария Коммунистик партияси тузилди.

1920 йилда Швейцария Миллатлар Иттифоқига аъзо бўлди, бу ташкилот Женева шаҳрида жойлашган эди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида Швейцария расман бетарафлик сиёсати юргизган бўлса-да, бироқ, амалда бир-бирига душман бўлган империалистик группировкалар ўртасида гоҳ у томон, гоҳ бу томонга оғиб турди. Айниқса иккинчи жаҳон урушида фашистлар режими билан яқин алоқада бўлди.

*Хўжалиги.* Швейцария индустрия жиҳатдан ривожланган капиталистик мамлакатдир. Саноат экономикада асосий ролни ўйнайди. Ихтисослаштирилган машинасозлик унинг асосий тармоғи ҳисобланади.

Мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг деярли ярми саноатда ишлайди. Саноат маҳсулотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан анча кўп бўлиб, экспортда асосий роль ўйнайди. Саноатнинг асосий тармоқларини йирик монополиялар контроль қилиб туради.

Швейцарияда тўқимачилик машиналари, двигателлар, турбиналар, электр моторлари, ҳар хил металл қирқиш станоклари, ўлчов асбоблари, ёғочозлик, озиқ-овқат ва тегирмон саноатлари учун ускуналар ҳамда транспорт воситалари ишлаб чиқарилади. Дунё аҳамиятига эга бўлган соат ишлаб чиқариш катта кўламда ривожланган.

Тўқимачилик саноати экспорт учун юқори сифатли ип газлама ва ипак газлама ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноатида пишлоқ, шоколад ва қуюлтирилган сут тайёрланади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида майда ер эгалиги устун туради. Шунингдек, ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланувчи капиталист хўжаликлари ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги Швейцария экономикасида иккинчи даражали роль ўйнаб, мамлакат эҳтиёжларини қондиrolмайди. Қишлоқ хўжалигида сут чорвачилиги асосий ўрин тутди. Ясси тоғларда ғалла ва сабзавот етиштирилади, боғдорчилик ва узумчилик ривожланган.

Мамлакатда транспорт яхши йўлга қўйилган. Туризм ва курортдан тушадиган фойдалар даромаднинг анча қисмини ташкил қилади. Гўзал Альп манзаралари ва ажойиб курортлар кўпдан-кўп ажнабий сайёҳлар, дам олувчилар ва беморларни Швейцарияга тартади.

Швейцария четдан металл, тошкўмир, кокс, нефть, тўқимачилик саноати учун хом ашё, буғдой, чорва учун озуқа маҳсулотлари ва кенг истеъмол моллари келтиради. Четга машиналар, ҳар хил аппарат ва ускуналар, приборлар, соатлар, химикатлар ва газмоллар чиқаради.

Швейцарияда империализм даврига хос молия ва саноат капиталининг бир бўлиб кетиш ҳолатини кўриш мумкин. Бевосита капитал сарфлашдан ташқари Швейцария турли мамлакатларга кўплаб қарз ва кредитлар ҳам беради. Айни вақтда Швейцария хўжалигида чет эл капитали сарфлаш салмоқли ўринни эгаллайди. Швейцария капиталистик мамлакатлардаги энг йирик монополиялар манфаатларининг бири-бирига чатишиб кетган марказларидан бири ҳисобланади.

*Маорифи.* Мамлакат ягона маориф системасига эга эмас. Турли кантонларда ўқув программалари турлича бўлиб, мактабларда черковнинг таъсири жуда ҳам кучли. Мамлакатда еттита университет бор.

*Давлат тузуми.* Швейцария — 22 кантон ва 3 та ярим кантондан иборат республика (кантонлар бирлашмаси)дир. Мамлакатда 1874 йилда қабул қилинган конституция мавжуд. Давлат бошлиғи — президент айни вақтда ҳукумат (Иттифоқ кенгаши) бошлиғи вазифасини ҳам бажаради. Президент парламент томонидан бир йил муддатга ҳукумат аъзолари ичидан

сайланади. Парламент (Иттифоқ мажлиси) икки палатадан— Миллий кенгаш ва Кантонлар кенгашидан иборат.

Кантонларнинг ҳар бири ўз конституцияси, ҳукумати ва парламентига эга. Кантонлар расмий жиҳатдан мустақил давлат ҳисобланса-да, аслида Швейцария марказлашган бир бутун давлатдир.

*Сийсий партиялари.* Радикал-демократик партия — буржуа партияси; Социал-демократик партия — реформистлар партияси; деҳқонлар, ҳунармандлар ва бюргерлар партияси — майда буржуа партияси, Швейцария Меҳнат партияси — ишчилар синфи ва бутун меҳнаткашларнинг авангарди, 1944 йилда тузилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган йилларда, Швейцария ўзининг традицион бетарафлик сиёсатида бўлиб, унга аъзо бўлишдан бош тортди. Лекин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Социал ва Иқтисодий Совети ҳамда бир қатор бошқа ихтисослашган ташкилотларига аъзодир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида узилиб қолган Швейцария-Совет муносабатлари, 1946 йилда Швейцариянинг таклифи билан яна тикланди.

## ШВЕЦИЯ

(Швеция Қироллиги)

Швеция — Шимолий Европадаги Скандинавия ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган давлат. У ғарбда Скандинавия тоғлари бўйлаб Норвегия билан, шимолий-шарқда Финляндия билан чегарадош. Жануб ва жануби-шарқ томонлари Болтиқ денгизи билан ўралган. Бу денгиз уни СССР, Польша, ГДР ва ГФРдан ажратиб туради. Жануби-ғарбда эса Эресунн, Каттегат ва Скагеррак бўғозлари Даниядан ажратиб туради.

Майдони 449,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 7,5 миллион киши. Аҳолисининг 99 процентини шведлар ташкил қилади.

Пойтахти Стокгольм шаҳри (аҳолиси 805 минг).

*Табий шароити.* Швециянинг рельефи тоғли бўлиб, унинг шимолий қисмини Скандинавия тоғлари ва Ботник қўлтиғигача чўзилиб борган Норланд ясси тоғлари эгаллаган. Мамлакатнинг ўрта қисми қоя тошли тепаликлари бўлган паст текисликдан иборат. Жанубий қисмида сердарахт Смоланд тепалиги, энг жанубида эса серунум соҳил бўйи паст текислиги жойлашган.

Дарёлари асосан Болтиқ денгизи ҳавзасига қарашли бўлиб, улар Скандинавия тоғларидан бошланади.

Швеция территориясининг 8 проценти кўллардан иборат. Урмон, темир рудаси ва гидроресурслар Швециянинг асосий табиий бойликларидир. Швеция темир рудалари дунёда энг яхши рудалардан ҳисобланади. Урмонлар Швеция территориясининг ярмидан кўпроғини қоплаган.

Шимолий Швециянинг иқлими жуда қаттиқ, қиши совуқ (январь ойининг ўртача температураси —10—14°), ёзи салқин, Ўрта ва Жанубий Швециянинг иқлими мамлакатнинг шимолий районларига нисбатан анча илиқ ва юмшоқ. Стокгольмда январь ойида ўртача температура —2°, июлники +17°.

*Қисқача тарихи.* IX асрда швед қабилалари бирлашди. XII—XIV асрлар мобайнида Швеция Финляндияни босиб олди. Швед феодалларининг Новгород давлатига қарашли рус ерларини босиб олиш учун уринишлари 1242 йилда Нева дарёсида шведларнинг тор-мор келтирилиши билан тамомланди. 1397 йилда Даниянинг ҳомийлигида Норвегия ва Швеция ўзаро бирлашдилар. 1523 йилда швед қўзғолончилари томонидан Дания армиясининг тор-мор келтирилиши ва ўз территорияларидан қувиб чиқарилиши натижасида Швеция Дания ҳукмронлигидан озод бўлди. XVI—XVII асрларда швед феодал давлати босқинчилик урушлари олиб борди ва Болтиқ денгизда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Тўхтовсиз босқинчилик урушлари натижасида аҳолининг кенг табақалари хонавайрон бўлиб, мамлакат хўжалиги заифлашиб кетди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Швецияда саноат капитализми жадал ривожлана борди.

1905—1907 йилларда Россияда бўлиб ўтган революция Швециядаги ишчилар ҳаракатининг кучайишига таъсир этди. 1814 йилда Швецияга қўшиб олинган Норвегия мустақилликка эришди. Биринчи жаҳон уруши вақтида (1914—1918 йиллар) Швеция бетарафлик позициясида турди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Швеция ишчилар ҳаракатини кучайтириб, 1917 йилда «Сўл социал-демократик партия» тузилди, 1921 йилда у Швеция Коммунистик партиясига айлантирилди.

Швеция иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам бетарафлик эълон қилди. Бироқ бу бетарафлик Германия ва Финляндия фойдасига қўл марта бузилиб турди. Урушдан кейинги даврда Швеция «иттифоқлардан холилик» сиёсатини ўтказиб келмоқда.

*Хўжалиги.* Швеция юқори даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакат бўлиб, унинг экономикасида капиталистик монополиялар ҳукмронлик қилади.





*Стокгольм шаҳрининг кўриниши.*

Саноатнинг асосий тармоқлари юқори сифатли темир рудаси қазиб чиқариш ва ўрмон бойликларини ишлаш билан боғлиқдир. Швеция темир рудаси қазиб чиқариш жиҳатидан капиталистик мамлакатлар ўртасида АҚШ ва Франциядан кейин учинчи ўринда, четга темир рудаси чиқариш жиҳатидан эса биринчи ўринда туради. Машинасозлик корхоналари гидрогенераторлар, электромоторлар, телеграф ва телефон асбоб-ускуналари, радиоаппаратлар, шарикоподшипниклар ишлаб чиқаради. Кемасозлик, автомобилсозлик ва ёғочсозлик саноати ҳам ривожланган. Швеция жуда кўп миқдорда ёғоч-тахта, целлюлоза, қоғоз ва гугурт ишлаб чиқаради.

Швециянинг қишлоқ хўжалигида помешчик ер эгаллиги ҳукмрондир. Мамлакат территориясининг фақат ўндан бир қисмигина экишга ярокли бўлиб, бу ерларда ижара ва ёлланма меҳнат кенг тарқалган.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий ўрин тутиб, сут чорвачилиги ва чўчқачилик айниқса ривожланган.

Деҳқончиликда илдизмевали экинлар, картошка ва ҳайвонлар учун ем-хашак экинлари (сули, арпа) экиш устун туради. Дон экинларидан буғдой ва техника экинларидан қанд лавлаги экилади.

Четга темир рудаси, целлюлоза, ёғоч-тахта, қоғоз, картон, юқори сифатли машинасозлик буюмлари ва юқори сифатли пўлат чиқаради, четдан тошкўмир, кокс, нефть, рангли металл ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

*Маорифи.* Швецияда умумий мажбурий таълим тўғрисида қонун мавжуддир. Бироқ бу қонун тўрт синфдан иборат бўлган бошланғич маълумот билан чегараланади, холос. Гимназия — ўрта ўқув юрти ҳисобланиб, бунда реал, классик, гуманитар ва бошқа фанлар ўқитилади.

Упсаладаги (1477 йилда ташкил этилган) ва Лунддаги (1686 йилда ташкил этилган) университетлар ҳамда баъзи хусусий олий ўқув юртлари мавжуд.

*Давлат тузуми.* Швеция конституцион монархия (қироллик). Давлат бошлиғи қирол бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият қирол ва парламент-риксдаг ихтиёридадир. Қирол ҳокимияти амалда Риксдаг ва Давлат кенгаши ҳукумат томонидан чегараланган. Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат қўлидадир.

Риксдаг икки палатадан иборат. Биринчи палатага икки даражали йўл билан 8 йил муддатга сайланадиган, ҳар йили составининг 8 дан бири янгиланиб турадиган 151 депутат киради. 231 депутатдан иборат бўлган иккинчи палата эса 4 йил муддатга сайланади. 1932 йилдан бери Швецияда ҳокимият социал-демократик партия томонидан тузилган ҳукумат қўлидадир.

*Маъмурий-территориал бўлиниши.* Мамлакатда 24 лен (губерна) бор. Ленлар 267 херадалар (уездлар)га, херадалар эса 2505 коммуналарга бўлинади. Бундан ташқари, мамлакатнинг қадим замонлардан бери 25 вилоят — ландшафтларга бўлиниши сақланиб қолган.

1924 йилда СССР билан Швеция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

*Сийсий партиялари.* Социал-демократик партия — 1889 йилда тузилган, ҳукмрон, реформистик партия; Аграр партия — ер эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилади; Халқ партияси (либераллар) — монополистик капитал партияси, Ўнг (консерватив) партия — молия ва саноат буржуазияси, йирик помещиклар, ҳарбийлар, руҳоний ва олий чиновниклар манфаатини ҳимоя қилади; Коммунистик партия — 1917 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатининг ҳақиқий ҳимоячиси.

Қасаба союзларидан: Швеция қасаба союзлари марказий бирлашмаси ва хизматчилар қасаба союзларининг марказий бирлашмаси мавжуд.

Демократик ёшлар союзи ва Швеция студентлари миллий союзи асосий ёшлар бирлашмалари ҳисобланади.

## ШПИЦБЕРГЕН

(Грумант)

Шпицберген — Шимолий Муз океанидаги архипелаг бўлиб, Норвегиянинг Свальбард мустамлакасига қарашли арктика ороллари ҳисобланади. Архипелаг — Ғарбий Шпицберген (майдони 37,9 минг квадрат километр), Шимоли-шарқий Ер (16,6 минг квадрат километр), Эдж (5,1 минг квадрат километр), Баренц ва бошқа ороллардан иборат. Унинг атрофи Шимолий Муз океани, Баренц ва Гренландия денгизларининг сувлари билан ўралган.

Умумий майдони 62,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 3163 минг киши. Шу жумладан 1,3 минги норвежлар бўлиб, қолган қисми асосан руслардир.

Лонгвир шаҳри маъмурий марказ ҳисобланади. Архипелагда Нью-Олесупп, Свегрува каби муҳим норвеж қишлоқлари ва Баренцбург, Грумант, Пирамида сингари совет қишлоқлари бор.

Архипелаг асосан тоғли рельефга эгадир. Унинг 90 процент майдони музликлар билан қопланган.

Шпицбергеннинг ғарбида денгиз иқлими ва шарқида совуқ иқлим мавжуд. Уртача йиллик температура 12,6°дан 2,6° гача бўлади. Оролда октябрь ойининг ўрталаридан бошлаб февраль ўрталаригача қутб кечаси бўлиб туради.

Шпицберген XII асра руслар томонидан топилди. 1925 йилга қадар бу жойлар эгасиз ҳисобланган. 1925 йилда архипелаг Норвегиянинг бир қисми деб эълон қилинди ва шу билан бирга бир қатор мамлакатлар (жумладан СССР)га бу ерларда қишлоқлар вужудга келтириш ва хўжалик фаолияти юргизиш ҳуқуқи берилди. Архипелагнинг ғарбида совет қишлоқлари жойлашган.

Шпицберген экономикасида тошкўмир қазиб чиқариш асосий ўрин эгаллайди. Бу ердаги совет шахталарида қазиб чиқарилаётган кўмир СССРнинг шимолий районларидаги қорхоналарда ва Арктика кемачилигида ишлатилади. Архипелагда балиқ ва денгиз ҳайвонларини овлаш ишлари ривожланган.

Шпицберген бетараф территория ҳисобланади. 1920 йил 9 февралда имзоланган Париж битими бўйича Норвегия архипелагда ҳарбий базалар ёки истеҳкомлар қурилишига йўл қўймаслик ҳамда бу территориядан ҳарбий мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини олган. Лекин бу мажбурият баъзан Норвегия томонидан бузилиб туради.

## ЮГОСЛАВИЯ

(Югославия Федератив Халқ Республикаси)

Югославия Федератив Халқ Республикаси — Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. У Италия, Австрия, Венгрия, Руминия, Болгария, Греция ва Албания билан чегарадош. Жануби-ғарб томони Адриатик денгизи билан ўралган.

Майдони 255,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 18 миллион 530 минг киши бўлиб, асосан серб ва хорватлардан иборатдир.

Пойтахти Белград шаҳри (аҳолиси 565 минг киши).

*Табиий шароити.* Югославиянинг табиий шароити хилма-хилдир. Мамлакатнинг тўртдан уч қисмини тоғлар ишғол қилиб, паст текисликлар асосан Югославиянинг шимолида ва шимоли-шарқида жойлашган. Мамлакатнинг учдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган. Иқлими ўртачадир.

*Қисқача тарихи.* Биринчи жаҳон урушида Австрия-Венгриянинг мағлубиятга учраши ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида ўтган жанубий славян халқларининг миллий-озодлик ҳаракатлари туфайли Сербия, Черногория, Хорватия, Словения, Босния, Герцеговина ва бошқа ерлар бир бутун давлат бўлиб бирлашдилар. Ҳокимият буржуазия ва помешчиклар қўлига ўтди. Мамлакатда монархия идора усули ўрнатилди. 1941 йилнинг март ойида Югославия гитлерчилар Германияси, фашистлар Италияси ва империалистик Япония тузган ҳарбий-сиёсий иттифоққа қўшилди. Бироқ Югославияни фашистлар ўзларининг вассалига айлантириш йўлидаги уринишлари барбод бўлиб, ҳокимият янги ҳукумат қўлига ўтди. 1941 йил 5 апрелда Югославия ҳукумати Совет Иттифоқи билан ҳужум қилмаслик тўғрисида битим тузди. 1941 йил 6 апрелда гитлерчилар Германияси Югославияга хиёнаткорона ҳужум қилиб, босиб олди. 1944 йил 20 октябрда Совет Армияси Югославия халқ-озодлик армияси билан бирга мамлакат пойтахти Белград шаҳрини озод қилди. 1945 йил 11 апрелда Совет Иттифоқи ва Югославия ўртасида дўстлик тўғрисида битим имзоланди. 1945 йил 29 ноябрда таъсис мажлиси монархияни тугатиб, Югославияни Федератив Халқ Республикаси деб эълон қилди.

*Ҳужалиги.* Югославия — аграр-индустриал мамлакатдир. Мамлакатнинг барча асосий бойликлари ижтимоий мулкдир.

1950—1952 йилларда завод, фабрика ва шахталарга ишчи коллективларининг группали мулкчилиги жорий этилди. Бу группалар бозор талабини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқа-

ришининг ҳажми ва ассортименти, товарлар баҳосини белгилайдилар, даромад ҳамда иш ҳақини тақсимлайдилар.

Оғир саноатни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қўнғир кўмир қазиб чиқариб, ундан электр станцияларда ёқилғи тариқасида фойдаланилмоқда. Мамлакатда ишлаб турган қора ва рангдар металлургия, машинасозлик, кemasозлик заводлари, шунингдек озиқ-овқат, тўқимачилик ва ёғочсозлик саноати корхоналари бор.

Қишлоқ хўжалиги Югославия экономикасида муҳим аҳамиятга эга. Экиладиган ерларнинг 90 проценти хусусий хўжаликлар қўлида тўпланган. Қишлоқ хўжалигида етакчи соҳа деҳқончилик бўлиб, маккажўхори, буғдой, арпа, жавдар, сули, картошка, каноп, зигир, тамаки ва қанд лавлаги экилади. Боғдорчилик ва тоқзорчилик ҳам ривожланган. Четга хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари, мебеллар чиқариб, четдан машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё товарлари келтирилади.


*Давлат тузуми.* Югославия — федератив халқ республикасидир. Давлат ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи — Иттифоқ халқ скупшчинаси. Давлат бошлиғи президент бўлиб, Иттифоқ халқ скупшчинаси томонидан 4 йил муддатга сайланади. Президент айни вақтда Югославия қуролли кучларининг бош қўмондони ва Иттифоқ халқ скупшчинаси томонидан тузиладиган Иттифоқ ижроия вечаси (ҳукумати)нинг раиси ҳамдир.

*Сийсий партиялари.* Коммунистик партияси — 1952 йилдан бошлаб, Югославия Қоммунистлар союзи деб атала бошланди.





Acme









Осиё қитъаси территория жиҳатидан дунёнинг энг катта бўлаги ҳисобланиб, бутун қуруқликнинг 30 процентини ишғол қилади. Майдони 44 миллион 13 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллиард 610 миллион киши.

Осиёда яшайдиган халқлар маданий-тарихий ва маиший хўжалик жиҳатларидан жуда хилма-хил бўлишлари билан ажралиб туради. Улар турли тил группаларига мансубдирлар. Осиё аҳолиси антропологик жиҳатдан ҳам турличадир. Бу ерда қарийб ҳамма ирқ вакиллари яшайди.

Жаҳон маданиятининг бешиги бўлган Осиёда энг қадим замонлардаёқ юксак даражадаги фан, маданият ва санъат намуналари яратилган. Осиё халқлари ўз территорияларида маданий ривожланишнинг юқори поғонасида турган йирик давлатларни барпо этган бўлсалар-да, лекин улар феодал бўлинишлари туфайли қитъанинг кўп жойларида мустамлака ҳукмронлигини ўрнатиб олган Европа фотиҳларига қарши турулмадилар.

Испания ва Португалия Осиёдаги катта-катта ерларни босиб олган биринчи мустамлакачи давлатлар эди. XVII ва XVIII асрларга келиб, Голландия, Англия ва Франция давлатлари ҳам Осиё бойликларини қўлга киритиш учун кураш бошладилар. Инглиз, француз ва голланд мустамлакачилари бу кураш жараёнида ва шиддатли мустамлака урушлари оқибатида бу ерлардаги испан ва португал рақибларини қисиб

қўйдилар ва XIX асрнинг охирига келиб ўзларининг улкан мустамлака империяларини вужудга келтирдилар. Мустамлакага айланиб қолган мамлакатлардан ташқари Хитой, Эрон ва Туркия каби йирик давлатлар ҳам Европа давлатларига қарам бўлиб қолдилар.

Ғарб давлатлари мустамлака ва қарам мамлакатларнинг ер ости қазилма бойликлари ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан танҳо фойдаланиб ва шунингдек, кенг кўламдаги ташқи бозорга эга бўлиб иқтисодий ривожланишнинг юксак даражасига эришдилар. Айни вақтда мустамлакачиларнинг Осиё мамлакатларида ўзлари хоҳлаганча хўжайинлик қилишлари ва феодал муносабатларни атайлаб сақлаб келганликлари бу мамлакатларнинг бир ёқлама заиф ривожланишига ва маданиятдан жуда орқада қолиб кетишига сабаб бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва миллий-озодлик ҳаракатлари Осиёда мустамлакачиликни чуқур кризисга дучор қилди. 1918—1922 йиллар — Ҳиндистонда революцион ҳаракатларнинг авж олган йили бўлди. 1921 йилда Мўғулистон Халқ Республикаси вужудга келди. 1925—1927 йилларда Хитойда чет эл империалистларига қарши кўтарилган оммавий ҳаракат Улуғ Хитой миллий-озодлик революциясига айланиб кетди. Индонезия, Афғонистон, Туркия, Эрон ва бошқа Осиё мамлакатларида миллий-озодлик курашлари кескинлашди.

Герман ва япон империализмининг Совет Иттифоқи томонидан тор-мор келтирилиши ва иккинчи жаҳон урушидан кейин социалистик лагернинг вужудга келиши натижасида Осиё мамлакатларида туб ўзгаришлар рўй берди. Урушдан кейинги ўн йил ичида Осиёда бир қатор мустақил давлатлар ташкил топди.

1945 йилда япон босқинчиларига қарши олиб борилган қаҳрамонона курашлар ва қўзғолонлар натижасида Индонезия республикаси эълон қилинди. Шу йили Вьетнам Демократик Республикаси тузилди. 1945 йилнинг октябрида эса Лаос ўз мустақиллигини эълон қилди. 1947 йилга келиб улуғ ҳинд халқи миллий мустақилликка эришди. 1948 йилда бирма халқлари ўзларининг федератив республикаси — Бирма Иттифоқини тузди. Худди шу йили Корея Халқ Демократик Республикаси вужудга келди. 1949 йилда Улуғ Хитой Халқ Республикаси барпо этилди. 1955 йилда эса Камбоджа мустақиллиги эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда араб халқининг озодлик ҳаракати ҳам катта ютуқларга эришди. 1941 йилда Ливан ва Сурия мамлакатлари мустақиллик олдилар, 1958 йилда Ироқда революция рўй берди.

Яқин Шарқда бошланиб кетган бу курашлар империализмга жиддий зарба етказди, чунки, Яқин Шарқ районининг жуда муҳим стратегик аҳамияти ва бой қазилма конлари (айниқса нефть) бор эди.

Сиёсий мустақилликни қўлга киритган собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлари олдида маданий ва иқтисодий қолоқликни тугатиш, мустақил миллий экономикани барпо қилиш вазифалари турди. Ривожланишнинг социалистик йўлига ўтиб олган Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикаси халқлари бу йўлда катта муваффақиятларга эришдилар.

Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва шунингдек, Вьетнам Демократик Республикасида социализм қурилишининг асосий базаси яратилди. Мўғулистон Халқ Республикасида социалистик ўзгаришлар асосан тугалланди ва ҳозирги вақтда яқин йиллар ичида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига мос келадиган моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифаси қўйилган.

Хитойнинг иқтисодий ривожланиши айтиқса, муваффақиятли бормоқда. Кейинги уч йил ичида ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 40 процентдан кўпроқни ташкил қилди. 1960 йилда 1949 йилдагига нисбатан 100 мартадан кўпроқ пўлат, 11 марта кўп чўян эритилди, 13 марта кўп кўмир ва электр қуввати, 93 марта кўп нефть ва 60 марта кўп металл қирқиш станоклари ишлаб чиқарилди. Хитой Халқ Республикаси 1967 йилга бориб, саноат маҳсулотининг барча турлари бўйича Англиядан ўзиб кетиш вазифасини қўйиб, ҳозирнинг ўзидаёқ кўмир қазиб чиқариш, чўян, мис ва алюмин эритиш, ип газлама ишлаб чиқариш бўйича Англияни орқанда қолдирди.

Осиёдаги социалистик бўлмаган мамлакатлар ҳам чет эл капиталининг ҳукмронлигини батамом тугатиш ва кенг аҳоли табақаларининг турмуш даражасини кўтариш учун курашмоқда. Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Камбоджа ва шунга ўхшаш мамлакатларда миллий саноатни вужудга келтириш йўлида маълум муваффақиятлар қўлга киритилди ва экономикани ривожлантиришнинг узоқ муддатли программалари ишлаб чиқилди.

Осиёдаги бир қатор мустақил давлатлар СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам дўстона алоқалар ўрнатдилар. Совет Иттифоқи бу мамлакатларга миллий экономикани ривожлантиришда беғараз ёрдам кўрсатиб, узоқ муддатли кредитлар бермоқда, улар билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган кенг савдо олиб бормоқда.

Ҳиндистонда Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган ва ҳозирдаёқ мамлакатга миллион тоннадан кўпроқ чўян, 400 000 тоннага яқин пўлат ва 300 000 тоннадан кўпроқ прокат етказиб берган Бхилай металлургия комбинати ҳинд-совет дўстлигининг симболи бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи кам тараққий қилган ва мутахассисларга жуда муҳтож бўлган Осие мамлакатларига кўмаклашиб, ўзининг ёрдами билан шу мамлакатларда қурилаётган корхоналарда маҳаллий кадрларни ишга ўргатмоқда. Ана шу йўл билан, масалан, Ҳиндистондаги Бхилай комбинатида қурувчи ва монтажчиларнинг, мамлакатнинг бошқа қурилишларида ҳам шу хил ишларни бажаришга қодир бўлган, 20 000 кишилик қудратли коллектив етишиб чиқди.


Совет Иттифоқи Индонезияда кўмир саноатини ривожлантиришда, Бирмада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёрдамлашмоқда.

Совет Иттифоқи ёрдамида ХХРда 291 корхона, 59 цех ва установкалар; КХДРда 30 корхона, 15 цех ва установкалар; ВДРда 16 корхона, 15 цех ва установкалар; МХРда эса 21 корхона, 10 цех ва установкалар қурилди.

Осиёдаги мустақил давлатлар халқаро муносабатларда муҳим фактор бўлиб қолди. Кўпчилик Осие мамлакатлари 1955 йилги Бандунг конференциясида ишлаб чиқилган тинч-тотув яшашнинг беш принципига амал қилиб, халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш ишига ёрдамлашган ҳолда тинчликсевар ташқи сиёсат юргизмоқда.

Бироқ империалистлар ўзларининг Осиёдаги илгариги мавқеларидан маҳрум бўлиб қолишга асло рози эмаслар. Улар эски, классик формадаги мустамлакачилик тузумини, эндиликда Осиёдаги Адан, Фарбий Ириан, Гонконг ва бошқа шу каби кичик-кичик территорияларда сақлаб қолганлари ҳолда, бошқа мустақил Осиё мамлакатларини ҳам ўз контроллари остига олиш учун жон-жаҳдлари билан тиришмоқдалар, ўзларининг эски мустамлакачилик мақсадларига, энди, янгича ниқобланган воситалар билан эришишга уринмоқдалар. Мустамлакачиликнинг ана шундай янги формаларидан, империалистик давлатлар ва айниқса АҚШ қўлланаётган формаларидан бири кам тараққий қилган Осиё мамлакатларига берилаётган «ёрдам» ҳисобланади. Бу «ёрдам»дан кўзланган асосий мақсад чет эл капиталининг кам тараққий қилган мамлакатлар экономикасига чуқурроқ кириб боришини таъминлашдан, бу мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш ва уларнинг ташқи сиёсатини Фарб давлатларининг агрессив манфаатларига бўйсундиришдан иборатдир.

ОСИЁ СИЁСИЙ КАРТАСИ (схема)



СЕАТО ва СЕНТО каби реакцион блоклар ва иттифоқлар ҳам империалистик давлатларнинг Осиёдаги позицияларини мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилади. Ғарб давлатлари ва уларнинг малайлари Осиё мамлакатларининг ҳамкорлик қилиш йўлидаги интилишларига гўё хизмат кўрсатмоқчидай бўлиб, янги блок — Жануби-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСАС)ни тузишни планлаштирмоқдалар. Бу блокка Бирма, Индонезия, Камбоджа, Лаос ва Жанубий Вьетнамни жалб қилиш кўзда тутилган. Лекин, аслида СЕАТО, СЕНТО ва АСАС каби блоклар Осиё мамлакатлари орасидаги ҳақиқий ҳамкорлик ва дўстона қўшничилик муносабатларига қарши асосий тўсиқ ҳисобланади.

Империалистлар юқоридаги «ёрдам» деб аталган йўллар билан ва Осиё мамлакатларини агрессив блоклар ва иттифоқларга жалб қилиш йўли билан ўз мақсадларига эриша олмаган ҳолларда, ҳатто бевосита агрессия қилишдан ҳам той-

маётирлар. Лаосдаги воқеалар бунинг ёрқин шоҳиди бўлди. Америка империалистлари бу кичик, аммо муҳим стратегик ҳолатга эга бўлган мамлакатни, қандай бўлмасин, Осиедаги социалистик ва бетараф мамлакатларга қарши плацдармга айлантиришга уриниб, Лаосда граждaнлр урушини бошлаб юбордилар.

Осиедаги социалистик ва бетараф мамлакатлар империалистларнинг ҳамма найрангларига ўз қаторларининг мустақам жипслиги билан ҳамда бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан дўстона алоқаларни кенгайтириш билан жавоб бермоқдалар. Аммо, Осиеда шундай давлатлар ҳам борки, уларнинг ҳукуматлари ўз мамлакатларининг миллий манфаатларига зид ўлароқ, бетараф ташқи сиёсат юргизишдан воз кечиб, империалистик давлатлар билан ҳарбий ва сиёсий иттифоқлар тузиш йўлини танлаганлар. Бундай мамлакатлар жумласига ҳарбий блокларга аъзо бўлган Жанубий Вьетнам, Эрон, Покистон, Япония ва Таиланд киради. Бу мамлакатларда экономика чет эл монополияларига бўйсундирилган, демократик эркинликлар поймол қилинган ва аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда пастлашиб кетгандир. Бу давлатларнинг америка капиталига қўл келадиган реакцион сиёсати, сиёсий ҳаётда тобора чуқурлашиб бораётган келишмовчиликларга, жуда зўр иқтисодий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Бу аҳвол ана шу мамлакатлардаги аҳолининг кенг табақалари ўртасида норозиликни тобора кучайтирмоқда, халқлар мустақил ташқи сиёсат юргизишлишини ва иқтисодий ривожланишининг халқ эҳтиёжларига бўйсундирилишини тобора кўпроқ талаб қилиб чиқмоқда. Америка ҳукмрон доиралари эндиликда бу мамлакатларга ўзларининг содиқ шериклари сифатида ишонмай қўйди. Америкача қўғирчоқ тузумларга қарши бир қатор давлат тўнтаришларининг рўй берганлиги буни очиқ кўрсатиб турибди. Жанубий Кореяда Ли Син Ман ва Туркияда Мендерес диктатураси ағдариб ташланди, ҳамда Лаосда ва Жанубий Вьетнамда ватанпарвар кучларнинг ҳаракати бошланди. Япон халқининг америка империализмининг найрангларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши Киси ҳукуматининг истеъфо беришига олиб келди.

Осие халқлари америка доллари ва қуроли кучларига таянган реакцион тузумларнинг бўйинтуруғини улоқтириб ташламоқда.

Бу зўр тарихий жараён оқибатда бутун Осие мамлакатларининг халқро империализм агрессив кучларининг ҳалокатли таъсиридан батамом озод бўлишларига муқаррар олиб келажак.

## АДАН

**А**дан — Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган Буюк Британия мулки. Бир неча кичик мустамлака (Адан шаҳри, Курия-Мурия, Перим ва Камаран ороллари) ва икки протекторатдан ташкил топган. Булардан бири Ғарбий Адан саккизта султонликдан, иккинчиси Шарқий Адан эса Хадрамаут, Сокотра ороли ва бошқа князликлардан иборат.

Майдони 300 минг квадрат километр. Аҳолиси 800 минг киши. Аҳолиси асосан араблардан иборат.

Маъмурий маркази Адан шаҳри (аҳолиси 96 минг киши).

Қадим замонлардан тортиб то ўрта асрларгача Адан йирик савдо марказларидан бири эди. XVI асрда Ҳиндистонга олиб борадиган янги денгиз йўлларининг очилиши ва Яманда туркларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши билан у инқирозга учради. 1839 йилда Аданни Англия босиб олди ва уни Ҳиндистонга олиб борувчи йўл устидаги ўзининг ҳарбий ва стратегик базасига айлантирди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ичида Англия Адандан мустамлака мамлакатлардаги миллий-озодлик курашига қарши ҳарбий таянч пункти сифатида фойдаланиб келмоқда.

Адан—қолоқ, аграр мамлакат. Аҳолининг 90 проценти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Мамлакатда асосан тариқ, дурра, тамаки ва пахта экилади. Яйловларда туялар, қорамоллар, эчки ва қўйлар боқилади. Ер ва чорва моллари асосан қабила бошлиқлари—аристократлар ва феодалларга қарашли. Денгиз соҳилларидаги районларда балиқ овлаш ривожланган. Фабрика- завод саноати йўқ. Майда ҳунармандчилик кенг тарқалган.

Чет элларга туз, қуритилган балиқ, ўсимлик бўёқлари, тери ва кофе чиқарилади.

Инглизлар Адан халқининг маданий даражасини кўтариш тўғрисида ғамхўрлик қилмайдилар. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 100 дан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаб бор, холос.

Ҳокимият инглиз губернатори қўлидадир. 1959 йилда қонун чиқарувчи Кенгаш тузилди. Кенгашни губернатор томонидан тайинланадиган раис бошқаради.

Протекторатлардаги князликларни расман ерли қабила бошлиқлари бошқаради, амалда ҳокимият инглиз резидентлари ихтиёридадир.

Адан халқи чет эл ҳукмронлигига қарши ўз озодлиги йўлида кураш олиб бормоқда.

## А Ф Ё Н И С Т О Н

Афғонистон — Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Совет Иттифоқи билан чегарадош.

Майдони 655 минг квадрат километр. Аҳолиси 13 миллион киши. Аҳолисининг ярмисини афғонлар (пуштулар) ташкил қилади. Қолган ярми эса тожик, ўзбек, туркман ва бошқа миллатлардан иборат.

Пойтахти Кобул шаҳри (аҳолиси 310 минг киши).

*Табиий шароити.* Афғонистон территориясининг катта қисмини тоғлар ва ясси тоғликлар қоплаган. Экин экин учун қулай ерлар мамлакатнинг шимолий районларида бўлиб, жануби-ғарбий районлари саҳро ва чала саҳролардан иборат.

Иқлими асосан кескин континентал ва қуруқ.

*Қисқача тарихи.* Афғон халқи жуда кўп қон тўкиб, ўз миллий давлатини барпо этди. Афғонистон деярли юз йиллар давомида Эрон, Урта Осиё ва Ҳиндистонда мавжуд бўлган йирик феодал давлатлар ўртасидаги шиддатли курашлар майдони бўлиб келди. XVI асрда мамлакатнинг ғарбий қисмини эронликлар босиб олди, шарқий қисми эса Бобирийлар (Улуғ Мўғуллар) давлатига бирлашди. Афғон қабилалари чет эл зулмига қарши бир неча марта қўзғолонлар кўтарди. 1747 йилга келиб афғонлар эрон босқинчиларини мамлакатдан ҳайдаб чиқардилар ва мустақил афғон давлатини барпо қилдилар. Аммо, бу давлат нафасини ростлаб олмасданоқ энг шафқатсиз ва қудратли душман — Буюк Британия ҳужумига дучор бўлди.

Афғон халқи қўлига қурол олиб ўз ватанини инглиз мустамлакачилари ҳужумидан ҳимоя қилди. 1838—1842 йиллардаги биринчи инглиз-афғон уруши инглиз босқинчиларининг зўр мағлубияти билан тамомланди.

1878—1880 йилларда бўлган иккинчи урушда ҳам инглиз мустамлакачилари мағлубиятга учрадилар. Лекин шунга





*Кобул шаҳаридан бир кўриниш.*

карамай инглизлар Афғонистон экономикасига суқилиб кириш билан бирга, Кобул амирларининг ташқи сиёсатини назорат қила бошладилар. Тез орада Афғонистон Англиянинг ярим мустамлакасига айланиб қолди.

1893 йилда Буюк Британия Афғонистон билан ҳинд-афғон чегараси ҳақидаги битимни имзолади. «Дюранд чизиги» номи билан машҳур бўлган бу битимга кўра, афғон қабилаларининг кўп ерлари Англиянинг Ҳиндистондаги мулкига қўшиб олинди (1947 йили Ҳиндистон икки давлатга бўлингач, мазкур ерлар Покистон составига қўшилди. Бу ердаги афғон қабилалари (патанлар) эса ўзларининг Пуштунистон автоном давлатларини тузиш шнорини илгари сурдилар).

Афғон халқи юз йилга яқин инглиз зулмига қарши мардона курашди. Октябрь социалистик революциясининг таъсирида миллий-мустақиллик ҳаракати кучайиб кетди. 1919 йилда Афғонистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Бунга жавобан инглиз мустамлакачилари афғон халқига қарши янги уруш бошлади. Совет ҳукумати афғон халқига маънавий ёрдам кўрсатиб, Афғонистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб таниди. Совет давлатининг қўллаб-қувватлаши, шунингдек, Ҳиндистонда авж олиб кетган миллий-озодлик ҳаракатлари Афғонистоннинг инглизлар бошлаган урушдан ғолиб чиқшига ёрдам берди. Натижада, инглиз мустамлакачилари Афғонистон билан яраш битими тузишга ва мамлакат мустақиллигини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Иккинчи жаҳон уруши олдидан Англия билан бир қаторда гитлерчилар Германияси ва империалистлар Японияси ҳам Афғонистонга суқилиб киришга уриниб кўрдилар. Урушдан кейинги даврда бу мамлакатга америка империализми катта аҳамият берди. Империалистлар Афғонистонни ўзларининг

ҳарбий группировкаларига ва жумладан, собиқ Бағдод пактига тортиш йўлида бор кучларини сарфладилар. Бироқ уларнинг бу ҳаракатлари барбод бўлди.

Афғон халқи қўлга киритилган мустақилликни сақлаб қолиш йўлида ўз ҳукумати олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватламоқда. Халқ ҳукуматининг ташқи сиёсатини маъқуллагани ҳолда, империалистларнинг Афғонистонни ҳарбий блокларга тортиш йўлидаги уринишларига қарши чиқмоқда. Афғон халқи традицияга айланиб кетган совет-афғон дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватламоқда.

*Хўжалиги.* Мамлакат экономикасида қишлоқ хўжалиги асосий роль ўйнайди. Аҳолининг 85 проценти қишлоқ хўжалигида банддир. Миллий даромаднинг 80 проценти ҳам шу қишлоқ хўжалигидан келади. Ҳайдаладиган ерлар ҳаммаси бўлиб мамлакат территориясининг фақат 5 процентини ташкил қилади.

Афғон қишлоқларида қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи феодал муносабатлари ҳали кучлидир. 500 мингдан кўпроқ деҳқонлар ерсиз бўлиб, улар ерни помешчик ва қабила бошлиқларидан ижарага оладилар. Ҳар бири 20 гектар ерга эга бўлган 15 минг помешчик (ер эгалари умумий сонининг 2,5 проценти) ҳайдаладиган ернинг 50 процентидан кўпроғига эгалик қилдилар. Бундан ташқари, ҳайдаладиган ер массивларининг анча қисми давлатга ва масжидга қарашлидир.



*Совет техникаси йўл қурилишида ишламоқда.*

Деҳқончилик техникаси паст бўлиб, экинлардан кам ҳосил олинади. Асосан буғдой, арпа, шоли, пахта ва полиз экинлари экилади. Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғидир.

Афғонистон саноати керагича ривожланмаган. 1959—1960 йилларда саноатнинг ялпи маҳсулоти қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг еттидан бир қисмини ташкил қилган. Мамлакатда енгил ва озиқ-овқат саноати (ип-газлама ва жун газлама) фабрикалари, пахта тозалаш, қанд заводлари, гугурт ишлаб чиқарадиган ва бошқа фабрикалар бор. Ана шу саноат корхоналарида ишлайдиган ишчиларнинг сони 20 минг кишини ташкил қилади, холос. Майда ҳунармандчилик саноати анча ривожланиб, ҳунармандчилик корхоналарида 150 мингга яқин киши ишлайди.

Кейинги уч-тўрт йил ичида Афғонистоннинг ташқи савдоси анча кенгайди. Чет эллардан машина ва ускуналар, тўқимачилик буюмлари, нефть маҳсулотлари, металл келтиради; четга қоракўл терилари, қуруқ мева ва ёнғоқлар, пахта, жун ва гиламлар чиқаради.

Афғонистон экономикасини ривожлантиришда Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда.

*Давлат тузуми.* Афғонистон — конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи — подшоҳ Муҳаммад Зоҳир шоҳдир. Афғонистон парламенти 3 йил муддатга сайланадиган Халқ кенгаши ва қирол тарафидан умрбод муддатга тайин этиладиган Сенатдан иборат. Давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун подшоҳ вақт-вақти билан қабила вакиллари ва бошқа машҳур кишиларнинг «Катта Жирға» деб аталувчи кенгашини чақиради.

Мамлакатда сиёсий партиялар ва касаба союз ташкилотлари йўқ. Афғонистон ҳукумати халқаро муносабатларда позитив нейтралитет ва тинчликсеварлик сиёсатини олиб бормоқда.

## БАХРАЙН

Бахрайн ороллари Форс қўлтиғида, Қатар ярим ороли ва Саудия Арабистони оралиғида жойлашган князликдир. У Бахрайн, Мухаррак, Сирта, Наби, Солиҳ ва бошқа ороллardan иборат.

Майдони 598 квадрат километр. Аҳолиси 122 минг киши бўлиб, асосан араблар, эронликлар ва ҳиндлардан иборатдир.

Маъмурий маркази Манама шаҳри (аҳолиси 65 минг киши).

Бахрайн ороллари кўп асрлар давомида чет эл мустамлакачилари зулми остида бўлган.

ХІХ аср бошларида Бахрайн ороллариинг инглиз империалистлари босиб олди. ХХ асрнинг 30 йилларидан бошлаб, оролларга америка империализми суқилиб кира бошлади. Кескин рақобат кураши натижасида инглизларнинг Бахрайн нефтига монополияси тугатилди. Бахрайн нефть бойлиги америка монополияларининг мулкига айлана бошлади.

Америка-инглиз мустамлакачиларининг Бахрайндаги ҳукмронлиги халқ оммасининг ғазабини қўзғатмоқда. Мамлакатда чет эл империалистларининг зулми ва ҳукмронлигига қарши кураш йил сайин кучайиб бормоқда.

Экиладиган ерларнинг кўп қисми шайх (подшо) ҳамда феодаллар ва помешчикларга тегишлидир. Қишлоқ хўжалигида ток, цитрус ва шафтоли дарахтлари ўстирилади. Шунингдек, шоли ва бошқа деҳқончилик экинлари экилади. Хурмо мевалари бу ерда муҳим озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Чучук сувнинг йўқлиги деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Марварид қидириш катта аҳамиятга эга.

Бахрайн ороллариининг асосий бойлиги нефть бўлиб (аниқланган запаси 27,2 миллион тонна), саноати нефтни қайта ишлаш билан боғлиқ бир неча завод ва корхоналардан иборат. Мавжуд завод ва саноат корхоналарининг ҳаммаси чет эл (америка ва инглиз) компанияларига қарашлидир.

Чет элларга нефть маҳсулотлари, марварид, хурмо мевалари, қуритилган балиқ чиқариб, четдан озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат товарлари ва машиналар келтиради.

Бахрайн ороллари—расман шайх бошчилигидаги князлик бўлиб, аслида Буюк Британиянинг протекторатидир.


Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бахрайн ороллари ва унинг атрофидаги районлар Яқин ва Урта Шарқдаги америка-инглиз ҳарбий базалари системасига киритилган.

1959 йилда тузилган Бахрайн Миллий-озодлик fronti мустақиллик учун ва араб мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш учун кураш олиб бормоқда.

## БИРМА

(*Бирма Иттифоқи*)

Бирма (Бирма Иттифоқи)—Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. У Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Лаос ва Таиланд билан чегарадошдир. Бирманинг ғарбий қирғоқлари Бенгалия қўлтиғи билан ўралган.



*Бирма хўжалигида техниканинг роли ортиб бормоқда.*

Майдони 678 минг квадрат километр. Аҳолиси 20 миллион 457 минг киши. Бирмаликлар мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил қилади.

Пойтахти Рангун шаҳри (аҳолиси 822 минг киши).

*Табиий шароити.* Бирманинг катта қисми тоғлар ва ясси тоғликлардан иборат. Тоғ тизмалари жанубга томон пасайиб, дарё водийлари кенгайиб, унумдор паст текисликлар ҳосил қилади. Дарёлар қудратли гидроэнергия манбаидир.

Мамлакат иссиқ ва тропик иқлимга эга.

Ўсимликлари асосан тропик характерда бўлиб, жуда катта майдонларни ўрмонлар қоплаган. Тропик ўрмонларда хилма-хил пальма ва бамбук дарахтлари ўсади.

*Қисқача тарихи.* Осиёдаги энг қадимги мамлакатлардан бири бўлган Бирма XIX асрнинг биринчи ярмида Англиянинг мустамлакасига айланиб қолди ва Буюк Британия империясининг ҳинд мустамлакалари составига қўшиб олинди. Шундан буён Бирма халқи инглиз мустамлакачиларининг зулми остида эзилиб келган эди. Хўрланган халқ ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашиб, мустамлакачилар устидан ғалаба қозонди ва миллий мустақилликка эришди.

1948 йил 4 январда Бирма мустақил республика деб эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Бирманинг иқтисодий тараққиёти инглиз империалистларининг ҳукмронлиги туфайли узоқ вақт тўхтаб қолди. Шу сабабдан фойдали қазилмалар ва гидроресурсларга бой Бирма — иқтисодий жиҳатдан ҳам тараққий этган аграр мамлакатдир. Ишга яроқли аҳолининг 70 процентга яқини қишлоқ хўжалигида банд. Ҳайдаладиган 24 миллион гектар ернинг фақат 6,8 миллион гектаригагина экин экилади. Қишлоқ хўжалигида майда деҳқон хўжаликлари билан йирик помешчик ер эгалиги бирга қўшилишиб кетган. Ерни национализация қилиш ва деҳқонларга бўлиб бериш тўғрисида 1948 йилда қабул қилинган ва кейинчалик ўзгартишлар киритилган қонун помешчикларнинг 20 гектардан ортиқ бўлган ерларини сотиб олиш ва деҳқонларга бўлиб беришни кўзда тутди. Лекин, реакцияон кучларнинг қарши ҳаракатлари туфайли бу ислоҳот жуда секинлик билан амалга оширилмоқда, шу вақтга қадар деҳқонларга 1,5 миллион акрга яқин ер тақсимлаб берилди, холос. Шуни ҳам айтиш керакки, ер ислоҳоти фақат Бирманинг ўзигагина тегишли бўлиб, Бирма Иттифоқидаги бошқа автоном давлатларга жорий қилинган эмас.

Асосий деҳқончилик экини бўлган шоли — бутун экин майдонининг учдан икки қисмини ташкил қилади. Шолидан ташқари тариқ ва маккажўхори, техника экинларидан мойли экинлар (кунжут, ерёнғоқ), пахта ва каучук экилади.

Мамлакат экономикасида ўрмон хўжалиги катта ўрин тутади.

Бирма саноати паст аҳволда бўлиб, мамлакат экономикасида чет эл монополияларининг позициялари ҳали жуда кучли. «Бирма корпорейшн» компаниясининг 50 процент акциялари ва мамлакатда ягона йирик нефть компанияси ҳисобланган «Бирма Ойл» компанияси акцияларининг учдан икки қисми инглиз капиталига қарашлидир.

Ер ости қазилмаларига бой бўлган бу мамлакатда тоғ-кон саноати анча ривожланган, чунки саноатнинг бу тармоғини ривожлантиришдан чет эл монополиялари манфаатдордир.

Саноатнинг бошқа тармоқлари эса жуда сустр ривожланган. Бир вақтлари кенг тарқалган хусусий ҳунармандчилик корхоналари ҳозирги вақтда инглиз фабрикалари ишлаб чиқараётган буюмларнинг рақобати таъсирида камайиб бормоқда. Ишчиларнинг асосий қисми нефтни қайта ишлайдиган заводларда ва тоғ-кон қазिश корхоналарида банддир.

Чет элларга асосан гуруч, рангли металллар рудаси, пахта ва каучук чиқариб, чет эллардан ускуналар ва транспорт воситалари, қора металллар, газмоллар ва истеъмол қилинадиган ҳар хил товарлар келтиради.

*Давлат тузуми.* Бирма Иттифоқи федерал республикадир. Президент давлат бошлиғи ҳисобланиб, парламентнинг ҳар икки палатасининг қўшма мажлисида беш йил муддатга сайланади. Бирма парламенти қонун чиқарувчи олий органдир. Бош министр бошчилигидаги Министрлар Кабинети ижро этувчи олий орган бўлиб, палата депутатларининг тақдими мувofiқ президент томонидан тайинланади.

1962 йил март ойида Бирмада давлат тўнтариши бўлиб, генерал Не Вин ҳокимиятнинг армия қўлига ўтганлигини эълон қилди.

*Сийсий партиялари.* Иттифоқ партияси — мамлакатда ҳукмрон партия. Халқ эркинлиги антифашист Лигаси — 1948 йилда тузилган, бу партияга ўнг социалистлар раҳбарлик қилади.

Бирма Коммунистик партияси — 1956 йилда тузилган бўлиб, кейинчалик икки ташкилотга — Такин Тан Тун бошчилигидаги Бирма Коммунистик партиясига ва Тан Сое бошчилигидаги Бирма Қизил байроқ Коммунистик партияси — ташкилотларига бўлинган. Бу ҳар иккала коммунистик партияларнинг фаолияти тақиқланган бўлиб, ҳозирда яширин иш олиб бормоқда.

Бирма ўзининг чет эл мамлакатлари билан олиб бораётган муносабатларида позитив нейтралитет ва ҳеч қан-

дай блокларга қўшилмаслик сиёсатини амалга оширмақда.

Бирма билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкам дўстлик муносабатлари ўрнатилган.

## БОРНЕО

Борнео — Қалимантан (Борнео) оролининг шимоли-ғарбида жойлашган Буюк Британияга қарам территориядир.

Британия Борнеоси уч қисмдан иборат: Саравак, Бруней ва Шимолий Борнео.

*Саравак* — Буюк Британиянинг мустамлакаси. Майдони 122 минг квадрат километр, аҳолиси 640 минг киши. Маркази Кучинг шаҳри (аҳолиси 60 минг киши).

*Шимолий Борнео* — Буюк Британиянинг мустамлакаси, Майдони 76,1 минг квадрат километр, аҳолиси 401 минг киши. Маркази Жесселтон шаҳри (аҳолиси 12 минг киши).

Бруней — Буюк Британиянинг протекторати. Майдони 5,8 минг квадрат километр, аҳолиси 75 минг киши. Маркази Бруней шаҳри (аҳолиси 18 минг киши).



*Шимолий Борнео. Шолитор дехқон.*



Британия Борнеосининг аҳолиси асосан даяк халқларидан иборатдир.

*Табиий шароити.* Калимантан ороли экватор чизиги устида жойлашганлигидан нам тропик зонага киради. Ёгин кўп ёғади, ҳаво доимо иссиқ, қиш бўлмайди. Ҳамма ёқда қалин ўрмонлар бўлиб, денгиз бўйлари ботқоқ ва тўқайзордир. Мамлакатнинг ўрта қисмида баланд тоғлар бор. Дарёлари калта, лекин тез оқар ва шаршаралари кўп. Баъзи дарёларда қисман кема қатнайди.

*Қисқача тарихи.* XVI аср бошида бу ерда каттагина Бруней давлати мавжуд эди. XVI аср охиридан бошлаб, XVIII асргача испанлар ва инглизлар Борнеони босиб олиш учун бир неча марта уриниб кўрдилар. Лекин бу уринишлар маҳаллий аҳолининг қаршиликка учради. XIX аср ўрталаридагина голланд мустамлакачилари Борнеога бостириб кирдилар. Улардан кейин инглизлар келиб, Калимантан оролининг шимолий қисмини ўзларига қаратдилар.

1946 йилдан бери расмий равишда мустамлакадир.

*Ҳўжалиги.* Калимантан ороли фойдали қазилмаларга бой, саноати нефть чиқариш, тозалаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ. Саноатининг асосий тармоқлари инглиз монополияларининг қўлида.

Қишлоқ ҳўжалигида асосан шоли, қора мурч, шакар қамиш, каучук экилади, турли пальма дарахтлари кўп. Балиқ ва тимсоҳ овланади. Каучукзорлар ҳам чет эл монополияларига тегишли.

Чет элларга нефть, каучук, мурч ва ёғоч чиқариб, четдан овиқ-овқат ва саноат моллари ҳамда нефть маҳсулотлари келтиради.

## ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Иккинчи жаҳон урушининг охиригача Вьетнам территорияси Лаос ва Камбоджа билан бирга Франция Ҳиндихитойи составида эди.

Вьетнам территориясининг катта қисмини тоғлар,  $\frac{1}{3}$  қисмидан кўпроғини эса ўрмонлар ишғол қилади.

Вьетнамнинг иқлими мамлакатнинг турли қисмларида турличадир. Йил мавсумлари ёгингарчиликнинг тушишига қараб аниқланади. Қишда шимоли-шарқдан эсган муссон шамоллари кўп ёгингарчилик олиб келади.

Вьетнам фойдали қазилмаларга бой. Тоғли районларда кўмир рудаси, олтин ва рангдор металл конлари бор.

10 Жаҳондаги мамлакатлар

Вьетнам халқи ўз миллий-озодлиги учун узоқ вақт кураш олиб борди. 1945 йилда халқ демократик революциясининг галабаси натижасида империалистлар ҳокимияти ағдарилиб, Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинди. 1946 йил декабрида француз империалистлари бу республикага қарши босқинчилик уруши бошлади. 1946 йилдан 1954 йилгача чўзилган бу узоқ урушда вьетнам халқи ўз демократик давлат мустақиллигини сақлаб қолди. Бироқ уруш йилларида француз мустамлакачилари америка империалистларининг ёрдами билан ўзлари босиб олган территорияда қўғирчоқ «Вьетнам республикаси»ни туздилар. Натижада Вьетнамда иккита давлат — Шимолий Вьетнамда Демократик Республика, Жанубий Вьетнамда эса реакцион «Вьетнам Республикаси» пайдо бўлди.

Вьетнам Демократик Республикаси — Ҳиндихитой ярим оролининг шимоли-шарқий қисмига жойлашган давлат. Майдони 157 минг квадрат километр. Аҳолиси 15 миллион 903 минг киши бўлиб, асосан вьетнамликлардан иборатдир. Пойтахти Ханой шаҳри (аҳолиси 638 минг киши).

*Ҳўжалиги.* Демократик республиканинг вужудга келиши мустақил экономикани тиклаш ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришиш имконини яратиб берди. Ҳозир мамлакат экономикасида давлат-кооператив, давлат-капиталистик, хусусий-капиталистик ва майда товар секторлари мавжуддир. 1959 йилда саноат ишлаб чиқаришининг 81,7 проценти ҳамда саноат ва ҳунармандчилик корхоналари ишлаб чиқариши ялпи маҳсулот қийматининг 42 проценти давлат сектори ҳиссасига тўғри келган.

Мамлакат экономикасининг етакчи тармоғи қишлоқ хўжалигидир. Дон экинларидан — шоли ва маккажўхори экилади, техника экинларидан — шакар қамиш, чой, кофе ва каучук ўстирилади. Шунингдек, пахта ва ерёнгоғи ҳам экилади.

1956 йилнинг охирида бутун Шимолий Вьетнам территориясида ер ислоҳоти ўтказилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги 895 минг гектар ерга эга бўлди. Деҳқон оилаларининг 54 проценти (1960 йил) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига аъзо. Суғориладиган ерлар 1,3 миллион гектарга етди. Бу эса Вьетнамда мустамлакачилик режими ҳукмрон бўлган даврдигига нисбатан уч марта кўпдир.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига гуруч етиштириш ва гектаридан олинаётган шоли ҳосили жиҳатидан Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринда туради. 1956 йилдан бошлаб республика

гуручга бўлган ўз эҳтиёжини тўла қондирган ҳолда, гуручни экспорт қилиб келмоқда. Республика олдида турган асосий вазибалардан бири — миллий саноатни, биринчи галда оғир саноатни вужудга келтиришдан иборат. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958—1960 йилларга мўлжалланган уч йиллик планига мувофиқ мамлакатда бир неча ўн катта ва ўрта саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Миллий буржуазияни давлат қурилишига жалб қилиш мақсадида ВДР ҳукумати давлат-хусусий аралаш корхоналарини тиклаш сиёсатини юргизмоқда. Капиталистларнинг 45 проценти ана шундай системага тортилган.

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг 1960 йил сентябрида бўлиб ўтган III съездида 1961—1965 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик план директивалари қабул қилинди. Шу беш йиллик ичида социалистик ўзгаришларни асосан тугаллаб, асосий эътибор мамлакатда социалистик қурилишга қаратилади.

1965 йилга бориб саноатнинг ва ҳунармандчилик корхоналарининг ялпи маҳсулоти 1960 йилдагига нисбатан 148,8 про-



*Ханой шаҳари кўчаларидан бири.*

цент, қишлоқ хўжалик ялли маҳсулоти эса 1960 йилдаги ўр-тача миқдорга қараганда 61 процент кўпайиши керак.

ВДР ташқи савдоси муваффақиятли равишда ўсиб бормоқда, 1959 йилда экспортнинг ҳажми 1958 йилга нисбатан 33,3 процент, импорт эса 49 процент кўпайди. Социалистик лагерь мамлакатлари билан олиб борилаётган савдо мамлакатнинг бутун ташқи савдо оборотининг 70 процентини ташкил қилди.

Аҳолининг маданий даражасини кўтариш йўлида катта қадам қўйилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 50 ёшгача бўлган кишиларнинг 90 проценти саводли. 1956 йилда ВДРда мактаблар ислоҳ қилиниб, бепул ўн йиллик таълим системаси жорий этилди. Мамлакатда 7 олий ўқув юрти бор бўлиб, буларнинг энг йириги Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган Ханой политехника институтидир. Икки мингдан кўпроқ вьетнамлик студент ва аспирантлар социалистик мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олмоқда.

*Давлат тузуми.* ВДР — социалистик типдаги халқ демократик давлатдир. 1959 йил декабрида қабул қилинган янги конституцияга асосан Миллий мажлис — давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Миллий мажлис раис, раис ўринбосари, давлат секретари ва аъзолардан иборат бўлиб, доимий Комитетни сайлайди. Ижро этувчи ҳокимият эса республика президенти ҳамда Министрлар Совети томонидан амалга оширилади. Президент Миллий мажлис томонидан 4 йил муддатга сайланади. Миллий мажлис президентнинг тақдимига кўра бош министрни тайинлайди.

*Сиёсий партиялари.* Вьетнам Меҳнаткашлар партияси — ВДРнинг раҳбар кучидир; Демократик партия — 1944 йилда тузилиб, зиёлиларнинг бир қисмини, майда буржуазия, корхона эгалари ва савдогарларни бирлаштиради; Вьетнам Ватан fronti — 1955 йилда тузилиб, Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида иш олиб боради ва мамлакатдаги ҳамма сиёсий ва жамоат ташкилотларини ўзида бирлаштиради. Шимолий Вьетнамда социалистик қурилишни амалга ошириш ва мамлакатнинг икки қисмини тинч йўл билан бирлаштириш учун курашади.

ВДР ташқи сиёсатининг асосий йўналиши — социалистик мамлакатлар билан бўлган қардошлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

## ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ

Жанубий Вьетнам ёки «Вьетнам Республикаси» — Жанубий Вьетнамда «Вьетнам давлати»нинг собиқ бошлиғи кўғирчоқ император Бао-Дайнинг ағдарилиши натижасида 1955 йилда бунёдга келди.

Майдони 171 минг квадрат километр. Аҳолиси 12,5 миллион кишидан ортиқ. Маркази Сайгон шаҳри (аҳолиси 2 миллион киши).

*Хужалиги.* Жанубий Вьетнам иқтисодий жиҳатдан америка ва француз капиталига қарамдир. Экономикасининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бу ерда ўтказилган ер ислоҳоти ерга нисбатан феодал муносабатларни тугатолмади. Ҳайдаладиган ернинг 1 миллион гектаридан кўпроғи 6 минг помешчик қўлида, айна вақтда шунча ер 3 миллион меҳнаткаш деҳқонлар ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги жуда ночор аҳволда.

Жанубий Вьетнамнинг саноати асосан озиқ-овқат ва тўқимачилиқ саноат тармоқларидан иборат. Сайгон матбуотининг берган маълумотларига кўра, мавжуд 15 минг урчиқдан 10,5 мингтаси ишламайди. Шунинг учун ҳам тўқимачилиқ фабрикалари иш билан тўла таъминланмаган, майда ҳунармандчилик корхоналарининг 60 проценти бекилган.

Мамлакат экономикаси ва транспортининг ривожланиши стратегик мақсадларга бўйсундирилган. Сайгон ва бошқа портлар ҳарбий денгиз базалари сифатида фойдаланиш учун қайта мослаштирилмоқда.

Жанубий Вьетнамнинг ташқи савдоси мустамлака характерида бўлиб, Франция, АҚШ, Япония ва Ғарбий Германия билан савдо муносабатлари олиб боради. Бозорлари ўтмас америка моллари билан тўлдириб ташланган. Четга каучук ва гуруч чиқариб, четдан асосан саноат товарлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, у халқ томонидан 6 йил муддатга номигагина сайланади. Ҳукумат аъзолари президент томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи олий орган Миллий мажлиси аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланади.

*Сийёсий партиялари:* «Меҳнат ва инсонпарварлик» партияси. Бу партия Жанубий Вьетнамда мавжуд Нго-динь-Дьем бошчилигидаги реакцион тузумнинг таянчидир; «Озодликка эришиш ҳаракати» партияси — либерал группировкалардан иборат.

Америка империализмига суянган Нго-динь-Дьем ҳукумати прогрессив элементларни бўғиб ташлаш сиёсатини юргизмоқда ва яраш битимини кузатувчи ва контроль қилувчи Халқаро комиссия фаолиятига тўсқинлик қилмоқда. Женева битимини қўпол равишда бузиб, мамлакатга америка қуроляроғларини келтирмоқда ва ВДРга қарши душманлик сиёсати юргизмоқда.

Нго-динь-Дьемчи маъмурлар Жанубий Вьетнамни ҳарбийлаштириб, қуролли кучларни кўпайтирмоқда. Умуман олганда мавжуд тузумнинг агрессивлиги қуролли кучларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

## ГОНКОНГ

(Сянган)

Гонконг (ёки Сянган)— Хитой территорияси, унинг шарқий соҳилида жойлашган. У 1843 йилдан берли Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб келмоқда.

Майдони 1012 квадрат километр. Аҳолиси 2,5 миллион киши. Аҳолисининг 90 проценти хитойлардир. Маркази Виктория шаҳри (аҳолиси 1 миллионга яқин).

Гонконг ер юзаси тепалиқ бўлиб, деҳқончилик учун яроқли ерлар жуда кам. Гонконгнинг иқтисодий ҳаётида савдо ва хўжаликнинг савдо билан боғлиқ соҳалари муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори унчалик кўп эмас. Ҳаммаси бўлиб 12,4 минг гектар ергагина экин экилади, шу жумладан 8,7 минг гектарга шоли, қолган ерларга шакар қамиши ва сабзаёт экилади. Балиқ овлаш ва балиқни қайта ишлашнинг хўжаликдаги роли катта. Ишга яроқли аҳолининг асосий қисми савдо ва бошқа ишлар билан банд. Рикшалар, официантлар, малайлар, оёқ кийим тозаловчилар, ҳаммоллар ва хат ташувчилар шулар жумласидандир.

Саноатнинг ривожланган тармоғи кемасозлик ва кема ремонт қилишдир. Бундан ташқари тўқимачилик ва босмахона ускуналари, дизеллар ва кичик типдаги генераторлар ишлаб чиқарадиган бир неча корхоналар бор. Гонконг реэкспорт савдосининг йирик маркази ҳисобланади. Гонконгни Буюк Британия ҳукумати томонидан тайин этиладиган губернатор бошқаради.

Гонконг территориясида инглиз қонунчилиги мавжуддир.

**ИНДОНЕЗИЯ***(Индонезия Республикаси)*

Индонезия — Жануби-шарқий Осиёда, Малайя архипелагида жойлашган давлат. Унинг составига Катта Зонд ороллари (Ява, Суматра, Калимантanning катта қисми ва Сулавеси ороли), Кичик Зонд ороллари (Тимор оролининг бир қисмидан ташқариси) ва Молукка ороллари, шунингдек 3000 га яқин майда ороллар киради.

Майдони 1904,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 88 миллион киши. Аҳолининг деярли 65 проценти мамлакат территориясининг 8,8 процентинигина ташкил қилган Ява оролида жойлашгандир. Индонезияликлар қадим замонларда юксак



*Джакарта шаҳари кўчаларидан бири.*

маданият яратган малайя халқлари группасига қиради. Индонез тили расмий давлат тили ҳисобланади.

✓ Пойтахти Джакарта шаҳри (аҳолиси 1 миллион 993 минг киши).

*Табиий шароити.* Малайя архипелагига кирадиган ороллар майдонининг ярмидан кўпи тоғлар ва тепаликлардан иборат. Тоғларнинг пастки ён бағирлари ва уларга туташ текисликлар деҳқончилик учун энг қулай жойлардир. Доим кўм-кўк ўрмонларда қора дарахт, камфара дарахти ва кокос пальмаси каби қимматли дарахтлар ўсади. Ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хилдир. Дарёлари кичик, лекин серсув.

Индонезия экватор зонасида жойлашган. Унинг иқлими температуранинг бутун йил бўйи баланд (+24+27°) ва ёнғингарчилик кўп бўлиши билан фарқ қилади, ёмғирлар жала тарзида ёғади ҳамда момақалдиरोқ бўлиб туради.

*Қисқача тарихи.* Иккинчи жаҳон урушига қадар салкам икки юз йил давомида Малайя архипелагидаги оролларнинг деярли ҳаммаси Нидерландия (Голландия)нинг мустамлака ерлари эди. Осиёнинг бошқа мустамлака мамлакатларидаги халқлар сингари, Индонезия халқлари ҳам империализмга қарши, миллий мустақиллик ва чинакам озодлик учун курашди.

✓ Иккинчи жаҳон уруши даврида Индонезияни япон империалистлари босиб олдилар. Гитлерчилар Германияси ва империалистлар Япониясининг Совет Армияси томонидан тормор келтирилиши натижасида Индонезияда қудратли миллий-озодлик ҳаракати бошланиб, индонез халқи миллий мустақилликка эришди.

✓ 1945 йил 17 августда Индонезия республика деб эълон қилинди. Бунга жавобан Голландия империалистлари индонез халқига қарши уруш бошлади. Беш йил давом этган бу кураш голланд мустамлакачиларининг мағлубияти билан тугади.

1956 йилда Индонезия ҳукумати Голландиянинг қарзларини тан олмаслик ва уларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилди. 1958 йил 27 октябрда чиқарилган махсус қонун эса чет эл капиталининг мамлакат экономикасига бутунлай дахлсиз эканлигини қайд қилди.

*Ҳўжалиги.* Индонезия — аграр мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг етакчи тармоғи (ўрмончилик ва балиқ овлаш ҳам шу жумладандир) ҳисобланиб, бутун миллий даромаднинг салкам 60 проценти ва ишга яроқли аҳолининг 60 процентга яқини унинг ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида феодал муносабатларининг қолдиқлари ҳали кучли. Энг яхши ерлар маҳаллий помешчиклар



ва чет эл компаниялари қўлида бўлиб, 60 процент деҳқон ер-сиздир. Аксарият деҳқонлар ерни ижарага олиб ишлайди.

Сўнгги йилларда мамлакат ер ислоҳоти ўтказиш, камбағал деҳқонларни ер билан таъминлаш каби бир қанча тadbирлар амалга оширилмоқда. 1961 йилда қабул қилинган ер ҳақидаги ҳукумат қарорига мувофиқ, ҳар бир киши ёки оила 15 гектар суғориладиган ёки 20 гектар суғорилмайдиган ер олишга ҳақли.

Деҳқончилик қишлоқ хўжалигида асосий роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги даромадларининг 85 проценти деҳқончиликдан келади. Шоли Индонезиянинг асосий озиқ-овқат экинидир. Шунингдек озиқ-овқат экинларидан маккажўхори, ширин картошка, ерёнғоқ ва соя экилади. Ишланадиган ерларнинг кўпига четга чиқариладиган экинлар — шакар қамиши, чой, тамаки экилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг галлага бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Экспорт экинларидан — каучук етиштириш бўйича Индонезия дунёда биринчи ўринда (дунёда олинадиган каучук маҳсулотининг 40 процентини беради), кокос пальмасининг қуритилган мағзи—копра етиштириш бўйича Филиппиндан кейин иккинчи ўринда туради. Чой етиштиришда капиталистик мамлакатлар ўртасида Ҳиндистон, Цейлон ва Япониядан кейин тўртинчи ўринда туради. Ҳар хил зиравор ўсимликлар — ваниль, қалампирмунчоқ, мурч, долчин билан Индонезия қадимдан донг чиқариб келган.

Индонезияда озиқ-овқат проблемаси ҳали ҳам ҳал қилингани йўқ. 1958 йил августида ҳукумат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ўн йиллик планини маъқуллади. Бу планга мувофиқ, етиштириладиган шоли миқдори 1962 йилга бориб, 1 миллион тоннага кўпайиши керак.

1961—1966 йилларга мўлжалланган перспектив иқтисодий план Индонезияда, айниқса Шарқий Явада пахтачиликни ривожлантиришни назарда тутди.

Индонез халқи мамлакатдаги, шу жумладан Калимантан (Борнео) оролидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишлар қилмоқда. Бу борада унга Совет Иттифоқи ҳамкорлик қилмоқда. Совет мутахассислари қўриқ ерларни ўзлаштиришни осонлаштириш учун мамлакатда 662 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуришда ёрдам беради. Калимантан оролида Совет Иттифоқи ёрдами билан ҳар бири 10 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириши лозим бўлган иккита механизациялашган шоликор хўжаликлар вужудга келтирилади.

Индонезия саноати жуда суст ривожланган. Голландия империалистлари мамлакат саноатининг ривожланишига, ай-

ниқса оғир саноатнинг вужудга келишига тўсқинлик қилиб келган эдилар.

Ҳозирги вақтда мамлакат индустрлаш йўлига мустаҳкам ўтиб олди. Индонезия ҳукумати юргизаётган иқтисодий сиёсат оғир саноатнинг энг муҳим корхоналарини миллийлаштиришга қаратилгандир.

Саноат тармоқлари орасида тоғ-кон саноати айниқса ривожлангандир. Кон саноатида эса Суматра, Калимантан ва Ява оролларида нефть чиқариш энг катта аҳамиятга эга. Нефть корхоналари ва нефтни қайта ишлайдиган заводларнинг 95 проценти чет эл монополиялари қўлидадир. 1958 йилдан бошлаб ҳукумат мамлакатдаги чет эл нефть компанияларини национализация қилишга тайёргарлик кўра бошлади.

Саноатнинг янги тармоқларидан бири металлургия саноатидир. Бу саноат ҳозирча мамлакатда ягона бўлиб, йилига 6 минг тонна пўлат қуядиган кичкина пўлат қуувчи заводга эга. Яқин келгусида Ява оролининг ғарбида йилига 100 минг тонна пўлат қуядиган янги завод қурила бошлайди. Жанубий Суматра ва Калимантан оролларида ҳам шундай металлургия корхоналари қуриш мўлжалланган.

Марказий Ява оролида СССР ёрдами билан қуриладиган ўғит ишлаб чиқарувчи завод Индонезия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ёрдам беради. Олтингургурт ва фосфорид запаслари топилган бу оролда қуриладиган завод йилига 100 минг тонна суперфосфат ишлаб чиқариши лозим. Мамлакатда қанд заводлари, тамаки ва тўқимачилик фабрикалари ҳамда ҳунармандчилик корхоналари мавжуд.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йил декабрда қабул қилинган 8 йиллик план Индонезияда ер ислоҳоти ўтказишни, миллий экономикада давлат секторини мустаҳкамлаш ва мамлакатни индустрлашни кўзда тутди. Планди қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса шоли етиштиришни йирик шоликор давлат хўжаликлари ташкил этиш йўли билан кўпайтиришга алоҳида эътибор берилган.

*Давлат тузуми.* Индонезия — республикадир. Давлат бошлиғи президент бўлиб, айна вақтда ҳукумат бошлиғи ва қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ҳамдир.

Республика барпо этилган вақтдан буён Аҳмад Сукарно унинг президенти бўлиб келмоқда. 1959 йил 9 июлдан бошлаб Аҳмад Сукарно янги тузилган ҳукумат бошлиғи ҳамдир. Янги ҳукумат программаси аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан таъминлашни, давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашни ва сиёсий ҳамда иқтисодий соҳаларда империализмга қарши курашни кўзда тутди.



*Хунармандчилик корхонасида (Ява ороли) батика тўқиш.*

Қонун чиқарувчи олий орган халқ маслаҳатчилари конгресси ихтиёридадир. Конгресс составига парламент аъзолари, баъзи маъмурий районларнинг вакиллари ва қуролли кучлар вакили киради.

Министрлар Совети ижро этувчи олий орган бўлиб, парламент олдида жавобгардир.

*Сиёсий партиялари.* Индонезия Миллий партияси — 1927 йилда ташкил этилган, миллий буржуазия манфаатларини ифода этади. Уз фаолиятида миллий мустақиллик ва мамлакатни демократик асосларда ривожлантириш сиёсатини юргизади; «Нахдатул уламо» (Мусулмон рухонийлар союзи) партияси — 1924 йилда тузилган. Бу партия мусулмон зиёлиларини ўзида бирлаштириб, унга империалистлар билан алоқадор бўлган реакцион арбоблар раҳбарлик қилади; Индонезия Коммунистик партияси — 1920 йилда ташкил этилган. Партия сафида бир ярим миллиондан кўпроқ аъзо бор. Компартия бир қанча йирик касаба союз ташкилотлари ва ёшлар ташкилотлари устидан раҳбарлик қилади.

Индонезия ўзининг ташқи сиёсатида бетарафлик ва ҳамма мамлакатлар билан дўстона ҳамкорлик қилиш принципларига қаттиқ амал қилмоқда. Н. С. Хрущев ва президент Сукарнонинг ўзаро визитлари СССР билан Индонезия ўртасида ҳамкорликка кенг йўл очиб берди.

## ИОРДАНИЯ

(Иордания Хошимит Қироллиги)

Иордания — Яқин Шарқда жойлашган давлат, Сурия, Эрон, Саудия Арабистони ва Исроил мамлакатлари билан чегарадошдир.

Майдони 96,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 1,6 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини араблар ташкил қилади. Давлат тили — араб тилидир.

Пойтахти Аммон шаҳри (аҳолиси 170 минг киши).

*Табий шароити.* Иорданиянинг ер юзаси асосан саҳроли ясси тоғликлардан иборат. Мамлакатда ўсимлик кам бўлиб, кўпроқ чала саҳро ўсимликлари ўсади. Тоғ ораллигидаги водийларда зайтунзорлар бор.

Иордания субтропик иқлимга эга.

*Қисқача тарихи.* Иордания кўп асрлар давомида, 1918 йилгача турк феодалларига тобе бўлиб келди. Мамлакатнинг Туркия асоратидан озод бўлиши иордан халқига эркинлик келтирмади. Биринчи жаҳон уруши даврида инглиз империалистлари Иордания территориясини босиб олдилар ва у ерда амирлик (князлик)ни вужудга келтирдилар. Бу амирлик 1922 йилда Миллатлар Иттифоқининг қарорига биноан Буюк Британиянинг мандатлигига топширилди. 1928 йилда Қуддус шаҳрида Англия билан Иордания амирлиги ўртасида тузилган шартномага кўра, Иорданиянинг ташқи сиёсати, молияси ва қуролли кучлари Буюк Британия контроллиги остига ўтди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инглиз мустамлакачилари Иорданияда ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Лекин иордан халқи мустамлакачилик режимига қарши миллий мустақиллик учун тинмай курашди. 1957 йил март ойида Англия-Иордания шартномаси бекор қилинди ва инглиз қўшинлари мамлакатдан чиқариб юборилди. Лекин, 1957 йил апрелда Иорданияда давлат тўнтариши юз берди. Бу тўнтариш АҚШ томонидан ташкил этилган бўлиб, расман қирол Хусайн I томонидан амалга оширилди. Тез орада мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилиниб энг элементар граждaн ҳуқуқлари тугатилди. Сиёсий партиялар, шу жумладан Коммунистик партия ва касаба союзлари қонундан ташқари деб эълон қилинди. Иорданияда феодал монархия ҳукмдорларининг реакцияон диктатураси ўрнатилди.

*Ҳўжалиги.* Иордания — феодал муносабатлари ҳукмронлик қилган қолоқ, аграр мамлакатдир.

Мамлакатда экиладиган ерлар 500 минг гектарни ташкил қилиб, шундан 23—28 минг гектаригина суғориладиган ерлардир. Воҳаларда ва мамлакатнинг ғарбий қисмида деҳқончилик ривожланган. Экин экиладиган ерларининг катта қисми йириқ помешчиклар қўлидадир. Яйловлар ва сув манбалари ҳам ўшаларнинг мулки ҳисобланади. Асосий деҳқон оммаси ерни помешчиклардан ижарага олади. Экиш, ҳосилни йиғиб олиш ва бошқа қишлоқ хўжалик ишлари қўл кучи билан бажарилади. Омоҳ ва ўроқ асосий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш қуроллари ҳисобланади. Асосий экини буғдой, арпа, маккажўхорн ва тамаки.

Мамлакат саноати кам ривожланиб, тўқимачилик фабрикаси, вино заводлари, 3 та тамаки фабрикаси, цемент ва бир қанча совун ишлаб чиқарувчи заводлар, ёғоч ишлаш, металл ишлаш ва ремонт қилиш корхоналари мавжуд. Бундан ташқари, садафдан ва зайтун дарахтидан буюмлар ишлаб чиқарадиган ҳунармандчилик корхоналари ҳам бор.

Чет эллардан газлама, гуруч, қанд, нефть маҳсулотлари, металл буюмлари ва автомобиллар келтириб, четга қўй, эчки ва қорамоллар, чорвачилик маҳсулотлари, мевалар ва фосфат чиқаради.

*Давлат тузуми.* Иордания — конституцион монархиядир. Давлат бошлиғи — қирол. Парламент қонун чиқарувчи олий орган бўлиб, Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборатдир. Бош министр ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.

Иорданиянинг ташқи сиёсати империализмга бутунлай қарам ҳолдадир. Мамлакатда Иордания қуроли кучларини ўз контроллигида сақлаб турган инглиз ҳарбий миссияси ишлаб туради.

## ИРОҚ

(Ироқ Республикаси)

Ироқ — Жануби-ғарбий Осиёда жойлашган давлат, Туркия, Эрон, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони ва Қувайт билан чегарадошдир.

Майдони 444,4 миң квадрат километр. Аҳолиси 6,5 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилик қисми араблар ва курдлардан иборат.

Пойтахти Бағдод шаҳри (аҳолиси 720 миң киши).

*Табиий шароити.* Ироқ территориясининг кўп қисмини Месопотамия паст текислиги ишғол қилади.

Ироқ — саҳролар ҳамда воҳалар ўлкаси, хурмо ва нефть мамлакатидир. Дажла ва Фрот каби катта дарёлари бор. Иқлими иссиқ ва қуруқ.

*Қисқача тарихи.* Ироқ — Жануби-ғарбий Осиёдаги ан қадимги мамлакатлардан биридир. Сўнгги тўрт аср давомида Ироқ Туркиянинг зулми остида эзилиб келди. XIX асрнинг охирига келиб, унглиз империализмига тобе бўлиб қолди. Ироқ халқи империализм зулмига қарши, миллий мустақиллик учун курашди. Натижада, 1958 йилнинг июль ойида инглизларнинг қўғирчоқ монархия режими афғариб ташланди ва мамлакатда республика эълон қилинди. Узоқ йиллар давом этиб келган инглиз мустамлакачилик режимининг барбод этилиши билан бирга, Ироқ экономикасига америка монополияларининг сурбетларча суқилиб киришига ҳам хотима берилди.

Ироқ республикаси эълон қилинган кундан бошлаб, ироқ халқи мамлакатда ички реакцияга қарши, эски тартибларни қайта тиклаш йўлидаги уринишларига қарши, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва мамлакат экономикаси ҳамда маданий даражасини кўтариш йўлида астойдил курашмоқда.

Революциядан сўнг, Ироқ агрессив Бағдод пакти ишларида қатнашмади, аксинча 1959 йил 24 мартда расман ундан ажралиб чиқди. Англия ва Америка билан тузилган тенг ҳуқуққа эга бўлмаган шартномаларни бекор қилди. 1959 йил май ойида энг охириги инглиз ҳарбий хизматчиси мамлакат территориясидан чиқиб кетди.

Империалистик мамлакатларнинг Ироқ ҳукуматига қарши ҳийла-найранг ва фитналарига қарши ўлароқ, республика ҳукумати бутун дунё мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш сиёсатини амалга оширмоқда. 1959 йил давомида Ироқ билан ХХР, ГДР ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари ўртасида савдо, маданий алоқалар ва техника

ҳамкорлиги масалалари бўйича турли шартномалар тузилди. Совет Иттифоқи билан имзоланган шартномага биноан, СССР Ироққа мамлакат хўжалигини ривожлантириш мақсадлари учун 550 миллион сўм қарз берди. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги илмий-техника ва маданий муносабатлар ривожланмоқда.

*Хўжалиги.* Ироқ — катта нефть кони, кўп унумдор ер ва сув манбаларига эга бўлишига қарамай, қолоқ, аграр мамлакатдир. Чунки, унинг экономикаси бир неча асрлар давомида чет эл монополияларига қарам бўлиб келди. Мамлакат экономикасининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, унда аҳолининг 80 проценти банддир. Саноат асосан нефть чиқариш ҳамда уни қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Бу ишлар инглиз-француз-америка-голланд қўшма нефть компаниялари ихтиёридадир. Мазкур компаниялар ҳозиргача ироқ халқининг миллий бойлиги — нефтдан жуда катта даромад олмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида техника деярли ишлатилмайди. Ал-машлаб экиш ва ерни кимёвий ўғитлаш усуллари қўлланилмайди.

Асосан буғдой, шоли, тариқ, маккажўхори ва ясмиқ экилади.



*Ироқ балиқчилари.*

Чет элларга арпа, хурмо, жун, буғдой, пахта ва қоракўл терилари чиқариб, четдан машина ва ускуналар, автомашиналар, трактор ва унинг запас қисмлари, қанд ва тўқимачилик буюмлари келтиради.

*Давлат тузуми.* 1958 йил 26 июлда қабул қилинган вақтли конституцияга мувофиқ Ироқ республикадир. Давлат тепасида раис ва иккита аъзодан иборат Олий давлат кенгаши туради. Қонун чиқарувчи ҳокимияти ана шу кенгаш ҳамда Министрлар Совети ихтиёридадир. Министрлар Совети айни вақтда ижроия органи ҳамдир.

Ироқ Коммунистик партияси 1934 йилда тузилган.

Ироқ республикасининг ташқи сиёсати нейтралитет принципларга асослангандир.

## ИСРОИЛ

Исроил — Яқин Шарқда, Урта денгизнинг шарқий соҳилида, Бирлашган Араб Республикаси билан Иордания ўртасида жойлашган кичик давлат.

Майдони (қонунийси) 14 минг квадрат километр. Қўшнларининг ерини босиб олгандан кейингиси 20,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион киши бўлиб, асосан, яҳудийлар ва қисман араблардан иборат. Давлат тили иврит (қадимги яҳудий) тилидир. Йирик шаҳарлардан бири — Тель-Авив.

Пойтахти Қуддус шаҳри (аҳолиси 360 минг киши).

*Табиий шароити.* Урта денгиз бўйлари паст текислик бўлиб, деҳқончиликка қулайдир. Табиий ўрмон жуда кам, ўрмон тоғ этакларидагина қолган.

*Қисқача тарихи.* Исроил давлати 1947 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига асосан Фаластин территориясида барпо этилди.

Исроил давлати биринчи кунларданоқ қўшни араб давлатларига қарши босқинчилик сиёсатини юргиза бошлади. 1948—1949 йилларда Исроил араб мамлакатларининг бир қанча районларини босиб олди. 1956 йили Мисрга қарши қуролли ҳужум қилди.

Исроил АҚШ ва Англия империалистларига шерик бўлиб, реакция ва агрессия сиёсат юргизмоқда. Араб мамлакатларини мустамлака қилиш ниятида.

*Ҳўжалиги.* Қишлоқ хўжалигида асосан цитрус боғлари (лимон, апельсин, мандарин кабилар) ва сабзавотчилик ривожланган. Шунингдек, тамаки ва зайтун экилади. Буғдой жуда кам экилади. Чорвачиликда сут етиштириш ва паррандачилик ривожланган.

Мамлакатда йирик капиталистик қишлоқ хўжалиги ҳукмрон. Ерларнинг кўпчилиги қисми йирик трестларга қарайди



(яхудий, инглиз, америкалик бойлар трести). Трестлар ерни капиталистик қишлоқ хўжалиги кооперативларига (кооперативлар — кўчиб келган яҳудийларнинг меҳнат колониялари) ва айрим деҳқонларга ижарага беради. Кўпчилик кооперативларнинг ери 100 гектардан 1000 гектаргачадир.

Мамлакат саноати анча ривожланган. Асосий тармоклари озиқ-овқат, тўқимачилик, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш, ўғит ва кимё саноатидир.

Хўжалиги инглиз ва америка монополияларига бутунлай қарам. Чет элларга цитрус мевалар, газлама, автомашиналар, дори-дармон, сунъий тиш ва электр холодильниклар чиқаради, чет эллардан эса озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё ва саноат моллари келтиради.

*Давлат тузуми.* Исроил буржуа республикаси бўлиб, президент давлат бошлиғидир. Бир палатали парламент тўрт йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимияти бош министр қўлида.



*Тель-Авив шаҳарининг кўриниши.*

*Сиёсий партиялар.* Унг социалистик миллат партияси («Мапай») — 1930 йилда тузилган. 1948 йилдан бери ҳукмрон партия. Бу партия арабларга қарши америкача сиёсат тутади. Херут партияси — 1948 йилда тузилган, ўтакетган шовинистик, реакцион ва агрессив партия. АҚШга таянгани ҳолда қўшни араб ерларини Исроилга зўрлик билан қўшиб олиш тарафдори. Коммунистик партия — 1948 йилда тузилган. Фаластиндаги яҳудий ва араб коммунистларини бирлаштиради.

Исроил ҳукуматининг ҳукмрон доиралари америка империализмининг Яқин Шарқдаги фитналари билан чамбарчас босқанган реакцион ички ва ташқи сиёсат юргизмоқда. Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб мамлакатларининг тинчлигини ҳамда территориал суверенитетини бузишга уринмоқда. Мамлакатдаги прогрессив кучлар эса Исроил ҳукуматининг империалистик сиёсатига қарши кураш олиб бормоқдалар.

## КАМБОДЖА

Камбоджа (Кхмер) — Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган давлат. У Таиланд ва Жанубий Вьетнам билан чегарадош. Унинг жануби-ғарбий чеккалари Сиём қўлтиғи билан ўралган.

Майдони 181 минг квадрат километр. Аҳолиси салкам 5 миллион киши бўлиб, уларнинг кўпчилигини кхмерлар ташкил қилади. Кхмерларнинг тили мон-кхмер тил группасига мансубдир.

Мамлакатда 70 минг будда монахлари — «бонза»лар бор. Шунинг учун ҳам ҳар 20 эркакнинг бири монахдир.

Пойтахти Пном-Пень шаҳри (аҳолиси 500 минг киши).

*Табий шароити.* Камбоджа — «Камбоджа Нили» деб аталувчи Меконг дарё ҳавзасидаги жуда серҳосил водийда ва кенг паст текисликларда жойлашган давлатдир. Меконг водийси жануби-ғарб томондан, шунингдек шимол ва ғарб томонлардан Кардамон ва Дангрек тоғлари билан ўралган. Иқлими иссиқ ва сернам. Апрель ойининг ўртача температураси +29°, декабрники эса +24°. Усимликлар олами хилма-хилдир. Тоғ бағирлари қимматбаҳо дарахтларга бой бўлиб, тропик ўрмонлар билан қоплангандир. Ўрмонлар мамлакат терпирьясининг салкам учдан бир қисмини ишғол қилади.

Мамлакатнинг ер ости бойликлари ҳали етарли текширилмаган. Қадим замонлардаёқ мамлакатнинг шимолида темир рудаси ва шунингдек олтин, мис ва қалайи конлари бор.

лиги маълум бўлган. Айниқса ўзининг қимматбаҳо тошлари билан машҳур бўлиб, балиқ запасларига ҳам жуда бой мамлакатдир.

*Қисқача тарихи.* Кхмер ёки Камбоджа мамлакати биринчи марта қадимий Хитой солномаларида тилга олинади. Эрамининг биринчи асрларида хитойлар фунан деб юритган кхмерлар мамлакатида феодал муносабатлари ташкил топа бошлади.

IX—XIII асрларда Кхмер давлати Ҳиндихитой ярим оролида энг қудратли давлатлардан бирига айланди. Бироқ XIV асрдан бошлаб бу давлат инқирозга юз тута бошлади. XVI асрга келиб, кхмер ҳукмдорлари Сиём қиrollарига вассал, қарамлик ҳолатига тушиб қолди. XVII—XVIII асрлар мобайнида кхмерга католик миссионерлари зўр бериб суқилиб кира бошладилар.



*Пном-Пень шаҳари. Парламент биноси.*

XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция Ҳиндихитойни ўзининг мустамлакасига айлантира бошлади. Француз босқинчилари Вьетнамнинг жанубида жойлашиб олиб, 1863 йилда Кхмерга «протекторат тўғрисида шартнома»ни зўрлаб қабул қилдирдилар. Ана шундан бошлаб Кхмер — Камбоджа деб атала бошлади. 1864 йилда мазкур шартнома француз бош резидентининг мамлакатда тўла ҳуқуқли хўжайин бўлишини кўзда тутган янги шартнома билан алмаштирилди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Камбоджани япон империалистлари босиб олди. 1945 йил сентябрь ойида француз империалистлари Камбоджани қайта оккупация қила бошладилар. Французлар мамлакатдаги ўз мустамлака режимларини қайта тиклаб, 1947 йилда Камбоджа Франция протекторати остида конституцион монархия деб эълон қилинди. Лекин амалда эса Камбоджа Франциянинг мустамлакаси бўлиб қола берди.

Камбоджа халқи мустамлакачилик зулмига қарши, миллий мустақиллик учун тинмай курашди ва бу кураш 1949 йил-

да Камбоджа халқига озодлик келтирди. 1955 йилда эса Камбоджа француз иттифоқидан бутунлай ажралиб чиқди ва мустақил тараққиёт йўлига тушиб олди.

*Хўжалиги.* Камбоджа — саноати кам тараққий қилган аграр мамлакатдир. Француз мустамлакачиларининг ҳукмронлиги вақтида бу мамлакат метрополияга хом ашё етказиб бериш, шунингдек арзон гуруч ва каучук маҳсулотлари тайёрлаб бериш ролини бажариб келган. Мустақил тараққиёт йўлига ўтган ҳозирги Камбоджада миллий буржуазиянинг шаклланишига ва экономикада давлат секторини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хўжалик план асосида олиб борилмоқда.

«Народом Сианук плани» деб аталган янги беш йиллик план (1960—1965) асосан миллий жамғармалардан фойдаланишни кўзда tutади. Бу беш йиллик план хўжаликка 15 миллиард реал миқдорида капитал сарфлашни назарда тутиб, унинг асосий қисми саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилади. Қолган қисми эса транспорт тармоқларини кенгайтириш, ўқув юртлари ва касалхоналарни қуришга ҳамда бошқа мақсадларга сарфланади.

Камбоджа қишлоқ хўжалиги майда ва ўрта деҳқон хўжалиklarининг устун туриши билан характерланади. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 70 проценти банддир. Судхўрлар Камбоджа қишлоғида эксплуатация қилувчи асосий фигура ҳисобланади. Ўтган асрнинг охирида мамлакатда деҳқонларнинг учдан бир қисми қарздор қул ҳолида бўлган. Мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг ҳукумат судхўрликка қарши кураш бошлади. Жумладан, мамлакатда 13 кредит кооперативлари тузилиб, матлубот ва ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилмоқда. Расмий маълумотларга кўра бу кооперативлар ҳозир 300 000 га яқин деҳқонларни бирлаштиради.

Шоли — асосий қишлоқ хўжалик экинни бўлиб, унинг майдони 1,2 миллион гектарни ташкил этади (мамлакатдаги умумий экин майдони 1,6 миллион гектарга тенг). Табиий каучук ишлаб чиқариш мамлакат экономикасида алоҳида ўрин тутди. Каучукзорларнинг умумий майдони 35 минг гектарни ташкил қилади. Маккажўхори Камбоджа экспортда гуруч ва каучукдан сўнг учинчи ўринда туради. Шунингдек, лўвия, соя, тамаки, арахис ва қалампир ҳам экилади.

Ирригация иншоотларининг етарли бўлмаслиги туфайли мамлакатда қишлоқ хўжалигининг даражаси ниҳоятда пастдир. 1958 йилда шахзода Народом Сианук ташаббуси билан «сув сиёсати» деб аталган тadbир амалга оширилиб суғориладиган ерлар кенгайтирилмоқда.

Чорвачилик мамлакат экономикасида муҳим роль ўйнайди. Балиқ овлаш ва ўрмон хўжалиги ҳам ривожланган. Балиқ бу ерда гуручдан сўнг халқ истеъмол қиладиган муҳим озиқ маҳсулоти ва экспорт қилинадиган товар ҳисобланади.

Камбоджанинг саноати жуда заиф аҳволда бўлиб, у асосан майда ҳунармандчилик корхоналаридан иборат.

Чет элларга гуруч ва гуруч маҳсулотлари, каучук, макка-жўхори, тирик қорамоллар, балиқ ҳамда ёғоч материаллари чиқариб, четдан кимё маҳсулотлари, дори-дармонлар, саноат ускуналари келтиради.

*Давлат тузуми.* Камбоджа — конституцион монархия давлатидир. Давлат бошлиғи — шаҳзода Народом Сианукдир. Давлат ҳокимиятининг олий органи — парламент, Миллий мажлис ва Подшоли кенгашдан иборат. Ижроия ҳокимияти бош министр раҳбарлигидаги ҳукумат ихтиёридадир.

*Сийсий партиялари.* Камбоджада бир қанча партиялар ва ҳар турли оммавий ташкилотлар мавжуд бўлиб, улардан шаҳзода Народом Сианук томонидан 1955 йилда тузилган «Санкум партияси» (Халқ социалистик ҳамкорлиги) — етакчи роль ўйнайди. 1955 йилда парламентга ўтказилган умумий сайловлар натижасида бу партия Миллий мажлисда кўпчилик ўринни эгаллади ва ҳозир ҳам мамлакатда ҳукмрон партиядир.

Камбоджа СССР, ХХР ва бошқа мамлакатлар билан дўстона қўшничилик муносабатлари олиб боради. 1960 йилнинг октябрь ойида Камбоджа давлатининг бошлиғи шаҳзода Народом Сианук дўстлик визити билан СССРда бўлди.

Камбоджа ҳукумати томонидан олиб борилаётган бетарафлик ва ўзаро тинч-тотув яшаш сиёсати АҚШ империалистик доираларининг чуқур норозилигини қўзғатмоқда. Улар Камбоджани ўзларига қарам бўлган мамлакатлар ёрдамида нейтраллик позициясидан тойдириб, СЕАТО агрессив иттифоқига қўшиб олишга уринмоқдалар.

## КАТАР

Катар — Арабистон ярим оролида, Форс қўлтиғи соҳилида жойлашган князлик бўлиб, Буюк Британия протекторатидир. У Шартномали Уммон билан чегарадош. Шимол ва шарқ томонлари Форс қўлтиғи, ғарбий томони эса Баҳрайн қўлтиғи билан ўралган.

Майдони 22 минг квадрат километр. Аҳолиси 35 минг киши. Аҳолининг асосий қисмини араблар ташкил қилади. Пойтахти Доха (Бида) шаҳри (аҳолиси 20 минг киши).

Катар, асосан текис рельефга эга, чала саҳроликдан иборат мамлакатдир. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши эса илиқ, ёгингарчилик кам бўлади, чала саҳро ўсимликлари ўсади.

Катар биринчи марта қадимги Рим ёзувчиси ва олими Плиний Старший асарларида тилга олинган.

У VII асрга қадар Бахрайн қўлтиғи районида ҳукмрон бўлиб келди. VII асрдан бошлаб унинг территорияси Араб халифатининг бир қисмига айланди, кейинчалик карматлар давлати барпо бўлгач (X—XI асрлар) унинг составига кирди.

XVIII асрда Катар Уммон султони томонидан босиб олинди. XIX асрдан бошлаб, бу кичик мамлакат Англия билан Туркия ўртасида бошланган кураш майдонига айланди. Туркия мамлакатни босиб олиб, 1871 йилдан то 1914 йилгача Доха шаҳрида ўз гарнизонини сақлаб келди. 1916 йилга келиб, Катарни Англия забт этди ва уни ўзининг протекторати деб эълон қилди.

Мамлакатнинг асосий бойлиги—нефть бўлиб, америка-инглиз мустамлакачилари қўлидадир. АҚШ билан Катар ўртасида 1956 йилда тузилган битим Америка Қўшма Штатларига Катарда ҳарбий-денгиз базаси қуриш ва бу базадан 99 йил давомида фойдаланиш ҳуқуқини берди.

Катар — аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг асосини ташкил қилиб, унда феодал муносабатлари ва уруғдошлик жамиятининг сарқитлари ҳукмронлик қилади. (Бу ерда қулчилик фақат 1952 йилдагина расмий равишда таъқиқланди). Мамлакатда тарих, маккажўхори, сорго экилиб, хурмо ва какао дарахтлари ўстирилади. Соҳил бўйи районларида яшовчилар балиқ овлаш ва марварид қидириш билан шуғулланади. Чорвачилик сустривожланган.

Аҳолининг кўпчилик қисми саводсиз.

Мамлакат нефть конларига бой (унинг аниқланган запаслари 229 миллион тоннани ташкил қилади). Нефть қазииш ишларини Англия, Америка, Франция қўшма компанияси амалга оширади. Қазиб олинган нефть ишланмаган ҳолда четга чиқарилади.

Катарда темир йўллар йўқ. Аҳоли яшайдиган пунктларни бир-бирлари билан автомобиль ва карвон йўллари боғлайди.

Катар — шайх бошчилигидаги князликдир. Шайх мамлакатда расман ҳукмрон бўлиб, ҳақиқий ҳокимият инглиз маслаҳатчиси — сиёсий резидент қўлидадир.

**КИПР***(Кипр Республикаси)*

Кипр — Урта денгизнинг шарқий қисмидаги Кипр оролида жойлашган давлат.

Майдони 9,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 549 минг киши. Мамлакат аҳолисининг 80 процентини греклар ва 18 процентини турклар ташкил қилади.

Пойтахти Никосия шаҳри (аҳолиси 82 минг киши).

Оролнинг катта қисмини тоғлар ишғол қилган. Шимол ва жанубдаги тоғ тизмалари оралигида Мессория текислиги ётади. Дарёлари қишки ёғингарчилик вақтида оқиб, ёзда қуриб қолади. Кипр жуда хушманзара орол. Унинг текис жойлари ва тоғ ён бағирларида доимий кўм-кўк маквис ва фриган бутазорлари ўсади. Территориясининг бешдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган.

Мамлакат субтропик Урта денгиз иқлимига эга бўлиб, қиши сернам, ёзи қуруқ.


XIX асрнинг охирида Кипр Буюк Британиянинг таъсир доирасига ўтди. 1925 йилга келиб у Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Кипр Англиянинг ҳарбий базасига айлантирилди.

Кипр халқи инглиз мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил курашиб келди. Бу кураш урушдан кейинги вақтларда янада кескинлашди, натижада Буюк Британия Кипрда республика статуси беришга мажбур бўлди. 1960 йил 16 августда Кипр республика деб эълон қилинди. Лекин, Буюк Британия 1959 йилги шартномага асосан Кипрда ҳарбий базалар сақлаш ва бу базалардан хоҳлаганча фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди. Бу ҳол республика мустақиллигини маълум даражада чеклайди ва мамлакатнинг экономикаси учун жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Кипр — аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг асосини ташкил этади. Тоғ-кон саноати ривожланган. Четга тоғ-кон саноатининг маҳсулотларини, шунингдек вино ва мевалар чиқаради. Четдан озиқ-овқат маҳсулотлари, бугдой, турли механизмлар, ускуналар, нефть маҳсулотлари, сунъий ўғит ва ҳарбий материаллар келтиради.

Кипр меҳнаткашларининг прогрессив партияси 1941 йилда тузилган, 1945 йилдан эътиборан яширин иш олиб боради.

Кипр — парламентли республика бўлиб, давлат бошлиғи — президентдир. Республика парламенти вакиллар палатаси ҳамда икки коммунал палатадан иборат.



КХДР. Пхеньян шаҳри

## КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Корея — Шарқий Осиёда, Тинч океан бўйида, Корея ярим оролига жойлашган мамлакат. У Хитой ва СССР билан чегарадош бўлиб, Япониядан катта бўғоз билан ажралиб туради.

Ярим оролнинг жануб ва ғарб томонида майда ороллари кўп (3 мингдан ортиқ).

Майдони 220,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 31 миллиондан ортиқ. Аҳолисининг 98 проценти корейслардир.

*Табийий шароити.* Ярим оролнинг шимолий қисмида ўртача баландликдаги тоғлар бўлиб, шарқий томонида Шарқий Корея тоғлари чўзилган. Ханган ва Тэдонган дарёлари водийси паст текисликдир.

Мамлакат жанубида илиқ денгиз ва шимолда континентал иқлим мавжуд. Мамлакат территориясининг ярмидан кўпи ўрмонлар билан қопланган.

Корея территорияси ғалла экинлари (хусусан шоли), соя, пахта экиш учун қулайдир.





нинг марказий қисми.

*Қисқача тарихи.* Корея 1910 йилдан 1945 йилгача Япония мустамлакаси эди. Иккинчи жаҳон урушида Япония енгилиб, Корея озод қилинди. Япон қўшинлари ва полициясини қуролсизлантириш мақсадида Шимолий Кореяга Совет Армияси, Жанубий Кореяга Америка қўшинлари киритилди. Совет Армияси қўшинлари 1948 йилда Шимолий Кореядан олиб чиқиб кетилди. Лекин, Жанубий Кореядаги АҚШ қўшинлари ҳалигача олиб чиқиб кетилгани йўқ.

Озод этилган Кореяда халқ ҳаракати Корея Халқ Демократик Республикасини вужудга келтирди. Айни вақтда, Жанубий Кореяда оккупацион тартиб ўрнатилиб, буржуа-помешчик ҳукумати тузилди. Натижада Кореяда иккита давлат — Шимолий Кореяда Халқ Демократик Республикаси, Жанубий Кореяда эса реакцион «Корея республикаси» пайдо бўлди. Уларнинг чегараси 38-параллель чизигидан ўтказилди.

Америка империалистлари томонидан қўллаб-қувватланган Жанубий Корея ҳукумати 1950 йилда Корея Халқ Демократик Республикасига қарши уруш бошлади. Корея халқи бу қуролли интервенцияга қарши қаҳрамонларча курашди. 1953

йилда урушувчи томонлар ўртасида яраш битими имзоланди. Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати Жанубий Корея билан бирлашиш ва ягона, яхлит, мустақил Корея давлатини тузиш учун ҳаракат қилмоқда. Аммо АҚШ империалистлари бунга тўсқинлик қилиб турибдилар.

*Хўжалиги.* Корея—аграр-индустриал мамлакатдир. Аҳолининг 75 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Мамлакатда дон экинлари (шоли, жўхори, соя, арпа), доривор женьшень ва пахта экилади. Урмончилик ва балиқчилик катта аҳамиятга эга.

Фойдали қазилмалари кўп (олтин, кумуш, вольфрам, молибден, графит, антрацит, темир рудалари ва бошқалар). Шулар асосида тоғ-кон саноати барпо этилган.

Корея халқ демократик республикасининг майдони 127,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 10 миллион киши.

Пойтахти Пхеньян шаҳари (аҳолиси 1 миллион киши).

КХДРда япон мустамлакачилигининг оқибатлари тамомилан тугатилди. Хўжалик тикланди, мамлакатда ер ислоҳоти ўтказилди.



*Халқ Кореясининг қишлоқларига янги ва тўқ турмуш келди.*

Социалистик хўжалик план асосида юритилиб, саноатни, жумладан, оғир саноатни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Саноат буюмларини ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Давлат машина-прокат ва от-прокат станциялари деҳқонларга катта ёрдам бермоқда. Деҳқонларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик кооперативларига бирлашган.

Ўқув ёшидаги барча болалар бепул ўқитилмоқда. Болалар уйлари ва дам олиш муассасалари ишлаб турипти. Пхеньянда университет, педагогика институти, бошқа шаҳарларда эса политехника ва қишлоқ хўжалиги институтлари бор. Социалистик мамлакатларнинг олий ўқув юртларида ҳам кўпгина корейс студентлари таълим олмоқда. Мамлакатда медицина хизмати барча меҳнаткашлар учун бепул.

*Давлат тузуми.* КХДР — социалистик типдаги халқ демократик давлат бўлиб, унинг олий органи — Олий Халқ мажлисидир. Министрлар кабинетининг раиси Қим Ир Сен.

*Сийсий партиялари.* Корей Меҳнат партияси — 1945 йилда тузилиб, дастлаб компартия деб, 1946 йилдан буён Меҳнат партияси деб атала бошланди.

КХДРнинг Совет Иттифоқи билан дипломатик, савдо-сотиқ ва маданий алоқалари яхши йўлга қўйилган.

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Жанубий Корей ёки «Корей Республикаси» — майдони 93,6 минг квадрат километр, аҳолиси 21 миллион 900 минг киши.

Пойтахти Сеул шаҳри (аҳолиси 1 миллион 966 минг киши).

Жанубий Корей хўжалигини Американинг йирик монополиялари контроль қилиб туради. Саноат тармоқларидан тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати муҳим аҳамиятга эга. Америка монополиялари Жанубий Корей саноатининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқдалар ва мамлакатни америка моллари билан тўлдирмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси жуда паст. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик машиналари ва ўғитдан етарли фойдаланмайдилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалнигидан олинadиган ҳосил кам. Бунинг устига деҳқонлар кўплаб солиқ тўлашга мажбурдирлар.

Давлат ва ҳукуматга президент бошчилик қилиб, у тўрт йил муддатга сайланади. Миллий Кенгаш — Олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади.

Америка империализмига тўла қарам бўлган Жанубий Корей ҳукумати Корей Халқ Демократик Республикасининг

мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш тўғрисидаги таклифларини рад қилиб келмоқда. Мамлакатда Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари кўпаймоқда. Халқнинг ҳаётий ва сиёсий ҳуқуқлари кундан-кунга поймол қилинаётган бу мамлакатда америкаликлар хўжайинлик қилмоқда.

Шафқатсиз қувғин ва ҳар хил оғир жазолар Жанубий Корея меҳнаткашларининг қаддини бука олмади, улар ўзларининг ҳуқуқлари учун, милитаризмга қарши тинмай курашмоқдалар.

*Сиёсий партиялари.* Либераллар партияси — 1951 йилда тузилган, помешчиклар, йирик буржуазия ва олий мансабдор амалдорларнинг Америка таъсиридаги реакцион партияси, Ли Син Ман ҳукуматининг ағдарилганига қадар (1960 йил, апрель) Жанубий Кореянинг сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнаган, ҳукмрон партия ҳисобланган. Миллий социал-демократик партия — 1955 йилда тузилган, ишчи ва деҳқонларнинг қолоқ қисми, шунингдек шаҳар майда буржуазиясидан ташкил топган.

Мамлакатда прогрессив партиялар ва оммавий ташкилотларнинг фаолияти тақиқланган.

1961 йил 16 майда Жанубий Кореядаги ультрареакцион кучлар давлат тўнтариши ясадилар. Чан Мен ҳукумати ағдарилиб, генерал лейтенант Чан До Ен бошчилигида ҳарбий «революцион» комитет тузилди.

Комитетнинг дастлабки декларациясида Чан Мен ҳукумати коммунизмга қарши формал курашда айбланади ва ана шу «камчилик»ни тугатиш вазифаси илғари сурилади ҳамда коммунизмга қарши курашни кучайтиришга даъват этилади. Бу реакцион комитетининг ўз олдига қўйган вазифаларидан бири — Жанубий Кореяда америка империализмининг мавқеига путур етказувчи, мамлакатни бирлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни бостиришдир.

## ЛАОС

Лаос (Патет-Лао) — Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролида жойлашган давлатдир. У Таиланд, Камбоджа, Хитой, Бирма ва Жанубий Вьетнам билан чегарадош.

Майдони 231 минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион киши. Лаосда 30 дан ортиқ ҳар хил миллий группалар бўлиб, аҳолининг кўпчилиги лао миллий группасига мансубдир. Таитили мамлакатда энг кенг тарқалган тилдир.

Пойтахти Вьентьян шаҳри (аҳолиси 110 минг киши).

*Табиий шароити.* Лаос — тоғли мамлакат бўлиб, тропик, муссон иқлимига эгадир. Серсув тоғ дарёлари кўп.

Лаоснинг катта қисмини тропик ўрмонлар, шимолий районларини эса доим кўм-кўк субтропик ўрмонлар қоплаган.

*Қисқача тарихи.* XIV асрда ҳозирги Лаос территориясида шаҳзода Фа Нгум «Миллион филлар мамлакати» деб аталган қиролликка асос солди. Кейинчалик, бу қироллик Сиём мамлакатига қарам бўлиб, бир қанча қиролликларга бўлиниб кетди.

XIX аср ўрталарида Лаосни француз мустамлакачилари босиб олди. 1893 йилда эса у Франция протекторати деб эълон қилинди. Лаос халқи мустамлакачиларга қарши курашди ва бу кураш туфайли 1949 йилда мустақилликка эришди. Бироқ империалистик доиралар Лаос халқини яна қўллик асоратига солиш, мамлакатни эса ҳуқуқсиз мустамлакага айлантириш учун ҳаракат қилдилар. Француз ва, айниқса америка империалистларининг Лаос ҳукуматининг ички ишларига сурбетларча аралашishiлари натижасида мамлакат бетинчланди, халқнинг осойишталиги йўқолди. Ҳокимият америка империализми томонидан қўллаб-қувватланган реакция ҳукмрон доиралар қўлига ўтиб қолди. 1960 йилнинг августида Тао Самсанит бошчилигидаги реакция ҳукумат ағдарилди. Суванна Фума томонидан тузилган янги ҳукумат нейтраллик сиёсатини амалга ошира бошлади.

*Хўжалиги.* Лаос — мустамлака экономикасининг баъзи типик кўринишларига эга бўлган қолоқ, аграр мамлакатдир. Мамлакат экономикасида америка ва француз капиталининг салмоғи катта.

Қишлоқ хўжалиги экономиканинг асосий тармоғи ҳисобланиб, унда ишга яроқли аҳолининг 90 процентга яқини банддир. Лаос қишлоқларида ҳамон феодал муносабатлари сақланиб келмоқда. Энг ҳосилдор ерлар помешчик ва йирик амалдорлар қўлида тўпланган. Шоли — асосий деҳқончилик экинидир. Аҳолининг 90 проценти шоликорлик билан шуғулланади. Шолидан ташқари маккажўхори, пахта, ерёнғоқ, тамаки ва наша экилади; жанубий районларида эса каучук, шакар қамиши, кофе ва чой ўстирилади. Чорвачилик унча ривожланмаган. Ўрмон хўжалиги эса бир оз тараққий этган. Санатда ишга яроқли аҳолининг 2 процентигина банддир. Қалайи қазиб чиқариш санатда асосий тармоқ ҳисобланиб, бу тармоқ француз капиталига тўла тобедир.

Ишлаб чиқариш саноти бир қанча кичик корхоналардан иборат бўлиб, бунда қўл меҳнати кенг қўлланилади. Шунингдек, тахта тиладиган ва шоли оқлайдиган корхоналар

ҳам бор. Хусусий ва ҳунармандчилик корхоналари кенг тарқалган.

Мамлакатнинг ташқи савдоси асосан Жанубий Вьетнам ва Таиланд орқали олиб борилади. Чет элларга бензол смоласи, кардамон, пахта ва кофе чиқариб, четдан озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари, ёнилғи ва цемент келтиради.

*Давлат тузуми.* Лаос — конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи қирол Саванг Ваттахандир. Қонун чиқарувчи олий орган парламент икки палатадан — Миллий мажлис ва Подшолик кенгашидан иборат. Ижро этувчи ҳокимият қирол томонидан тайинланиб, Миллий мажлисда тасдиқ этиладиган бош министр бошлиқ Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

*Сиёсий партиялари.* «Лаос халқи бирлашмаси» партияси — 1958 йилда тузилган, йирик буржуазия партияси бўлиб, реакцион сиёсат юргизади, Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш комитети — 1958 йилда тузилган бу комитет асосан офицерлар ва амалдорларни ўз ичига олади. Лаос ватанпарварлари fronti — 1956 йилда тузилган бу партия аҳолининг кенг демократик қатламлари манфаатларини ифода этади.

Суванна Фума ҳукумат кескин бетарафлик ва ҳамма мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишни ўз сиёсатининг асосий йўналиши деб эълон қилди. Ташқи сиёсатдаги бундай йўналиш Лаосни СЕАТОга тортишга интилаётган АҚШ ҳукмрон доиралари ўртасида норозилик туғдирмоқда.

АҚШ ҳукумати Лаоснинг ички ишларига аралашини тақиқловчи Женева шартномасини очиқдан-очиқ бузиш йўлига ўтиб олди. АҚШ ўз гумашталари ҳисобланган — генерал Фума Носован ва унинг тўдалари 1960 йил сентябрида мамлакатда реакцион исён чиқариб, Лаосда гражданлар урушини бошлаб юбордилар.

Америка империалистлари ва СЕАТО ҳарбий иттифоқининг баъзи аъзолари Лаос ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиб, исёнчиларни энг мукамал қуроллар билан таъминламоқдалар.

АҚШ ҳукмрон доираларининг агрессив ҳаракатлари натижасида вужудга келган Лаосдаги мавжуд кескин аҳвол Жануби-шарқий Осиёда тинчлик ишига жиддий хавфдир.

Тараққийпарвар инсоният Лаос халқининг миллий манфаатларини ҳурмат қилишни, Женева кенгашида қатнашган давлатлар иштирокида конференция чақириб, Лаос масаласини тезда кўриб чиқишни ва ҳал этишни талаб қилмоқда.

## ЛИВАН

(Ливан Республикаси)

Ливан — Осиё қитъасида, Урта денгизнинг шарқий соҳида жойлашган давлат, Сурия Араб Республикаси ва Исроил давлатлари билан чегарадошдир.

Майдони 10,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 550 минг киши. Мамлакат аҳолисининг 90 процентини араблар, қолган қисмини турклар, греклар, арманлар, курдлар ва айсорлар ташкил қилади.

Пойтахти Байрут шаҳри (аҳолиси 450 минг киши).

*Табиий шароити.* Ливан жуда хушманзара мамлакат бўлганлиги сабабли, баъзан уни «Шарқий Швейцария» ҳам дейишади. Мамлакатнинг катта қисмини Ливан ва Антидиван тоғлари ишғол қилган. Ливаннинг Урта денгиз соҳиллари қоя тошли паст текисликдан иборат. Мамлакат субтропик иқлимга эга бўлиб, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши эса илиқ ва сернамдир.

*Қисқача тарихи.* Қадим замонларда ҳозирги Ливан территориясида бир қанча мустақил қулчилик шаҳарлари ташкил топди. Лекин улар аввал Ассурия ва Бобил томонидан, кейинчалик Эрон, Рим империяси ва Миср томонидан босиб олинди. XVI аср бошларида Ливан Туркия мамлакати ихтиёрига ўтди ва 1918 йилгача Туркия империяси составида бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Ливан француз қўшинлари томонидан ишғол қилинди. 1920 йилда Миллатлар Иттифоқи Францияга Ливанни бошқариш ваколатини берди.

Ливан халқи чет эл босқинчиларига қарши асрлар давомида курашиб келди. 1941 йил сентябрида Ливан расман мустақилликка эришди. 1943 йили эса биринчи Ливан парламенти сайланди ва миллий ҳукумат тузилди.

Кейинги йилларда мамлакатни империалистик агрессив ҳарбий иттифоқларга тортиш мақсадида АҚШ, Англия ва Туркия ҳукуматлари Ливанга қаттиқ тазйиқ кўрсатдилар. 1958 йилда эса империалистлар Ливанга қарши очиқ интервенция йўлига ўтдилар, Совет халқи ва бутун тинчликсевар инсониятнинг кескин қўллаб-қувватлаши натижасидагина АҚШ ўз қўшинларини Ливан территориясидан олиб кетишга мажбур бўлди.

Ливан халқи агрессив иттифоқларда иштирок этиш сиёсатига қарши, мамлакатда мавжуд бўлган чет эл корхоналарини миллийлаштириш, иқтисодий қарамликдан бутунлай



*Байрут шаҳарининг бир кўриниши.*

озод бўлиш ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бормоқда.

*Хўжалиги.* Ливан — қолоқ, аграр мамлакатдир. Қишлоқ хўжалиги Ливан экономикасида асосий ўринни эгалласа-да, мамлакатнинг озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиrolмайдн. Экиладиган ер майдони ҳаммаси бўлиб 270 минг гектарни ташкил қилиб, буғдой, арпа, маккажўхори, картошка, тамаки экилади ва зайтун, олма, банан, апельсин, тут ва ток ўстирилади.

Мамлакатнинг ер ости бойликлари кам ўрганилган. Саноти асосан озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек тўқимачилик, тамаки, совун пишириш, кўн ва оёқ кийими каби тармоқлардан иборатдир.

Четга сабзавот, ўсимлик мойи, жун, чарм чиқарилади, четдан қорамоллар, буғдой, пишлоқ, гуруч, қанд, шунингдек, темир, пўлат, ёғоч материаллари, ўғит, қоғоз, машина ва ускуналар келтирилади.

*Давлат тузуми.* Ливан — республикадир. Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Қонун чиқарувчи олий орган — бир палатали парламентдир.

*Сийсий партиялари.* Прогрессив социалистик партия — 1949 йилда тузилган миллий буржуазия партияси, «Катаиб» — 1948 йилда тузилган майда буржуа христианлар партияси, Миллий иттифоқ — 1943 йилда тузилган буржуазия ва помещиклар



партияси; Ливан Коммунистик партияси — 1930 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади, фаолияти расмий суратда тақиқланган.

Ливан халқи Совет Иттифоқига зўр хайрихоҳлик билан қарайди ва унинг тинчлик иши учун тинмай олиб бораётган курашини юксак қадрлайди. СССР билан Ливан ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар кенгаймоқда. 1954 йил апрелида Совет-Ливан савдо ва тўлов шартномалари тузилиб, Совет Иттифоқи Ливанга турли ускуналар ва машиналар етказиб бермоқда. Икки ўртада бир-бирларига санъат ва маданият ходимлари делегацияси юбориш ҳам кенгайиб бермоқда.

## (АОМИНЬ) — МАКАО

Макао (Аоминь) — Жанубий Хитой денгизи) соҳилида, Гонконгдан 56 километр ғарбда жойлашган Португалия мустамлакасидир. Унинг составига Макао ярим ороли ва қўшни Тайпа ва Колоане оролчалари киради.

Майдони салкам 16 квадрат километр. Аҳолиси 200 миң киши бўлиб, асосан хитойлардан иборатдир.

Маркази Макао шаҳри.

Хитой территорияси бўлган Макао ярим ороли 1874 йилдан берли Португалиянинг мустамлакаси бўлиб келмоқда.

1949 йилда Хитой халқ революцияси галаба қозонгандан сўнг Макао шармандаси чиққан гоминданчи реакционерларнинг уяси ва Хитой Халқ Республикасига қарши душманлик ва шпионлик қилиш марказларидан бири бўлиб қолди.

Кўп йиллар давомида Хитойнинг четга чиқарадиган гуруч, ипак, чой, пахта, тамаки ва қанд каби товарлари, шунингдек четдан келтирадиган ёнилғи, дори-дармон ва машиналари Макао территорияси орқали олиб ўтиларди. Жанубий Хитойга келтириладиган моллар орасида қора дори алоҳида ўрин тутган. Макаода қора дори хом ашёсини қайта ишлайдиган ва тайёрлайдиган жуда кўп корхоналар мавжуд бўлган.

Гонконгнинг ривожланиши билан Макао ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Макао орқали ўтадиган транзит савдонинг ҳажми камая борди.

Макао хўжалигининг асосий тармоғи балиқ овлаш ва балиқ санъати ҳисобланади. Унча катта бўлмаган озиқ-овқат, цемент ва гугурт ишлаш корхоналари ҳам бор.

Макао губернатор томонидан идора қилинади. 1951 йилда У Португалиянинг денгиз орти территорияси статутини олди.

## МАЛАЙЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Малайя — Шарқи-жанубий Осиёда, Малакка ярим оролининг жанубида жойлашган давлат.

Майдони 131 минг квадрат километр. Аҳолиси 6,6 миллион киши. Асосан малайя халқлари, хитой, ҳинд ва араблардан иборат бўлиб, давлат тили малайя тилидир.

Пойтахти Куала-Лумпур шаҳри (аҳолиси 315 минг киши).

*Табиий шароити.* Малакка ярим ороли денгиз ўртасидаги торгина қуруқликдан иборат. Тепа ва тоғли ерлари кўпроқ бўлиб, нам тропик иқлимга эга. Ерининг 75 проценти қалин ўрмонлардан иборат.

*Қисқача тарихи.* XVI асрда Малайяни португалияликлар босиб олди. XVII асрда голландлар қўлига ўтди. XIX аср бошида эса уни Англия империализми эгаллаб, бир неча қисмларга бўлиб юборди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Малайяни япон аскарлари босиб олдилар. Урушдан кейин яна инглизлар қайтиб келди.

Мустамлакачилар кўп йиллар давомида маҳаллий аҳолини ваҳшийларча қирдилар, уй-жойларини вайрон этдилар, серҳосил экинзорларни ўзларининг хусусий мулкларига айлантдилар. Аммо, халқ ўз озодлиги учун астойдил курашни давом эттирди.

Инглиз империалистлари Малайя халқини асоратда сақлаш учун кўп уринди, янги ҳарбий техникани ишга солди. Аммо, барибир бўйсундира олмади.

1957 йил 31 августда Малайя федерацияси мустақил деб эълон қилинди.

*Хўжалиги.* Қишлоқ хўжалигида асосий экинлари каучук (дунёдаги табиий каучукнинг учдан бири), шоли, кокос пальмаси, ширин картошка ва чойдир.

Фойдали қазилмаларидан энг муҳими қалайи бўлиб, капиталистик дунёда қазиб чиқариладиган қалайининг учдан бири шу мамлакатдан олинади. Куала-Лумпур ва Жоржтаун шаҳарларида қалайи эритиш заводлари бор. Бундан ташқари, вольфрам, темир рудаси, боксит, олтин ва уран рудаси бор. Мамлакатда цемент ва ғишт заводлари, резинка пойафзал ва каучук фабрикаси, ананас консерва, пальма ёғи ва гуруч заводлари ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг йирик корхоналари Англия ва АҚШ монополистлари, майдалари эса маҳаллий буржуазия қўлидадир.

Чет элларга каучук, қалайи ва пальма ёғи чиқариб, четдан озиқ-овқат маҳсулотлари, металл, ускуналар келтиради.

*Давлат тузуми.* Малайя федерацияси конституцион монархиядир.

Давлат бошлиғи султонлар кенгаши томонидан беш йил муддатга сайланади. Давлат бошлиғи бош министрни ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди. У икки палатали парламент олдидан жавобгардир. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент ихтиёридадир.

Малайя федерацияси Британия Миллатлар ҳамкорлиги составига киради ва Англия билан турли иқтисодий ҳамда ҳарбий шартномалар ила боғланган.

*Сиёсий партиялари.* Малайя бирлашган миллий ташкилоти — 1946 йилда тузилган, малайя буржуазиясининг партияси; Малайялик хитойлар уюшмаси 1949 йилда тузилган, хитой буржуазиясининг партияси; Малайя ҳиндлар конгресси — Малайядаги ҳинд буржуазиясининг партияси; Социалистик халқ fronti — 1958 йилда тузилган партия. Коммунистик партия — 1931 йилда тузилган, 1948 йилдан буён яширин ҳолатда ишламоқда.

Малайянинг СССР билан дипломатик алоқаси йўқ.

## МАЛЬДИВ ОРОЛЛАРИ

Мальдив ороллари — Ҳинд океанида, Цейлондан 643 километр жануби-ғарбда жойлашган маржон ороллар архипелагидир. У, бир неча юз (шундан 300 га яқинида аҳоли яшайди) оролчаларни ўз ичига олган 17 ороллар группасидан (атоллар) ташкил топган бўлиб, шимолдан жанубга томон 885 километрга чўзилиб кетган.

Умумий майдони 298 квадрат километр. Аҳолиси 89 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини ҳиндлар, малайяликлар ва араблар ташкил қилади. 8 минг киши яшаб турган Мале шаҳарчаси маъмурий марказ ва порт ҳисобланади.

Ороллар ясси бўлиб, жануб томонга чўзилган атоллар эса тикка чиққан сув ости қоялари билан ўралган. Бундай атоллар орасидан кема қатнайдиغان бир қанча бўғозлар ўтган. Иқлими иссиқ ва сернам.

Мальдив ороллари 1887 йилда Англиянинг протекторатига айлантирилди. 1953 йилга қадар бу ерлар султонлик бўлиб келган. 1953 йил январда ороллар республика деб эълон қилинди. Лекин, аслида ороллар Англия мустамлакаси бўлиб келмоқда.

Мальдив ороллари хўжалигида кокос пальмалари, банан ва цитрус ўсимликлари ўстириш асосий ўрин тутадди. Балиқ овлаш ҳам ривожланган. Архипелаг кокос ёнғоғи ва унинг

мағизи ҳамда балиқ каби товарларни экспорт қилади. Гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинади. Ороллар стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

1956 йили Цейлон ҳукумати Цейлон территориясида жойлашган инглиз ҳарбий базаларини тугатишга муяссар бўлгач, Англия қўлдан кетган бу стратегик объектлар ўрнига ҳинд океанининг жанубида жойлашган Мальдив оролларида ҳарбий-ҳаво базалари барпо қилишга қарор қилди. Бирмунча вақт давом этган жанжаллардан сўнг Англия Мальдив ороллари ҳукуматидан Ган оролини авиация базалари қуриш учун 30 йил муддат билан ижарага олишга муваффақ бўлди.

Оролларда мустамлакачиларнинг хўжайинлик қилишлари аҳоли ўртасида қаҳр-ғазаб туғдирмоқда.

## МЎҒУЛИСТОН

(*Мўғулистон Халқ Республикаси*)

Мўғулистон Халқ Республикаси — Марказий Осиёда, СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида жойлашган давлатдир.

Майдони 1 миллион 531 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион киши. Аҳолининг асосий қисмини мўғуллар ташкил қилади.

Пойтахти Улан-Батор шаҳри (аҳолиси 180 минг киши).

*Табиий шароити.* Мўғулистон денгиз сатҳидан анча баланд, тоғли ва саҳроли мамлакатдир. Унинг паст текисликлари йўқ. Океандан узоқда жойлашганлиги учун нам ҳаволар етиб келмайди, ёғин миқдори кам. Ёзда жуда иссиқ, қишда совуқ бўлади.

*Қисқача тарихи.* Мўғулистон XVII асрдан XX аср бошигача манжур босқинчиларининг, 1911 йилдан 1921 йилгача эса япон-хитой босқинчиларининг қўл остида бўлди. 1921 йилда Мўғулистонда муваққат халқ ҳукумати тузилди. Лекин ҳукуматнинг идора ишлари диний ҳоким ихтиёрида бўлди. 1924 йилда монархия тугатилиб, Мўғулистон Халқ Республикаси деб эълон қилинди. Шундан кейин Мўғулистон демократик тараққиёт йўлидан бориб, мамлакатдаги феодализм қолдиқларини тугати ва капиталистик мамлакатларга қарамликдан қутулди. Капиталистик даврни ўз бошидан кечирмасдан, тўппа-тўғри социалистик тараққиёт йўлига кирди.

Мўғул халқининг мамлакатда социализм қуриш учун курашида Совет Иттифоқи жуда катта ва самимий ёрдам бермоқда. СССР билан МХР ўртасида дўстлик ва ўзаро



Улан-Батор шаҳари. Ҳукумат уйи.

ёрдамлашиш шартномалари; иқтисодий ва маданий ҳамкорлик мавжуд.

Мамлакатда ишсизлик аллақачонлар тугатилган. Меҳнат-кашларнинг иш ҳақлари йил сайин ошиб, турмуш даражалари яхшиланмоқда.

**Ҳўжалиги.** МХР — аграр-индустриал мамлакат. Асрлар мобайнида ҳукм сурган феодал тартиблар мамлакат ҳўжалигини тушкунликка туширган эди. 1921 йилги халқ революциясидан кейингина ҳўжалик тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

Ҳозир МХР ҳўжалиги 2 сектордан — социалистик сектор ва майда товар ҳўжалигидан иборат: социалистик секторга: ер, сув, ўрмон, ер ости қазилма бойликлари, шахта, фабрика, завод, транспорт, алоқа ишлари, банк, йилқичилик, беда ўриш станциялари, давлат ҳўжаликлари, яъни умумхалқ, давлат мулки киради. Шунингдек, кооператив мулк — матлубот кооперацияси, қишлоқ ҳўжалик бирлашмалари, савдо кооперацияси ҳам социалистик секторда.

Майда товар ҳўжалиги сектори асосан ўрта ҳол чорвадорлар (аратлар) дан иборат бўлиб, улар ўз меҳнати билан кун кечирадилар.

Мамлакат аҳолисининг 75 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалигининг энг асосий тармоғи — чорвачилиқдир.

Мўғулистонда тоғ-кон саноати ривожланиб, тошкўмир, қўнғир кўмир, нефть, марганец, қалайи, мис, олтин ва туз конларига бой. Барча вилоят марказларида электростанциялар бор. Улан-Баторда чарм буюмлар, пойафзал ва юнг маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик промкомбинат бор. Чўян эритиш ва механика заводи мавжуд. Шунингдек, шаҳарда озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Жун тозалаш корхоналари, кўн заводлари, гўшт комбинатлари, 300 га яқин ёғ заводи ва 1500 та сепаратор пунктлари ишлаб турибди.

Четга чорва моллари, гўшт, жун, мол ёғи ва мўйна чиқаради. Четдан автомашиналар, қишлоқ хўжалик машиналари, турли саноат ускуналари ва дори-дармон келтиради.

Уқши ёшидаги барча болалар бошланғич ва ўрта мактабларга жалб қилинган. Мамлакатда 15 техникум, 4 олий ўқув юрти ва Улан-Баторда эса давлат университети бор.

*Давлат тузуми.* Мўғулистон Халқ Республикаси — социалистик давлат бўлиб, бутун ҳокимият меҳнаткашлар қўлидадир.



*Мўғулистон Халқ Республикасининг Хангай яйловларида.*

Давлат ҳокимиятининг юқори органи — Буюк халқ хурали. Олий ижроия органи — Министрлар Советидир.

Мўғулистон халқ революцион партияси — меҳнаткашларнинг илғор ва йўлбошчи отрядидир.

МХР 15 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. 1961 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

## НЕПАЛ

Непал — Жанубий-шарқий Осиёда, Ҳималай тоғ тизмалари районида жойлашган давлат. У Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон билан чегарадошир.

Майдони 140 минг квадрат километр. Аҳолиси 8,7 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини гуркх ва неварлар ташкил қилиб, улар непали ва гуркхали тилларида сўзлашадилар.

Пойтахти Катманду шаҳри (аҳолиси 200 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг бешдан тўрт қисмини Ҳималай тоғи ва унинг тизмалари ишғол қилади. Қолган ерлари эса ботқоқликлар, чангалзорлар ва паст текисликлардан иборат. Урмон ва яйловлар мамлакат территориясининг ярмидан кўпроғини ишғол қилади.

Мамлакат муссонли тропик иқлимга эгадир.

*Қисқача тарихи.* Қадим вақтларда ва ўрта асрларда Непал территориясида мавжуд бўлган мустақил майда князликлар Тибет ёки ҳинд давлатларига қарам бўлганлар. Непал бирлашган қироллик сифатида 1796 йилда майдонга келди.

XIX аср бошларида инглизлар Непални ўзларининг Ҳиндистондаги мустамлакаларига қўшиб олишга бир неча бор уриниб кўрдилар. Лекин, Непал халқининг қаршилиги туфайли бу уринишлар муваффақиятсизликка учради ва улар инглизларга таслим бўлмади. Лекин, шунга қарамай, Непалда Англия империализмининг таъсири оша борди. Инглиз мустамлакачиларининг Непалдаги вакили — сиёсий резидент мамлакатнинг ички ишларига аралашди. Расман Непал мустақил давлат ҳисобланса-да, амалда у Англиянинг протекторатига айланиб қолди.

1846 йилги сарой тўнтаришидан сўнг ҳокимият қиролликнинг бош министри Жанг Баҳодир Рана қўлига ўтди ва ўша вақтдан эътиборан қирол барча ҳуқуқдан маҳрум этилди. Бош министр лавозими наслдан-наслга ўтадиган бўлиб қолди.



*Қирол Махендра Бир Бикрам шох Дева сарои.*

ва бутун ҳокимият юз йилдан кўпроқ вақт давомида инглизлар томонидан қўллаб-қувватланган рана сулоласи вакиллари қўлида келди. Рана сулоласи даврида аҳоли азоб-уқубатларга дучор бўлиб, барча ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Сиёсий партияларнинг фаолияти таъқиб остига олинди.

1951 йилда Хиндистон мамлакатининг қўллаб-қувватлаши тўғрисида рана тузуми ағдариб ташланди ва мамлакатда қирол Трибхувана ҳокимияти тикланди. 1955 йилда эса унинг ўғли Махендра Бир Бикрам шох Дева тахтга ўтирди.

**Ҳўжалиги.** Непалда ишга яроқли аҳолининг 95 проценти қишлоқ ҳўжалигида банд бўлиб, етиштириладиган маҳсулот миллий даромаднинг 70—80 процентини беради. Деҳқончилик қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғидир. Асосан шоли, буғдой, жут, шакар қамнши, индиго, тамаки, жавдар, тариқ экилади ва ерёнғоғи, манго, цитрус дарахтлари ўстирилади. Суғориладиган ерлар ҳайдаладиган майдоннинг 0,5 процентинигина ташкил қилади. Ерга ишлов бериш техникаси жуда заиф, ҳосили дунёда энг паст ҳисобланади.

Ҳайдаладиган ерларнинг салкам 80 проценти ерни ижарага берувчи йирик помешчиклар қўлида тўпланган.

1957 йил августида Непал ҳукумати ер ислоҳоти тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонун помешчикларнинг ижарачилардан ерни тортиб олиш ҳуқуқларини чегаралаб қўйди ва рента солиқлари миқдорини ҳосилнинг тўртдан бир қисмига туширди. Лекин, бу қонун помешчик ер эгаллигини бекор қилмади. Экиладиган ерлар илгаригидек йирик помешчиклар қўлида қолаверди.

Мамлакат аҳолисининг анча қисми чорвачилик билан шуғулланади. Урмонлар давлатга қарашли бўлиб, тайёрланадиган ёғочнинг оз қисмигина экспорт қилинади.

Саноат жуда кам тараққий қилган бу мамлакатда асосан ҳунармандчилик корхоналари (гилам тўқиш, жун ва ипак газламалар, ганч, металл ва чарм буюмлари ишлаб чиқариш) дан иборатдир. Шу билан бирга жут, шоли оқлаш, сутни қайта ишлаш, трикотаж, ип-газлама, гугурт, ёғоч — тахта ишлаб чиқарадиган фабрика типигаги бир қанча кичик корхоналар ва цемент ишлаб чиқарадиган кичик завод бор.



Мамлакатнинг фойдали қазилмалари етарли ўрганилмаган. Кустарь усулда жуда оз миқдорда мис, темир рудаси, күмир, рангли металллар, олтингугурт ва олтин қазиб чиқарилади. Энергетика бирмунча ривожланиб, умумий қуввати 6 000 киловаттга тенг учта гидростанция бор, холос.

Иқтисодий ривожланишнинг беш йиллик плани мамлакат хўжалигини, шу жумладан энергетикани ўстиришни назарда тутди.

Аҳолига маданий ва медицина хизмати кўрсатиш даражаси жуда ҳам паст. 1960 йилги ҳисобга қараганда мамлакатда ҳаммаси бўлиб 36 госпитал, 40 стационарсиз диспансер ва 58 медицина пункти бўлган. Мавжуд касалхоналарда атиги 580 ўрин бўлиб, 50 малакали врач ишлайди, яъни 170 минг аҳолига битта врач тўғри келади.

Непал чет эллардан тўқимачилик буюмлари, сигаретлар, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари, ёғ, қанд, металл ва металл буюмлари, машиналар ва транспорт воситалари келтиради, четга гуруч, жут ва жут буюмлари, қўтос сутидан олинган ёғ, мой берадиган уруғлар, доривор ўтлар, ёғоч материаллари, қорамоллар ва хом тери чиқаради.

*Давлат тузуми.* Непал — конституцион монархия бўлиб, қирол давлат бошлиғи ҳисобланади. Парламент — қирол ва икки палата — Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат. Вакиллар палатасининг барча аъзолари тўппа-тўғри ва яширин сайлов йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Сенатнинг 18 аъзоси Вакиллар палатаси томонидан сайланиб, қолган 18 аъзоси эса қирол томонидан тайинланади. Сенат составининг учдан бир қисми ҳар икки йилда алмашиб туради.

Ижроия ҳокимияти қирол ихтиёрида бўлиб, қиролнинг ўзи ёки ҳукумат томонидан амалга оширилади. Қирол гуноҳларни кечириш ва амнистия қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакат қуроли кучларининг олий бош қўмондони вазифаларини ҳам бажаради.

Непал қироли Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева ўзининг 1960 йил 15 декабрда чиқарган фармонида мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилинганлиги ва конституция ўз кучини йўқотганлигини эълон қилди. Бу фармонда Непалнинг бетарафлик сиёсатига амал қилажаги,



*Катманду шаҳаридан бир кўриниш.*

Непал ҳукуматининг фаолияти вақтинча нормал издан чиққанлиги, баъзи группа ва шахсларнинг манфаатлари, шунингдек «миллатга қарши элементларнинг фаолияти»ни рағбатлантириш ҳоллари аниқланганлиги тўғрисида гапирилади. Айни вақтда қирол ҳукумат ва парламентнинг ҳар иккала палатасини тарқатиб юборди ва бутун маъмурий ҳокимиятни ўз қўлига олди.

*Сийсий партиялари.* Непал конгресси — 1947 йилда тузилган, ҳозирда ҳукмрон партия бўлиб, буржуазия манфаатларини ифода этади. Бу партия 1950—1951 йилларда раналар сулоласини ағдариб ташлаш ва мамлакатда конституцион монархия тузумини ўрнатиш учун олиб борилган курашларда актив қатнашди; «Пража паришод» партияси — 1936 йилда ташкил этилган. Бу партия ҳам Рана тузумига қарши, конституцияли монархия доирасида демократик ҳукумат ўрнатиш учун актив курашди. Буржуазия манфаатларини ифодалайди; Коммунистик партия — 1949 йилда тузилган. Рана тузумини ағдаришда актив қатнашиб, феодализм ва капитализмга қарши курашда мамлакатнинг демократик кучларининг жипслиги ва бирлиги учун кураш олиб бормоқда.

Непал кўпгина давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Унинг ташқи сиёсати бетарафлик йўлини туттишга асослангандир. Непал билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилган.

## ПОКИСТОН

Покистон — Жанубий Осиёда, Ҳиндистон территориясининг иккига бўлиб юборилиши натижасида вужудга келган давлатдир. У икки қисмдан: Ҳинд дарёси ҳавзасидаги Ғарбий Покистон ва Ганг ҳамда Брахмапутра дарёларининг қуйи оқимидаги ерларни ишғол қилган Шарқий Покистондан иборатдир.

Ғарбий Покистон — Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон билан чегарадош, Шарқий Покистон эса Ҳиндистон ва Бирма билан чегарадош бўлиб, унинг жануб томони Бенгал қўлтиғига туташгандир.

Ғарбий ва Шарқий қисмлар орасидаги масофа 1,5 минг километрдан ортиқ, уларни бир-биридан Ҳиндистон территорияси ажратиб туради.

Умумий майдони 944,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 87 миллион киши. Аҳолисининг миллий состави жиҳатидан Ғарбий ва Шарқий Покистон бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ғарбий Покистонда асосан синдхилар ва панжобликлар яшайди. Шарқий Покистон аҳолисининг 95 процентини бенгаллар ташкил қилади.

Урду ва англиз тиллари Покистонда расмий давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти 1959 йилдан эътиборан Равалпинди шаҳри (аҳолиси 300 минг киши). Карачи йирик порт шаҳри.

*Табиий шароити.* Покистоннинг табиати унинг ҳар иккала қисмида хилма-хилдир. Ғарбий Покистон территориясининг ярмидан кўпроғини тоғлар ишғол қилиб, шимол тарафда юксак Ҳиндукуш тоғлари қад кўтарган. Ғарбда ва жануби-ғарбда мамлакатга Эрон ясси тоғлигининг давоми кириб келади. Территориясининг ярмига яқинини Ҳинд-Ганг (Ҳиндистон) паст текислиги ишғол қилади. Ғарбий Покистоннинг катта қисмида субтропик, қуруқ иқлим мавжуд. Ўсимликлари, асосан чала саҳро ва саҳро ўсимликларидир. Мамлакатда биргина ҳинд дарёси бўлиб, у, Ҳималай тоғларининг шимолӣ тизмаларидан бошланиб, Арабистон денгизига қуйилади.


Шарқий Покистон территориясининг катта қисми Ганг паст текислиги, Ганг ҳамда Брахмапутра дарёлари ва уларнинг дельталаридан иборат.

Иқлими муссон шимоллари таъсиридаги нам тропик иқлимдир. Дарё дельталари ботқоқликлардан иборат бўлиб, донм кўм-кўк бўлиб турадиган ўрмонлар бор.

Покистоннинг қазилма бойликлари кам ўрганилган. Ғарбий Покистонда хромит, тошкўмир, нефть ва туз конлари бор. Шарқий Покистонда эса нефть конлари топилган.

*Қисқача тарихи.* Покистон давлат сифатида катта тарихга эга эмас, аммо Покистон халқларининг тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади ва Ҳиндистон ярим оролида яшовчи бошқа халқлар тарихи билан чамбарчас боғлангандир.

1947 йил август ойида Англиянинг собиқ мустамлакаси — Ҳиндистон иккита давлатга — Ҳиндистон билан Покистонга бўлинди. Мамлакатнинг мусулмонлар яшайдиган районлари асосан Покистонга ўтди ва доминнон статуси олди. Покистонга иқтисодий жиҳатдан энг орқада қолган районлар қўшилди.



*Карачи шаҳри марказидаги кўприк арки тагида жойлашган қизлар мактаби.*

Покистон давлатини тузишда аҳолининг миллий состави ҳисобга олинмади. Натижада бенгаллар ва панжобликлар яшаган территория икки бўлакка бўлиниб, мамлакатдаги турли районлар ўртасидаги тарихий иқтисодий ҳам маданий алоқалар узилди.

1956 йил 23 мартда Покистон Ислом Республикаси деб эълон қилинди. 1956 йил сентябрида Халқ кенгашининг раиси Сухраварди бошчилигидаги янги ҳукумат тузилди. Лекин, бу ҳукумат 1957 йилнинг октябрида қулади. Шундан кейин давлат тепасида атиги икки ойгина турган Муслмонлар кенгаши партиясининг вакилларида иборат кабинет тузилди. 1957 йил декабрь ойида эса Республикачилар партияси бошлиқларида бири — Малик Фирўзхон Нун янги ҳукумат тузди. Бир йил ўтар-ўтмас мамлакатда яна ҳукумат кризиси рўй берди. Шундан кейин президент Искандар Мирзо мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилиш тўғрисида қонун қабул қилиб, қуроли кучлар бош қўмондони генерал Аюбхонни граждан маъмуриятининг бошлиғи қилиб тайинлади. Тез орада Аюбхон янги ҳукумат тузди. 1958 йил октябрь ойида мамлакатда ҳарбий тўнтариш рўй берди. Искандар Мирзо истеъфо беришга мажбур бўлди. Ҳокимият Аюбхон қўлига ўтди. У Покистоннинг президенти, мудофаа министри ва Кашмир масалалари бўйича министрлик вазифаларини эгаллади. Айни вақтда бош министр лавозимини бекор қилди, парламентни тарқатиб, конституцияни йўққа чиқарди ва мамлакатда ҳарбий диктатура режимини ўрнатди.

*Ҳўжалиги.* Асрлар бўйи давом этган мустамлакачилик режими, шунингдек Ҳиндистоннинг икки қисмга бўлиб юборилиши натижасида рўй берган иқтисодий қийинчиликлар Покистон экономикасини тушкунликка олиб келди. Жон бошига тўғри келадиган йиллик даромаднинг ҳажми бўйича Покистон дунёда энг кейинги ўринлардан бирида қолди. Йиллик давлат бюджетининг учдан икки қисми ҳарбий мақсадларга сарфланади. Бу ҳарбий харажатлар мамлакат экономикасининг жуда суст ривожланишининг асосий сабабларидан биридир.

Покистон экономикасининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил қилиб, у миллий даромаднинг 57 процентини беради. Бу эса саноат ишлаб чиқаришидан келадиган даромадга нисбатан беш марта ортиқдир. Қишлоқ хўжалигида феодал-помешчик ер эгаллиги ҳукмрон. 1959 йилда ўтказилган ер ислоҳоти помешчикларнинг баъзи категорияларининг имтиёзларини бир оз чеклаб қўйса-да, асосан помешчик ер эгаллигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Деҳқончилик қишлоқ хўжалигида асосий тармоқ ҳисобланади. Асосий дон экинлари — гуруч ва буғдой мамлакатнинг:

өзиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондира олмайди.

Ҳиндистон иккига бўлинганидан кейин ярим оролдаги энг яхши экин майдонлари Покистонга ўтган бўлишига қарамай Покистон ҳар йили миллионлаб тонна ғаллани чет эллардан келтиришга мажбур.

Техника экинлари, айниқса жут Покистон экономикаси учун жуда катта аҳамиятга эгадир. 1959 йилда 1088,4 минг тонна жут етиштирилди. Покистон бу жиҳатдан капиталистик дунёда биринчи, пахта етиштириш бўйича эса (1959 йилда 275,3 минг тонна) олтинчи ўринда туради.

Покистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Ғарбий Покистонда сут чорвачилиги ва қўй боқиш айниқса ривожланган.

Покистоннинг саноати жуда суст ривожланган. Асосан ипгазлама ва жут буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, өзиқ-овқат, қўн ва шу каби енгил саноатнинг бошқа тармоқлари ривожланган.

Покистон экономикасини ривожлантириш планлари кўп жиҳатдан чет эл ёрдами ва уларнинг капиталини жалб этишга асослангандир. Саноатни ривожлантиришдан манфаатдор бўлмаган Ғарб мамлакатларининг монополиялари мамлакатда миллий саноатни, хусусан оғир саноатни вужудга келтириш ишига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Америка «ёрдами» Покистон экономикасини тушкунликка олиб келмоқда, бу эса барча Покистон аҳолисига аёндыр.

Сўнгги йилларда мамлакат саноатини ривожлантириш йўлида баъзи тадбирлар амалга оширилди. Лекин, у тадбирлар ўрта ва кичик саноат корхоналарини вужудга келтириш билан чегараланди. Қурилаётган ёки қурилиши назарда тутилган корхоналар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш учун ихтисослаштирилмоқда. Саноат тараққиётига хусусий капитал сарф этилиб, давлат секторининг роли анча камайтирилди, чет эл компанияларига эса максимал имкониятлар берилди.

Покистон ҳукуматининг агрессив ҳарбий блокларда иштирок этиши мамлакат экономикасини тобора оғир аҳволга солиб қўймоқда. Натижада Покистон халқи очлик ва яланғоч-



*Дарё портида.*

ликка мубтало этилмоқда. Мамлакатда нарх-наво узлуксиз кўтарилиб, ишсизларнинг сони кўпаймоқда.

Покистоннинг ташқи савдоси чет эл монополияларига қарам ҳолдадир. Ғалла маҳсулотлари, шунингдек, саноат ускуналари ва қора металллар четдан келтириладиган асосий моллардир.

*Давлат тузуми.* 1956 йилги конституцияга мувофиқ, президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Қонун чиқарувчи олий орган — бир палатали парламентдир.

1958 йил октябрдаги давлат тўнтаришидан сўнг, Покистонда бутун ҳокимият қуроли кучлар бош қўмондони Муҳаммад Аюбхон қўлига ўтди. Аюбхон бошчилигидаги президент кабинети 12 министрдан иборатдир.

1958 йил октябр ойигача мамлакатда мавжуд бўлган сиёсий партиялардан Халқ Кенгаши, Умумпокистон Мусулмонлар Кенгаши ва Коммунистик партия президентнинг декрети асосида тарқатиб юборилди.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабиستони — Ғарбий Осиёда, Арабистон ярим оролида жойлашган давлат.

Майдони 1,6 миллион квадрат километр. Аҳолиси 7 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилиги араблар бўлиб, давлат тили ҳам араб тилидир.

Пойтахти Эр-Рияд шаҳри (аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг кўп қисми ясси тоғликлар, қадимги вулканлар, қум саҳролари ва тошлоқ ерлардан иборат бўлиб, фақат денгиз бўйларигина паст текисликдан иборатдир.

Иқлими ниҳоятда қуруқ, иссиқ ва сершамолдир. Мамлакатда дарёлар деярли йўқ. Қудуқ ва артезиан сувларнинг аҳамияти катта. Усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам камбағал.

Арабистон саҳроси чигиртканинг макони бўлиб, ўша ердан учиб келган чигирткалар бошқа Шарқ мамлакатларига катта зарар етказиши мумкин.

*Қисқача тарихи.* VII аср бошида Арабистонда мусулмон (ислом) дини бунёдга келди. Араблар шарқ ва ғарбда кўп ерларни босиб олиб, ислом динини зўрлик билан тарқатдилар.

XX аср бошигача Арабистоннинг бир қисми Туркия султони қарам эди. 1913 йилда ваҳобийлар бошлиғи амир

Ибн Сауд Арабистоннинг тарқоқ вилоятларини бирлаштиришга киришди. 1925 йилга келиб яхлит давлат тузилди. 1932 йилда эса мамлакатга Саудия Арабистони номи берилди.

*Хўжалиги.* Саудия Арабистони — қишлоқ хўжалиги қолақ-аграр мамлакат. Асосан хурмо (7 миллион туп) экилади ва ҳар йили 100 минг тоннага яқин ҳосил олинади. Жанубий тоғларда кофе етиштирилади. Экиладиган ғалласи ўзига етмайди.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигида етакчи роль ўйнайди.

Саудия Арабистони нефтга бой. Нефть запаси бўйича (6 миллиард тонна) дунёда биринчилар қаторида туради. Нефть саноати АҚШ монополиялари қўлида бўлиб, АҚШнинг Арамко нефть компанияси Арабистон территориясида 66 йил давомида нефть қидириш, қазиб чиқариш билан шуғулланиш ва сотиш ҳуқуқини олган (1933 йил шартномаси). Бу компаниянинг Саудия Арабистони нефтидан оладиган йиллик даромади 600 миллион долларни ташкил қилади.

Чет элларга нефть, олтин, хурмо, жун ва тирик моллар чиқаради, чет элдан эса ғалла, гуруч, чой, қанд, газлама, қоғоз, машиналар ва бинокорлик материаллари сотиб олади.

Саудия Арабистони аҳолисининг 90 проценти саводсиз. Хотин-қизлар мутлақо ўқитилмайди. Фанний билимлар берадиган олий мактаблар йўқ бўлиб, фақатгина диний мактаблар—мадрасаларгина бор.

*Давлат тузуми.* 1960 йилга қадар абсолют монархия эди, 1960 йилнинг декабридан бошлаб конституцион монархия деб эълон қилнди. Давлат бошлиғи — қирол, айни вақтда, у диний бошлиқ (имом) ва қозикалон ҳамдир. Мамлакатда парламент ва сиёсий партиялар йўқ.

Саудия Арабистони ҳарбий блоклардан четда бўлиб, мустақил сиёсат тутмоқда.

СССР билан дипломатик муносабат ўрнатган. Совет Иттифоқи Саудия Арабистонини мустақил давлат сифатида биринчи бўлиб таниган.

## СИНГАПУР


Сингапур — Жанубий-шарқий Осиёдаги шу номли орол ва унинг атрофидаги бир қанча майда оролларда ўрнашган Британия Миллатлар ҳамкорлиги составидаги давлатдир. Сингапур 1959 йилда ўзини-ўзи идора қилиш ҳуқуқига эришди.

Майдони 581 квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 446 минг киши бўлиб, уларнинг кўпчилигини сингапурликлар ташкил қилади.

Маъмурий маркази Сингапур шаҳри (аҳолиси 912 минг киши).

Сингапур Англиянинг йирик ҳарбий-стратегик базаси ҳисобланиб, СЕАТО ҳарбий блокининг таянч пунктидир. Бу мамлакат икки океан ўртасидаги транспорт йўлларини назорат қилиб туради.

Қатта тарихга эга бўлган бу кичик мамлакат XIX асрнинг бошларидаёқ Англиянинг мустамлакасига айлантирилди. Уша вақтдан эътиборан Британия империализми Сингапурдан ўзининг Осиёдаги ҳарбий ва иқтисодий экспансиясида муҳим база сифатида фойдалана бошлади.



*Сингапур портининг қуричиши.*



Сингапур халқи мустамлакачилик зулмига қарши курашиб, миллий мустақилликка эришиш йўлида баъзи ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, 1959 йилда инглиз мустамлакачилари Сингапурга ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини беришга мажбур бўлдилар. Сингапур халқи эндиликда мустамлакачилик асоратидан батамом қутулиш учун курашмоқда.

Сингапур — халқаро савдо ва тақсимот марказидир. Четдан келтирилган молларни четга чиқариш — мамлакат экономикасининг асосини ташкил қилади. Экономикада эса инглиз капитали ҳукмрондир.

Мамлакат саноати бир неча завод ва фабрикаларда, шу жумладан, қалайи эритиш, каучукни қайта ишлаш, ёғ ва консерва заводлари ҳамда кема ремонт қилиш верфлари, металлургия, совун ва фишт пишириш заводларида ўз ифодасини топган.

Экиладиган ер жуда кам. Каучук дарахтлари ва кокос пальмалари ўстирилиб, турли резавор ва боғдорчилик экинлари экилади. Чўчқачилик ва балиқ овлаш ҳам ривожланган.

Мамлакатни идора қилиш Буюк Британия қироли томонидан 4 йил муддатга тайинланадиган «давлат бошлиғи» ихтиёрида эди. 1959 йил 3 декабрдан эса «давлат бошлиғи» ерли халқ вакилларида тайинланадиган бўлди. Қонун чиқарувчи мажлис — мамлакатда қонун чиқарувчи олий орган ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият — Министрлар Советидир. Лекин, давлатни идора қилишда инглиз комиссарининг роли катта. У Буюк Британия қиролининг буйруғи билан қонун чиқарувчи мажлисни тарқатиб юбориш, мамлакат мудофааси ва ташқи алоқаларни назорат қилиш ҳуқуқига эгадир.

## СУРИЯ

(Сурия Араб Республикаси)

Сурия — Осиёнинг Ғарбий қисмида, ўрта денгиз яқинида жойлашгандир. У Туркия, Ироқ, Йордания, Ливан ва Исроил билан чегарадошдир.

Майдони 184 минг квадрат километр. Аҳолиси 4,5 миллион киши. Халқининг 90 процентини араблар ташкил қилади. Сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази Дамашқ шаҳри (аҳолиси 400 минг киши).

*Табий шароити.* Кўп қисми тепаликлардан, ғарбий томонлари эса тоғлиқлардан иборат. Ўрта денгиз соҳиллари бўйлаб торғина серҳосил паст текислик ерлар чўзилиб ётади.

Суриянинг Шарқий қисми эса асосан саҳролар ва чўллар билан банд, фақат Тигр ва Евфрат дарё ҳавзаларидагина деҳқончилик учун қулай ерлар бор.

Мамлакатнинг ғарбида субтропик денгиз иқлими бўлиб, ички районларда эса континентал қуруқдир.

*Қисқача тарихи.* Сурия халқи ўтмишда бир неча юз йиллар давомида чет эл босқинчиларининг зулми остида азоб чекиб келди. Биринчи жаҳон урушига қадар Сурия Туркияга тобе эди, сўнгра эса у француз империалистларининг чангалига тушди. 1941 йилда Сурияда авж олиб кетган миллий-озодлик ҳаракатининг тазйиқи остида француз мустамлакачилари Сурияга мустақиллик беришга мажбур бўлдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурия халқлари инглиз ва француз қўшинларини мамлакатдан чиқариб юбориш йўлида актив курашдилар. Бироқ империалистик мамлакатлар Суриянинг ички ишларига аралашини давом эттиравердилар. Кейинги вақтларда Сурия америка, инглиз ва француз монополиялари ўртасида бошланган шиддатли курашлар майдонига айланиб қолди. 1955 йилда Туркия-Ироқ пакти имзоланганидан сўнгра АҚШ Сурияга ўз тазйиқини кучайтирди ва мамлакатни шу ҳарбий пактга қўшишга уринди. Ёш Сурия республикасининг тақдири хавф остида қолган бир вақтда бутун дунё прогрессив жамоатчилиги уни қўллаб-қувватлади. 1958 йил 22 февралда Сурия ери Миср билан бирлашди ва янги давлат — Бирлашган Араб Республикаси тузилди.

Аммо 1961 йил охирида Сурия яна ажралиб чиқди ва Сурия Араб республикаси барпо бўлди.

*Хўжалиги.* Сурия районининг экономикаси, асосан қишлоқ хўжалигидан иборатдир. Саноат эса жуда суст ривожланган.

Экишга яроқли 7,2 миллион гектар ернинг 4,6 миллионига буғдой, арпа, пахта, қанд лавлаги ва тамаки экилади. Богдорчилик ҳам ривожланган.

Аграр муносабат йирик помешчик ер эгалиги ва ердан фойдаланувчи майда хўжаликларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ер ислоҳоти тўғрисида қабул қилинган қонунда 5 йил давомида помешчикларнинг 1 миллион 123 минг гектар ерини сотиб олиш ва уларни деҳқонларга сотиш назарда тутилади.

Саноатнинг асосий тармоқларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, тўқимачилик, пахта, озиқ-овқат, тамаки, цемент ва шиша заводлари ташкил этади.

Челэл мустамлакачиларининг Суриядаги ҳукмронлиги бу мамлакат экономикасини ривожлантирмай келган эди. Энди-

ликда озод Сурия халқи чет эл ҳукмронлигидан мерос қолган бу қолоқликни тугатиш йўлида катта ишлар қилмоқда.

Сурияда бошланғич (беш йиллик) мажбурий таълим жорий этилди. Бошланғич, ўрта ва олий мактабларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

## ТАИЛАНД

Таиланд — Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг ўрта қисмини эгаллаган давлат.

Майдони 514 минг квадрат километр. Аҳолиси 24 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилик қисми тай (ёки симликлар) ва хитойлардан иборат.

Пойтахти Бангкок шаҳри (аҳолиси 1 миллион 350 минг киши). Давлат тили — тай тилидир.

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг шимолий ва шарқий қисми тоғлик ва тепалик, марказий қисмида эса кенг паст текислик бор. Бу паст текисликдан Менам дарёси оқиб ўтади. Дарё водийси ва бутун паст текислик ўзлаштирилган ерлардир. Мамлакат территориясининг 60 проценти қалин ўрмон билан қопланган. Иқлими иссиқ.

1940 йилларгача Таиланд икки империалистик давлат — Англия ва Франция мустамлакаларининг чегарасида (Ҳиндистон-Бирма билан Ҳиндихитой ўртасида) ярим мустақил ҳолатда эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Таиландни япон аскарлари босиб олди. Ҳозирги вақтда эса Таиланд АҚШ таъсирида бўлиб, СЕАТО агрессив блокининг актив аъзоси.

*Хўжалиги.* Таиланд — кам тараққий қилган аграр мамлакатдир. Мамлакат аҳолисининг 85 проценти қишлоқ хўжалигида банд.

Деҳқончиликда техника кам ишлатилиб, ҳали ҳам ўзлаштирилмаган ерлар кўп. Йирик помешчиқ ва катта ер эгаллиги устун, деҳқонлар эса ерларнинг 80 процентдан ортиқроғини ижарага олади. Асосан шоли, каучук, пахта, шакар қамиши ва тамаки экилади. Сабзавот, мевачилик, балиқчилик ва ўрмончиликнинг аҳамияти катта бўлиб, пальма дарахтларининг турли хиллари ўстирилади. Ўрмончиликда 10 мингдан ортиқроқ фил ишлатилади. Чорва моллари асосан қорамол ва чўчқадан иборат.

Мамлакат аҳолисининг фақат 2,5 проценти саноат ва қурилиш ишларида банд. Кичик гуруч заводлари, тўқимачилик

ва ёғочсозлик корхоналари, цемент, қанд, ёғ, вино, пиво, бўёқ ва пўлат эритиш заводлари, газлама, жут, гугурт ва тамаки фабрикалари бор.

Чет элларга гуруч, қалайи, каучук, тик ёғочи чиқаради. Чет эллардан газлама, жут, кумир, нефть ва машиналар олади.

*Давлат тузуми.* 1932 йилдан бери конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи — қиролдир.

Конституцияга кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали Миллий кенгаш ихтиёридадир. 1958 йил октябрь ойида бўлган давлат ўзгаришидан кейин конституция бекор қилинди. Миллий кенгаш тарқатиб юборилди, сиёсий партия (шу жумладан Таиланд Коммунистик партияси) ва профсоюзлар тақиқланди, демократик элементлар кўплаб қамоққа олинди ва мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилди.

Ҳарбий мақсадлар учун мамлакат бюджети даромад қисмининг деярли ярми сарфланмоқда. Шароитнинг оғир бўлиши, Таиландда Америка таъсирининг кенгайиб бориши, шунингдек маҳаллий ҳукуматнинг ғайри миллий сиёсати га қарши мамлакат халқининг кураши тобора авж олмақда.



*Таиландда шолӣ экиш.*

## ТУРКИЯ

(Туркия Республикаси)

Туркия Республикаси — Осиё қитъасининг ғарбида, Қора денгиз билан Ўрта денгиз оралиғида жойлашган давлат. У Болгария, Греция, Сурия Араб республикаси, Ироқ, Эрон ва СССР билан чегарадош.

Майдони 767 минг квадрат километр. Аҳолиси 28 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини турклар ташкил қилади.

Пойтахти Анқара шаҳри (аҳолиси 455 минг киши).

*Табиий шароити.* Туркия территориясининг асосий қисми (97 проценти) Кичик Осиё ярим оролидадир. Бу ярим орол асосан ясси тоғлик бўлиб, фақат денгиз бўйлари ва дарёларнинг қуйилиш ерлари паст текисликдир. Туркиянинг Европа қисми Болқон ярим оролининг жануби-шарқини ишғол қилади (24 минг квадрат километр).

Дарёларининг кемачиликда аҳамияти йўқ бўлиб, кўпчилиги тоғ дарёлари, лекин суғориш ишида фойдаси каттадир.

*Қисқача тарихи.* Турк қабилалари (салжуклар) Кичик Осиёга ўрта асрларда кўчиб келганлар. XV аср Усманийлар империяси кенгайиб, қўшни мамлакатларни босиб ола бошлади. XIX аср охиригача Ғарбий Осиёнинг анча қисми ва



Истамбул порт шаҳри.

1971 йилдан

Болқон ярим оролининг шимолий қисми Туркия империясига қарам бўлиб келди.

Биринчи жаҳон урушида Туркия ҳукумати Вильгельм Германияси билан бир қаторда Россия, Англия ва Францияга қарши уруш олиб борди. Урушда мағлубиятга учраган Туркия империяси тез орада тарқалиб кетди ва уни чет эл аскарлари босиб олди. Уша вақтда Мустафо Камол раҳбарлигида миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Совет ҳукумати турк ватанпарварларига катта ёрдам берди ва 1921 йил 16 мартда Туркия билан «Дўстлик ва биродарлик» шартномасини тузди.

1923 йилда Туркия Республика деб эълон қилинди. Биринчи Президент қилиб Мустафо Камол (Отатурк) сайланди. У, Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатлар тарафдори эди.

Отатуркнинг вафотидан сўнг, Туркиянинг ҳукмрон доиралари фашистлар Германияси тарафида туриб, иккинчи жаҳон урушида унга шерик бўлдилар ва ёрдам бердилар.

Эндиликда Туркия бошқа империалистик давлат — АҚШ билан дўстлашиб, ўз территориясида америка ҳарбий базаларини жойлаштирди.

Туркия НАТО ва СЕНТО каби агрессив ҳарбий блокларнинг аъзоси бўлиб, АҚШ билан иқтисодий ва ҳарбий ҳамкорлик қилмоқда.

1960 йил май ойида Туркияда давлат тўнтариши бўлди. Кўп йиллар давомида мамлакатни реакцион ва агрессив йўлга судраб келган Мендерес бошчилигидаги ўтакетган америкапараст демократик партия ҳукумати ағдарилди. Бутун ҳокимият генерал Гурсел бошчилигидаги Миллий бирлик комитети қўлига ўтди. Комитет НАТО ва СЕНТО ҳарбий пактларига содиқ бўлиб қолишлигини эълон қилиш билан бирга Камол Отатурк сиёсатига, яъни миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатларда бўлиш сиёсатига қайтишлигини ҳам билдирди.

*Хўжалиги.* Туркия асосан аграр мамлакат. Аҳолисининг 75 процентидан кўпроғи қишлоқда яшайди, 88 проценти қишлоқ хўжалигида банд.

Қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам феодализм қолдиқлари мавжуд. Техника кам қўлланилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 70 проценти помешчиклар қўлида бўлиб, 30 процентигина меҳнаткаш деҳқонларга тегишлидир. Асосан буғдой, арпа, жўхори, шоли, тамаки, пахта, лавлаги, кунжут ва наша экинлари. Боғдорчилик ҳам (зайтун, цитрус экинлари, токзорлар) ривожланган.

Чорвачиликда яйлов чорвачилиги муҳим роль ўйнайди. Саноатнинг кўп тармоқлари давлат қарамоғида бўлиб, тош-

кўмир, металлургия, тамаки, қанд ва спиртли ичимликлар саноати шулар жумласидандир.

Қазилма бойликлари хилма-хил ва запаси кўп, тошкўмир, нефть, табиий газ, хромит, темир ва марганец рудалари, рангли металллар, ош ва глаубер тузи бор. Лекин, булардан етарли фойдаланилмайди. Тоғ-кон саноатида кўмир қазилма-на ривожланган. Мамлакатда металлургия комбинати, пўлат, мис, қўрғошин эритиш, вагонсозлик ва паровоз-вагон ремонт, қишлоқ хўжалик ускуналари, трактор ва автомобиль йиғиш, суперфосфат заводлари ҳамда тўқимачилик фабрикалари бор.

Хўжалигида чет эл монополияларининг сармояси катта.

Чет элларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тамаки, мева, пахта, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари, металл рудалари, минераллар, хром рудаси, марганец, мис ва гилам чиқаради, четдан машиналар ва уларнинг ускуналари, нефть маҳсулотлари ва ҳарбий саноат учун ускуналар келтиради.

*Давлат тузуми.* Туркия—буржуа республикаси бўлиб, давлат бошлиғи президентдир. Ҳокимиятнинг Олий Органи— Буюк мажлисдир.

1961 йил охирида генерал Жамол Гурсел президент этиб сайланди. Янги коалицион ҳукумат ҳам тузилди.

*Сиёсий партиялари.* 1960 йил майгача қуйидаги сиёсий партиялари бўлган: Халқ республикачилар партияси—1923 йилда тузилган буржуа партияси. Бу партия республика, миллат ва демократия шиорига асосланиб, 1950 йилгача ҳукмрон эди, 1960 йил май тўнтаришидан сўнг яна ҳукумат ишларига аралашмоқда. Демократик партия—1946 йилда тузилган бу партия Ғарбий Германия ва Америка капиталига қарам, ҳарбий блокларга қўшилиш тарафдори, Совет Иттифоқига қарши сиёсат юргизди. Ҳуррият партияси—1950 йилда тузилиб, демократик партиянинг бир қанотидир. Республикачи деҳқонлар миллий партияси—1958 йилда тузилди, буржуа помешчиклар партияси. Коммунистик партия—1920 йилда тузилган, 1923 йилдан буён яширин ҳолатда ишламоқда. Мамлакатда 1951 йилда коммунистик ҳаракатга қатнашган кишиларни ўлим жазосига ҳукм қилиш тўғрисида қонун чиқарилди.

## УММОН

Уммон (ёки Маскат)—Арабистон ярим оролининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Унинг территорияси Арабистон денгизи ва Уммон қўлтиғига туташган. Уммон—Маскат султонлиги ва Уммон имомлигидан ташкил топган.

Майдони 212,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 550 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини араблар ташкил қилади.

Маркази Маскат шаҳри (Уммон имомлигининг маркази Низва шаҳри).

Уммон — тоғли, саҳро мамлакатидир. Иқлими иссиқ ва қуруқ. Оқар дарёлари йўқ. Усимлик дунёсига камбағал.

Ўрта асрларда Уммон араб халифатининг бир қисми бўлган. XVIII асрнинг 30-йилларида мамлакатни эронликлар босиб олди. XVIII асрнинг охирида Уммонга Англия суқилиб кира бошлади ва кўл ўтмай Англиянинг протекторатига айлантирилди. 1939—1951 йилларда Англия билан тузилган шартномалар Уммонни Англияга бутунлай қарам қилиб қўйди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Уммон Буюк Британия билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кураш объектига айланди. Бу империалистик мамлакатлар Уммон территориясида жойлашиб, нефтга бой Бурайми воҳасини эгаллаб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар.

Уммон — қолоқ аграр мамлакат. Аҳолисининг 90 проценти деҳқончилик билан шуғулланади, қолган қисми эса кўчманчи-чорвадорлардан иборатдир. Асосан буғдой экилиб, сабзавот етиштирилади, ток ва цитрус ўсимликлари ўстирилади. Денгиз бўйи районларида балиқ овлаш ҳам ривожланган. Мамлакатда ханжар, камарлар, карнайлар, ҳар хил олтин ва кумуш буюмлар ишлаб чиқарадиган бирмунча корхоналар бор.

Уммон — феодал муносабатлари ва уруғчилик тузумининг қолдиқлари ҳукмрон бўлган феодал — мутлақ монархиядир. Давлат бошлиғи султон (Маскатда) ва имом (Уммонда)дир. Маскатда амалий ҳокимият инглиз сиёсий резиденти ихтиёридадир.

## ФИЛИППИН

(*Филиппин Республикаси*)

Филиппин Республикаси — Жануби-шарқий Осиёда, Филиппин архипелаги оролларида жойлашган мамлакат. Архипелаг составига 7100 та орол киради.

Майдони 299,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 27 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини висайя ва тагалоглар ташкил қилади. Давлат тили — инглиз тили бўлиб, миллий тили эса тагалог тилидир.

Пойтахти Кесон-Сити (аҳолиси 130 минг киши).

*Табиий шароити.* Филиппин оролларида ер юзаси паст-



баланд ва тоғлик районлардан иборатдир. Дарёларнинг қуйилиш ерларида паст текисликлар бор. Илиқ ва тропик муссон иқлимга эга. Мамлакат территориясининг ярмидан кўпроғи доим кўм-кўк бўлиб турадиган ўрмонлар билан қопланган.

*Қисқача тарихи.* Филиппин ороллари (Испания қироли Филипп номига берилган) XVI асрнинг охирида Испания босиб олиб, уч аср ҳукмронлик қилди. 1897 йилда мамлакат мустақилликка эришди. 1898 йилда Филиппин Республикаси тузилди. Лекин, кўп ўтмай Америка Қўшма Штатлари Филиппинни босиб олди ва 1946 йилгача ҳукмронлик қилди. 1946 йил 4 июнда узоқ давом этган кураш натижасида мамлакат миллий мустақилликка эришиб, Филиппин расман мустақил республика деб эълон қилинди. Аммо, Филиппин хўжалиги, сиёсати ҳарбий кучлари АҚШ қўлида қолди.

*Хўжалиги.* Филиппин — аграр мамлакат бўлиб, асосан шоли, жўхори, шакар қамиш, кокос пальмаси, тамаки ва каноп экилади. Деҳқончилик ишлари қолоқ агротехника асосида олиб борилади. Чорвачилик унча ривожланмаган.

Саноати асосан майда корхоналардан иборат.

Қанд ва ёғ заводлари, тамаки фабрикалари ишлаб турибди. Фойдали қазилмалари (олтин, кумуш, темир рудаси, хромит, марганец, мис ва уран рудалари) кўп. Хромит чиқаришда капиталистик дунёда учинчи ўринда туради.

Саноатнинг янги тармоқларидан пўлат ва мис эритиш, кemasозлик ва карбид заводлари, шунингдек нефть тозалаш, алюминий, цемент ва кимёвий ўғит заводлари бор.

Чет элларга хром, олтин, темир, марганец, кокос ёнғоғининг қуритилган мағзи, қанд, ёғоч, тамаки ва каноп чиқаради. чет эллардан нефть ва металлар, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

Филиппин хўжалигининг асосий тармоқлари ва мамлакат ташқи савдоси Америка монополиялари қўлидадир.

*Маданияти.* Аҳолининг 70 проценти саводсиз. Мамлакатда бошланғич таълим мажбурий ҳисобланиб, кўпчилик мактаблар хусусийдир. 13 хусусий ва 1 давлат университети бўлиб, дарслар инглиз тилида ўқитилади.

*Давлат тузуми.* Филиппин республикасининг бошлиғи тўрт йил муддатга сайланадиган президент бўлиб, у ҳукуматни тайинлайди ва унинг ишига раҳбарлик қилади. Олий қонун чиқарувчи ҳокимият — конгресс (парламент) ихтиёридадир. Конгресс икки палатадан — сенат ва вакиллар палатасидан иборат.

*Сиёсий партиялари.* Миллатлар партияси — 1907 йилда тузилган, помещчик ва йирик буржуазия манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳукмрон партия; Либераллар партияси — 1946 йилда тузилган реакцион партия; Коммунистик партия — 1930 йилда тузилган, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, 1948 йилдан буён яширин ҳолда ишлайди ва 1957 йилда эса ғайри қонуний деб эълон қилинган.

СССР билан дипломатик залоқалари йўқ.

Филиппин агрессив СЕАТО пактининг аъзоси. Ҳарбий мақсадлар учун қилинаётган катта харажатлар мамлакат экономикасига жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда. Оммавий ишсизлик, очлик ва яланғочлик Филиппин шароитида табиий бир ҳолга айланди.

Филиппин халқи мамлакатдаги АҚШ ҳарбий базаларини тугатишни, бу ерда жойлашиб олган жуда кўп америкалик ҳарбий ва граждан маслаҳатчиларини Филиппиндан қувиб чиқаришни ҳамда Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатишни талаб қилмоқда.

## ХИТОЙ

(Хитой Халқ Республикаси)

Хитой Халқ Республикаси — Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган буюк давлат. Майдони жиҳатидан дунёда СССР ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради.

Шарқда Тинч океан денгизлари билан ўралиб, Корея, Мўғулистон Халқ Республикаси, СССР, Афғонистон, Ҳиндистон, Непал, Бирма, Лаос ва Вьетнам Демократик Республикаси билан чегарадошир.

Жануби-шарқдаги Тайвань (Формоза) ва Хайнань ороллари, улар ўртасидаги бир қанча майда ороллар ҳам Хитойга тегишлидир.


Умумий майдони 9,9 миллион квадрат километр. Аҳолиси 670 миллион киши.

Пойтахти Пекин шаҳри (аҳолиси 4,1 миллион киши).

Аҳолисининг сони жиҳатидан Хитой дунёда биринчи ўринда бўлиб, Ер шари аҳолисининг қарийб  $\frac{1}{4}$  қисмини ташкил қилади. Хитойлар мамлакатдаги ҳамма аҳолининг 94 процентини ташкил қилади. Хитойлар билан бир қаторда бошқа бир қанча халқлар ҳам бор. Уйғурлар, дунганлар, мўғуллар, тибетликлар, манжурлар, корейслар ва бошқа майда миллатлар шулар жумласидандир.

*Табиий шароити.* Хитой шимолдан жанубга томон салкам 4 минг километрга, ғарбдан шарққа эса 4,5 минг километрдан ортиқроқ чўзилган катта территорияда жойлашганлиги сабабли унинг табиий шароити хилма-хилдир. Табиати жиҳатдан Хитойни асосан 2 қисмга бўлиш мумкин: Ғарбий Хитой ва Шарқий Хитой.

Ғарбий Хитойнинг ер юзаси баланд тоғлик, ясси тоғлик ва сазроқлардан иборат. Иқлими қуруқ, ёғин миқдори кам, қиши



*Шанхай шаҳаридаги биринчи тўқимачилик фабрикаси*

жуда совуқ ва ёзи иссиқдир. Бу ерда ўрмонлар кам, дарёлар сийрак.

Шарқий Хитой асосан текис ерлардан иборат. У океанга яқин бўлиб, иқлими қишда совуқ (шимолда) ва илиқ (жанубда), ёзда ҳамма ери илиқ, ёгин кўп ёғади.

Хуанхэ ва Янцзи — Хитойнинг буюк дарёларидир. Улар Ғарбий Хитойдаги баланд тоғлардан бошланиб, Шарқий Хитойда ёйилиб оқадилар. Ёзда ёгингарчилик туфайли сув тошқинлари бўлиб туради, айниқса Хуанхэ ниҳоятда ўжар дарёдир.

Янцзи дарёсида кема қатнови яхши йўлга қўйилиб, унинг жанубидаги Дунтинху ва Поянху кўллари бамисоли табиий сув омборларидир.

Шарқий Хитойдаги Буюк каналнинг аҳамияти ҳам катта. Бу канал қадим замонда қурилиб, шимол билан жануб ўртасида юк ташиш учун мўлжалланган эди. Кейинчалик лойқа тўлиб, баъзи жойлари ташландиқ ҳолга келган эди. Эндиликда бу канал тозаланиб, яна ишга туширилди.


*Қисқача тарихи.* Хитой — дунёнинг энг қадимий мамлакатларидан биридир. Хитой ёзма ёдгорликлари деярли 4 минг йиллик тарихни баён этади. Эрамыздан анча илгари, Европанинг кўпчилик халқлари ҳали хўжаликни примитив усулда олиб борган даврда хитойлар ўз далаларини суғориб, шолі экканлар, ипакчилик билан шуғулланганлар, шойи тўқиганлар, чинни идишлар тайёрлаганлар ва компас ишлатишни билганлар.

XIX асрда империалистик давлатлар Хитойга ёпишиб олдилар. Англия, Франция, Германия, чор Россияси, кейинчалик эса Япония Хитойга суқилиб кириб, тез орада уни ярим мустамлакага айлантирдилар. Меҳнаткаш аҳоли маҳаллий феодаллар ва бойларнинг, шунингдек мустамлакачи амалдорларнинг зулмидан қаттиқ азоб чекди. Мамлакатда турли касалликлар, саводсизлик, ишсизлик, зўравонлик, камситишлик ва хотин-қизларни таҳқирлаш ҳукм сурди.

XX аср бошида Хитой халқининг миллий-озодлик кураши авж олди. 1911 йилги буржуа-демократик революцияси натижасида 300 йил давомида ҳукмронлик қилган манжур императорлари салтанати ағдарилди.

1937—1945 йилларда Хитой халқи япон босқинчиларига қарши мардонавор курашди. Бу оммавий курашда Халқ-озодлик армияси катта қаҳрамонлик кўрсатди. Халқ армиясига Хитой Коммунистик партияси раҳбарлик қилди.

Шу кураш билан бир вақтда Хитойда халқ революциясининг асослари ҳам яратилди. Япония тор-мор этилгандан кейин, Хитойда граждaнлар уруши бошланди.



*Биринчи Лоян трактор заводида ишлаб чиқарилган тракторлар.*

Реакцион гоминдан армияси, АҚШ империалистларидан ёрдам олиб, Хитой Халқ-озодлик армиясига қарши урушди. мамлакатда капиталистик тузумни сақлаб қолиш учун уринди. Аммо бутун халққа маъқул тушган революцион тузум ва Халқ-Озодлик армиясининг ажойиб ғалабалари тантана қилди. 1949 йил 1 октябрда бутун Хитой — Халқ Республикаси деб эълон қилинди.

Шу революциядан бери 12 йил ўтди. Хитойда социализм асослари қурилди. Аммо, Тайвань оролида (аҳолиси 8 миллион киши) ҳалигача чанкайшичи хоинлар ҳукм сурмоқда. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой номини сотиб Тайванни америка ҳарбий ҳаво ва денгиз базасига айлантирмоқдалар.

*Хўжалиги.* Халқ революцияси ғалаба қилгунча Хитой қоқ, аграр мамлакат эди. Банклар ва ташқи савдо, йирик саноат корхоналари ва темир йўллар чет эл капиталистларининг қўлида бўлган. Булар эса Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ҳар тарафлама тўсқинлик қилар эди. Қишлоқ хўжалигида ярим феодал муносабатлар ҳукмрон бўлиб, деҳқонлар помешчикларга тўла қарам эди.

Халқ демократияси тузуми ўрнатилган янги Хитойда халқ хўжалиги мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ривожланди. Илгариги қоқоқ, аграр мамлакат — ривожланган индустриал-аграр социалистик мамлакатга айланди. Хўжалик умумдавлат плани асосида ривожлана бошлади. Ер ости бойликлари, ўрмон ва сув, банклар, саноатнинг етакчи тармоқлари, темир йўллар, денгиз ва дарё транспорти давлат мулкига айлантирилди. Ер деҳқонларга бўлиб берилди.

Революция ғалабасидан кейин ўтган қисқа муддат ичида мамлакат экономикасининг ҳамма соҳаларида социалистик сектор ҳукмронликни эгаллади. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958—1962 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик плани муддатидан уч йил бурун — 1959 йилда бажарилди. Мамлакатни индустрлаштиришда катта муваффақиятларга эришилди. 1959 йилда саноатнинг ялпи маҳсулот ҳажми 163 миллиард юанни ташкил қилиб, иккинчи беш йиллик план бўйича 1962 йилга мўлжалланган даражадан ҳам ошиб кетди. Мамлакат энергетикани ривожлантириш учун бой ресурсларга эгадир. Кўмир конлари бўйича Хитой дунёда олдинги ўринлардан бирини туради.

Хитой халқининг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — мамлакатда сув хўжалигини тартибга солишдан, жумладан, Янцзи ва Хуанхэ каби йирик дарёларда сув иншоотлари қуришдан иборатдир. Хуанхэ дарёсида 46 тўғон қурилади. Умумий қуввати бир миллион килловатдан ортиқ



*Банан ортилган қайиқ*

турбиналар Шаньси, Шэньси ва Хенань вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларини арзон электр қуввати билан таъминлайди. Янцзи дарёси эса, баландлиги 200 метр ва кенглиги 4 километр келадиган қудратли тўғон билан тўсилади.

Хитойнинг ишлаб чиқарувчи саноати мануфактура ва мамлакатнинг ички районларида кенг тарқалган хунармандчилик корхоналари билан бир қаторда, фабрика- завод саноатидан иборатдир. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Эски Хитой саноати феодал ва ярим мустамлака характерига эга бўлган экономикани яққол ифодалар эди. Мамлакат территориясининг учдан бир қисмини ишғол қилувчи Шимолиғарбий Хитой бутун саноат ишлаб чиқаришининг фақат 5 процентини берар эди. Ҳозирги вақтда, саноат ўчоқларини мамлакатнинг илгари орқада қолиб келган ана шундай ички районларига кўчиришга катта аҳамият берилмоқда. Шимолӣ ғарбий Хитойда саноатнинг нефть, тўқимачилик рангли металллар ва машинасозлик каби муҳим тармоқлари ривожлантирилмоқда.

Совет Иттифоқи ва социалистик лагердаги бошқа давлатлар янги ҳаёт қуришда Хитой халқига қардошларча ёрдам бермоқдалар. Совет Иттифоқи Хитойда 291 корхона қуриш ва қайта қуриб беришни ўз зиммасига олган. Мана шу корхоналарнинг 130 дан кўпроғи 1960 йилда ишга туширилди.

Хитой халқи қишлоқ хўжалигида ҳам зўр муваффақиётларни қўлга киритди. Хитой Коммунистик партияси «Қишлоқ хўжалиги — халқ хўжалигининг асосидир» деган йўналишни белгилаб берди. Бу йўналиш қишлоқ хўжалигини мустақамлашга қаратилган қатор тадбирларни кўзда тутди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш, айниқса шимоли-шарқдаги районлар ва денгиз бўйидаги ерлардан фойдаланиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда 120 миллиондан кўпроқ деҳқон хўжалиги 24 минг халқ коммунасига уюшган. Хитой деҳқонлари коллектив меҳнат туфайли ўн икки йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 2,5 барабар кўпайтирдилар. Халқ коммуналарида ғалла хўжалигини ривожлантиришга таянган ҳолда, кўп соҳали хўжаликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган изчил йўл амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1967 йилларга мўлжалланган плани ҳосилдорликни анча ошириш, илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш ва қишлоқ хўжалигини механизациялашни амалга ошириш тадбирларини кўзда ту-



тади. 1956 йилдан 1967 йилгача бўлган давр ичида мамлакатда сув тошқини ва қурғоқчиликка асосан барҳам берилади, сув бостириладиган ва суғориладиган ер майдони 900 миллион му (1 му бешдан бир гектарга баравар) гача кенгайтирилади.

Хитой Халқ Республикаси жуда кўп мамлакатлар билан, шу жумладан СССР ва бошқа социалистик мамлакатлари билан яхши савдо алоқалари ўрнатган. Четга асосан рангли металллар, ипак, чой, жун, тери чиқаради, четдан sanoat учун керакли асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, автотомобиллар ва кимё моллари келтиради.

Хитой халқи малакали кадрлар тайёрлашда, фан, санъат ва адабиётни ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатда маданий революция муваффақият билан амалга оширилмоқда. Хитой олий ўқув юртларида 1 миллиондан, ўрта ўқув юртларида эса 12 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Кечки профессионал-техника таълими жуда кенг кўламда ривожланмоқда. Қишлоқ аҳолисининг маданияти ва билимини ошириш соҳасида катта ншлар қилинмоқда. Ҳозир Хитой қишлоқларида 25 минг умум таълим ва қишлоқ хўжалик мактаби, 270 минг бошланғич мактаб ва 1 миллионга яқин маданият уйи, китобхона ҳамда клуб ишлаб турибди.

*Давлат тузуми.* ХХР — социалистик типдаги давлатдир. Хитой Халқ Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи — Умумхитой халқ вакиллари мажлиси умумий сайловлар йўли билан сайланади. Умумхитой мажлиси, Хитой Халқ Республикасининг раисини сайлайди. Ижро этувчи олий орган — Давлат Совети (Марказий халқ ҳукумати) дир.

*Сиёсий партиялари.* Хитой Коммунистик партияси — 1921 йилда тузилган. Компартиядан ташқари мамлакатда яна саккизта демократик партия ва группалар бўлиб, уларнинг ҳаммаси компартиянинг раҳбарлик ролини эътироф этадилар. Бу партияларнинг вакиллари давлат органларида ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этадилар.

Хитой Халқ Республикаси изчиллик билан тинчлик сиёсатини юргизмоқда. Унинг халқаро муносабатлардаги роли йил сайин ўсиб бормоқда.

Хитой Халқ Республикаси Совет Иттифоқи ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари билан биргаликда қудратли социалистик лагерни ташкил қилади. СССР ва Хитой тенг ҳуқуқлик, ўзаро манфаатдорлик ва ўртоқларча самимий ёрдам принципларига амал қилиб, сиёсий иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантирмоқдалар. Бундай ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат манфаатларига, шунингдек бутун социалистик лагерь манфаатларига мосдир.

## ЦЕЙЛОН

Цейлон — Ҳиндистон ярим оролниинг жанубидаги Цейлон оролини ишғол қилган давлат. У Ҳиндистон ярим оролидан 55 километр кенгликдаги бўғоз билан ажралган.

Майдони 65,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 9,6 миллион киши. Аҳолисининг аксарияти сингаллар ва тамиллардан иборат бўлиб, сингал тили давлат тили ҳисобланади. Айни вақтда инглиз тили ҳам кенг тарқалган.

Пойтахти Коломбо шаҳри (аҳолиси 423 минг киши).

*Табиий шароити.* Оролниинг чеккалари паст текислик ерлардир. Марказида баландроқ тоғлар бор.

Иқлими нам ва иссиқ.

Урмонлар кўп. Пальма ва турли қимматбаҳо дарахтлар усади.

*Қисқача тарихи.* 1505 йилда Цейлон португаллар томонидан босиб олинди. 1556 йилда у голландлар қўл остига ўтди. XVIII аср охирида Цейлонни инглизлар босиб олди ва 1802 йилда Буюк Британия Цейлонни ўзининг мустамлакаси деб эълон қилди. Шундан буён қарийб 150 йил давомида Англия империалистлари Цейлон аҳолисини шафқатсиз эксплуатация



*Цейлонда черков байрами.*

қилиб, мамлакатнинг табиий ва моддий бойликларини талаб келмоқдалар.

Цейлон халқи асрлар давомида чет эл босқинчиларига қарши курашди ва бу кураш 1948 йилга келиб Цейлон халқининг ғалабаси билан тугалланди. Шу йилдан эътиборан Цейлон Англиянинг мустамлакаси бўлмай, унинг доминионига айланди.

*Хўжалиги.* Оролнинг шарқий қисмига нисбатан Ғарбий қисми бирмунча ўзлаштирилган. Қишлоқ хўжалигида асосан чой, каучук, кокос пальмаси ва шоли экилади. Чорвачилиги асосан қорамол ва филчиликдан иборатдир. Балиқчилик, марварид қидириш ва ўрмончилик ҳам мамлакатда маълум аҳамиятга эга.

Саноати унча ривожланмаган, ишхоналарининг аксарияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи майда корхоналардир. Хўжалигининг асосий соҳалари ҳалигача чет эл капитали қўлида.

Чет элларга чой, кокос ёғи ва табиий каучук чиқариб, чет эллардан озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари, газлама, машина ва металллар келтиради.

*Давлат тузуми.* Давлат бошлиғи ҳозиргача Буюк Британиянинг қироли томонидан тайинланадиган генерал-губернатор ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент ихтиёридадир. Ижроня ҳокимиятни бош министр бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. 1960 йил 21 июлда тузилган янги Цейлон ҳукумати яқин келажакда Цейлонни мустақил республика деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

*Сийсий партиялари.* Цейлон озодлик партияси—сингал миллий буржуазиясининг манфаатларини ифода этувчи ҳукмрон партия; Бирлашган миллий партия — йнрик компрадор буржуазия партияси; Коммунистик партия меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Цейлон ҳукумати мамлакат хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш йўлида бир қанча тадбирлар кўрмоқда. Цейлон ҳеч қандай ҳарбий блокларга қатнашмай, ўзининг тўла мустақиллиги ва республика бўлиши учун курашмоқда.

1956 йилда СССР билан Цейлон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиб, СССР Цейлонга қишлоқ хўжалиги ва саноатини ривожлантиришда ёрдам бермоқда. Шунингдек, Цейлон бошқа халқ демократияси мамлакатлари билан ҳам савдо шартномалари тузган.

## ШАРТНОМАЛИ УММОН

Шартномали Уммон — Арабистон ярим оролининг Шарқида жойлашган Буюк Британия протекторатидир. У Саудия Арабистони, Катар ва Уммон билан чегараланиб, Форс ва Уммон қўлтиқлари билан ўралган. Шартномали Уммон еттита араб князликларидан ташкил топган.

Майдони 83 минг квадрат километр. Аҳолиси 100 минг киши бўлиб, асосан араблардан иборатдир.

Маркази Дибай шаҳри (аҳолиси 25 минг киши).

Мамлакат рельефи чала саҳроли текисликлардан иборат бўлиб, шимоли-шарқ томонларида Руус ал Жабал тоғлари қад кўтарган. Иқлими қуруқ ва иссиқ бўлиб, ёнғингарчилик жуда кам. Доимий оқиб турувчи дарёлари йўқ. Баъзи воҳаларда лимон ва тоқлар ўстирилади. Балиқ овлаш ва марварид қидириш кенг тарқалган. Мамлакатда нефть конлари бор.

XIX асрнинг биринчи ярмида Англия денгиз қароқчилари билан курашни баҳона қилиб, Шартномали Уммонга ўз қўшинларини юборди. Кейинчалик, 1820 йилда еттита князликнинг ҳукмдор (шайх)лари қатор асоратли шартномаларга мажбуран қўл қўйдилар. Ана шу шартномаларга кўра, князликлар Британия протекторатига айланиб, шундан бери Шартномали Уммон Буюк Британияга қарам бўлиб келмоқда.

Шартномали Уммон — иқтисодий қолақ, феодал муносабатлари ва уруғдошлик тузумининг қолдиқлари сақланиб келаётган аграр мамлакат. Хўжаликнинг асосини деҳқончилик ва кўчма чорвачилик ташкил қилади. Мамлакат экономикаси мустамлака характериға эға бўлиб, фабрика- завод типигаги корхоналар йўқ.

Шартномали Уммон инглиз сиёсий агенти томонидан идора қилинади. Баъзи князликлар тепасида шайх (ҳоким)лар турса-да, ҳақиқий сиёсий ҳокимият мазкур агент қўлидадир.

## ЭРОН

Эрон — Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат, Совет Иттифоқи, Туркия, Ироқ, Афғонистон ва Покистон билан чегарадошдир.

Майдони 1,6 миллион квадрат километр. Аҳолиси 20 миллион 42 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини эронликлар (форслар), озарбайжонлар ва курдлар ташкил қилади.

Пойтахти Теҳрон шаҳри (аҳолиси 1 миллиондан ортиқ).

*Табиий шароити.* Эрон тоғли мамлакат. Ер юзасининг бешдан тўрт қисми тоғлар ва баланд тепаликлар билан қоплан-

ган. Каспий денгизи, Форс ва Уммон қўлтиқлари соҳилларидаги торгина паст текислик мамлакат территориясининг 7 процентини ташкил қилади. Эроннинг шимоли-шарқида жуда катта саҳро ва чўллар бор. Дарёлар кўп, лекин улар кам сувли ва мавсумий дарёлардир.

*Қисқача тарихи.* Эрон дунёда энг қадимий мамлакатлардан биридир. VI асрда илк Эрон феодал давлати ташкил топди. Кейинги асрда эса мамлакатни араблар босиб олди. Халифалик қулагач, IX аср охирига келиб бу ерда мустақил феодал давлати тузилди. XI асрнинг охирида мамлакатни турк салжуклар босиб олди. XIV асрнинг охирларида Эрон мўғулларга бўйсундирилди. Кейинги асрлар давомида ҳам Эрон қўлдан-қўлга ўтиб турди. Тез-тез бўлиб турган урушлар ва мамлакат ичидаги ўзаро келишмовчиликлар эрон халқининг аҳволини жуда ҳам оғирлаштирди.

XVII асрда ва айниқса XVIII асрдан бошлаб Эронга инглиз монополиялари суқилиб кира бошлади. Эрон халқи чет эл монополистлари ҳамда маҳаллий феодал-помешчикларнинг зулмига қарши кураш олиб борди. Бу кураш Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабасидан кейин янада кучайди. 1919—1921 йилларда Эрон Озарбайжонда, Филон ва Хуросонда инглиз империализмига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари кўтарилди. Лекин, бу ҳаракатлар реакция кучлари томонидан шафқатсиз равишда бостирилди.

1921 йилнинг февралда Эронда ҳарбий тўнтариш содир бўлиб ҳокимият инглиз агенти Саид Зияддин ва полковник Ризохон қўлига ўтди. Кўп ўтмай ҳарбий министр лавозимидаги Ризохон мамлакатда ўз диктатурасини ўрнатди. 1925 йил декабрда Ризохон Ризо шоҳ Паҳлавий номи билан Эрон шоҳи деб эълон қилинди.

Ризо шоҳ мамлакатда демократик кучларни ва халқ оммасининг демократик ҳаракатларини раҳмсизлик билан бостирди ҳамда буржуа-помешчиклар диктатураси тузумини мустаҳкамлади.

Биринчи жаҳон урушидан кейин, айниқса Германияда ҳокимият фашистлар қўлига ўтгач, Эронда герман империализмининг мавқеи кучайиб кетди. Ризо шоҳ ва унинг тарафдорлари мамлакатни фашистлар блокига қўшишга интилдилар. Лекин, уларнинг бу ёвуз ниятлари Совет Иттифоқи ва Англия қўшинларининг 1941 йилда Эронга киритилиши туфайли барбод бўлди. Гитлерчиларнинг Эрондаги қўпоровчилик фаолиятига барҳам берилди. Эрон ҳукумати бетарафлик сиёсати юргизиш имкониятига эришди.

1941 йил сентябрда Ризо шоҳ ўз ўғли Муҳаммад Ризо Паҳлавий фойдасига тахтдан воз кечди. 1942 йилнинг январини



*Техрон шаҳари кўчаларидан бири.*

да СССР, Буюк Британия ва Эрон ўртасида Совет ва инглиз қўшинларини вақтинча Эронда туришини расмийлаштирувчи шартнома имзоланди. 1943 йил сентябрида Эрон фашистлар Германиясига уруш эълон қилди. Уруш тугаб, Совет қўшинлари мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетилганидан сўнг, Эрон ҳукмрон доиралари халқ оммаси қўлга киритган ҳуқуқларга қарши ҳужум бошлади. 1946 йилда Эрон Озарбайжонда миллий-озодлик ҳаракати бостирилиб, Халқ партияси ва касаба союзларига қарши террор ҳамда таъқиблар бошланди. 1949 йилда эса бу ташкилотлар қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Урушдан кейинги йилларда Эрон АҚШ империалистлари экспансиясининг объектига айланди. 1947, 1956 ва 1959 йилларда АҚШ Эрон ҳукумати билан махфий ҳарбий шартномалар тузди. Бу шартномаларга мувофиқ Америка ҳарбий миссияси Эроннинг ҳарбий саноатини назорат қилиш ҳамда мамлакатда ҳарбий қурилишлар олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳозир ҳам Эрон Америка Қўшма Штатлари тузган агрессив СЕНТО блокнинг аъзосидир.

Эрон халқи миллий мустақиллик учун чет эл монополияларининг зулмига қарши кураш олиб бормоқда.

*Ҳужалиги.* Эрон — қолоқ аграр мамлакат. Феодал муносабатлари ва чет эл монополияларининг ҳукмронлиги Эрон экономикасининг ривожланишига йўл қўймади ва мамлакатни мустамлака ҳолига тушириб қўйди. Мамлакат экономикасида қишлоқ ҳужалиги асосий ўрин тутади. Ҳайдаладиган ернинг 85 проценти помешчиклар, руҳонийлар ва давлат қўлидадир. Деҳқонларнинг ярмидан кўпи ерсиз бўлиб, ерни помешчиклардан оғир шартлар билан ижарага олади. Ижара ҳақи баланд бўлганлиги сабабли деҳқонга ўзи етиштирган

маҳсулотнинг тўртдан ёки олтидан бир қисмигина тегади. Ижара ҳақи тўлаш билан бирга мамлакатда баршчина ва феодалларга натура билан тўланадиган солиқлар ҳам сақланиб қолган. Қишлоқ хўжалик экинларидан буғдой, арпа, шоли, дуккакли экинлар, картошка ва сабзавот экилади. Богдорчилик ривожланган.

Эрон саноати сустривожланган. Чет эл монополияларига қарашли нефть саноатидан ташқари, асосан ҳунармандчилик корхоналари, айниқса гилам тўқиш корхоналари кенг тарқалган. Нефть саноати — ривожланган ягона саноат тармоғи ҳисобланади. Аниқланган нефть запасларининг миқдори 1958 йил охирида 4,4 миллиард тоннага тенг бўлган. Мамлакатда чиқарилаётган, қайта ишланаётган ва экспорт қилинаётган нефтнинг қарийб ҳаммаси чет эл капитали контроли остидадир. Эроннинг нефтдан келадиган даромади 1958—1959 йилларда 263 миллион долларни ташкил қилган.


Ишлаб чиқариш саноат тармоқлари орасида қанд саноати бирмунча ривожланган.

Чет элларга қуруқ мевалар, гилам, пахта, жун ва хом тери каби товарлар чиқариб, четдан машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, қора металллар, газламалар ва қанд келтиради. Эроннинг ташқи савдосида ГФР, АҚШ ва Япония асосий контрагентлар ҳисобланади.

*Давлат тузуми.* Эрон — монархия режими ҳукмрон давлатдир. Давлат бошлиғи — шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийдир. Икки палата — мажлис ва сенатдан иборат парламент амалий ҳуқуққа эга эмас.

*Сиёсий партиялари.* «Мардом» партияси — 1957 йилда тузилган. «Миллион» партияси — 1958 йилда тузилган. Ҳар иккала партия реакция партия ҳисобланиб, юқори даражали давлат амалдорлари, парламент аъзолари, йирик помещиклар ва буржуазия вакилларининг манфаатларини ифодалайди. Эрон ишчилар синфи ва деҳқонларининг ҳақиқий ҳимоячиси — Халқ партияси («Хизби туде») таъқиб остидадир.

Сўнгги йилларда Эрон халқининг моддий аҳволи анча оғирлашди. Мамлакатнинг миллий даромади камайиб бормоқда, меҳнаткашларга солинадиган солиқларнинг миқдори ортмоқда.



*Ер ҳайдашнинг асосий усули.*

## ЯМАН

(Яман мутаваккил Қироллиги)

Яман — Арабистон ярим оролининг жануби-ғарбига жойлашган давлат бўлиб, Саудия Арабистони ва Адан билан чегарадош. Ғарб томони Қизил денгиз ва Бобил-Мандаб бўғози билан ўралган.


Майдони 195 минг квадрат километр. Аҳолиси 5 миллион киши бўлиб, асосий қисмини араблар ташкил қилади.

Пойтахти Сана шаҳри (аҳолиси 30 минг киши).

Ёнғингарчиликнинг кўплиги ва ерининг унумдорлиги жиҳатидан Яман Арабистон ярим оролидаги энг яхши районлардан ҳисобланади.

Яман қадимий тарихга эга. XIX асрнинг охириги чорагида Буюк Британия Яманнинг жанубий қисми устидан «васийлик» ўрнатди ва уни ўзининг протекторатига айлантirdи. Яман халқи мустамлакачилик зулмига қарши, мамлакатнинг суверен ҳуқуқлари ва мустақиллиги учун тўхтовсиз қуроли курашлар олиб борди. Натижада биринчи жаҳон урушидан кейин Британия Яманнинг суверен ҳуқуқларини танишга мажбур бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар Америка монополияларининг Яман экономикасига зўр бериб суқилиб кириши билан характерланди.



*Ходайда шаҳарининг умумий кўриниши.*



Яман — феодализм ва уруғчилик жамиятларининг сарқити сақланиб келаётган аграр мамлакатдир. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи деҳқончилик бўлиб, асосан кофе, буғдой, арпа, маккажўхори, чигит, тамаки экилади ва ток ўстирилади. Чорвачилик унча тараққий қилмаган. Соҳилга яқин қишлоқларда яшовчи аҳоли балиқчилик билан шуғулла-нади.

Яман ер ости қазилмалари, жумладан нефть конлари, темир рудаси, олтингугурт ва туз конларига бой.

Яманда фабрика- завод саноати йўқ, майда ҳунармандчилик корхоналари бор.

Четга кофе, тери, мева, бўёқ ва ҳунармандчилик буюмлари чиқаради. Четдан газмол, қанд, керосин, ёғоч-тахта ва машиналар келтиради. Мамлакат ўзининг савдо флотига эга эмас, шу туфайли унинг ташқи савдоси чет эл пароход компаниялари воситасида амалга оширилади.

Мамлакат аҳолисининг 95 проценти саводсиз, фақатгина 600 га яқин бошланғич мактаб бор. Бу мактабларда асосан бадавлат хонадонларнинг болалари ўқийди. Қиз болалар мактабларда ўқитилмайди. Сана шаҳрида технология билим юрти, қишлоқ хўжалик мактаби ва олий диний мактаб бор. Сўнгги йилларда маориф ишларини яхшилаш юзасидан айрим тadbирлар кўрилиб, ҳамма шаҳарларда тўлиқсиз ўрта мактаблар очилди.

Яман — абсолют теократик монархиядир. Қирол (имом) қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимиятига эга. Парламент, сиёсий партиялар ва касаба союзлари йўқ.

1958 йилда Яман федератив иттифоқ асосида Бирлашган Араб Республикасига қўшилди. Бу иттифоқ Бирлашган Араб давлати деган ном олди.

1956 йилда Яман билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик битими тузилди.

## Я П О Н И Я

Япония — Осиёнинг шарқий қирғоқларида, Тинч океан оролларида жойлашган давлат. Жами 6300 оролдан иборат, шулардан энг катталари Хоккайдо, Хонсю, Кюсю ва Сукоку.

Майдони 372 минг квадрат километр. Аҳолиси 94 миллион киши бўлиб, булардан 99 процентдан кўпроғи японлардир. Аҳолининг 47 проценти қишлоқларда яшайди.

Пойтахти Токио шаҳри (аҳолиси 9 миллион 903 минг киши).

*Табиий шароити.* Япон оролларининг кўп қисми тоғликлардан иборат бўлиб, паст текислик ерлар фақат денгиз бўйларида ва тор масофадаги соҳилда ўрнашган. Аҳолининг кўпчилиги шу паст текисликларда яшайди.

Тоғлари ёш бўлганлигидан ер қимирлаш жуда кучли бўлиб, тез-тез отилиб турадиган 35 вулкан бор.

Иқлими — мавсумий шамоллар таъсирида, ёзда денгиз таъсирида намли ва илиқ, қишда Осиё қитъаси таъсирида салқин ва кам ёғинлидир.

Тоғдан оқиб тушадиган дарёчалари кўп, серсув ва энергияга бой. Тоғли районлари ўрмон билан қопланган.

*Тарихи.* Японлар бундан бир неча минг йил муқаддам Осиёнинг денгиз бўйларидан кўчиб келиб, Япония оролларида ўрнашиб қолдилар ва ўзларининг давлатларини барпо этдилар.

XII асрдан XIX асргача феодал тузуми жуда зўрайиб, давлат ҳарбий ҳокимлар (сёгун) қўлида бўлди.

XIX асргача Япония Европа давлатлари билан алоқа қилмади. Бироқ, 1854 йилда америка империализми Японияни ғарбий савдогарлар билан алоқа боғлашга мажбур этди.

XIX аср охирига келиб Япония бошқа мамлакатларни босиб олишга киришди. 1894—1895 йилларда Хитойга, 1904 йилда эса Россияга ҳужум қилди. Сўнгги йилларда Кореяни босиб олди, Хитойга суқилиб кирди ва Тинч океанда бир қанча ороллари эгаллади. 1918—1922 йилларда япон империалистлари Совет Узоқ Шарқда интервенция уюштирдилар, аммо қаҳрамон Совет Армияси томонидан япон босқинчилари тор-мор қилинди.

1931 йилда Япония Хитойнинг шимоли-шарқий қисми — Манжурияни босиб олди. 1937 йилда эса бутун Хитойни босиб олиш учун уруш бошлади.

Япониянинг совет чегарасида, Хасан кўли районида (1938 йил) ва Мўғулистон чегарасидаги Халхин-кўл районида (1939 йил) ифвогарлик билан бошлаган ҳужумлари барбод бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида Япония фашист мамлакатлар — Германия ва Италия қаторида актив уруш қилди. Япония империалистлари Ҳиндихитой ярим оролини ва Индонезияни босиб олиб, Ҳиндистон чегарасигача келдилар.

Совет Иттифоқи гиллерчилар Германиясини тор-мор келтиргандан кейин, Япониянинг аҳволи оғирлашди. Совет Армияси ва АҚШ-Англия ҳарбий кучларининг зарбидан Япония ҳукумати 1945 йил 2 сентябрда таслим бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ороллари АҚШ аскарлари оккупация қилиб, ҳарбий базалар қурди. Аммо, япон халқи мамлакатда демократик ўзгаришлар учун ва Америка ҳарбий базаларига қарши курашни давом эттирмоқда.

Мамлакатда ишчилар шароити ёмон, иш ҳақи кам, ишсизлар кўп.

АҚШ империалистлари Япония устига 1945 йилда икки марта атом бомбаси ташлаб Хиросима ва Нагасаки шаҳарларини вайрон этдилар. Натижада бир неча юз минг аҳоли ҳалок бўлди, тирик қолганлари нур касалига мубтало бўлдилар. 1960 йил ёзда Японияга АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг келишига қарши бутун япон халқи намойиш қилди, иш ташлади ва унинг келишига йўл қўймади. Япон халқи АҚШ билан ҳарбий шартномаларни бекор қилиш учун астойдил курашмоқда.

*Хўжалиги.* Япония — анча юксалган индустриал — аграр мамлакат. Саноати жаҳон миқёсида салмоқли ўрин тутди. Иккинчи жаҳон урушигача чет элларга асосан арзон баҳоли ип-газлама сотар эди, эндиликда оғир саноат маҳсулотлари сота бошлади. Бутун саноат маҳсулотининг 70 проценти оғир саноатга тўғри келади.

Япония саноатининг муҳим хусусиятларидан бири — ишлаб чиқаришнинг йирик шеркатлар қўлида эканлигидир. Масалан, электр-энергия ишлаб чиқариш 9, чўян ва пўлат эритиш 7 компания қўлидадир.

Тошкўмир мамлакатнинг асосий қазилма бойлиги бўлиб, йилига 50 миллион тоннага яқин кўмир қазиб чиқарилади. Фойдали қазилмалардан мис, қўрғошин, рух ва табиий газ бор. Нефть ва темир рудаси жуда кам бўлиб, чет эллардан келтиради. Япония саноатининг етакчи тармоқлари металлургия, машинасозлик, кимё ва тоғ-кон саноатидир.

Қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам феодал муносабатлар сақланмоқда. Техника қишлоқ хўжалигида кам, лекин, экин майдонларига ўғит кўп солинади. Асосий экини — шоли бўлиб, японлар гуруч ва балиқни кўп истеъмол қиладилар.

Балиқчиликнинг аҳамияти катта. Япон балиқчилари овлаган балиқ бутун капиталистик дунёда овладанган балиқнинг 20—25 процентини ташкил қилади.

Чет элларга газмол, кийим-бош, чинни, паровоз, автомобил, кемалар, электр асбоб-ускуналари, фото ва радио аппаратлар ва чой чиқаради. Чет эллардан пахта, ўғит, каучук, темир рудаси, нефть, қалайи, туз ва озик-овқат келтиради.

*Маданияти.* Япон аҳолисининг 97 проценти саводли. Мамлакатда 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий қилинган. Мавжуд бўлган 6 йирик университет ва 66 институтда ярим миллион студент таълим олмақда. Олий таълим ва медицина хизмати пуллик. Мамлакатда кино санъати юксак даражада бўлиб, 1959 йилда 534 бадий фильм ишланди ва булардан 159 таси рангли фильмлардир.

*Давлат тузуми.* Япон империализми иккинчи жаҳон урушида енгилгандан кейин, 1947 йилда янги конституция қабул қилинди. Бу конституцияга кўра, Япония — конституцияли монархия бўлиб, давлат бошлиғи императордир. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Парламент. У икки палатадан: қўйи палата — вакиллар палатаси ва юқори палата — маслаҳатчилар палатасидан иборат.

*Сиёсий партиялари.* Либерал — демократик партия — 1955 йилда тузилган, монополистик капитал, йирик ер эгалари ва милитаристик доиралар партияси. Бу партия ҳарбий кучларни тиклаш, Америка билан ҳамкорлик қилиш сиёсатини юргизмоқда; Социалистик партия — 1945 йилда тузилган, майда ва ўрта буржуазия, юқори малакали ишчилар, зиёлилар, деҳқонлар партияси. Бу партия Япониянинг нейтрал сиёсат юргизиши учун, Америка билан ҳарбий ҳамкорликка қарши, СССР билан яхши муносабатлар ўрнатиш учун курашмоқда; Коммунистик партия — 1922 йилда тузилган.

Япония билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Кейинги йилларда савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилди.

Япониянинг сиёсий ҳаёти сўнгги йилларда жуда ҳам кескинлашиб кетди. Бу ҳескинлик япон халқининг демократик ҳуқуқ, турмуш даражасини яхшилаш, ишсизликни тугатишни (мамлакатда ишсизларнинг сони 10 миллионга етади) мақсад қилиб қўймоқда. 1960 йилнинг июль ойида истеъфо беришга мажбур бўлган Киси ҳукумати ва шунингдек Хаято Икэда бошчилигидаги янги ҳукумат халқ манфаатларига зид сиёсат юргизиб, Японияни Америка агрессив доираларининг қучоғига отмоқда. Мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатида америка империалистларининг таъсири кучаймоқда.

Япон халқи демократия учун, мустақиллик учун ва тинчлик учун ҳормай-толмай курашмоқда.

## ҚУВАЙТ

Қувайт — Арабистон ярим оролининг шимоли-шарқида жойлашган кичик князлик, Буюк Британия протекторати, Эрон ва Саудия Арабистони билан чегарадошдир. Шарқ томони эса Форс қўлтиғига туташган.

Майдони 21 минг квадрат километр. Аҳолиси 206,5 минг киши. Халқининг асосий қисми араблардан иборат. Пойтахти Ал-Қувайт шаҳри (аҳолиси 120 минг киши).

Ер усти яхлит текисликдан иборат бўлиб, унинг катта қисмини қовжнраган саҳро ишғол қилади. Доимий оқиб турувчи дарёлари йўқ. Усимликларга жуда камбағал, қуруқ ва тропик иқлимга эга бўлиб, ёмғир жуда оз ёғади.

1871 йилда Қувайтни турк феодаллари босиб олди. XIX асрнинг охирларида Қувайт территориясига инглиз ва немис империалистлари суқилиб кира бошладилар. Буюк Британия билан Туркия ўртасида 1913 йилда тузилган шартномага кўра Англия Қувайтни Туркиянинг «автоном уезди» деб таниди ва унинг устидан ўз протекторатини ўрнатмаслик мажбуриятини олди. Туркия эса 1899 йилда тузилган Англия — Қувайт шартномасини тан олди ва Қувайтнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик мажбуриятини маъқуллади.

Биринчи жаҳон урушида Туркиянинг мағлубияти турк феодалларининг Қувайтдаги таъсирининг йўқолишига ва Англиянинг Қувайтдаги позицияларининг кучайишига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қувайтга америка капитали суқилиб кира бошлади.

Қувайт — феодал муносабатлари ва уруғдошлик жамияти сарқитлари ҳукмрон бўлган иқтисоди қолоқ мамлакатдир. Хўжаликнинг асосий тармоғи чорвачилиқдир. Ип йигириш, тўқувчилик ва шунга ўхшаш уй ҳунарлари кенг тарқалган.

Қувайт нефтга бой. Капиталистик дунёда нефть қазиб чиқариш бўйича учинчи, нефть запаслари бўйича (8268 миллион тонна) эса биринчи ўринда туради. Нефть қидириш, қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш инглиз-америка нефть компанияси «Қувайт ойл Компани» қўлидадир.

АҚШ ва Англия империалистлари мамлакатнинг молия ва ташқи савдоси устидан контроллик қилади. Мамлакат ташқи савдоси унча ривожланмаган бўлиб, мустамлака характерига эга. Четга жун, тери ва марварид чиқаради. Четдан асосан тўқимачилик буюмлари, қанд, гуруч, кофе, чой ва саноат товарлари келтиради.

Аҳоли ўртасида саводхонлик даражаси жуда ҳам паст. 1954 йилда 26 эрлар ва 13 қизлар мактаби бўлган, холос. Қувайт ўзининг миллий ўқитувчи кадрларига эга бўлмай, мактабларда ишлаш учун асосан БАҲ ва Ливан ўқитувчилари таклиф қилинади. Шунингдек, нефть саноати учун мутахассислар тайёрлайдиган биттагина техника мактаби бор.

Қувайт — шайх бошчилигидаги князликдир. Шайх мамлакатга расман ҳукмрон. Лекин, Қувайтдаги инглиз маслаҳатчиси — сиёсий резидент князликни идора қилиш соҳасида катта ваколатларга эга.

## ҒАРБИЙ ИРИАН

Ғарбий Ириан — Индонезиянинг Голландия ҳукмронлик қилиб турган қисми ҳисобланиб, Янги Гвинея оролининг ғарбий бўлагини ишғол қилади.

Майдони 413 минг квадрат километр. Аҳолиси 700 минг киши. Халқининг кўпчилиги папуаслардир. Холландия шаҳарчаси (11,2 минг аҳолига эга) маъмурий марказ ҳисобланади. Ғарбий Ирианнинг марказий ва шимолий томонлари тоғли рельефга эга. Оролдан оқиб ўтадиган жуда кўп серсув ва серостона дарёлар кўп жойлари ботқоқликлардан иборат бўлган кенг паст текисликларни ҳосил қилган. Соҳил бўйи текисликлари ўзининг сернам тропик иқлими билан ажралиб туради.

Оролнинг ўсимликлар олами жуда хилма-хилдир. Бу ерда фақат қурилиш материали ва саноат учун хом ашё берадиган ўсимликлардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотини ҳам берадиган қимматли дарахт навлари ўсади.

Ғарбий Ириан тарихи кўп асрлар давомида Малайя архипелагининг бошқа қисмлари тарихи билан боғланиб келган. VI—XI асрлар ўртасида Ғарбий Ириан Шривиджайя империяси составида бўлди. XVI аср охирида эса Тимор султонлигига қўшилиб, Португалия ҳукмига ўтди.

1828 йилда Индонезиядаги голланд маъмурлари Ғарбий Ирианни босиб олишга уриниб кўрдилар. 1848 йилга келиб голландияликлар Ғарбий Ириан территориясидаги ўз мустамлакалари чегарасини аниқладилар ва бу нарса Англия, Германия ва шунингдек Гвинея территорияларига кўз тиккан бошқа мамлакатлар билан 1885 йилда тузилган шартномада тасдиқланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ғарбий Ирианни японлар босиб олди. Лекин, голландиялик мустамлакачилар япон-

ларни бу ердан суриб чиқараётган америка-австралия қўшинлари билан кетма-кет яна Ғарбий Ирианга қайтиб келдилар. Голландия БМТнинг Индонезия учун тузилган комиссиясининг қўллаб-қувватлашига таяниб, Ғарбий Ирианни Индонезия Қўшма Штатлари составига топширишдан бош тортиди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, Осиё халқлари империалистлар ҳукмронлигидан бирин-кетин озод бўла бошлаган даврда Ғарбий Ирианнинг стратегик аҳамияти янада ошди. АҚШ уни ўзининг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базалари системасига тортишга уринди.

1952 йилда Голландия қироллиги конституцияси қайта кўрилиб, Ғарбий Ириан қироллик территорияси составига қўшиб олинди.

Ғарбий Ириан хўжалигида ибтидоий усулдаги деҳқончилик устун туради. Соҳил бўйи районларда балиқ (йилига 2—3 минг тонна) ва трепангалар овланади ҳамда марварид ва садаф қидирилади.

Бу ерда маҳаллий хом ашё базасида ишлайдиган ҳунармандчилик саноати ривожланган. Нефть ва мис рудаси қазиб чиқарилади. Оролда жуда кўп атом хом ашё запасларининг борлиги империалистлар диққатини айниқса жалб қилмоқда.

Оролнинг асосий экспорти — нефть, кокос ёнғоқ мағизи, кофе, каучук, ёғоч материаллари ва тимсоҳ териси каби товарлардан иборат. Гуруч ва газмоллар четдан келтирилади.

Мустамлака маъмурияти тепасида губернатор туради. Унинг ҳузурида ҳукумат кенгаши мавжуд.

Индонезия халқи Ғарбий Ирианнинг Индонезия билан қайта қўшилиши учун курашмоқда.

Голландиялик мустамлакачилар ва уларнинг америкалик ҳомийларининг сиёсати Ғарбий Ирианни СЕАТОнинг ҳарбий базасига, Жануби-Шарқий Осиёдаги стратегик плацдармга айлантиришга қаратилгандир.

## ҲИНДИСТОН

Ҳиндистон — Осиёнинг жанубида, Ҳималай тоғлари билан Ҳинд океан орасида жойлашган давлатдир. У Покистон, Хитой Халқ Республикаси, Непал ва Бирма билан чегарадош. Ҳиндистон ярим ороли жанубда Ҳинд океан, ғарбда Арабистон денгизи ва шарқда Бенгалия қўлтиғи билан ўралган.

Ҳиндистоннинг майдони 3 миллион 293 минг 194 квадрат километр. Аҳолиси 440 миллион 645 минг киши. Ҳиндлар 200 дан ортиқроқ тилларда сўзлашувчи жуда кўп халқлар группасидан иборатдир. Тиллар ичида энг кўп тарқалгани ҳинди ва бенгали тилларидир. Ҳинди тили давлат тилидир. Инглиз тили ҳам вақтинча давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Деҳли шаҳри (аҳолиси 1,4 миллион киши).

*Табиий шароити.* Ҳиндистон ер усти тузилиши жиҳатидан уч асосий қисмга: Декан ясси тоғлиги, Ҳималай тоғлари ва Ҳинд-Ганг паст текислигига бўлинади.

Декан ясси тоғлиги Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисмини эгаллаб, Нарбада ва Сон дарёлари уни икки қисмга ажратади. Бу ясси тоғликнинг ғарбий ва шарқий чеккаларида Ғарбий Гат ва Шарқий Гат тоғлари чўзилиб кетган.

Ҳималай тоғлари Ҳиндистонни Марказий Осиёдан ажратиб туради, бу тоғ тизмалари Ҳиндистон билан Хитой ва Непал ўртасидаги чегара бўйлаб шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилиб боради. Тоғларнинг этакларида одам ўта олмайдиган қалин, доимо кўм-кўк ўрмонлар ўсади.

Ҳинд-Ганг (Ҳиндистон) паст текислиги Ҳималай тоғларидан жанубда жойлашган. Паст текисликни азим дарёлар — Ҳинд (3180 километр), Ганг (2700 километр) ва Брахмапутра (2960 километр) суғоради.

Ҳиндистоннинг иқлими жуда иссиқ бўлиб, ёзнинг ўртача температураси  $+26+32$  даража, қишники эса  $+18+25$  даража ўртасидадир.

Ҳайвонот ва ўсимликлар олами жуда бой ва хилма-хилдир. Мамлакат территориясининг 15 процентдан кўпроғини ўрмонлар ишғол қилади.

Ҳиндистон фойдали қазилмаларга жуда бой мамлакат бўлиб, темир, марганец, хромит, мис ва нефть запаслари бор. Боксит запаслари бўйича Ҳиндистон дунёда иккинчи ўринда туради. Фойдали қазилмалар асосан мамлакатнинг жануби-шарқий, шарқий ва марказий районларида жойлашгандир. Айниқса, Бихар ва Ғарбий Бенгалия штатлари мамлакатда қазиб чиқариладиган минерал хом ашёларнинг 50 процентини беради. Ҳиндистон слюдага ҳам бой бўлиб, дунё бозорининг ана шу хом ашёга бўлган эҳтиёжининг 80 процентини қондиради.

Ҳималай ва Декан ясси тоғларидан оқиб тушадиган дарёлар сув энергиясига бойдир. Гидроэнергия ресурсларининг умумий запаси тахминан 40 миллион килловатт ҳисобланади.

Фойдали қазилмалар, гидроресурслар ва ўрмон бойликлари узоқ вақт давомида чет эл капиталистларининг бойиш



манбаи бўлиб келди. Эндигина бу бойликлардан Ҳиндистоннинг ўз манфаатлари учун фойдаланила бошлади.

*Қисқача тарихи.* Ҳиндистон жуда қадимий ва бой тарихга эгадир. Қадимий маданият ёдгорликлари эрамиздан аввалги III асрдаёқ Ҳиндистон маданияти жуда юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

XV асрнинг охирида европалик босқинчилар Ҳиндистонга суқилиб кира бошладилар. Даставвал португаллар Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоғига жойлашиб олдилар. XVII асрда голландлар, инглизлар ва французлар Ҳиндистонга тажовуз қилдилар, Европа давлатлари ўртасида Ҳиндистон учун кураш бошланди. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Англия бутун Ҳиндистонни ўз ҳокимиятига бўйсундирди.

Англия мустамлакачилари аҳолини талаш ва феодалларча эксплуатация қилиш йўли билан Ҳиндистоннинг жуда кўп бойликларини ўзлаштирдилар. Бу эса Англияда капитализмнинг ривожланишини тезлатди, лекин Ҳиндистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини вайрон қилди, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётини гоят секинлаштирди. Ҳунармандчилик саноати ва қишлоқ хўжалиги пасайиб кетди. Очлик ва қашшоқлик миллионларча ҳинд деҳқонлари ва ҳунармандларининг қисмати бўлиб қолди. Мустамлакачиларнинг жабрзулмига қарши ҳинд халқи мардона курашди ва миллий мустақилликка эришди. Бироқ, империалистларнинг кирдикорлари туфайли 1947 йилда Ҳиндистон икки доминионга — Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб юборилди. Кўпчилик аҳолиси ҳинду динида бўлган районлар Ҳиндистон составига, аҳолисининг аксарият қисми ислом динида бўлган районлар Покистон составига киритилди. 1950 йилда Ҳиндистон ўзини республика деб эълон қилди ва мустақил тараққиёт йўлига кирди.

Ҳиндистон Республикасининг барпо этилиши Осиёдаги вазиятни ўзгартириб юборди, чунки бу ҳол Ҳиндистоннинг Осиёда инглиз империализмининг таянчи бўлмай, Осиёдаги энг буюк мамлакатлардан бири халқаро сиёсат соҳасида мустақил роль ўйнай бошлаганлигини кўрсатди.

*Хўжалиги.* Ҳиндистон қоқоқ, аграр мамлакат бўлиб, ундаги ишга яроқли аҳолининг 72 проценти қишлоқ хўжалигида банддир.

Мустамлака ҳисобланган Ҳиндистонда ернинг катта қисми мустамлакачилар томонидан қўллаб-қувватланган маҳаллий помешчик-феодаллар (заминдорлар) қўлида эди. Деҳқонлар ерни заминдорлардан ижарага олар эдилар. Ер жуда қоқоқ усулда ишланарди. Бир қанча районлардаги энг яхши ерларда инглиз капиталистлари плантациялар ташкил қилиб, ёлланма ишчиларнинг арзон меҳнатидан фойдаланар эди.

15 Жаҳондаги мамлакатлар

Ҳиндистон республика деб эълон қилингандан сўнг заминдорлар қўлидаги ерларнинг бир қисми ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилди, экин майдонларини кенгайтириш учун янги каналлар қазилиб, қўриқ ерлар ишга солина бошлади. 1952—1955 йиллар мобайнида мамлакатда тахминан 240 минг гектар чўл ўзлаштирилиб, 520 минг гектар ерга сув чиқарилди.

Ҳўжалик план асосида ривожлана бошлади. Биринчи ва иккинчи беш йиллик планлар (1956—1961) яхши натижалар билан якунланди. Ҳозир мамлакатда учинчи беш йиллик плани бажаришга киришиш учун зўр тайёргарлик кўрилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигида деҳқончилик етакчи тармоқ ҳисобланиб, ишланадиган ерларнинг 90 проценти шоли, буғдой, маккажўхори ва арпа экинлари билан банддир.



*Ҳиндистон халқ оркестрининг (химачал Прадеш штати)  
музикачилари.*



*Бхилай металлургия заводи.*

Техника экинлари, айниқса жут ва пахта экиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳиндистонда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ҳали жуда паст даражада. Бир гектар майдондан олинадиган ўртача буғдой ҳосили 700 килограммни ташкил қилса, Европада бу миқдор 1810 килограммни ташкил қилади. Шолидан олинаётган ўртача ҳосил гектар бошига 1180 килограммни ташкил қилса, бошқа мамлакатларда бу ҳосил 4220 килограммни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳаммаси бўлиб 30 минг трактор ишлайди. Мавжуд омовларнинг фақат 5 процентигина темир омовлардир. Мамлакатда қишлоқ хўжалик кооператив ҳаракати жуда секин ривожланиб, механизациялаштирилган бир неча давлат фермалари тузилган, холос. 1956 йилда Суратгархда (Рожастон) Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган давлат фермаси шулар жумласидандир.

Ҳиндистонда оғир саноатнинг асосий тармоқлари — металлургия, машинасозлик, кимё кам ривожланган. Енгил саноат тармоқлари, айниқса ип-газлама ишлаб чиқарувчи саноат анча ривожланиб, бу жиҳатдан Ҳиндистон дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Шунингдек, жут ишлаб чиқариш ҳам кенг тарқалган, унинг маҳсулоти бутун тўқимачилик фабрикалари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг 12 процентини ташкил қилади.

Учинчи беш йиллик план (1961—1966) лойиҳасида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган оғир саноатни вужудга келтиришга катта аҳамият берилган. Бу вазифани амалга ошириш учун беш йилликда ажратилган ҳамма маблағнинг 50 процентини сарфлаш кўзда тутилади.

Оғир индустриянинг кўпчилик қурилаётган корхоналари ҳукуматга тегишлидир. Ҳозирги вақтда паровозсозлик ва ойна ишлаб чиқарадиган заводлар каби қатор янги давлат корхоналари барпо этилди. Ранчи шаҳрида (Бихар штати) қурилиши мўлжалланган оғир машинасозлик заводи йилига 128 миллион рупиялик механизм ва ускуналар етказиб беради.

Оғир индустрияни вужудга келтиришда Ҳиндистонга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар катта ёрдам кўрсатмоқда. 1959 йилнинг февраль ойида СССР ёрдами билан қурилган Бхилай металлургия заводи биринчи маҳсулот берди. Совет мутахассислари Ҳиндистонда йирик машинасозлик заводи қурилиши лойиҳасини ҳам тайёрладилар. Бу завод Бхилай металлургия заводига тенг келадиган металлургия комбинати учун бир йил ичида комплекс ускуналар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Тоғ-кон ва нефть саноатлари ҳам ривожланмоқда. Мамлакатда майда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши саноати тез ўсиб, бу соҳада 15 миллион киши машғулдир.

Учинчи беш йиллик план лойиҳасида Ҳиндистон экономикасини ривожлантириш учун 102 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Шундай 62 миллиард сўм давлат секторига, 40 миллиард сўм эса хусусий сектор учун ажратилган. Давлат сектори учун ажратилган капитал маблағнинг 23,1 проценти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади.

Учинчи беш йиллик мамлакат экономикасини янги босқичга кўтаради. 1966 йилга бориб, Ҳиндистонда электр станцияларнинг қуввати 11,8 миллион киловаттга етади. Шунингдек кўмир қазиб чиқариш 97 миллион, алюмин ишлаб чиқариш 75 минг, цемент ишлаб чиқариш 13 миллион тоннага етказилади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳам бирмунча кўлайтирилиб, суғориладиган ер майдонлари кенгайтирилади, 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларни мактабларда бепул мажбурий таълимга жалб этиш амалга оширилади.

Ҳиндистон чет мамлакатлардан машина ва ускуналар, қора металллар, озиқ-овқат, нефть ва нефть маҳсулотлари келтириб, четга чой, жут буюмлари, ип, газлама ва тамаки чиқаради.

Ҳиндистон халқи 1961 йилнинг декабрь ойида Ҳиндистон ярим оролининг ғарб томонидаги территориялар: Гоа, Диу, Даманни (майдони 4194 квадрат километр, аҳолиси 645 минг киши) Португалия мустамлакачиларидан озод қилиб, ҳинд халқининг орзусини рўёбга чиқарди.

*Давлат тузуми.* Ҳиндистон — парламентли республикадир. Давлат ҳокимияти ва ижро этувчи ҳокимият президент қўлида бўлиб, у беш йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — парламент икки палатадан ташкил топгандир. Республика ҳукумати — Министрлар Совети президент томонидан тайинланади ва Халқ палатаси олдига коллектив жавобгар ҳисобланади.

*Сийсий партиялари.* Ҳиндистон Миллий конгресси — 1855 йилда тузилган ҳукмрон партия; Коммунистик партия — 1933 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади; Халқ социалистик партияси — 1952 йилда тузилган. Бу партиянинг ўнг бошлиқлари ишчи ва деҳқонлар ҳаракатидан келишмовчилик чиқариш сиёсатини амалга оширади; Жан Сингх — диний — жамоа партияси — помешчиклар манфаатини ифода қилиб, ҳиндларни мусулмонларга қарши қўйиш сиёсатини юргизади.

Ҳиндистон социал системалари ҳар хил бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшашлари беш принцинга асосланган тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик лагеръ мамлакатлари билан олиб бораётган муносабатлари ўзаро дўстлик ва тинч ҳамкорлик қилишнинг яққол намунасидан иборатдир. Бу мамлакатлар Ҳиндистон экономикасини ривожлантиришда унга катта дўстона, беғараз ёрдам кўрсатмоқдалар.





*Appuka*









**А**

фрика қитъаси майдонининг катталиги жиҳатидан (30 миллион квадрат километр) ер шарида Осиёдан кейин иккинчи ўринда туради.

Африка аҳолиси 230 миллион киши бўлиб, асосан негрлар, араблар ва барбарлардан иборатдир. Бундан ташқари, бутун аҳолининг 2 процентдан камроғини (5 миллион киши) европаликлар ташкил қилиб, улар асосан Жанубий Африка Республикаси ва Жазоирда яшайдилар.

Африка халқлари қадим замонларда ўзига хос юксак маданият яратганлар. Бироқ XV асрнинг бошларида қитъага европалик босқинчиларнинг кириб келиши билан Африка халқлари маданиятининг ривожланиши тўхтади.

XV асрдан бошлаб узоқ вақтлар давомида европалик қул савдогарлари Африкадан америка плантациялари ва конларига ишчи кучи етказиб берадиган улкан манба сифатида фойдаланиб келдилар. XVI асрда Африка территориясида мустамлакачиликнинг таянч пунктлари — савдо факториялари ва европаликларнинг дастлабки доимий аҳоли пунктлари пайдо бўлади. XIX асрда Африкани бевосита мустамлака қилиш даври бошланди.

Африка жуда бой қитъадир. У, капиталистик дунёда қазиб чиқарилаётган олмоснинг 90 процентдан кўпроғини, олтиннинг қарийб 60, кобальтнинг 73, хром рудасининг 30 ва платинанинг 14 процентини етказиб беради. Бу ерда гоят муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган уран запаслари мав-

жуд, уни қазиб чиқариш бўйича Африка капиталистик дунёда иккинчи ўринда туради. Африка нефтга ҳам бой. Дунёда етиштирилаётган ўсимлик толасининг 41,3, пальма ёнғоғининг 86,8, какаонинг 63,9, кофенинг 16 ва пахтанинг 9,5 процентини Африка қитъаси беради.

Экономикасининг муваффақиятли ривожланиши учун гоёат бой имкониятларга эга бўлган Африка европаликларнинг қарийб беш юз йиллик ҳукмронлиги натижасида энг камбағал бўлиб қолди. Африканинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг турмуш даражаси дунёда энг паст даража ҳисобланади. Ҳар бир африкаликнинг хусусий даромади европаликнинг даромадидан тахминан эллик марта кам. Туб аҳоли ўртасидаги ўртача умр даври 23—30 йилга тенгдир. Туғилган ҳар тўрт боланинг бири ёшига етмай ўлиб туради. Ишчилар жуда ҳам оғир шароитда кун кечирадилар. Африкалик пролетарларнинг иш ҳақи оқ танли ишчининг оладиган иш ҳақидан 15—20 марта, қитъадаги баъзи мамлакатларда эса 50 марта камдир.

Африка халқлари ўзларининг ҳуқуқсизликларига ҳеч вақт рози бўлмадилар. Европалик мустамлакачиларга қарши курашларда Африканинг юз мингларча ватанпарварлари жонларини фидо қилганлар. Озодлик курашлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча кучайди.

Ҳозирги вақтда социалистик лагернинг куч-қудрати Африка халқларининг миллий мустақилликка эришиши ва уни мустақамлаш йўлида олиб бораётган курашларига мадад бермоқда. Халқларнинг мустамлака асоратидан озод бўлиши кейинги йиллар ичида айниқса кенг қулоч ёйди. Фақат 1960 йилнинг ўзидагина Африкада 17 мустақил давлат вужудга келди. 1961 йилнинг охирида қитъадаги мустақил давлатларнинг сони 29 га етди. Миср, Либерия, Жанубий Африка Республикаси, Эфиопия, Ливия, Судан, Марокаш, Гвинея, Камерун, Того, Сенегал, Мали, Мальгаш, Конго (собиқ Бельгия Конгоси), Сомали, Дагомея, Нигер, Юқори Вольта, Фил Суяги Қирғоғи, Гана, Чад, Марказий Африка Республикаси, Конго (собиқ Франция Конгоси), Нигерия Федерацияси ва Мавритания Ислом Республикаси каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

Бу мамлакатларнинг озодликка эришганликлари иқтисодий мустақилликни қўлга киритишга қаратилган муҳим ўзгаришларни бошлаб юбориш имконини туғдирди.

Еш Африка давлатларида экономикада кучли давлат секторларини вужудга келтириш тадбирлари кўрилмоқда.

Ганада беш йиллик план бўйича 1959—1964 йиллар ичида 600 га яқин sanoat корхоналари қурилиши керак. БАРда катта sanoat қурилишлари олиб борилмоқда. Гвинея республика-

си ўзининг 1960—1962 йилларга мўлжалланган уч йиллик планини амалга оширишга хиришди.

Мустақил Африка давлатларининг ҳукуматлари экономикани чет эл капиталининг ҳалокатли таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ташқи савдонинг мустамлакачилик характерини тугатишга кўп эътибор бермоқдалар. Гвинея республикасида ташқи савдо бошқармасининг барпо этилганлиги мамлакат экономикасининг француз бозорига қарамлигини анча бўшаштирди ва социалистик мамлакатлар билан ўзаро фойдала, тенг ҳуқуқли савдо алоқаларини кенгайтириш имконини берди. Ганада асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланган какаоининг четга чиқарилиши устидан давлат монополияси жорий этилди.

Африкадаги мустақил давлатларнинг дастлабки муваффақиятлари мустамлакачи назариётчиларнинг Африка халқларининг «қобилиятсизлиги» тўғрисидаги илмий назарияларнинг сохталигини исботлаб берди.

Ҳозирги вақтда Африканинг кўпгина аҳолиси ҳали ҳам мустамлака қуллиги занжиридадир. Англия, Франция, Бельгия, Португалия ва Испания мамлакатлари Африкада умумий майдони ўз территорияларидан 10 марта катта мустамлакалар, протекторатлар, васийликдаги территориялар ва «вилотлар»га эгалик қилмоқдалар.

Мустамлакачилар умри тугаб бораётган мустамлакачилик системасини қутқариб қолиш ва унинг охири таянчи бўлган Африка қитъасини ўз контроллари остида қолдириш учун қўлларидан келган ҳар қандай имконият ва усуллари ишга солмоқдалар. Француз мустамлакачилари авж олиб кетган озодлик ҳаракатини бостиришга уриниб, етти йилдан бери Жазаирда қонли уруш олиб бормоқда. Бельгиялик мустамлакачилар эса бошқа империалистик давлатларнинг, биринчи галда АҚШнинг ёрдами билан Конго халқига қарши очиқдан-очиқ агрессия йўлига ўтди. Бу нарса ер юзидаги бутун тинчликсевар кучларнинг қаҳр-ғазабини кўзғатиб юборди.

Миллий-озодлик ҳаракатлари мисли кўрилмаган даражада авж олган ҳозирги шароитда мустамлакачилар асоратидаги мамлакатларда бевосита сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликнинг эски усулларини қўлланиш билан ўз позицияларини ортиқча сақлаб қололмайдилар.


Европалик империалистлар курашга бел боғлаган Африка халқларининг талаби остида ўзларининг бир қатор мустамлакаларига мустақиллик беришга мажбур бўлмоқдалар. Лекин шунга қарамай, улар ўзларининг илгариги ҳукмронлик мавқеларидан маҳрум бўлиб қолишга рози бўлолмайдилар. Эндликда, улар ўз мақсадларига бошқача йўл билан, тари-

хий вазиятга кўра ўзгартирилган янги усуллар билан эришишга уринмоқдалар. Мустамлакачилик «неоколонизм» деб аталган бошқа бир яширин шаклга кириб олишга интиломоқда. Империалистик давлатлар эндигина мустақиллик олган мамлакатларнинг молиявий қийинчиликларидан фойдаланиб, уларга сиёсий ва иқтисодий характерда бўлган асоратли шартномаларни зўрлаб қабул қилдирмоқдалар, уларнинг аграр-хом ашё мамлакатлари бўлиб қолишларига ҳаракат қилмоқдалар ва «коммунизмга қарши кураш» байроғи остида уларни агрессив блокларга тортишга уринмоқдалар.

Империалистик давлатлар ўзларининг собиқ мустамлакаларига расмий мустақиллик бериш билан, у мамлакатларда ўз қўшинларини қолдирмоқдалар ва ҳозирги замон мустамлакачилигининг асосий таянчи — экономиканинг ҳал қилувчи тармоқларига ўз капиталларини сарфлашни давом эттирмоқдалар. Ҳозирги вақтда Африкадаги кўпчилик мустақил давлатлардан кўпчилигининг саноат ва қишлоқ хўжалигини чет эл капитали контроль қилиб турибди. Африкада инглиз капиталининг ҳиссаси 5 миллиард, Бельгияники 4,8 миллиард ва Францияники 2 миллиард долларни ташкил қилади.

Африка бойликларини эгаллаш учун олиб борилаётган курашда Европадаги мустамлакачи давлатларнинг қабиҳ манфаатлари бир-бири билан доимо тўқнашиб туради. Америка Қўшма Штатлари миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши натижасида Европа мустамлакачилари ўртасида келиб чиқаётган келишмовчиликлардан фойдаланиб, ёш мустақил давлатларга «ёрдам» баҳонаси билан Африкада иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ҳал қилувчи фактор бўлиб олишга интиломоқда. Кейинги беш-олти йил ичида Американинг Африка қитъасидаги активлиги айниқса кучайиб кетди. Америка империализми бу ерда аста-секин неоколонизмнинг асосий кучига айланиб бормоқда. Ҳозир Африкада табиий бойликларни қазиб чиқариш билан машғул бўлган 200 га яқин америка фирмалари бор. АҚШнинг уран, олмос, нубия, кобальт ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларини Африка таъминлаб туради. Америка фирмаларининг Африкадан олаётган ўртача фойдаси дунёнинг бошқа ҳар қандай районида олаётган фойдадан 30 процент кўпдир.

Кейинги вақтларда Африкага ғарбий герман капиталининг қизиқиши ҳам зўрайди. ГФРнинг иқтисодий экспансияси даставвал Африканинг ташқи савдосига суқилиб киришдан бошланди. Масалан, 1951—1959 йиллар ичида Ғарбий Германиянинг Африкага экспорти уч мартадан кўпроқ ошди. ГФРнинг ташқи савдо экспансияси Африкага ғарбий герман капиталининг кириб келиши билан бирга олиб борилмоқда. ГФРнинг



Африка қитъасининг сиёсий картаси

Африкадаги капитали йил сайин кўпайиб, 1959 йилда 157,7 миллиард герман маркасига етди.

Мустамлакачиларнинг ҳар қандай воситалар билан Африкада ўз позицияларини сақлаб қолишлари йўлидаги интилишларига энд ўлароқ, халқларнинг тўла сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун олиб бораётган кураши кун сайин авж олиб бормоқда.

Конго халқи ўз эркинлигини кўкрак кериб ҳимоя қилмоқда. Жазоирликлар оғир қурбонларга қарамай, ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиш учун курашмоқда. Африка қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам миллий-озодлик ҳаракати хилма-хил шаклларда кенгайиб бормоқда. Бу курашларда ишчилар синфи энг муҳим куч сифатида намоён бўлмоқдаки, 1960 йилда Африкада уларнинг сони 10 миллиондан ошиб кетди.

Империалистларнинг кирдикорларига жавобан Африка халқлари ўз жипслигини мустаҳкамламоқда. Саккиз мустақил давлатнинг 1958 йил апрелда Гана пойтахти Аккра шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида бу жипсликка асос солинган эди. 1961 йил январда Касабланка шаҳрида БАР, Марокаш, Гана, Гвинея, Мали, Ливия ва бошқа мамлакатлар иштирокида бўлиб ўтган кенгаш африкаликларнинг ўсиб бораётган бирдамлигининг янги шоҳиди бўлди. Кенгаш қарорларида марказий ўрин эгаллаган Касабланка хартияси Африкада мустамлакачиликни ва унинг барча кўринишларини батамом тугатишни ўртага ташлади.

Империалистик давлатларнинг ёш Африка мамлакатларини агрессив блокларга тортиш ва уларнинг иқтисодий ривожланишини империалистларга фойда келтирадиган изларга буриб юбориш йўлидаги уринишларига қарши Африкадаги мустақил давлатлар тинчликсевар лагерь мамлакатлари билан маҳкам дўстлик алоқалари ўрнатдилар.

Бу давлатлар ташқи сиёсатининг позитив бетарафлик, агрессив блокларда қатнашмаслик асосида бораётган йўналиши, тинчликсевар кучларнинг халқаро кескинликни юмшатиш йўлида олиб бораётган курашларда муҳим фактор бўлиб хизмат қилади. Африка халқаро муносабатларда тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. Африка халқларининг тўла озодлик йўлида олиб бораётган курашларини ер юзидаги барча прогрессив кучлар қўллаб-қувватламоқда.

## АНГОЛА

**А**нгола— Ғарбий Африкада жойлашган Португалия мустамлакаси. Шимолда Конго республикаси, шарқда Шимоллий Родезия, жануби-шарқда Бечуаналенд ва жанубда Жануби-Ғарбий Африка билан чегарадош. Территориянинг ғарбий қисми Атлантик океанига туташ.

Майдони 1 миллион 247 минг квадрат километр, яъни Португалия территориясидан 14 баравар катта. Аҳолиси 4 миллион 550 минг киши, шу жумладан 100 мингдан ошиқроғи европаликлардир. Аҳолиси асосан банту тилида сўзлашадиган қабилалардан ташкил топган.

Маъмурий маркази Луанда шаҳридир (аҳолиси 190 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг катта қисми ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 1000 метр бўлган ясси тоғ ва тепаликлардан иборат. Фақат Атлантик океан қирғоғи бўйлаб тор паст текисликлар бор. Ангола экваторга яқин жойлашгани сабабли иқлими иссиқ; атлантик соҳилининг жанубий ва марказий қисмида иқлими нисбатан салқин. Ангола дарёларга сероб, ўсимлик дунёси турли-тумандир. Бу ерда Африкада ўсадиган ўсимликларнинг ҳамма турини учратиш мумкин.

*Қисқача тарихи.* Ангола номи қадимдан машҳур. Урта асрларда ҳозирги Ангола территориясида учта катта қироллик — Конго, Луанда ва Ангола қиролликлари ҳукмрон эди. Бу қиролликларнинг бирлашишидан ташкил топган Ангола ўз замонасининг бой ва кучли давлатларидан бири бўлган. 1482 йилда бу ерларда португалияликлар пайдо бўлдилар. Улар турли ҳийла-найранглар ишлатиб, Конго, Луанда ва Ангола қиролликларини тузоққа туширдилар. XVIII аср охириларида мустамлакачилар мамлакатда тўла ҳукмронлик ўрнатдилар. XIX аср охиригача португалияликлар неча ўн минглаб кишиларни қул қилиб сотдилар.

Қул савдоси тақиқлангандан сўнг мамлакатни аграр хом ашё базасига айлантириш, аҳолини эксплуатация қилиш кучайди. Мустамлакачилар аввало ҳосилдор ерларни маҳаллий аҳолидан тортиб ола бошладилар. Расмий маълумотларга қараганда, Португалия капиталистлари ва помешчиклари қўлида 1,5 миллион гектар серҳосил ер бўлгани ҳолда, улардан 40 баравар кўп бўлган африкаликлар ихтиёрида фақат 1800 минг гектаргина кам ҳосил берадиган экин майдонлари қолган, холос. Оқ танли хўжайинлар Анголада қулчиликнинг бошқача формасини — мажбурий меҳнат, «жамоат ишлари» ва ёллаб ишлатиш каби йўлларини топдилар. Мажбурий меҳнат қонунига биноан ҳар бир африкалик олти ой «давлат» ишини қилиши керак. У плантацияларда ёки корхоналарда 14—15 соатлаб оғир меҳнат қилиши шарт. Лекин ишчи қанча ишласин унинг қорни нонга тўймайди. Бунинг устига ишчини «интизомга» рисоя қилмадинг деб, борсакелмас жойларга сургун қиладилар ёки ўлгунча калтаклайдилар. Машҳур «Санта Мария» кема капитани, Португалия парламентининг собиқ аъзоси Энрике Галваонинг айтишича, мажбурий хизматга кетган кишиларнинг 25—35 проценти оиласига қайтиб келмайди. «Информейшн бюллетин оф африкен афферс» журналида келтирилган маълумотларга кўра, ҳар йили 700 мингга яқин киши мажбурий хизматда азоб чекади, булардан 100 минги 14 ёшгача бўлган болалар. Яна мустамлакачилар бирор объект қурадиган бўлсалар ёки қўшни мамлакатларга ишчи кучи керак бўлиб қолса «жамоат ишлари», ёллаб ишлатиш тўғрисидаги тартибларга мувофиқ, африкаликларни ҳақ тўламай қурилишларда ишлатадилар, уларни Родезия ва Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатларга мажбуран юборадилар. Ҳар йили бу мамлакатлардаги кон ва шахталарда тахминан 100 минг анголалик ғоят оғир шароитда меҳнат қилади. Анголадаги Моксико округи губернаторининг эътироф этишича, «озиқ-овқат масаласи ҳозир юз йил илгаригидан баттар, уй-жой шароити, шунингдек маориф Ангола босиб олинган йиллардаги даражадан кўтарилгани йўқ...» Маҳаллий аҳоли ўз ватанида тўтқин. Қора танли бўлгани учун уни урадилар, хўрлайдилар. Негр ўзи туғилиб ўсган шаҳрида рухсатсиз юришга ҳаққи йўқ.

Одатда португалиялик «цивилизаторлар» бизга тобе бўлганларни «одам қилдик» деб оғиз кўпиртирадилар.

Анголада ҳозиргача бирорта олий ўқув юрти йўқ, шунинг учун ҳам аҳолининг 99 проценти саводсиз, мамлакатда 80 минг кишига бир врач тўғри келади. Ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган ватанпарварлар қувғин остига олинмоқда, тюрьмаларга ташланмоқда. Чунончи, 1960



йил июнь ойида 52 сиёсий арбоб қамоққа олинди. Булардан бир нечтаси «дом-дараксиз йўқолди» деб эълон қилинди. «Гардиан» газетасининг ёзишича, уларнинг баъзилари «Луанда тюрмасынинг ҳовлисида отиб ташланган, қолганлари самолётдан ташлаб юборилган». Кейинги вақтларда Анголада миллий-озодлик ҳаракати кучайиб, аҳоли билан мустамлакачилар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Анголаликлар тоғларда партизанлар отряди тузиб, босқинчиларга қарши ҳужум қилмоқдалар. Мустамлакачилар эса шошилинич равишда Анголага қўшинлар келтирмоқдалар. Лекин, мустамлакачилар қанча уринмасинлар, энди Анголада узоқ қолмайдилар, дарғазаб халқ уларни мамлакатдан қувиб чиқарадиган кун яқин қолди.

*Хўжалиги.* Ангола қоқоқ, аграр мамлакат. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида машғул. Деҳқончиликда кофе, шакар қамиши, пахта, какао, дон, банан ва бошқа экинлар етиштирилади. Кофе асосий экин ҳисобланиб, унинг ҳосили экспорт қилинади. Ангола олмосга бой. Португалия ёзувчиси Мария Аршер Анголани «олтин ва олмослар ватани» деб бежиз атамади. Бу ерда ҳақиқатан ҳам олмос, олтин, уран, нефть, тошкўмир, марганец ва бошқа нодир металллар кўплаб топилади. Аммо бу бойликлардан унинг асл эгаси — Ангола халқи наф кўрмайди. Даромаднинг ҳаммасини Америка, Англия, Франция ва Португалия компаниялари бўлишиб оладилар. Йилига Анголадан 900 минг қиротдан зиёд олмос четга олиб кетилади.

*Сиёсий партиялари.* 1955 йилда Ангола Коммунистик партияси ташкил этилди. 1956 йилда Ангола Компартияси бошқа партия ва оммавий ташкилотлар билан бирлашиб «Анголани озод қилиш халқ ҳаракати» ташкилотини туздилар. Бу ташкилотга кейинчалик бошқа партиялар ҳам қўшилди.

1954 йилда «Шимолий Африка халқлари иттифоқи» партияси ташкил этилди, 1958 йилда Ангола халқлари Иттифоқи партиясига айланди. Мамлакатдаги барча партия ва ташкилотлар яширин ҳолатда.

## БАСУТОЛЕНД

Басутоленд — Жанубий Африкада жойлашган Англиянинг протекторатидир. У ҳамма тарафдан Жанубий Африка Республикаси билан чегарадош.

Майдони 30,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 658 минг киши, асосан басуто ва зулу халқларидан ташкил топган.

Маркази Масеру шаҳри (аҳолиси 5600 киши).

*Табиий шароити.* Басутоленд ландшафти ранг-баранг. Баланд тоғлар, кўм-кўк яйловлар ва ҳосилдор водийлар мамлакат ҳуснига ҳусн қўшиб туради. Шунинг учун ҳам саёҳатчилар Басутолендни «Африка Швейцарияси» деб атайдилар. Иқлими субтропик. Мамлакатда тез оқар дарёлар кўп, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам турли-туман. Ер бағрида табиий бойликлар мўл, лекин улардан тўлиқ фойдаланилмайди.

*Қисқача тарихи.* Бундан 150 йилча муқаддам Басутоленд ерида кучли мустақил давлат вужудга келган эди. Қарийб ярим аср давомида басутолар мамлакатга бостириб киришга уринган инглизлар ва бурлар ҳужумини қайтариб турдилар. 1843 йилга келиб Англия мустамлакачилари асоратли шартномани қабул қилдиришга муваффақ бўлдилар, 1868 йилда эса Басутолендни Африкадаги ўз мустамлакаларига қўшиб олдилар. Шундан ўн йил ўтар-ўтмас басуто халқи босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарди. Қўзғолон уч йил давом этди. Баъзи қабила бошлиқлари ва оқсоқолларининг сотқинлиги натижасида инглизлар қўзғолонни бостира олдилар. 1884 йилда Басутоленд Англия протекторати деб эълон қилинди.

Шундан бери Англия мустамлакачилари бу мамлакатни оёқ ости қилмоқдалар, халқни жабрламоқдалар. Аҳоли барча ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Мамлакат тақдири инглиз резиденти қўлида бўлиб, у бюджетни, солиқларни белгилайди ва қонунлар чиқаради. Аҳоли инглиз маъмурларининг руҳсатисиз мамлакатдан ташқарига чиқолмайди, очлик, қашшоқлик ва жаҳолатда яшайди.

Мамлакатда фақат 28 врач, 13 касалхона бор. Мактаб ёшидаги болаларнинг бир процентдан камроғи ўрта маълумот олиш имкониятига эга. У ҳам бўлса қабила бошлиқлари ва оқсоқолларининг болаларидир.

Мустамлакачилар ҳар йили ўн минглаб басутолендликларни арзимаган пулга ёллаб, Жанубий Африка Республикасига олиб кетадилар. 80 процент ишга яроқли эркаклар бошқа мамлакатлардаги кон ва шахталарда 10—11 ой мобайнида оғир меҳнат қиладилар. Ёлланган ишчиларнинг толган-тутганини мустамлакачилар, қабила бошлиқлари тортиб оладилар ва улар ватанларига оч-яланғоч қайтадилар.

Мустамлакачилар жамоатчиликни чалғитиш мақсадида Англия маъмурлари тайинлаган феодал бошлиқлар раҳбарлигини сақлаб қолганлар. Мамлакатда қирол ва қабила бошлиқларидан иборат «Миллий кенгаш» ҳам бор. Аммо, улар мустақил иш юритолмайди, маслаҳат овозига эга, холос.

*Ҳўжалиги.* Басутоленд — Африкада энг қолоқ мамлакатлардан биридир. Аҳолисининг 98 проценти деҳқончилик, чор-

вачилик билан шуғулланади. Мамлакат территориясининг саккиздан бир қисми экишга яроқли бўлиб, буғдой, ловия, сорго, арпа ва бошқа дон экинлари етиштирилади. Чорвачилик экономикада муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатда 1,3—1,5 миллион бош қўй, 600 мингдан зиёд эчки ва 400 мингдан ортиқроқ қорамол бор. Аксарият экин майдонлари ва чорва моллари қабила бошлиқлари ихтиёрида. Мамлакатда феодалуруғчилик муносабатлари кучли. Саноат деярли йўқ даражада. Халқ аҳтиёжи учун зарур бўлган саноат моллари четдан келтирилади. Чет мамлакатларга қўй жуни, тери, буғдой ва бошқа маҳсулотлар чиқаради.

Басутолендда кундан-кунга миллий-озодлик қўзғолони, тоғли районларда эса партизанлар ҳаракати вужудга келмоқда.

Халқнинг миллий-озодлик учун олиб бораётган ҳаёт-мамот кураши ғалаба қозонади, албатта.

## БЕЧУАНАЛЕНД

Бечуаналенд — Жанубий Африкада жойлашган Англия протекторатидир. У Жанубий Африка Республикаси, Жануби-Ғарбий Африка билан чегарадош.

Майдони 712,2 минг квадрат километр, аҳолиси 337 минг киши. Аҳолиси турли қабилалардан ташкил топган. Мамлакатда 4—5 минг европалик бўлиб, булар савдогарлар, фермерлар, миссионерлар ва амалдорлардир. Аҳолининг 80 проценти жануби-шарқий вилоятларда ва Лимпопо дарёси ҳавзасида жойлашган.

Маркази Мафекинг шаҳри (аҳолиси 3 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакат территориясининг катта қисмини саҳро ва чўллар эгаллайди, тоғлар деярли йўқ. Иқлими қуруқ, чунки мамлакат океандан анча узоқда. Экваторга яқин бўлгани учун қишда ҳам, ёзда ҳам температура баланд бўлади. Саҳро ва чўлларда шер, йўлбарс, оҳу, зебра ва туяқушлар яшайди. Шунингдек, турли заҳарли илонлар кўп. Бечуаналенднинг жанубий чегарасида, Молопо дарёси бўйлаб бир миллион гектарча ер ов учун ажратилган. Европалик туристлар бу ерга келиб ов қиладилар. Ерли халқнинг бу районда ов қилишга ҳақи йўқ.

*Қисқача тарихи.* Бечуан халқи кўп замонлар мустақил яшади. XIX аср ўрталарида чет эллик босқинчилар Бечуаналенд территориясига чанг сола бошладилар. 1878—1885 йилларда инглизлар жанубий районларни босиб олдилар.

Кейинчалик бутун территория Британия протекторатига айлантирилди. 1910 йилда эса у Жанубий Африка Иттифоқига берилди. «Бўлиб ташла-ю, ҳокимлик қил» принципига амал қилган мустамлакачилар Бечуаналендни 11 округга бўлиб юбордилар. Қабилалар ҳам бир-биридан ажратилиб ташланганлар. Келгиндилар яхши ерларни, яйловларни эгаллаб олганлар. Халқ тирикчилиги ниҳоят даражада ёмон. Мамлакатда тез-тез бўлиб турадиган очлик, юқумли касалликлар эпидемияси кўп кишиларнинг ёстиғини қуритмоқда. Ҳар йили ишга яроқли эркакларнинг кўпи ўзга мамлакатларга иш ахтариб кетадилар.

*Ҳўжалиги.* Бечуаналенд ғоят қолақ, аграр мамлакат. Аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Протекторатда 1 миллион 300 мингдан зиёд қорамол, 700 мингдан ортиқ қўй ва эчки бор. Мамлакатда тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик кўп чорва молларини нобуд қилади.

Мамлакатда асбест, олтин, кумуш ва марганец конлари бор, лекин улардан етарли фойдаланилмайди. Йирик саноат корхоналари йўқ. Четга гўшт, тери ва ёғ чиқарилади, четдан эса саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади.

Бечуан халқи хору зорликда яшашни истамайди, албатта. У эркин ҳаёт, яхши турмуш учун курашмоқда. Империалистлар Бечуаналендга мустақиллик бермасликка ҳаракат қиляптилар. Бироқ уларнинг бу ҳаракатлари бечуанлар иродасини буколмайди. Африкадаги бошқа халқлар каби бечуан халқи озодликка чиқадиган кун узоқ эмас.

## БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ

Бирлашган Араб Республикаси (Миср)—Осиё ва Африка қитъалари бир-бири билан туташган ерга жойлашган энг йирик араб давлатидир. У жанубда Судан Республикаси, ғарбда Ливия, шимоли-шарқда Исроил билан чегарадош.

Майдони 1 миллион квадрат километр. Аҳолиси 26 миллион 80 минг киши. Аҳолининг 90 проценти араблар. Шунингдек, турклар, албанлар, черкеслар, курдлар, греклар, инглизлар, италянлар ва бошқа миллатлар ҳам яшайди.

Пойтахти Қоҳира шаҳри (аҳолиси 3 миллион 720 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакат территориясининг 96 проценти дашт ерлар. Фақат Нил водийсигина деҳқончилик учун



*Қоҳира шаҳрининг қадимий қисми*

яроқли. Нил Мисрнинг ягона дарёси. Халқ хўжалиги учун Нилнинг аҳамияти ғоят катта: деҳқончиликнинг тақдири Нилнинг ҳаётбахш сувига боғлиқ.

Мамлакатда қўллар кам. Миср ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига унча бой эмас. Мамлакатда субтропик иқлим мавжуд. Ёзда температура  $+46^{\circ}$  гача кўтарилади. Қиши илиқ ва сернам бўлади.

*Қисқача тарихи.* Энг қадимий мамлакатлардан бири бўлган Миср эраמידан олдинги тўрт мингинчи йиллардаёқ кучли давлат бўлиб вужудга келган. Қадимий Мисрда фан, санъат, музика, қурилиш техникаси ва адабиёт юксалган. Шу кунгача сақланиб келаётган улкан пирамидалар, сфинкслар, ҳашаматли қаср ва саройлар, турли ҳунармандчилик буюмлари миср халқининг қадимий моддий ҳамда маънавий бойлиги нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради.

Аста-секин Мисрнинг шон-шўхрати сўна бошлайди. Александр Македонский, кейинчалик Рим империясининг ҳукмронлари Мисрни босиб олдилар. VII асрда эса Мисрни араблар эгалладилар. Мисрликлар ислом динини қабул қилишга, араб тилида сўзлашишга мажбур бўлдилар. Натижада мисрликлар араблар билан аралашиб кетдилар.

1517 йилда Туркия Мисрни босиб олди. Деярли тўрт юз йил давомида турклар миср халқини қаттиқ эксплуатация қилдилар. Турклар ҳукмронлиги даврида мамлакат экономикаси

инқирозга юз тутди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги орқага кетди, аҳоли бор-йўғидан ажралди.

XVIII аср охирларида европалик мустамлакачилар Миср-га кўз олайтира бошладилар. 1798 йилда Наполеон армияси Мисрни босиб олди. Бироқ уч йил ўтар-ўтмас француз қўшинлари мамлакатни ташлаб кетдилар. 1807 йилда Англия ҳам Мисрни эгаллашга уриниб кўрди. Лекин, Муҳаммад Али бошчилигидаги Миср қўшинлари англизларга зарба берди. Муҳаммад Али Миср-га 44 йил ҳокимлик қилди, бу даврда Миср расман Туркия султони-га тобе бўлса-да, амалда мустақил, анча кучли давлат эди.

Мисрнинг бойлиги ва стратегик ўрни европаликларни тинчитмади. Улар мамлакатга суқилиб кириш, мисрликлар ҳисобига чўнтак тўлдириш ниятидан қайтмадилар. Мамлакат-га аста-секин англиз ва француз капитали кира бошлади. Борган сари Миср экономикаси чет эл капиталига тобе бўла борди. 120 минг кишини қурбон бериб қурилган Сувайш канали ҳам англиз ва француз мустамлакачилари ихтиёрига ўтиб кетди.

Миср халқи мустамлакачиларга абадий қул бўлишни ис-тамади. 1952 йилда Миср армияси халқ ёрдамида монархия тузумини ағдариб ташлади. 1953 йил октябрида Миср ре-спубликаси эълон қилинди. 1956 йилда эса охириги англиз сол-датлари Миср территориясидан чиқиб кетдилар. Шу йили Миср ҳукумати Сувайш каналини национализация қилишга қарор қилди. Бу империалистларни ваҳимага солиб қўйди. Улар Сувайшни қайтариб олмоқ учун Миср халқига қарши очиқ юриш қилдилар. Бироқ қудратли социализм лагери, Со-вет Иттифоқи Мисрни қўллаб-қувватлади. Миср халқининг қаҳрамонона кураши ва Совет Иттифоқи, бошқа тинчликсе-вар давлатларнинг ёрдами туфайли империалистлар мағлу-биятга учрадилар.

БАР ҳукумати позитив бетарафлик сиёсатини юргизмоқда, шунингдек, барча халқаро жанжалли масалаларни тинч, му-зокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдори бўлиб чиқяпти. Миср жамоатчилиги ҳарбий агрессив блокларни, империа-листларнинг Конго халқига қарши хатти-ҳаракатларини қо-ралаб, Совет Иттифоқининг ялли ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги таклифларини қувватламоқда.

*Хўжалиги.* Миср аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Пахта экономикада муҳим роль ўйнайди. Мам-лакат экспортининг 80—85 проценти пахтага тўғри келади. Мисрда пахтанинг энг аъло нави етиштирилади. 1959—1960 йилда 448,4 минг тонна пахта етиштирилди. Пахтадан ташқари буғдой, гуруч, маккажўхори ва арпа каби дон экинлари,



*Александрия шаҳри кўчаларидан бири.*

шакар қамиши, цитрус экинлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Мамлакатда паррандачилик анча ривожланган.

Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти 1952 йилдан бери амалга оширилаётган аграр реформага боғлиқ. БАР қишлоқ хўжалик министрлигининг маълумотига қараганда 1952 йилдан бери 170 минг оила, ҳаммаси бўлиб 450 минг феддан (1 фед 0,42 гектар) ер олди. 8 миллионга яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонлар йирик ер эгаларига ҳамон қарам. Бинобарин, ер реформаси ер проблемасини ҳал қилолгани йўқ.

БАР ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тadbирларини кўряпти. Жумладан қўриқ ерларни ўзлаштириш, кооперативлар ташкил этишга ва суғориш шохобчаларини кенгайтиришга катта эътибор берилляпти.

Мамлакат мустақил бўлгач, ҳукумат миллий саноатни ҳам юксалтиришга киришди. Кейинги йилларда мамлакатда бир қанча йирик саноат корхоналари қурилиб ншга туширилди. Чунончи, Хелуан металлургия заводи, «Симаг» вагон-созлик заводи, жут тўқув, ип йигирув фабрикалари, нефть

тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар барпо қилинди. Кейинги 5 йил мобайнида саноат ишлаб чиқариш маҳсулоти 26 процент кўпайди. 1960—1965 йилларга, яъни иккинчи беш йилликнинг охирига бориб саноатдан келадиган даромад хозиргига қараганда икки барабардан зиёд ошадн.

Ҳукумат соғлиқни сақлаш ва халқ маорифини ривожлантириш чораларини кўрмоқда. Ҳозир давлат медицина муассасалари 1951—1952 йиллардагига қараганда икки барабар кўп кишига медицина хизмати кўрсатяпти. Бошланғич мактабларда ўқувчилар сони 2 миллион 500 минг кишига кўпайди. Техника ўқув юртларида 1952 йилда 14 минг ўқувчи ўқиган бўлса, хозир уларнинг сони 35 минг кишига етди.



*Нил дарёсининг соҳили.*



*Давлат тузуми.* 1958 йилда қабул қилинган муваққат конституцияга мувофиқ, «БАР мустақил, суверен республика, унинг халқи эса, араб миллатига мансуб». Давлат бошлиғи президент мамлакат қуролли кучларининг олий бош қўмондони ҳамдир. Президентнинг ҳуқуқи катта, у вице-президентларни ҳамда министрларни тайинлайди ва ишдан олади. Шунингдек, президент қонунларни бекор қилиш, халқаро шартномалар тузиш ва уруш эълон қилиш ҳуқуқларига ҳам эга.

Мамлакатнинг келажаги улкан Асуан тўғони билан боғлиқ. Ҳозир Миср халқининг орзу умиди ана шу иншоотда. Асуан тўғони ва сув омбори Нил дарёсида барпо қилинади. Тўғоннинг баландлиги 110 метр, узунлиги 5 минг метр бўлади. Сув омборида 130 миллиард кубометр сув сақланади. Бу 840 минг гектар қуриб ётган чўлларга ҳаёт бағишлайди. Асуанда қад кўтарадиган гигант электростанция эса йилига 10 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилади, яъни ҳозир Миср районида ҳосил қилинаётган электр қувватидан 6 баравар кўп электроэнергия ишлаб чиқаради. Ана шундай қудратли иншоотни барпо қилишда Совет Иттифоқи БАРга мададкор бўлди.

Асуан қурилиши асосан 1959 йилнинг январь ойидан бошланди. Қурилишни 1964 йилнинг охирига тугаллаш мўлжалланган, иншоот эса 1970 йилда тўла ишга туширилади.

Совет Иттифоқи мамлакатда бир қанча муҳим объектлар қуришда, атом реактори, нефть тозалаш заводи, металлургия, кимё саноати корхоналари, цемент, антибиотиклар чиқарадиган заводлар ва енгил корхоналар барпо қилишда БАРга яқиндан моддий-техника ёрдами кўрсатмоқда. Шунингдек, Совет ҳукумати Миср саноати учун турли машиналар, асбоб-ускуналар юбормоқда. Бунинг эвазига Совет давлати Миср пахтасини ва бошқа молларни сотиб оляпти.

## ГАБОН

(*Габон Республикаси*)

Габон — экваториал, Африкада Гвинея қўлтиғида, Огове дарёси ҳавзасида жойлашган мустақил давлат. Шимолда Камерун, шарқда собиқ Франция Конгоси билан чегарадош.

Майдони 267 минг квадрат километр бўлиб, Франция территориясининг ярмига тенг. Аҳолиси 420 минг киши. Аҳоли банту халқидан ташкил топган. 4—5 минг европаликлар ҳам яшайди.

Маркази Либревиль шаҳри (аҳолиси 22 минг киши).

*Табий шароити.* Территориянинг аксариятини баланд ва паст тоғлар қоплаган. Ғарбий қисмида унча кенг бўлмаган паст текисликлар чўзилиб кетган. Иқлими иссиқ ва сернам. Мамлакат дарёлари ва ўрмонларга сероб.

*Қисқача тарихи.* Европаликлар Габон территориясида XV асрнинг охирларида пайдо бўлдилар. 1585 йилда португалияликлар, 1839 йилда эса французлар Габонда жойлашиб олдилар. Шундан бошлаб Габон халқи мустамлакачилик азобини торта бошлади. Тирикчиликнинг оғирлиги ва қул савдоси туфайли аҳолининг ярми қирилиб битди. 1879—1882 йилларда Габонни батамом босиб олган Франция мустамлакачилари мамлакатни ўзининг хом ашё базасига, санот моллари бозорига айлантирдилар. Босқинчилар халқни шафқатсиз эздилар, миллий бойликларни талон-торож қилдилар. Мустамлакачилик габонликларга кўп кулфат келтириб, уларни илм-маърифатдан ҳам маҳрум этди.

Габон халқи зулмга, хўрликка қарши тинмай курашиб келмоқда. Ниҳоят, Франция ҳукмронлари Габонга мустақиллик беришга мажбур бўлдилар. 1960 йил 17 августда Габон мустақил деб эълон қилинди.

*Ҳўжалиги.* Габон иқтисодий жиҳатдан қолақ мамлакат. Сўнгги вақтгача экономикада ўрмончилик муҳим ўрин тутди. Территориянинг 0,8 қисмини қоплаган ўрмонларда 3 минг хилдан зиёд дарахт ўсади. Бундан ташқари Габон олтин, олмос, айниқса нефть, уран ва марганец рудаларига бой. 1959 йилда бу ердан 750 минг тонна нефть қазиб олинди. Тахминларга кўра мамлакатда 20 миллион тонна уран запаси бор. Французлар атом бомбасини яратишда Габон уранидан фойдаланганлар. Марганец руда запаси 150 миллион тонна деб ҳисобланмоқда.

Бироқ бундай катта бойликлардан Габон халқи наф кўрмайди. Минерал ресурсларнинг ҳаммаси Америка, Англия, Франция ва Ғарбий Германияга ташиб кетилади.

*Давлат тузуми.* Мамлакат мустақиллиги эълон қилинганча Қонун чиқарувчи ассамблея ва Министрлар Совети бўлиб, ҳокимият Франция одий комиссари ихтиёрида эди. Мамлакат мустақилликка эришгандан кейин унинг тақдири парламент, Министрлар Совети ва президентга топширилди.

*Сийсий партиялари.* Габон Демократик блоки, Демократик ва социал иттифоқи, Миллий бирлик партияси каби партиялар бор.

## ГАМБИЯ

Гамбия — Ғарбий Африкада жойлашган мамлакат. Территориясининг ярмиси Англия мустамлакаси, қолган қисми эса унинг протекторати.

Майдони 10,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 300 минг киши, улар мандинго, фульбе, волоф ва тукулер халқларидан ташкил топган. Булардан ташқари, европаликлар ҳам яшайди. Булар асосан мустамлака маъмуриятининг амалдорлари.

Маркази Батёрст шаҳри (аҳолиси 20 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат сатҳи яланг паст текислик бўлиб, уни катта Гамбия дарёси кесиб ўтади. Тропик иқлимга эга. Қир-далаларда бутали ўсимликлар, Гамбия дарёси водийсида эса тропик ўрмонлар бор.

*Қисқача тарихи.* Қадимги Гамбия ерларида асосан мандинго қабилалари яшаган. 1455 йилда португалияликлар Гамбия территориясига бостириб кирганлар. XVI аср охириларидан бошлаб Гамбияда инглизлар пайдо бўладилар. Гамбия учун Англия билан Франция ўртасида кураш бўлиб, ниҳоят, мамлакатда Англия ҳукмронлиги ўрнатилади. 1904 йилда тузилган Англия-Франция битимига мувофиқ Гамбиянинг бир қисми собиқ Франция мустамлакаси Сенегалга ўтди. Англия мустамлакачилари Гамбия халқига катта кулфатлар келтириб, уларнинг кўпчилигини қириб ташладилар, ҳаёт қолганларини эса шафқатсиз эксплуатация қилмоқдалар. Мамлакатда барча халқ очарчилик азобини тортмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда Осие ва Африкада юз берган буюк воқеалар Гамбия халқини ҳам ҳаракатга келтирди.

Кейинги вақтларда мамлакатда кескинлашиб бораётган сиёсий вазият ана шундан далолат бериб турибди.

*Хўжалиги.* Гамбия ғоят қолоқ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан деҳқончилик билан банд. Қишлоқ хўжалигида ер ёнғоғи, дон экинлари ва пальма етнштирилади. Ер ёнғоғи экспорт қилинади. Қишлоқ хўжалигининг бир ёқлама ривожланиши натижасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилмайди. Шунинг учун ҳам Гамбия четдан озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради. Шунингдек, саноат моллари ҳам бошқа мамлакатлардан келтирилади. Гамбияда йирик саноат корхоналари йўқ.

*Сиёсий партиялари.* Демократик партия — қабила бошлиқларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Бирлашган партия — мустамлака билан протекторатни бирлаштириш тарафдори.

Гамбия мусулмонлари конгресси, бир нечта касаба союз ташкилотлари ҳам бор.

Мамлакатда Қонун чиқарувчи кенгаш ва конституция мавжуд бўлса-да, ҳокимият асосан Англия губернатори қўлида. У деярли чекланмаган ҳуқуққа эга.

## Г А Н А

(Гана Республикаси)

Гана — Ғарбий Африкада жойлашган давлат. У ғарб ва шимолда Франция Ғарбий Африкаси, шарқда Того билан чегарадош, Гананинг жанубий чегараси Гвинея кўрфази қирғоқлари бўйлаб чўзилиб кетган.

Майдони 237,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 6 миллион 691 минг киши. Аҳоли этник ва тил жиҳатдан икки асосий гурпуага: моси-грусси тилида гаплашувчи халқлар ва гвинея тилларида сўзлашувчи халқларга бўлинади. Аҳолининг кўпчилигини иккинчи гурпуага мансуб бўлган ашанти, эве ва фанти халқлари ташкил этади. Шунингдек, аҳоли аниимизм, христиан ва ислом динига эътиқод қилади.

Пойтахти Аккра шаҳри (аҳолиси 200 минг киши).

*Табиий шароити* жиҳатидан Ганани беш районга бўлиш мумкин. Жанубда денгиз бўйи текисликлари; мамлакат марказида Ашанти ясси тоғлари; жануби-шарқда Аквалим тоғлари; Вольта дарёси бўйлаб кетган кенг текисликлар ва шимолда Шимолий яйлов тоғлари ётади. Иқлими иссиқ. Январ ойидаги ўртача температура +24°га яқин. Усимлик ва ҳайвот дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Гананинг қадимий тарихи ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мавжуд маълумотларга қараганда, узоқ замонларда Ғарбий Африкада мустақил Гана давлати бўлган. 1067 йилда Ганага борган араб сайёҳи Ал-Бакр мамлакатни экономикаси ва маданияти ривожланган давлат деб таъбирлайди. 1076 йилда Ганани шимолдан келган барбарлар босиб олдилар. Шундан кейин Гана инқирозга юз тутди. XV асрда Гана территориясида олтин ва фил суяги қидириб келган португалияликлар пайдо бўлдилар. Улар бу ерда олтин топгач, Ганани «Олтин қирғоқ» деб атай бошлайдилар. Португалия босқинчиларидан кейин инглизлар, голландлар, шведлар, данияликлар ҳам келдилар. Мамлакат учун курашда инглизлар ғолиб чиқдилар ва Ганани босиб олдилар. Мустамлакачилар тўрт юз йил давомида Гана халқини ўз исканжасида сақладилар. Меҳнаткаш аҳоли на ош ва на кийимга ёлчиди. Бунинг устига уни таҳқирладилар, камситдилар. Гана олтин

қазиб чиқаришда дунёда иккинчи, олмос қазиб чиқаришда эса учинчи ўринда туради. У жаҳонда етиштириладиган какаонинг 30 процентини беради. Лекин, очлик ва қашшоқликка мубтало бўлган Гана халқи «тақдирга» тан бермади. У асорат занжирларини парчалаш учун мардона курашди. Инглиз босқинчилари ганаликларга ён босишга мажбур бўлдилар. 1952 йилда мамлакатда министрлар кабинети тузилиб, бош министр лавозимига «Халқ партияси»нинг раҳбари, Олтин қирғоқнинг машҳур давлат ва жамоат арбоби Кваме Нкрума сайланди. 1954 йилда қабул қилинган конституцияга мувофиқ, негр аҳолиси сайлаш ҳуқуқини олди. Бироқ мамлакат мустамлака бўлиб қола берди. Халқ тўла мустақиллик учун курашни давом эттириб, 1957 йил 6 мартда Аккрада Британия байроғи туширилди ва унинг ўрнига Гананинг қизил-сарик-кўк рангдаги миллий байроғи кўтарилди. Шу тарихий воқеадан бошлаб Олтин қирғоқ Гана деб атала бошланди. 1960 йил 1 июлда Гана республикаси эълон қилинди, апрель ойида эса янги конституция қабул қилинди.

Гана позитив бетарафлик сиёсатига амал қилиб, ҳарбий блоklarга қўшилмади. Гана ҳукумати мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишларини кескин қоралаб, Африка халқларини империализмга қарши бирликка, ҳамкорликка чақиряпти. Мамлакат халқи жаҳонда тинчликни сақлашни ва қирғин қуролларини тақиқлашни талаб қилмоқда.



*Кумас шаҳар марказидаги бозор.*

*Хўжалиги.* Гана — аграр мамлакат. Какао мамлакатнинг асосий бойлиги бўлиб, у экспортдан келадиган даромаднинг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Аҳолининг бешдан бир қисми какао етиштириш билан шуғулланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида маккажўхори, тарих, арахис, гуруч, маниок, ширин картошка ва бошқа экинлар етиштирилади.

Саноатининг асосий тармоғи тоғ саноатидир. Гана олмос, олтин, боксит ва марганецга бой. Бироқ кон саноати асосан чет эл капитали қўлида. Масалан, олтинни «Ашнати голдфрид» ва бошқа инглиз компаниялари, марганец конларини америка концерни «Юнайтед карбайд энд карбон», бокситни «Бритиш алюминийум» ва «Вест Африкен алюминийум» компаниялари қазиб чиқаради, олмос конлари ҳам Англия монополиялари қўлида.

Гана мустақил бўлгач, миллий ҳукумат экономика ва маданиятни юксалтириш, аҳолининг моддий-маиший турмушини яхшилаш чораларини кўра бошлади. Баъзи чет эл компанияларига қарашли саноат корхоналари устидан ҳукумат назорати ўрнатилди. Нефтни қайта ишлаш заводи, тамаки ва гугурт фабрикалари, совун, қоғоз ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди.

Мамлакатда йирик миллий капитал йўқ. Шунинг учун Гана раҳбарлари хўжаликни ривожлантиришда чет эл капиталини кўпроқ жалб этмоқчилар. Шунингдек, ички резервлардан ҳам тўлиқ фойдаланиш учун ҳаракат қилиняпти. Чунончи, какао савдоси илгари чет эл монополистлари қўлида бўлса, ҳозир бу соҳа билан фақат давлат шуғулланмоқда. Натижада какаодан олинадиган даромад четга чиқарилмай, мамлакат эҳтиёжларига сарфланмоқда. Мамлакат хўжалигининг ривожига Вольта дарёсида қуриладиган иншоотларга боғлиқ. Дарёда катта тўғон, сув омбори ва гидроэлектростанция барпо қилинади (қуввати 600 минг киловат), шунингдек алюминий заводи қурилиши планлаштирилган. 1959 йилда Вольта иншоотлари 1959—1964 йилларга мўлжалланган беш йиллик план программасига киритилди. Бу беш йиллик план мамлакатнинг иқтисодий мустақилликка эришиши учун асос солади. Беш йилликда 600 га яқин катта ва майда корхона қурилиб, 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. План қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ижтимоий-маданий муассасалар сонини кўпайтиришни ҳам кўзда тутди.

*Давлат тузуми.* 1960 йил 1 июлгача давлат бошлиғи Англия қироли ҳисобланар, шунингдек, мамлакатда Англия генерал-губернатори ҳам бор эди. Миллий мажлис қабул қилган қонунлар генерал-губернатор тасдиқлагандан кейин кучга кирарди. Республика эълон қилиниши билан бу тартиблар

бекор қилинди. Республика президенти ва бош министр қилиб Кваме Нкрума сайланди.

*Сийсий партиялари.* Ҳокимият тепасида «Халқ партияси» туради. Кваме Нкрума раҳбар бўлган бу партия 1949 йилда ташкил этилган; Бирлашган партия — оппозицион партия ҳисобланади. У 1957 йилда тузилиб, қабила бошлиқлари, феодаллар, қисман буржуазия манфаатларини ҳимоя қилади.

Совет Иттифоқи Гана мустақиллигини биринчилар қаторида таниди ва ёш республикага ёрдам бериш истагини билдирди. Икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, Совет Иттифоқининг ёрдамида балиқчилик sanoati корхоналари қурилади. Қора Вольтада 200 минг киловатт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция барпо қилинади, 3 шоликорлик ва маккажўхорикорлик совхозлари ташкил этилади ва ҳоказо.

## ГВИНЕЯ

(Гвинея Республикаси)

Гвинея Республикаси — Ғарбий Африкада жойлашган ёш мустақил давлатдир. У шимолда Португалия Гвинеяси, Сенегал, Судан, жанубда Либерия ва Сьерра-Леоне, шарқда эса Фил Суяги Қирғоғи билан чегарадош.

Гвинея территорияси 246 минг квадрат километр. Аҳолиси қарийб 3 миллион киши. Аҳоли тил ва урф-одатлари билан бир-бирларидан фарқ қиладиган турли халқ ҳамда қабила-лардан ташкил топган. Фульбе, малинке ва сусу халқлари кўпчиликти ташкил қиладилар. Мамлакат мустақиллиги эълон қилинган пайтда Гвинеяда 9 мингга яқин европалик яшар эди. Ҳозир булардан ярмиси қолган, холос.

Пойтахти Конакри шаҳри (аҳолиси 80 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакат табий шароити жиҳатидан қуйидаги асосий қисмларга бўлинади:

Қуйи Гвинея — Атлантик океани қирғоқлари бўйлаб кетган яланг паст текисликдан иборат. Бу районнинг иқлими иссиқ ва сернам.

Урта Гвинея — бу тоғли район Урта Гвинеядаги Фута-Жаллон ясси тоғлари мамлакатнинг бутун марказий ва шимол-ий қисмига чўзилиб кетган. Иқлими Қуйи Гвинеядагига қараганда муътадилроқ.

Юқори Гвинея — Фута-Жаллон ясси тоғликларининг шарқда жойлашган паст текислик ва баландлиги 300—500 метр бўлган қир ва тепаликлардан иборат. Иқлими иссиқ ва қуруқ. Ёмғир унчалик кўп ёғмайди.

Гвинеянинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой ва ранг-баранг. Дарёларида қудратли гидроиншоотлари қурса бўлади.

*Қисқача тарихи.* Тарихий маълумотларга кўра, европаликлар XV асрда Гвинеяга келганлар. Гвинеянинг қадимий ва ўрта аср тарихи ҳақида ҳалигача тўлиқ маълумот йўқ. Бунга сабаб, Франция мустамлакачилари Гвинея халқининг ўтмишини ўрганишни тақиқлаб қўйган эдилар. XV асрдан бошлаб европалик одампурушлар Ғарбий Африкадан, жумладан ҳозирги Гвинея ерларидан юз минглаб негрларни олиб кета бошладилар. Булар қулликка сотилар, калтак ва оғир меҳнат зарбидан ёшини яшмай ҳалок бўлар эдилар. Қул савдоси тақиқлангач, мустамлакачилар табиий ресурсларга чанг сола бошладилар. Ўтган асрнинг охирларида француз босқинчилари Гвинея территориясини босиб олдилар. Гвинея халқи 60 йил давомида мустамлакачилик асоратида яшади. Франциялик «цивилизаторлар» мамлакатни талон-торож қилдилар, аҳолини қулдек ишлатдилар. Халқ тер тўкиб топганига эга бўлолмади. У меҳнатига оз ҳақ олар, доимо очлик, қашшоқликда яшарди. Бунинг устига мамлакатда кенг тарқалган юқумли касалликлар ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритар эди. Хуллас, француз мустамлакачилар гвинеяликлар бошига катта кулфат солган бало эдилар.

Гвинея халқи озодлик ва мустақиллик учун узоқ йиллардан буён курашиб келди. Кураш айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кучайиб, бу курашга Гвинея демократик партияси раҳбарлик қилди. Ниҳоят Гвинея халқи ғалабага эришди. 1958 йил 2 октябрда Гвинея республикаси эълон қилинди. Гвинея демократик партиясининг бош секретари Секу Туре раҳбарлигида янги ҳукумат тузилди.

Ҳукумат мамлакат экономикасини кўтариш, аҳоли турмуши ва маданиятини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш билан бирга тинч-тотув яшаш сиёсатини юргизмоқда. Гвинея республикаси мустамлакачиликни батамом тугатиш, жаҳонда барқарор тинчлик учун қатъий курашмоқда.

Секу Туре бошлиқ ҳукуматнинг тинчлик йўлидаги сиёсатини қудратли социалистик лагеръ мамлакатлари ва улуғ Совет Иттифоқи қувватлаб келди.

*Ҳўжалиги.* Гвинея — иқтисодий жиҳатдан қолоқ, аграр мамлакат. Аҳолининг 89—90 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалигида гуруч, банан, кофе, пахта, батат, сезам, ананас, цитрус ва бошқа экинлар етиштирилади. Аҳоли чорвачилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланади.

Гвинея табиий ресурсларга бой. Йилига тахминан 350 минг тонна боксит қазиб чиқарилади, запаси 600 миллион



тонна. Бу капиталистик мамлакатлардаги боксит запасининг 9 процентига тенг. Шунингдек, мамлакат ер баррида олмин, олтин, марганец, темир рудаси ҳам кўп. Мутахассисларнинг ҳисобича, темир рудаси запаси 3—3,5 миллиард тоннагача боради. Лекин, бу бойликлардан етарли фойдаланилмади. Мавжуд конлар чет эл капитали ихтиёрида.

Илгари Гвинеяда ишлаб чиқариш кучлари тараққий этмагани сабабли, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам четдан келтирилар эди. Француз империалистлари саноатнинг ўзлари учун фойда берадиган тармоғини ривожлантириб, аҳолининг саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олмаганлар. Гвинея мустақил бўлгандан кейин ҳам француз монополиялари хўжаликнинг ривожланишига раҳна солмоқчи бўлдилар. Бироқ мустақил Гвинея ҳукумати хўжаликни тиклашга киришди. Мамлакат халқи завод, фабрикалар, алоқа ва транспорт воситалари қуришда, қишлоқ хўжалик кооперативлари барпо қилишда актив қатнашди. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина халқнинг ихтиёрий меҳнати билан 8 060 километр йўл, 2 100 метр канализация тармоқлари, умумий узунлиги 7 600 метр бўлган тўғонлар қурилди. Мактабларда 335 синф хонаси, 28 диспансер барпо қилинди.

Ҳукумат 1960 йилда француз франки ўрнига янги гвинея валютасини жорий қилди, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини камайтирди, иш ҳақини 30 процент оширди ва солиқларни камайтирди.

Мамлакатда 1960—1962 йилларга мўлжалланган биринчи уч йиллик план қабул қилинди. Планни амалга ошириш учун 29 миллиард гвинея франки сарфланмоқчи. План қишлоқ хўжалиги, саноат, фан ва маданиятни ривожлантиришни кўзда тутди.

*Давлат тузуми.* Конституцияга мувофиқ, миллий мажлис — парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятдир. Депутатлар умумий яширин овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланадилар. Давлат бошлиғи — президент 7 йил муддатга сайланади. Президент Секу Туре ҳукуматга ва ташқи ишлар министрлигига ҳам бошчилик қилади.

*Сийсий партиялари.* Мамлакатда ягона Гвинея демократик партияси мавжуд. Ҳар бир аҳоли яшайдиган пунктда партия бошланғич ташкилотлари — ячейкалар, мамлакатда эса 4123 ячейка бор. Бошланғич партия ташкилотига комитет раҳбарлик қилади. Комитет ўн кишидан, шу жумладан уч хотин-қиздан иборат. Демократик партиянинг олий органи конгрессдир. Конгресс қарорларини партиянинг Сийсий бюроси амалга оширади. Ҳозир Демократик партия сафида бир миллиондан зиёд аъзо бор.

## ДАГОМЕЯ

(Дагомея Республикаси)

Дагомея — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. У Того, Юқори Волта, Нигер ва Нигерия билан чегарадош.

Майдони 116 минг квадрат километр, аҳолиси 1 миллион 720 минг киши. Мамлакатда 30 дан ортиқ турли халқлар яшайди. Булардан энг кўпчилигини дагомеяликлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда европаликлар, асосан французлар ҳам истиқомат қилади.

Маркази Порто-Ново шаҳри (аҳолиси 30 минг киши).

*Табиий шароити.* Дагомея узунлиги 50—100 километр бўлган денгиз бўйи паст текислигини ишғол қилади. Мамлакат ичкарасида 500—800 метр баландликдаги ясси тоғлар қад кўтарган. Иқлими иссиқ. Саванна типдаги ўсимликлар, соҳил бўйларида эса тропик ўрмонлар бор.

*Қисқача тарихи.* Дагомея давлати XVII асрда вужудга келди. Император Гезо (1818—1858) даврида Дагомея чегаралари анча кенгайтирилди. Урушлар ва қулдорлик Дагомея давлатини кучсизлантирди. Утган асрнинг 90 йилларида Дагомеяни французлар босиб олдилар. Мустамлакачилар расман қулдорликни бекор қилсалар-да, амалда халқ қулдан баттар ҳаёт кечири бошлади. Дагомея меҳнаткашларини империалистлар билан бирга маҳаллий феодаллар ҳам эксплуатация қилдилар. Мамлакатда ишсизлик, қашшоқлик, очарчилик ва турли касалликлар авж олди. Бундай аҳвол халқнинг сабр-косасини тўлдириб юборди.

20-йилларда ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда кўтарилган озодлик ҳаракати француз мустамлакачиларини ваҳимага солиб қўйди. Империалистлар мустамлакачиликнинг янги формаларини ишга солдилар. Қонун чиқарувчи Ассамблея, ижроия ҳокимият таъсис этилди. Дагомея республикаси эълон қилинди.

Лекин, империалистлар ўз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий мавқеларини сақлаб қолдилар. Бундан ғазабланган Дагомея ватанпарварлари курашни тўхтатмадилар. Охири Франция Дагомея мустақиллигини танишга мажбур бўлди. 1960 йил 1 августда Дагомея мустақил республика, деб эълон қилинди.

Ҳозир Дагомея «Келишув Кенгашининг» аъзоси. Франция билан Дагомея ўртасида мудофаа ҳақида шартнома тузилган. Мамлакатда Франция ҳарбий базалари ва ҳарбий қисмлари бор. Дагомеянинг келажаги, иқтисодий тараққиёти ва халқ фаровонлиги миллий ҳукумат сиёсатига боғлиқ. Дагомея меҳнаткашлари ҳукуматдан халқ ва мамлакат миллий манфаатларини кўзлайдиган сиёсат юргизишни талаб қилмоқдалар.

*Хўжалиги.* Дагомея қолоқ, аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалигида маккажўхори, банан, кофе, какао, кокос пальмаси ва ер ёнғоғи етиштирилади. Четга кўпроқ пальма ёғи чиқарилади. Аҳоли чорвачилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланади.

## ЖАЗОИР

Жазоир — Африка қитъасининг шимолида жойлашган давлат. У шарқда ва жануби-шарқда Тунис ва Ливия, ғарбда Марокаш, жанубда эса илгари Франция қўл остида бўлган территориялар билан чегарадош.

Майдони 2 миллион 191 минг квадрат километр ёки Франция территориясидан тўрт баравар катта. Аҳолиси 10,3 миллион киши бўлиб, булардан 9,0 миллиони араб ва барбарлар, қолганлари эса европаликлардир.

Пойтахти Жазоир шаҳри (аҳолиси 805,6 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг катта қисми, яъни 2 миллион квадрат километрга яқини дашт-саҳролардир. Шимолий районлари экин экиш учун яроқли, жанубида эса Сахрои Кабир ётади. Мамлакат ёзи иссиқ ва қиши илиқ иқлимга эга. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси унча бой эмас. Ер бағрида қора ва рангли металл рудалари, фосфат, кўмир, айниқса нефть запаслари жуда катта.

*Қисқача тарихи.* Жазоир қадимий давлатлардан. У узоқ вақтлар давомида кучли ва мустақил мамлакат сифатида Осиё ва Африкадагина эмас, балки Европа мамлакатлари ичида ҳам машҳур бўлган. Урта асрларда Жазоир билан дунёнинг кўпчилиги мамлакатлари ўртасида дипломатик ҳамда савдо алоқалари ривожланган эди. Шуниси характерлики, Франция мустамлакачиларининг таъбирича «ҳеч қачон мустақилликка эга бўлмаган» Жазоир Франциянинг ўзи билан 57 марта ўзаро дўстлик ва иттифоқ ҳақида шартномалар тузган. Ана шу битимларнинг ҳаммасида Франция Жазоирнинг миллий суверенитетини эътироф қилган. Уша вақтларда Жазоир халқи Франция бошига оғир кунлар тушганда унга моддий ва маънавий ёрдам ҳам кўрсатган эди. Франция мустамлакачилари эса яхшиликка ёмонлик қилиб, 1830 йилда Жазоирни босиб олдилар. Даставвал мустамлакачилар серҳосил ерларни эгаллаб олдилар.

Улар бу ерларда ўзлари учун фойда келтирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининггина етиштириш бошладилар, чунончи, илгари дон экиладиган ерларда тоқзорлар барпо қилинди.

Шунинг учун ҳам мамлакат экономикаси тушкунликка учради, озиқ-овқат маҳсулотлари камайиб кетди. Масалан, 1871 йилда Жазоирда етиштирилган дон жон бошига 5 квинталдан тўғри келган бўлса, 1955 йилда 1,5 квинталдан тўғри келди. 1914 йилда мамлакатда 9 миллион бош қорамол бор эди, 1950 йилга келиб қорамоллар сони 4 миллион бошга камайиб кетди. Шундай қилиб, француз мустамлакачилари маҳаллий аҳолини очликка ва қашшоқликка маҳкум этдилар. Расмий маълумотларга кўра, жазоирликларнинг тўртдан уч қисми гўшт, ёғ ва тухум истеъмол қилишга қодир эмас.

Империалистларнинг Жазоир халқини абадий қул қилиш ҳақидаги режалари амалга ошмади. Эрксевар Жазоир халқи ўз ватанининг босқинчилар оёғи остида топталишини истамасди, уларга тиз чўкмади. 1954 йилда мустамлакачиларга қарши қуролли ҳаракат бошланди. Уша вақтларда Франция ҳукмронлари кўзғолон бошланган районлардаги аҳолини ёппасига сургун қилиш йўли билан кўзғолонни бостирмоқчи бўлди. Лекин, халқ ҳаракати тобора кучайди. Саросимага гушган мустамлакачилар бегуноҳ, ҳимоясиз аҳолини қиргин қилишга киришдилар. Ҳозирги замон ҳарбий техникаси билан қуролланган 600 минг француз солдати жазоирликларга қарши ташланди. Бундан ташқари 200 минг полициячи ва 200 минг қуролли колонистлар тинч аҳолини отиш ҳамда осин билан шуғулландилар. Ваҳшийлар кейинги олти йил ичида 800 мингга яқин жазоир ватанпарварларини қатл қилдилар. Мамлакат махсус қийноқ лагерларига, тюрмаларга тўлиб кетди. Француз армияси юзлаб қишлоқларни ва ўнлаб шаҳарларни яксон қилди.

Аммо, мустамлакачилар қанча уринмасинлар, Жазоир халқининг эркинликка бўлган интилишини бўғолмадилар, аҳолини ёппасига қириш плани ҳам барбод бўлди. 1954 йилда ташкил этилган Жазоир миллий-озодлик армияси француз қўшинларига қақшатқич зарба бера бошлади. Уша йили миллий-озодлик армияси сафида 3 минг киши бўлган бўлса, ҳозир 500 минг ватанпарвар озодлик учун жанг қилмоқда. Сўнгги 7 йил давомида миллий-озодлик армияси кўпгина шаҳар ва қишлоқларни душмандан озод қилди.

Жазоир республикасининг муваққат ҳукумати Жазоир масаласини тинчлик йўли билан ҳал қилишга уриниб, Франция ҳукумати билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини бир неча марта билдирди. Бироқ Франция ҳукмронлари Жазоир масаласини ўзларича ҳал қилмоқчи бўляптилар. 1961 йилнинг январь ойида Франция ва Жазоирда референдум ўтказилди. Референдумдан мақсад вақтдан ютиш ва мамлакатга мустақиллик беришни орқага суриш эди. Аммо, халқ

референдумни бойкот қилди. Францияда рўйхатга олинган сайловчиларнинг фақат 55,9 процентигина референдумни маъқуллаб овоз берди. Референдум куни Жазоирда халқ намоёнликлари ва норозилик митинглари бўлиб, ўз мустақилликларини талаб қилиб чиқдилар.

*Хўжалиги.* Жазоир қоқоқ, аграр мамлакат. Аҳолининг 80—85 проценти қишлоқ хўжалигида машғул. Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасида муҳим ўрин тутди. Пахта, тамаки, буғдой, маккажўхори, арпа ва цитрус экинлари етиштирилади. Чорвачилик ҳам анча ривожланиб, миллий даромаднинг 20 процентини қоплайди. Саноатнинг асосий тармоқлари чет эл капитали қўлида. Саноат миллий даромаднинг 30 процентини беради. Тоғ саноатидан келадиган даромаднинг Франция, Америка, Англия ва Ғарбий Германия монополистлари бўлишиб олмоқдалар. Кейинги вақтларда монополиячилар ўртасида Жазоир Саҳрои Кабирида топилган бой нефть конлари ва бошқа қазилма бойликларни эгаллаш учун кураш қилиб кетди.

*Давлат тузуми.* Франция ҳукмронлари Жазоирни 14 департаментга бўлиб, уни «Франция республикасининг ажралмас қисми» деб эълон қилганлар. Расман департаментларнинг Франция миллий мажлисида 71, сенатда эса 33 вакили бор. Бироқ бу вакиллар маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдан ожиз. Мамлакатдаги ижроия ҳокимият Франция ҳукуматининг бош делегати қўлида. 1958 йил 19 сентябрда мамлакатни озод қилиш Миллий fronti Жазоир республика деб эълон қилди. Айни вақтда муваққат Жазоир ҳукумати тузилди. Жазоир республикасини ҳозиргача 18 давлат таниди.

*Сийсий партиялари.* Миллий-озодлик fronti — Жазоир халқининг озодлик курашига раҳбарлик қилаётган сиёсий ташкилотдир. Бу ташкилот 1954 йилда тарқалиб кетган миллий партиялар негизида ташкил топган. МОФ программаси мустақилликка эришиш, ер ислоҳоти ўтказиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилишни, Бандунг ва Қоҳира конференциялари қарорлари руҳида ташқи сиёсат юргизишни кўзда тутди. Жазоир Коммунистик партияси — 1920 йилда Франция Компартиясининг секцияси сифатида ташкил этилган. 1955 йилдан бери яширин ҳолатда ишлаб, миллий-озодлик ҳаракатида актив қатнашди. Жазоир миллий ҳаракат партияси — 1954 йилда тузилган. Бу партия миллий-озодлик fronti сиёсатига қарши. Партия раҳбарлари Франция билан келишиш тарафдоридирлар. Шу сабабли ЖМХнинг омма орасида унчали таъсири йўқ. Булардан ташқари Жазоирда бир қанча майда ўнг партиялар мавжуд.

## ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ АФРИКА

Жануби-Ғарбий Африка — Жанубий Африкада бўлиб, Атлантик океан соҳилида жойлашган мамлакат. Ангола, Шимолий, Родезия, Бечуаналенд ва Жанубий Африка Республикаси билан чегарадош. Миллатлар Иттифоқи мандатига мувофиқ мамлакатни Жанубий Африка Республикаси идора қилади.

Майдони 824 минг квадрат километр, аҳолиси 554 минг киши бўлиб, шундан 464 минги африкаликлар, 69 минги эса европаликлардир.

Маркази Виндхук шаҳри (аҳолиси 29 минг киши).

*Табий шaroити.* Мамлакат асосан саҳро ва тоғлардан иборат. Иқлими иссиқ, континенталдир. Денгиз бўйи минтақасида иқлими муътадил, юмшоқ. Доимо оқиб турадиган дарёлар кам. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Маҳаллий аҳоли узоқ вақтлар чет эл босқинчилари зулми остида жабрланди. 1920 йилгача Жануби-Ғарбий Африкада немис, инглиз ва француз мустамлакачилари ҳукмронлик қилди. 1920 йилда Миллатлар Иттифоқи бу мамлакат ихтиёрини Жанубий Африка Иттифоқига берди. Уша вақтларда ЖАИ Жануби-ғарбий Африка экономикасини ривожлантиришга, аҳоли тирикчилигини яхшилашга ваъда берган эди. Бироқ ваъдалар мутлақо бажарилмади. Аксинча, у Миллатлар Иттифоқининг мандатлар системаси тугатилгач, Жануби-ғарбий Африкани БМТ восийлигига топширишдан воз кечди ва қонунга хилоф равишда мамлакатни ўз мустамлакасига айлантирди.

Жанубий Африка Иттифоқи ирқчилари ерли аҳолига шафқат қилмадилар, уни барча ҳуқуқлардан маҳрум қилдилар. Африкалик ўз ватанида пропускасиз юролмади, уни ҳамма ерда туртдилар, камситдилар. Мустамлакачилар маҳаллий халқни энг яхши ерлардан ҳайдаб чиқардилар. 69 минг европалик 40 миллион гектар ерни эгаллаб олди. Ваҳоланки, 554 минг африкалик қўлида 20 миллион гектарга етар-етмас унумсиз ер қолди. Тирикчилик ғоят оғир бўлиб ишчи ва деҳқон очлик ҳамда қашшоқлик азобини кўп тартади. Оғир меҳнат, аччиқ турмуш натижасида аҳоли сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Масалан, герреро қабиласи 80 минг кишидан сўнгги йилларда 15 минг кишига камайдди. Халқ илм-маърифатдан баҳраманд эмас. Кейинги 40 йил мобайнида фақат биргина африкалик олий медицина маълумотини олган.

Жануби-ғарбий Африкада миллий-озодлик ҳаракати кундан-кунга авж олмоқда. Кейинги икки йил ичида мамлакатда Жануби-ғарбий Африка миллий Иттифоқи, Овомбо-

ленда халқ ташкилоти каби прогрессив партиялар ташкил топди. Бу партиялар барча миллий кучларни мустамлакачиларга қарши курашга бирлаштирмоқдалар.

Жануби-ғарбий Африка масаласи 14 йилдан буён БМТда муҳокама қилинмоқда. Мамлакатдан катта манфаат кўраётган Америка ва Англия империалистлари Жануби-ғарбий Африка масаласининг ижобий ҳал бўлишига тўсқинлик қилмоқдалар.

*Ҳўжалиги.* Жануби-ғарбий Африка қолоқ, аграр мамлакат. Экономикада чорвачилик муҳим ўрин тутди. Мамлакат қорақўл тери тайёрлашда дунёда биринчилар қаторида туради.

Тахминий маълумотларга кўра, 1957 йилда 2 миллион 633 минг дона қорақўл териси тайёрланган. Мамлакатда олмос, олтин, ванадий, вольфрам, берилла, графит, мис, қўрғошин ва рух сингари минерал ресурслар мўл. Миллий бойлик чет эл капитали қўлида. Кейинги тўрт йил ичида империалистлар мис ва қўрғошин-рух конларидан 75 миллион доллар соф фойда олганлар. 1957 йилда 996,6 минг қирот олмос қазиб олинган.

## ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Жанубий Африка Республикаси — Жанубий Африкада жойлашган суверен давлат. Мозамбик, Свазиленд, Жануби-ғарбий Африка, Родезия ҳамда Бечуаналенд билан чегарадош. Мамлакатнинг бир чеккаси Ҳинд ва Атлантик океанларига туташ.

Майдони 1 миллион 223,4 минг квадрат километр, аҳолиси 14 миллион 673 минг киши. Шу жумладан 9 миллион 751 минг африкаликлар, 3 миллион 67 минг европаликлар (асосан бурлар ва инглизлар), 450 минг ҳинд ва бошқа миллат вакиллари бор.

Маркази Претория шаҳри (аҳолиси 335 минг киши).

*Табий шароити.* Жанубий Африка Республикаси — Жанубий Африка ясси тоғи атрофида, саванналар зонасида, тропик саҳро ва ярим саҳроларда жойлашган. Жанубий ва жануби-шарқий қисмини субтропик ўрмонлар, бутазорлар зонаси қоплаган. Тоғлар, дарёлар оралигида яшил водийлар, серунум воҳалар бор. Иссиқ, субтропик иқлимга эга. Дарёларга сероб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Жанубий Африка территориясида қадимги вақтларда бушмен ва готтентат қабилалари яша-

ган. Кейинчалик бу ерда банту қабилалари пайдо бўлди. XVIII асрдан бошлаб Жанубий Африкага европаликлар кириб келадилар. 1657 йилда бир группа голландияликлар келиб Кап колониясига асос солдилар. 1806 йилда Англия голландларнинг Кап колониясини тортиб олди. Жанубий Африкага кўчиб келган инглизлар билан жиққа-мушт бўлган бурлар Зарғалдоқ дарёси ортига кўчиб ўтадилар. Наталь, Трансвааль ҳамда Оранжевая республикасини барпо қилдилар.

Инглизлар ҳам, бурлар ҳам янги ерларни босқинчилик билан эгалладилар. Маҳаллий африкаликлар босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. XVIII—XIX аср мобайнида инглиз ва бурлар ерли қабилалар билан уруш олиб бордилар. Фақат найза ва камалак билан қуролланган тарқоқ қабилалар яхши қуролланган европаликларга бас келолмасди, албатта. XIX аср охирига келиб инглизлар ва бурлар ҳозирги Жанубий Африка Иттифоқи территориясини батамом босиб олдилар. 1899 йилда инглизлар бурларга қарши юриш қилди ва 1902 йилда Трансвааль ҳамда Оранжевая республикаларини босиб олдилар. 1909 йилда Трансвааль, Оранжевая, Наталь республикалари ва Кап колонияси ягона давлатга — Жанубий Африка Иттифоқига бирлашди. Шундай ҳилиб, европалик мустамлакачиларнинг буржуа-помешчик давлати вужудга келди. Жанубий Африка Иттифоқига экономика ва сиёсатда Англиянинг таъсири кучли эди. Жанубий Африка Иттифоқи ҳукмронлари мамлакатда фашистлар режимини ўрнатиб, африкаликларни эксплуатация қилмоқдалар, 10 миллион африкалик инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Оқ танли «жаноб» билан бир автобус, трамвай ёки машинада юришга, бир столда овқатланишга, бирга ўқишга ва бир қудуддан сув ичишга африкаликларнинг ҳаққи йўқ. Бутун моддий бойликларни, нозу неъматларни яратаётган меҳнаткаш негр ўз ватанида тутқин, хору зор. Аҳоли алоҳида ажратилган кулбайи вайроналарда яшайди, кўча-куйда рухсатномасиз юролмайди. Агар 20 қадам ерга ҳам рухсатсиз чиқса унга жарима соладилар ёки қамайдилар. Ҳар йили 400—500 минг негр ўз районида рухсатномасиз юргани учун қамоқ жазосини ўтайди. Кўп жамоат биноларига «бу ерга негрлар ва итларнинг кириши ман қилинади» деган сўзлар ёзилган. Давлат конституциясида эса ирқчилик шундай сўзлар билан қонунлаштирилган: «Давлатда ҳам, черковда ҳам европаликлар билан негрлар ўртасида тенглик бўлмайди». Мамлакатда мажбурий меҳнат формалари ва тан жазоси мавжуд.

Уч миллион оқ танли 88 процент мамлакат территориясини эгаллагани ҳолда, 10 миллион қора танли эса 12 процент



ерда яшайди ва экин-тикин қилади. Аксарият халқ европаликларга қарашли плантацияларда, завод ва фабрикаларда, пахта далаларида ва конларда ишлайди.

Африкаликлар ўртасида очлик, қашшоқлик ва турли юқумли касалликлар авж олган. Жанубий африкалик журналист Р. Сиъэлнинг ёзишича, мамлакатда туғилган ҳар минг боладан фақат 50 процентигина 16 ёшгача яшайди. «Ранд дейли мейл» газетасининг маълумотларига кўра, тўйиб овқат емаслик натижасида африкаликлар ўртасида айниқса сил касали кенг тарқалган. Баъзи районлардаги қора танлилар касалхона ва амбулатория нима эканлигини ҳам билмайдилар.

Жанубий Африка Республикаси ирқчилари ватанпарварларни, ўз озодликлари учун курашувчиларни қаттиқ таъқиб остига олганлар. Қамоқ лагерлари, полиция участкалари ватан мустақиллиги учун курашган негрлар билан тўлиб-тошган. Ирқчилар ҳимоясиз халққа қарши қурол ишлатишдан ҳам тоймаётирлар. 1960 йилда Трансвааль вилоятидаги Шарпавель шаҳрида юз берган қонли воқеа жаҳондаги барча софдил кишилар ғазабини қўзғади. Оқ танли ирқчилар тинч намоёнчиликларни ўққа тутди, 67 кишини ўлдириб, 180 кишини ярадор қилдилар.

Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида ҳам реакцион сиёсат юргизмоқда. Америка-Англия империалистларининг агрессив сиёсатларини маъқулламоқда, социалистик мамлакатларга туҳмат қилмоқда. У Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳамда халқларининг конференцияларида қатнашишдан бош тортди.

*Хўжалиги.* Иқтисодий жиҳатдан Жанубий Африка Республикаси Африка мамлакатларига қараганда анча ривожланган. У капиталистик оламда олтин ва платина қазиб чиқаришда биринчи, олмос, уран, хромит, асбест ва марганец рудаси қазиб чиқаришда эса олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат экономикасининг асосини минерал хом ашё тайёрлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этади. Табиий ресурслар экспортга кетади. Халқ ўз бойлигидан наф кўрмайди. Деҳқончилик ва чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Қишлоқ хўжалигида пахта, буғдой, маккажўхори ва серго етиштирилади. ЖАР қўй жунини тайёрлашда капиталистик мамлакатлар ўртасида тўртинчи ўринда туради. Чорва молларининг кўпи европаликлар қўлида. Масалан, 1956 йилда мавжуд бўлган 37,5 миллион қўйдан 4 миллионга етар-етмаси африкаликларники эди, холос. Экономикада чет эл капитали, айниқса Америка ва Англия монополияларининг таъсири зўр.

*Давлат тузуми.* 1961 йил мартгача давлат бошлиғи расман Англия қироли ҳисобланарди (ЖАР 1961 йил март ойида Британия миллатлар ҳамкорлигидан чиқди). 1961 йил 31 майда Жанубий Африка Иттифоқи Республикаси эълон қилинди. Шундан сўнг мамлакат Жанубий Африка Республикаси деб атала бошланди. Қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент, ижроия ҳокимиятни министрлар Совети амалга оширади. Парламент икки палатали бўлиб, фақат европаликларгина унга аъзо бўлиб сайланади.

*Сийсий партиялари.* Националистик партия — йирик буржуазия ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилади. Бу партия ашаддий ирқчилар партиясидир. Бирлашган партия — Англияга ҳайрихоҳ бўлган буржуазия манфаатини кўзлайди. Бу ҳам ирқчиликни ёқлайди. Лейбористлар партияси — европалик ишчиларнинг юқори табақасининг манфаатларини ҳимоя қилади. Либерал партия, тараққийпарвар партия ва бошқа партиялар ҳамда юздан ортиқ касаба союз ташкилотлари бор.

## ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯ

Жанубий Родезия — жанубий Африкада жойлашган Англия мустамлакасидир. У Шимолий Родезия, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси ва Бечуаналенд билан чегарадош. Мамлакат Ньясаленд ва Родезия Федерацияси составига киради.

Майдони 389,3 минг квадрат километр, аҳолиси 2,9 миллион киши. Бундан 2,5 миллионини маҳаллий африкаликлар, 200 мингдан ортиқроғини европаликлар, қолган қисмини эса турли миллат вакиллари ташкил этади.

Федерация ва Жанубий Родезиянинг маркази Солсбери шаҳри (аҳолиси 215 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг катта қисмида Матабеле платоси жойлашган. Айрим жойларда унча баланд бўлмаган тоғлар қад кўтарган. Шимолда плато сатҳи пастлашиб, Замбези дарёси водийсига туташиб кетади. Иқлими баъзи районларда салқин, тоғли районларида эса муътадил. Дарёлар кўп, платода ўрмонзорлар учрайди, ҳайвонлардан жирафалар, оҳу, шер, йўлбарс, тимсоҳ ва каркидонлар бор.

*Қисқача тарихи.* X—XVI асрларда ҳозирги Жанубий Родезия территориясида Мономотапа давлати бўлган. Аҳолиси машина қабилаларидан ташкил топган эди. Уша вақтларда

Мономотапа давлати ривожланган кучли давлат эди. XVI асрда португалияликлар бу давлатнинг шарқий қисмини босиб олдилар. Бундан тахминан 70 йил илгари машҳур мустамлакачи ва авантюрист Сесиль Родс жануби-ғарбий районлардаги матабеле қабила бошлигини тузоққа илинтирди. Қабила бошлиғи Лобенгула ўз еридан бир қисмини Родсга ижарага берди. Орадан кўп ўтмай мустамлакачилар машина ва матабелелар ерини батамом босиб олдилар. Бу территория Родс номи билан Жанубий Родезия, деб атала бошланди.

Жанубий Родезияга «бахт» ахтариб келган инглизлар кўп бўлди. Улар африкаликлардан ер-сувни тортиб олиб, мамлакатда жойлашиб қолдилар. 200 мингдан ортиқ европалик 24 миллион гектар унумдор ерларга эга бўлиб, 2,5 миллион аҳолига фақат 15 миллион гектар кам ҳосилли ер қолдирилди. Африкаликлар махсус ажратилган районларда яшашга мажбур. Қора танли кишининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишга, шаҳарда рухсатномасиз юришга ҳаққи йўқ, акс ҳолда у қамоққа ташланади ёки катта жарима тўлаши шарт. Африкаликлар автобуста тушолмайдилар, уларни кинотеатр ва ресторанларга қўймайдилар. Банклар ва почталарда африкаликлар билан алоҳида дарчалар орқали муомала қиладилар. Мамлакатда ерли халқни ирқий камситишга қаратилган 60 қонун қабул қилинган.

Қора танлилар завод ва фабрикаларда, кон ва шахталарда 12—14 соатлаб ишласа ҳам европалик ишчидан 20 марта кам иш ҳақи оладилар. Халқ доимо муҳтожлик ва қашшоқликда кун кечиради. У илм-маърифатдан, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Жанубий Родезия 1923 йилдан буён «ўз-ўзини идора қилувчи мамлакат» деб юритилади. Расман мамлакат ҳукумати парламенти бор. Амалда эса давлатни идора қилишда африкаликлар қатнаштирилмайди. Парламентда бирорта ҳам африкалик йўқ. Ҳокимият европаликлар қўлида.

Ньясаленд ва Родезия федерациясини тузиш ташаббускорлари ҳам Жанубий Родезия ҳукмдорларидир. Улар Ньясаленд ва Шимолий Родезияда ҳам ҳукмронлик қилиш, бу мамлакатларда ирқчиликни авж олдириш мақсадида федерация тузишни таклиф қилдилар. Уч мамлакат халқлари қаршилигига қарамай, 1953 йилда Родезия ва Ньясаленд федерацияси тузилди.

Африкаликлар федерациядан чиқиш ва ўз мустақилликлари учун курашиб келмоқдалар. 1959 йилда Ньясалендда кўтарилган халқ қўзғолонини Жанубий Родезия аҳолиси қувватлади. Мамлакатда иш ташлаш ва намойишлар кучайиб

кетди. Мустамлакачилар қийинчилик билан Ньясалендаги қўзғолонни бостириб, Жанубий Родезия халқидан ўч ола бошладилар. Озодлик курашига раҳбарлик қилган Африка миллий конгресси партияси тақиқланиб, унинг раҳбарлари қамоққа ташланди. Лекин кураш тўхтамади, аксинча авж олди. Миллий демократик партия раҳбарлигида халқ мустамлакачиларга қарши курашни давом эттирди. 1960 йилда бир неча марта африкаликлар билан полиция ва ҳарбий қисмлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлди.

Халқ ҳаракатидан чўчиган мустамлакачилар тактикани ўзгарттирдилар. Федерация конституцияси масаласи бўйича конференция ўтказишга қарор қилинди ва шу муносабат билан федерацияга Англиядан комиссия юборилди. 1960 йил 11 октябрда эълон қилинган комиссия хулосасида Шимолий Родезия ва Ньясаленд халқлари федерацияга қарши эканлиги эътироф қилинди. Комиссия африкаликлар ҳуқуқини бир оз кенгайтиришни тавсия этди. Комиссиянинг чекланган хулосаси ҳам Жанубий Родезия ирқчиларини норози қилди. Улар африкаликларни абадий қулликда сақлашни хаёл қилмоқдалар. Бироқ африкаликлар федерацияни тугатиб, ўз ихтиёрларича мустақил давлат барпо қилиб, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қиладиган вақт узоқ эмас. Ҳозирги кунда Ньясаленд, Шимолий ва Жанубий Родезияда авж олаётган халқ тўлқини ана шундан далолат бериб турибди.

*Хўжалиги.* Хом ашё тайёрлаш экономиканинг муҳим тармоғидир. Ер бағрида мис, хром рудалари, олтин, асбест, кобальт ва вольфрам запаси жуда кўп. 1959 йилда 108,7 минг тонна асбест, 492 минг тонна хромит ва 3753,6 килограмм олтин қазиб олинди. Қишлоқ хўжалигида тамаки, маккажўхори, пахта, чой ва ер ёнғоғи етиштирилади. Миллий даромаднинг деярли ҳаммаси чет эл монополиялари ва оқ танли ҳукмронлар чўнтагига тушади.

## З А Н З И Б А Р

Занзибар — Шарқий Африкада, Занзибар ва Пемба оролларида жойлашган. Расман султонлик бўлса-да, аслида Англия мустамлакаси.

Майдони 2 минг 657 квадрат километр, аҳолиси 304 минг киши. Шу жумладан 230 мингга яқини африкаликлар, 47 минг араблар, 18,5 минг осиеликлар ва 300—400 га яқин европаликлар ҳам яшайди.

Маркази Занзибар шаҳри (аҳолиси 58 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат ўрнашган паст текис ороллари маржон тўсиқлари гир айлангириб ўраб олган. Иқлими экваториал, иссиқ. Илгари барча ороллар тропик ўрмонлар билан қопланган эди. Кейинчалик бу ўрмонларни деярли кесиб йўқ қилдилар.

*Қисқача тарихи.* Чет эл босқинчилари қадимдан Занзибарга чанг солдилар. Чунки, Занзибар Ҳинд океанида савдо маркази бўлиб, бу ер орқали Шарқий Африкага кириш мумкин. Шунингдек, ороллар стратегик жиҳатдан гоят муҳим ўрин тутар эди. VIII асрда Занзибарни араблар, XVI асрда португалияликлар, XIX аср охирида эса Англия мустамлакачилари босиб олдилар. 1890 йилдан бошлаб Занзибар Англия протекторатига айлангирилди. Америка, Англия, Франция ва Германиядан келган «цивилизаторлар» содда, очиқ кўнгил мамлакат халқини аврадилар, унинг бор бисотини таладилар. Англия мустамлакачилари 70 йил мобайнида битта ҳам завод қурмадилар. Аксинча, ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Экономикани ривожлантириш, аҳоли тирикчилигини яхшилаш ҳақида сира ўйламадилар. Очлик, ишсизлик ва юқумли касалликлар кўпайди. Ҳозир 30 минг киши сил касалига мубтало, кўпчилик аҳоли медицина хизматидан маҳрум, аҳолининг 80 проценти саводсиз.

Занзибар халқи «тақдирга тан беришни» истамади. У ўз тақдирига, мол-мулкига, ватанига ўзи хўжайин бўлишни истади. Шунинг учун ҳам маҳаллий феодалларга ва чет эллик эзолимлarga қарши тинмай курашмоқда. Англия ҳуқумронлари мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижроия кенгашлари туздилар, бу қонун чиқарувчи кенгашга ўтказилган сайловларда прогрессив партиялар ғалаба қозонди. Янги конституция эълон қилинди. Бу Занзибар халқининг катта ғалабаси бўлса-да, мамлакатга ҳамон мустамлакачилар хўжайин бўлиб келмоқда. Англия резиденти ижроия кенгашга раислик қилиб, қонун чиқарувчи кенгаш ва ҳукумат қарорларини бекор қила олади.

Лекин, мамлакат халқи бундай ислохотлардан норози бўлиб у ҳақиқий мустақиллик талаб қилмоқда.

*Ҳўжалиги.* Занзибар — қолоқ, аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалигида қалампир-мунчоқ дарахти ўстирилиб, асосан 20 минг гектар ер шу дарахт билан банд. Кейинги ўн йил ичида қалампир-мунчоқ дарахтидан тахминан йилига 10—11 минг тоннадан ҳосил олинган. Бу бутун дунёда етиштирилаётган қалампир-мунчоқнинг 80 процентига тенг келади. Қалампир-мунчоқ сотиш ва сотиб олиш Англия компанияси ихтиёрида-

дир. Мамлакатда 4 миллионга яқин кокос пальма дарахти бор. Шунингдек, цитрус экинлари, банан, ананас ва тамаки етиштирилади. Дон экинлари кам бўлганлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтирилади. Хом ашёни қайта ишлайдиган бир нечта майда корхоналар бор.

Занзибарда бир неча сиёсий партиялар мавжуд. Булар ичида Афро-шираз партияси тўлиқ мустақиллик талаб қилмоқда ва феодал-помешчиклар ҳукмронлигига қарши курашмоқда.

## ИСПАНИЯ ГВИНЕЯСИ

Испания Гвинеяси (илгариги номи Рио-Муни) Африка қитъасининг ғарбий соҳилида жойлашган мустамлакадир. Составига Фернандо-По ороллари ва бошқа ороллар ҳам киради. У Камерун ва Габон билан чегарадош.

Майдони 28 минг квадрат километр, аҳолиси тахминан 209 минг киши. Аҳоли асосан банту ва хауса халқларидан ташкил топган. Мамлакатда 4 мингга яқин европаликлар ҳам яшайди.

Маркази йирик порт Санта-Исабель шаҳри (аҳолиси 9 минг киши).

*Табиий шароити.* Рио-Мунининг катта қисмини тропик ўрмонлар эгаллайди. Мамлакатнинг иқлими оғир. Уйқи касалини кўзғатадиган це-це пашшаси кишига кун бермайди. Фернандо-По оролининг табиий шароити анча яхши. Иқлими юмшоқ, ерлари серунум. Оролда қазилма бойликлар ҳам топилади.

*Қисқача тарихи.* XV аср охирларида мамлакатга португалияликлар суқилиб кирдилар. 1778 йилги Испания-Португалия битимига мувофиқ Фернандо-По ороли Испанияга ўтди. 1843 йилда испанлар Рио-Мунини ҳам босиб олдилар. Шундан бери ерли аҳоли азоб-уқубатда яшаб келмоқда. Испан босқинчилари африкаликларни плантацияларда, шахта ва корхоналарда қўлдек ишлатадилар. Ишчи ва деҳқоннинг ишлаб топгани унинг оиласи у ёқда турсин, ўз қорнини тўйдиришга ҳам етмайди. Африкаликлар доимо қашшоқ, саводсиз. Мамлакат ва халқ тақдири Испания генерал-губернатори қўлида. Ватанпарварлар қаттиқ қувғин остида яшайдилар. Уларни суриштирмай отадилар, қамоққа ташлайдилар. Лекин, бундай чораларга қарамасдан африкаликлар озодлик курашини кучайтирмакдалар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда

авж олган халқ ҳаракати мустамлакачиларни ваҳимага солиб қўйди. Улар турли йўллар билан халқни аврашга уринмоқдалар. Аммо, кураш қизиб бормоқда. Гвинеяликлар испан мустамлакачиларини жиловлайдиган ва ўз мустақилликларига эришадиган кун узоқ эмас.

*Хўжалиги.* Испания Гвинеяси ғоят қолоқ мамлакат. Қишлоқ хўжалигида кофе, какао ва мой берадиган пальма етиштирилади. Испанлар ҳар йили мамлакатдан қарийб 20 минг тонна какао, 5 минг тонна пальма ёғи, 6 минг тонна кофе олиб кетадилар. Шунингдек, юрт бойлиги — ўрмонларни кесиб йўқ қилмоқдалар.

## ИСПАНИЯ САҲРОИ КАБИРИ

Испания Саҳрои Кабири — Саҳрои Кабирнинг ғарбий қисмида жойлашган. Испания мустамлакаси бўлган бу мамлакат икки қисмдан — Рио-де-Оро ва Сағият-ал-Хамра дебатланган территориялардан иборат. Мамлакат Мавритания ва Ифни билан чегарадош. Ғарбий қисми эса Атлантик океанига туташ.

Майдони тахминан 267 минг квадрат километр, аҳолиси 625 мингдан зиёд. Аҳоли асосан араб-барбарлардан ташкил топган.

Маркази Вилья-Сиснерос шаҳри.

*Табий шароити.* Сатҳи — океан соҳилидан Атлас тоғлари томон кўтарилиб борадиган паст текисликлардан иборат. Мамлакат территориясининг катта қисмини дашт-саҳролар қоплаган. Иқлими жуда иссиқ. Доимий оқиб турадиган дарёлар йўқ. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Маҳаллий аҳоли узоқ замонлардан бери испан босқинчиларига қарши курашиб келган. Осид ва Африкада юз бераётган катта ўзгаришлардан руҳланган араблар мустақиллик талаб қиляптилар. Испания мустамлакачилари ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай жойлашган бу мамлакатдан кетмасликка кўп уринмоқдалар. Бироқ эркес-вар араблар тўла ғалабага эришмагунча курашишга аҳд қилганлар. Кейинги йилларда миллий-озодлик кураши кучаймоқда.

*Хўжалиги.* Испания Саҳрои Кабири ғоят қолоқ мамлакат. Аҳоли чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Воҳаларда дон экинлари етиштирилади. Халқнинг тирикчилиги ғоят оғир. Кейинги вақтларда АҚШ империалистлари мамлакатни ҳарбий плацдармга айлантирмоқдалар.

## И Ф Н И

Ифни — Африканинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган кичик мустамлака мамлакат. Майдони 2 минг квадрат километр, аҳолиси 45 мингдан ошиқ, уларнинг аксарияти араблардир.

Маркази Ифни шаҳарчаси.

*Қисқача тарихи.* Ифни илгари Марокаш составига кирар эди. 1860 йилда Испания мустамлакачилари Ифнини босиб олдилар. Шундан бери Ифни халқи мустамлакачилик асоратида азоб чекмоқда. Босқинчилар арабларни инсон ўрнида кўрмай, уларни хўрлайдилар ва камситадилар. Халқнинг моддий-маиший турмуши жуда оғир бўлиб, қорни нонга тўймайди, усти кийим-кечакка ёлчимайди. Мамлакатда қашшоқлик ҳукм суради, турли юқумли касалликлар кенг тарқалган. Аҳолининг кўпчилиги касалхона, амбулатория ёрдамидан ва уларнинг болалари мактабларда ўқишдан маҳрум. Касалхона ва мактаблар ўрнига мамлакатда йирик ҳарбий базалар қурилмоқда.

Ифни халқи, зулм-истибодга қарши муттасил курашиб келди ва Марокаш билан бирлашиш истагини билдирмоқда. 1956—1957 йилларда Ифни халқи қуроли қўзғолон кўтарди. Испания фашистлари халққа қарши авиация, танклар ва артиллерияни ташлади. Лекин, улар халқнинг озодликка бўлган интилишини тўса олмадилар. Кейинги вақтларда Ифнида миллий-озодлик ҳаракати тобора кучаймоқда.

*Хужалиги.* Ифни ғоят қолоқ мамлакат. Аҳоли чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчилик билан кун кечиради. Мамлакатда саноат йўқ.

## КАМЕРУН

БМТ васийлигидаги Камерун — Нигерия ва Камерун республикаси билан чегарадош. БМТ номидан мамлакатни Англия бошқаради.

Майдони 88,3 минг квадрат километр, аҳолиси 1 миллион 621 минг киши. Аҳолининг бир миллиондан кўпроғи бантулар, қолганлари эса хауса, фульбе ва бошқа қабилалардир.

Маркази Буза шаҳри (аҳолиси 3 минг киши).

*Табий шароити.* Камерун Гвинея қўлтиғидан Чад кўлигача бўлган территорияга жойлашиб, унинг кўп қисмини Вулканли Камерун массиви, Адамауо тизма тоғлари эгаллаган. Тизма тоғлар шимолда пастлашиб Чад кўли паст текислигига қўшилиб кетади. Камерун массивининг этакларида тропик ўрмонлар ўсади.



*Қисқача тарихи.* XV асрда Камерун соҳилларига португалияликлар келдилар.

Португалияликлар, сўнгра инглизлар қул савдосига киришиб, неча-неча маҳаллий халқлар қул қилиб сотилди. Қул савдоси натижасида аҳоли камайиб кетди, мамлакат тушқунликка учради. 1884 йилда Германия мустамлакачилари Камерунни босиб олдилар. 1919 йилда Камерунни Англия ва Франция империалистлари бўлиб олдилар. Англия мустамлакачилари ўзларига теккан Шимолий Камерунни яна икки қисмга бўлиб ташладилар. Камерун халқининг турмуши жуда оғир. Муҳтожлик ва қашшоқлик — унинг қисмати. Камерунликлар саводсиз, илм-маърифатдан беҳабар, медицина хизматидан маҳрумдир. Ҳар минг боланинг 700 таси ёшига етмай ўлади. 60—70 процент аҳоли безгак касалига мубтало. Халқ ўз озодлиги ва мустақиллиги учун тинмай курашмоқда. 1946—1959 йилларда авж олган халқ ҳаракати империалистларга қаттиқ зарба бўлди. Улар халққа ён босишга, Жанубий Камерунга автономия беришга мажбур бўлдилар. Тез орада парламент ва Министрлар совети тузилди. Халқ Камерунга тўлиқ мустақиллик берилишини, ягона Камерун давлатининг ташкил этилишини қатъий талаб қилмоқда.

*Хужалиги.* Камерун қолоқ, аграр мамлакат. 90 процент аҳоли қишлоқ хўжалигида банд. Яхши ерлар чет эл компаниялари қўлида. Қишлоқ хўжалигида кофе, какао, каучук, банан, пальма ва дон экинлари етиштирилади. Саноат деярли йўқ.

*Сийсий партиялари.* Камерун миллий-демократик партияси, Камерун миллий конгресси, Камерун халқ партияси ва Камерун бирлик партиялари бор. Мамлакатда бир неча касаба союз ташкилотлари ҳам мавжуд.

## КАМЕРУН

(Камерун Республикаси)

Камерун Республикаси — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. У Британия Камеруни, Чад, Марказий Африка Республикаси, Габон, Конго республикаси ва Испания Гвинеяси билан чегарадош.

Майдони 432 минг квадрат километр, аҳолиси 3,5 миллионга яқин. Аҳоли асосан банту қабилаларидан ташкил топган. 15 мингга яқин европалликлар ҳам яшайди.

Маркази Яунде шаҳри (аҳолиси 59 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмини тизма тоғлар эгаллайди. Тизма тоғлар соҳил томон пастлашиб денгиз бўйи паст текислигига айланиб кетади. Тропик ўрмонлар жуда қалин. Ўрмон зонасидан шимолда саван-

на чўзилиб кетган. Шимолий районда дунёда энг катта кўллардан бири — Чад кўли бор. Иқлими иссиқ ва сернам. Усимлик ва ҳайвонот дунёси турли-туман.

*Қисқача тарихи.* VIII—XIV асрларда Камерун территориясида мустақил Биафра давлати ҳукмронлик қилди. XV асрда мамлакатда португалияликлар, сўнгра немислар пайдо бўлдилар. 1884 йилда Германия мустамлакачилари Камерун устидан протекторат ўрнатдилар. Камерун халқи биринчи жаҳон урушига қадар немис босқинчилари, сўнгра Англия ва Франция империалистлари зулми остида кўп кулфат чекди. 1919 йилда мамлакат Англия билан Франция ўртасида бўлиб олинди. Шарқий Камерунни эгаллаб олган Франция мустамлакачилари зўр бериб миллий бойликларни талон-торож қилдилар. Экишга яроқли 80 процент ер аҳолидан тортиб олинди.

Мамлакатда маҳаллий ишчининг аҳволи жуда оғир эди. У европалик ишчидан 20 марта кам иш ҳақи оларди. «Цивилизаторлар» ўз ҳукмронликлари даврида битта ҳам олий ўқув юрти очмадилар. Натижада 90 процентдан ошиқ аҳоли хат-саводсиз қолди. Йўқлик ва муҳтожлик натижасида пайдо бўлган юқумли касалликлар кўп кишининг ёстиғини қуритди. 1946 йилда мамлакат БМТ восийлигига ўтса-да, аҳвол ўзгармади. Чунки, амалда мамлакатни Франция бошқарарди. Зулм-истибдод жонига теккан халқ босқинчиларга қарши мардонавор курашди. 1945—1955 йиллардаги халқ ҳаракати французларни ваҳимага солиб қўйди. Жаллодлар қурол кучи билан халқ ҳаракатини бостирмоқчи бўлиб, артиллерия, танк ва авиацияни уларга қарши ташлади. 10 минг ватанпарвар қатл қилиниб, 60 минг киши қамоққа олинди. Бу террор ва репрессия халқ ғазабини оширди. Бундан чўчиган империалистлар бошқача йўл тутдилар. 1957 йилда конун чиқарувчи мажлис ва ҳукумат тузилди. Ташқи алоқа, мудофаа ва молия ишлари французлар қўлида қолаверди. Бундан халқ албатта норози эди.

Камерун халқини бутун прогрессив инсоният қувватлади ва БМТ дан мамлакатга ёрдам беришни талаб қилди. БМТ Бош Ассамблеяси 1959 йил мартда Камерун масаласини махсус муҳокама қилиб, унга мустақиллик бериш ҳақида резолюция қабул қилди. Камерун халқининг қаттиқ кураши, прогрессив инсониятнинг тазйиқи остида империалистлар унинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлдилар. 1960 йил 1 январда Африкада янги мустақил давлат — Камерун давлати вужудга келди.

Янги миллий ҳукумат мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, экономикани ривожлантириш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқда.

*Хўжалиги.* Камерун қолоқ, аграр мамлакат. Мамлакатнинг 85 процент аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида кофе, банан, ер ёнғоғи, каучук, пальма, пахта, гуруч, маккажўхори, ямс ва тариқ етиштирилади. Техника экинлари экспорт қилинади. Ер бағрида олтин, уран, нефть, рух, титан, вольфрам, молибден ва бошқа қимматли металллар топилди. Мамлакатда алюмин заводи бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот Францияга экспорт қилинади. Экономикада француз капиталининг таъсири катта.

*Сийсий партиялари.* Камерун халқлари иттифоқи — ишчи, деҳқон, зиёли ва майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилади. Камерун бирлиги партияси — ҳукмрон партиядир. Шунингдек, касаба союз ташкилотлари ҳам бор.

## КЕНИЯ

Кения — Шарқий Африкада жойлашган мустамлакадир. Уни Англия қироли тайинлаган губернатор идора қилади. Кения Эфиопия, Судан, Сомали, Танганьика ва Уганда билан чегарадош.

Майдони 582,6 минг квадрат километр, аҳолиси 6 миллион 450 минг киши. Аҳоли асосан банту, нилот ва кушит группа тилларида гаплашувчи африкаликлардан ташкил топган. Мамлакатда 165 минг ҳиндлар, 35,5 минг араблар ва 64,7 минг европаликлар яшайди.

Маркази Найроби шаҳри (аҳолиси 227 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг шарқий қисмида денгиз сатҳидан 500 метр, ғарбида эса 2—3 минг метргача баландликдаги плато ётади. Ҳинд океани қирғоғи бўйлаб кенглиги 200 километргача келадиган паст текислик чўзилиб кетган. Иқлими иссиқ ва сернам. Асосан саҳро ўсимликлари, дарё соҳилларида эса саванналар учрайди. Баланд платода саванна ва ўрмонзорлар кўп.

*Қисқача тарихи.* X асрда Кенияни араблар босиб олдилар, XVI—XVII асрларда Кения учун араблар, португалияликлар ва турклар ўртасида жанг бўлади. Мамлакатни Занзибар султонлари эгаллайдилар. XIX аср охирларида эса Кения Англия мустамлакасига айлантирилади. Шундан бери Англия империалистлари мамлакатни топтайдилар, аҳолини шафқатсиз эксплуатация қилдилар. Келгиндилар серҳосил ерларни эгаллаб, африкаликларни улар учун махсус ажратилган районларга жойлаштирганлар. Бу районлар шароити ғоят оғир, на тоза сув, на электр чироғи, на мактаб ва на

касалхона бор. Кон ва шахталарда, корхона ва фирмаларда 10—12 соатлаб ишлаётган африкаликнинг иш ҳақи кийим-кечак у ёқда турсин, озиқ-овқатга ҳам етмайди. Африкалик ишчи оқ танли ишчидан 20 марта кам иш ҳақи олади. Очлик, тўйиб овқат емаслик, медицина хизматининг деярли йўқлиги натижасида мамлакатда сил, безгак, тиф ва дизентерия касалликлари кенг тарқалган. Янги туғилган ҳар минг гўдакнинг ярмидан кўпи ҳалок бўлади. Мустамлакачилар халқ ўртасида маърифат тарқатишга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб келмоқдалар.

Кенияликлар босқинчиларга ҳеч қачон тиз чўкмади, улар зулм-истибодга қарши мардонавор курашди. Миллий-озодлик ҳаракати, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кучайди. Оснё ва Африкадаги буюк воқеалардан руҳланган Кения халқи муқаддас курашни бошлаб юборди. 1952—1956 йиллардаги халқ ҳаракати Англия империалистларини шошириб қўйди. Улар бегуноҳ аҳолига қарши замонавий қурооллар билан қуроолланган армияни ташлади. Авиация, артиллерия ва танклар ишга солинди. Юзлаб қишлоқлар ёндирилди, минглаб кишилар тириклайин куйдирилди, отилди. Расмий маълумотларга кўра 1952—1956 йиллар ичида 10 мингга яқин ватанпарвар қатл қилинди, 15 мингга яқин киши қамоққа ташланди. Озодлик курашига раҳбарлик қилган Африка миллий иттифоқи партиясининг раҳбарлари, чунончи, машҳур жамоат арбоби, Кения халқининг миллий қаҳрамони Жомо Кенъятта қамоққа олинди. Лекин Кения халқи ўлимдан, қамоқдан чўчимади, тўғри йўлидан қайтмади.

Империалистлар халқ ҳужуми натижасида бир оз орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Қонун чиқарувчи кенгашга кўпроқ африкаликларни тортишга ва улардан ҳукумат тузишга ваъда бердилар. 1960 йил февраль ойида қонун чиқарувчи кенгашга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларда прогрессив партиялар, айниқса Африка миллий иттифоқи катта ғалаба қозонди ва парламентда кўп ўринни эгаллади. Бинобарин янги ҳукумат тузилиши керак эди. Йирик партияларнинг раҳбарлари Жомо Кенъятта қамоқдан чиқарилмагунча ҳукумат тузишда қат-



*Хотин-қизларнинг оғир меҳнати.*

нашмасликларини айтдилар. Бироқ инглиз генерал-губернатори Ренисон Кеньяттани озод қилишдан бош тортди. Лекин халқ сиқуви остида Кеньятта озод қилинди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бўлажак ҳукумат фаолиятини губернатор назорат қилиб туради.

Кения хом ашё базаси бўлишдан ташқари муҳим ҳарбий стратегик объект ҳамдир. 1957 йилда қабул қилинган ҳарбий программага мувофиқ, Англиядан ташқаридаги инглиз қуролли кучларининг асосий стратегик резерви Кенияда жойлаштирилади. Ғарб матбуотининг ёзишича, Кенияда водород ва атом бомбалари сақланадиган ер ости ҳарбий базалари қурилмоқда. Шундай муҳим позициядан ажралиб қолмаслик учун Англия ҳукмронлари бутун чораларни кўрмоқдалар. Лекин, империалистлар ҳар қанча чиранмасинлар, эндиликда Кенияни абадий исканжада сақлай олмайдилар. Халқ тўла ғалабагача курашишга аҳд қилган. Кенияда озодлик қуёши порлайдиган кун яқин қолди.

*Хўжалиги.* Кения қолоқ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида кофе, сизаль, чой, пахта ва дон экинлари етиштирилади. Бу маҳсулотлар четга чиқарилади. Экономикада чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Ер бағрида табиий сода, диатомит, графит ва олтин запаслари кўп. Хом ашё тайёрлаш саноати чет эл капитали қўлида.

*Сийёсий партиялари.* Африка миллий иттифоқи, Кения миллий конгресси, Африка демократик иттифоқи каби бир неча партиялар ва касаба союз ташкилотлари бор.

## КОНГО

(*Конго Республикаси*)

Конго Республикаси (собіқ Бельгия мустамлакаси)— Африка қитъасининг марказий қисмида жойлашган давлат. У шимол-ғарбда Марказий Африка, шимолда Судан, шарқда Танганьика ва Уганда, жанубда эса Родезия ва Ангола билан чегарадош.

Майдони 2 миллион 345 минг квадрат километр, яъни Бельгия территориясидан 77 марта катта. Аҳолиси 13,6 миллион киши. Мамлакатда 100 мингга яқин европаликлар яшайди. Аҳоли банту, балуба, баконго, бангала, балунда, барунда, монга ва бошқа қабилалардан ташкил топган. Аҳолининг кўпчилиги банту тилида гаплашади. Пойтахти—Леопольдвиль шаҳри (аҳолиси 350 минг киши).

*Табиий шароити.* Қонго территорияси яланг паст текисликлар, ясси тоғлар, айрим жойлари чўл-биёбонлар, ўрмонзорлар ва водийлардан иборат. Иқлими иссиқ ва сернам. Усимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. У ерда фақатгина парранда ва ҳашаротларнинг 45 минг хили бор. Урмонларида ғоят қимматбаҳо дарахтлар ўсади. Қонго дарёси дунёда энг қудратли дарёлардан биридир. Дунёдаги барча дарёларнинг гидроэнергетика ресурси 500 миллион киловатт бўлса, битта Қонго дарёсининг гидроэнергетика ресурси 103 миллион киловаттдир.

*Қисқача тарихи.* Европаликлар Қонго дарёси ҳавзасидаги территорияларга XIX асрнинг 40—70-йилларида босиб кела бошладилар. 1882 йилда Бельгия мустамлакачилари Қонгони босиб олдилар. 1885 йилда сохта «Озод Қонго давлати» тузилди. Босқинчилар Қонгони таладилар, аҳолини беомон эксплуатация қилиб, 70 йил давомида тутқинлик ва азоб-қубатда яшашга мажбур қилдилар.

Расмий маълумотларга кўра, 100 минг киши сил, 280 минг киши мохов касалига мубтало, фақат безгакнинг ўзидан йилига ўн минглаб африкалик нобуд бўлади. Янги туғилган гўдакларнинг 40 проценти ёшига етар-етмас ҳаётдан кўз юмади, болаларнинг 60 процентдан кўпроғи эса 15 ёшга ҳам бормай очлик, касалликдан ўлади. Мамлакатда врач ва касалхоналар, бемор дардига даво бўладиган дори-дармонлар мутлақо етишмайди. Баъзи районларда 100 минг кишига бир врач тўғри келади. Бунинг устига аҳолининг 95 процентдан кўпроғи ўқиш ва ёзишни билмайди. Босқинчилар мамлакатни талаш билан бирга халқни қирғин қилдилар, неча-неча авлодларнинг бошига етдилар. 1884—1914 йиллар ичида Қонго халқи 30 миллион кишидан 15 миллион кишига камайди.

Қонго халқи зулматда яшашни истамади, у зolimларга қарши бош кўтарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Осиё ва Африкада авж олган миллий-озодлик кураши Қонго халқини янада руҳлантириб юборди. Қонгода революцион ҳаракат кучая борди. Бундан ваҳимага тушган Бельгия ҳукмронлари Қонгога мустақиллик берамиз, деб ваъда беришга мажбур бўлдилар.

1960 йил 23 июнда Қонго халқининг миллий қаҳрамони, машҳур сиёсий ва жамоат арбоби марҳум Патрис Лумумба бошчилигида миллий ҳукумат тузилди. 30 июнда эса Қонго республикаси эълон қилинди. Бош министр Лумумба мустамлакачиликни кескин қоралаб, мамлакатда мустақил сиёсат юргизди. Бу эса мустамлакачиларни эсанкиратиб қўйди. Шундан кейин Америка, Англия, Франция ва Бельгия империалистлари ўзаро тил бириктириб Қонго халқига қарши

фитна тайёрладилар. Мамлакатда алғов-далғов бошланди, Катанга ва бошқа вилоятларда исёнчи сотқинлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Мамлакатга Бельгия қўшинлари бостириб кирди. Лекин, Конго халқи бўш келмади, Лумумба бошлиқ ҳукумат мустамлакачиларга қарши курашни давом эттирди. Бундан газабланган мустамлакачилар Патрис Лумумба ва унинг сафдошларини хоинларча ўлдирдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош секретари Хаммаршельд Хавфсизлик Кенгашининг Конгода тинчлик ўрнатиш ҳақидаги қарорларини бажариш ўрнига қотилларга шерик бўлди, сотқинларни қувватлади. У Конгода тартиб ўрнатиш учун келган БМТ қўшинларини қонуний ҳукуматга қарши қўйди. Қотиллар фитнаси эрксевар инсониятни дарғазаб қилди. Жаҳондаги барча софдил кишилар Конгода тинчлик ўрнатишни, хоинларни жавобгарликка тортишни, Бельгия қўшинларининг Конгодан чиқиб кетишларини талаб қилмоқда. Лекин, империалистлар ўз ниятларидан қайтганларича йўқ. Конгони парчалаб юбориш учун қаттиқ уринаяптилар. Ҳозир улар Лумумбанинг содиқ сафдоши, ватанпарвар Антуан Гизенгани ҳам йўқ қилиш мақсадида қамоққа олдилар.

*Хўжалиги.* Конго, қолоқ, аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалигида кофе, какао, ер ёнғоғи, гуруч, маккажўхори, маньок ва бошқа экинлар етиштирилади. Деҳқонларнинг кўпчилиги ерсиз. Қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромаднинг кўпи йирик ер эгаларининг чўнтагига тушади. Саноатнинг асосий тармоғи тоғ саноатидир. Маълумки, Конго табиий ресурсларга жуда бой. Мамлакат уран ва кобальт қазиб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринда туради, шунингдек, ер бағрида олмос, олтин, мис, қўрғошин, рух, радий, кадмий каби нодир металлар запаси жуда кўп. Расмий маълумотларга қараганда, 1958 йилда Конгода 237 минг тонна мис, 8600 тонна кобальт (бу капиталистик дунёда шу йили қазиб чиқарилган кобальтнинг 85 процентига тенг), 14 минг тонна қалайи, 340 минг тонна марганец ва кўп миқдорда олмос қазиб чиқарилди. Афсуски, шу бойликлар ўзининг асл эгаси — Конго халқига насиб қилмай, мустамлакачилар томонидан талон-торож қилинмоқда. Кейинги беш йил ичидагина Бельгия Конгодан 464 миллион фунт стерлинг фойда олди. Фақат 1953—1954 йилларда Америка Конгода қазиб чиқарилган кобальтнинг 96 процентини, рухнинг 88 процентини, марганецнинг 64 процентини танталнинг 79 процентини, олмоснинг 87 процентини ва кофенинг 32 процентини ташиб кетди.

*Давлат тузуми.* 1960 йил июнь ойдан бошлаб мустақил республика бўлиб, қонун чиқарувчи орган — парламента ҳисобланади.

## КОНГО

(Конго Республикаси)

Конго Республикаси — Африка қитъасининг ғарбий қисмида жойлашган суверен давлат. У Габон, Камерун, Марказий Африка Республикаси ва Конго республикаси (собиқ Бельгия Конгоси) билан чегарадош, Ғарбий қисми Атлантик океанга туташ. У 1959 йилгача Ўрта Конго номи билан юритилган. Автоном республика сифатида Франция ҳамкорлиги составига киради.

Майдони 342 минг квадрат километр, аҳолиси 764 минг киши. Бантулар аҳолининг кўпчилигини ташкил этиб, булардан ташқари европаликлар ҳам яшайди.

Маркази Браззавиль шаҳри (аҳолиси 84 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг юзаси бир хил эмас. Шимоли-шарқий қисми яланг паст текислик бўлса, ғарб ва жанубда қум барханлари чўзилиб кетган. Экваториал иқлимга эга. Территориясининг ярми ўрмонлар билан қопланган. Дарёларга сероб.

*Қисқача тарихи.* Африкани бўлиб олган мустамлакачилар илгари бир бутун бўлган Конгони ҳам тақсимлаб олган эдилар. Конгонинг бир қисмини Бельгия, иккинчи қисмини эса Франция босиб олди. Мамлакат Атлантик океанига туташ бўлгани учун ҳам Франция уни қўлда маҳкам сақлашга ҳаракат қиларди. Чунки, Экваториал Африкадан талаб олинган молдунё шу океан орқали ташиб кетилади. Мустамлакачилар Конго халқига раҳм-шафқат қилмай, уни камситдилар, қаттиқ эксплуатация қилдилар. Мустамлакачилар ҳукмронлиги даврида экономика издан чиқди, аҳоли тирикчилиги оғирлашди.

Конго халқи ўз тақдирига бефарқ қарамади. Ўз ҳуқуқи, ватан озодлиги йўлида жонбозлик қилди. Бу ерда ҳам Франция империалистлари ҳийла ишлатдилар. Қонун чиқарувчи ва ижрония ҳокимият тузилиб, конституция эълон қилинди. Бироқ бундай ўзгаришлардан халқ манфаат кўрмади. Ватанпарварлар ҳақиқий мустақиллик талаб қилдилар. Халқнинг норозилик ҳаракатидан қўрқиб қолган Франция ҳукмронлари Конгога мустақиллик беришга мажбур бўлдилар. 1960 йил 15 августда Конго республикасининг мустақиллиги эълон қилинди.

Янги миллий ҳукумат олдида мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, экономика ва маданиятни ривожлантириш, моддий-маиший турмушни яхшилашдек муҳим, масъулиятли вазифа турибди.



*Хўжалиги.* Конго бошқа Африка мамлакатлари сингари қолақ, аграр мамлакат. Аксарият аҳоли қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик билан машғул. Қишлоқ хўжалигида кофе, какао, пахта, тамаки, ер ёнғоғи ва пальма етиштирилади. Ўрмонлар — мамлакат бойлиги ҳисобланади. Ўрмонларда қимматбаҳо дарахтлар ўсади. Конго табиий ресурсларга ҳам бой. Мамлакатда йирик корхоналар деярли йўқ.

*Сийсий партиялари.* Африка манфаатларини ҳимоя қилиш Демократик иттифоқи. Бу партия ҳукмрон партиядир. Бундан ташқари яна бир неча партия бор.

## ЛИБЕРИЯ

(*Либерия Республикаси*)

Либерия — Ғарбий Африкада жойлашган суверен республика. Шимоли-ғарбда Сьерра-Леоне, шимолда ва шарқда Гвинея ва Фил Суяги Қирғоғи билан чегарадош. Ғарбий ва жанубий қисми Атлантик океанига туташ.

Майдони 111,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 200 минг киши.

Пойтахти Монровия шаҳри (аҳолиси 45 минг киши).

*Табиий шароити.* Территориясининг катта қисми тоғлик. Жанубий районлардаги тоғлар ва баланд текисликлар паст текисликларга уланиб кетади. Иқлими иссиқ ва сернам. Соҳил бўйлари салқин. Тез оқар дарёлар, тропик ўрмонларга сероб. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турли-туман.

*Қисқача тарихи.* Либерия давлати XIX аср бошларида вужудга келди. Америкада қулликдан озод қилинган бир группа негрлар 1822 йилда Ғарбий Африкага кўчиб келдилар. Улар йилдан-йилга кўпайиб, маҳаллий аҳолини ўзларига бўйсундирдилар. 1847 йилда Либерия республикаси эълон қилинди.

Америкалик негрлар серунум ерларни тортиб олиб қабила кишиларини эксплуатация қила бошладилар. Америкадан келган негрлар аслида Африкадан чиққан бўлсалар-да ўз қонқардошлари бўлган маҳаллий африкаликларни менсимай, уларни хўрладилар, камситдилар. Аҳоли ижтимоий-сийсий ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Асримизнинг 30-йилларигача Либерияда қулчиликнинг турли формалари бор эди. Аҳолининг 90 проценти саводсиз, янги туғилган ҳар юз боладан 75 таси ҳалок бўларди. 1944 йилда республика президентлигига У. Табмен сайланди. Аҳолига сийсий ва ижтимоий ҳуқуқлар, чунон-

чи сайлаш, сайланиш ҳуқуқи берилди. Конгрессдаги 35 ўриндан 12 таси маҳаллий миллат вакилларига берилиб, давлат ва жамоат ишларига жалб қилиндилар. Президент экономика ва маданиятни, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Хўжаликни юксалтиришнинг 9 йиллик планини бажариш учун ажратилган 73,5 миллион доллардан 7,3 миллиони соғлиқни сақлаш, 3,5 миллионини халқ маорифи ишларига сарфлаш планлаштирилган. Кейинги йилларда мамлакатда кўплаб мактаблар, касалхоналар қурилмоқда, университет қошида янги факультетлар очилмоқда. 1954—1959 йилларда давлат бюджети 1,5 миллион доллардан 22 миллион долларгача кўпайди.

Аммо Либерия экономикасида чет эл, айниқса америка капиталининг таъсири катта. Америка монополиялари хўжаликнинг асосий тармоқларига чанг солганлар. Масалан, мамлакат миллий бойлиги бўлган каучукдан келадиغان даромаднинг катта қисми америка монополистлари чўнтагига тушади. Улар Либериядан йилига 70 миллион фунт каучук олиб кетадилар. Бундан ташқари мамлакатда қазиб чиқарилаётган темир рудасидан ҳам катта фойда кўрадилар. Миллий бойликлардан жуда оз қисми Либерияга тегади. Либериянинг илғор кишилари чет эл капитали таъсирига қарши курашиш, миллий индустрияни барпо қилишни талаб қилмоқдалар.

*Хўжалиги.* Либерия қолақ, аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалигида каучук, пахта, кофе, какао ва бошқа экинлар етиштирилади. Каучук етиштиришда Либерия Африкада биринчи, дунёда еттинчи ўринда туради. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди, шунинг учун ҳам кенг истеъмол молларининг кўпчилиги четдан келтирилади. Йирик sanoat деярли йўқ даражада. Ер бағрида темир рудаси, олмос, олтин, графит ва марганец запаси кўп. Темир руда запаси 350 миллион тоннага яқин. Табиий ресурсларни чет эл компаниялари эксплуатация қиладилар.

*Давлат тузуми.* Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент ҳисобланади. Конгресс — қонун чиқарувчи олий органдир. Конгресс икки палатадан — сенат ва вакиллар палатасидан ташкил топган.

*Сийсий партиялари.*

Ҳақиқий Виглар — 1869 йилда ташкил этилган ҳукмрон партиядир. Мамлакатдаги бошқа партиялар тақиқланган.

## ЛИВИЯ

(Ливия Бирлашган қироллиги)

Ливия — Шимолий Африкада жойлашган давлат. Шимолий қисми Урта денгизга туташ, жанубда Нигер ва Чад, ғарбда Жазоир ва Тунис, шарқда Миср ва Судан билан чегарадош.

Майдони 1 миллион 761 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 200 минг киши. Аҳоли араб тилида гаплашади ва ислом динига эътиқод қилади. Аҳолисининг 7 проценти европаликлардир.

Пойтахти Триполи шаҳри (аҳолиси 179 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг 92 процент ери дашт-саҳро бўлиб, фақат 8 процент ери экишга яроқли. Ливиянинг иқлими деярли чўл иқлими бўлиб, шимолий районлари ва Киренаика вилоятининг ёзи жуда иссиқ, қиши унчалик совуқ эмас. Доимий оқиб турадиган дарёлари йўқ. Сув камчилиги натижасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳам камбағал.

*Қисқача тарихи.* Қадимги замонларда греклар Шимолий Африкани Ливия деб атаганлар. Бу ерларда жасур ливия қабилалари ҳукмронлик қилган. XVI асрдан XX аср бошларигача ливия халқи турклар асоратида кун кечирди. 1912 йилда Ливияни итальянлар, иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса инглиз-француз-америка қўшинлари эгалладилар. Ливия халқи ҳеч қачон босқинчиларга абадий тобе бўлишни ўйламайди. Ливия халқининг ўз озодлиги учун кураши зое кетмади. 1951 йилда Ливия мустақилликка эришди. Миллий ҳукумат мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, экономикани тиклашдек муҳим вазифага катта эътибор беряпти. Мамлакатда қум барханлари кўп. Мутахассисларнинг мўлжалича, агар қумга қарши курашилмаса 50—60 йил ичида Ливия қум барханлари тагида қолиб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳукумат ана шу хавфнинг олдини олиб, эвкалипт ва акас дарахтларини кўплаб ўтқазмоқда, сув омборлари ҳамда тўғонлар қурилмоқда. Айни вақтда экин майдонларини кенгайтириш плани амалга ошириляпти. Мамлакатда экономикани ривожлантириш кенгаши таъсис этилган эди. Бу кенгаш иқтисодий планлаштириш ва хўжаликни тараққий эттириш борасида самарали иш қилаётир.

Ташқи сиёсат соҳасида Ливия ҳукумати халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик тарафдоридир; ядро қуролиларини тақиқлашни, атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни, чет эл ҳарбий базаларини тугатишни талаб

қилмоқда. 1954 йилда америка империалистлари Ливияга асо- ратли шартномани қабул қилдириб, бу шартномага биноан, улар Уилус Филдда ҳарбий базаларни сақлаб қолишга эришдилар. Бундан ливия халқи жуда норози ва ҳуку- матдан америка ҳарбий базасини тугатишни талаб қил- япти.

*Хўжалиги.* Ливия ривожланмаган, аграр мамлакат. Қўпчи- лик аҳоли деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Ҳосилдор ерлар йирик ер эгалари қўлида. Мам- лакатда феодал ва ярим феодал муносабатлар мавжуд, кўчманчи қабилаларда ҳалигача уруғчилик қолдиқлари бор.

Мамлакатда бир қанча енгил саноат корхоналари бор. Ҳунармандчилик буюмлари четга ҳам чиқарилади. Хўжалик- нинг асосий тармоқлари чет эл капитали қўлида. Ливияга «ёрдам» бериш йўли билан америка-инглиз-француз монопо- лиялари Ливия бойликларини ташиб кетмоқдалар. Америка нефть компаниялари 200 минг квадрат километрга яқин май- донни концессияга олган.

Лекин берилаётган «ёрдам»дан ливия халқи заррача ман- фаат кўргани йўқ, америка пуллари экономикани ривожлан- тиришга эмас, ҳарбий мақсадларга сарфланмоқда.

*Давлат тузуми.* Ливия давлат тузилиши жиҳатидан уч вилоятдан ташкил топган қиролликдир. (Триполитания, Кире- наика ва Фессан вилоятлари). Давлат тепасида қирол туради. У бош министр ва министрларни тайинлайди. Парламент ик- ки палатадан: сенат ва вакиллар палатасидан иборат. Сенат аъзоларининг ярмини қирол тайинлайди, қолган ярмини эса вилоятлардаги вакиллар кенгаши сайлайди. Парламент де- путатларини эса аҳоли сайлайди. Конституцияга мувофиқ, пойтахт иккита бўлиб, Бенгази шаҳрида қирол, Триполи шаҳ- рида эса ҳукумат ва парламент туради.

Мамлакатда сиёсий партиялар йўқ. Фақат маҳаллий ка- саба союз ташкилотлари бор, холос.

## МАВРИТАНИЯ

(Мавритания Ислоҳ Республикаси)

Мавритания — Ғарбий Африкада жойлашган суверен республика. У Рио-де-Оро, Жазоир, Судан, Сенегал ва Мали билан чегарадош. Ғарбий қисми эса Атлантик океанига ту- таш.

Майдони 1 миллион 169 минг квадрат километр, аҳолиси 700 минг киши. Аҳоли асосан ислом динига эътиқод қилувчи мавр ва барбарлардан ташкил топган.

Маркази Нуакшот шаҳри (аҳолиси 2 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг катта қисмини чўл-биёбонлар эгаллаган. Иқлими иссиқ. Фақат Сенегал дарёси доимо оқиб туради. Усимлик ва ҳайвонот дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Қадимги маврлар тарихи — мустақиллик ва озодлик учун кураш тарихидир. Эрксевар халқ озодлик курашида жуда кўп қурбонлар берди. XX аср бошларида француз империалистлари Мавританияни босиб олиб, ерли аҳолини қулдек ишлатдилар, бор-йўғини тортиб олдилар. Халқ ўз юртида тутқинликда ва муҳтожликда яшади. «Цивилизаторлар» халқ соғлиғини ўйламадилар, маврларни жаҳолатда сақладилар. Мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 6,6 процентигина бошланғич маълумот олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозир бутун мамлакатда қирқтача ўрта маълумотли киши бор, холос.

Мавритания халқи империалистларга тиз чўкмади. Мустақиллик учун қаттиқ туриб курашди. Империалистлар маврларга бир оз ён бергандек бўлдилар. Қонун чиқарувчи ассамблея, ижроия ҳокимият тузилди. Лекин бу органлар ташқи алоқа, мудофаа ва молия ишларига оид масалаларни мустақил ҳал қилолмасди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлар тўлиқ мустақиллик учун курашавердилар. Ниҳоят Франция ҳукумати Мавритания мустақиллигини танишга мажбур бўлди. 1960 йил 27 ноябрда Мавритания мустақил республика, деб эълон қилинди.

*Ҳўжалиги.* Мавритания қоқоқ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул. Четга чорва моллари ва хурмо экспорт қилади. Геологларнинг тахминига кўра, ер бағрида жуда кўп миқдорда темир рудаси бор (ҳозиргача маълум бўлган запаси 125 миллион тонна). Бу руда аъло сифатли бўлиб, таркибида 63 процент металл бор. Ҳозир ана шу руда конларини эгаллаш учун монополистлар ўртасида кураш кетяпти. Экономикада ҳамон француз капиталининг таъсири катта.

*Сийсий партиялари.* Бирлашган Мавритания партияси — ҳукмрон партиядир. Мамлакатда касаба союз ташкилотлари ҳам бор.

## МАЛЬГАШ РЕСПУБЛИКАСИ

Мальгаш Республикаси — Ҳинд океанидаги Мадагаскар оролида жойлашган суверен давлат. Одатда Мадагаскарни Буюк орол деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам орол территорияси жуда катта.

Майдони 590 минг квадрат километр. Аҳолиси 5 миллион 50 минг киши. Аҳолиси бецимизарака, сакалава ва бара сингари этник группалардан ташкил топган. Мамлакатда 95 процент халқ мальгашлардир. Шунингдек, французлар, ҳиндлар, хитойлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Маркази Тананариве шаҳри (аҳолиси 190 минг киши).

*Табиий шароити.* Мадагаскар рельефи, иқлими, гидрографияси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, ҳуллас табиий шароити хўжаликни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Ҳосилдор воҳалар, катта дарёлар ва ранг-баранг ўсимлик дунёси мамлакат ҳуснига ҳусн қўшган.

*Қисқача тарихи.* Бундан 70 йилларча муқаддам Мадагаскар кучли, мустақил давлатлардан эди. Мамлакатда фан, маданият, санъат, адабиёт, ва савдо-сотиқ ривожланган эди. Мадагаскар АҚШ, Англия, Франция билан дипломатик ва савдо алоқаси ўрнатган эди. Уша вақтларда Европа давлатлари Мадагаскарнинг куч-қудрати билан ҳисоблашардилар. Ўзаро урушлар, зиддиятлар натижасида Мадагаскар заифлашиб қолди. Ўтган аср охирида Франция мустамлакачилари Мадагаскарга юриш қилдилар ва 1896 йилда уни батамом босиб олдилар.

Франция империалистлари ҳукмронлиги даврида мамлакатда ишсизлик, очлик ва қашшоқлик ҳукм сурди. 1947 йилда оролда французларга қарши умумхалқ кўзғолони кўтарилди. Кураш бир йил давом қилди. Замонавий қурооллар — самолётлар, танк ва артиллерия билан таъминланган француз армияси кўзғолончиларни бесмон қирди. Бир йил ичида 100 минг киши ўлдирилди, 20 минг киши концентрацион лагерларга ташланди.

Франция маъмурлари миллий бойликларни талон-торож қилар, меҳнат аҳлини шафқатсиз эксплуатация этарди. Халқ илм-маърифат, медицина хизматидан маҳрум қилинган эди. Кўпчилик ўқиш ва ёзишни билмас, 5 миллион кишига фақат 460 врач хизмат қиларди, французлар янги туғилган гўдакка, ҳатто итга ҳам солиқ солар эдилар. Бундай ҳаётдан безган халқ инсонларча яшаш учун, озодлик учун қаҳр-ғазаб билан

курашди. Халқ ҳаракатидан чўчиган Франция ҳукмронлари Мадагаскарни Мальгаш республикаси, деб эълон қилдилар. Қонун чиқарувчи ва ижроия органлар таъсис этилиб, конституция қабул қилинди. Лекин, мальгашликлар империалистлар найрангига учмадилар, озодлик курашини давом эттирдилар. Ортиқ қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини сезган Франция ҳукмронлари Мальгаш республикасига мустақиллик беришга мажбур бўлдилар. 1960 йил 26 июнда Мальгаш республикасининг мустақиллиги эълон қилинди.

Аммо мамлакат мустақил бўлса-да, экономика ва сиёсатда империалистларнинг таъсири бўлиб, ҳамон Франция ҳарбий базалари сақланмоқда. Франция ҳукмронлари республикани қарамлик ва тобеликда сақлаш учун зўр бериб уринмоқдалар.

Миллий ҳукумат иқтисодий мустақилликка эришиш, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уй-жой қурилишини авж олдириш ва аҳолига медицина хизматини яхшилаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширди.

*Хўжалиги.* Мальгаш республикаси қолақ, аграр мамлакат. 90 процент аҳоли деҳқончилик, чорвачилик билан машғул. Қишлоқ хўжалигида гуруч, маниок, маис, кофе, батат, шакарқамиш, ерёнгоғи, тамаки, ваниль ва қалампир-мунчоқ етиштирилади. Деҳқончиликка яроқли майдоннинг 60 процентига шולי экилади. Шолидан йилига 1,2 миллион тонна ҳосил олинади. Чет эл монополистлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб сотишни монополия қилганлар. Улар шу операциянинг ўзидан йилига бир миллиард франкдан зиёд фойда кўрадилар.

Мамлакатда 8 миллионга яқин қорамол бор. Ер бағрида графит, олтин, кумуш, слюда, кварц, фосфорит ва никель сингари минерал ресурслар кўп. Мамлакатда хом ашё тайёрлаш корхоналари ва фабрикалари бор. Кон, шахталар ва саноат корхоналари чет эл капиталига қарайди.

*Сиёсий партиялари.* Социал-демократик партияси — буржуазия, либерал интеллигенция, руҳонийлар ва юқори мартабали амалдорлар манфаатини ҳимоя қилади. Шунингдек, ҳукумат ва парламентда кўпчилик овозга эга бўлиб, Франция билан яқин алоқада бўлиш тарафдори. Мадагаскар социал-демократия иттифоқи — буржуа реформистлар партиясидир.

Мадагаскар мустақиллиги конгресси — энг йирик партиялардан ҳисобланади. Бу партия майда буржуазия, интеллигенция, ишчилар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилади. Унинг маданият ва саноат марказларида таъсири кучли. Партия тўлиқ мустақиллик тарафдори. У чет эл капитали ихтиё-

ридаги корхона ва ерларни национализация қилишни, мамлакатда Франция ҳарбий базаларини тугатишни, демократик ислохотларни кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Мамлакатда касаба союз ташкилотлари ҳам бор.

## МАЛИ

(Мали Республикаси)

Мали Республикаси — Ғарбий Африкада жойлашган давлат. У шимолда Жазоир, жануб ва жануби-шарқда Юқори Вольта, Нигер, ғарби-жанубида Гвинея Республикаси ва Сенегал билан чегарадош.

Майдони 1 миллион 204 минг квадрат километр, аҳолиси 4 миллион 200 минг киши. Аҳоли турли этник гуруҳларга хос бўлган маҳаллий африкаликлардан ташкил топган. Мамлакатнинг 80 процент аҳолиси ислом динига эътиқод қилади.

Пойтахти Бомako шаҳри (аҳолиси 101 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территорияси асосан текис яланглик бўлиб, қум саҳролари анча ерни эгаллайди. Иқлим иссиқ, жанубий районларида муътадил. Мамлакатда сув камроқ. Нигер ва Сенегал дарёларининг ирмоқларидангина жанубий районлар суғорилади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой эмас. Малида табиий ресурслар запаси кўп, аммо, улардан тўлиқ фойдаланилмайди.

*Қисқача тарихи.* X—XII асрларда Ғарбий Африкада бой ва кучли давлат бўлган бу мамлакатни «Мали империяси» деб атаганлар. Империя составига ҳозирги Судан, Сенегал, Нигер, Дагомея ва Юқори Вольта территориялари кирган. XVII—XVIII асрларда мамлакат бир неча майда давлатларга бўлиниб кетди, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мали ерида француз босқинчилари пайдо бўлдилар. Улар ўт ва қилич билан маҳаллий аҳолини ўзларига итоат қилдирдилар. Мустамлакачиларнинг 75 йиллик ҳукмронлиги даврида халқ ўз ватанида тутқин ва хору зор бўлди. Бироқ суданликлар (мамлакат республика бўлгунча Ғарбий Судан деб аталган) мустамлакачиларга бўйин эгмадилар ва уларга қарши қаттиқ курашдилар. Озодлик ҳаракатидан чўчиган француз ҳукмронлари 1958 йилда Суданга чекланган автономия ннъом қилдилар. Аини вақтда армия, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш ҳуқуқи ва молия ишлари французлар қўлида қола берди. Суданликлар бундан норози эдилар, албатта. Улар ҳақиқий мустақиллик талаб қилдилар. 1959 йилда Ғарбий Афри-



кадаги Судан, Сенегал, Дагомея, Юқори Вольта ва Нигер мамлакатлари бирлашиб Мали федерацияси тузилди. Империяликлар сўзда федерацияга қарши эмасмиз деб, амалда уни ичидан қўпоришга киришдилар. Оқибатда Дагомея, Юқори Вольта ва Нигер федерациядан чиқиб кетдилар. Қолган икки мамлакат — Судан ва Сенегал 1960 йил 20 июнда Мали федерацияси номи билан мустақил деб эълон қилинди. Судан ва Сенегал ягона федерацияга бирлашсалар-да, бу икки мамлакат раҳбарлари икки хил йўл тутди. Судан раҳбарлари мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, Франция таъсирини йўқотишга, демократик тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилсалар, Сенегал раҳбарлари кўпроқ миллий буржуазия манфаатларини кўзлаб иш тутди ва Франция ҳукмронлари билан келишмоқчи бўлди. Судандаги ўзгаришлар Сенегал раҳбарларига, айниқса француз империалистларига маъқул бўлмади. 1960 йил 20 августда федерацияда давлат тўнтариши ясалди. Сенегал федерациядан чиқиб, алоҳида республика тузди, 22 августда Судан раҳбарлари мустақил Мали республикасини эълон қилдилар.

Атоқли арбоб Модибо Кейта бошчилигидаги Мали ҳукумати Франция билан тузилган ҳамма асоратли шартномаларни бекор қилди, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тўла мустақиллик учун бутун чораларни кўришга киришди. Ҳукумат миллий экономикани тараққий эттириш, фан ва маданиятни ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш соҳасида анчагина ишлар қилди. Ҳукумат чақириғига жавобан Мали халқи бир жон, бир тан бўлиб янги ҳаёт қуришда актив иштирок этмоқда. Ишдан бўш вақтларида, байрам ва дам олиш кунларида ҳам аҳоли ихтиёрий равишда қурилишларда ишлаб, йўллар, кўприклар, каналлар, уй-жой бинолари қуришда деҳқонларга ёрдам берапти.

Аммо, Франция империалистлари мамлакатда ўз сиёсий ва ҳарбий мавқеларини сақлаш ниятидан қайтганлари йўқ. Зотан, республика хавф-хатардан холи эмас. Бутун мамлакатда «хушёрлик отрядлари» тузилмоқда. Бу халқ отрядлари ички ва ташқи душманлар фаолиятини хушёрлик билан кузатмоқдалар, мамлакатда жамоат тартибини сақлашда катта роль ўйнамоқдалар. Яқинда ҳукумат Франция ҳарбий базаларини тугатишга қарор қилганлигини эълон қилди ва бу ҳақда Франция ҳукуматига расмий талабнома юборди. Мали халқи ҳукумат қарорини зўр хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олди.

Ниҳоят француз ҳукумати Малидаги ҳарбий базаларини тугатишга мажбур бўлди. Бу Мали халқининг катта ғалаба-сидир.

19 Жаҳондаги мамлакатлар

Мали Республикаси ташқи сиёсат соҳасида позитив бета-рафлик сиёсатини юргизмоқда. Барча яхши ниятли мамлакатлар билан дўстона алоқа ўрнатажagini билдирмоқда.

Мали жамоатчилиги Жазоирга мустақиллик берилишини, Африкада мустамлакачиликни батамом тугатишни талаб қил-япти.

*Хўжалиги.* Мали—аграр, қолоқ мамлакат. Кўпчилик аҳоли қишлоқ хўжалигида машғул. Чорвачилик экономикада муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигида пахта, дон ва бошқа экин-лар етиштирилади. Лекин, мамлакатда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди, шунинг учун четдан келтирилади. Асосий экин — ерёнғоғи бўлиб, у экспорт қилинади. Франция мустамлакачилари ҳукмронлиги даврида мамлакатда бирорта йирик корхона қурилгани йўқ.

1961—1965 йилларга мўлжалланган беш йиллик план мил-лий экономикани ривожлантиришни кўзда тутди.

*Давлат тузуми.* Мали 1960 йил 23 августдан буён суве-рен, мустақил республика. Давлатга Судан Иттифоқи партия-сининг раҳбари Модибо Кейта бошчилик қилади. Қонун чи-қариш ҳуқуқи парламент қўлидадир.

*Сиёсий партиялари.* Мамлакатда ягона ҳукмрон партия — Судан Иттифоқи партияси бор. Судан Иттифоқи партияси халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб иш тутмоқда. Барча демократик тadbирлар ва ўзгаришлар шу партия ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

## МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Марказий Африка Республикаси — Ўрта Африкада жой-лашган суверен давлат. 1959 йилгача Убанги-Шари номи билан юритиларди. У Конго, Судан, Чад ва Камерун билан че-гарадш.

Майдони 617 минг квадрат километр. Аҳолиси 1,2 миллион киши. Кўпчиликни судан қабилалари ташкил этади.

Маркази Банги шаҳри (аҳолиси 80 минг киши).

*Табий шароити.* Марказий Африка Республикаси Убанги, Шари ва Логоне дарёлари оралиғини ишғол қилиб, унинг сат-ҳи 400—500 метр баландликда жойлашган яйлатоғлардир. Булар шимолда Чад кўли паст текислигига уланиб кетади. Иқлими иссиқ. Қир-далаларида бута ўсимликлар, дарё бўй-ларида эса ўрмонлар галлерейси учрайди.

*Қисқача тарихи.* Ўтган аср охирларида мустамлакачи мам-лакатлар ўртасида Африкани бўлиб олиш учун қизғин кураш

кетаётган бир вақтда Франция Убанги-Шарини босиб олди. Мамлакат хом ашё базасига ва Франция саноат молларининг бозорига айлантирилди. Ерли аҳоли фақат келгинди «цивилизаторлар» учун ишлади. Мустамлакачилар халқни муҳтожлик ва жаҳолатда сақладилар. Улар қўлидаги серҳосил ерлар, яйловлар ва чорва молларини тортиб олдилар. Ерсиз, сувсиз қолган деҳқонлар зolimларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлар, туну кун меҳнат қилса-да, қорин нонга тўймас эдилар. Убанги-Шари халқни мустамлакачиларга тобе бўлишни хоҳламади, улар ўз мустақилликлари учун бош кўтардилар. Шундан кейингина Франция империалистлари Убанги-Шарига чекланган автоном ҳуқуқлар инъом қилдилар.

Убанги-Шари Марказий Африка Республикаси деб ном олди. Қонун чиқарувчи ва ижроия органлар тузилди, Министрлар Совети ташкил этилди. Тўлиқ мустақиллик истаган халқ курашни бўшаштирмади. Ниҳоят, Франция ҳукмронлари Марказий Африка Республикасига мустақиллик бериш ҳақидаги шартномага имзо чекишга мажбур бўлдилар.

*Хужалиги.* Марказий Африка Республикаси Африкадаги энг қолақ мамлакатлардан бири. Қишлоқ хўжалигида асосан пахта ва кофе етиштирилади. Ер бағрида олмос, олтин каби қимматбаҳо қазилмалар запаси кўп. Миллий бойлик чет эл монополиялари қўлида. Саноат деярли йўқ.

*Сийсий партиялари.* Ҳукмрон партия — Қора Африкани озод қилиш социал ҳаракати партиясидир.

## МАРОКАШ

Марокаш — Африка қитъасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган мустақил араб давлати. У жануби-шарқда Жазир, жануби-ғарбда Испания Саҳрои Кабири билан чегарадош. Марокашнинг Атлантик океан соҳилларидаги территориясига Испания мустамлакаси Ифни «ёриб» кирган. Марокаш ери ғарбда Атлантик океанига, шимолда эса Урта денгизга туташир.

Майдони 444 минг квадрат километр. Аҳолиси 11,5 миллион киши. Аҳоли асосан араблар ва барбарлардан ташкил топган. Мамлакатда европаликлар ва анчагина яҳудийлар ҳам яшайди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилади.

Пойтахти Работ шаҳри (аҳолиси 262 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат рельефи: ўзига хос, катта-кичик дарёлар кесиб ўтган ҳосилдор водийлар Атлантик океан

соҳилларигача чўзилиб кетган. Мамлакатнинг ичкарасида Марказий ва Жанубий Марокаш ясси тоғлари ётади. Умуман территориясининг учдан бир қисми тоғлик районлардир. Жуда баланд Юқори Атлас ва Анти-Атлас тоғлари жануб ва жануби-шарқ томондан Марокашни тўсиб туради. Мамлакат Урта денгиз иқлимга эга. Қиши сернам, ёзи иссиқ, қуруқ. Ери серҳосил ва дарёларга сероб. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турлитумандир.

*Қисқача тарихи.* Марокаш жуда қадимги мамлакатдир. Утказилган археологик қазилмалар Марокаш территориясида илк тарихий даврларда инсон яшаганлигини кўрсатади. Марокаш давлати ўрта асрнинг бошларида вужудга кела бошлади. XI—XV асрларда улуг барбарлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Марокаш давлати равнақ топиб, кучли давлатга айланди. Унинг территорияси Испаниядан тортиб Тунис ва Триполитаниягача чўзилиб кетган эди. Европада жаҳолат, нодонлик авж олган бир пайтда Марокашда илм-маърифат, санъат, адабиёт, ҳунармандчилик ва суғориш иншоотлари техникаси ғоят юксак даражада эди. Кўп асрлар давомида Марокаш ўзининг куч қудрати ва шон-шўхратини сақлаб келди. XIX аср охирларига келиб феодаллар ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида марказлашган давлат кучдан кетди, заифлашди. Бундан фойдаланган мустамлакачилар мамлакатга чанг сола бошладилар. Марокаш территорияси учун Фарб давлатлари ўртасидаги кураш 1912 йилда тамом бўлиб, мамлакатнинг катта қисми Францияга, Риф области эса Испания қўлига ўтди.

Марокашни оёқ ости қилган мустамлакачилар одатда, биз мамлакатга маърифат олиб келдик, халқни оёққа турғаздик, деб довруқ солдилар. Аслида эса мустамлакачилик асоратида қолган Марокаш аҳолиси бор бисотидан ажралиб, муҳтожлик ва қашшоқликда қолди. Аҳолининг 5 процентини ташкил этган европаликлар миллий даромаднинг ярмисини ўзлаштирдилар. «Цивилизаторлар» деҳқонлардан 1 миллион гектарча ерни тортиб олган эдилар. Урта ҳисобда 600—650 кишига бир полициячи бўлгани ҳолда 45 минг кишига бир врач тўғри келарди. Турли юқумли касалликларга мубтало бўлган юз минглаб марокашликлар медицина ёрдамига муҳтож эди. Мустамлакачилар маърифат халқ кўзини очишидан чўчиб, аҳолини мактабга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдилар. 1,8 миллион бола ўқишдан маҳрум этилди. Умуман аҳолининг 80 проценти саводсиз эди. Франция ҳукмронлиги даврида 10,5 миллион аҳолидан фақат 3 тагина агроном етишган эди.

Марокаш меҳнаткашлари мустақиллик йўлида мардонавор курашдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кучайиб



*Марокаш шаҳари.*

кетган миллий озодлик ҳаракатида Марокаш ишчилар синфи катта роль ўйнади. Марокаш Коммунистик партияси ва бошқа прогрессив партия ва ташкилотлар раҳбарлигида Марокаш меҳнаткашлари катта-катта намоёнлар, иш ташлашлар ўтказдилар. 1950—1955 йилларда халқ ҳаракати кучайди. Ниҳоят, Франция ҳукмронлари Марокаш мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди ва 1956 йил 2 мартда мамлакат мустақил деб эълон қилинди.

Мамлакат мустақил бўлгач, миллий ҳукумат олдида мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, миллий экономика ва маданиятни барпо қилишдек ғоят мушкул вазифа кўндаланг бўлди. Ҳукумат бу вазифани амалга оширишга киришиб, автомобиль ва шиналар ишлаб чиқарадиган заводлар ва бир қанча корхоналар қурди. Ҳозир трактор заводи, йирик кимё комбинати қурилмоқда. Шунингдек, металлургия, нефть тозалаш, рух заводлари ва қоғоз фабрикаси қуриш мўлжалланган. Қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантириш соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Жумладан, ери бор деҳқонларга давлат машиналар ва қарз йўли билан ёрдам бермоқда. Қўриқерлар ўзлаштирилмоқда. Бироқ мамлакатда ер проблемаси ҳали ҳам ҳал қилинмаган, ер ислоҳоти ўтказилмаган. Ҳукумат фан ва маорифга катта эътибор бермоқда. Бюджетнинг қарийб учдан бир қисми маорифни ривожлантиришга харжланмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасида Марокаш ҳукумати ҳарбий агрессив блокларда қатнашмаслик позициясида турибди, шунингдек, халқаро жанжалли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдоридир. Марокаш меҳнаткашлари Жазаир халқини, озодликка интилаётган бошқа Африка халқла-

рини ёқлаб мустамлакачиликни кескин қораламоқда. Чет эл ҳарбий базаларининг мамлакат учун офат эканини тушунган Марокаш халқи ўз элидаги америка ҳарбий базаларининг туғатилишини қатъий талаб қилаётир. Америка билан Марокаш ҳукумати ўртасидаги шартномага мувофиқ, 1963 йилнинг охирларида америка ҳарбий қисмлари Марокашдан чиқиб кетиши керак. Лекин, Марокаш жамоатчилиги бу битимдан норози ва барча чет эл қўшинларининг мамлакатдан дарҳол чиқиб кетишини талаб қилмоқда.

*Ҳўжалиги.* Марокаш аграр мамлакат. Аҳолининг тўртдан уч қисми деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида дон, дуккакли ва цитрус экинлари етиштирилади. Шунингдек пахта, тамаки ҳам экилади, узумчилик ривожланган. 1 миллион гектарга яқин ер ҳамон европаликлар қўлида. Бу ерларда цитрус экинларининг 85 проценти, тамакиннинг 80 проценти, узумнинг 75 проценти ва буғдойнинг 40 процентдан ортиғи етиштирилиб, даромад европаликлар чўнтагига тушади. Мустамлакачилар саноатни бир ёқлама, яъни ўзларига фойда келтирадиган хом ашё тайёрлаш саноатини ривожлантирдилар. Мамлакат табиий ресурсларга жуда бой. Масалан, Марокаш фосфорит қазиб чиқаришда капиталистик дунёда иккинчи, кобальт қазиб чиқаришда учинчи ва марганец қазиб чиқаришда эса тўртинчи ўринда турали. Булардан ташқари темир рудаси, олтин, тошкўмир, нефть, рух, қалайи, қўрғошин ва графит запаслари бор. Лекин буларга асосан чет эл монополиялари хўжайинлик қилади.

Ҳозиргача саноат, транспорт ва ташқи савдода чет эл капитали, айниқса Франция капитали ҳукмрон. Экономикада чет эл капиталининг ҳукмронлиги ва мамлакатда феодализм қолдиқларининг кучли таъсири ишлаб чиқариш кучларининг тез юксалишига тўсқинлик қилмоқда.

*Давлат тузуми.* Давлат бошлиғи қирол ҳисобланади. 1956 йил 3 августдан 1959 йил 23 майгача маслаҳат кенгаши — Миллий консультатив кенгаш ишлади. Ижроия ҳокимият қирол ва министрлар совети қўлида. Қирол бош министр ва министрларни тайинлаш, ишдан олиш ҳуқуқига эга.

*Сийсий партиялари.* «Истиқлол» (Мустақиллик партияси) — 1943 йилда Марокаш миллий партияси базасида ташкил топиб, йирик савдо-саноат буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилади. «Истиқлол»га турли табақалар манфаатига хизмат қилувчи бир неча майда партиялар қўшилган.

Халқ кучи миллий кенгаши — «Истиқлол»дан ажралиб чиқиб, 1959 йил 1 январда тузилган. Бу партия ўрта ва майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилади. Коммунистик пар-

тия — 1943 йилда ташкил этилган. 1960 йилнинг бошларида Коммунистик партия фаолияти тақиқланган. Мамлакатда қатор касаба союз ташкилотлари ҳам бор. Марокаш меҳнат иттифоқи — энг катта касаба союз бирлашмасидир. У 1955-йилда вужудга келиб, 600 мингдан ортиқ аъзоси бор.

## МОЗАМБИК

Мозамбик (Португалия Шарқий Африкаси) — Шарқий Африкада жойлашган давлат. Шарқда Ҳинд океанига туташиб, шимолда Танганьика, ғарбда Ньясаленд ва Родезия, жануби-ғарбда эса Жанубий Африка Республикаси билан чегарадош.

Майдони 783 минг квадрат километр, аҳолиси 6 миллион 234 минг киши. Маҳаллий аҳоли банту тилида гаплашади ва улар негр irqига хос бўлган ўнлаб қабилалардан ташкил топган. Мамлакатда 100 мингдан ортиқ европаликлар яшайди.

Маъмурий маркази — Лоуренсу-Маркиш шаҳри (аҳолиси 100 минг киши).

*Табиий шароити.* Территориясининг аксарияти ясси тоғлар, қир, тепалик ва паст текисликлардан иборат. Шимолий районларда ўртача баландлиги 700 метргача бўлган Мозамбик ясси тоғлари ётади. Ҳинд океани соҳиллари бўйлаб кенг Мозамбик паст текислиги чўзилиб кетган. Иқлими иссиқ, ёзи сернам, қиши қуруқ. Мамлакатда дарёлар кўп. Усимлик ва ҳайвонот дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Мамлакатда топилган, тошдан ясалган қадимий иморатлар, металл қуядиган печлар ва суғориш иншоотларининг қолдиқлари Мозамбик бир вақтлар анча тараққий этган мамлакат эканлигини кўрсатади. X асрларда Мозамбикни араблар, 1510 йилда эса Португалия босиб олади. Шундан бери Мозамбик халқи мустамлакачилик асоратида яшаб келади. Ангола сингари Мозамбикда ҳам қулчиликнинг янги формаси — мажбурий меҳнат жорий қилинган. Америка профессори Гарриснинг ёзишича, ишчи кучи керак бўлиб қолганда, ҳайвонларни ов қилгандек, одамларни ҳам ов қиладилар, уларни тутиб олиб кишанлайдилар ва турли қурилишларга юборадилар.

Мозамбик аҳолиси ҳам анголаликлардек йилига олти ой мажбурий меҳнат қилишлари керак. Бундан ташқари контракт системаси ниқоби остида одам савдоси ҳукм суради. Шу системага мувофиқ мустамлакачилар йилига 150—200 минг ишчини Жанубий Африка Республикаси ва Родезиядаги шахта-

ларга юбордилар. Қорхона ва плантацияларда меҳнат шароити жуда оғир. Ишчи билан деҳқоннинг ихтиёри ўзида бўлмай, у хўжайиннинг қулидир.

Халқ илм-маърифатдан, медицина хизматидан деярли маҳрум. Мамлакатда бирорта олий ўқув юрти йўқ. Мавжуд беш-ўнта бошланғич ёки ўрта мактабларда ҳам ўқиш ҳақи қиммат бўлганлиги сабабли қора танлилар ўқий олмайдилар. Кўпчилик аҳоли турли юқумли касалликларга мубтало. Янги туғилган гўдакларнинг ярми ёшига етмай ҳаётдан кўз юмади. Озодлик, мустақиллик аҳолининг асрий мақсади ва орзусидир. Бу орзуни рўёбга чиқариш учун мазлумлар узоқ замонлардан бери зулм-истибдодга қарши курашиб келмоқдалар. Сўнгги вақтларда Мозамбикда кучайиб бораётган халқ ҳаракати мустамлакачиларни ташвишлантирмоқда. Лекин, Мозамбик халқи энди дўқ, пўписалардан қўрқмайди, ўз мустақиллиги учун курашишга аҳд қилган.

*Хўжалиги.* Мозамбик жуда қолақ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида пахта, шакар-қамиш, чой, тамаки, кокос пальмаси, кэтью ёнғоғи, сизаль ва дон экинлари етиштирилади. Лекин бу нознеъматлардан халқ баҳраманд эмас. Мамлакатда бир неча майда корхоналар бор. Табиий қазилмаларга бой. Чунончи, тошкўмир, боксит, уран, нефть, бериллий, олтин ва рух конлари топилган. Бу конлардан Америка, Англия ва Португалия монополиялари фойдаланадилар. Мамлакатнинг 15 процент территорияси Америка компанияси «Мозамбик галф ойл компани» ихтиёридадир.

## НИГЕР

(Нигер Республикаси)

Нигер — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. Мали, Жазоир, Ливия, Чад республикаси, Нигерия, Дагомея ва Юқори Вольта билан чегарадош. Автоном республика сифатида Франция ҳамкорлиги составига киради.

Майдони 1 миллион 189 минг квадрат километр. Аҳолиси 2,4 миллион. Аҳоли турли этник группалардан: хауса, жерма, пель, сонгал, белла ва бошқа қабилалардан ташкил топган.

Маркази Ниамей шаҳри (аҳолиси 30 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг катта қисми Саҳрои Кабирда жойлашган. Сатҳи 200—500 метрли ясси ялангликлардан иборат. Шимолий районларда тоғлар қад кўтарган. Иссиқ, қуруқ иқлимга эга. Доймий оқиб турадиган



дарёлар деярли йўқ. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Нигер территориясида қадимдан суданлик негрлар, сўнгра барбар қабилалари яшаган. Уша вақтларда Нигернинг бир қисми қўшни давлатларга қарар эди. XIX аснинг иккинчи ярмидан бошлаб Нигерга французлар кириб кела бошладилар. 1890 ва 1898 йилларда тузилган Франция-Англия битимига мувофиқ, Нигер ерлари Францияга, Нигерия эса Англияга ўтди. Мамлакат устидан тўла ҳукмронлик ўрнатган Франция империалистлари Нигер халқини кўп жабрладилар. «Цивилизаторлар» фан, маданият ва экономика тараққиётига раҳна солдилар. Хўжаликнинг ўзлари учун фойда келтирадиган тармоғини ривожлантириб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етиштиришга тўсқинлик қилдилар. Серҳосил ерлар тортиб олинди, халқ ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилди.

Империалистлар халқни алдаш, чалғитиш мақсадида қонун чиқарувчи ассамблея, ҳамда Министрлар Советини туздилар ва Нигер республикасини эълон қилдилар. Нигер халқи бундан қаноатланмади, у ҳақиқий мустақиллик талаб этди. Миллий-озодлик ҳаракатига Нигер демократик иттифоқи партияси раҳбарлик қилди. 1957 йилда территориал ассамблеяга бўлиб ўтган сайловларда бу партия катта ғалаба қозонди. Франция мустамлакачилари билан ҳамкорлик қилишга интилаётган Африка демократик бирлиги партияси эса мағлубиятга учради. Парламентда кўпчиликни ташкил этган Нигер демократик иттифоқи аъзолари ҳукумат тузиб, демократик тadbирларни амалга ошира бошладилар. Бундан ташвишга тушган мустамлакачилар Нигер демократик иттифоқи (кейинги номи «Савабо — озодлик») партиясига қарши фитна уюштирдилар. Кўпчилик парламент аъзолари қамоққа ташланди, ватанпарварлар қувғин остига олинди. Ана шундай бир вазиятда 1960 йил 3 августда Нигер республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Африка демократик бирлиги партияси тузган ҳукумат Франция ҳукмронларига ёндошди. «Савабо» партияси қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Нигер келишув кенгашининг (Франциянинг собиқ тўрт мустамлакаси уюшган кенгаш) аъзоси бўлиб қолди, Франция билан ҳарбий шартнома тузди.

Мамлакат ватанпарварлари тўла мустақиллик, эркинлик ва озодлик учун курашни давом эттирмоқдалар.

*Хўжалиги.* Нигер Африкадаги энг қолоқ мамлакатлардан бири. Ерёнғоғи ва чорвачилик экономикада муҳим ўрин тутади. Мамлакатда 2 миллион 700 минг бош қорамол, 5 миллион бош қўй ва эчки бор. Нигер қўшни мамлакатларни гўшт

ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб келади. Ер бағрида табиий ресурслар запаси кўп. Лекин, бу миллий бойликлардан олинадиган даромад чет эл монополистлари ва маҳаллий ҳукмронлар чўнтагига тушади.

## НИГЕРИЯ

(Нигерия Федерацияси)

Нигерия — Ғарбий Экваториал Африкада жойлашган мустақил республика. Шимол ва ғарбда Франция Ғарбий Африкаси, шарқда Камерун билан чегарадош, бир чеккаси Гвинея қўлтиғига туташган.

Майдони 878 минг квадрат километрга яқин. Аҳолиснинг кўплиги жиҳатидан Нигерия Африкада биринчи ўринда туради. Мамлакат аҳолиси 35 миллион кишидан ошиқ бўлиб, 250 дан ортиқ турли этник гуруҳлардан ташкил топган. Булар тил, урф-одатлари ва традициялари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Аҳолининг 40 процентидан ортиғи ислом динига эътиқод қиладди.

Пойтахти Лагос шаҳри (аҳолиси 350 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг катта қисми паст-баланд ясси тоғлардан иборат. Гвинея қўлтиғи бўйлаб паст текисликлар чўзилиб кетган. Мамлакат тропик иқлимга эга. Дарё ва кўлларга сероб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Илгари Нигерия территориясида маданияти ва экономикаси ривожланган бир қанча феодал давлатлар бўлган. Аҳоли ишлаб чиқарган ҳунармандчилик буюмлари ва металлдан ясалган турли асбоблар Африка ерларида машҳур эди. Кейинчалик бу давлатлар инқирозга юз тутиб, Нигерия территориясига чет эллик босқинчилар кира бошладилар. Жафокаш халқ 300 йилдан кўпроқ вақт мустамлакачилар исканжасида яшади. Даставвал, Португалия, сўнгра Англия мустамлакачилари Нигерияни таладилар, юз минглаб кишиларни қул қилиб сотдилар. Уша вақтларда Америкага олиб кетилган ҳар ўн қулнинг еттитаси йўлда ҳалок бўларди. «Цивилизаторлар» ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, тирикчиликни яхшилашни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Илм-маърифат, халқ соғлиғини сақлаш ҳақида ғам-хўрлик қилнш уларга ёт бир нарса эди. Шунинг учун ҳам Нигерия энг қолоқ мамлакат бўлиб келди. Расмий маълумотларга қараганда, жон бошига миллий даромад Англиядагидан 14 барабар кам. Аксарият аҳоли на ўқини ва на ёзишни билади. Инглиз журнали «Спектейтор»нинг ёзишича, Нигерия аҳолиси саводсизликда дунёда энг паст ўринда туради. Анг-

лия умумпалатаси бюджет комиссиясининг докладыда келтирилган фактларга кўра, «Нигерияда бир врач 133 минг кишига тўғри келади». Фақат 8 процент нигерияликларгина 50 ёшгача умр кўриб, аҳолининг қолган қисми оғир турмуш натижасида ёшини яшамай ҳалок бўладилар.

Кўп жабр-жафо тортган Нигерия халқи ўз «тақдирига тан» бермади. У эрк учун бош кўтарди. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда халқ ҳаракати авжига чиқди. Импералистлар Нигерияни қўлдан чиқармасликка уриниб, қабилалар ўртасида диний ва ирқий нифоқни кучайтирмоқчи бўлдилар, халқ орасида бўлмағур ивволар тарқатдилар. Бироқ уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Нигерия янгича ҳаёт ва мустақиллик учун курашни давом эттирди. 1945 йилда мамлакатда кўтарилган умум ишташлаш мустамлакачиларнинг ўтакасини ёрди. Улар ишчи ва хизматчиларга бир оз ён бердилар. 1949 йилда эса кучли галаёнлар кўтарилди. Халқ газабидан чўчиган Англия мустамлакачилари Нигерияга мустақиллик беришга мажбур бўлдилар. 1960 йил 1 октябрда Нигерия пойтахти Лагос шаҳрида Нигериянинг миллий байроғи кўтарилди, мустақилликка эришди. Янги миллий ҳукумат экономикани жонлантириш, барча мамлакатлар билан алоқа ўриштириш, Африка халқлари бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун курашиш лозимлигини билдирди.

*Хўжалиги.* 300 йилдан ортиқ давом этган мустамлакачилик мамлакат экономикасига жуда ёмон таъсир кўрсатди. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида кўпроқ экспортга мўлжалланган маҳсулотлар етиштирилади. Жумладан, какао (какаога экспорт қилишда Нигерия дунёда учинчи ўринда туради), ерёнғоғи, (ерёнғоғини четга чиқаришда Ҳиндистондан сўнг иккинчи ўринда), пахта, кунжут ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Шунингдек, чорвачилик ҳам экономикада муҳим роль ўйнайди. Нигерияни пальма ватани деб атайдилар. Пальма мойи ва пальма ёнғоғи етиштиришда Нигерия жаҳонда биринчидир. Лекин, шундай битмас-туганмас бойликлар ҳузурини «Левер бразере» каби америка, «Юнайтед Африка компани» сингаринглиз компаниялари кўрмоқда.

Нигерия кўп тармоқли миллий саноатни барпо этмоқ учун керакли хом ашёга эга. Ер бағрида рух, темир, қўрғошин рудалари, вольфрам, олмос, уран ва нефть запаслари кўп. Мамлакат колумбит минерали қазиб чиқаришда дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Колумбит оловга бардош берадиган маҳсул пўлат ишлаб чиқаришда ишлатилади. Америка журналисти Жон Гантренинг айтишича, Нигерия колумбити бўлма-са Америка авиацияси яшай олмаган бўлур эди. Чет эл мо-

нополиялари ўзларига фойда келтирадиган саноат тармоғини ривожлантириб, Нигерия ер ости бойликларини таладилар. Фақат кейинги бир неча йиллар ичида англия монополиялар Нигериядан 300 миллион фунт стерлинг соф фойда кўрдилар.

*Сиёсий партиялари.* Нигерияда Шимолий халқ конгресси, Нигерия миллий кенгаши, Шимолий Нигерия тараққийпарвар элементлар кенгаши каби бир қатор сиёсий партиялар ва ўнлаб касаба союз ташкилотлари бор.

## НЬЯСАЛЕНД

Ньясаленд — Шарқий Африкада жойлашган кичик мамлакат. Ғарбда Ангола, Ғарби-шимолда Конго Республикаси, шимоли-шарқда Мозамбик ва жанубда Жанубий Африка Республикаси билан чегарадошдир.

Майдони тахминан 127,3 минг квадрат километр, аҳолиси 2 миллион 700 минг киши. Аҳоли ньянжа халқи ва турли қабилалардан иборат. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги банту тил группасига кирувчи ньянжа тилида сўзлашади.

Маъмурий маркази—Зомба шаҳри (аҳолиси 6 минг киши).

*Табиий шароити.* Ньясаленд Ньяса кўлидан ғарб ва жанубга томон чўзилиб кетган ерни эгаллайди. Сатҳи 900—1800 метр баландликдаги ясси тоғлардан иборат. Шимолда Ньика ва Ангониленд ёйлатоғлари қад кўтарган. Иқлими — ёзи иссиқ, қиши нисбатан салқин ва қуруқ. Мамлакат дарёларга айтарлик бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Ньясаленд территориясида қадимий банту қабилалари яшаб келарди. Улар XIX асрдан бошлаб чет эл босқинчилар ҳамласига дучор бўла бошладилар. Ньясаленд учун Англия билан Германия ўртасида қаттиқ кураш бўлиб, бу курашда Англия ғолиб чиқди ва 1890 йилда Ньясалендни забт этди. Англия мустамлакачилари даврида Ньясаленд халқи барча сиёсий-ижтимоий ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Мустамлакачилар юртни таладилар, аҳолидан ишчи кучи сифатида фойдаланиб ўз бойликларини орттирдилар. Илгаригидек ҳозир ҳам ҳар йили 100—130 минг киши Жанубий Родезия ва Жанубий Африка Республикасидаги конларга ишга жўнатилиб, қаттиқ эксплуатация қилинмоқда.

Ньясаленд халқи бундай хўрликларга қарши кураш бошладилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кўтарилган халқ тўлқини Ньясалендни ҳам қамраб олди. Мустамлакачилар халқ ҳаракатининг олдини олиш учун барча чораларни кўрдилар. Мамлакатда конституция эълон қилинди,

«қонун чиқарувчи» кенгаш чақирилди. Лекин, бу жамоатчиликни чалғитиш, алдаш эди. 1953 йилда Англия ҳукмронлари африкаликларнинг норозилигига қарамай, Ньясаленд, Жанубий ва Шимолий Родезияни Марказий Африка Федерациясига зўрлаб бирлаштирдилар. Федерацияни ташкил этишдан мақсад Африкада Англия мавқеини мустаҳкамлаш ва африкаликлар ўртасида миллий адоватни кучайтириш эди. Федерацияда асосан Жанубий Родезиянинг оқ танли ирқчилари ҳукмронлик қила бошладилар. Федерация «афзалликлар»ни кўрган Ньясаленд халқи федерациядан чиқиш, мустақиллик учун курашни кучайтирди. 1959—1960 йилларда мамлакатда намойиш ва иш ташлашлар авж олди. Халқ билан полиция ва ҳарбий қисмлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлди. Бунга жавобан мустамлакачилар репрессияни кучайтириш билан «осойишталик» ўрнатмоқчи бўлдилар. Ньясаленд миллий конгресси аъзолари ва миллий ҳаракатга раҳбарлик қилаётган Африка миллий конгресси партиясининг кўзга кўринган арбоблари қамоққа ташланди, неча минглаб ватанпарварлар қийноққа солинди. Бироқ бундай чоралар халқ газабини янада оширди, холос.

Ньясаленд халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги сари кураш байроғини баланд кўтармоқда.

*Хўжалиги.* Мамлакат экономикаси орқада қолиб кетган, аҳоли қишлоқ хўжалиги билан машғул. Деҳқончиликда асосан тамаки, чой, пахта, кофе ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Серҳосил ерлар оқ танлилар қўлида. Чорвачилик ривожланмаган. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир неча корхона бор, холос. Ньясалендда боксит, тошкўмир, графит ва ильменит конлари топилган. Бу конлардан келадиган даромад ҳануз, чет эл компанияларининг манфаатига хизмат қилмоқда.

## ПОРТУГАЛИЯ ГВИНЕЯСИ

Португалия Гвинеяси — қитъанинг ғарбий чеккасида, Атлантик океан соҳилида жойлашган мустамлакадир. У қуруқликда Сенегал ва Гвинея билан чегарадош. Составига Болама ороллари ва Бижагош тизма ороллари ҳам киради.

Майдони 36 минг квадрат километр, аҳолиси 565 минг киши. Мамлакатнинг марказий қисмида фулабе ва балланте қабилалари, соҳил бўйларида судан қабилалари яшайди.

Маъмурий маркази Бисау шаҳри (аҳолиси 20 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг қуруқлик қисми паст текисликлардан, баъзи ерлари эса ботқоқликлардан иборат. Иқлими иссиқ. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Португалляликлар мамлакатни XVI аср охирида босиб олдилар. XVII—XVIII асрларда Португалия Гвинеяси қул савдосининг марказига айланади. Мустамлакачилар шу ердан туриб Америкага қул жўнатар эдилар. Кейинги вақтларда қул олди-сотдиси тақиқланди-ю, лекин ерли аҳоли қулдан баттар ҳаёт кечиришга мажбур этилди. Мустамлакачилар гвинеяликларни эзиб, хўрлаб келмоқда. Аҳоли ўз ватанида худди қамоқда ётгандек кун кечиради, қорни овқатга тўймай, ҳаминша муҳтожлик азобини чекади. Бунинг натижасида даҳшатли касалликлар авж олган. Фақат «уйқу касаллиги»дан йилга 8 минг киши ишдан чиқади. Очликдан ўлувчилар борган сари кўпаймоқда. 1960 йилда «Португалия Гвинеяси Мустақиллиги учун кураш Африка партияси»нинг меморандумида таъкидланишича, мустамлакачилар «халқни эзиш воситаси сифатида очарчиликдан фойдаланмоқдалар ва очарчиликни жўрттага кучайтирмоқдалар». Аҳолининг деярли ҳаммаси саводсиз.

Осиё ва Африкада эсаётган мустақиллик ва миллий-озодлик шабадаси Португалия Гвинеяси аҳолисини ҳам руҳлантириб юборди. Мазлумлар прогрессив партиялар раҳбарлигида мустамлакачиликка қарши мардонавор курашмоқдалар.

*Ҳўжалиги.* Мамлакат экономикаси ниҳоят даражада қолоқ. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан банд. Қишлоқ хўжалигида дон экинлари, шунингдек арахис, кокос пальмаси ерёнгоғи ва бошқа экинлар етиштирилади. Мамлакатда ёғ ишлаб чиқариш, шоли оқлайдиган заводлар сингари майда корхоналар бор. Табиий бойликлари Америка, Англия, Франция ва Португалия компаниялари қўлида. Португалия Гвинеясининг ҳарбий-стратегик аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам империалистлар бу территориядан ҳарбий база сифатида фойдаланишга уринмоқдалар.

## РЕЮНЬОН

Реюньон ороли — Ҳинд океанидаги Маскарен ороллари группасига кирадиган мамлакатдир. Майдони 2,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 295 минг кишидан иборат.

Маркази — Сен-Дени шаҳри (аҳолиси 39 минг киши).

Реюньон вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлган тоғли оролдир. Соҳил бўйи районларида иқлими тропик, тоғли жойларда эса муътадил.

Орол экономикаси шакар қамиш ўстириш ва ундан қанд ишлаб чиқаришга мослаб ихтисослаштирилган. Французлар ҳукмронлиги даврида шакар қамиш оролда илгари кенг тарқалган ғалла, пахта, кофе ва какао экинларини суриб чиқарди. Кофе ва эфир мойи берадиган экинлар ҳамда ваниль ва маниока ўсимликлари эса кам экилади.

Оролда ҳайвонлар кам. Фақат тоғли районлардагина қорамоллар, чўчқа ва қўй боқилади. Оролда қанд ва ром ишлаб чиқариш ривожланган.

Экспортнинг 80 процентини қанд ташкил қилади. Шунингдек ром, эфир мойи ва ваниль экспорт қилинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, металлдан ишланган буюмлар, сунъий ўғит ва газламалар импорт қилинадиган асосий товарлардир.

Реюньон ороли XVI асрда португаллар томонидан кашф этилди. Даставвал орол уни кашф этган денгиз сайёҳи — Маскареньяс номи билан аталган. XVII асрда оролда французлар пайдо бўлиб, унинг номи Бурбон ороли деб ўзгартирилди.

Оролда кофе ўстириш жорий қилина бошлаши билан унинг аҳолиси Африкадан келтирилган қул-негрлар ҳисобига кўпая бошлайди.

1767 йилда бу орол француз салтанатининг мулкига айланди. 1793 йилда орол Реюньон (французча қўшилма) номи олды. 1810 йилда Реюньон оролини инглизлар босиб олди. Лекин, орадан беш йил ўтгач, у, яна Францияга қайтариб берилди.

1848 йилда оролда қуллик тартиблари бекор қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Реюньон маъмурияти Гитлерга қарши коалиция томонида бўлди.

1947 йил январдан бошлаб Реюньон ороли Франциянинг денгиз орти департаменти статутини олди. Орол француз префекти ва беш кенгаш томонидан идора қилинади.

1959 йил май ойида Реюньон Коммунистик партияси тuzилди.

## РУАНДА-УРУНДИ

Руанда-Урунди — Марказий Африка қитъасида жойлашган, Бельгия восийлигидаги территориядир. Конго, Уганда ва Танганьика билан чегарадош.

Мамлакат икки областдан, Руанда ва Урундидан иборат. Руандада 2 миллион 600 минг киши, Урундида эса қарийб 2 миллион 100 минг киши яшайди. Икки областнинг умумий

майдони 54,2 минг квадрат километр. Аҳолиси асосан уч этник группадан: бахуту, батутси ва пигмейлардан ташкил топган. 85 процент аҳоли бахутулардир. Аҳолининг 14 процентини ташкил этган батутсилар дунёда энг бўйчан (ўртача баландлиги 2 метр) кишилар ҳисобланади. Пигмейлар эса энг пакана (бўйининг ўртача баландлиги 130 сантиметр) кишилардир.

Маъмурий маркази — Усумбура шаҳри (аҳолиси 55 минг киши).

*Табиий шароити.* Руанда-Урунди баланд тоғлар ва дарёларга сероб бўлган водийларда жойлашган. Иқлими иссиқ. Ерлари серҳосил. Ҳайвонот, ўсимлик дунёси ниҳоятда бой.

*Қисқача тарихи.* Урта асрларда Руанда-Урунди территориясида икки мустақил қироллик бўлган. Бу давлатларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожланган эди. XIX аср охирларида қиролликларни Германия империалистлари босиб оладилар. Биринчи жаҳон урушида Руанда-Урунди Бельгия ихтиёрига ўтказилади. Шундан бери мамлакатда Бельгия империалистлари ҳукмрон. Улар расман Руанда-Урундини БМТ номидан идора қилсалар-да, лекин унинг мамлакат экономикасини, маориф, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва аҳоли моддий-маиший аҳволини яхшилаш ҳақидаги топшириқларини ҳеч қачон бажармадилар. Аксинча, мустамлакачилар ҳукмронлиги даврида экономика инқирозга юз тутди, моддий-маиший турмуш тобора ёмонлашди.

1943—1944 йиллардаги очарчиликда 60 минг киши қирилди, 400 мингдан ошиқ аҳоли очлик балосидан қутулиш учун бошқа мамлакатларга кўчиб кетди.

Мамлакатда эрк ва мустақиллик учун курашга отланганлар осилмоқда, отилмоқда. Руанда ва Урунди қироллиги ҳозиргача сақланади. Мустамлакачиликка қарши чиққан Руанда қиролларидан бири ўлдирилди, иккинчиси эса сургун қилинди. Бельгия империалистлари мамлакатни Конго республикасига қарши ҳарбий базага айлантирмоқдалар. Лекин Руанда-Урунди халқи прогрессив партиялар раҳбарлигида мустақиллик учун қаттиқ курашмоқда.

*Ҳўжалиги.* Руанда-Урунди қоқоқ, аграр мамлакат. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул. Қишлоқ ҳўжалигида асосан маниок, банан, пахта, батат, ямс, кофе ва маккажўхори етиштирилади. Хом ашё тайёрлаш саноати бир оз ривожланган. Ер бағрида вольфрам, қалайи ва олтин каби табиий қазилмалар бор. Рудалар ва техника экинлари экспорт қилинади.



## СВАЗИЛЕНД

Свазиленд — Жанубий Африкада жойлашган Англия протекторати. Шимоли-ғарбда Жанубий Африка Республикаси, жанубда Мозамбик билан чегарадош.

Майдони 17,4 минг квадрат километр, аҳолиси 242 минг киши. Аҳолиснинг 96 проценти банту группасига хос бўлган африкаликлардир.

Маркази Мбабане шаҳри (аҳолиси 3500 киши).

*Табий шароити.* Свазиленднинг рельефи бир текис эмас. Мамлакат территориясига самолётдан назар ташласангиз бир-бирига уланиб кетган воҳаларни, тез оқар дарёларни, ўрмон, чакалакзор ва яйловларни кўрасиз. Унчалик баланд бўлмаган тоғлар мамлакатни уч тарафдан ўраб олган. Субтропик иқлим мавжуд бўлиб, ёзи иссиқ, қиши илқ. Бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бор.

*Қисқача тарихи.* XIX аср бошларида мамлакатга кўчманчи бурлар кела бошладилар. Бурлар африкаликлар бошлиғи Свазини қўлга олганликлари сабабли ерли қабилалар бурларга қаршилик кўрсатмадилар. 1899—1902 йиллардаги инглиз-бур урушига қадар Свазиленд Трансвааль составига кирган эди. Инглизлар Трансваални босиб олгач, Свазиленд устидан протекторат ўрнатдилар. Шундан бери Свазиленд аҳолиси икки ёқлама эзилиб келмоқда. Помешчик-феодалга айланган қабила бошлиқлари ва оқсоқоллари ҳамда мустамлакачилар меҳнаткашларни зулукдек сўрмоқдалар.

Феодаллар ва Свазиленд қироли Собуза II инглизлар малайдир. Собуза II мамлакатда энг катта помешчик ҳисобланади. Экишга яроқли деярли ҳамма ерлар, яйловлар маҳаллий феодаллар ва Англия монополиялари қўлида. Африкаликлардан 30 марта кам бўлган европаликлар ерли аҳолидан бир ярим баравар ортиқ ерни эгаллаган, яъни умумтерриториянинг учдан икки қисмига европаликлар хўжайин. Мўхтожлик ва қашшоқлик свазилендликлар қисмати. Меҳнаткаш кунига 12—14 соатлаб ишласа ҳам қорни овқатга тўймайди, усти кийимга ялчимамайди. Басутоленд, Бечуаналенддагидек свазилендликлар ҳам кўпинча қўшни мамлакатларга иш қидириб борадилар. Аксарият аҳоли саводсиз, турли касалликлар кенг тарқалган. Мамлакатда 25 врач бор, холос.

*Хўжалиги.* Свазиленд экономикаси жуда қолюқ. Аҳоли асосан чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланади. Мамлакатда тахминан 500 мингга яқин қорамол, 170 мингдан

ортиқ эчки, 36—37 минг қўй бор. Қишлоқ хўжалигида макка-жўхори, тариқ, тамаки ва пахта етиштирилади. Мамлакат табиий ресурсларга бой. Ер бағрида асбест, тошқўмир, қора металл рудалари ва олтин топилган, шунингдек барит, қалайи, никель, тальк, каолин, темир рудаси ҳам мавжуд. Геологлар тахминига кўра темир руда запаси 60 миллион тоннадан ошади. Лекин табиий бойликлар ҳузурини инглизлар кўр-япти. Свазиленд асбест қазиб чиқаришда капиталистик мамлакатлар ўртасида тўртинчи ўринда туради. Асбестнинг ўзидан Англия монополиялари ҳар йили 2 миллион фунт стерлинг даромад қиладилар. Мамлакатда бир неча хом ашё тайёрлаш корхоналари ва майда завод, фабрикалар қурилган.

## СЕНЕГАЛ

Сенегал — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. У Мавритания, Мали, Португалия Гвинеяси ва Гамбия билан чегарадош. Ғарбий қисми Атлантик океанига туташ.

Майдони 197 минг квадрат километр, аҳолиси 2 миллион 250 минг киши. Аҳоли асосан волофа, серера ва тукулера қабилаларидан ташкил топган. Мамлакатда европаликлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Маркази Дакар шаҳри (аҳолиси 234 минг киши).

*Табиий шароити.* Сатҳи паст текислик, қирғоқ бўйларида қумлоқлар чўзилиб кетган. Соҳилнинг жанубий қисмини дарёлар кесиб ўтган. Иқлими иссиқ. Территориянинг катта қисмини саванналар эгаллаб, воҳаларда ва жанубда тропик ўрмонлар учрайди.

*Қисқача тарихи.* Сенегалда қадимдан яшаган африкаликлар бу ерга келган араблар ва барбарлар билан қўшилиб кетганлар. Сенегал территориясида қабилалар ўртасида жуда кўп жанглар бўлди, турли давлатлар вужудга келди ва кейинчалик йўқолиб кетди, XV асрдан бошлаб Сенегалда португалияликлар пайдо бўлдилар. Бу ердан Европага фил суяги, олтин ва бошқа моллар, шунингдек, қул ташилди. XVII асрда Сенегалга чанг сола бошлаган Франция мустамлакачилари 1895 йилга келиб мамлакатни батамом босиб олдилар. Сенегал халқи келгиндиларга тобе бўлиб, ер-сувидан, мол-мулкидан жудо бўлди.

Сенегал халқи ғурбатда абадий кун кечиришни истамади. Яхши турмуш, миллий мустақиллик учун тинмай кураш-

ди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда кучайиб кетган халқ ҳаракатидан чўчиган империалистлар мамлакатда қисман ислоҳотлар ўтказишга мажбур бўлдилар. 1946 йилда мажбурий меҳнат бекор қилинди, 1956 йилда Сенегалга автоном ҳуқуқлар берилди ва ҳоказо.

Аммо бу «тухфа» мустамлакачиларнинг миллий-озодлик ҳаракатини сусайтириш мақсадида ишлатган ҳийла-найранги эди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлар озодлик курашини сусайтирмадилар. Собиқ Франция — Африка ҳамкорлигига кирган Африка мамлакатларининг раҳбарлари билан бирга Сенегал раҳбарлари ҳам Мали Федерациясини тузишга қўл кўтарадилар. Дастлаб Федерацияга Ғарбий Судан (ҳозирги Мали Республикаси), Сенегал, Дагомея, Юқори Вольта ва Нигер мамлакатлари бирлашдилар. Федерациядан норози бўлган Франция империалистлари федерацияни ичидан қўпоришга уриндилар. Натижада федерациядан Дагомея, Юқори Вольта ва Нигер чиқиб кетди.

1960 йил 20 июнда Ғарбий Судан ва Сенегал Мали федерацияси номи билан мустақил давлат, деб эълон қилинди. Бироқ, икки ой ўтар-ўтмас Федерацияда давлат тўнтариши ясалди, Сенегал федерациядан чиқиб, алоҳида республика тузди.

Сенегал иқтисодий жиҳатдан Мали Республикасига қараганда нисбатан тараққий этган мамлакат. Сенегалда миллий буржуазиянинг позицияси анча кучли. У Франция билан ҳамкорлик тарафдори.

Ташқи сиёсат соҳасида Сенегал ҳукумати тинчлик сиёсатини олиб бормоқда.

*Хўжалиги.* Сенегал қолоқ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Ер ёнғоғи экономикада муҳим ўрин тутати. Озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтирилади. Ер бағрида фосфат запаси жуда кўп. Шунингдек, нефть ва бошқа табиий ресурслар топилди. Қазилма бойликлардан фақат чет эл компаниялари фойдаланади. Умуман экономикада чет эл капиталининг таъсири кучли.

*Сийсий партиялари.* Сенегал тараққийпарвар иттифоқи — ҳукмрон партиядир. Мустақил Африка партияси ва бошқа бир неча майда партиялар ҳам бор.

## СОМАЛИ

(Сомали Республикаси)


Сомали — Африкадаги Сомали ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида, Ҳинд океан қирғоғида жойлашган мустақил республика.

Майдони 640 минг квадрат километрга яқин, аҳолиси 2 миллион 68 минг киши. Аҳолиси асосан сомалиликлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги мусулмон динига эътиқод қилади. Шунингдек, мамлакатда 30 мингдан зиёд араблар ва 5 мингга яқин европаликлар яшайди.

Пойтахти Могадишо шаҳри (аҳолиси 83 минг киши).

*Табиий шароити.* Ярим оролнинг учдан икки қисми яйла-тоғлар бўлиб, тиканли бутазорлар, ёввойи ўтлар билан қопланган. Икки дарё — Веби Шебели ва Жуба водийларининг манзараси ўзгача — бу ерларда акас, пальма дарахтлари, бананлар ва шакар қамиш ўсади, чангалзорларда эса шер, оху, жирафаларни учратиш мумкин. Мамлакат қуруқ, тропик иқлимга эга.

*Қисқача тарихи.* Сомалиликлар қадимги халқлардандир. Машиҳур рус шарқшуноси Б. А. Тўраев ва бошқа олимларнинг фикрича, сомалиликлар Геродот асарларида тасвирланган



*Могадишо шаҳари.*

афсонавий Пунт мамлакати аҳолисининг авлодларидир. Сомали халқи мустақил ҳаёт кечириш учун асрлар давомида курашди. Сомали ярим оролининг стратегик ўрни чет эл bosқинчиларини доимо қизиқтирарди. Сомалига португалияликлар, сўнгра инглиз, француз ва Италия мустамлакачилари суқилиб кира бошладилар. XIX аср охири ва XX аср бошларида мустамлакачилар ярим оролни босиб олдилар. Сомали уч қисмга, Британия Сомалиси, Франция Сомалиси ва Италия Сомалисига бўлиб ташланди.

1941 йилда инглиз қўшинлари Италия Сомалисини оккупация қилдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тузилган халқаро комиссия Италиянинг собиқ мустамлакалари тақдирини ҳал қилиши зарур эди. Комиссия составида Совет Иттифоқи, Америка, Англия ва Франция вакиллари ишладилар. Ўша вақтдаёқ Совет Иттифоқи Италия мустамлакаларига дарҳол мустақиллик бериш зарурлигини талаб қилди. Лекин, Ғарб мамлакатлари бу адолатли талабни рад қилдилар. 1949 йилда улар Сомалини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вассийлигига топширишга муваффақ бўлдилар. БМТ эса мамлакат устидан назорат қилишни Италияга юклади. Шундай қилиб, Италия Сомалига яна хўжайин бўлиб қолди. Италия мустамлакачилари ва инглиз, француз империалистлари Сомали халқини шафқатсиз эздилар. Меҳнаткаш халқ фақат оқ танли хўжайинлар учун ишлади, барча ҳуқуқлардан маҳрум этилди, ирқий камситилди ва хўрланди. Шунингдек, халқ очлик, қашшоқлик ва жаҳолатда кун кечирарди. Мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда аҳолининг йиллик даромади 20 долларга етар-етмас ва уларнинг 99 проценти саводсиз эди.

Кейинги йилларда мамлакатда миллий-озодлик кураши кучайиб кетди. Бундан чўчиган империалистлар халқни



*Сомали қишлоқларидан бири.*

ва жаҳон жамоатчилигини чалғитмоқчи бўлдилар. 1956 йилда биринчи марта қонун чиқарувчи мажлисга сайлов ўтказилди ва Сомали ҳукумати тузилди. Сайловда ёш сомалиликлар Иттифоқи ғалаба қозонди. Лекин, давлат сиёсати, мудофаа, молия ишлари Италия маъмурлари қўлида қолди. Бундан норози бўлган халқ тўла мустақиллик берилишни, барча сомалиликларни ягона давлатга бирлаштиришни, демократик реформалар ўтказишни талаб қилдилар. 1959 йилда қонун чиқарувчи мажлисга умуммиллат сайлови бўлиб ўтди. Бу сафар ҳам ёш сомалиликлар Иттифоқи катта муваффақиятга эришиб, миллий мажлисдаги 90 ўриндан 83 тасини эгаллади. Ниҳоят, Италия ҳукмронлари Сомалига мустақиллик ваъда қилишга мажбур бўлдилар.

Италия Сомалисидаги воқеалар инглиз ва француз мустамлакачилари зулми остида жафо чекаётган сомалиликларни руҳлантириб юборди. Улар дарҳол мустақиллик берилишини, ягона давлатга бирлашишни талаб қилдилар. Кўп ўтмай Италия Сомалиси билан Британия Сомалисининг раҳбарлари келишиб ягона Сомали республикасини тузишга қарор қилдилар. 1960 йил 1 июлда Сомали Республикаси эълон қилинди, ягона қонун чиқарувчи Миллий ассамблея ташкил этилди. Икки мустамлаканинг қайта қўшилиши шубҳасиз прогрессив аҳамиятга эга. Бироқ, Англия ҳукмронлари мамлакат бирлигини бузишга, халқ орасида миллий адоватни кучайтиришга, шу тариқа ҳукмронликни сақлаб қолишга қаттиқ уринмоқдалар.

Сомалининг эрксевар кучлари империалистларнинг хатти-ҳаракатини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар. 1960 йил 24 июнда Сомалидаги раҳбар партиялар қўшма ахборот эълон қилиб, бунда Бандунг қарорларига асосланган бетарафлик сиёсати юргизишни, мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларга ёрдам беришни ва сиёсий шартлар билан бериладиган иқтисодий ёрдамдан воз кечишни талаб қилдилар.

*Хўжалиги.* Сомали иқтисодий жиҳатдан қолоқ, аграр мамлакат. Аҳолининг 90 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Бундан 70—75 проценти чорвачилик, 20 проценти эса деҳқончилик билан шуғулланади. Чорвачилик мамлакатда кенг ривожланган. Сомали саноат ва савдо министригининг билдиришича, мамлакатда 4 миллиондан ортиқ туя, 12 миллион қўй ва 1,5 миллиондан зиёд қорамол бор.

Территориясининг фақат 10 проценти экишга яроқли. Суғориладиган 120 минг гектар ернинг 75 мингги италияликлар қўлида. Улар банандан жуда катта даромад оладилар. Экономика тараққиёти кўп жиҳатдан банан экспортига боғлиқ.

Лекин, Сомали халқи тер тўкиб етиштирган ўз бананидан келадиган даромаддан деярли маҳрум. Мустамлакачилар бананининг бир килограммини 10 лирга олиб, Италияда неча ўн баравар ортиғига сотадилар. Банандан ташқари четга чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқарилади. Мустамлакачилар ҳукмрон бўлиб турган йилларда мамлакатда бирорта саноат корхонаси қурилмади.

Кейинги йилларда Сомали экономикасига америка капитали суқулиб кирмоқда. 1954 йилда Италия билан АҚШ ўртасида тузилган битимга мувофиқ, америка компаниялари Сомалида табиий ресурсларни эксплуатация қилиш ҳуқуқини олганлар.

*Давлат тузуми.* Республикада қонун чиқарувчи орган — Миллий ассамблеядир. Ижроия орган — Министрлар советидир.

*Сийёсий партиялари.* Ёш сомалиликлар Иттифоқи ҳукмрон партия. Улуғ Сомали Иттифоқи мустақил конституцион партия, Сомали миллий иттифоқн каби сийёсий партиялар бор.

## СОМАЛИ

(Француз Сомали қирроғи)

Сомали — шимоли-шарқий Африкада, Адан кўрфази соҳилида жойлашган кичик мамлакат. У Эфиопия ва Сомали Республикаси билан чегарадош. Сомали — Франция мустамлакаси бўлиб, уни француз губернатори идора қилади.

Майдони 22 минг квадрат километр, аҳолиси 68 минг киши. Аҳолиси асосан сомали ва данакиль халқларидан ташкил топган. Мамлакатда 5—6 европалик яшайди.

Маркази Жибути шаҳри (аҳолиси 31 минг киши).

*Табиий шароити.* Рельефи тоғлик. Ернинг денгиз сатҳидан энг баланд жойи 1715 метрдир. Саҳроли ерлари кўп. Иқлими жуда иссиқ. Ҳасимлик ва ҳайвонот дунёсига бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Қадимги вақтларда Сомали территориясида мисрликлар, сўнгра араблар ҳукмронлик қилдилар. Сувайш канали қурилиши билан Сомали стратегик жиҳатдан муҳим объект бўлиб қолди. XIX аср охирларида Франция Сомали территориясини босиб олди. Шундан бери Сомали халқи мустамлакачилик асоратида яшаб келяпти. Халқ яратган моддий бойликлар, ноз-неъматларнинг ҳаммаси француз мустам-



*Қабила бошлиғи.*

лакачилариники бўлиб, тер тўкканлар, оғир меҳнат азобини тортаётганлар эса хору зор. Келгиндилар роҳат-фароғатда яшаса, меҳнаткашлар муҳтожликда кун кечирмоқда, у на ўқишни, на ёзишни билади. Аҳолига медицина ёрдами деярли кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатда турли касалликлар кўп.

Сомалида миллий-озодлик ҳаракати кейинги йилларда авжга чиқди. Прогрессив ташкилотлар атрофига уюшаётган халқ, репрессия ва қувғинга қарамай, француз империалистларига даҳшат солмоқда.

*Хўжалиғи.* Сомали Африкадаги энг қолоқ мамлакатлардан бири бўлиб, унинг аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Четга чорва маҳсулотлари чиқарилади. Жибути районида туз қазиб чиқарилади. Кенг истеъмол моллари четдан келтирилади.

## СУДАН

*(Судан Республикаси)*

Судан — шимоли-шарқий Африкада жойлашган мустақил давлат. У Миср, Ливия, Чад Республикаси, Конго, Уганда ва Эфиопия билан чегарадош. Шимоли-шарқий қисми Қизил денгиз билан чегараланади.

Майдони 2,5 миллион квадрат километр, аҳолиси 13 миллион кишига яқин. Аҳоли миллий традициялари, урф-одати билан бир-бирларидан фарқ қиладиган турли халқлардан ташкил топган. Шимолий районларда қадимги нубий қабилаларининг авлодлари яшайди. Булар араб тилида гаплашадилар ва ислом динига эътиқод қиладилар. Жанубда эса нилот қабилалари яшайди. Булар турли африка шеvasида сўзлашадилар. Мамлакатда европаликлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилади.

Маркази Ҳартум шаҳри (аҳолиси 93 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакатнинг жанубий районларини дарёлар ўлкаси деб атайдилар. Дарҳақиқат, жанубдаги кенг



паст текисликни жуда кўп дарёлар кесиб ўтган. Бу районнинг ўсимлик дунёси ҳам турли-туман. Шимолда Нил дарёсининг ҳар икки соҳилида саванналар чўзилиб кетган. Хартумдан тортиб Миср чегарасигача бўлган ерларни Ливия ва Нубия саҳролари қоплаган. Нил дарёси жанубдан шимолгача бутун территориядан оқиб ўтади. Иқлими баъзи районларда иссиқ, баъзиларида муътадил. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Судан халқининг тарихи — озодлик, миллий мустақиллик учун босқинчиларга қарши кураш тарихидир. Эрксевар халқ турк, француз ва инглиз босқинчиларига қарши узоқ йиллар курашди. 1898 йилда Англия-Миср армияси Судан территориясини забт қилди. 1899 йилда имзоланган Англия-Миср шартномасига мувофиқ, Суданни Англия билан Миср биргалашиб идора қиладиган бўлдилар. Лекин, амалда Судан Англия мустамлакаси бўлиб қолди.

Мустамлакачилар кўп йиллар мобайнида мамлакатни зулукдек сўрдилар, аҳолини шафқатсиз эздилар. Экономика бир ёқлама ривожланганлиги сабабли саноат ва қишлоқ хўжалиги орқага кетди. Империалистлар мамлакатда миллий адоватни кучайтирдилар, бир қабилани иккинчи қабилага қарши қўйдилар. Мамлакатда очлик, қашшоқлик ҳукм сурди. Аҳолининг 95 проценти саводсиз эди.

Судан халқи империализмга ва мустамлакачилик зулмига қарши муттасил курашди. Англия ҳукмронлари иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда Суданга бир оз ён бердилар. Қонун чиқарувчи мажлис ва сенат тузилди.

Бундан халқ қаноатланмади, курашни давом эттирди.

Миллий-озодлик курашида, айниқса, ишчилар синфи жонбозлик кўрсатди. Ниҳоят Судан халқи 1956 йил 1 январда



20 метрли микора.  
Бундай ёдгорлик Судан халқининг қадимий маданиятининг намунасидир.

асрий орзусига эришди. Шу куни Судан Республикасининг миллий мустақиллиги эълон қилинди. Янги миллий ҳукумат халқ ва давлат манфаатларига мос бўлган сиёсат юргиза бошлади. Бундай сиёсат империалистларга ёқмади, албатта. Улар Суданнинг мустақил ривожланишига тўсқинлик қилиб, уни агрессив блокларга тортишга уриндилар. Собиқ «Аль-Умма» партиясининг раҳбари Абдулла Ҳалил ҳукумат тепасига келиши билан империалистлар мамлакатда активроқ ҳаракат қиладилар. 1958 йилда бу ҳукумат Америка «ёрдамини» олишга рози бўлди. Шунингдек, ҳукумат социалистик мамлакатлар ва Миср билан иқтисодий алоқа қилишдан воз кечди. Бундай сиёсатдан судан жамоатчилиги норози эди. Шундай вазиятда Судан қуроли кучлар бош қўмондони Иброҳим Аббуд ҳокимиятни ўз қўлига олди ва янги ҳукумат тузди. Иброҳим Аббуд мамлакатда тинчлик ва бетарафлик сиёсатини юргизажаклигини эълон қилди. 1958 йил 1 декабрда Судан ҳукумати Хитой Халқ Республикасини расман таниди, 1959 йилда Нил дарёсидан фойдаланиш ҳақида БАР ҳукумати билан шартнома тузди. Уша йили 16 мартда Совет-Судан савдо битими имзоланди. Бу шартномага биноан, Совет Иттифоқи Суданга металл, цемент ва машиналар юбормоқда.

Иброҳим Аббуд ҳукумати мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, иқтисодий мустақилликка эришиш, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва халқ тирикчилигини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларни кўрди. Янги корхоналар, йўллар, мактаб ва касалхоналар қурилмоқда. Ташқи ва ички савдо-сотик ривож топмоқда.

*Хўжалиги.* Судан аграр, қолоқ мамлакат. Аксарият аҳоли деҳқончилик қилади. Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғидир. Ҳар йил 140—150 минг тонна пахта ҳосили олинади. Қишлоқ хўжалигида хурмо, ер ёнғоғи, кунжут, бугдой, арпа ва маккажўхори етиштирилади. Судан гуммиарабик (қимматбаҳо елим) тайёрлашда дунёда биринчи ўринда туради. Чорвачилик ҳам экономикада салмоқли ўрин тутати. Суданнинг табиий ресурслари яхши ўрганилмаган. Экономикада чет эл капиталининг таъсири катта.

*Давлат тузуми.* Қуроли кучлар Бош кенгаши давлатни бошқаради. Генерал Иброҳим Аббуд қуроли кучлар бош кенгаши ва Министрлар Советининг раисидир. Ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият Иброҳим Аббуд қўлида. Сиёсий партия (шу жумладан Судан коммунистик партияси) ва касабасоюз ташкилотлари тақиқланган.

## СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

Сьерра-Леоне — Африканинг Атлантик океан соҳилига жойлашган давлат. Шимолда ва шимоли-шарқда Гвинея Республикаси, жануби-шарқда эса Либерия билан чегарадош.

Майдони 72,3 минг квадрат километр, аҳолиси 2 миллион 300 минг киши. Халқи негр ирқига хос бўлган буллом, лимба, темне, менде ва фульба қабилаларидан иборатдир.

Маркази Фритаун шаҳри (аҳолиси 77 минг киши).

*Табиий шароити.* Ғарбий ва жанубий районлар яланг текислик, шимоли-шарқий районлари эса тоғлар билан ўралган. Соҳилининг шимолий қисмини дарёлар кесиб ўтган. Иқлими иссиқ.

*Қисқача тарихи.* Сьерра-Леоне халқининг тарихи босқинчиларга қарши кураш тарихидир. Португалияликлардан сўнг 1786 йилда мамлакатда инглизлар пайдо бўлдилар. XIX аср бошларида Англия мустамлакачилари мамлакат устидан тўла ҳукмронлик ўрнатдилар. Шу вақтдан бошлаб Сьерра-Леоне Англия саноатининг хом ашё базасига айлана борди. Мустамлакачилар неча ўн йиллар давомида Сьерра-Леоне халқини эздилар, таладилар. Мамлакат табиий ресурсларга сероб, ер бағрида олмос, олтин, хром ва темир рудаси, молибден каби қимматли қазилмалар кўплаб топилади.

Лекин, бу бойликлардан мамлакат халқи маҳрум. Сьерра-Леоне ерлари серҳосил. Бироқ озмиқ-овқат маҳсулотлари аҳолини таъминлай олмайди. Чунки, Англия монополиялари ўзлари учун фойда келтирадиган ва экспортга кетадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан манфаатдордирлар. Расмий маълумотларга кўра, аҳолининг асосий озуқаси — гуруч этиштириш йилдан-йил камайиб борапти. Инглиз мустамлакачиларининг эътироф этишича, Сьерра-Леоне халқининг ҳозирги турмуши 300 йил илгаригидан ҳам баттар. Жон бошига миллий даромад Англиядагидан 14—15 баравар кам. Аҳолининг 95 проценти на ўқишни ва на ёзишни билади. Тўйиб овқат емаслик, тирикчиликнинг ниҳоят оғирлиги сабабли турли касалликлар кенг тарқалган, янги туғилган ҳар тўрт гўдакнинг бири ёшига етмай ҳаётдан кўз юмади.

Сьерра-Леоне халқи мустамлакачилик зулмига қарши тинмай курашди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кучайиб кетган миллий-озодлик ҳаракати Англия империалистларини ташвишга солиб қўйди. Ниҳоят, Англия ҳукмронлари ён беришга мажбур бўлиб, мамлакат 1961 йил 27 апрелда мустақил деб эълон қилинди.

Мамлакат халқи олдида мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, экономикани ривожлантиришдек катта ва мушкул вазифа турибди.

*Хўжалиги.* Сьерра-Леоне аграр, қолоқ мамлакат. Аҳолининг ўндан тўққиз қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб асосан какао, кофе, кола ёнғоғи, рафия пальмаси ва гуруч етиштирилади. Техника экинлари асосан экспортга кетади. Рафия пальмаси баргидан пиасави номли маҳсулот ишлаб чиқаришда мамлакат жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Саноати кам ривожланиб, бир нечта майда корхона ва хом ашё тайёрлаш шахталари бор, холос.

*Давлат тузуми.* 1961 йилнинг 27 апрелига қадар мамлакатни Англия генерал-губернатори идора қилди. Гарчи Сьерра-Леоне мустақиллиги эълон қилингунча вакиллар палатаси, Министрлар совети ишлаб келса-да, уларнинг ҳуқуқи чекланган эди. Янги ҳукумат нуқул африкаликлардан иборат бўлиб, мамлакат тақдири ҳозир ана шу миллий ҳукумат қўлида.

*Сийсий партиялари.* Халқ партияси — ҳукмрон партия бўлиб, маҳаллий буржуазия манфаатларини ҳимоя қилади. Бу партиядан ташқари Миллий халқ партияси бор. Бу партиялар ўртасида кескин зиддиятлар йўқ. Булардан ташқари яна бир неча партиялар ҳам бор.

## ТАНГАНЬИКА

Танганьяка — Шарқий Африкада жойлашган, суверен мамлакат.

Майдони 939 минг квадрат километр. Маҳаллий аҳолининг сони 8,9 миллион киши. Бундан ташқари мамлакатда 84 минг Осиёдан келган кишилар, 23 мингга яқин араблар ва 23 минг европалликлар яшайди.

Маркази Дар-ас-Салом шаҳри (аҳолиси 129 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат сатҳи анча кўтарилган. Территориянинг катта қисмини 1000—1500 метр баландликдаги ясси тоғлар эгаллайди. Шимолий районларда денгиз бўйи паст текисликлари бор. Жанубда Руфижи ва Рувума дарёлари оралиғидаги паст текисликлар анча кенг ва денгиз сатҳидан 500 метр пастликда жойлашган. Мамлакат иссиқ, тропик иқлимга эга. Катта дарёлар кам. Ўсимлик дунёсига унча бой эмас. Йирик ҳайвонлар деярли қириб ташланган.

*Қисқача тарихи.* Танганьяканинг бойликлари, серҳосил ерлари, қулай географик ўрни узоқ замонлардан бери чет эл босқинчиларининг диққатини тортиб келди. Танганьяка учун араблар, португалияликлар, сўнгра немислар ва инглиз-

лар бир-бирлари билан курашиб келдилар. 1890 йилда тузилган Англия-Германия битимига мувофиқ Танганьика Германия мустамлакаси бўлиб қолди. Немис босқинчилари серунум ерларни маҳаллий аҳолидан тортиб олдилар. Ерсиз-сувсиз қолган халқ босқинчилар қўлида туну кун оғир меҳнат қилди. Лекин уларнинг меҳнати туфайли яратилган даромад келгиндилар жигилдонига кетаверди.

1905 йилда қабилалар босқинчиларга қарши қуролли қўзғолон кўтардилар. Қўзғолон бир ярим йилча давом этди. Мустамлакачилар ўт ва қилич билан қўзғолонни бостирдилар. 120 минг африкалик ўлдирилди, неча минглаб кишилар қамоққа ташланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Англия Танганьика территориясини эгаллаб олди. Кўп ўтмай Миллатлар Иттифоқи Танганьикани идора қилиш учун Англияга мандат берди. Кейинчалик БМТ восийлигига ўтган Танганьикани идора қилиш ҳуқуқи ҳам Англияга берилди. Танганьика васийликдаги территорияга айланиши билан аҳвол ўзгармади. Мамлакат қолоқлигича, халқ оч-яланғочлигича қолаверди. Босқинчилар 3,2 миллион акр ерни тортиб олиб плантацияларга айлантирдилар. Африкалик ишчи европалик ишчидан 10—15 марта кам иш ҳақи оларди. Соғлиқни сақлаш ва маориф билан мустамлакачиларнинг иши йўқ эди. Мактаб, касалхона бармоқ билан санарли. 40 йил ичида маҳаллий аҳолидан фақат 20 кишигина врач ёрдамчиси бўлиб етишди. Халқдан олим, агроном, инженерлар тайёрлашни империалистлар хаёлларига ҳам келтирмадилар.

Халқ ғазабидан чўчиган империалистлар кейинги йилларда мамлакатда бир қатор ислоҳотлар ўтказдилар. Қонун чиқарувчи ва ижроия органлар таъсис этилди. Баъзи табақалар сайланиш ва сайлаш ҳуқуқини олди, маҳаллий ҳукумат тузилди ва ҳоказо. Бироқ ҳокимият Англия губернатори қўлида қолаверди. Танганьика халқи тўлиқ мустақиллик учун каттиқ курашиб 1961 йил 9 декабрда мустақиллик олишга муваффақ бўлди.

*Хужалиги.* Танганьика қолоқ, аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалигида сизаль, пахта, кофе, чой, тамаки ва дон экинлари



*Кофе уруғини йиғиш*

етиштирилади. Сизаль етиштиришда дунёда биринчи ўринда туради. Экономикада чорвачилик ҳам муҳим роль ўйнайди. Мамлакатда 8 миллион бошдан ошиқ қорамол, 3 миллиондан зиёд қўй ва 4 миллиондан кўпроқ эчки бор. Ер бағрида олмос, олтин, рух, қалайи, асбест, графит, никель ва бошқа минерал ресурслар запаси кўп. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир неча майда корхоналардан бошқа йирнк sanoat йўқ.

*Сийсий партиялари.* Танганьикалик африкаликлар миллий иттифоқи партиясининг халқ ўртасида таъсири зўр. Бундан ташқари бир неча партия ва касаба союз ташкилотлари бор.

## ТОГО

(Того Республикаси)

Того — Африка қитъасининг ғарбий соҳилида жойлашган мустақил республика. У ғарбда Гана, шимол ва шарқда Юқори Вольта ва Дагомея билан чегарадош.

Майдони 57 минг квадрат километр, аҳолиси 1 миллион 200 минг киши. Халқи асосан эве ва дагомба, логба, хауса каби қабилалардан иборат. Бу халқларнинг тили ва урф-одати бир бирларидан фарқ қилади.

Пойтахти Ломе шаҳри (аҳолиси 70 минг киши).

*Табий шароити.* Территориянинг катта қисмида ясси тоғлар чўзилиб кетган. Ғарбий районлар яланг паст текисликлардан иборат. Тропик иқлимга эга. Усимлик ва ҳайвонот дунёсига деярли бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Того халқининг қадимий ва ўрта аср тарихи яхши ўрганилмаган. Лекин, археологик қазилмалар ва саёҳатчилар қолдирган материаллар Тогода маданият ва савдо қадимдан ривожланганлигидан далолат беради. XV асрда Тогода португалияликлар сўнгра инглизлар суқилиб кирдилар. Бу ерда қул савдоси авж олди. Қул савдоси хўжаликка катта зарар етказиб, аҳолини хонавайрон қилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Тогода немис босқинчилари пайдо бўлдилар ва мамлакатни мустамлакага айлантирдилар. 1914—1918 йилларда Тогони инглиз ва француз армияси босиб олди, 1919 йилда эса мамлакат иккига, Франция Тогоси ва Британия Тогосига бўлиб ташланди. Британия Тогоси (майдони 33 минг квадрат километр, аҳолиси 429 минг киши) 1956 йилда Ганага қўшилди.



*Шимолий Того. Хотин-қизлар катта қовоқларда сув  
кўтариб бормоқдалар.*

Миллатлар Иттифоқининг қарорига мувофиқ Франция ва Британия мустамлакачилари қўлига топширилган Того халқи ўз мустақиллигига эришиш учун тинмай курашди.

Миллий-озодлик ҳаракати айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда кучайди. Того халқининг курашига Того бирлиги комитети раҳбарлик қилди. Француз империалистлари озодлик ҳаракатига қарши қурол ишлатиш билан бирга бир оз ён беришга, баъзи реформалар ўтказишга мажбур бўлдilar. Чунончи, 1955 йилда мамлакатда территориал ассамблея ва ҳукумат кенгаши таъсис этилди. Лекин, бу органларнинг ҳуқуқи ғоят чекланган эди. 1956 йилда Того «автоном республика» статусини олди. Территориал ассамблея «қонун чиқарувчи» органга айлантирилди, ҳукумат кенгаши эса Министрлар совети деб юритила бошлади. Бироқ бу гал ҳам ташқи алоқа, мудофаа, молия каби муҳим соҳалар Франция мустамлакачилари ихтиёрида қолаверди. Франциянинг олий комиссари асосан Того Министрлар советининг раиси вазифасини бажарди. Тоголик бош министр эса унга тобе бўлиб қолди. Лекин, бундан норози бўлган халқ тўлиқ мустақиллик учун курашни давом эттирди. 1958 йил 27 апрелда БМТ махсус комиссиясининг назорати остида қонун чиқарувчи ассамблеяга сайлов бўлиб ўтди. Сайловда Того бирлик комитети ғалаба қилиб, миллий мажлисдаги 46 ўриндан 32 тасини эгаллади. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1960 йил 27 апрелда Того мустақиллиги эълон қилинди. Тогонинг янги миллий ҳукумати мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, экономика ва маданиятни ривожлантириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширди. Экспортга кетадиган молларни сотиб олиш тартиби қайта кўрилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қатъий нархларда сотиб олинадиган бўлди. Бу билан деҳқонлар аҳволи бирмунча яхшиланди. Ҳозир ишсизликка барҳам бериш, қишлоқларда кооперативлар тузиш учун замин ҳозирлаш мақсадида меҳнат бригадалари ташкил этилмоқда. Бу бригадаларга уюшган мамлакат халқи бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Ҳукумат миллий кадрлар тайёрлаш ишига жиддий эътибор бериб, 1959 йилда Ломбеда маъмурий билим юрти ташкил этди. Билим юртини битириб чиққан ўнлаб тоголиклар ҳозир раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар. Илгари французлар томонидан тайинланадиган маҳаллий ҳокимият органларининг аъзолари эндиликда умумий, яширин сайлов билан сайланадиган бўлди.

Ташқи сиёсат соҳасида Того бетарафлик принципларига амал қиляпти, тинчликни сақлаш учун курашмоқда.



*Хўжалиги.* Аксарият аҳоли қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида батат, маниок, маккажўхори, тариқ, какао, кофе, ер ёнғоғи, арахис ва пахта етиштирилади. Аҳоли балиқчилик билан ҳам тирикчилик қилади. Мамлакат саноати жуда орқада. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир неча майда корхона бор ҳолос. Ер бағрида турли қазилма бойликлар топилган, айниқса фосфорит запаси кўп. Лекин фосфорит конлари чет эл компанияларига қарайди. Миллий ҳукумат мамлакат саноатини ривожлантириш, айниқса конлардан унумли фойдаланиш, тўқимачилик фабрикаси ва заводлар қуриш тadbирларини кўрмоқда.

*Давлат тузуми.* 1960 йил 27 апрелда тўлиқ мустақилликка эришган Тогода Қонун чиқарувчи мажлис (1958 йилдан бери депутатлар палатаси деб аталади) ва Министрлар совети 1958 йилда тузилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президентдир.

*Сийёсий партиялари.* Того бирлиги комитети — ҳукмрон партия. «Жювенто» партияси — ўртасўллар манфаатини ҳимоя қилади. Бу партия Францияга нисбатан қаттиққўллик сийёсат юргизишни талаб этмоқда. Булардан ташқари бир қанча майда партиялар ҳам бор.

## ТУНИС

(*Тунис Республикаси*)

Тунис — Шимолий Африкада жойлашган мустақил араб давлати. У жануби-шарқда Ливия ва жануби-ғарбда Жазоир билан чегарадош. Шарқий ва шимолий территорияси Ўрта денгизга туташ.

Майдони 125,2 минг квадрат километрдан зиёд. Аҳолиси 4 миллион кишига яқин. Асосан араблар, мамлакатда европаликлар ва яҳудийлар ҳам яшайди. Мамлакатнинг 90 процент аҳолиси ислом динига эътиқод қилади.

Пойтахти Тунис шаҳри (аҳолиси 700 минг киши).

*Табиий шароити.* Туниснинг рельефи Шимолий Африкадаги бошқа мамлакатларга қараганда текис. Территориянинг ўчдан бир қисмини тоғлар эгаллайди. Мамлакатда доимий оқиб турадиган дарёлар кам, аҳоли, асосан, селдан ҳосил бўлган дарёлардан фойдаланади. Иқлими субтропик ва қуруқ. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига айтарли бой эмас.

*Қисқача тарихи.* Тунис тарихи жуда кўҳна бўлиб, у ерда ливия қабилалари яшаган. Улар чорвачилик билан кун кечирганлар. Эраמידан олдинги 2 мингинчи йилларда баъзи қа-

21 Жaҳoндaғи мaмлaкaтлap

билалар ўтроқлаша бошладилар. Эрамиздан олдинги 814 йил да Тунис ерида Карфаген давлати вужудга келди. Бу қулдорлик давлатида ҳунармандчилик ва деҳқончилик юксалган эди. Эрамиздан олдинги 246—145 йилларда Тунис Рим вилоятига айланиб қолди ва бу ерда римликлар олти асрга яқин ҳукмронлик қилдилар. Шундан сўнг мамлакат вандаллар қўлига ўтди, VII асрда Тунисни араблар, XVI асрда испанлар, сўнгра Туркия босиб олди. 1881 йилда Франция билан Тунис ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, мамлакат устидан Франция протекторати ўрнатилди. Франция мустамлакачилари Тунис экономикаси, сиёсати устидан назорат ўрнатдилар, мамлакатни хом ашё базасига, Франция саноат молларининг бозорига айлантирдилар. Босқинчилар ақсарият аҳолининг ризқи-рўзи бўлган ерларни тортиб олдилар, халқ бойлигини таладилар, тунисликларни қулдек ишлатдилар.

Тунис халқи ҳеч қачон мустамлакачиларга бош эгмади. Эрк учун узоқ вақт давомида курашди. Капитализм умумий кризисининг кучайиши, империализм мустамлакачилик системасининг энл кетиши натижасида Тунисда ҳам миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Бундан чўчиган Франция ҳукмронлари баъзи реформалар ўтказишга мажбур бўлдилар. Лекин, ҳокимиятни тунисликлар қўлига топширишдан бош тортдилар. Тунисликлар мамлакатда партизанлар ҳаракатини бошлаб юбордилар ва франкуз армияси билан аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар авжига чиқди. 1956 йил 20 мартда Тунис мустақил деб танилди. 1957 йил 25 июлда эса Таъсис мажлиси Тунис Республикасини эълон қилди.

Республика президенти Ҳабиб Бурғибнинг таъбирича, халқ «қолоқликни тугатиш учун улуғ кураш» га отланди. Янги миллий ҳукумат иқтисодий мустақилликка эришиш, халқни хатсаводли қилиш йўлларини кўра бошлади. Кейинги беш йил ичида бу соҳада кўпгина ишлар қилинди. Саноат ва қишлоқ хўжалигига қарз бериб турадиган эмиссион банк, капитал сарфлаш миллий жамияти ташкил этилди. Тунис динарининг кадр-қиммати оширилди. Франция — Тунис бош кенгаши бекор қилинди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эса солиқ Тунис бейининг ерлари мусодара қилинди ва чет эл компаниялари ихтиёридаги ерларни ҳам мусодара қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. 1959 йилда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш миллий бошқармаси, шунингдек миллий қишлоқ хўжалик банки ташкил этилди ва ҳоказо.

Миллий кадрлар тайёрлаш, фан ва маорифни ривожлантириш масаласи ҳам ҳукуматнинг диққат марказида турибди, мактабларда белул ўқитиш жорий қилиниб, студентларга стипендия тайин қилинди. Шаҳар ва қишлоқларда бошланғич.

ўрта мактаблар ва техника билим юртлари қурилмоқда. Яқинда Тунис пойтахтида университет очилди.

Ташқи сиёсат соҳасида Тунис ҳукумати барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилиб, агрессив ҳарбий блокларга қўшилмаслик позициясида турибди. Тунис барча жанжалли халқаро масалаларни тинч музокара-лар йўли билан ҳал қилиш тарафдори. Имперналистик доираларнинг қаршилигига қарамай ёш республика социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқаларни мустақкамлашга интилоқда.

*Ҳўжалиги.* Мамлакатнинг 80 процент аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд. Деҳқончиликда буғдой, арпа, хурмо ва зайтун дарахтлари етиштирилади. Боғдорчилик ривожланган. Балиқчиликдан ҳам дуруст даромад олинади. Хом ашё қазиб чиқариш саноати нисбатан ривожланган. Ер бағрида турли қазилмалар запаси, айниқса фосфорит кўп. Фосфорит қазиб чиқаришда Тунис дунёда тўртинчи ўринда туради. Бироқ тоғ саноатига, асосан, Франция империалистлари хўжайин. Умуман экономикада Франция капиталининг таъсири ҳали катта. Кейинги йилларда халқ хўжалигига америка капитали ҳам суқилиб кира бошлади.



*Тунис. Сфакс порти — мамлакатдаги энг гавжум портлардан бири.*

*Давлат тузуми.* 1959 йил 1 июнда қабул қилинган конституцияга биноан давлат бошлиғи президент ҳисобланади. Айни вақтда президент министрлар Советини ҳам бошқаради. Миллий мажлис қонун чиқарувчи органдир.

*Сийсий партиялари.* «Янги дастур» — 1934 йилда ташкил топган бу партия ҳукуматда ва миллий мажлисда кўпчилилик овозга эга. Коммунистик партия — 1920 йилда Франция Коммунистик партиясининг территориал ташкилотларидан эди. 1934 йилдан бери мустақил партия ҳисобланади. Булардан ташқари бир неча оммавий ва касаба союз ташкилотлари бор.

## У Г А Н Д А

Уганда — Шарқий Африкада жойлашган мамлакат. Шимолда Судан, ғарбда Конго, шарқда Кения, жанубда Танганьика ва Руанда-Урунди билан чегарадош. Уганда Англия протекторати бўлиб, ўз-ўзини идора қиладиган территориядир.

Майдони 244 минг квадрат километр, аҳолиси 6 миллион 517 минг киши. Аҳоли турли қабила ва халқлардан ташкил топган. Булар ичида банту, басога ва итесо қабилалари сон жиҳатдан биринчи ўринда турадилар. Мамлакатда ҳиндлар, покистонликлар, араблар ҳам яшайди, шунингдек 11 мингга яқин европаликлар бор.

Маркази Энтеббе шаҳри (аҳолиси 8 минг киши).

*Табиий шароити.* Уганда атрофини қатор тизма тоғлар қоплаган. Жануби-ғарбий ва жанубий районлар жуда ҳосилдор қизил тупроқли ерлардан ташкил топган. Мамлакат иқлими юмшоқ. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турли-туман. Саванналарда фил, шер, жирафа, туяқуш, оҳу ва маймунларни учратиш мумкин.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Уганда территориясида ўрта асрларда тўртта феодал давлат бўлган. Булардан энг каттаси Уганда бўлиб, кучли ва марказлашган давлат эди. XIX асрнинг 70-йилларида бу ерга кириб келган католик миссионерлари аҳоли ўртасида миллий адоватни кучайтириб, бир қабилани иккинчисига қарши гиж-гижладилар. Ўзаро низо ва урушлар Уганда давлатини заифлаштириб юборди. Бу Англия мустамлакачиларига қўл келди. Улар Уганда феодалларини бир-бирига қарши қўйиб, аста-секин Шарқий Африкада бой ва стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ўрин тутган бу мамлакатда ўрнашиб олдилар. Мустамлакачилар мамлакатни «билвосита бошқариш» йўлини тутдилар, яъни маҳаллий ҳукмрон-

лар ва баъзи районларда сақланиб қолган маҳаллий маъмурлар қўли билан угандаликларни исканжада сақлашга интилдилар.



*Уганда бозори.*

Уганда халқи ҳеч қачон босқинчилар олдида тиз чўкмади, у зулм-истибдодга қарши курашиб келяпти. Халқ ҳаракатидан ваҳимага тушган Англия ҳукмронлари Угандага автоном ҳуқуқлар бериш билан халқни «тинчитмоқчи» бўлдилар. Анг-

лия губернатори қошида Министрлар совети тузилди. Протекторат миллий мажлис ва ижроня кенгаши ташкил этилиб, тўртта вилоятда маҳаллий ҳукумат тузилди. Мамлакатда конституция ҳам эълон қилинди. Лекин, бундай реформалар уганда халқига енгиллик бермади, ватанпарварлар тўлиқ мустақиллик учун курашни давом эттирдилар.

1945, 1949, 1953, 1955 йилларда кўтарилган халқ тўлқини империалистларни эсанкиратиб қўйди. 1960 йилнинг январь ойида халқ ялпи қўзғолон кўтарди. Қўзғолончилар билан полиция ва ҳарбий қисмлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлди. Мустамлакачилар ўт ва қилич билан қўзғолонни бостиришга ҳаракат қилдилар. Лекин халқ иродаси букилмади. 1962 йил 1 мартдан бошлаб Угандага ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқи берилди ва Бенедикто Кванука Уганданинг биринчи премьер-министри қилиб тайинланди. Уганда халқи тўлиқ мустақилликка эришиш учун курашмоқда.

*Хўжалиги.* Уганда қошоқ, аграр мамлакат. Аксарият аҳоли қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, асосан пахта, кофе, чой ва дон экинлари етиштирилади. Пахта, кофе ҳозирлашда Уганда Англия мустамлакалари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Техника экинлари экспорт қилинади. Шимолий районларда чорвачилик ривожланган. Угандада олтин, мис, рух, никель, кобальт ва фосфат сингари қазилма бойликлар запаси кўп. Лекин бу миллий бойликлардан угандаликлар маҳрум этилган. Мамлакатда йириқ саноат корхоналари деярли йўқ.

*Сийсий партиялари.* Уганда халқ конгресси — бу партия 1960 йил март ойида Миллий конгресс ва Уганда халқ иттифоқи партияларидан ташкил топди. Бундан ташқари бир неча сийсий партиялар ва қасаба союзи ташкилотлари бор.

## ФИЛ СУЯГИ ҚИРҒОҒИ

(Фил Суяги Қирғоғи Республикаси)

Фил Суяги Қирғоғи — Ғарбий Африкада бўлиб, Атлантик океани соҳилида жойлашган суверен давлат. У Мали, Юқори Вольта, Гана, Либерия ва Гвинея Республикаси билан чегарадор.

Майдони 322 минг квадрат километр, аҳолиси 3 миллион 100 минг киши. Мамлакатда турли тилда гаплашувчи ўнлаб қабиалар, шунингдек 17 мингдан ортиқ европаликлар яшайди.

Маркази Абиджан шаҳри (аҳолиси 200 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территориясининг катта қисми қумлоқ ерлардан, Либерияга чегарадош районлар эса тоғлардан иборат. Иқлими иссиқ, катта дарёлар оқади. Соҳилни тропик ўрмонлар қоплаган. Хўжаликни ривожлантириш учун табиий шароитлар катта имконият яратган.

*Қисқача тарихи.* Утган асрнинг 80 йилларида Фил Суяги Қирғоғи мустамлакачилик асоратига тушиб қолди. Франция мустамлакачилари уни таладилар, халқини эздилар. Фил Суяги Қирғоғида қимматбаҳо дарахтлар ўсадиган ўрмонлар ва олмос, олтин, марганец каби табиий ресурслар кўп. Лекин миллий бойлик унинг асл эгаси — халқники эмас, бойлик ва имкониятлари бўла туриб аҳоли очлик, қашшоқликда кун кечирарди. Бундай аҳвол жонига теккан халқ ўз мустақиллигини учун тинмай курашди. Франция империалистлари бир оз ён бериш билан аҳолини «рози» қилмоқчи бўлдилар. 1958 йилда мамлакат Қонун чиқарувчи мажлиси Фил Суяги Қирғоғини Республика деб эълон қилди.

1959 йил декабрь ойида конституция эълон қилинди. Бундай «марҳаматдан» норози бўлган халқ тўлиқ мустақиллик учун курашни давом эттирди. Ниҳоят Франция ҳукумати Фил Суяги Қирғоғининг мустақиллигини танишга мажбур бўлди. 1960 йил 7 августда Фил Суяги Қирғоғи Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди.

Лекин Фил Суяги Қирғоғи ҳануз «Келишув кенгаши»нинг аъзоси. Бу кенгашга кирган давлатлар дипломатик, иқтисодий, молиявий, маданий ва ҳарбий соҳаларда Франция билан яқиндан алоқада бўлишлари керак («Келишув кенгаши»га Дагомея, Юқори Вольта, Нигер ва Фил Суяги Қирғоғи давлатлари аъзо). Франция билан Фил Суяги Қирғоғи ўртасида мудофаа ҳақида битим ҳам имзоланган. Ҳозирги ҳукумат реакцион ички ва ташқи сиёсат юргизмоқда.

*Хўжалиги.* Фил Суяги Қирғоғи қолақ, аграр мамлакат. Аҳоли асосан деҳқончилик билан машғул. Қишлоқ хўжалигида экспорт қилинадиган экинлар — кофе, какао, банан ва пахта етиштирилади. Аксарият ҳосилдор ерлар экспортга кетадиган экинлар билан банд бўлганлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари асосан четдан сотиб олинади. Экономикада чет эл, айниқса Франция капиталининг таъсири зўр.

*Сиёсий партиялари.* Африка демократик бирлиги партияси ҳукмрон партия бўлиб, Франция империалистлари билан яқинлашиш тарафдоридир. Мамлакатда касаба союз ташкилотлари ҳам бор.

## ЧАД

(Чад Республикаси)

Чад — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. У Ливия, Марказий Африка Республикаси, Нигер, Камерун, Нигерия ва Судан билан чегарадош.

Майдони 1 миллион 284 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 600 минг киши. Аҳолиси асосан судан қабилалари ва бантулардан ташкил топган.

Маркази Форт-Лами шаҳри (аҳолиси 30 минг киши).

*Табиий шароити.* Сатҳи 300—500 метр баландликда жойлашган ялангликдан иборат. Шимолий ва жанубий районларда тоғлар қад кўтарган. Мамлакат иссиқ ва қуруқ иқлимга эга бўлиб, доимо иссиқ шамол эсиб туради. Ҳайвонот дунёсига жуда бой.

*Қисқача тарихи.* Чад территорияси стратегик жиҳатдан жуда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли Чадни эгаллаш учун Франция, Германия ва Англия мустамлакачилари ўртасида қаттиқ кураш кетди. Асримизнинг бошларида Франция империалистлари Чадни батамом босиб олишга муваффақ бўлдилар.

Империалистлар ҳукмронлиги даврида Чад халқи бор-йўғидан ажралди, муҳтожликда ва қашшоқликда кун кечирди. Франция ҳукмронлари чадликларни «рози» қилиш учун у ерда ҳам конституция эълон қилдилар. Қонун чиқарувчи орган ва ижроия ҳокимият туздилар. Бу органлар ҳуқуқи ғоят чекланган эди. Халқ Франция «марҳамати»нинг сирини билиб олди ва ўз озодлиги учун курашни давом эттирди. 1960 йил 11 август кунин Чад Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

Чад республикаси ҳукумати олдида мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, миллий экономикани, маданиятни ривожлантириш ва халқ тирикчилигини яхшилашдек оғир ҳамда масъулиятли вазифа кўндаланг турибди.

*Ҳужалиги.* Чад қолоқ, аграр мамлакат. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул. Қишлоқ хўжалигида асосан пахта етиштирилади (1958—1959 йилда 68 минг тонна пахта ҳосили олинган). Мамлакатда 5 миллионга яқин қорамол ва қарийб 5 миллион қўй ва эчки бор.

*Сийсий партиялари.* Чад тараққийпарвар партияси — ҳукмрон партия. Бундан ташқари бир неча партиялар ҳам мавжуд.



## ШИМОЛИЙ РОДЕЗИЯ

Шимолий Родезия — жанубий Африкада жойлашган Англия протекторатидир. У Ангола, Конго, Танганьика, Ньясаленд, Жанубий Родезия ва Бечуаналенд билан чегарадош.

Майдони 746 минг квадрат километр, аҳолиси 2 миллион 400 минг киши. Аҳоли асосан тонга, лози, бамба ва бошқа қабилалардан ташкил топган. Мамлакатда 66 мингга яқин европалик ҳам яшайди.

Маркази Лусака шаҳри (аҳолиси 60 минг киши).

*Табиий шароити.* Сатҳи унча баланд бўлмаган ясси тоғлар билан ўралган. Дарё воҳалари ясси тоғларни алоҳида-алоҳида платоларга бўлиб қўйган. Иқлими иссиқ, тоғли районлари салқин. Дарёлар кўп, водийларда ва кўллар яқинида кенг тропик ўрмонлар учрайди. Ҳайвонлардан фил, каркидон, жирафа, зебралар, шер, йўлбарслар, тимсоҳ ва оҳулар бор.

*Қисқача тарихи.* XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Шимолий Родезиянинг ғарбий қисмида Баротселенд давлати вужудга келган эди. 1891 йилда Англия бу давлатни ўзининг протекторатига айлантирди. Шимолий Родезиянинг қолган қисмини ва Жанубий Родезияни С. Родс асос солган Британия Жанубий Африка компанияси 1889—1890 йиллардаёқ эгаллаб олган эди. 1900 йилда Баротселенд шу компания ихтиёрига ўтди. 1924 йилда эса бутун Шимолий Родезия территорияси Англия мустамлакаси бўлиб қолди. 1953 йилда халқ норозиликка қарамай Шимолий Родезия Ньясаленд ва Родезия федерациясига зўрлаб бирлаштирилди.

Англия мустамлакачилари Шимолий Родезияни батамом босиб олгач, миллий бойликларни талашга, халқни эзишга киришдилар. Аввало серҳосил ерлар ва чорва моллари тортиб олинди. Ризқи-рўздан ажралган халқ плантацияларда, кон ва шахталарда ёлланиб ишлашга мажбур бўлди. Мамлакатда очлик ва қашшоқлик ҳукм сурди. Аҳоли медицина хизмати ва илм-маърифатдан деярли маҳрум. Бир африкалик болани ўқитиш учун европалик болага нисбатан 40 марта кам маблағ сарфланади. Бунинг устига федерацияда ҳукмронлик қилаётган Жанубий Родезия ирқчилари Шимолий Родезия халқини одам ўрнида кўрмайдилар, ирқий камситадилар. Маҳаллий африкаликлар давлатни идора қилишдан амалда четлатилганлар. Мамлакат тақдири инглиз генерал-губернатори қўлида. Мамлакатдаги қонун чиқарувчи кенгашда африкаликлар кам. Кенгаш бирор муҳим масалани генерал-губернаторсиз ҳал қилолмайди.

Мустамлакачиларнинг фикри-зикри Родезиядан кўпроқ бойлик орттиришдир. Мамлакат табиий ресурсларга бой. Мис қазиб чиқаришда дунёда Америкадан кейин иккинчи ўринда туради. 1959 йилда 540 минг тонна мис қазиб чиқарилди. Англия-Америка компаниялари 1949—1956 йиллардагина 4 мис конидан 1551,6 миллион доллар фойда кўрдилар. Бошқа компаниялар 1960 йилда Родезия конларидан 25,1 миллион фунт стерлинг соф даромад қилдилар.

Шимолий Родезияда миллий-озодлик кураши айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда кучайди. Шимолий родезияликлар федерацияни тарқатишни, ҳақиқий мустақиллик беришни талаб қилмоқдалар.

Мамлакатда, умуман Африкада вазиятнинг кескинлашиб кетишидан ваҳимага тушган Англия ҳукмронлари Шимолий Родезия масаласини муҳокама қилишга «кўндилар». 1961 йил февралда Лондонда Шимолий Родезиянинг янги конституцияси проектини муҳокама қилишга бағишланган конференция чақирилди. Африка делегатлари — Африка миллий конгресси, Бирлашган партия вакиллари конференцияда умумий сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилишини, қонун чиқарувчи ва ижроия кенгашда африкаликлар сонини кўпайтиришни ва федерацияни тарқатиб юборишни талаб қилдилар. Англия вакиллари арзимаган ислохотлар ўтказишни таклиф қилдилар. Чунончи, Англия таклифи қонун чиқарувчи органга фақат 15, ижроия кенгашга эса 2 африкаликнигина сайлашни кўзда тутди. Табиий, бунга Шимолий родезияликлар кўнмайдилар. Оқибатда Лондон конференцияси барбод бўлди. Конференцияни бойкот қилган Жанубий Родезия ирқчилари Шимолий Родезияда таъқиб, террорни янада кучайтирдилар. Бироқ империалистлар қанча уриинмасинлар, энди Родезия халқининг озодлик ҳаракатини тўхташи қийин гап.

*Хўжалиги.* Тоғ саноати экономиканинг муҳим тармоғидир. Тайёрланган минерал хом ашё четга экспорт қилинади. Ер бағрида мис, марганец рудаси, рух, қўрғошин, кобальт, вольфрам, хром, радий, олтин ва олмос қазилмалари кўп. Тоғ саноатида чет эл капитали хўжайин. Қишлоқ хўжалиги жуда орқада. Экин майдонининг учдан икки қисми европаликлар қўлида. Қишлоқ хўжалигида маккажўхори, тарих, лўвия, ерэнгоғи, буғдой ва тамаки етштирилади.

## ЭФИОПИЯ

Эфиопия — Шарқий Африкада жойлашган давлат. Ғарбда Судан, жанубда Кения, жануби-шарқда Сомали, шарқда Франция Сомалиси билан чегарадош. Шимол ва шимоли-шарқий қисми Қизил денгизга туташ.

Майдони 1 миллион 200 минг квадрат километр. Аҳолиси 20 миллион кишига яқин. Аҳоли асосан амхар ва тигран халқларидан ташкил топиб, уларнинг кўпчилиги христианлардир. Давлат тили амхар тили ҳисобланади.

Пойтахти Аддис-Абеба шаҳри (аҳолиси 410 минг киши).

*Табиий шароити.* Эфиопия асосан тоғли мамлакат. Рельефи жиҳатидан Эфиопияни уч қисмга: Эфиопия ясси тоғлари, Сомали платоси ва Данакиль саҳросига бўлиш мумкин. Мамлакатнинг учдан икки қисмини эгаллаган Эфиопия ясси тоғлари Эфиопиянинг ғарбида жойлашган. Ясси тоғ этакларидаги ерлар серҳосил. Мамлакатнинг ўндан бир қисмини ўрмонзорлар эгаллайди. Иқлими иссиқ, баъзи районларда эса муътадил. Йил бўйи шамол ёзда қирғоққа томон, қишда денгизга томон эсиб туради. Эфиопияда дарё ва кўллар кўп. Шунингдек у ўсимлик, айниқса ҳайвонот дунёсига жуда бой. Эфиопия мамлакати дунёдаги кўпчилик ҳайвонот боғларини турли ажойиб ҳайвонлар билан таъминлаб туради.

*Қисқача тарихи.* Археологик қазилмаларда топилган ёдгорликлар Эфиопиянинг қадимий бой маданиятидан далолат беради. Эфиопия халқи бундан икки минг йил илгари ўз ёзувини, ўзига хос маданият ва санъатини яратган. XIII асрга келиб кучли қулдорлик давлати ўрнида Эфиопия давлати вужудга келади.

Эфиопия халқи узоқ йиллар мамлакат мустақиллигига таҳдид қилган чет эл босқинчиларга қарши курашди. Турклар ва португалияликлар Эфиопияга тажовуз қилдилар. 1867—1868 йилларда Англия, 1895 йилда эса Италия Эфиопияни босиб олишга уринди. Лекин, Эфиопия халқи босқинчиларга қарши курашиб, ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши Эфиопия халқига кўп кулфатларни келтирди. 1935 йилда тиш-тирноғигача қуролланган 600 минг кишилик итальян армияси Эфиопияга қарши ташланди. Босқинчилар шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совуриб, неча ўн минглаб ватанпарварларнинг ёстиғини қуритдилар. Расмий маълумотларга кўра, фронтда ва қийноқ лагерларида 760 минг киши ҳалок бўлган, ярим миллионга яқин уй-жой бинолари яқсон қилинган. Оккупантлар мамлакатдан 13,5 миллион бош молни олиб кетдилар. Умуман, фашистлар мамлакатга 132,5 миллион фунт стерлинг миқдори-

да моддий зарар етказдилар. Аммо, душман қанчалик кучли бўлмасин эрксевар Эфиоп халқи унга бош эгмади.

Мамлакатда партизанлар ҳаракати кучайиб, фашистларга қарши кураш бошланди. Ватанпарварлар кўп шаҳар ва қишлоқларни озод қилдилар, 1949 йилда инглиз қўшинларининг ёрдамида Эфиопия партизанлари фашист босқинчиларни мамлакатдан қувиб чиқардилар. Англия ҳукмронлари мамлакатнинг оғир аҳволдан фойдаланиб экономика ва сиёсат устидан назорат ўрнатишга уриндилар. Лекин, инглизларнинг бу қора ниятлари амалга ошмади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ, Эфиопия ва Италиянинг солиқ мустамлакаси Эритрея ягона федератив давлатга бирлашдилар. 1954 йилда Англия ўз қўшинларини Эфиопиядан олиб чиқиб кетди.

Мамлакат италиян босқинчиларидан халос бўлгач, уруш оқибатларини тугатиш ва халқ хўжалигини тиклашга киришди. Хайле Селассие ҳукумати бир қатор сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. 1955 йилда янги конституция қабул қилиниб, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тadbирлари кўрилди. 1956 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1957—1961 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик плани тасдиқланди. План хўжаликнинг барча тармоқларини, айниқса транспорт ва энергетикани ривожлантиришни кўзда тутди.

Эфиопия ҳукумати ўз ташқи сиёсатида Бандунг принципларига амал қилмоқда. У коллектив хавфсизлик учун социал-иқтисодий тузуми турлича бўлган барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга интилмоқда.

Эфиопия ҳукумати халқаро проблемаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этишни, ёппасига ва бутунлай қуролсизланишни ҳамда мустамлакачиликни тугатишни талаб қилмоқда.



*Аддис-Абеба шаҳарида Италия мустамлакачилигидан оқиб булиш шарофига қўйилган ёдгорлик.*

*Хужалиги.* Эфиопия қолоқ, аграр мамлакат. Унинг 90 процент аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд. Экспортнинг 98 процентини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Экин майдонлари асосан давлат, помещиклар ва черков қўлида. Қишлоқ хўжалигида бугдой, арпа ва маккажўхори каби дон экинлари, пахта, шакар қамиш ва кофе сингари техника экинлари етиштирилади. Эфиопияни кофенинг ватани дейдилар. Кофе экономикада катта ўрин тутиб, экспортдан келадиган даромаднинг 50 процентини қоплайди. Чорвачиликдан ҳам катта даромад олинади. Ҳозир мамлакатда тахминан 23 миллион бош қорамол, 40 миллиондан ортиқ қўй ва эчки бор. Мамлакат саноати кам ривожланган. Йирик корхоналар деярли йўқ. Майда ҳунармандчилик анча тараққий этган. Ер бағрида олтин, уран, вольфрам, олтингургурт, слюда, темир рудаси, марганец ва рух каби фойдали қазилмалар бор. Тоғ саноати ва умуман саноатнинг бошқа тармоқларида чет эл капитали, айниқса америка капитали салмоқли ўрин тутади.

*Давлат тузуми.* Давлат тузуми жиҳатидан Эфиопия конституцион-монархияли давлат. Император давлат бош-



*Отлиқ қабила аскари.*



*Император оиласининг тантанали чиқиши.*

лигидир. Император бош министр ва мншистрларни тайинлайди ва ишдан олади. Унинг ҳузурида маслаҳат органлари — империя салтанат кенгаши ва империя феодал кенгаши бор. Қонун қабул қилиш ва уни бекор қилишда ҳам император ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бинобарин, хокимият асосан император қўлида. Конституцияга мувофиқ севат ва депутатлар палатасидан иборат булган парламент қонун чиқариш, бюджетни ва халқаро шартномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Эфиопия билан бирлашган Эритреянинг ҳам ўз конституцияси, ассамблея ва ҳукумати бор. Улар маҳаллий масалаларни ҳал қиладилар.

*Сиёсий партиялари.* Эфиопияда сиёсий партиялар йўқ деса бўлади. Фақат миллий ватанпарварлик ассоциацияси, христиан ёшлар ташкилоти, Эфиопия ўқитувчилар ассоциацияси сингари оммавий ташкилотлар ва темир йўлчилар кассаба союзи бор.

## ЮҚОРИ ВОЛЬТА

Юқори Вольта — Ғарбий Африкада жойлашган суверен давлат. У Мали, Нигер, Дагомея, Того, Гана ва Фил Суяги Қирғоғи давлатлари билан чегарадош.

Майдони 374 минг квадрат километр, аҳолиси 3 миллион 473 минг киши. Халқи асосан гурунзи, мосси ва фульбе қабилаларидан ташкил топган. Мамлакатда бошқа миллат вакиллари, шунингдек европаликлар ҳам яшайдилар.

Маркази Вагадугу шаҳри (аҳолиси 38 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатда ҳосилдор воҳалар, сувга тўла дарёлар бор. Иқлими иссиқ. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой.

*Қисқача тарихи.* Юқори Вольта халқи узоқ вақтлар мустамлакачилик асоратида азоб тортиди. Мамлакатни эгаллаган француз мустамлакачилари халқ соғлиғи, тирикчилигини ўйламасдан, аксинча, уларни қашшоқликда ва жаҳолатда сақладилар. Шунинг учун ҳам 94 процент аҳоли саводсиз бўлиб қолди. Мамлакатда 77 минг кишига бир врач тўғри келганлиги сабабли ҳар хил касалликлар кўп.

Халқ ғазабидан чўчиган француз империалистлари Юқори Вольтага номигагина автоном ҳуқуқлар бериб, 1959 йилда конституция эълон қилишга мажбур бўлдилар. Лекин, бу конституцияга мувофиқ қонун чиқарувчи ва ижроия органлар ҳуқуқи чегараланиб қўйилди. Шунингдек, республика президенти ва Министрлар Советининг раиси муҳим масалаларни ўзича ҳал қилолмас эди. 1959 йилда Юқори Вольта «Келишув кенгаши»га аъзо қилинди. «Келишув кенгаши» собиқ Франция мустамлакаларини Франция билан ҳамкорлик асосида бирлаштиришни кўзда тутди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда Юқори Вольтада зўрайиб кетган халқ ҳаракати Франция ҳукмронларини ўйлантириб қўйди. Улар Юқори Вольта мустақиллигини танишга мажбур бўлдилар ва у мустақил республика деб эълон қилинди.

Бироқ, Франция ҳукмронлари ёш республикани йўлдан уришга, мамлакатда ўз мавқеларини сақлаб қолишга қаттиқ уринмоқдалар. Эндиликда тўлиқ мустақилликка эришиш, айниқса



*Негр қизи (юқори Вольта).*

иқтисодий мустақилликка эришиш янги миллий ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатига боғлиқ.

*Хужалиги.* Юқори Вольта Африкадаги бошқа мамлакатлар сингари аграр, қолоқ мамлакат. Аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик, қисман деҳқончилик. Мамлакатда 2 миллион бошга яқин қорамол, 2,5 миллион бош қўй ва эчки бор. Қишлоқ хўжалигида ерёнғоқ, гуруч, пахта, тарих ва бошқа дон экинлари экилади. Шунга қарамай, озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтирилади. Саноат деярли йўқ даражада.

*Сиёсий партиялари.* Вольта Демократик Иттифоқи—ҳукмрон партия. Бундан ташқари бир неча партия ва касаба союз ташкилотлари бор.







Anepuka





**А**

мерика қитъаси — Ғарбий ярим шардаги қуруқлик бўлиб, Тинч ва Атлантик океанлари ўртасида жойлашгандир. У, Панама бўйни орқали бир-бирига туташган икки қитъадан — Шимолий ва Жанубий Америкадан ташкил топган. Америка қитъаси сиёсий жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. Шимолий Америка — АҚШ, Канада, Мексика, Аляска, Гренландия, Сен-Пьер ва Микелондан иборат.

2. Жанубий Америка — Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Парагвай, Перу, Чили, Уругвай, Эквадор, Британия Гвианаси, Нидерландия Гвианаси, Франция Гвианаси ва Фолкленд оролларида иборат.

3. Марказий Америка — Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа, Панама, Сальвадор, Панама канали зонаси, Британия Гондурасидан иборат.

4. Вест-Индия — Гаити, Доминикана ва Куба Республикаларидан иборат.

5. Мустанлака территориялар — Ямайка, Тринидад, Багам ороллари, Барбадос ва бошқа ороллар (Буюк Британияга қарашли), Кюрасао (Нидерландияга қарашли), Пуэрто-Рико ва Виргин ороллари (АҚШга қарашли) ҳамда Мартиника, Гваделупа (Францияга қарашли) ороллардан иборат.

Америка қитъасининг умумий майдони 41,985 миллион квадрат километр. Аҳолиси 396 миллион киши.

Капитализмнинг асосий мамлакати ҳисобланган Америка Қўшма Штатлари урушдан кейинги даврда тўртта кризисни ўз бошидан кечирди. Шуниси диққатга сазоворки, кризислар орасидаги «нафас ростлаш» даври тобора қисқариб бормоқда. Масала, биринчи (1948—1949 йиллар) ва иккинчи (1953—1954 йиллар) кризислар ўртасидаги «нафас ростлаш» даври 4 йилга борган бўлса, иккинчи билан учинчи кризислар (1957—1958) ўртасидаги давр 3 йилни ташкил қилди. Экономикадаги жонланиш учинчи кризисдан сўнг орадан 2 йил ўтгач тўхтаб қолди.

Бундай кризислар тобора кучайиб бормоқда ва экономиканинг зарбага учраш доираси кенгаймоқда.

Бутун капиталистик олам учун характерли бўлган АҚШ экономикасидаги бу аҳволни на ҳукмрон доиралар ва на капитализм идеологлари инкор қила олади. Бу ерда гап, экономикадаги активликнинг пасайиши қай даражагача бориши ва у қачонгача давом этиши хусусида бораётир.

Ҳозирги замон жаҳон капиталистик системаси инқирозга кетиш ва чириш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Саноат корхоналарининг иш билан тўла банд бўлмаслигининг ўсиб бориши ва саноатнинг тез суръатларда ривожланиб бора олмаслиги капиталистик экономиканинг чириб бораётганлигидан дарак бермоқда.

1961 йилда АҚШ да ҳарбий харажатларнинг жуда ҳам ўсиб кетганлигига қарамай, саноатдаги жами ишлаб чиқариш қувватининг бешдан бир қисмидан кўпроғи иш билан тўла банд бўлмади, баъзи тармоқларда эса бу миқдор яна ҳам кўпроқни ташкил этди. 1961 йил бошида АҚШ да 5,5 миллиондан кўпроқ ишсиз бўлган.

Ишсизлар сонининг жуда ўсиб кетиши таъсирида аҳоли харид қувватининг пасайиши ва экономикадаги капитал сарфларининг қисқариши АҚШ иқтисодий аҳволининг яқин вақтлар ичида яхшиланиб кетиш истиқболига эга эмаслигидан дарак беради.

Ҳозирги замон империализми хусусий монополистик характердаги илк империализм системасидан фарқ қилиб, давлат монополистик капитализми формасига эгадир.

АҚШда давлат харидлари ҳиссаси ялпи миллий даромаднинг 20,4 процентини ташкил қилади. Монополиялар давлат аппаратида тобора кўпроқ кириб бормоқда.

Ҳозирги вақтда АҚШнинг ишлама саноатида 325 корпорация (акционер жамият) лар бўлиб, мамлакатдаги жами саноат ишчиларининг 50 проценти ва саноат компаниялари-

даги ҳамма активларнинг 59 проценти 50 та энг йирик корпорациялар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса монополияларнинг иқтисодий ҳукмронлигини кўрсатади. АҚШда ҳукмронлик қилаётган саккизта энг йирик молиявий группалар банк капитали билан молия капиталининг бирга қўшилганлиги ва шу асосда молия капиталининг бирга қўшилгандан гувоҳлик беради. Банк ва саноат монополиялари раҳбарларининг шахсий униялари ҳам кучайди. Масалан, АҚШда 400 га яқин саноатчи ва банкир бутун капиталнинг бешдан икки қисмига эгаллик қиладиган 250 энг йирик корпорациялардаги директорлик лавозимларининг учдан бир қисмини эгаллаган.

Урушдан кейинги даврда империалистик монополиялар ва биринчи галда АҚШ монополиялари «ёрдам» ниқоби остида четга капитал чиқариш воситаси билан бошқа мамлакат халқларини эксплуатация қилишни кучайтириб юборди. АҚШнинг урушдан кейин (1945—1960 йиллар) чет давлатларга берган умумий «ёрдам»и 78,5 миллиард долларни ташкил этди. Шунини айтиш керакки, бунчалик катта сумманинг 68 проценти ҳарбий «ёрдам» бўлиб, қолган 32 проценти эса иқтисодий «ёрдам» дир. АҚШ 1959—1960 молия йилида ҳарбий «ёрдам» учун 1,5 миллиард доллар маблағ ажратган бўлса, амалда бу миқдор 2 миллиард доллардан ҳам ошиб кетди.


Империалистик давлатлар ўртасида бозор учун рақобат курашлари кескинлашиб, ўзаро келишмовчиликлар чуқурлашиб кетди. Империалистик давлатлар монополиялари, жумладан АҚШ билан ГФР монополиялари ўртасидаги кураш саноат товарлари савдосида айниқса кескин тусга кирди. Бундай курашлар оқибатида, ютуқ одатда, ГФР томонида бўлмоқда. Ғарбий Германия монополиялари экспансияси Америка ва Англия монополияларининггина эмас, балки, Япония, Италия ва Франция монополияларининг ҳам тобора ўсиб бораётган қаршилигига дуч келмоқда. Империалистлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликлар илгаридек, ҳозир ҳам империалистик урушларнинг келиб чиқиш хавфини туғдиради. Лекин, социалистик дукёнинг мавжудлиги ва унинг куч-қудрати империалистларнинг шармандали ҳаракатларини тўхтатишга мажбур қилиб турибди.

Халқаро майдонда социализм кучларининг капитализм кучларидан устун эканлиги тобора равшанроқ намоён бўлмоқда.

Миллий-озодлик ҳаракати зарбалари остида мустамлакачилик системаси қуламоқда ва натижада империализм ҳукмронлигининг территориал кўлами торайиб бормоқда.

1919 йилдаги сиёсий картаси билан ҳозирги сиёсий картасини таққослаб кўра

	1919 йилда				1961 йилда		
	майdonи		аҳолиси		майdonи		млн. к. ҳисобид
	млн. кв. км.	% ҳисобид	млн. киши ҳисобид	% ҳисобид	млн. кв. км.	% ҳисобид	
дунё . . . . .	135,4	100	1777	100	135,4	100	3017
жумладан:							
иқтисодий дунё . . . . .	21,7	16,0	138,0	7,8	35,1	25,9	1072
иқтисодий бўлмаган дунё . . . . .	113,7	84,0	1639	92,2	100,3	74,1	1945
империалистик давлатлар (Ш, Англия, Германия, Франция, Япония, ва уларнинг муштамлакалари) . . . . .	60,3	44,5	855	48,1	18,6	18,7	541
муштамлакалар, ярим муштамлака ва доминионлар . . . . .	104,5	77,2	1230	69,2	14,2	10,5	85
1919 йилдан кейин муштақиллашган собиқ муштамлакалар, ярим муштамлакалар (социалистик давлатлардан ташқари) . . . . .	—	—	—	—	72,2	53,4	1228



Шимолий Американинг снсий картаси.

Социалистик ва капиталистик системаларнинг иқтисодий мусобақасидан иборат ўзаро тинч-тотув яшашлик ҳозирда социалистик система ғалабасининг муҳим шартидир. Бу ҳу-суда саноат маҳсулотининг 1954—1960 йиллар мобайнида-ги ўртача бир йиллик ўсиш суръати далил бўла олади: чу-нончи, шу вақт ичида бундай ўсиш СССР да 11,1 процентни, АҚШ да эса 2,4 процентни ташкил этди.

Америкадаги тарихий жараён шуни яна бир марта тақо-зо қилмоқдаки, капитализмнинг ўрнини социализм ва ком-мунизм эгаллаши муқаррардир.

**Латин Америкаси** — Марказий Америка, Вест-Индия, Жанубий Америка ва мустамлакалар территориясини иш-ғол қилиб, 21 миллион квадрат километр майдонга эгадир. Аҳолиси 200 миллион киши.

Латин Америкасининг 18 мамлакатада испан тили дав-лат тили сифатида ишлатилади. Бразилияда португал ва Гаитида француз тили давлат тилидир. Бу ердаги тиллар латин тили асосида ривожланганлиги сабабли мамлакат-лар «Латин Америкаси» номини олган.

Латин Америкаси юз йиллар давомида дастлаб Испания ва Португалиянинг, сўнгра эса Франция ва Англиянинг мус-тамлака доираси бўлиб келди. Кейинчалик АҚШ панамерика-низм ва Монро доктрина<sup>1</sup>си байроғи остида Латин Америка-сининг иқтисодий ривожланишини ўз манфаатларига тобе қилиб қўйди.

Латин Америкаси — табиий бойликлар хазинаси. У ерос-ти бойлиги — нефть, темир рудаси, мис, қалайи, олтин, қумуш, рух, қўрғошин ва бошқа қарийб ҳамма фойдали қазилмалар-га эга. Бу ерда жуда бой ўрмон турлари бор. Экиладиган сер-ҳосил ерлар бошқа қитъалардагига қараганда кўпроқдир. Шунга қарамай, аҳоли муҳтожликда ва очликда яшайди. Ай-ни вақтда, мустамлакачилар жуда катта фойда кўрмоқдалар. Айниқса, бу ерда АҚШнинг империалистик экспансия зулми кучаймоқда.

Латин Америкасидаги бутун чет эл капитал сарфларининг 80 процентдан кўпроғи ва ташқи савдо оборотининг 50 про-центи АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

<sup>1</sup> АҚШ президенти Ж. Монронинг 1823 йил 2 декабрь конгрессга юбор-ган мактубининг 7-48 ва 49-параграфларида баён этилган Америка ташқи сиёсати принциплари Монро доктринаси деб юритилади. Бу докт-ринада: «Америка қитъалари ўзлари эришган ва сақлаб келаётган эркин ва алоҳидалик ҳолатларига кўра, бундан буён ҳар қандай Европа дав-латининг мустамлака қилиш объекти сифатида қаралмаслиги керак дейилган.



АҚШ импортидаги сурманинг 97 проценти, миснинг 70 проценти, қўрғошиннинг 52 проценти, рухнинг 62 проценти, темир рудасининг 47 проценти ва нефтнинг 83 проценти Латин Америкасидан келади. Шу билан бирга, бутун импортнинг 30 процентдан кўпроғи шу ердаги америка компанияларининг филиаллари ҳиссасига тушади.

АҚШ Латин Америкаси мамлакатларини ўзининг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигига бўйсундирган. 1889 йилда тузилган панамерика иттифоқи (1948 йилда Америка давлатлари ташкилоти қилиб қайта тузилган) ана шу мақсадга хизмат қилади. Панамерика иттифоқи ва Америка давлатлари ташкилоти доимо АҚШнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий позицияларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилиб келди.

АҚШ Латин Америкасида ўзининг монополистик капитали ҳукмронлигини абадийлаштиришга интилоқда.

АҚШнинг ана шу мустамлакачилик сиёсати натижасида Латин Америкаси мамлакатларининг экономикаси бир ёқлама ривожланиш характерига эга бўлиб қолган. «Бир хил» экин экиш ёки «бир хилдаги» маҳсулот етиштириш ана шундай ҳоллардандир. Венесуэлада нефть, Бразилияда кофе, Чилида мис, Боливияда қалайи, Аргентинада гўшт ва бошқа кўпчилик мамлакатларда етиштириладиган мевалар «бир хил» маҳсулотлардир. Шу сабабли, Латин Америкаси мамлакатлари сиёсий мустақиллик билан бирга иқтисодий мустақилликни ҳам қўлга киритганларидагина чинакам миллий суверенитетга эришган бўладилар.

Экономикадаги қолоқликни тугатишнинг ва иқтисодий мустақилликка эришишнинг зарурий шarti — аграр ислохотлар ўтказишдан иборатдир. Чунки, деҳқончилик ва ердан фойдаланишдаги феодал усулларининг кучли қолдиқларига эга бўлган йирик ер эгалиги (латифундиялар) қишлоқ хўжаликдаги қолоқликнинг асосий сабаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги вақтда аграр ислохот Латин Америкасида етилган проблема бўлиб турибди. Бу эса латифундияларни чеклаб қўйиш эмас, балки уларни батамом тугатиш демакдир.

Индустриалаштириш экономикадаги қолоқликни тугатишда ва иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларда боришини таъминлашда энг асосий восита ҳисобланади. Латин Америкасининг кейинги 20 йил ичидаги саноат ривожланиши иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган бошқа мамлакатларга қараганда анча жадал суръатларда борди. Латин Америкасининг иккинчи жаҳон уруши йилларида Европа бозорларидан четда турганлиги, ўша вақтларда бу ерда чет эл рақобатларининг йўқлиги ва экспорт қилинадиган хом ашёларга нисбатан қўйилган юқори нархлар унинг миллий саноатининг ривож-

ланишига ёрдам берган омиллар ҳисобланди. Бундан ташқари, чет эл капитали сарфларига анча имкониятлар берилди. Бироқ, экономиканинг ривожланишидаги янги тенденциялар ва иқтисодий қолоқликни ва америка капиталининг томир ёйиши натижасида вужудга келган ҳалокатли оқибатларни йўқота олмади. Аксинча, муҳим саноат тармоқлари устидан империалистик контроль кучайди, холос.

Экономиканинг ривожланиш даражаси Латин Америкаси синфий структурасининг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилади. Бу ерда синфий кураш тажрибаси орттирган пролетариат ва нисбатан кучли бўлган маҳаллий буржуазия ташкил топди. Урта ва майда капиталистлардан иборат бўлган бу миллий буржуазия мустақил иқтисодий ривожланиш ва миллий саноатни вужудга келтириш учун курашди, чунки унинг иқтисодий манфаатлари чет эл монополиялари томонидан камситилар эди. Таъсирчан йирик буржуазия эса кўпинча империалистлар билан тил бириктиришга мойил бўлиб келди. Латин Америкасида миллий-озодлик курашининг муҳим таянчи ҳисобланган деҳқонлар оммаси аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Уларнинг ҳаммаси икки ёқлама эксплуатациядан — феодализм қолдиқлари ва америка монополиялари асоратидан азоб тортадилар.

Кейинги вақтларда мустақиллик ва демократия учун кураш олиб бораётган ватанпарвар кучларни бирлаштириш йўлида бошланган ҳаракат тобора кенг ёйилмоқда. Латин Америкасидаги кўпчилик мамлакатлар миллий фронтни барпо қилиш тажрибасига ҳозирча эга эмаслар. Ишчилар синфи миллий-озодлик ҳаракатида ҳали, умуман тегемонлик даражасига чиқиб олмаган бўлса-да, лекин ўз мамлакатлари халқларининг тақдирини белгилашда тобора кўпроқ ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Озодлик кураши борган сари оммавий тусга кириб, тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда.

Латин Америкаси мамлакатларининг халқлари америка империализмига қарши ва миллий мустақиллик учун муросаз кураш олиб бормоқда. Бундай курашлар ҳар хил форма-ларда рўй бермоқда. Масалан, 1937, 1958 ва 1959 йилларда Гватемалада АҚШ монополияларига қарашли темир йўлларни ажратиб олишни талаб қилиб чиққан темир йўлчилар забастовкаси ва Коста-Рикада банан плантациялари ишчи ва хизматчиларининг америка монополияларини мамлакатдан чиқариб юборилишини талаб қилган забастовкалари ана шу жумлага киради.

Латин Америкаси мамлакатлари ҳукмрон донраларининг индустриаллаштиришга интилишларини — миллий мустақиллик учун бораётган курашнинг яна бир бошқа формаси деб ҳи-

соблаш лозим. Бу соҳада мамлакатнинг озиқ-овқат ва бошқа буюмларга бўлган ички эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида мавжуд корхоналар кенгайтирилмоқда ва янгилари барпо қилинмоқда. Ҳозирча ўша хилдаги товарлар АҚШ дан келтирилади. Шундай қилиб, экономикани ривожлантиришга интилиш — чет эл капитали қарамлигидан қутулиш йўлидаги ҳаракат демакдир.

Латин Америкаси мамлакатларидаги озодлик ҳаракати демократик характерга эгадир. У, империализмга қарши, аграр революцияни амалга оширишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси қилиб қўяди.

Кубада ғалаба қозонган 1959 йилги халқ революцияси Латин Америкаси мамлакатларидаги прогрессив кучларнинг жипслашишига жуда зўр таъсир кўрсатди. Куба ишчилар синфи билан деҳқонлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган иттифоқ империализмга қарши курашда халқ оммасининг жипслиги вазифаларини ҳал қилишнинг асосидир. Касаба союзлар ҳам мамлакатда жуда катта роль ўйнамоқда.


Куба революцияси бошланиши биланоқ, Латин Америкаси мамлакатларидаги сиёсий кучлар ичида нифоқ пайдо бўлиб, бир-бирига қарама-қарши икки куч — Куба революциясига тарафдор ва унга қарши бўлган кучлар намоён бўлди. Кубага бўлган муносабат Латин Америкасидаги ҳар бир мамлакатда ички ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун америка монополиялари зулмидан озод бўлиш ва демократик тузум учун олиб борилаётган курашга маҳкам чирмашиб кетди.

Латин Америкаси мамлакатларининг ишчилар синфи ва унинг партияси, касаба союзлари Куба революцияси ғалабасининг биринчи кунларидан бошлаб ўз халқларининг Куба билан бирдамлик ҳаракатига бошчилик қилдилар.

Латифундлар ва компрадор буржуазия<sup>1</sup> манфаатларини ифодаловчи ҳукуматлар эса (Гватемала, Никарагуа, Доминикан республикаси ва бошқа баъзи мамлакатлар ҳукуматлари) Кубага душман бўлган позицияга ўтди. Латифунд-компрадорлар доираси катта нуфузга эга бўлган Перу давлати ҳам ана шу томонга ўтган. АҚШ Кубалик контрреволюцион бандаларни тайёрлаш ва қуроллантиришга тўрт миллион доллар ажратди.

Бразилия ва Мексиканинг прогрессив доиралари ҳамда бошқа Латин Америкаси мамлакатлари Кубага нисбатан яхши муносабат юргизмоқдалар.

<sup>1</sup> Компрадор буржуазия — империалистик давлатларнинг монополиялари билан яқин алоқада бўлган маҳаллий буржуазия бошлиқлари бўлиб, феодал ва антифеодал элементлар билан бир қаторда империализмнинг ижтимоий таянчи ҳисобланадилар.




Жанубини Американинг сиёсий картаси.

1961 йил январда Гавана шаҳрида ўтказилган Куба революциясининг икки йиллик байрам тантанасида қатнашган Латин Америкаси мамлакатларининг вакиллари яқдиллик билан биринчи Гавана декларациясини қабул қилиб, «Куба революцияси Латин Америкаси мамлакатларининг ишчилари, деҳқонлари ва умуман ҳамма халқларининг ҳурматиغا ва маҳкам қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмоқда» деган фикрни изҳор қилдилар.

1962 йил январда Пунта-дель-эсте шаҳрида (Уругвай) Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Америка ноғорасига ўйнаётган баъзи Латин Америкаси мамлакатлари бу конференцияда Кубани қоралаб чиқдилар. Бразилия, Мексика, Аргентина, Боливия, Эквадор ва Чили мамлакатлари эса Кубани ёқлаб чиқдилар. Америка Давлат Департаменти тазйиқи билан конференция Кубани Америка давлатлари ташкилотидан чиқаришга қарор қилди.

Америка империалистларининг янги фитналарига жавобан 1962 йил 4 февралда Куба халқи Иккинчи Гавана Декларациясини қабул қилди. Декларация империализмни кескин қоралаб, Куба халқи бир томчи қони қолгунча Социализм, Тинчлик ва Демократия учун курашади деб эълон қилди.

Яқдиллик билан қабул қилинган бу иккинчи Гавана декларацияси АҚШ империалистларининг Латин Америкаси халқларининг суверенитетига қарши тўхтовсиз суиқасдлар қилаётганлигини қаҳр-ғазаб билан қоралаб, бу халқларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришиши, америка империализмига қарши ҳамма миллий кучларни бирлаштириш йўлидаги букилмас иродасини бутун дунёга маълум қилди.



## АЛЯСКА

**А**ляска — Шимолий Американинг шимоли-ғарбидаги ярим орол ва атрофдаги оролларга жойлашган территория бўлиб, АҚШ нинг 49-штатидир. Шимол томонда уни Шимолий Муз океани, ғарбда Беринг денгизи ва Беринг бўғози ўраб туради. Шарқда эса Канада билан чегарадошдир.

Майдони 1519 минг квадрат километр. Аҳолиси 212 минг киши. Индеец ва эскимослар Алясканинг туб халқи ҳисобланиб, бу ерда европалик муҳожирлар ҳам яшайди.

Маркази Жуно шаҳри (аҳолиси 7 минг киши).

*Табиий шароити.* Алясканинг қирғоқлари жуда эгри-бугри-дир. Аляска ярим ороли денгизнинг жуда ичкарасига кириб, жануби-ғарбдаги Алеут ороллари ҳам унинг давоми ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг қирғоқларида бир қанча майда оролчалар ва ороллар группаси жойлашган. Шарқдан ғарбга томон оқадиган Юкон дарёси Аляскани турли рельефга эга бўлган икки қисмга бўлади. Жанубий қисмини юксақ тоғлар ишғол қилган бўлиб, шимолий қисми унча баланд бўлмаган тепаликлар ва баъзан текисликлардан иборат. Мамлакатнинг ички районлари кескин континентал (қуруқ), соҳил бўйи ерлари денгиз иқлимга, жануби муътадил ва шимол томонлари совуқ иқлимга эгадир.

*Қисқача тарихи.* XVIII аср ўрталарида Аляскага европаликлар ичида биринчи бўлиб руслар келди ва ярим оролнинг қирғоқларини кашф этиб, у ерда бошпана вужудга келтирдилар.

1867 йилда чор ҳукумати Аляскани Алеут ороллари билан бирга Америка Қўшма Штатларига сотиб юборди.

Ярим оролда олтин конларининг топилиши, унинг ривожланишига зўр туртки бўлди ва, натижада, Аляска экономика-

си тез ўсиб, мамлакатда шаҳар типдаги аҳоли пунктлари вужудга келди.

Аляска ва унинг атрофидаги ороллар иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШнинг Тинч океан шимолий-шарқий қисмидаги стратегик позицияларини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

*Хўжалиги.* Аляскада балиқ овлаш, тоғ қазилар саноати, тюлень, кит, морж овлаш ва мўйначилик ҳамда буғи боқиш ривожланган. Мамлакатда етиштирилаётган бутун маҳсулотнинг кўп қисмини балиқ ташкил қилади.

Тоғ-кон саноати олтин, мис ва қисман кумуш ҳамда платина қазиб чиқаришдан иборат. Катта ўрмонзорларнинг фақат бир қисмидангина фойдаланилади. Деҳқончилик ҳам ёмон аҳволда. Аляскадан АҚШ га балиқ, мўйна ва мис рудалари ташиб келинади.

АҚШ ҳукумати Аляскада анча истеҳкомлар барпо қилиб, уни ва унинг атрофидаги оролларни ўзининг ҳарбий-денгиз ва авиация базаларига айлантирган.

## АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)—Шимолий Американинг жанубий қисмида жойлашган давлат. У Канада ва Мексика билан чегарадошдир. Шарқда Атлантик ва ғарбда Тинч океанлари билан ўралган. Жанубда эса АҚШ территорияси Мексика қўлтиғининг илиқ сувларига бориб тақалади.

Атлантик океан АҚШ нинг Европа, Африка ва Жанубий Америка билан денгиз орқали алоқа қилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу океаннинг соҳилида мамлакатнинг энг катта портлари жойлашган. АҚШ дан Осиёга ва Австралияга борадиган денгиз йўллари Тинч океан орқали ўтади. Атлантик ва Тинч океанларни боғловчи Панама канали бўлиб, бу каналга борадиган денгиз йўли Мексика қўлтиғи ҳам Кариб денгизи орқали ўтади.

Майдони 9 миллион 364 минг квадрат километр. Майдони жиҳатидан АҚШ СССР дан қарийб уч марта кичик, лекин, Ғарбий Европадаги ҳамма давлатларни бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан анча каттадир.

Аляска ярим ороли, Гавай ороллари, Вест-Индия составидаги Пуэрто-Рико ва Виргиния ороллари, Океаниядаги Гуам, Самоа ва бошқа бир қанча майда оролчалар АҚШ га қарашли ерлардир. Тинч океандаги Каролина, Мариана ва Мар-

шалл ороллари АҚШ восийлигида туради. Панама канали зонасини АҚШ Панама мамлакатидан ижарага олган.

Аҳолиси 180 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилиги Европа мамлакатларидан кўчиб келган, асосан инглизлар ва ирландлардан иборат. Америка кашф этилгунча бу ерда индеец ва эскимослар яшаганлар, кейинчалик уларнинг бир қисми қириб ташланиб, бир қисми эса мамлакатнинг сув етмайдиган ва чала саҳро районларига суриб чиқарилган. Ҳозир АҚШ территориясида индеецлардан бор-йўғи 455 минг киши қолган холос. Европадан кўчиб келган халқларнинг авлоди бўлган америкаликлар бутун аҳолининг 90 процентини ташкил қилади. Африкадан қул қилиб келтирилган негрларнинг авлодаждодлари (ҳозирги вақтда 16 миллион киши), шунингдек Осиё мамлакатлари ва Латин Америкасида бу ерга келиб қолган халқларга нисбатан ирқий камситиш сиёсати юргизилди.


Пойтахти Вашингтон шаҳри (аҳолиси 2 миллион киши). Нью-Йорк (аҳолиси 7,3 миллион киши), Чикаго (аҳолиси шаҳар атрофидагилар билан 6 миллион киши), Лос-Анжелос (аҳолиси 2,3 миллион киши), Детройт (аҳолиси 1,8 миллион киши) йирик шаҳарлари ва асосий саноат марказларидир.

*Табий шароити.* АҚШ нинг табий шароити жуда ҳам хилма-хилдир. Баланд қояли тоғлар мамлакатни икки қисмга — шарқий ва ғарбий қисмларга бўлади. Шарқий қисмида Аппалачи тоғлари, Атлантик бўйи паст текислиги, кенг Марказий текисликлар ва Прерия платоси бор. Ғарбининг ҳаммаси катта Кордильера тоғ системаси билан банд. Тинч океан қирғоқларига яқин тоғлар орасида паст текисликдан иборат торгина Калифорния водийси бор. Мамлакат бўйлаб Миссисипи дарёси ва унинг йирик ирмоқлари — Миссури, Огайо, Арканзас, Гудзон, Потомак, Колумбия, Колорадо ва Гумбольд каби дарёлар оқиб ўтади. Шимолий районларида Гурон, Юқори кўл, Мичиган, Эри ва Онтарио кўллари бўлиб, бу кўлларнинг умумий майдони (245 минг квадрат километр) Буюк Британия майдонига тенг келади.

Мамлакатнинг катта қисмида муътадил, жанубда субтропик ва Флорида штатининг жанубида эса тропик иқлим мавжуддир.

АҚШ ер ости турли-туман фойдали қазилмаларга бой. Кўмир запаслари бўйича АҚШ дунёда биринчи ўринда, нефть запаси (4,3 миллиард тонна) бўйича капиталистик мамлакатлар орасида энг олдинги ўринлардан бирида туради. Капиталистик мамлакатлар орасида АҚШ темир рудаси (69 миллиард тонна) ва бошқа баъзи рангдор металллар (мис, рух,





*Нью-Йорк шаҳаридан бир куриниш.*

қўрғошин) запасининг кўплиги билан ажралиб туради. Шунинг билан бирга АҚШ гидроресурсларга ҳам бойдир.

Мамлакат территориясининг  $\frac{1}{4}$  қисмига яқини ўрмонлардан иборат бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

*Қисқача тарихи.* Америка XV асрда европаликлар томонидан кашф этилди. XVI—XVII асрларда европаликлар Шимолий Американи мустамлака қила бошлайдилар. Бу ишга дастлаб Испания, Франция, Англия, Нидерландия ва Швеция киришади. Тарихий қисқа муддат ичида АҚШ территориясининг кўп қисми Англиянинг мустамлакаси бўлиб қолди. XVIII аср охирида инглиз мустамлакаларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари натижасида Америка Қўшма Штатлари мустақил давлат бўлиб, вужудга келди. Уша вақтдан бошлаб инглизлар ва ирландлар билан бир қаторда немислар, итальянлар, поляклар, руслар, украинлар АҚШ га кўчиб кела бошладилар. 1783 йил Версаль сулҳ шартномасига мувофиқ Англия АҚШнинг мустақиллигини эътироф этди.

1861—1865 йилларда бўлган граждандар уруши АҚШда қулчилик системасини тугатди. Бироқ, халқ қўлга киритган бу ютуқни буржуазия ўзиники қилиб олди, кенг халқ оммаси эса капиталистик ёлланма меҳнат қуллигига, бир ҳовуч миллиардерлар зулмига дучор этилди.

XIX асрда империалистик тараққиёт йўлига ўтиб олган АҚШ ўз территориясини кенгайтира бошлади. У Франциядан Луизиана, Испаниядан Флорида ва чор Россиясидан Аляска вилоятларини сотиб олди. 1898 йилда Филиппин, Пуэрто-Рико ва Гуам ороллари босиб олди. Куба (1959 йилгача) амалда АҚШ мустамлакасига айланди. 1899 йилда АҚШ Хитойни асоратга солиш мақсадида «Очиқ эшик» доктринасини эълон қилди. 1903 йилда Панама канали зонасини, 1906—1909 йилларда Кубани, 1912—1933 йилларда Никарагуани, 1915—1934 йилларда Гаитини ва 1916—1924 йилларда Доминикана республикасини оккупация қилди. 1916—1917 йилларда Мексикага қарши интервенция уюштирди.

Биринчи жаҳон урушида АҚШ Антанта томонида бўлди. Совет республикасига қарши қилинган интервенция ва блокаданинг ташаббускорлари ва ташкилотчиларидан бири АҚШ эди. Лекин, Совет Иттифоқига қарши юргизилган бу сиёсат АҚШ даги ишчилар ҳаракатининг қаттиқ қаршилигига дучор бўлди.

АҚШ империалистлари 1933 йилда гитлерчиларнинг Германияда ҳокимиятни ўз қўлларига олишларига ёрдам бердилар.

Иккинчи жаҳон уруши жараёнида, айниқса гитлерчилар Германияси СССР га ҳужум қилганидан сўнг рўй берган воқеаларнинг ривожини эса АҚШ нинг фашистларга қарши коалицияга киришини тақозо қилди.

Урушдан кейинги даврда АҚШ империалистлари дунёга ҳоким бўлишга интилиб, янги жаҳон урушига тайёрлик кўра бошладилар. Лекин, АҚШда Компартия бошчилигидаги прогрессив кучлар тинчлик ва демократия учун, реакцияга ва уруш тайёргарлигига қарши кураш олиб бормоқда.

*Хўжалиги.* АҚШ иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган капиталистик мамлакатдир. Унинг завод ва фабрикаларида бошқа капиталистик мамлакатларнинг ҳаммасини бирга қўшиб олганда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмидан эритиладиган пўлатнинг 50 процентидан ортиқроғи, қазиб олинадиган темир рудасининг 50 проценти ва тошкўмирнинг 40 проценти АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ экономикаси биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида жуда ўсди. Америкалик йирик капиталистлар ва ер эгалари жаҳон урушлари даврида урушаётган мамлакатларга ҳарбий қурол, саноат товарлари ва озиқ-овқат моллари сотиб, ғоят катта фойда олдилар.

Саноат корхоналари, темир йўллар, йирик банклар, савдо фирмалари ва газета нашриётлари эгаларининг монополистик бирлашмалари (трестлар ва концернлар) АҚШ хўжалигида ҳукмрондир.

Америка монополиялари чет элларга катта капитал чиқарганлар. Улар ўзларининг иқтисодий қудратларидан фойдаланиб, кам ривожланган мамлакатлар (Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари, Африка ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги баъзи мамлакатлар) ҳукуматларидан фойдали қазилмаларни ишлатиш ва қишлоқ хўжалик экинлари плантацияларини ташкил қилиш ҳуқуқини ўз қўлларига олмоқдалар. Қарам мамлакатлардаги халқлар америка монополиялари томонидан шафқатсизларча эксплуатация қилинмоқда.

АҚШ территорияси хўжалигининг ривожланиши жиҳатидан тарихан уч асосий районга бўлинади:

1) Шимолий район энг ривожланган бўлиб, бу ерда саноат, айниқса оғир саноат тармоқлари тўпланган.

2) Жанубий район, асосан, шимолий район учун хилма-хил кон рудалари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб беради. Бу район йирик фойдали қазилмаларга бой. Жанубнинг қулай иқлим шароити қимматбаҳо қишлоқ хўжалик экинларини

ўстиришга имкон беради. Саноатнинг ривожланиши жиҳатидан Шимолий райондан кейинда туради.

3) Ғарбий район анча кейин мустамлака қилинганлиги сабабли Шимолий ва Жанубий районларга қараганда бу ерда аҳоли камроқ яшайди. Ғарбий районда турли-туман хом ашё етиштирилади.

АҚШ да оғир саноат тармоқлари: кон саноати, металлургия, машинасозлик ва кимё саноати устун туради. Автомобиль саноати машинасозликнинг етакчи тармоғидир. Ғарбий корхоналар (жумладан, атом қуроли ишлаб чиқариш) саноатда муҳим ўрин тутаяди. Тўқимачилик ва кўн-пойафзал саноати енгил саноатнинг асосий тармоқларидир. Озиқ-овқат саноати яхши ривожланган.

Нефть, кўмир, гидроресурслар ва табиий газ — АҚШ саноатининг энергетика базасини ташкил этади. Мамлакатда ҳар йили 400 миллион тоннадан ортиқ кўмир ва 300 миллион тоннадан ортиқ нефть чиқарилади, 50—70 миллион тонна чўян ва 80—100 миллион тонна пўлат эритилади.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик ҳам, деҳқончилик ҳам ривожланган. Асосий дон экинлари: буғдой ва маккажўхори бўлиб, уларнинг ҳосили бўйича АҚШ капиталистик мамлакатлар ўртасида биринчи ўринда туради. Техника экинларидан пахта, тамаки, соя ва зиғир етиштирилади. Калифорния водийсида лимон, апельсин, бодом, ток ва ерёнғоғи ўстирилади.

АҚШ да айрим қишлоқ хўжалик мулклари фермалар, уларнинг эгалари эса фермерлар деб аталади. Қишлоқ хўжалигида йирик фермерлар ҳукмрон бўлиб, уларнинг эгалари бўлган капиталистлар юзлаб ва минглаб гектар ерга эгалик қилиб келмоқдалар. Йирик фермерлар билан бир қаторда майда фермерлар ҳам бор, улар йирик капиталистларнинг рақобатига бардош беролмай кўпинча хонавайрон бўлиб кетмоқдалар.

АҚШ интенсив ташқи савдо олиб боради. Чет элларга машиналар, автомобиллар, кимёвий буюмлар, пахта, буғдой, гўшт консерваси ва тамаки каби товарларни чиқаради; чет эллардан нефть, қалайи, никель, марганец, жун, каучук, уран рудаси, кофе, чой, қанд ва бошқа товарлар келтиради.

Капитал экспорт қилиш — Америка монополияларининг юқори фойда олиш ва бошқа мамлакатларда ўз таъсирини кучайтириш учун олиб бораётган курашининг шаклларида биридир.

*Давлат тузуми.* АҚШ — буржуа республикаси бўлиб, унинг территорияси 50 штат ва бир округдан иборат (Вашингтон шаҳри округ ҳисобланади). Президент — давлат ва

ҳукумат бошлиғи ҳамда қуролли кучлар бош қўмондони. У икки босқичли сайловлар йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат бўлган конгресс қонун чиқарувчи ҳокимият органидир. Сенат составининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланиб, умуман 6 йил муддатга сайланадиган 100 сенатордан иборатдир. Вакиллар палатаси эса 2 йил муддатга сайлаб қўйиладиган 436 депутатдан ташкил топган.

Президент катта ҳуқуқларга эга: у конгресс қабул қилган қонунларни тасдиқлайди, министрлар кабинетини тузади (министрлар АҚШда департаментларнинг секретарлари деб аталади) ва ҳукумат ишларига раҳбарлик қилади. Шунингдек, президент конгресснинг ҳар қандай қонун проектини тақиқлашга ҳақлидир.

Штатларда энг олий лавозимли шахс — губернатор ҳисобланади. Ҳар қайси штатнинг маҳаллий идора усули ўзгачадир.

*Сиёсий партиялари.* АҚШ сиёсий ҳаётида йирик капиталистик монополиялар билан маҳкам боғланган иккита асосий буржуа партияси — демократлар ва республикачилар партияси раҳбарлик ролини ўйнамоқда. Ҳар иккала партия йирик капиталнинг манфаатларини ҳимоя қилади. АҚШда коммунистик партия фаолиятини ниҳоятда қийин шароитда олиб борапти. Коммунистик партиянинг кўп актив арбоблари қамоққа ташланганлар.

АҚШ нинг империалистик кучлари халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатларига қарши чиқмоқда, қуролсизланиш проблемасининг атом ва водород қуролларини тақиқлашнинг ижобий ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқда ва агрессив ҳарбий блоклар тузиш сиёсатини олиб бормоқда.

Капиталистик дунё олтин запасининг деярли ярмига эга бўлган энг бой капиталистик мамлакат — АҚШ кенг меҳнаткаш халқ оммасини доимий иш, моддий фаровонлик ва ҳатто етарли медицина ёрдами билан таъминлай олмаётир. Мамлакатда ишсизларнинг сони ортиб бормоқда, турмуш даражаси эса узлуксиз пасаймоқда.

АҚШ нинг меҳнаткаш халқи ва биринчи галда ишчилар синфи ўзларининг инсоний ҳуқуқлари учун курашмоқдалар. Ишчиларнинг иш ташлаши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина 1959 йилнинг ўзида АҚШ да 3900 марта иш ташланиб, бунинг натижасида 68 миллион иш куни йўқотилди. Металлургия саноатининг 500 минг киши иштирокидаги иш ташлаши 116 кун давом этди. Шундай иш ташлашлар ҳозир ҳам тез-тез рўй бермоқда.

## АРГЕНТИНА

(Аргентина Республикаси)

Аргентина — Жанубий Америкада жойлашган мамлакат бўлиб, қуруқликда Уругвай, Бразилия, Парагвай, Боливия ва Чили билан чегарадош. Шарқ томонда уни Атлантик океан ўраб туради.

Территориясининг катталиги жиҳатидан Латин Америкаси мамлакатлари ўртасида Бразилиядан кейин иккинчи ўринда, аҳолисининг сони жиҳатидан Бразилия ва Мексикадан кейин учинчи ўринда туради.

Майдони 2,8 миллион квадрат километр. Аҳолиси 21 миллион киши. Аҳолисининг асосий қисмини креоллар ва метислар ташкил қилиб, испан тили давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри (аҳолиси 3,7 миллион киши).

Буэнос-Айрес Латин Америкасида энг катта шаҳар ва денгиз порти, шунингдек йирик саноат ва молия марказидир.

*Табиий шароити.* Аргентинанинг шарқ ва шимол томонларида жуда кенг текисликлар жойлашган. Текисликнинг жанубий қисмида унумдор Пампа чўли бор. Энг жанубий районларда тошлоқ тепаликлар қад кўтарган. Мамлакатнинг ғарбий томонида эса Анд тоғ тизмалари чўзилиб кетган.

Мамлакат шимолида тропик ва субтропик, жанубида эса ўртача иқлим мавжуд.

*Қисқача тарихи.* XIX асрнинг биринчи ярмида Аргентинани испанлар босиб олдилар ва мамлакатнинг асосий халқи — индеецларни қириб ташлаб, йирик феодал ер эгалиги тузумини ўрнатдилар. 1816 йилда Америкадаги испан мустамлакаларида бошланган озодлик курашлари натижасида Аргентина Испания асоратидан қутулди ва мустақилликка эришди. Ҳокимият йирик помещиклар ва буржуазия қўлига ўтди. XIX асрдан бошлаб Аргентинага шарқий ва жанубий Европа мамлакатларидан кўплаб эмигрантлар кўчиб кела бошладилар.

XIX асрда Аргентинада Англиянинг таъсири кучайиб кетди. XIX асрнинг охиридан бошлаб эса Аргентинага АҚШ ва Германия мамлакатлари суқилиб кира бошладилар. Империалистик давлатлар ўртасидаги рақобат курашлари натижасида Аргентинада тез-тез давлат тўнтаришлари бўлиб турди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Аргентина амалда фашист-агрессорларини қўллаб-қувватлади. 1944 йилдан 1946 йилгача мамлакатда реакцион диктатура ҳукм сурди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Аргентинада АҚШ капиталининг эксплуатацияси кучайиб кетди.

*Хўжалиги.* Аргентина — аграр мамлакатдир. Мамлакатга чет эл капиталининг, айниқса америка, инглиз ва ғарбий герман капиталларининг зўр бериб суқилиб кираётганлиги натижасида Аргентинанинг экономикаси ва сиёсати беқарор ҳолга тушиб қолган.

Қишлоқ хўжалигида помешчиқлар ва чет эл компаниялари ҳукмронлик қилади. Асосан бугдой, маккажўхори ва зигирпоя экилади. Шунингдек, пахта ва шакар қамиши ҳам етиштирилади. Қўйларнинг сони бўйича Аргентина (50 миллион бошдан ортиқроқ) капиталистик мамлакатлар орасида Австралиядан сўнг иккинчи ўринда туради. Мамлакатнинг ғарб томонида кўпгина боғлар ва тоқзорлар бор.

Озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати мамлакатда ишлаб чиқариладиган бутун саноат маҳсулотининг 40 процентидан ортиқроғини беради. Саноатнинг нефть қазिश ва уни қайта ишлаш тармоғи бирмунча ривожланган. Мамлакатдаги бир қанча катта гўшт комбинатлари, элеваторлар ва тегирмонлар, шунингдек оғир саноат қорхоналаридан бир қанчаси Америка, Бельгия ва Англия монополияларига қарайди.

Америка монополиялари Аргентинанинг миллий бойликларини талаш билан бирга, мамлакат халқини қаттиқ эксплуатация қилиб келмоқдалар. Сўнгги 40 йил давомида АҚШ монополияларининг Аргентина экономикасига харжлаган ҳар бир доллари икки ярим доллардан фойда келтирган. Аргентиналик ишчи иш кунининг икки ярим соатида ўзи учун, қолган беш ярим соатида эса капиталистларни бойитиш учун ишлайди.

Аргентина халқи аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иш ҳақини ошириш, мамлакатнинг миллий бойликларидан халқ манфаати йўлида фойдаланишни талаб қилмоқда.

Чет элларга деҳқончилик маҳсулотлари (бугдой, маккажўхори ва зигир поя) ва чорвачилик маҳсулотлари (жун, гўшт консервалари ва хом тери) чиқаради; четдан тошкўмир, нефть маҳсулотлари ва саноат ускуналари келтиради.

*Давлат тузуми.* Аргентина — федератив республикадир. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи орган — конгресс икки палатадан — Сенат ва депутатлар палатасидан ташкил топган.

*Сиёсий партиялари.* Келишмовчилар граждан-радикал союзи — 1957 йилда тузилиб, ҳукмрон партиядир. Бўржуазия ва зиёлилар манфаатини ифодалайди; Граждан радикаллар халқ союзи — оппозициячи бўлган бу йнрик партия молия буржуазияси ва катта ер эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилади; Христиан демократлар партияси — 1955 йилда тузилган буржуазия партиясидир. Бўржуазия мамлакатда обрў қозониш мақсадида халқ ўртасида социал демагогия

тарқатиш сиёсатини юргизади; Прогрессив демократик партия—қишлоқ хўжалик буржуазияси ва помешчикларнинг манфаатини ифода этади; Мустақил гражданлар партияси — 1956 йилда тузилган. Бу партия мамлакатга чет эл капитални, жумладан АҚШ монополияларини киритиш тарафдоридир; Коммунистик партия—1918 йилда тузилган, мамлакатда катта таъсир кучига эгадир. 1959 йил апрелидан бошлаб тақиқланган.

## БАГАМА ОРОЛЛАРИ

Багама ороллари — Атлантик океанда бўлиб, Британиянинг Вест-Индиядаги мустамлакаси ҳисобланади. Архипелаг Флорида қирғоқларидан Гаитигача бўлган бир минг километрдан ортиқ масофага чўзилиб кетган 29 йирик ороллардан ва жуда кўп сув ости қояларидан иборатдир.

Умумий майдони 11406 квадрат километрни ташкил қилиб, фақат 20 та оролда халқ яшайди. Нью-Провиденс, Андрос, Катта Абако ва Катта Багама энг муҳим ороллардир. Аҳолиси 90 минг кишидан иборат бўлиб, халқнинг 90 процентини XVII асрда Африкадан келтирилган қул-негрларнинг авлодлари ташкил қилади. Нью-Провиденс оролида жойлашган Нассау шаҳри оролларнинг маъмурий марказидир (аҳолиси 29 минг киши).

Бу ороллар Христофор Колумб томонидан топилган. Бу ерларда 150 йил давомида испанлар ҳукмронлик қилиб келди. Ороллардаги туб аҳолининг бир қисми қириб ташланди ва бир қисми конларда ишлаш учун Куба ва Гаитига олиб кетилди. 1783 йилда бу ороллар Версаль битимига мувофиқ Британия империяси ҳукмига ўтди.

Багама оролларида қишлоқ хўжалиги ривожланган. Асосан, ананас ва помидор ўстирилади. Балиқ овлаш хўжаликда катта ўрин тутади. Ёғоч-тахта тиладиган корхоналарни мустасно қилганда, ороллар ўз саноатига эга эмас. Туризмдан келадиган даромад салкам 30 миллион долларни ташкил қилади ва бу даромаднинг кўп қисми мустамлакачилар чўнтагига тушади. Ташқи савдо ҳам шулар қўлида тўпланган.

Ороллар АҚШ, Буюк Британия ва Канадага томатлар, ананаслар, денгиз булутлари ва ёғоч-тахта экспорт қилади. АҚШ ва Буюк Британиядан газмол, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўрмон кесиш ускуналари келтирилади.

Оролларда ижро этувчи ҳокимият Англия губернатори қўлида тўпланган. Унинг ҳузурида тайинланадиган 9 аъзодан



ташкил топган қонун чиқарувчи кенгаш ва аҳоли томонидан 7 йил муддатга сайланадиган 29 аъзодан иборат Вакиллар мажлиси мавжуддир. Сайлов ҳуқуқлари мулк цензи билан чеклаб қўйилган. Хотин-қизлар эса умуман сайлов ҳуқуқларидан маҳрумдирлар.

Багама оролларида мустамлакачиликка қарши кураш тобора кенг тус олмоқда.

## БЕРМУДА ОРОЛЛАРИ

Бермуда ороллари — Шимолий Америка қирғоқларидан 930 километр узоқда, Атлантик океanning шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Буюк Британия мустамлакасидир. У 360-га яқин майда маржон оролчалар ва сув остидан чиқиб турадиган маржон қоялардан иборат бўлиб, шулардан фақат 20 тасида аҳоли яшайди.

Майдони 53 квадрат километр. Аҳолиси 40,4 минг киши бўлиб, уларнинг кўпчилиги негрлардан иборатдир.

Маркази Гамильтон шаҳри (аҳолиси 4 минг киши).

Бермуда ороллари океан иқлимига эгадир.

Бермуда ороллари XVI асрда кашф этилиб, 1609 йилдан бошлаб, кишилар яшай бошлаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу ороллар Англиянинг ҳарбий-денгиз базаси ва тошқўмир станциясига айлантирилган эди. XIX асрнинг охиридан бошлаб Бермуда оролларига АҚШ кўз олайтира бошлади. Кейинчалик АҚШ Буюк Британия билан келишиб, бу ерда ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво базалари вужудга келтирди.

Бермуда ороллари экономикасининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, асосан эртаги сабзавот экинлари экилади, турли мевалар (айниқса банан) етиштирилиб, гуллар ўстирилади. Ҳаммаси бўлиб 344 гектар ерга экин экилади. Балиқ овлаш ривожланган. Оролларнинг ташқи савдо оборотининг асосий қисми Буюк Британия, АҚШ ва Канада ҳиссасига тўғри келади. Оролларнинг экспортини эртаги сабзавотлар, мевалар ва гуллар ташкил қилиб, тўқимачилик буюмлари, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ҳамда ёнилғини чет эллардан келтирилади.

Оролларнинг табиати хушманзара ва иқлими юмшоқ бўлганлиги кўплаб саёҳатчиларни ва айтиқса АҚШ буржуазияси намояндаларини ўзига жалб қилиб туради.

Бермуда оролларини Буюк Британия ҳукумати томонидан тайинланган губернатор бошқариб, унинг ҳузурида 7 аъзодан

иборат ижро этувчи кенгаш бор. Қонуний тадбирларни ишлаб чиқиш губернатор, қонун чиқарувчи кенгаш ва мажлис палатаси зиммасига юклатилгандир.

## БОЛИВИЯ

Боливия — Жанубий Американинг марказий қисмида жойлашган давлат бўлиб, Бразилия, Перу, Чили, Аргентина ва Парагвай мамлакатлари билан чегарадошдир.

Майдони 1,1 миллион квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 316 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини мамлакатнинг туб халқлари ҳисобланган индеецлар ташкил қилади.

Пойтахти Сукре шаҳри (аҳолиси 40 минг киши). Ҳукумат идораларининг барчаси Ла-Пас (аҳолиси 321 минг киши) шаҳрида жойлашган. Давлат тили испан тилидир.

*Табиий шароити.* Боливиянинг ғарбий қисмини Анд тоғ тизмалари ишғол қилиб, шарқ томони тексликлардан иборат.

Анд тоғлари районида совуқ ва дашт иқлими мавжуд. Тексликлар тропик ва сернам иқлимга эга.

Боливияда дарё ва кўллар кўп, Титикака ва Попо каби йирик кўллар бор.

*Қисқача тарихи.* Қадимги вақтларда Боливияда индеец қабилалари яшаган. 1538 йилда мамлакат территорияси испанлар томонидан босиб олинди ва Юқори Перу номи билан Перу вице-қироллиги составига қўшиб олинди.

1825 йилда Конгресс Чукисаки шаҳрида (ҳозирги Сукре шаҳри) Юқори Перуни мустақил деб эълон қилди (кейинчалик у Боливия номини олди).

XIX аср охирида Боливияга чет эл капитали кириб кела бошлайди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши олдида мамлакатда инглиз капитали устунлик қилди, кейинчалик эса АҚШнинг иқтисодий ва сиёсий позициялари кучая бошлайди.

1942 йилда Боливия Германия, Италия ва Япония мамлакатлари билан дипломатик муносабатларини узди ва 1943 йил апрель ойида уларга қарши расман уруш эълон қилди. Уруш йиллари АҚШ нинг Боливияга бўлган қизиқиши жуда ортди. Кўп ўтмай АҚШ Боливияни ўзининг хом ашё базасига айлантириб олди.

*Хужалиги.* Боливия — кам тараққий этган аграр мамлакат. Мамлакат экономикаси жуда қолоқ бўлиб, ўзининг бир ёқлама ривожланганлиги ва йирик империалистик мамлакатларга қарамлиги билан ажралиб туради. Тоғ-кон саноати эконо-

миканинг асосий соҳаси бўлиб, унинг маҳсулоти бутун экспорт қийматининг 98 процентга яқинини ташкил қилади. Боливиянинг ер остида қалайи, вольфрам, олтингугурт, кумуш, рух ва қўрғошин кўп. Қалайи ва вольфрам концентрациялари ишлаб чиқариш бўйича Боливия капиталистик мамлакатлар орасида учинчи, сурма ишлаб чиқариш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Рангли металллар рудаси қазиб чиқариш асосан чет эл компаниялари қўлидадир.

Мамлакатнинг саноати табиий ва қишлоқ хўжалиги хом ашёларини қайта ишлайдиган (нефть чиқариш, пахта тозалаш заводлари, тегирмон ва бошқалар) корхоналардан иборат.

Боливиянинг табиий бойликларини ваҳшийларча эксплуатация қилаётган чет эл капитали мамлакатни қарам ҳолда сақлаш мақсадида саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Боливиянинг қишлоқ хўжалиги иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, унда етиштириладиган маҳсулот ички бозор эҳтиёжларини қоплай олмайди. Аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалигида банддир. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолақлиги ва баланд тоғли районлар иқлимининг совуқлиги Боливияда ҳаммаси бўлиб 600 гектар



*Титикака кулида.*

ергагина (мамлакат территориясининг 2 проценти) экин экиш имконини беради.

Деҳқончиликда асосан маккажўхори, буғдой, арпа, картошка, шакар қамиш, пахта ва тамаки экилади.

Боливиянинг ташқи савдоси типик мустамлака характерига эгадир. Асосий экспорт товарлари: қалайи, қўрғошик, рух, вольфрам ва кумуш концентрацияларидир. Озиқ-овқат ва саноат товарлари ҳамда ускуналар импорт қилинадиган асосий товарлар ҳисобланади.

*Давлат тузуми.* Боливия — унитар республика бўлиб, давлат ва ҳукумат бошлиғи президент ҳисобланади. Президент аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланади. Икки палатали Конгресс мамлакатда қонун чиқарувчи олий органдир.

*Сийсий партиялари.* «Миллий революцион ҳаракат» партияси — Боливияда ҳукмрон партия ҳисобланиб, асосан майда буржуазия вакиллари, қисман ишчи ва деҳқонларни ўзида бирлаштиради; Боливия социалистик фалангаси — Америка монополиялари билан алоқадор бўлган йирик буржуазия ва католик руҳонийларининг манфаатларини ифодаловчи партиядир; Коммунистик партия — XX асрнинг 20 йилларида вужудга келиб, 1950 йилда қайта тузилган. Бу партия мамлакатда аҳолининг тўла миллий-мустақиллик учун ва иқтисодий қийинчиликларни тугатиш йўлидаги курашига раҳбарлик қилмоқда.

## БРАЗИЛИЯ

(Бразилия Қўшма Штатлари)

Бразилия — Жанубий Америкада жойлашган бўлиб, территориясининг катталиги ва аҳолисининг сони жиҳатидан Латин Америкасидаги энг катта давлатдир.

Бразилия мамлакати Франция, Нидерландия ва Британия Гвианаси ҳамда Венесуэла, Колумбия, Перу, Боливия, Парагвай, Аргентина ва Уругвай билан чегарадошдир. Мамлакатнинг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий томонларини Атлантик океан ўраб туради.

Майдони 8,6 миллион квадрат километр. Аҳолиси 70 миллионга яқин. Аҳолисининг 62 процентини Европа мамлакатларидан кўчиб келган халқларнинг авлодлари, 26,5 процентини дурагай халқлар, 11 процентини негрлар, 5—6 процентини индеецлар ташкил қилади. Бразилияликлар португал тилида сўзлашадилар.

Пойтахти 1960 йил 21 апрелдан буён Бразилиа шаҳри, шунга қадар Рио-де-Жанейро шаҳри (аҳолиси 3 миллион 220 минг киши) Бразилиянинг пойтахти бўлиб келган эди.

*Табиий шароити.* Бразилиянинг шимолини Амазонка паст текислиги ва унга ёндошган Гвиана тоғлари, жанубини эса Бразилия тоғлиги ишғол қилади. Бу тоғлик шарқда ва жануби-шарқда Атлантик океанга яқинлашиб келади. Соҳил бўйлаб торгина паст текислик чўзилиб кетган.

Мамлакатда экваториал ва тропик, мамлакатнинг энг чекка жанубий районларида эса субтропик иқлим мавжуд. Ёгин ясосан ёзда ёғади. Дарёлари серсув ва катта гидроэнергия манбаларидирлар. Бразилия территориясининг ярмидан кўпини ўрмонлар қоплаган. Лекин, ўрмонлардан деярли бутунлай фойдаланилмайди. Фойдали қазилмалари — темир ва марганец рудалари, боксит, нефть ва бошқалар етарли ўрғанилмаган, кам қазиб чиқарилади.

*Қисқача тарихи.* Бразилия тарихи аслида, мамлакат халқининг мустамлакачиларга қарши кураш тарихидан иборатдир. XVI асрнинг биринчи чорагида Бразилияни Португалия босиб олди ва уни ўзининг мустамлакасига айлантирди. Бразилия халқининг португаллар ҳукмронлигига қарши кураши XVII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларига келиб аниқса кенгайиб кетди. Мустақиллик учун бошланган курашнинг тазйиқи остида 1822 йилда Португалиянинг Бразилиядаги вакил-ноибни Бразилияни мустақил империя деб эълон қилишга мажбур бўлди.

Португалия мустамлакачиларининг ҳукмронлигидан озод бўлган Бразилия тез орада иқтисодий жиҳатдан Англияга қарам бўлиб қолди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Америка Қўшма Штатлари Бразилияга суқилиб кира бошлади ва Англиянинг қудратли рақиби сифатида майдонга чиқди.

Бразилиянинг экономикаси ва молияси борган сари Америка Қўшма Штатлари ва Англия монополияларига қарам бўла берди. Рақобатга учраган миллий саноат деярли ривожланмади. Мустамлакачилик зулми остида эзилган халқнинг моддий аҳволи йилдан-йилга оғирлашди.

1959 йилда аҳоли турмуш даражасининг ёмонлиги, иш ҳақининг пасайиб кетганлиги сабабли мамлакатда иш ташлаш ва намоиш тўлқинлари авж олиб кетди. Деҳқонлар оммаси ҳам ер ислоҳоти ўтказиш учун курашни кучайтириб юборди.

*Ҳужалиги.* Бразилия — аграр мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг етакчи тармоғидир. Ишланадиган ерларнинг кўпчилиги йирик помешчиклар билан

чет эл компаниялари қўлида тўпланган. Помешчик ерларини чоракор деҳқонлар ишлайди. Маккажўхори асосий дон экинидир. Мамлакатнинг жанубий районларида буғдой экилиб, қорамол боқилади.

Кофе — Бразилия экономикасининг асосидир. Бразилия кофе ва банан етиштиришда дунёда биринчи ўринда, какао ҳосили бўйича дунёда иккинчи ўринда, пахта етиштиришда эса АҚШ билан Ҳиндистондан кейинги ўринда туради.

Бразилияда тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Сўнгги йилларда саноатнинг нефть, фосфат ишлаб чиқариш ва алюминий эритиш каби тармоқлари ҳам бир оз тараққий этди. Саноатнинг ривожланиш суръатлари бўйича Бразилия Латин Америкасидаги бошқа мамлакатлар орасида олдинда бормоқда.

Бразилиянинг экономикасида, айниқса мамлакатнинг молия, ташқи савдо ва тоғ-кон саноатида чет эл капиталининг мавқеи жуда ҳам зўрдир. 1947—1959 йиллар мобайнида АҚШ монополиялари Бразилияда 1 миллиард доллар фойда кўрдилар. Бошқача қилиб айтганда, сарфланган ҳар бир доллар икки ярим долларга кўпайиб, монополияларнинг чўнтагига тушди.

Чет элларга кофе (мамлакат умумий экспортининг 60 процентини ташкил қилади), какао, пахта ва минерал ўғитлар чиқаради; четдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машиналар, усқуналар ва нефть келтиради.

«Обсервадор экономика и финансейро» журналининг маълумотларига қараганда, Бразилиянинг 70 процент хом ашёси ва 60 процент озиқ-овқат маҳсулотлари жуда паст баҳоларда Америкага ташиб кетилади. АҚШдан келтириладиган машина усқуналарини эса Бразилия жуда баланд нархларда сотиб олади. Бунинг натижасида, 1960 йилнинг бошида Бразилиянинг чет мамлакатлардан қарзи 2,5 миллиард долларни ташкил қилди.

*Давлат тўзуми.* Бразилия — буржуа республикаси. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, 5 йил муддатга сайланади. Икки палатали Миллий Конгресс қонун чиқарувчи олий орган.

*Сиёсий партиялари.* Социал-демократик партия—1933 йилда тузилган, саноат ва савдо буржуазияси манфаатларини ифодалайди; Бразилия ишчилар партияси 1954 йилда тузилган. Бу партия ўрта ва майда буржуазиянинг бир қисмини, зиёлилар ва ишчиларнинг аксариятини бирлаштирган; Миллий-демократик уюшма—1945 йилда, социал-демократик партиянинг бўлиниб кетиши натижасида ташкил топган. Буржуа-

зиянинг АҚШ монополиялари билан яқин алоқада бўлган қисми, катта ер эгалари, олий руҳонийлар, амалдорлар ва ҳарбий доираларнинг манфаатларини ҳимоя қилади; Коммунистик партия — 1922 йилда тузилган, ҳозирги вақтда ярим яширин ҳолда иш олиб боради.

Бразилия 1961 йил охирида Совет Иттифоқи билан дипломатик алоқаларни тиклади.

## БРИТАНИЯ ГОНДУРАСИ

Британия Гондураси — Марказий Америкада жойлашган Юкатан ярим оролининг жануби-ғарбидаги Буюк Британия мустамлакасидир. Шимолда ва шимоли-ғарбда Мексика, ғарбда ва жануби-шарқда Гватемала билан чегарадош, шарқ томони Кариб денгизи билан ўралган.

Майдони 22,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 76 минг киши. Туб аҳолиси асосан негрлар ва индеецлардир. Шунингдек, мулатлар ва инглизлар яшайди. Инглиз тили расмий тил ҳисобланади.

Белиз шаҳри пойтахт ва муҳим портдир (аҳолиси 28 минг киши).

Мамлакатнинг шимоли ва соҳил бўйлари паст текисликлардан иборат. Бу ердан Хонда ва Белиз дарёлари оқиб ўтади. Мамлакат тропик ва сернам иқлимга эга.

Британия Гондураси территориясида энг қадим замонлардан бери индеецлар яшаб келган. XVI асрдан бошлаб, яъни испанлар Марказий Американи босиб олганларидан кейин у, ўз-ўзидан Испания мустамлакасига айланиб қолди. XIX асрда Гондурасни инглизлар босиб олди. XX асрдан бошлаб бу ерга АҚШ монополиялари кириб кела бошлади.

Мамлакат экономикасининг асосий тармоғи энг қимматли ёғоч навлари (қизил дарахт, қарағай, чикле) тайёрлашдан иборат. Бу ерда маккажўхори экилади; банан, цитрус дарахтлари, кокос пальмаси, шакар қамиш ва какао ўстирилади. Қизил дарахт, чикле ёғоч смоласи, кокос ёнғоғи, банан ва шунга ўхшаш товарлар экспорт қилинади. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари эса четдан келтирилади.

Мустамлака инглиз губернатори томонидан идора қилинади. Губернатор айни вақтда қуролли кучлар бош қўмондониг ҳамдир. Унинг ҳузурида қонун чиқарувчи мажлис ва ижро этувчи кенгаш ишлаб туради.

## ВЕНЕСУЭЛА

(Венесуэла Федератив Республикаси).

Венесуэла — Жанубий Американинг шимолий қисмига жойлашган давлат. Унинг шимол томони Кариб денгизи ва Атлантик океан билан ўралган. Колумбия, Бразилия ва Британия Гвианаси билан чегарадош.

Майдони 912 минг квадрат километр. Аҳолиси 6 миллион 320 минг киши. Аҳолисининг учдан икки қисмини метислар, 20 процентга яқинини креоллар ва Европадан кўчиб келган бошқа халқлар ташкил қилади. Давлат тили испан тилидир.

Пойтахти Қаракас шаҳри (аҳолиси 1,1 миллион киши).

*Табиий шароити.* Мамлакатнинг шимол ва шимоли-ғарбида Анд тоғ тизмалари, жануби-шарқида эса Гвиана ясси тоғлари чўзилган. Тоғ оралиги паст текисликдан иборат. Мамлакат территориясининг деярли ярми ўрмонлар билан қопланиб, тропик иқлимга эгадир.

*Қисқача тарихи.* XVI асрда Венесуэланинг ҳозирги территориясини Испания босиб олди. 1811 йилда Венесуэла расман мустақилликни қўлга киритди. Ҳақиқий мустақилликка эса, у 1830 йилда эришди. Айни вақтда Венесуэлада Англия ва АҚШ монополияларининг рақобат кураши кучайиб кетди.

*Ҳўжалиги.* Венесуэла АҚШ капиталига қарам, иктисодий қолоқ мамлакатдир. Мамлакат нефть ва темир рудаларига бой. Бундан ташқари олмос, олтин, тошкўмир, марганец, никель, мис, симоб, олтингугурт, асбест ва уран конлари бор. Тон-кон, айниқса нефть чиқариш асосий саноат тармоқлари ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалиги қолоқ, техника даражаси паст. Фойдаланиладиган ерларнинг катта қисми чет эл нефть компанияларининг қўлида. Асосан кофе ва какао ўстирилиб, уларнинг маҳсулоти экспорт қилинади. Бундан ташқари маккажўхори, шоли ва картошка экилади.

Четдан машиналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар келтирилади. Экспортнинг 64 проценти ва импортнинг 40 проценти АҚШга тўғри келади. Мамлакат ҳозирги вақтда жиддий валюта-молия қийинчиликларини бошидан кечирмоқда.

*Давлат тузуми.* Венесуэла — федератив республика бўлиб, давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент ҳисобланади. У, беш йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий орган — икки палатали миллий конгрессдир.

*Сийсий партиялари.* Демократик ҳаракат — 1941 йилда тузилган, миллий буржуазия манфаатини ифода этади;





*Карикас шаҳридан бир кўриниш.*

Республикачи-демократлар иттифоқи — 1945 йилда тузилган буржуазия партияси; Социал-христианлар «Копей» партияси — 1946 йилда тузилган, йирик молиячи доиралар, катта ер эгалари ва католик руҳонийлар манфаатини ифода этади; Коммунистик партия — 1958 йил 23 майдан бошлаб, расман очиқ иш олиб боради. Бу партия халқ миллий бирлиги программасини ишлаб чиқди. 1957 йилда шу программага асосан тузилган ватанпарварлик Хунтаси Венесуэла халқининг Хименес диктатурасига қарши олиб борган курашига раҳбарлик қилиб, 1958 йилда бу диктатура ағдариб ташланди.

## ВЕСТ-ИНДИЯ

(Кариб Федерацияси).

Вест-Индия ёки Кариб Федерацияси — Кариб денгизи ҳавзасида жойлашган Британия Вест-Индияси мустамлакаларидан 1958 йилда ташкил топган федерациядир. Ямайка, Тринидад, Барбадос, Доминикана, Гренада, Сент-Люсия, Сент-Винсент, Антигуа, Монтсеррат ва Сент-Китс-Невис-Ангүилла ороллари унинг составига киради. Ямайка ороли бутун федерация территорияси ва аҳолисининг ярмини ташкил қилади ва Буюк Британиянинг Вест-Индиядаги энг муҳим мустамлакаси ҳисобланади. Унинг Антил ороллари ичида Панама каналига энг яқин турганлиги муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Майдони 20,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 56 минг киши. Аҳолисининг 85 процентини негрлар ташкил қилади. Бундан ташқари мулатлар ва индеецлар ҳам яшайди. Инглиз тили мамлакатда расмий тил ҳисобланади.

Пойтахти Порт-оф-Спейн шаҳри (аҳолиси 120 минг киши).

*Табиий шароити.* Ямайка оролининг ер усти тепаликлардан иборат. Бутун орол бўйлаб қадимий тоғ тизмалари чўзилган бўлиб, шарқ томонда улар кўк тоғлар массивини ташкил қилади. Жануб ва ғарб томонларда тепаликлар ўртасида текисликлар чўзилиб кетган.

Орол табиий бойликларга, айниқса, боксит, гипс, мис ва марганец запасларига бойдир. Бу ерда тропик-денгиз иқлими мавжуд. Иқлимн иссиқ ва сернам. Тез-тез ер қимирайди ва даҳшатли бўронлар бўлиб туради.

Оролнинг анча қисмини қимматли дарахт навларига эга бўлган ўрмонлар қоплаган.

Федерациядаги бошқа ороллар Ямайка ороли билан бир хил табиий шароитларга эгадир.

*Қисқача тарихи.* Вест-Индия Федерациясига кирадиган ороллар тарихий жиҳатдан ҳам кўп ўхшашликларга эга.

Оролларда қадим замонларда индеец қабилалари яшаган. XVI асрнинг бошида испанлар бу оролларни босиб ола бошладилар ва шу асрнинг ўрталарига келиб индеецларнинг кўп қисмини қириб ташладилар. XVII асрда оролларни инглизлар босиб олди. XIX ва XX аср ўрталарида бу ерга шимолӣ америка капитали суқилиб кира бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Англия Вест-Индия федерациясидаги бир қатор территорияларни ҳарбий базалар қуриш учун АҚШ ихтиёрига топширди. Шунинг учун ҳам федерация экономикасига АҚШ монополияларининг суқилиб киришига катта имконият туғилди.

*Хўжалиги.* Федерация экономикаси типик мустамлака характериға эға бўлиб, унинг кўп тармоқларида Англия ва АҚШ монополиялари хўжайинлик қилади. Экономикасининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Экспортнинг кўп қисми ҳам қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Энг яхши ерларни инглиз ва америка монополиялари босиб олган. Деҳқончиликда асосан шакар қамиш, тамаки, қалампир, шолӣ ва маккажўхори экилади ҳамда банан, кофе ва цитрус дарахтлари ўстирилади.

Федерация саноати асосан тоғ-кон корхоналаридан иборат бўлиб, боксит ва нефть қазиб чиқарилади. Ямайка ороли бокситни экспорт қилиш бўйича 1959 йилда дунёда биринчи ўринни эгаллади. Боксит қазиб чиқариш Америка ва Канада компаниялари қўлидадир. Асосий нефть конлари Тринидад оролида жойлашган бўлиб, уни қазиб чиқариш бўйича Британия Ҳамкорлиги мамлакатлари орасида иккинчи ўринда туради.

Экспортнинг асосий қисмини боксит, нефть, қанд ва банан ташкил қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ускуналар, металл буюмлар, газмол ва ёқилғи импорт қилинадиган асосий товарлардир. Федерация асосан Буюк Британия, Канада ва АҚШ билан савдо қилади.

Ишлаб чиқарувчи саноат жуда заиф аҳволда. Масалан, у Ямайка оролида бутун миллий даромаднинг фақат 15 процентинигина беради. Федерацияда қанд ишлаб чиқарувчи, спирт-ром ҳозирловчи ва консерва тайёрлайдиган бир неча корхоналар ҳамда тегирмонлар бор.

*Давлат тузуми.* Инглиз қироли Вест-Индия Федерацияси давлатининг бошлиғи ҳисобланиб, генерал-губернатор унинг номидан ҳукуматни бошқаради. Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган Федерал парламент қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Сенат генерал-губернатор томонидан тайинланадиган 19 аъзодан, Вакиллар палатаси эса сайлаб қўйиладиган 45 депутатдан иборат. Англия қироли

федерал парламент томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаларини ва ҳатто конституциясини ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эга. Генерал-губернатор ҳузуридаги маслаҳат органи— давлат кенгаши бош министр ва унинг тақдимиға мувофиқ генерал-губернатор томонидан тайинланадиган 10 министр-дан иборат.

*Сиёсий партиялари.* Федерал-Лейбористлар партияси. Бу партия асосий партия ҳисобланиб, унинг составига Ямайка Халқ миллий партияси, Барбадос, Гренада ва бошқа оролларнинг Лейбористлар партиялари киради.

## ВИРГИН ОРОЛЛАРИ

Виргин ороллари — Вест-Индиядаги, бир қисми АҚШга ва яна бир қисми Буюк Британияга қарашли ороллар группасидан ташкил топган.

Оролларнинг рельефи текисликлардан иборат. Баъзи жойларида баландлиги 500 метргача бўлган қадимги кристалл ёки вулкан жинсли массивлар бор. Бу ерда қуруқ ва серёмғир мавсумларга эга бўлган тропик иқлим мавжуд.

Оролларнинг туб аҳолиси мустамлакачилар томонидан қириб ташланган. Ҳозирги аҳолиснинг кўпчилиқ қисми Африкадан келтирилган қул-негрларнинг авлодлари ва шунингдек, мулатлардан иборат.

1648 йилда Виргин оролларини голландлар мустамлака қила бошлади. 1666 йилга бориб инглизлар ҳам бу ишга киришди. XVII асрнинг охиридан бошлаб Сент-Жон, Сент-Томас ва Санта-Крус ороллари ва улар атрофидаги майда оролчалар данияликлар томонидан босиб олинди, Дания Вест-Индияси номини олди. XIX аср охирида Виргин ороллариға АҚШ империалистлари кириб кела бошлади. 1898 йилда АҚШ Испания-Америка уруши натижасида илгари Испанияга тегишли бўлган Вьескес ва Кулебра оролларини ўзиники қилиб олди. АҚШ биринчи жаҳон уруши вақтида Данияни қўрқитиб, Дания Вест-Индиясини сотишға мажбур қилди ва сотиб олди. АҚШ бу ороллардан Пуэрто-Рико ороллари ва Кариб денгизи райони бўсағаларини муҳофаза қилишда фойдаланмоқда.

Виргин оролларининг Британияга қарашли қисми Шамолсиз ороллар дейиладиган мустамлаканинг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, 36 та майда ороллардан иборатдир. Шундан 11 тасида аҳоли яшамайди. Тортола, Вержин-Горда ва Анегада ороллари улар ичида энг йирикларидир.

Умумий майдони 174 квадрат километр. Аҳолиси 7 600 кишидан иборат. Бир минг киши яшаб турган Родтаун маъмурий марказ ва порт ҳисобланади.

Хўжаликнинг асосий тармоқлари — деҳқончилик, мевали дарахтлар ва писта кўмир етиштиришдан иборат.

Мустамлакани олий комиссар бошқаради. Шунингдек, учта расмий аъзо (президент вазифасини бажарувчи олий комиссар), тайинланадиган ғайри расмий икки аъзо ва сайлаб қўйиладиган олти аъзодан иборат қонун чиқарувчи кенгаш бор.

Виргин ороллариининг АҚШга қарашли қисми алоҳида мустамлакани ташкил этиб, умумий майдони 345 квадрат километр бўлган Сент-Томас, Сент-Жон ва Санта-Крус деган уч асосий оролдан ҳамда 50 дан ортиқ майда оролчалардан иборат. Аҳолиси 30 минг кишидир. Сент-Томас оролидаги 10 минг аҳолига эга Шарлотта-Аралия — маъмурий марказ ҳисобланади. Виргин ороллари составига кирувчи Вьекес ва Кулебра ороллари маъмурий жиҳатдан АҚШнинг Пуэрто-Рико мустамлакаси составига киради.

Деҳқончилик (шакар қамиш ва сабзавот), чорвачилик (йирик қорамоллар), балиқ овлаш экономиканинг асосини ташкил қилади. Бу ерда спирт-ром заводлари, писта кўмир тайёрлайдиган корхоналар бор.

Ижро этувчи ҳокимият АҚШ ички ишлар министрлигининг олдида жавобгар бўлган губернатор томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи мажлис 16 аъзодан ташкил топган.

## ГАИТИ

(Гаити Республикаси)

Гаити—Марказий Америкада, Вест-Индиядаги Гаити оролининг ғарбий қисмида жойлашган давлат.

Майдони 27,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 3,5 миллион киши бўлиб, унинг 95 проценти негрлардан иборатдир.

Пойтахти Порт-О-Пренс шаҳри (аҳолиси 200 минг киши). Француз тили давлат тили ҳисобланади.

*Табиий шароити.* Гаити ер устининг бешдан тўрт қисмини тоғлар ишғол қилган. Шимоли ғарбдан жануби шарқ томонга ҳамда ғарбдан шарққа қараб чўзилиб кетган тоғ тизмалари ва бир қанча баланд массивлар мамлакатни кесиб ўтади.

Иқлими иссиқ, ўсимликлар олами жуда бой. Мамлакат территориясининг бешдан бир қисми ўрмонлар билан қопланган.

*Қисқача тарихи.* Гаити ороли 1492 йилда европаликлар томонидан кашф этилди. XIX аср охирида иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган бу мамлакатга Америка капитали кириб кела бошлади. 1915 йилда АҚШ Гаитини босиб олди ва уни ўзининг мустамлакасига айлантирди. 1918 йилда мамлакатда босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарилди, лекин америка полицияси ва денгизчилар томонидан раҳмсизларча бостирилди. 1929 йилда кўтарилган деҳқонлар қўзғолони ҳам мағлубиятга учради. 1930 йилга келиб Гаитида босқинчиларга қарши ҳаракат яна кучайиб кетди. 1934 йилда АҚШ ўзининг оккупациячи қуроли кучларини Гаитидан олиб кетишга мажбур бўлди. Лекин, Гаити ҳамон иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан АҚШга қарам бўлиб келмоқда. АҚШ империалистлари Гаитида, ўзларининг ҳукмронлик мавқеларини ҳар қандай йўл билан сақлаб қолиш учун зўр бериб уринмоқдалар.

*Хўжалиги.* Гаити чет эл капитали, айниқса америка капиталининг ҳукмронлиги остида эзилган қолоқ аграр мамлакатдир. Республикада сарфланадиган бутун капиталнинг 70 проценти АҚШ монополиялари ҳиссасига тўғри келади. Энг маҳсулдор ерлар Америка компаниялари қўлида.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида кофе асосий бойлик ҳисобланиб, ундан келадиган даромад давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил қилади. Ишга яроқли аҳолининг 88 проценти қишлоқ хўжалигида банддир.

*Давлат тузуми.* Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, 6 йил муддатга сайланади. 1957 йил сентябридан бошлаб, Вашингтоннинг қўғирчоғи Ф. Дювалье Гаити президенти бўлиб келмоқда. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали миллий ассамблея қўлидадир.

*Сиёсий партиялари.* Миллий бирлик партияси — ҳукмрон партия ҳисобланиб, йирик буржуазия ва амалдорларнинг манфаатини ифодалайди. Аграр-индустириал партия — майда ер эгалари ва деҳқонларни бирлаштирган оппозициячи партиядир; Халқ бирлиги партияси (Коммунистик партия) — меҳнаткашларнинг манфаати йўлида кураш олиб бормоқда.

## ГВАДЕЛУПА

Гваделупа ороли — Вест-Индиянинг Кичик Антил ороллари архипелагининг марказий қисмини ишғол қилган Франция мустамлакасидир. Архипелаг Шимолий Америка билан Жанубий Америка ўртасида бўлиб, Атлантик океанда жойлашган.

Майдони 1,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 271 минг киши, кўпчилиги француз тилида сўзлашувчи мулатлар ва негрлардан иборат.

Маркази Бас Тер шаҳри (аҳолиси 14 минг киши).

Гваделупа халқининг асосий машғулоти қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги кам ерли бўлиб, энг унумдор ерлар европалик плантаторлар қўлида. Плантаторларнинг ерларида ишловчи батрак ва ижарачи деҳқонлар раҳмсиз эксплуатация қилинади. Шакар қамиш бу ерда асосий қишлоқ хўжалик экини ҳисобланади. Шунингдек, банан, кофе, какао ва ваниль каби меваги дарахтлар ўстирилади.

Саноат жуда суст ривожланиб, кичик қанд заводлари ва бошқа майда корхоналардангина иборат. Оролда темир йўллари йўқ. Европа, Шимолий ва Жанубий Америка билан пароход йўллари ва АҚШ контроллигида бўлган ҳаво йўллари востасида боғлангандир.

Четга асосан қанд, ром, банан, кофе, какао ва ваниль каби маҳсулотлар чиқариб, четдан саноат товарлари, нефть, ёғоч ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

1947 йилда Гваделупага расман бўлса-да, Франциянинг денгиз орти департаменти номи берилди, аслида эса у француз мустамлакаси бўлиб қолмоқда.

Гваделупа Коммунистик партияси меҳнаткашлар манфатини ҳимоя қилувчи ягона сиёсий ташкилотдир.

## ГВАТЕМАЛА

Гватемала — Марказий Америкада жойлашган давлат. У Мексика, Гондурас ва Сальвадор билан чегарадош бўлиб, жануб томонда Тинч океан билан ўралган.

Майдони 108,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 700 минг киши. Аҳолисининг сони жиҳатидан Гватемала Марказий Америка республикалари орасида энг каттасидир. Гватемала аҳолисининг 60 процентига яқини испан тилида сўзлашадиган индеецлардан иборатдир.

Пойтахти Гватемала шаҳри (аҳолиси 350 минг киши).

*Табий шароити.* Гватемала Марказий Америка республикалари орасида энг ғарбда жойлашган бўлиб, унинг жануб томонини Тинч океан паст текислиги ўраб туради, марказий қисмини эса вулканли ва қат-қат ясси тоғлар ишғол қилган. Шимолдан Марказий Гватемала қирларига қадар чўзилиб келган Петен ясси тоғлари бутун мамлакат территориясининг учдан бир қисмини ишғол этган.

Мамлакатнинг Тинч океан қирғоқлари иссиқ, марказий тоғли районлари ўртача ва Петен области эса тропик иқлимга эга.

Гватемаланинг анча қисмини қимматбаҳо дарахтларга бой тропик ўрмонлар қоплаган.

*Қисқача тарихи.* 1522—1524 йилларда Гватемала территорияси испанлар томонидан босиб олиниб, индеец қабидаларининг кўплари бутунлай қириб ташланди. 1821 йилда Гватемала Испаниянинг асоратидан қутулди. 1839 йилда республика деб эълон қилинди. Консерваторлар партиясининг бошлиғи — президент Эстрада Кабреранинг диктатураси даврида (1898—1920 йиллар) мамлакат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан АҚШ қарамлигига тушиб қолди.

Биринчи жаҳон уруши даврида Гватемала герман ва испан агентларининг кўпурувчилик маконига айланди. Иккинчи жаҳон урушида эса Гватемала Япония, Германия ва Италияга қарши уруш эълон қилиб, ўзининг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаларини АҚШ ихтиёрига топширди. 1958 йилда генерал М. Идигорас Фуэнтес Гватемала президенти қилиб сайланди. Америка монополияларининг бу гумаштаси мамлакатда халқ манфаатларига зид диктаторлик тузуми ўрнатди.

*Хўжалиги.* Гватемала — қоқоқ аграр мамлакатдир. Унинг экономикасида америка капитали ҳал қилувчи позицияларни эгаллаган.

Мамлакат экономикасининг асосини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалигида натурал маҳсулотлар етиштирадиган йирик капиталистик плантациялар билан ярим натурал деҳқон хўжаликларининг бирга қўшилиб кетиши характерлидир.

Қишлоқ хўжалигида асосан кофе ва банан етиштирилади. Кофе етиштириш бўйича Гватемала дунёда тўртинчи ўринда туради.

Гватемала аҳолисининг истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулоти — маккажўхоридир. Бундан ташқари лўвия, бугдой ва картошка, техника экинларидан эса пахта экилади.

Чикле (ёғоч смоласи) етиштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Гватемала бу соҳада дунёда Мексикадан сўнг иккинчи ўринда туради.



Мамлакат саноати асосан тоғ-кон корхоналаридан, шунингдек, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноат тармоқларидан иборатдир. Тоғ-кон саноати бутунлай Америка фирмаларига қарашлидир. Озиқ-овқат ва енгил саноат асосан спиртли ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қоғоз, оёқ кийим ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик фабрикалардан иборатдир. Халқ истеъмоли товарларининг кўп қисми ҳунармандчилик корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Гватемала экономикаси америка капиталига қарамдир. Мамлакатдаги кофе ва банан плантацияларининг деярли ҳаммаси Америка компаниялари қўлида. Бу компаниялар Гватемала халқини шафқатсиз эксплуатация қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда электростанциялар, темир йўллар, тўқимачилик, озиқ-овқат заводлари, савдо ва алоқа воситалари ҳам америка компанияларига бўйсундирилгандир.

Гватемала халқи очлик ва ялангочликда кун кечиришга мажбур. Мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисми ўқиш ва ёзишни бутунлай билмайди. Гватемалаликлар ўзларининг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ҳукмрон режимга қарши ва миллий мустақиллик учун курашмоқдалар.

Чет элларга кофе, банан, эфир мойи, қимматбаҳо нав ёғочлар, смола ва чикле чиқаради; четдан саноат товарлари, ёқилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

*Давлат тузуми.* 1956 йил конституциясига мувофиқ, Гватемала буржуа республикаси давлати деб юритилади. Давлат бошлиғи — президент 6 йил муддатга сайланади. 1958 йилдан бери генерал М. Идигорас Фуэнтес Гватемала президенти дир. Бир палатали Конгресс Гватемалада қонун чиқарувчи олий орган бўлиб, унинг депутатлари тўрт йил муддатга сайланади. Ҳозирги вақтда бу қонун чиқарувчи органнинг кўпчилиги аъзолари антидемократик партия вакиллари билан иборат.

*Сиёсий партиялари.* Гуноҳни ювиш партияси — 1957 йилда тузилган, ҳозир ҳукмрон партия. Бу партия йирик буржуазия ва помешчиклар манфаатларини ифода этади. Америка империализми билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш тарафдоридир; Миллий демократик ҳаракат партияси—1957 йилда ташкил қилинган. Бу партия АҚШ монополиялари билан яқиндан алоқа қилади; Меҳнат партияси (собиқ Гватемала Коммунистик партияси)—1954 йилда тақиқланган. Бу партия миллий мустақилликка эришиш учун, мамлакатда Америка монополияларининг ҳукмронлик қилишига қарши кураш олиб бормоқда.

## ГВИАНА

Гвиана — Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган мамлакатдир. Майдони 450 минг квадрат километр. Аҳолиси 800 минг киши. Мустамлакачилар томонидан парчаланиб ташланган Гвианани Буюк Британия, Нидерландия ва Франция ўзаро бўлиб олишган.

## НИДЕРЛАНДИЯ ГВИАНАСИ

Нидерландия (Голландия) Гвианаси ёки Суринам—Жанубий Американинг шимоли-шарқида, Британия Гвианаси билан Франция Гвианаси ўртасида жойлашган Нидерландия мустамлакасидир. Майдони 142,8 минг квадрат километр. Аҳолиси (1958 йил ҳисоби билан) 267 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини креоллар, индеецлар, яваликлар ва хитойлар ташкил қилади. Шунингдек, голландияликлар ва бошқа оқ танли халқлар ҳам яшайди (булар асосан плантаторлар ва мустамлака маъмурларидан иборат). Бу ердаги халқлар голланд, инглиз, ява ва бошқа маҳаллий тилларда сўзлашадилар.

Парамарибо порти (аҳолиси 97 минг киши) Суринамнинг маъмурий маркази ҳисобланади.

*Қисқача тарихи.* Мамлакатни босиб олган Европа мустамлакачилари XV—XVI асрлар орасида маҳаллий индеец қабилаларининг кўпини қириб ташладилар. Мустамлакачилар томонидан қаттиқ эксплуатация қилинган негрлар бир неча бор қўзғолон кўтардилар. Лекин, бу қўзғолонлар ҳар сафар шафқатсиз равишда бостирилди. XVII—XVIII асрларда негрларнинг бир қисми плантациялардан қочиб, ўрмонларга кетдилар ва мустақил «ўрмон негрлари» жамоасини туздилар. «Ўрмон негрлари» ҳукумат қўшинларига қарши муваффақиятли партизан урушлари олиб бордилар.

1796—1802 ва 1803—1816 йиллар мобайнида Нидерландия Гвианаси инглизлар қўл остида бўлди. Англия 1816 йилда Лондон битимига (1914 йилги) мувофиқ Нидерландия Гвианасининг бир қисмини Голландияга қайтариб берди. Унинг қолган қисми Британия Гвианаси номи билан Англия мустамлакасига айлантирилди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Нидерландия Гвианасида АҚШ қўшинлари турди. 1950 йилда мамлакат ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Лекин, амалда эса бутун ҳокимият губернатор қўлида қола берди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка монополияларининг мамлакатга суқилиб кириши анча кучайди. Кейинчалик, бу монополиялар Нидерландия Гвианасининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига бутунлай хўжайин бўлиб олдилар.

*Хўжалиги.* Ишга яроқли аҳолининг 70 проценти қишлоқ хўжалигида банд, етиштириладиган маҳсулот аҳоли эҳтиёжларини тўла қондиrolмайди. Экиладиган ер майдони 29 минг гектарни ташкил қилади. 5 минг гектар ер яйловлардан иборат. Асосан шoли ва шакар қамиш экилади. Шунингдек, цитрус дарахтлари, кофе, какао ва банан ўстирилади. Экишга яроқли ерларнинг 65 проценти компаниялар ва плантаторларга қарашли. Ўрмонларда қимматли дарахт навларидан ёғоч материаллари тайёрланади.

Нидерландия Гвианаси 1958 йилда 2 861 минг тонна боксит қазиб чиқариб, капиталистик оламда иккинчи ўринни ишғол қилди.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи саноати жуда заиф аҳволда бўлиб, шoли оқлайдиган тегирмонлар, 3 қанд завод, 2 гугурт фабрикаси ва 2 оёқ кийим фабрикаларидан иборат, холос.

*Давлат тузуми.* Нидерландия Гвианаси — Нидерландия қироллигининг автоном қисми деб эълон қилинган бўлса-да, амалда мустамлака бўлиб қолмоқда. Нидерландия қироли томонидан тайинланадиган ва фақат унинг олдида жавобгар бўлган губернатор—мустамлака ҳукуматининг бошлиғи ва қиролнинг бу ердаги вакили ҳисобланади. 9 аъзодан иборат бўлган Министрлар Совети губернатор томонидан тайинланади ва қонун чиқарувчи кенгаш олдида жавобгар ҳисобланади. Қонун чиқарувчи кенгаш 4 йил муддатга сайланиб, 21 аъзодан ташкил топган. Шунингдек, губернатор ҳузурида 5 аъзоси бўлган Кузатиш кенгаши ҳам бор.

## ФРАНЦИЯ ГВИНАСИ

Франция Гвианаси — Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган Франция мустамлакасиدير. Нидерландия Гвианаси ва Бразилия билан чегарадош. Шимоли-ғарб томонини Атлантик океан ўраб туради.

Майдони салкам 90 минг квадрат километр. Аҳолиси (1956 йил ҳисобига кўра) 29 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини индеецлар, креоллар, французлар ва метислар ташкил қилади.

Маъмурий маркази Кайенна шаҳри (аҳолиен 13 минг киши).

*Қисқача тарихи.* Гвианада биринчи француз мустамлакачилари XVII аср бошида пайдо бўлди. Французлар Кайенна шахридаги маҳаллий индеецларни суриб чиқардилар ва бир қисмини қириб ташладилар. 1667 йилда Кайеннага инглизлар босиб кирдилар ва шаҳарни вайрон қилдилар. 1674 йилда бу ерлар Франция подшолигининг мулки деб эълон қилинди.

Франция Гвианаси жуда қолоқ мамлакатдир. Аҳолининг асосий машғулоти шакар қамиш ўстиришдан иборат бўлиб, етиштириладиган ҳосилнинг қарийб ҳаммаси ром ишлаб чиқаришга кетади. Умумий экин майдони 3 минг гектар бўлиб, асосан шоли ва жўхори экилади, какао, банан ва шакар қамиш ўстирилади. Мамлакат территориясининг 80 минг квадрат километр майдони ўрмонлар билан қопланган бўлиб, йилига 10 минг куб метрга яқин ёғоч (асосан қаттиқ дарахт навларидан) тайёрланади.

Ер остида аниқланган темир рудаси, боксит ва рангли металллар запаслари ичидан фақат олтин қазиб чиқарилади ва экспорт қилинади. Олтин бутун экспортнинг салкам 50 процентини ташкил қилади.

*Давлат тузуми.* 1946 йил 19 мартда Франция Гвианаси номигагина Франциянинг «Денгиз орти департаменти» сифатида қайта тузилди ва ҳозир француз префекти ҳамда 15 аъзога эга бўлган Бош Кенгаш томонидан идора қилинмоқда. Франция Гвианаси Франция Миллат мажлисида бир депутатга эга.

## БРИТАНИЯ ГВИАНАСИ

Британия Гвианаси — Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган Буюк Британия мустамлакаси эди. У Венесуэла, Бразилия ва Нидерландия Гвианаси билан чегарадош. Шимол томони Атлантик океан билан ўралган.

Майдони 215 минг квадрат километр. Аҳолиси 540 минг киши. Аҳолисининг 50 проценти Ҳиндистондан келтирилган халқлар, 38 проценти негрлар ва 12 проценти мулатлардир. Мамлакатнинг туб халқи бўлган индеецларнинг кўпчилиги европалик мустамлакачилар томонидан қириб ташланган. Давлат тили инглиз тили ҳисобланади.

Жоржтаун шаҳри муҳим порт ва маъмурий марказ ҳисобланиб, унинг аҳолиси 120 минг кишидир.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Британия Гвианаси XV ва XVI асрларда испан денгиз сайёҳлари томонидан кашф этилган. XVI асрнинг охирида инглиз ва голланд экспедициялари пай-

до бўла бошлайди. XVIII асрнинг охирига қадар бу территория Голландия мамлакатининг контроллиги остида бўлиб келди. 1814 йилги инглиз-голланд битимига мувофиқ, Голландияга қарашли Эсекибо, Демерара ва Бербис мустамлакалари Англияга ўтди ва 1831 йилда Британия Гвианаси номи билан алоҳида мустамлака бўлиб бирлашди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги вақтларда Британия Гвианасига АҚШ капиталининг таъсири кучайди.

*Хўжалиги.* Қишлоқ хўжалиги — мамлакат экономикасининг асосидир. Бу ерда асосан шакар қамиш ўстирилади. Аҳолининг ярмига яқини шакар қамиш ўстириш ва қанддан ароқ тайёрлаш саноатида банддир. Қанд ишлаб чиқариш инглиз компанияларига қарашлидир. Майда фермер хўжаликларида шоли экилади, кокос, кофе ва какао ўстирилади ҳамда оз миқдорда каучук етиштирилади. Мамлакат территориясининг 80 проценти ўрмонлар билан қопланган.

Тоғ-кон асосий саноат тармоғи ҳисобланиб, мамлакат боксит қазиб чиқариш бўйича капиталистик оламда учинчи ўринда туради. Боксит қазиб чиқариш америка ва канада монополиялари қўлидадир.

Боксит, қанд, ром, гуруч, ёғоч-тахта ва олмос каби товарлар экспортнинг асосий қисмини ташкил қилади. Импорт эса, асосан, металл буюмлари, газмол, нефть маҳсулотлари ва ғалла каби товарлардан иборат.

*Давлат тузуми.* 1956 йилги конституцияга мувофиқ, 23 аъзо ва спикердан иборат қонун чиқарувчи кенгаш ҳамда 9 аъзога эга бўлган ижро этувчи кенгаш ташкил этилди. Қонун чиқарувчи кенгашда кўпчилик ўринни халқ-прогрессив партияси эгаллаган. Миллий-озодлик ҳаракати натижасида 1959 йилда губернатор ҳуқуқлари бирмунча чекланган эди. 1961 йилда Британия Гвианаси мустақил республика деб эълон қилинди.

## ГОНДУРАС

Гондурас — Марказий Америкада жойлашган давлат. У Гватемала, Сальвадор ва Никарагуа билан чегарадош. Унинг шимол ва шимоли-шарқи эса Кариб денгизи билан ўралган.

Майдони 112 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллионга яқин киши. Аҳолисининг 85 процентини испанлар билан индеецларнинг қўшилишидан бўлган «ладинос»лар ташкил қилади. Улар испан тилида сўзлашадилар.

Пойтахти Тегусигальпа шаҳри (аҳолиси 103 минг киши). *Табиий шароити.* Гондураснинг ер усти асосан тепаликлардан иборатдир. Қариб денгизининг қирғоқларида унча кенг бўлмаган паст текислик чўзилиб ётади.

Иқлими мамлакатнинг шимолида иссиқ ва нам, жанубида иссиқ ва қуруқдир. Тоғ ён бағирлари ўрмонлар билан қопланган.

*Қисқача тарихи.* Гондурас Колумб экспедицияси томонидан 1502 йилда кашф этилди ва кўп ўтмай испанлар томонидан босиб олинди. 1821 йилда у Испаниядан ажралиб, мустақил давлат сифатида майдонга чиқди. 1823 йилда Марказий Америка Республикалари Федерациясига (ўша вақтда тузилган) аъзо бўлиб кирди.

Гондураснинг кейинги тарихи Марказий Американинг бошқа республикалари тарихи каби консерватив ва либерал партияларнинг ўзаро курашлари ҳамда ҳарбий тўнтаришлардан иборат бўлди. Мамлакатнинг географик ҳолати, яъни Америка республикаларининг марказида жойлашганлиги уни ўша республикалар ўртасида рўй берган ўзаро ҳарбий тўқнашувларнинг ҳаммасида иштирок этишга мажбур этиб келди.

*Хўжалиги.* Гондурас иқтисодий жиҳатдан Латин Америкасидаги энг қолоқ мамлакатлардан биридир. Унинг экономикаси АҚШ монополияларига бутунлай қарамдир. Санатда мамлакат аҳолисининг фақат 6 процентигина банддир. Энг яхши экин экиладиган ерлар, ўрмонлар, фойдали қазилма бойликлари, айниқса олтин, кумуш ва темир руда конлари, портлар ҳам темир йўллар америкаликларга қарашлидир.

Гондурас экономикасининг асосини банан етиштириш, ёғоч тайёрлаш ва кумуш қазиб чиқариш ташкил қилади.

Гондурас аҳолисининг 90 процентга яқини саводсиздир.

*Давлат тузуми.* Гондурас — буржуа республикаси бўлиб, унинг амалдаги конституцияси 1957 йил 21 декабрда қабул қилинган. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Давлат ҳокимиятининг олий органи 58 депутатдан иборат бўлган бир палатали Миллий Конгрессдир.

*Сийёсий партиялари.* Либераллар партияси — ҳукмрон партия, миллий буржуазия манфаатларини ифода этади ва мамлакатда баъзи бир социал ҳам иқтисодий ислохотлар ўтказиш тарафдоридир; Националистик (миллатчи) партия — йирик буржуазия ва помешчикларнинг «Юнайтед фрут компани» номли америка компанияси билан маҳкам боғланган кишиларни бирлаштириб, ҳукуматга нисбатан оппозицияда туради; Миллий ислохот ҳаракати партияси — буржуазия ва

зиёлиларнинг бир қисмини бирлаштиради. Бу партия миллатчилар партияси билан биргаликда иш олиб боради; Коммунистик партия — 1954 йилда тузилиб, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

## ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ

Доминикана Республикаси — Марказий Америкада бўлиб, Гаити оролининг шарқий қисмида жойлашган давлатдир. У Гаити республикаси билан чегарадош. Шимолда Атлантик океан билан, жанубда Қариб денгизи билан ўралгандир. Мона бўғози шарқда уни Пуэрто-Рико оролидан ажратиб туради.

Майдони 48,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 894 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини мулатлар (испан мустамлакачиларининг қул-негрлар билан аралашшидан келиб чиққан халқлар), креоллар ва негрлар ташкил қилади.

Пойтахти Санта — Доминго шаҳри (аҳолиси 261 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакатнинг марказий қисми тоғлик районлардан, жанубий, жануби-шарқий районлари эса паст текисликлардан иборат. Тоғлар доим кўм-кўк ўрмонлар билан қопланган. Мамлакатда тропик иқлим мавжуддир.

*Қисқача тарихи.* Гаити ороли 1492 йилда Колумб томонидан кашф этилди. Уша вақтларда оролда индеецларнинг аровак ва караи қабилалари яшаган. Бу қабилалар кейинчалик испанлар томонидан батамом қириб ташланди. Мустамлакачилар Гаити оролига конларда ва шакар қамиш плантацияларида ишлатиш учун кўплаб негр-қулларни кўчириб келтирдилар. 1697 йилнинг охирида Гаити оролининг шимоли-ғарбий қисми французлар, шарқий қисми эса испанлар қўл остига ўтди. 1795 йилда Франция оролнинг бутун территориясини ўз қўл остида бирлаштирди. 1808 йилда эса испанлар Санто-Домингони яна қайтадан босиб олдилар. 1844 йилда мустақил Доминикана Республикаси барпо этилди.

XX асрнинг бошидан бошлаб Доминикана Республикаси Америка Қўшма Штатларининг таъсири остига ўта бошлади.

1916 йилда эса АҚШ Доминикана Республикасини босиб олди. Доминикана Республикаси амалда Америка империализмининг мустамлакасига айланиб қолди ва Американинг

Кариб денгиздаги энг муҳим стратегик пунктига айлан-тирилди.

*Хўжалиги.* Доминикана Республикаси — аграр мамлакатдир. Қишлоқ хўжалигида шакар қамиш ўстириш етакчи ўрин тутади. Шунингдек какао, кофе, шоли, маниок, банан ва дук-какли экинлар ўстирилади.

Мамлакатда қанд ишлаб чиқариш саноати ривожланган (йилига 967 минг тонна қанд ишлаб чиқарилади). Саноатнинг бошқа тармоқлари эса эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарадиган майда корхоналардан иборат. Энг йирик плантациялар, қанд заводлари, электр станциялари, темир йўл ва ҳаво йўллари Америка компанияларига қарашлидир. Америка ва Канада компаниялари мамлакатда нефть, боксит ва бошқа табиий бойликлар конларини қидириш ва уларни ишга солиш юзасидан кўп ҳаракат қилмоқдалар.

*Давлат тузуми.* Доминикана Республикасида америка империалистларининг гумаштаси Трухильонинг ҳарбий диктатураси ўрнатилган эди. Республиканинг ҳозирги президенти Балагер америка империалистлари ва Трухильо чизган чизиқдан чиқмайди ҳамда амалда уларнинг содиқ малайига айланиб қолган. Икки палатадан иборат бўлган конгресс АҚШ монополияларининг манфаатини кўзловчи ҳар қандай қонун чиқаришга тайёр.

*Сиёсий партиялари.* Мамлакатда расман биттагина сиёсий партия Доминикана партияси бор. Бу партия йирик буржуазия ва давлат амалдорларини ўз атрофида бирлаштирган. Доминикана халқ социалистик партияси (Коммунистик партия) — яширин иш олиб боради.

Доминикана Республикасининг халқлари Трухильонинг қонли диктатурасига қарши курашни тобора кенгайтirmoқда. Мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур этилган Доминикана ватанпарварлари 1959 йилнинг бошида «Доминикана озодлик ҳаракати» ташкилотини туздилар. Бу ташкилот ўз олдига Трухильо диктатурасини ағдариш ва мамлакатда демократик тузум ўрнатишни мақсад қилиб қўйган.

## КАНАДА

Канада — Шимолий Американинг шимолий ярмини (Аляскадан ташқари) ишғол қилган. Буюк Британия доминионидир. Жанубда АҚШ, шимоли-ғарбда эса АҚШга қарашли Аляска ярим ороли билан чегарадош. Шимолда уни Шимолий Муз океани ўраб туради. Бу океanning Арктика сувлари орқа-



ли Канада Совет Иттифоқи билан қўшнидир. Шарқда Канада Атлантик океан билан ўралиб, бошқа мамлакатлар билан алоқа қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Атлантик океандаги Ньюфаундленд ороли Канадага қарайди. Канаданинг ғарбий қирғоқларини Тинч океан ўраб туради.

Майдони 9974 минг квадрат километр. Аҳолиси 17,8 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини Европа ва АҚШ дан кўчиб келган кишиларнинг авлоди — канадаликлар ташкил қилади.

Пойтахти Оттава шаҳри (аҳолиси 242 минг киши).

*Табиий шароити.* Канада территорияси асосан тундра ва тайга зонасида жойлашгандир. Мамлакат ўзининг табиий хусусиятларига кўра икки асосий қисмга: кичикроқ — ғарбий ва каттароқ — шарқий қисмларга бўлинади. Шарқий қисм асосан паст текисликлар ва ясси тоғлардан иборат. Ғарбий қисмини эса баланд Кордильера тоғлари ишғол қилган. Мамлакатнинг жануби-шарқий томонида ёнғингарчилик кўп бўлади ва бу ерлар ем-хашак ҳамда сабзавот экинлари экиш учун, шунингдек, боғдорчилик учун қулай ерлар ҳисобланади. Энг жануб ва жануби-шарқ томонлардан ташқари мамлакатнинг қолган ҳамма қисми шимолга томон тундра билан алмашилиб кетадиган игнабаргли ўрмонлар билан қопланган. Канада территориясининг кўпчилик қисми муътадил иқлим зонасида жойлашган бўлиб, унинг шимол томонларида субарктик ва арктик иқлим ҳокимдир.

Канада ер ости фойдали қазилмаларга бой. Мамлакатнинг турли районларида кўмир, нефть, темир рудаси, рангдор металллар, олтин, платина ва асбест конлари бор. Гидроресурс запаслари жуда ҳам катта. Ўрмон мамлакат территориясининг 35 процентини ишғол қилиб, Канада экономикасида муҳим роль ўйнайди. Қирғоққа яқин денгиз сувларида ва ички сувларда балиқ кўп.

*Қисқача тарихи.* XVI аср охирларида Канаданинг шарқий қирғоқларига француз эмигрантларининг дастлабки группалари кўчиб кела бошладилар. XVII асрнинг ўрталарида бу эмигрантлар мамлакат территориясининг кўп қисмига жойлашиб олдилар. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса инглизлар, шотландлар ва ирландлар кўплаб кўчиб келдилар. Кейинчалик Канаданинг бутун территорияси Англияга тобе бўлиб қолди.

Канада вилоятларининг тарқоқлиги ва бир-бири билан ўзаро боғланмаганлиги мамлакат хўжалигини ривожлантириш учун жиддий тўсиқ бўлиб келди. XIX асрнинг 60 йилларида Канададаги инглиз мустамлакаларини бирлаштириш учун ҳаракат бошланди. Натижада, 1867 йилда Шимоллий

Америкадаги инглиз мустамлакаларининг Федерацияси тузилди. Канада Доминиони деб аталган бу Федерацияга қонун чиқаришдан ташқари барча бошқа ҳуқуқлар берилди.

Канада бошқа давлатлар билан бевосита муносабатлар ўрнатиб, Биринчи жаҳон урушидан кейин Англиянинг воситасисиз тўғридан-тўғри бир қанча мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар боғлади. Канада 1919 йилги Версаль шартномасига қўл қўйди ва Миллатлар Иттифоқига аъзо бўлиб кирди. 1931 йилда инглиз парламенти томонидан қабул қилинган Вестминистр статутини Канаданинг ташқи ва ички алоқаларда мустақил эканлигини қонуний жиҳатдан расмийлаштирди.

*Хужалиги.* Яқин ўтмишда Канада қолоқ аграр мамлакат эди. Лекин, сўнгги 50—60 йил давомида мамлакат экономикаси тез суръатлар билан ривожланди. Эндиликда Канада қишлоқ хўжалик товарларини кўплаб етиштирувчи мамлакат ҳисобланади, унинг хўжалиги АҚШнинг қўшни районларидаги капиталистик фермер хўжаликларига ўхшашдир. Канада буғдой етиштириш бўйича капиталистик мамлакатлар ўртасида АҚШ дан кейин иккинчи, буғдой экспорти бўйича эса биринчи ўринда туради.

Канаданинг чорвачилиги сермаҳсул бўлиб, унинг маҳсулотлари маълум миқдорда экспорт қилинади. Чорвачиликнинг қишлоқ хўжалигидаги ҳиссаси 1959 йилда 65 процентни ташкил қилган. Фермаларни ихтисослаштириш ва мустаҳкамлаш процесси тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Умумий фермаларнинг салкам 38 проценти мамлакат қишлоқ хўжалигидаги етиштирилаётган товар маҳсулотининг фақат 6,7 процентинигина беради.

Канада реактив самолётлар ва ҳозирги замон техникасининг энг сўнгги ютуғи ҳисобланган атом реакторларини ҳам ишлаб чиқаради. Қоғоз-целлюлоза ва ёғочсозлик, озиқ-овқат, рангли металллар, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик ва кимё саноатлари мамлакатнинг асосий саноат тармоқлари ҳисобланади. Гидроресурслар саноатнинг энергетика базасидир. Кўп миқдорда қазиб чиқариладиган рангли металл рудаларидан мис, рух, қўрғошин ва никель эритиб олинади. Никель эритиш ва асбест қазиб олиш жиҳатидан Канада капиталистик мамлакатлар ўртасида биринчи ўринда, алюминий эритишда эса АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариладиган никелнинг 4/5 қисми ва қазиб чиқариладиган асбестнинг 3/4 қисми Канада ҳиссасига тўғри келади. Бинокорликда ишлатиладиган ёки тахта қилинадиган ёғоч тайёрлашда Канада капиталистик

мамлакатлар ўртасида АҚШ дан кейин туради. Канада қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳам АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Канада саноати мамлакат ичида ва ташқи бозорда Америка монополияларининг кескин рақобатлари натижасида ўз маҳсулотларини сотишда муттасил қийинчиликларга дучор бўлиб келмоқда.

Канада чет элларга газета қоғозлари, буғдой, ёғоч-тахта, қоғоз массаси, никель, уран концентратлари, алюминий ва мис чиқаради; чет эллардан ускуналар, нефть хом ашёси, қишлоқ хўжалик машиналари ва трубалар келтиради. Мамлакат экспортининг 62 проценти ва импортининг 68 проценти АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ нинг дунё бозоридаги экспансияси ҳамда Канада экономикасининг ҳарбийлаштирила бориши, бунинг натижасида кенг халқ оммасининг харид қобилиятининг узлуксиз заифлашиб бориши, ишлаб чиқаришнинг камайиши ва аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Мамлакатда солиқлар кўпайиб, халқ истеъмол қиладиган маҳсулотлар нархи ошиб кетмоқда. 1960 йилнинг бошида Канадада 555 минг ишсиз бўлиб, бу мамлакатдаги ишчиларнинг талай процентини ташкил қилади.

*Давлат тузуми.* Канада Англиянинг доминиони бўлиб, мамлакат Буюк Британия қироли номидан иш юритувчи генерал-губернатор томонидан идора қилинади. Парламент — қонун чиқарувчи олий орган ҳисобланиб, унинг составига инглиз қироли (1952 йилдан буён қиролича Елизавета II) ҳамда икки палата — генерал-губернатор томонидан умрбод тайинланган 102 сенатордан иборат Сенат ва аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланадиган 265 депутатли Умум палатаси киради. Давлат тузумининг формаси жиҳатидан Канада федерация бўлиб, 10 вилоят ва 2 райондан иборатдир.

*Сиёсий партиялари.* Прогрессив консерваторлар партияси — 1854 йилда тузилиб, ҳозир ҳукмрон партиядир. Бу партия бир тўда монополистик буржуазия манфаатларини ифода қилади ва АҚШ билан мустақкам алоқада бўлган ҳолда, Буюк Британия билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоридир; Либераллар партияси — монополистик буржуазия манфаатларини ифодалаб, ўз фаолиятида асосан Америкага ён босади; Коммунистик партия — 1922 йилда тузилган, 1943 йилдан 1959 йилнинг октябрига қадар «Прогрессив ишчи партияси» номи билан аталган. Меҳнаткашлар манфаатини изчил ҳимоя қилмоқда.

## КОЛУМБИЯ

(Колумбия Республикаси)

Колумбия— Жанубий Американинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. У Эквадор, Перу, Бразилия, Венесуэла ва Панама билан чегарадош. Ғарб томонда Тинч океан ва шимоли-ғарбда Кариб денгизи билан ўралган.

Майдони 1138,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 13 миллион 824 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини метислар ва креоллар, оз қисмини эса мулатлар, индеецлар ва негрлар ташкил қилади. Давлат тили испан тили ҳисобланади.

Пойтахти Богота шаҳри (аҳолиси 800 минг киши).

*Табиий шароити.* Колумбиянинг ғарбий қисмини Шарқий, Марказий ва Ғарбий Кордильера номли учта тоғ тизмаларидан иборат Анд тизмалари ишғол қилган. Шарқий ва Марказий Кордильера тоғлари орасида Магданена дарё водийси, Марказий ва Ғарбий Кордильера тизмалари орасида эса Магдалена дарёсининг йирик Куаки ирмоғи водийси жойлашган. Марказий Кордильера тоғларининг жанубий ва ўрта қисмларида вулканлар бор. Мамлакат шимолининг баъзи жойлари ботқоқликлардан ва ўтлоқ ерлардан иборат паст текислик жойлашган. Магдалена соҳилидан денгиз қирғоғи бўйлаб шарқ томонга Сьерра-Невада-де-Санта-Марта тоғ тизмалари чўзилиб кетган. Колумбиянинг шарқий қисми эса Ориноко ва Амазонка дарё ҳавзаларидаги текисликлардан иборат.

Колумбия экватор иқлимига эга бўлиб, жануб томонда ёнғингарчилик йил бўйи бўлиб туради. Шимолда эса муссонли экватор иқлими мавжуд.

Колумбияда жуда кўп дарёлар бор. Ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир. Жанубий паст текисликлар ва тоғ ён бағирлари жуда кўп пальмазорлар, тропик ўрмонлар билан қоплангандир. Денгиз соҳили бўйлаб манго (анбаҳ) бутазорлари ўсади.

*Қисқача тарихи.* Испанлар босқинчилигига қадар Колумбия территориясида асосан индеецларнинг чибча қабилалари яшаган. Испан мустамлакачилари 1536—1540 йилларда Колумбияни босиб олиб, уни Янги Гренада қиролиги номи билан ўз мустамлакаларига айлантирдилар.

Янги Гренада республикаси 1831 йилда барпо этилди, 1863 йилда эса мамлакат Колумбия Қўшма Штатлари номини олди. 1886 йилда Марказлашган Колумбия Республикаси тузилди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги давр — Қолумбия учун иқтисодий ривожланиш ва мамлакатга АҚШ капитали кириб келишининг кучайиш даври бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда империализмга қарши кураш кенг қўлоқ ёзмоқда.

*Хўжалиги.* Колумбия — чет эл капитали, асосан Америка капиталига қарам бўлган қолоқ аграр мамлакатдир. У амалда империалистик давлатларга ва, биринчи навбатда, АҚШ га хом ашё етказиб берувчи мамлакатга айланиб қолган.

Колумбия экономикасининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил қилади. Кўп ерлар йирик ер эгалари ва чет эл компанияларига қарашлидир. Ҳар бири 50 гектар ерга эга бўлган хўжаликлар мамлакатдаги мавжуд хўжаликларнинг 90 процентини ташкил қилади. Деҳқонларнинг 79 проценти бутунлай ерсиздир. Колумбия қишлоқ хўжалиги бир томонлама ривожланган бўлиб, кофе етиштириш ва уни экспорт қилишга ихтисослаштирилгандир. Бу ҳол эса мамлакат экономикасига жиддий зарба бермоқда. Асосан, озиқ-овқат экинларидан маккажўхори, шоли ва техника экинларидан пахта экилади.

Чорвачилик деҳқончилик каби муҳим аҳамиятга эга бўлма-са-да, лекин мамлакат экономикасида катта ўрин тутлади.

Колумбия саноат жиҳатидан жуда заиф ривожланган мамлакат. Америка монополиялари контроллиги остида бўлган кон саноати мамлакат саноатида етакчи роль ўйнайди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи саноати асосан озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати тармоқларидан иборат. Ташқи савдоси эса ярим мустамлакачилик, қарам характериға эгадир. Кофе, нефть ва олтин каби товарлар мамлакат экспортининг асосини ташкил қилади. Айниқса, кофе бутун экспортнинг 80 проценти ташкил қилиб, йилига 326,4 минг тонна кофе четга чиқарилади. Лекин, мамлакат йилига 70 миллион доллардан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четдан келтиришга мажбурдир. Бу эса бутун импортнинг 25 процентини ташкил қилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи саноат учун хом ашё ва ускуналар ҳам четдан келтирилади.

*Давлат тузуми.* Колумбия — буржуа помещиклар республикасидир. Ижро этувчи ҳокимият президент қўлида бўлиб, у сайлов йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият — конгресс 4 йил муддатга сайлан-диган Сенатдан ва 2 йилда бир сайланадиган вакиллар пала-тасидан ташкил топгандир.

*Сийсий партиялари.* Консерватив партия — йирик помещик ва буржуазиянинг манфаатларини ифодалайди; Либерал-

лар партияси — буржуазия манфаатларини ҳимоя қилади; Коммунистик партия — мамлакатнинг миллий мустақиллиги учун ва империалистик монополияларнинг зўравонлигига қарши кураш олиб бормоқда.

## КОСТА-РИКА

(Коста-Рика Республикаси)

Коста-Рика — Марказий Америкада жойлашган давлат. У Никарагуа ва Панама билан чегарадош. Жануби-ғарб томонларини Тинч океан, шимоли-шарқини эса Қариб денгизи ўраб туради.

Майдони 51 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 126 минг киши. Аҳолисининг 94 процентини креоллар ташкил қилиб, қисман негрлар ва индеецлар ҳам яшайди. Расмий давлат тили испан тилидир.

Пойтахти Сан-Хосе шаҳри (аҳолиси 128 минг киши).

*Табиий шароити.* Коста-Рика территориясининг катта қисми Кордильера тоғ тизмалари билан ўралган тепаликлардан иборат. Тепалик этакларида паст текисликлар жойлашган.

Мамлакатнинг денгиз сатҳига барабар бўлган жойларида тропик, тепалик районларида эса муътадил иқлим мавжуд. Территориясининг 75 проценти ўрмонлар билан қопланган.

*Қисқача тарихи.* Коста-Рика халқи 300 йил давомида испан мустамлакачилари томонидан шафқатсиз эксплуатация қилиниб келди ва бу эксплуатация натижасида мамлакатнинг туб аҳолиси батамом қирилиб кетди.

1821 йилда Коста-Рика мустақиллиги эълон қилинди. 1823—1838 йилларда мамлакат Марказий Америка Республикалари Федерацияси составида бўлди. 1848 йилда эса буржуа республикаси барпо этилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатга америка ва инглиз капиталининг кириб келиши кучая бошлади. Биринчи жаҳон урушидан кейин америка капиталининг позициялари айниқса мустаҳкамланди. 1941 йилда Коста-Рика номигагина Япония, Германия ва Италияга қарши уруш эълон қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШ Коста-Рикада ўз позицияларини яна ҳам мустаҳкамлади.

*Хўжалиги.* Коста-Рика аграр мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалигида асосан экспорт қилинадиган банан, кофе ва какао ўстирилади. Шунингдек, шакар қамиш, шоли, жўхори, ананас ва сабзавот экинлари экилади.

Коста-Рика саноати жуда заиф бўлиб, фақат тўқимачилик, оёқ кийим ва озиқ-овқат каби саноат тармоқлари ривожланган. Мамлакат экономикасида АҚШ капитали ҳукмронлик қилади.

*Давлат тузуми.* Коста-Рика — мамлакат конституциясига асосан республика бўлиб, президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса бир палатали парламент томонидан амалга оширилади.

*Сиёсий партиялари.* Миллий иттифоқ партияси — буржуазиянинг бир қисми ва катта ер эгаларининг манфаатини ифодалайди; Республикачилар партияси — миллий буржуазия вакилларини бирлаштиради; Революцион-граждан иттифоқи — майда буржуазия вакилларини ўзида бирлаштиради; Миллий озодлик партияси — буржуазия ва кофе плантациялари эгалари манфаатини ифода этади; Халқ авангарди партияси — 1943 йилда Коммунистик партия базасида вужудга келиб, 1948 йилдан бошлаб яширин иш олиб бормоқда.

## КУБА

(Куба Республикаси)

Куба — Вест-Индияда жойлашган республика бўлиб, Куба ороли ва унинг атрофидаги бошқа оролларни ишғол қилган.

Майдони 114,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 6 миллион 466 минг киши. Аҳолисининг 70 процентга яқини испанларнинг авлодлари ва бошқа Европа мамлакатларидан келган муҳожирлардир. Қолган қисмини эса асосан мулатлар ва негрлар ташкил қилади. Испан тили давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Гавана шаҳри (аҳолиси 789 минг киши).

*Табийий шароити.* Куба ороли ғарбдан шарққа томон чўзилган бўлиб, унинг узунлиги 1200 километр ва эни ўрта ҳисобда 100 километрга боради.

Кубанинг ер усти асосан текисликлардан иборат бўлиб, иссиқ ва сернам тропик иқлимга эга. Унинг қизил-қўнғир тупроқли текисликларида саванналар, тоғларида эса салқин тропик ўрмонлар бор. Жанубий қирғоқлари сув билан туташ. Қумлоқ соҳилларида кокос пальмалари кўкаради. Мамлакат текисликларида пальма, мимоза ва акация дарахтлари ўсадиган саванналар бор. Тепаликлар ва ясси тоғлар доим ям-яшил бутазорлар билан қопланган. Мамлакат ерининг 80 проценти экинга яроқли ҳисобланади. Кубанинг ўсимликлар олами бой

ва хилма-хилдир. Шунинг учун кўпинча уни «табиий ботаника боғи» деб ҳам атайдилар.

*Қисқача тарихи.* Куба 1511—1894 йилларда, яъни тўрт аср давомида Испаниянинг мустамлакаси бўлиб келди. 1898 йилдаги америка-испан урушидан кейин, Испания билан АҚШ ўртасида тузилган битимга мувофиқ Куба номигагина мустақил республика деб эълон қилинди. Аслида эса у, АҚШ нинг ярим мустамлакасига айланди.

Кубанинг 1902—1906 йиллар ичида бўлган биринчи президенти Эстрада Пальма америка империализми ва у билан алоқада бўлган Куба буржуа помешчиклар доирасининг малайи эди.

Куба республикаси ўзининг 60 йиллик даври ичида жуда кўп халқ қўзғолонларини бошидан кечирди. Бироқ, уларнинг биронтаси ҳам Батиста ҳокимиятига қарши бошланган 1959 йилги курашдек катта кўламга ва мустақкам уюшқоқликка эга бўлмаган. 1959 йил февралда Куба тарихида биринчи бўлиб чет эл монополиялари ва уларнинг гумашталари ҳисобланган реакция миллий синфлар таъсиридан холи бўлган ҳукумат ҳокимият тепасига келди.

*Хўжалиги.* Сотқин диктаторлик тузуми кубаликлар ҳаётида оғир из қолдирди. Кенг ҳосилдор ер массивлари, фойдали қазилмаларни ишга солиш, электр қуввати ҳосил қилиш, нефтни қайта ишлаш ва бошқа хўжаликнинг кўп тармоқлари чет эл компаниялари, биринчи галда АҚШ компаниялари қўлида эди. Улар мамлакатнинг табиий бойликлари ва одам ресурсларини ваҳшийларча эксплуатация қилиш натижасида ҳаддан ташқари кўп фойда ундириб келдилар.

Ниҳоят, 1959 йилги халқ революцияси ғалабасидан кейингина Куба халқи иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг реал имкониятларига эга бўлди. Батиста ҳокимияти ағдариб ташлангандан сўнг мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ичнда муҳим звено ҳисобланган ер ислоҳоти ўтказилди.

Экспроприация қилишга тегишли бўлган ерларнинг умумий майдони 13 миллион акрни ташкил қилиб, шундан 8,5 миллион акрни 1960 йилдаёқ ҳукумат қўлига ўтди. 30 мингдан кўпроқ деҳқон оилалари илгари америка компаниялари хўжайинлик қилиб келган ерларга эга бўлиб олдилар. Утган йили (1960) мамлакатда 800 қишлоқ хўжалик кооперативлари тузилди. Революцион ҳукумат кейинги вақтларгача чет эл компанияларига қарашли плантациялар базасида яна 700 кооператив тузишга қарор қилган. Шундай қилиб, 200 мингга яқин деҳқонлар бутун шакар қамиш плантацияларининг ярмига хўжайин бўлиб олдилар.





*Гавана шаҳари кўринишларидан бири.*

Мамлакатни индустрлаштириш учун ҳам ҳаракат бошланиб, америка трестларининг республика саноатида ҳукмронлик қилишларига чек қўйилган. Америка корхоналарини экс-проприация қилишдан ташқари жуда кўп тўқимачилик корхоналари, кимё саноатининг қарийб ҳаммаси, металлургия ва тоғ-кон саноат корхоналари, қуруқлик, денгиз ва ҳаво транспортларининг анча қисми давлат мулкига айлантирилди. Ҳукумат миллий бойликларни — республиканинг қишлоқ хўжалиги, саноати ва савдосини бошқарувчи аграр реформа миллий институтининг тўла контроллигига топширди. Кейинги бир йилнинг ўзидагина мамлакатда ишсизлар сони 36 процентга камайди. 1959 йилга нисбатан гуруч етиштириш учдан бир қисмга, дуккакли ўсимликлар ҳосили қарийб ўн барабар ва пахта етиштириш тўрт барабар кўпайди.

Меҳнаткашларнинг аҳволи тобора яхшиланмоқда. Квартира учун ижара ҳақлари камайтирилди. Уй-жой қурилишининг кенг программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Утган йили ўқувчилар сони 25 процент кўпайди. 50 йил мобайнида Гаванада атиги битта мактаб қурилган бўлса, революциянинг бир йили ичида 37 мактаб қурилди. Мамлакатда 10 минг бошланғич мактабни вужудга келтириш тўғрисида 1959 йилда қонун қабул килинди.

*Давлат тузуми.* Куба — республика ҳисобланади. 1959 йилда империализмга қарши демократик халқ революция-

си ғалаба қозонгандан бошлаб, Министрлар кабинетини Ф. Кастро бошқариб келмоқда. 1940 йилда қабул қилинган амалдаги конституцияга бир қатор прогрессив ўзгаришлар киритилган. Халқ революцияси эски давлат аппаратини, армия ва полицияни тарқатиб юборди. Мамлакатда халқ милицияси вужудга келтирилди.

*Сийсий партиялари.* «26 июль ҳаракати» партияси — шаҳар ва қишлоқлардаги кенг аҳоли оммасини бирлаштириб, Батиста ҳокимиятига қарши қўзғолонга раҳбарлик қилди. Ф. Кастро унинг раҳбари ҳисобланади; Куба революцион партияси (аутентико партияси) — буржуазия партияси бўлиб, революциянинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда; Халқ-социалистик партияси — 1925 йилда тузилган. Компартиянинг қайта ташкил қилиниши натижасида 1944 йилда вужудга келиб, Батиста ҳокимиятига қарши актив кураш олиб борди; Куба Меҳнаткашлари Конфедерацияси (КМК) — ишчиларнинг ягона миллий fronti ҳисобланиб, 1958 йилда Халқ Социалистик Партияси ва Батиста ҳокимиятига қарши бўлган бошқа оппозициячи партияларга мойил ишчи ташкилотлари томонидан тузилди.

Куба Республикаси кўп мамлакатлар, шу жумладан, Венесуэла, СССР, Мексика, АҚШ, Буюк Британия, Франция, БАР, Чехословакия, Болгария, ГФР ва бошқа мамлакатлар томонидан танилди.

Куба Республикаси бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тинч-тотув яшаш ва ҳамма мамлакатлар билан дипломатик ҳамда савдо муносабатлари ўрнатиш принципларига амал қилувчи мустақил ташқи сиёсат юргизмоқда.

## МАРТИНИКА

Мартиника ороли — Вест-Индияда, шимолий ва жанубий Америка ўртасида, Атлантик океанда жойлашган Кичик Антил ороллари группасига кирган Франция мустамлакаси-дир.

Майдони 1102 квадрат километр. Аҳолиси 282 минг киши. Аҳолисининг кўпчилиги француз тилида сўзлашадиган мулатлардан иборат.

Маркази Фор-де-Франс шаҳри (аҳолиси 61 минг киши).

Оролнинг экономикаси мустамлака характерида бўлиб, унинг асосини плантация хўжалиги ташкил қилади. Ишланадиган ерларнинг деярли ярмини шакар қамиш, 10 процентини банан, 5 процентини эса какао, кофе ва ананас экинлари ҳам-

да дарахтзорлар ишғол қилади. Плантациялар йирик француз монополияларига қарашлидир. Етиштириладиган маҳсулотнинг қарийб ҳаммаси (қанд, ром, банан, ананас ва кофе) Францияга экспорт қилинади.

Мартиника ороли 1502 йилда Христофор Колумб томонидан кашф этилди. 1635 йилда французлар бу оролни мустамлакага айлантирдилар на 1674 йилда француз салтанатининг мулки деб эълон қилинди. Оролга кўчиб келган мустамлакачилар ўз плантацияларида ишлатиш учун Африкадан кўплаб негр-қулларни кўчириб келдилар. Оролнинг туб аҳолиси бўлган индеецлар XVIII асрда батамом қириб ташланди. XVIII аср охирида бўлган француз буржуа революцияси Мартиникада граждлар урушининг бошланишига олиб келди. 1793 йилда бу оролни Англия босиб олди. 1802 йилда у яна Францияга қайтариб берилди. Иккинчи жаҳон урушида Франция таслим бўлгач, оролдаги ҳокимият «Виши ҳукумати»га бўйсунди. Айни вақтда АҚШ ҳам Мартиникани бутун уруш давомида «муҳофаза» қилиб туриш ҳуқуқига эга бўлди.

1943 йилдаги қуролли қўзғолон «Виши» гумашталарининг оролдаги тузумини тугатди. 1946 йилда Франция таъсис мажлиси Мартиникага департамент статутини берди, лекин амалда Мартиника Франция мустамлакаси бўлиб қола берди.

Мартиника расман Франциянинг департаменти бўлиб, уни Франция ҳукумати томонидан тайинланадиган префект (олий давлат амалдори) идора қилади. Мартиника коммунистик партияси 1957 йилда тузилган.

## МЕКСИКА

(Мексика Қўшма Штатлари)

Мексика — Шимолий Американинг жанубида жойлашган давлат. У Мексика қўлтиғи ва Кариб денгизи орқали АҚШ ҳамда Вест-Индия денгиз йўллари билан чамбарчас боғланган.

Майдоки 1969,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 33,3 миллион киши. Аҳолисининг кўпчилигини америкалик маҳаллий индеецлар ва уларнинг испанлар билан қўшилишидан келиб чиққан халқлар ташкил этади.

Пойтахти Мехико шаҳри (аҳолиси 4,6 миллион киши).

*Қисқача тарихи.* Катта қисми тоғлар ва ясси тоғликлардан иборат ҳозирги Мексика территориясида қадим замонларда индеец қабилалари яшаган. XVI асрда Мексикани испан мустамлакачилари босиб олди. 1821 йилда Мексика Испаниядан



*Қадимий Сабор ёнида байрам куни.*


ажралиб чиқди ва 1824 йилда республика деб эълон қилинди. 1846—1848 йиллардаги америка-мексика уруши натижасида АҚШ Мексика территориясининг қарийб ярмини босиб олди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШ Мексикага суқилиб киришни кескин кучайтирди.

*Хужалиги.* Мексика — аграр мамлакат. Экономикасида қишлоқ хўжалиги устун бўлиб, энг яхши ерлар помешчиклар қўлидадир.

Маккажўхори мексикаликларнинг асосий озиқ-овқат экинн бўлиб, у экин майдонининг ярмидан кўпроғини ишғол қилади. Тоғлик районларда буғдой етиштирилади. Пахта ва хенекен асосий техника экинларидир. Мексика қўлтиғи соҳилларида шакар қамиш, какао, кофе, банан ва ананас плантациялари бор. Қорамол, эчки, қўй, от ва хачирлар боқилади.

Мексика мамлакати Венесуэла ва Чили билан бир қаторда кон саноатининг анча ривожланганлиги билан ажралиб туради. Кумуш ва рангли металллар, кўмир ҳамда темир рудалари қазиб чиқарилади. Мексика қўлтиғи соҳилида эса нефть топилган. Кумуш қазиб чиқариш жиҳатидан Мексика капиталистик мамлакатлар ўртасида биринчи, қўрғошин ва сурма қазиб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради. Кон-завод саноатининг кўп корхоналарини Америка монополиялари контроль қилмоқда.

Мамлакатдаги саноат ишчиларининг  $\frac{2}{3}$  қисмидан кўпроғи энгил (тўқимачилик ва кон саноатида) ва озиқ-овқат (қанд



*Мамлакатда ер асосан ооч билан ҳайдалади.*

ва консерва) саноатида ишлайди. Ҳунармандчилик (бўйра ва сават тўқиш, ўйинчоқлар ва музыка асбоблари яшаш) ва кулчилик кенг ривожланган.

Мексика чет элларга хенекен толаси, пахта, кофе, какао, нефть ва кон саноати маҳсулотларини чиқаради; четдан транспорт воситалари, химикатлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради.

*Давлат тузуми.* Мексика — федератив республикадир. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи бўлиб, аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий орган — Конгресс икки палатадан — депутатлар палатаси ва сенатдан иборат. Ижроия ҳокимияти президент ва унга бўйсунувчи ҳукумат томонидан амалга оширилади.

*Сийсий партиялари.* Конституцион-революцион партия — 1946 йилда тузилган, мамлакатда ҳукмрон партия бўлиб, буржуазия манфаатларини ифода этади; Миллий ҳаракат партияси — 1938 йилда ташкил этилиб, йирик буржуазия, помешчиклар ва клерикаллар манфаатини ҳимоя қилади; Коммунистик партия 1919 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатини изчил ҳимоя қилади.

Мексика — жуда катта ижтимоий қарама-қаршиликлар мамлакати. Мамлакат аҳолиснинг бир процентга етар-етмасини ташкил қилувчи капиталистлар Мексика миллий даромадининг 57 процентини ўз қўлида ушлаб келмоқда.

Мексика халқи мамлакатни Америка монополияларининг зулмидан қутқозиш, миллий мустақилликка эришиш учун курашни кучайтирмоқда.

## НИДЕРЛАНДИЯ ВЕСТ-ИНДИЯСИ

Нидерландия Вест-Индияси — Кариб денгиздаги Кюрасао, Аруба, Бонера, Саба, Синт-Эустатиус ва Сен-Мартен каби олтита оролдан иборат бўлган Нидерландия мустамлакаси. Сен-Мартен оролининг шимолий қисми Францияга қарашли территория ҳисобланади.

Умумий майдони 947 квадрат километр. Аҳолиси 180,8 минг киши, халқининг 80 процентини негрлар ва мулатлар ташкил қилади. Кюрасао оролидаги 4,4 минг киши яшаб турган Виллемстад шаҳарчаси маъмурий марказ ҳисобланади. Голланд тили бу ерда расмий тилдир.

Оролларда жуда кўп ўчган ва ёниб турган вулканлар бор. тез-тез zilзилалар бўлиб туради. Иқлими иссиқ-тропик, сернам. Оролларнинг ер усти тоғли бўлганлиги учун бу ердаги

дарёлар калта ва тез оқардир. Усимликлар олами ўзининг жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради; қимматбаҳо дарахт навлари ўсади.

Нидерландия Вест-Индияси оролларида XV асрнинг 90 йилларида (Колумб томонидан кашф этилганига қадар) индеец қабилалари яшаб келган. Бироқ, ороллارни мустамлака қила бошлаган испанлар, бу ердаги туб аҳолини қириб ташлаган. Кейинчалик, ишчи кучи етишмай қолгач, испан мустамлакачилари Вест-Индияга кўплаб қул-негрларни кўчириб келганлар.

XVIII асрнинг ўрталарида ороллارни голландлар босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ Нидерландия Вест-Индиясида ўз таъсирини кучайтирди.

Қишлоқ хўжалигида феодал муносабатлар қолдиқларининг кучлилиги ва чет эл капитали, айниқса АҚШ капиталига қарамлилиқ ороллар экономикаси учун характерли ҳол ҳисобланади. Кюрасао ва Аруба оролларида Венесуэла нефтини қайта ишлаш мустамлака экономикасининг асосини ташкил қилади. Бу иш асосан «Стандарт ойл» деган америка монополияси заводларида амалга оширилади. Нефтни қайта ишлаш ва уни ташиш ишларида Аруба оролида аҳолининг 70 проценти, Кюрасаода эса 40 проценти банддир.

Деҳқончилик ишлари асосан Бонера оролида ва бошқа майда оролчаларда олиб борилади ва сорго (жўхори), лўвия ва алой экинлари экилади.

Оролларда ҳунармандчилик корхоналари ривожланган. Похол шляпалар ишлаб чиқариш ва қуруқ апельсин пўчоқлари тайёрлаш кенг тарқалган. Бу пўчоқлардан машҳур «Кюрасо» ликёри ишланади.

Ороллар АҚШ, Англия ва Нидерландияга нефть маҳсулотлари экспорт қилади. Озиқ-овқат ва кенг истеъмол товарлари эса четдан келтирилади.

Нидерландия Вест-Индияси 1954 йил 29 декабрь конституцион актига мувофиқ, Нидерландия қироллигининг бирлашган денгиз орти автоном райони ҳисобланади. Ички сиёсат ва мудофаа масалаларини Нидерландия қироли томонидан тайинланадиган губернатор ҳал қилади.

Губернатор II аъзоси бўлган кузатувчи кенгашни ва 6 аъзодан ташкил топган ижро этувчи кенгашни тайинлайди. Ижро этувчи кенгаш губернатор билан бирга мамлакатнинг ташқи сиёсати масалаларини ҳал қилади.

## НИКАРАГУА

Никарагуа — Марказий Америкада жойлашган давлат. У Гондурас, Коста-Рика билан чегарадош. Жануби-ғарб томони Тинч океан билан, шарқ томони эса Кариб денгизи билан ўралган.

Майдони 148 минг квадрат километр. Аҳолиси 1 миллион 378 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини (70 проценти) метислар, озроқ қисмини эса испан мустамлакачиларининг авлодлари — креоллар, негрлар ва индеецлар ташкил қилади. Индеец халқлари ўз она тилларида, негрлар инглиз тилининг маҳаллий шеvasида сўзлашади. Испан тили давлат тили сифатида юритилади.

Пойтахти Манагуа шаҳри (аҳолиси 176,6 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакатнинг Тинч океанга тақалиб келадиган жануби-ғарбий томони Никарагуа пастликларидан иборат бўлиб, унинг ўрта қисмида Марказий Америкада энг йирик ҳисобланган Никарагуа ва Манагуа кўли жойлашгандир. Никарагуанинг марказий қисми тоғликлардан иборат. Антлантик соҳиллари бўйлаб эса ботқоқлик, текислик ерлар чўзилиб кетган.

Мамлакат тропик иқлимга эга. Дарёлари серсув.

Москито қирғоқларидаги текисликларнинг катта қисми ва унга туташган тоғ ён бағирлари доим кўм-кўк бўлиб турадиган пальма дарахтлари ҳамда жуда бой тропик ўрмонлар билан қоплангандир.

*Қисқача тарихи.* Никарагуанинг территориясида қадим замонларда индеецларнинг ацтек қабилалари яшаб келган. 1522 йилдан бошлаб, бу ерларни испанлар босиб ола бошладилар. 1821 йилда Никарагуа испанлар зулмидан озод бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилди.

XIX аср ўрталарида Никарагуа Англия билан АҚШ ўртасида кураш объектига айланиб қолди. Мамлакатнинг қулай географик ҳолати, айниқса Атлантик ва Тинч океанларни ўзаро туташтирадиган канал ўтказиш имконияти борлиги, бу курашни кескинлаштириб юборди. XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатга АҚШ капиталининг кириб келиши кучая бошлади. АҚШ Никарагуа билан 1914 йилда шартнома тузиб, мамлакат территориясида ҳарбий денгиз базалари ва канал қуриш ҳуқуқини олди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан кейин мамлакатда америка империализмининг зулми янада кучайиб кетди.

*Ҳўжалиги.* Никарагуа — АҚШ га қарам қолоқ аграр мамлакатдир. Америка монополиялари мамлакатдаги плантация-



лар, табиий ва ўрмон ресурсларига, денгиз ва ҳаво йўлларига эгалик қиладилар ҳамда мамлакат молияси устидан контроллик қилиб турадилар.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг асосини ташкил қилиб, унда ишга яроқли аҳолининг 80 проценти банддир. Энг яхши ерлар чет эл компаниялари ва маҳаллий помешчиклар қўлида тўпланган. Маҳаллий индеец ва метис аҳолисидан чиққан батракларни эксплуатация қилиш жуда авж олган.

Экспорт аҳамиятига эга бўлган кофе ва банан ўстириш мамлакатда катта аҳамиятга эга. Кофе ва банан плантациялари асосан Америка компанияларига қарашлидир. Мамлакат ўрмон ресурсларини ишга солиш ҳам Америка ва Канада компаниялари қўлидадир.

Никарагуа саноати жуда заиф. Фақатгина Леон ва Гранда шаҳарларида бир неча қанд заводлари бўлиб, уларда бутун саноатда банд бўлган ишчиларнинг бешдан икки қисми ишлаб туради. Мамлакатнинг шарқий қисмида (дарёларнинг юқори оқими ҳавзасида) олтин ва кумуш қазиб чиқарилади. Шу ишлар ҳам чет эл (асосан АҚШ) компаниялари ихтиёрида.

Мамлакатнинг ташқи савдоси мустамлака характерига эга. Унинг экспортида кофе биринчи ўринда, олтин иккинчи ўринда, пахта ва бошқа маҳсулотлар эса учинчи ўринда туради. Импортнинг асосий қисмини тўқимачилик буюмлари, транспорт воситалари ва металллар ташкил қилади.

*Давлат тузуми.* Никарагуа — буржуа-помешчиклар республикасидир. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Президент аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий орган — икки палатали конгресс бўлиб, у, депутатлар палатаси ва сенатдан ташкил топгандир.

*Сиёсий партиялари.* Либерал миллий партия мамлакатда ҳукмрон партия ҳисобланиб, чет эл монополиялари билан алоқада бўлган саноат буржуазияси вакилларини бирлаштиради; традицион консерваторлар партияси — помешчиклар ва савдо буржуазиясининг манфаатларини ифодалайди; Мустақил либераллар партияси — миллий буржуазия манфаатларини ифодалайди ва мамлакатда баъзи бир ислохотлар ўтказишга тарафдордир; Социалистик партия — 1944 йилда тузилган, ҳозирги вақтда тақиқланган. У президент Л. Сомоса Дебайленнинг диктаторлик тузумига қарши курашни, янги вақтли ҳукумат тузиш, ер ислохоти ўтказиш ва барча мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш каби прогрессив халқ ҳаракатини бошқармоқда.

## ПАНАМА

(Панама Республикаси).

Панама — Марказий Америкада, Панама бўйнида жойлашган давлат. У Коста-Рика ва Колумбия билан чегарадош. Жануб томони Тинч океан, шимол томони эса Атлантик океanning Кариб денгизи билан ўралган.

Майдони 74,5 минг квадрат километр (Панама канали Зонаси бу ҳисобга кирмайди). Аҳолиси 1 миллион 24 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини метислар, негрлар ва индеецлар ташкил қилиб, испан тили мамлакатда давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Панама шаҳри (аҳолиси 205 минг киши).

*Табий шароити.* Панама Марказий Американинг энг жанубий ва энсиз (эни 200 километрдан 48 километргача) қисмини ишғол қилади. Панама бўйлаб Кордильера тоғ тизмалари чўзилгандир.

Мамлакат тропик иқлимга эга. Кариб денгизига ёндошиб турган тоғ ёнбағирларида жуда сернам, Тинч океан соҳилларида эса анча қуруқроқ иқлим мавжуд.

Панамада сурма, марганец ва олтин конлари бор. Шувингдек, нефть қидириш ишлари олиб борилмоқда. Панама қўлтиғида эса марварид ва садаф қидирилади. Мамлакат территориясининг анча қисмини қоплаган ўрмонзорда қимматли дарахт навлари ўсади.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Панама территорияси 1501 йилда испанлар томонидан кашф этилди. Испанлар бу ердаги туб аҳоли индеецларни қул қилдилар ва бир қисмини қириб ташладилар. 1821 йилда Панама Испания зулмидан озод бўлиб, кейинчалик «Улуғ Колумбия» Федератив республикасига қўшилди. 1830 йилда «Улуғ Колумбия» инқирозидан сўнг Янги Гренада (Колумбия) составида қолди.

1856—1860, 1873 йиллар ва ундан кейинги кезларда АҚШ Панамага қарши бир неча бор қуроли интервенция ўтказди. 1903 йилда АҚШнинг қуроли ёрдами билан Панама Колумбиядан ажралиб чиқди. Шу йил тузилган америка-панама шартномасига мувофиқ, канал Зонаси АҚШ ихтиёрига топширилди.

Иккинчи жаҳон урушида Панама Япония, Германия ва Италияга қарши номигагина уруш эълон қилди. Бу вақтларичида АҚШ мамлакат территориясида бир қатор ҳарбий базалар вужудга келтирди.

*Ҳўжалиги.* Панама — саноати кам тараққий қилган қолақ аграр мамлакатдир. Экономикаси Панама каналини эксплуатация қилишга асосланган бўлиб, америка монополиялари мамлакат экономикасида ҳукмронлик мавқеига эга.

Қишлоқ хўжалигида экспорт қилишга мўлжалланган банан, какао ва абака плантациялари асосий ўрин тутати. Шунингдек, бу ерда шоли, жўхори ва дуккакли экинлар экилади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулот аҳоли эҳтиёжларини қондира олмайд. Мамлакат экономикасида балиқ овлаш катта роль ўйнайди.

Чет элларга асосан банан, какао, дуккакли ўсимлик мевалари, абака толаси ва балиқ чиқариб, чет эллардан нефть ва унинг маҳсулотлари, машиналар, транспорт ускуналари, химикалийлар, газмол, ун ва мой келтиради.

*Давлат тузуми.* Панама — буржуа республикаси, ижро этувчи ҳокимият президент қўлида, қонун чиқарувчи олий ҳокимият эса бир палатали парламент — миллий ассамблея (конгресс) ихтиёридадир.

*Сийсий партиялари.* Ватанпарвар миллий коалицияси — ҳукмрон партия ҳисобланиб, саноат ва савдо буржуазиясининг манфаатларини ифодалайди; Мустақил революцион партия — чет эл компанияларига алоқадор бўлган буржуазия вакилларини бирлаштиради; Миллий озодлик партияси — оппозициячи группаларни ва буржуа партияларини ўзида бирлаштиради; Халқ партияси — 1942 йилда Коммунистик партиянинг қайта тузилиши базасида вужудга келган (Компартия эса 1925 йилда ташкил этилган эди). Бу партия миллий мустақиллик учун кураш олиб бормоқда. 1954 йилдан буён тақиқланган.

Ҳозир Панама халқи Панама канали Зонасига ўзи тўла эгаллик қилиш ҳуқуқига эришишни талаб қилмоқда.



*Панамадаги қадимги Испания бутхонаси.*

## ПАНАМА КАНАЛИ

Панама канали—Тинч ва Атлантик океанларни бир-бирига туташтиради. 1903 йилги Панама ҳукуматига зўрлаб қабул қилдирилган шартномага мувофиқ, канал бўйидаги 16 километр узунликдаги зона АҚШ қарамоғига ўтди. Каналнинг узунлиги 81,6 километр, ўртача кенглиги 91,5 метр ва чуқурлиги 12,5 метрдир. Каналда ҳар бирининг узунлиги 305 метр ва кенглиги 33,5 метр келадиган олти жуфт шлюз бор. Сув айиргичларидаги сувнинг сатҳи денгиз юзасидан 26 метр баланд туради. Кемаларнинг каналдан ўтиш муддати 8—11 соат бўлиб, суткасига 48 кема ўтади.

Канални идора қилиш ишлари 1951 йилда АҚШ ҳукумати томонидан ташкил қилинган «Панама канали компанияси»га топширилди. Бу компания каналда қўшимча иншоотлар қуриш, канал зонасини транспорт воситалари ва савдо корхоналари билан таъминлаш ишларини ҳам олиб боради. Зонани АҚШ президенти томонидан тайинладиган губернатор бошқаради. АҚШ канални эксплуатация қилиш туфайли йилга 100 миллион доллардан кўпроқ даромад олаётир. Бу даромаднинг атиги икки миллионигина Панама ҳукумати ҳиссасига тўғри келади.

Канал Зонаси маъмурияти Зонадаги мактаблар, божхоналар, алоқа воситалари, полиция ва соғлиқни сақлаш идоралари устидан контроллик қилади. Бу ерда АҚШ нинг махсус ҳарбий қўмондонлиги бор. Зонада мудофаа иншоотлари системасини ташкил қилган бир қанча қалъалар, ҳарбий-денгиз станциялари ва авиабазалар вужудга келтирилган.

Панама ҳукумати Қўшма Штатлардан канални эксплуатация қилишдан келаётган даромаднинг ярмисини Панама хазинасига тўлашни ва канал зонаси территориясида Панама давлат байроқлари осиб қўйилишини талаб қилмоқда. Лекин АҚШ ҳануз Панаманинг бу қонуний талабларини рад қилиб келмоқда.

## ПАРАГВАЙ

(*Парагвай Республикаси*)

Парагвай — Жанубий Америкада жойлашган давлат бўлиб, Боливия, Аргентина ва Бразилия билан чегарадошдир. Мамлакат денгиз йўлларига эга эмас.

Парагвай аҳолисининг сони жиҳатдан Жанубий Америкада энг кичик давлатдир. Майдони 407 минг квадрат километр.

Аҳолиси I миллион 700 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини метислар, креоллар ва индеецлар ташкил этади. Давлат тили испан тили ҳисобланади.

Пойтахти Асунсьон шаҳри (аҳолиси 205 минг киши).

*Табиий шароити.* Ер устининг тузилиши жиҳатидан Парагвай уч қисмга бўлинади: шарқ томондаги тоғли, Парагвай дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб чўзилган текислик ва шу дарёнинг ўнг қирғоғини ўз ичига олган қумлоқ ҳам лойқа текисликлардир. Мамлакат айни тропик иқлимга эга.

Кўп ирмоқли Парана ва Парагвай дарёлари мамлакатнинг асосий сув ҳавзаларидир. Ўсимлик дунёси — хилма-хил бўлиб, ясси тоғ ва тоғ ён бағирлари ўрмонлар билан қопланган.

*Қисқача тарихи.* XVI асрдан бошлаб Парагвайга испанлар кириб кела бошлади. 1811 йилда Парагвайда испан ҳокимияти афдалиб, мамлакат мустақил давлат бўлди.

Бразилия, Аргентина ва Уругвай мамлакатлари билан олиб борилган урушда (1864—1870 йиллар) Парагвайнинг мағлубиятга учраши мамлакатга чет эл капиталининг киришига кенг йўл очиб берди. XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Парагвайда америка монополияларининг иқтисодий ва сиёсий таъсири кучайиб кетди.

1942 йилда Парагвай Германия билан дипломатик муносабатларни узди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда АҚШ нинг мустамлакачилик зулмига қарши халқ оммасининг ҳаракати кучайиб бормоқда.

1954 йилдаги давлат тўнтариши натижасида давлат тепасига диктатор — президент Стреснер чиқиб олди. АҚШ монополияларининг бу гумаштаси мамлакатда қонли террор режими йўнатди, халқ бошига жуда катта кулфатлар келтирди.

*Хўжалиги.* Парагвай Латин Америкаси республикалари ичида энг қоқоқ аграр ва қарам мамлакатдир. Сўнгги бир неча йиллар америка монополияларининг мамлакат экономикасига зўр бериб суқилиб кириши билан характерланади.

Қишлоқ хўжалиги экономикада етакчи тармоқ ҳисобланиб, унда ишга яроқли аҳолининг ярмидан кўпроғи банддир. Миллий даромаднинг 40 проценти қишлоқ хўжалигидан келади. Бу ерда катта ер эгалари, йирик помешчиклар ва чет эл компаниялари хўжайинлик қилади. 25 капиталистик хўжалик бутун мамлакат территориясининг 43 процент ерига эгадир. Деҳқон оилаларининг 75 проценти ерсиз бўлгани ҳолда, 11 чет эл компаниялари 5 миллион гектар ҳосилдор ерни босиб олганлар.

Парагвайда деҳқончилик ишлари жуда суест ривожланган. Мамлакатда экишга яроқли ерларнинг жуда оз қисмигагина (0,5 миллион гектар) экин экилади. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари — маккажўхори, бугдой ва шоли мамлакатининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Техника экинларидан пахта, тамаки ва шакар қамиш ўстирилади. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи чорвачиликдир.

Ўрмончилик Парагвай экономикасида муҳим аҳамиятга эга. Миллий даромаднинг 5 процентга яқини ва бутун экспорт қийматининг 40—50 проценти ўрмон хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Парагвай саноати маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган бир қанча корхоналардангина иборатдир.

Турмуш даражасининг жуда ҳам пастлиги Парагвай халқини очлик ва яланғочликка дучор этмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ҳаёт учун зарур минимумнинг 40 процентинигина қоплайди, холос. Сўнгги 20 йил ичида турмуш қиймати 100 барабар ошиб кетди. Бунинг натижасида ярим миллионга яқин парагвайликлар ўз она юртларини ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар.

Парагвай чет элларга ёғоч-тахта материаллари, гўшт маҳсулотлари, пахта ва хом тери чиқаради; чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, металл ва металл буюмлар келтиради.

*Давлат тузуми.* Парагвай — республика ҳисобланади. Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи, аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланади. Бир палатали парламент қонун чиқарувчи олий органдир. Президент ҳузурида 19 аъзоси бўлган Давлат Кенгашидан иборат маслаҳат органи бор.

*Сиёсий партиялари.* Миллий-республикачилар партияси — Парагвайда ягона очиқ партия бўлиб, Америка монополиялари билан яқин алоқада бўлган йирик буржуазия ва помешчикларни бирлаштиради. Либераллар партияси, Фебреристлар партияси ва Коммунистик партияларнинг фаолияти тақиқландир.

Парагвайдаги сиёсий аҳвол жуда кескин тус олган. Мамлакатни чет эл монополияларига бўйсундириш сиёсатини юргизаётган А. Стреснернинг диктаторлик режимига қарши кенг халқ оммасининг норозилиғи кун сайин кучайиб бормоқда.

**ПЕРУ***(Перу Республикаси)*

Перу — Жанубий Американинг ғарбий қисмида жойлашган давлат бўлиб, Эквадор, Колумбия, Бразилия, Боливия ва Чили билан чегарадошдир. Унинг ғарбий томони Тинч океан билан ўралган.

Майдони 1249 минг квадрат километр. Аҳолиси 10 миллион 524 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини индеецлар ва метислар ташкил қилиб, давлат тили испан тили ҳисобланади.

Пойтахти Лима шаҳри (аҳолиси 1 миллион 86 минг киши).

*Табиий шароити.* Мамлакат территорияси — соҳил бўйи, баланд Анд тоғлари массиви ва Амазонка ҳавзасининг ғарбий қисми каби уч асосий бўлаққа бўлинади. Ғарбда Тинч океан соҳиллари бўйлаб, баланд-паст тепаликлари бўлган текис жойлар чўзилиб кетган. Шарққа томон Анд тоғ тизмалари қад кўтариб, мамлакатнинг марказий қисмини ишғол қилиб туради. Перунинг шарқий районлари Амазонка паст текислигидан иборатдир. Текисликларда ва тоғ тизмаларининг пастки этакларида доимо ям-яшил ўрмонлар ва саванналар бор.



*Мамлакат пойтахти Лима шаҳрида.*

*Қисқача тарихи.* XV асрда Перу территориясида инклар давлати вужудга келди. XVI асрнинг биринчи ярмида мамлакатни испан фотиҳлари босиб олди. 1544 йилда Перу вице-қироллиги таъсис этилди. 1821 йилда мамлакат Испаниядан мустақил деб эълон қилинди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсири остида Перуда ишчилар ҳаракати кучайиб, индеецларнинг кураши авж олди. 1928 йилда Перу Коммунистик партияси тузилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШ монополиялари Перуга суқилиб кирдилар ва мамлакатни асоратга солдилар.

*Ҳўжалиги.* Перу экономикасида асрлар бўйи давом этган мустамлакачилик қарамлигининг излари мавжуддир. 400 йил мобайнида бу мамлакат Испания учун қимматбаҳо металллар етказиб берувчи хазина вазифасини ўтади. Ўтган асрнинг ўрталарида инглиз компаниялари бу ерда гуано (қимматли ўғит) запасларини қазиб чиқаришга киришдилар. XX асрларда АҚШ Перунинг тоғ-кон саноатини, шу жумладан металл ва нефть саноатини эксплуатация қилишга бел боғлади. Ҳозирги вақтда Перудаги бутун ишлаб чиқарувчи саноат Шимолӣ Америка компанияларига қарашлидир.

Мамлакат темир, мис, кумуш, қўрғошин, рух, олтин, ванадий, висмут, сурма, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металл рудаларига жуда бойдир. Нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик ва цемент саноатлари ривожланган. Мамлакатда металл қуувчи корхоналар, тегирмонлар ва ёғ заводлари бор.

Қишлоқ ҳўжалигида пахта, шакар қамиш, кофе, маккажўхори, буғдой, шоли ва картошка экилади.

Мамлакатда чет эл монополияларининг ҳўжайинлик қилиши Перуни доимий кризислар гирдобига тортиб келди ва меҳнаткашлар оммасининг ғоят қашшоқланишига сабаб бўлди.

Мамлакат экспорти ва импортнинг ярмидан кўпроқ қисми АҚШ монополиялари ҳиссасига тўғри келади. Чет элларга тоғ-кон саноати ва плантацияларнинг маҳсулотларини (айниқса қанд) чиқариб, четдан саноат товарлари ва енгил саноат буюмлари келтирилади.

*Давлат тузуми.* Мамлакат Конституцияга асосан республикадир. Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи бўлиб, аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимиятни Конгресс амалга оширади. Президентга тобе бўлган ҳукумат (Министрлар Совети) мамлакатни идора қиляди.

*Сийсий партиялари.* Прадистларнинг Демократик ҳаракат партияси — 1956 йилда тузилиб, ҳукмрон партиядир, ер эгалари, саноатчилар ва молия буржуазиясининг манфаатларини



ифода қилади; Коммунистик партия — 1928 йилда тузилган, 1948 йилдан эътиборан расмий равишда ман этилган.

1956 йилда Перуда Уолл-стритнинг қўғирчоғи Одриа диктатураси ағдарилди. Мамлакат халқи ўз ҳуқуқлари учун курашмоқда. 1956—1959 йиллар мобайнида ишчилар 607 марта иш ташладилар. Улар халқ оммасининг турмуш даражасини яхшилаш ва мамлакатдан чет эл монополияларини қувиб чиқаришни талаб қилмоқдалар.

## ШАМОЛЛИ ОРОЛЛАРИ

Шамолли ороллари — Вест-Индиядаги Буюк Британия мустамлакаси, Кичик Антил оролларининг бир қисми ҳисобланиб, Антигуа, Барбуда, Невис, Британия Виргин ороллари, Монтсеррат, Сент-Кристофер ва бошқа ороллари ўз ичига олади.

Умумий майдони 1092 квадрат километр. Аҳолиси 130 минг кишидан кўпроқ. Кўпчилик халқ негр ва мулатлардан иборат. Антигуа оролидаги Сент-Жонс ва Бас-Тер (Сент-Кристофер ороли) шаҳарчалари маъмурий марказ ҳисобланади.

Ороллар геологик структура жиҳатидан асосан вулканларнинг отилишидан пайдо бўлган. Бу ерларда донм кўм-кўк тропик ўрмонлар, саванналар ва бутазорлар мавж уради. Тоғ этакларида ва паст текисликларда шакар қамиш, пахта, сабзавот экилади ва мевали дарахтлар ўстирилади. Тропик иқлимга эга. Хўжаликнинг асоси — деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат.

Шамолли ороллари Англия, АҚШ ва Канадага қанд, чигит, лимон, помидор, пиёз, сабзи ҳамда тери экспорт қилади.

Шамолли ороллар федерация бўлиб, федерал кенгаш томонидан идора қилинади. Шунингдек, қонун чиқарувчи умумий кенгаш ҳам мавжуд бўлиб, Англия томонидан тайинланган губернатор бу кенгашнинг президентиدير.

## ПУЭРТО-РИКО

Пуэрто-Рико — Вест-Индия составидаги шу номли оролда жойлашган АҚШ мустамлакасидир.

Майдони 8,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 347 минг киши. Пуэрто-Риконинг ҳозирги аҳолиси оқ танлилар, шунингдек метислар ва негрларнинг турли группаларидан

иборатдир. Аҳолининг 70 процентдан кўпроғини ташкил қилган оқ танлилар испан мустамлакачиларининг маҳаллий индеецлар билан аралашшидандан келиб чиққан ва кейинги вақтларда турли мамлакатлардан кўчиб келган ва эмиграция қилинган кишилар авлодига мансубдир. Испан ва инглиз тиллари расмий давлат тили сифатида юритилади.

Маркази Сан-Хуан шаҳри (аҳолиси 225 минг киши).

*Табийий шароити.* Пуэрто-Рико оролининг шимолий ва жанубий қирғоқлари ясси паст текисликлар ва паст-баланд тепаликлардан иборат. Оролининг қолган қисмини эса тоғлар ишғол қилади. Фарбдан шарққа томон бутун орол бўйлаб тоғ тизмалари чўзилиб кетган. Оролда тез-тез жуда кучли довуллар бўлиб туради. Бу ерда кема қатнайдиған дарёлар йўқ. Паст текисликларнинг катта қисми экин майдонлари билан банд. Тоғларнинг шимолий ён бағирларида доим кўм-кўк ўрмонлар ўсади; жанубий ён бағирларида эса қурғоқчиликка чидамли бўлган бутазорлар учрайди.

*Қисқача тарихи.* Пуэрто-Рико ороли 1493 йилда Х. Колумб томонидан кашф этилган. 1508 йилда оролни испанлар босиб олди. XVI—XVIII асрларда Пуэрто-Рико бир неча бор француз, голланд ва инглиз қароқчиларининг босқинчилик ҳужумига дучор бўлди. XIX асрнинг биринчи ярмида Пуэрто-Рикога АҚШ экспансияси бошланиб, бу экспансия империализм даврида айниқса кучга кирди. 1898 йилда АҚШ Пуэрто-Рикони Испаниядан тортиб олди ва ўзининг мустамлакасига айлантирди. АҚШ Пуэрто-Рикога икки океан орасида қуриладиган канал бўсағасидаги ҳарбий база ва ўзининг Кариб денгизи ҳавзасида бундан кейин олиб борадиган экспансиялари учун муҳим таянч пункти деб қарайди.

Пуэрто-Рикога америка монополияларининг ҳукмронлиги аҳолини ишсизликка, очлик ва муҳтожликка гирифтор қилди.

1952 йилда Пуэрто-Рикога жуда чекланган конституция қабул қилиниб, у «эркин равишда АҚШ га қўшилган Пуэрто-Рико давлати» номини олди. Бироқ Пуэрто-Рикога фақат маҳаллий аҳамиятгагина эга бўлган масалаларда ҳуқуқлар берган бу янги конституция унинг асосий мустамлакачилик идора усулини ўзгартирмади. Мамлакатнинг ташқи сиёсати, ҳарбий кучлари ва экономикаси илгаригидек Вашингтон ихтиёрида қола берди.

*Ҳужалиги.* Мамлакат экономикасида АҚШ монополиялари ҳукмронлик қилади. Ер майдонининг 80 процентга яқини, табийий бойликлар, саноат корхоналари ва транспорт воситалари Шимолий Америка монополияларининг мулки ҳисобланади. Мамлакат даромадининг ярми АҚШ монополиялари ҳиссаси-

га тўғри келади. Экиладиган ернинг 18 проценти 421 йирик ер эгасининг қўлида тўплангандир. Кўп деҳқонлар ерсиз бўлиб, помешчик — плантаторларга батамом қарамдирлар. Мамлакатда 30 мингга яқин ишсиз бор. Уларнинг кўплари иш қидириб, бошқа мамлакатларга кетиб қолмоқдалар.

Шакар қамиш, кофе, тамаки, пахта ва шунингдек, цитрус дарахтлари, ананас, ток ва хурмо дарахтлари плантациялари мамлакат қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Озиқ-овқат экинларидан, маккажўхори, дуккакли ўсимликлар, шоли ва турли сабзавот экинлари экилади.

Ишлаб чиқарувчи (қанд ишлаб чиқариш) ва қазиб олувчи (марганец қазиб олиш) саноатлари бирмунча ривожланиб, америка капиталига бутунлай қарамдир.

*Давлат тузуми.* 1952 йил конституциясига кўра. Пуэрто-Рико — «ўз ихтиёри билан АҚШ га қўшилган давлатдир». Ижро этувчи ҳокимиятни аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланадиган губернатор амалга оширади. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса «автономия» рамкасида икки палатали конгресс ихтиёридадир.

*Сийсий партиялари.* Халқ демократик партияси — АҚШ монополистик доиралари билан маҳкам алоқада бўлиб, йирик буржуазия манфаатларини ифодалаб, конгрессда кўпчилик ўринни эгаллайди; Республикачилар давлат партияси — Пуэрто-Риконинг тенг ҳуқуқли штат сифатида АҚШ составига қўшилиши тарафдори бўлган кишиларни бирлаштиради; Пуэрто-Рико мустақиллиги партияси — майда буржуазия манфаатларини ифодалайди. Бу партия парламент методлари билан мамлакатни тўлиқ мустақилликка эришиши учун кураш олиб боради; Миллатчилар партияси — майда буржуазия партияси ҳисобланиб, мамлакатнинг тўлиқ мустақиллиги учун курашади. Бу партия қонундан ташқари деб эълон қилинган, Коммунистик партия — 1934 йилда тузилиб, муттасил таъқиб остига олинган.

Пуэрто-Рико халқи чинакам мустақиллик учун Уолл-стритнинг зулмига қарши курашни авж олдиримоқда.

## САЛЬВАДОР

Сальвадор — Марказий Америкада жойлашган давлат, Гватемала ва Гондурас билан чегарадош. Мамлакатнинг жануб томони Тинч океан билан ўралган. Сальвадор — Атлантик океанга олиб чиқадиган йўли бўлмаган ягона Марказий Америка давлатидир.

Майдони 20 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 434 минг киши. Аҳолисининг асосий қисмини метислар (испанлар билан индеецларнинг аралашувидан келиб чиққан халқлар) ташкил қилиб, асосан испан тилида сўзлашади.

Пойтахти Сан-Сальвадор шаҳри (аҳолиси 204 минг киши).

*Табиий шароити.* Сальвадорнинг катта қисми баландлиги 600—650 метр келадиган вулкан жинслари аралашган қир-тепаликдан иборат. Мамлакат тропик иқлимга эга.

*Қисқача тарихи.* Сальвадорнинг ҳозирги территорияси XVI асрнинг 20-йилларида испанлар томонидан босиб олинди. XIX асрга қадар испан генерал-капитанлигининг ажралмас қисми бўлиб келди. 1823 йилда Сальвадор Марказий Америкадаги бошқа мамлакатлар билан бир қаторда Испаниядаги ички сиёсий кризисдан фойдаланиб, испанлар зулмидан озод бўлди ва мустақил Марказий Америка республикалари федерациясига кирди. Федерация тарқатиб юборилгандан сўнг, 1839 йилда Сальвадор мустақилликка эришди.

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Сальвадор АҚШ капиталининг таъсири остига тушиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши олдидан Сальвадор фашист давлатлари билан маҳкам алоқада бўлди. 1941 йилда АҚШдан кейин, Германия, Япония ва Италияга қарши уруш эълон қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда Сальвадор АҚШга бутунлай қарам ҳолига тушди.

*Хўжалиги.* Сальвадор — қолюқ аграр мамлакатдир. Ишга яроқли аҳолининг 63 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалиги кофе етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, кофе маҳсулотларининг ташқи бозорда сотилиши билан бевосита боғлиқдир. Кофе маҳсулотлари етиштириш бўйича (1959 йилда 88 минг тонна кофе етиштирилган) Сальвадор дунёда учинчи ўринда туради. Етиштирилган кофе маҳсулотининг кўп қисми Шимолий Америка монополиялари томонидан арзон-гаров сотиб олинади. Мамлакатнинг шарқий районларида пахта экилади. Пахта ва кофе Сальвадор экспортининг 90 процентини ташкил қилади. Озиқ-овқат экинларидан маккажўхори, шоли ва дуккакли ўсимликлар мавжуд. Шунингдек, чорвачилик ва плантация хўжаликлари ривожланган.

Мамлакат саноати Марказий Америкадаги бошқа мамлакатларга қараганда анча ривожланган. Бу ерда тўқимачилик фабрикалари, қанд, шоли оқлаш ва совун пишириш заводлари ҳамда бошқа бир қанча корхоналар бор.

Ташқи савдо мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Сальвадор асосан кофе маҳсулотлари (экспортнинг бешдан тўрт қисми) ва пахтани экспорт қилади. Буғдой, ун, ёқилғи, цемент ва металл буюмлар импорт қилинадиган товарлар ҳисобланади.

*Давлат тузуми.* Сальвадор — буржуа-помешчиклар республикаси. Аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланадиган президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. 2 йил муддатга сайланадиган бир палатали Миллат мажлиси қонун чиқарувчи олий органдир.

*Сиёсий партиялари.* Демократик бирлик революцион партияси — миллий буржуазия манфаатларини ифодалайди; Янгилаш ҳаракати партияси — кофе плантациялари эгаларининг манфаатини ифода этади; Коммунистик партия — 1930 йилда тузилиб, яширин шароитда иш олиб бормоқда.

1960 йил 27 октябрда юз берган ҳарбий қўзғолон натижасида президент Х. М. Лемуснинг (1956—1960 йиллар) Сальвадорни Америка монополияларига бўйсундиришга қаратилган ҳарбий-полиция режими ағдариб ташланди. Ҳокимият ҳарбий хунта қўлига ўтди. Ҳарбий хунта сиёсий маҳбусларни қамоқдан озод қилиб, қамал ҳолатни бекор қилди ва баъзи бир демократик принципларни тиклаб, янги ҳукумат тузди.

Ҳозирги кунда меҳнаткашлар манфаатининг изчил ҳимоячиси Сальвадор Коммунистик партиясининг фаолиятини легаллаштириш учун бошланган кураш кенгайиб бормоқда. Барча прогрессив кучлар мамлакатда тубдан иқтисодий ва сиёсий ўзгариш қилиб, мустақил ташқи сиёсатни амалга оширишни талаб этмоқда.

## СЕН-ПЬЕР ВА МИКЕЛОН

Сен-Пьер ва Микелон — Атлантик океанининг шимол-ғарбий қисмида, Ньюфаундленд оролининг жанубий қирғоқлари яқинида жойлашган Франция мустамлакасидир. У етти та оролдан иборат. Сен-Пьер ороллари группасини ҳамда Сен-Микелон номли иккита оролни ўз ичига олади.

Умумий майдони 240 квадрат километр, аҳолиси 5 минг киши. Кўпчилик халқи французлардир. Сен-Пьер шаҳри маъмурий марказ ҳисобланади (аҳолиси 3400 киши).

Оролларнинг ер усти ясси тоғлар ва тепаликлар билан ўралган паст текисликлардан иборат. Бу ерда муътадил, океан иқлими мавжуд. Ҳимликлар сийрак, кўпроқ ўтлоқлар ва бутазорлар учрайди.

XVII аср бошида оролларда дастлабки қишлоқлар пайдо бўлди. XVII асрнинг 60-йилларида Франция оролларни мустамлака қилиб олди. Англия билан Франция ўртасида Сен-Пьер ва Микелон ороллари учун бўлган узоқ муддатли кураш

Франция фойдасига ҳал бўлди ва унинг мазкур оролларга нисбатан ҳуқуқлари 1814—1815 йилларда бўлиб ўтган Вена конгресси қарорлари билан мустақкамланди.

Мустамлаканинг экономикасида балиқ қуритиладиган корхоналар, музхоналар, треска балиқ жигарини қайта ишлайдиган корхоналар, унча катта бўлмаган кема ремонт верфлари ва устахоналари бор. Балиқни қайта ишлайдиган корхоналар асосан Сен-Пьерда жойлашган.

Қишлоқ хўжалигида ички эҳтиёжлар учун сабзавот экилади. Чорвачилик ҳам қисман ривожланган. Кейинги йилларда қорамтир тулкилар кўпайтирилмоқда.

Балиқ маҳсулотлари ва қорамтир тулки мўйналари каби товарлар экспортнинг асосий қисмини ташкил қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, газмол, ёнилғилар четдан киритилади.

Мустамлака ҳузурида сайлаб қўйиладиган маслаҳат кенгаши француз губернатори томонидан идора қилинади. Франция Миллат мажлисига, Республика кенгашига ва Франция Иттифоқи Ассамблеясига биттадан депутат юборилади.

## ТРИНИДАД ВА ТОБАГО

Тринидад ва Тобаго ороллари — Буюк Британиянинг Вест-Индиядаги мустамлакалари бўлиб, Кичик Антил ороллари доирасида жойлашгандир.

Майдони 5,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 721 минг киши. Халқининг кўпчилигини ҳиндлар, негрлар ва мулатлар ташкил қилади. 120 мингга яқин киши яшаб турган Порт-оф-Спэйн шаҳри маъмурий марказ ҳисобланади.

Тринидад оролининг жануби ва ўрта қисмлари текисликлардан ва баландлиги 300 метргача борадиган иккита тизма тепаликдан иборат. Бу текисликлар шимол томонга 940 метргача кўтарилиб боради. Оролда кўпгина серсув дарёлар оқади. Тоғли жойларда ва шарқ томонда тропик ўрмонлар ўсади, ғарбда саванналар бор. Орол тропик иқлимга эга.

Тринидад ороли 1797 йилгача, яъни инглизлар томонидан босиб олинганига қадар Испания мустамлакаси бўлиб келган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Англия (1941 йил) оролни ҳарбий базалар қуриш учун 99 йиллик муддат билан АҚШга ижарага берди.

Орол экономикасида нефть саноати асосий ўрин тутди. Бу ерда нефтни қайта ишлайдиган қудратли заводлар мавжуд. Уларда маҳаллий ҳамда Венесуэла ва Колумбиядан келтириладиган нефть хом ашёси қайта ишланади. Тринидад ва То-

баго оролларида тўқимачилк, шиша ишлаш, кимё ва фармацевтика саноат корхоналари ҳамда ром, пиво, пальма мойи, сунъий муз ва минерал сув ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам бор.

Қишлоқ хўжалигида шакар қамиш экилади ва какао, кофе, банан, кокос пальмаси ва цитрус дарахтлари ўстирилади.

Оролларнинг экспортини, асосан, нефть маҳсулотлари, қанд, какао, асфальт, пальма мойи, банан ва ром каби товарлар ташкил қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, гўшт, гуруч, сут маҳсулотлари), нефть хом ашёси ва металл буюмлар импорт қилинади. Экспортнинг кўп қисми Англияга кетади. Импорт товарлари эса асосан Англия, Канада, Венесуэла ва АҚШ дан келтирилади.

Мустамлакада олий ҳокимият Англия томонидан тайинланган губернатор қўлидадир. Унинг ҳузурида ижро этувчи кенгаш ишлайди. Губернатор қонун чиқарувчи кенгаш раисини тайинлайди ва кенгаш қабул қилган қонунларни тасдиқлайди.

## УРУГВАЙ

(Шарқий Уругвай Республикаси)

Уругвай — Жанубий Американинг шарқий қисмига жойлашган давлат, Бразилия ва Аргентина билан чегарадошдир. Жануби-шарқий томони Атлантик океан билан ўралган.

Майдони 186,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 700 минг киши. Аҳолисининг кўпчилик қисмини (90—95 процент) кўчиб келган европаликлар ташкил қилади. Мамлакатнинг асосий аҳолиси бўлган индеецлар XIX асрнинг 30 йилларида испан мустамлакачилари томонидан қириб ташланган. Испан тили расмий давлат тили сифатида юритилади.

Пойтахти Монтевидео шаҳри (аҳолиси 923 минг киши).

*Табий шароити.* Мамлакат рельефи унча баланд бўлмаган тоғ тизмалари ва тепалик-текисликларидан иборат. Монтевидео шаҳридан то Бразилияга қадар Кучильян-Гранде тепаликлари чўзилиб кетган. Уругвай ва Рионегра дарёлари ҳамда Лагуна ва Мирим кўллари мамлакатнинг асосий сув ҳавзаларидир.

Иқлими субтропик, қиши жуда юмшоқ, ёзи эса илқ.

*Қисқача тарихи.* XVI аср бошида Уругвайни испан мустамлакачилари босиб олди. Испан мустамлакалари халқларининг мустақиллик учун олиб борган урушлари вақтида (1810—1826 йиллар) Уругвай Испания ҳукмронлигидан озод бўлди.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида мамлакатга инглиз, кейинчалик америка капитали суқилиб кира бошлади. ХХ аср бошида Уругвайда ишчилар ҳаракати кучайиб, 1920 йилда Коммунистик партия тузилди. 1926 йилда СССР билан Уругвай ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиб, 1935 йилда Уругвай томонидан узиб қўйилди. 1943 йилда эса Уругвай таклифи билан ҳар икки мамлакат ўртасидаги бу муносабатлар яна йўлга қўйилди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Уругвайда Америка монополияларининг экспансияси кенг қулоч ёзди. Бунга жавобан кенг халқ оммаси тинчлик ва мустақиллик учун курашни кучайтирди.

*Хужалиги.* Уругвай — аграр мамлакат, экономикаси америка ва инглиз капиталига қарам, асосан чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослаштирилган.

Уругвай деҳқонларининг деярли ярми ерсиз бўлгани ҳолда, 600 катта ер эгаси мамлакатдаги ишга яроқли бутун ернинг учдан бир қисмига эгаллик қилмоқдалар. Чет эл компаниялари — энг йirik латифундистлар қўлидаги 3600 имениеда чорва молларининг бешдан уч қисми тўплангандир.

Деҳқончилик экинларидан буғдой, маккажўхори, зигирпой ва кунгабоқар экилади. Жануб томонларда боғдорчилик (цитрус дарахтлари, шафтолизор ва нокзорлар) ривожланган.

Гўшт ва музхона саноати мамлакатда асосий саноат тармоғи ҳисобланади. Шунингдек ёғ заводлари, тегирмонлар, қанд ва вино ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда тўқимачилик фабрикалари бор.

Уругвай чет элларга жун, гўшт, тери, ғалла ва мойли экин маҳсулотлари чиқариб, четдан саноат буюмлари, ёғоч, нефть маҳсулотлари ва шунга ўхшашларни келтиради.

*Давлат тузуми.* Уругвай республика бўлиб, давлат бошлиғи функцияларини Миллий ҳукумат кенгаши амалга оширади. Ижро этувчи ҳокимият ҳам ана шу Кенгаш ва у томонидан тайин этиладиган министрлар қўлидадир. Кенгаш аҳоли томонидан тўппа-тўғри сайловлар йўли билан 4 йил муддатга сайланиб, 9 аъзодан иборатдир. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент ихтиёридадир.

*Сийёсий партиялари.* Миллий партия — чорва эгалари ва инглиз капиталига алоқадор бўлган катта ер эгалари ва капиталистларнинг ҳамда америка капиталига алоқадор бўлган саноат ва молия буржуазиясининг манфаатларини ифодалайди; Батлистлар партияси — буржуазиянинг бир қисми ва катта ер эгаларининг манфаатини ёқлайди; Социалистик партия — майда буржуазия вакилларини бирлаштиради; Коммунистик партия — меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилмоқда.



## ФОЛКЛЕНД ОРОЛЛАРИ

Фолкленд ороллари — Атлантик океanning жануби-ғарбида жойлашган Буюк Британияга қарашли архипелагдир. У Ғарбий Фолкленд, Шарқий Фолкленд каби икки йирик оролдан ва 200 майда оролчалардан ташкил топган.

Умумий майдони 12 минг квадрат километр. Аҳолиси 2,2 минг киши, кўпчилигини метислар ва шотландлар ташкил қилади. 1,3 минг аҳолиси бўлган Порт-Стэнли шаҳарчаси маъмурий марказ ҳисобланади.

Ороллarning қирғоқлари қоя тошлардан иборат бўлиб, ичкарига кириб келган узун қўлтиқлар ва қоядор қўлтиқлар билан тилимланиб кетган. Ер усти текисликлар ва баландлиги 300 метргача борадиган қоя тошли тизма тепаликлардан иборат. Оролларда совуқ океан иқлими ҳоким бўлиб, тепаликларда лишайник, тундра, пастликларда эса бутазорлар ва турли-туман ўтлар ўсади, торф ботқоқликлари ҳам кўп учрайди.

Фолкленд ороллари 1592 йилда англиялик Ж. Дейвис томонидан кашф этилди. 1764 йилда французлар бу оролларда аҳоли яшайдиган дастлабки қишлоқларни вужудга келтирдилар.

1735 йилда Фолкленд оролларини Франциядан сотиб олган Испания, XIX аср бошларига қадар уларни ўз қўлида сақлаб келди. XIX асрнинг бошланишида ороллар Аргентинага ўтиб кетди. 1833 йилга келиб ороллари Англия босиб олди.

Иккинчи жаҳон урушида Порт-Стэнли Англия ва АҚШ томонидан ҳарбий-денгиз базаси сифатида фойдаланилди.

Фолкленд оролларининг аҳолиси асосан чорвачилик, балиқ ва денгиз ҳайвонлари (тюлень, кит) овлаш билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигида пичан ўтлар ва сабзавот экилади. Ерларнинг бир қисми инглиз қироллигига ва қолган қисми йирик мулкдорларга қарашли.

Саноат бир неча консерва заводларидан, қушхона ва музхоналардан иборат ҳолос. Жун, музлатилган гўшт, тери, мол ёғи ва ворвань каби товарлар экспорт қилинади. Четдан эса, асосан саноат товарлари келтирилади. Англия ҳамда Британия Миллатлар ҳамкорлигидаги бошқа мамлакатлар Фолкленд оролларининг асосий савдо контрагентлари ҳисобланади.

Ороллар чексиз ҳуқуққа эга бўлган инглиз губернатори томонидан идора этилади. Етти аъзодан ташкил топган ижро этувчи кенгашга ҳам губернаторнинг ўзи раислик қилади. Унинг ҳузурида маслаҳат органи сифатида 11 аъзоси бўлган қонун чиқарувчи кенгаш бор.

## ЧИЛИ

Чили — Жанубий Американинг Тинч океан соҳилларида жойлашган давлат. Чилоэ, Сан-Фелис, Пасха ороллари ва Оловли Ер оролининг ғарбий қисми Чилига қарашлидир. Перу, Боливия ва Аргентина билан чегарадош.

Майдони 741,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 7 миллион 424 минг киши. Аҳолисининг кўпчилигини метислар ва индеецлар ташкил қилади. Испан тили давлат тили ҳисобланади.

Пойтахти Сант-яго шаҳри (аҳолиси 1 миллион 547 минг киши).

*Табиий шароити.* Чили тоғли рельефга эгадир. Мамлакатнинг шарқ томонида баландлиги 6960 метрга етадиган Анд тоғ тизмалари чўзилиб кетган. Тинч океан қирғоқлари бўйлаб қирғоқ бўйи Кордильера тоғлари қад кўтарган. Бу икки тоғ орасида мамлакатнинг асосий хўжалик райони ҳисобланган водий жойлашган. Лоа, Маино ва Мапочо Чилининг асосий дарёларидир. Чилининг шимолида субтропик, жанубида муътадил ва совуқ иқлим мавжуддир. Ҳимликлар олами бой ва хилма-хилдир. Марказий районларда доимо кўм-кўк субтропик бутазорлар ва ўрмонлар ўсади. Жанубий районларда эса букзорлар ва бошқа қимматбаҳо дарахтли ўрмонлар кўп. Чилида 1960 йил май ойида ҳалокатли ер қимирлаши юз бериб, кўп жойлар харобага айланди, катта бир районнинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетди. Янги тоғлар, дарёлар ва кўллар пайдо бўлди, илгари мавжуд бўлганлари эса йўқолиб кетди.

*Қисқача тарихи.* XVI асрда Чили территориясини испанлар босиб олди. Мамлакатда XVIII асрнинг иккинчи ярмида испан мустамлакачилик тузумига қарши норозилик кучайди. XIX асрнинг бошларида эса мамлакат халқи озодликка эришиб, Чили мустақил деб эълон қилинди.

Чилига XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз, кейинчалик эса америка капитали суқилиб кира бошлади. Тез орада америка капитали билан инглиз капитали ўртасидаги рақобат кучайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли Чилида иш ташлаш ҳаракатлари кенг қулоч ёзди. 1922 йилда Чили Коммунистик партияси тузилди.

Мамлакатда 1930 йилда империализмга қарши қудратли революцион ҳаракат кенгайди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Чили АҚШ монополияларига тўла қарам бўлиб қолди.

1944 йилда Чилининг таклифига мувофиқ, СССР билан Чили ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бироқ, бу муносабатлар 1947 йилда Чилининг реакцион ҳукумати томонидан узиб қўйилди. 1948 йилда Чили Компартиясининг фао-

лияти тақиқланди. Халқ оммаси бунга жавобан мустақиллик, тинчлик ва демократия учун курашни кучайтирди. Узоқ ва машаққатли кураш натижасида 1956 йилда халқ ҳаракати fronti ташкилоти тузилди. Бу ташкилот коммунистик партияси, социалистлар партияси, меҳнат партияси ва бошқа бир неча партияларни бирлаштириб, демократияни ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, экономикани мустақкамлаш, миллий мустақилликка эришиш каби масалаларни ҳал қилиш йўлида изчиллик билан кураш олиб бормоқда.

*Хўжалиги.* Чили тоғ-кон саноати ривожланган аграр мамлакатдир. Унинг ер ости тошкўмир, нефть, темир рудаси ва рангли металлларга бой. Чили чет эл мамлакатлари ичида селитра конларига эга бўлган ягона давлатдир.

Мамлакат саноати, асосан, ички эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Озиқ-овқат саноатининг тегирмончилик, шоли оқлаш, вино ишлаш, қанд ишлаб чиқариш каби тармоқлари ҳамда тўқимачилик, тикувчилик ва кимё саноатлари — мамлакат ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Саноат корхоналарининг талайгина қисми ва энг йириклари чет эл монополияларига қарашлидир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик-чорвачилик бўлиб, мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёга бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Хусусан буғдой, маккажўхори, арпа, сули, картошка, қанд лавлаги ва кунгабоқар экилади.

Мамлакат экономикасини чет эл капитали контроль қилиб туради. Хўжаликда сарфланаётган капиталнинг 80 проценти АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

Чили чет элларга мис ва мисдан ишланган буюмлар, нитратлар ҳам темир рудаси каби товарларни чиқаради; чет эллардан машиналар, ускуналар ва транспорт ускуналари келтиради.

*Давлат тузуми.* Чили — буржуа республикаси бўлиб, мамлакатда президент давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У, тўппа-тўғри сайловлар йўли билан 6 йил муддатга, фақат бир муддатга сайланиб, жуда катта ваколатларга эгадир.

Миллий конгресс — қонун чиқарувчи олий орган депутатлар палатаси ва сенатдан ташкил топган. Ижро этувчи ҳокимият эса Министрлар Кабинетининг ихтиёрида.

*Сийсий партиялари.* Радикаллар партияси — 1883 йилда тузилган, майда буржуазия ва интеллигенция манфаатини ифода этади; Либераллар партияси — буржуазия ва помеш-

чикларнинг манфаатларини ёқлайди; Халқ ҳаракати fronti— 1956 йилда тузилган. Коммунистик партия, Социалистик партия, Меҳнат партияси, Антиимпериалистик радикаллар партияси, Меҳнаткашларнинг миллия альянс партияси ва шу каби бошқа партиялар Халқ ҳаракати fronti ташкилотига бирлашгандирлар.

## ЭКВАДОР

(*Эквадор республикаси*)

Эквадор — Жанубий Американинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Колумбия ва Перу билан чегарадош. Ғарб томони Тинч океан билан ўралган бўлиб, Тинч океандаги Галапагос ороллари ва унинг атрофидаги майда ороллар (шу жумладан йирик Пуна ороли) Эквадорга қарашлидир.

Майдони 270,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 4 миллион 169 минг киши. Мамлакатнинг асл аҳолиси ҳисобланган индеецлар бутун аҳолининг 40 процентга яқинини ташкил қилади. Шунингдек, мамлакатда метислар, креоллар ва негрлар ҳам яшайди. Давлат тили испан тили ҳисобланади.

Пойтахти Кито шаҳри (аҳолиси 237 минг киши).

*Табий шароити.* Эквадор географик жиҳатдан уч қисмга — Ғарбий соҳил бўйи паст текислиги билан Коста текислиги, марказий Анд тоғлари ва шимолий-шарқий Орьенте тоғ этаги текисликларига бўлинади. Мамлакат иқлими иссиқ, экваториал зонага хосдир.

Мамлакат территориясини катта-кичик дарёлар ва уларнинг шохобчалари кесиб ўтади. Орьенте текисликлари ва Анд тоғ тизмаларининг ён бағирлари қимматли дарахт навларига бой, салқин экваториал ўрмонлар билан қопланган. Ер ости қазилма бойликларидан нефть, олтин, симоб ва мис конлари бор.

*Қисқача тарихи.* Ҳозирги Эквадор территориясида қадим замонларда турли индеец қабилалари яшаган. XV асрда узоқ муддатли курашдан сўнг бу ерлар инк қабиласига тобе бўлиб қолди. 1526 йилда Эквадорга испанлар кириб келдилар, XVI асрнинг иккинчи ярмида мамлакатни босиб олишни тугалладилар ва Эквадорни мустамлакага айлантирдилар. Маҳаллий индеец халқлари испан мустамлакачиларига қарши бир неча бор бош кўтардилар. 1830 йилда Эквадор республика деб эълон қилинди.

XIX асрнинг охирида Эквадор экономикасига инглиз (асосан нефть саноатига) ва америка (асосан плантация хўжали-

ги ва транспортга) капиталлари суқилиб кира бошлади. АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий таъсири мамлакатда иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса кучайди.

*Хўжалиги.* Эквадор — чет эл капитали, асосан АҚШ ва Англия монополияларига қарам, иқтисодий томондан қолақ, аграр мамлакатдир. Қишлоқ хўжалиги Эквадор экономикасида етакчи тармоқ ҳисобланиб, ярим феодал ер эгаллиги ҳануз сақланиб келмоқда. Аҳолининг 96 процентини ташкил қилган майда ва ўрта хўжаликларнинг тўртдан уч қисми хўжалик бошига беш гектардан камроқ, тўртдан бир қисми эса бир гектарга етар-етмас ер участкасига эгадир. Помешчик ерларида ишлайдиган деҳқонлар раҳмсиз равишда эксплуатация қилинади.

Хўжаликнинг асосини ташқи бозор учун етиштириладиган кофе, какао, банан ва гуруч маҳсулотлари ташкил қилади. Эквадор банан етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёда биринчи ўринларда туради; банан плантацияларининг катта қисми америка компанияларига қарашлидир. Иккинчи жаҳон урушига қадар Эквадорнинг асосий хўжалиги какао плантацияларидан иборат бўлган, ҳозир эса Бразилия, Гана ва бошқа мамлакатларнинг рақобати туфайли какао етиштириш иккинчи ўринга тушиб қолди. Банан ва какао билан бир қаторда шол, шакар қамиш ва пахта етиштирилади. Дон экинларидан — маккажўхори, буғдой ва арпа экилиб, картошка, лўвия ва чорвачилик учун ем-хашак экинлари ўстирилади. Лекин, Эквадор қўшимча равишда озиқ-овқат товарларини, айниқса, буғдой ва мойни чет эллардан келтиришга мажбурдир.

Ўрмон хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. 22 миллион гектар ер ўрмонзор билан қопланган.

Мамлакат саноати бўш ривожланган. Нисбатан саноатнинг нефть чиқариш тармоғи йўлга қўйилган. Лекин мамлакатнинг бу миллий бойлиги ҳам АҚШ монополиялари қўлидадир.

Ишлаб чиқарувчи саноат — енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидан иборат. Мамлакатда кўпгина истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик корхоналари бор. Тўқимачилик саноати асосан ип газламалар ишлаб чиқаради ва ўз маҳсулоти билан ички эҳтиёжнинг 60 процентини таъминлайди, холос.

Эквадорнинг ташқи савдоси АҚШ контроллиги остидадир. Мамлакат экспортининг 90 процентининг кофе ва какао ташкил этади. Чет эллардан саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади. Ички бозорни батамом эгаллаб олган АҚШ мамлакатнинг асосий савдо контрагентидир.


*Давлат тузуми.* Эквадор — республика давлати ҳисобланади. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи бўлиб, тўрт

йил муддатга сайланади. Икки палатали Миллий Конгресс қонун чиқарувчи олий органдир.

*Сиёсий партиялари.* Либерал-радикаллар партияси — саноат ва савдо доираларининг манфаатларини ифодаловчи оппозициячи партия; Халқ кучларини бирлаштириш партияси — шаҳар буржуазияси манфаатини ифодалайди; Миллий революцион ҳаракат партияси — майда буржуазия манфаатини ҳимоя қилади.

Коммунистик партия — 1926 йилда тузилиб, меҳнаткашлар манфаатининг изчил ҳимоячисидир.

Эквадор меҳнаткашлари иш ташлаш ҳаракатини кучайтирмоқдалар. АҚШ ва Англия монополистларининг талончилик сиёсати халқ оммасининг қаҳр ва ғазабини уйғотмоқда. Улар монополистлар зулмига барҳам бериш ва мамлакатда ер ислоҳоти ўтказишни талаб қилмоқдалар.





Австуранинг  
ва  
Оклатки









## АВСТРАЛИЯ

(Австралия Иттифоқи)



Австралия ёки Австралия Иттифоқи — Австралия қитъаси ҳамда Тасмания ороли ва бир қанча майда оролчаларни ўз ичига олган давлатдир.

Австралияни икки океан — шарқда Тинч океан, ғарбда ва жанубда Ҳинд океани ўраб туради. Унинг қирғоқлари кема тўхташи учун у қадар қулай эмас. Қитъанинг шимолий соҳилига Индонезия ороллари яқинлашиб келади. Австралия Европа, Африка ва Америкадан бир неча минг километр нарида жойлашган. Унинг территорияси Совет Иттифоқи территориясидан уч марта кичик.

Майдони 7 миллион 704 минг квадрат километр. Аҳолиси 10 миллион 100 минг киши. Ҳозирги австралияликларнинг деярли ҳаммаси европаликлардан ташкил топган. Улар, асосан, бу ерга кўчиб келган инглизларнинг авлодларидир. Австралиянинг туб халқи мустамлакачилар томонидан қириб ташланган, улардан ҳозир бор-йўғи 50 мингга яқин киши қолган.

Пойтахти Канберра шаҳри (аҳолиси 39 минг киши).

Янги Гвинеянинг жануби-шарқий қисми (Папуа), шунингдек Норфолк, Кокосли, Кристмас ороллари Австралия Иттифоқининг мустамлака ерларидир. Австралия Иттифоқи Янги Гвинея оролининг шимоли-шарқий қисми ва Науру ороли усидан васийлик қилади.

Мамлакатда расмий тил англиз тилидир.

*Табиий шароити.* Австралия ўз рельефининг оддийлиги ва деярли бир хиллиги билан бошқа қитъалардан фарқ қилади. Унинг кўпчилик қисми асосан паст текисликлар ва ясси тоғликлардан иборат. Фақат шарқ томонида қадимги бурмали тоғлар қад кўтарган.

Шимолӣ Австралиянинг иқлими иссиқ, январь ва июль ойларининг ўртасидаги температуранинг фарқи деярли сезилмайди ва ўртача йиллик температура +26°. Қитъанинг жанубий қисми субтропик поясада бўлиб, йил фаслларининг алмашилиши анча сезилиб туради. Унда доимо оқиб турадиган дарёлар йўқ, мавсумий пайдо бўладиган сувлар — «криклар» ёмғир ёққан пайтларда оқиб, тезда қуриб қолади, қумга сингиб кетади ёки шўр кўлларга бориб қуйилади.

Қитъа кўмир, темир рудаси, олтин, рух, кумуш, мис, қўрғошин ва уран рудалари каби фойдали қазилмаларга жуда бойдир. Австралия кўмир запаси жиҳатидан (170 миллиард тоннага яқин) Англиядан салгина кейинда туради.

*Қисқача тарихи.* Австралия энг муҳим халқаро йўллардан четда жойлашганлиги сабабли кўп вақтларгача европаликларга номаълум бўлиб келган. Фақат XVII асрнинг ўрталаридагина денгиз сайёҳи Тасман қирғоқ бўйларидаги баъзи ороллари кашф этиш ва текширишга муваффақ бўлди. Бу ороллар унинг номи билан Тасмания деб аталди. XVII аср охиридан бошлаб Австралияни мустамлака қилиш бошланди. 1788 йилда Англия бу ерда ўзининг биринчи Янги Жанубий Уэльс мустамлакасига эга бўлди. 1825 йилда Тасмания алоҳида мустамлака сифатида ажратилди. 1829 йилда эса Ғарбий Австралия ва 1836 йилда Жанубий Австралия мустамлакалари асосланди. Австралия яйловлари ва бу яйловларда чапиштирилган қўй навларининг кўплаб тарқалиши, бу ерга англиз капиталининг оқиб келишини тезлаштирди. 1851 йилда Янги Жанубий Уэльсдан Виктория ва 1859 йилда эса Квинсленд ажралиб чиқди. Натижада Янги Жанубий Уэльс, Квинсленд ва Виктория вилоятлари алоҳида мустамлакалар бўлиб қолди, 1865 йилга келиб, бу вилоятлар ва Янги Зеландия Англия қиролидан автономлик ва ўзини-ўзи идора қилиш ҳуқуқини олди. 1886 йилда Жанубий Австралия ва 1890 йилда Ғарбий Австралия ҳам ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлди. 1901 йилда Австралиядаги англиз мустамлакалари Федерацияси — Австралия Иттифоқи вужудга келди.

Биринчи жаҳон уруши вақтида Австралия Иттифоқи Антанта томонида туриб, урушда актив қатнашди. Иккинчи жаҳон уруши давомида Австралия англиз-америка бирлашган

қўшинларининг Тинч океандаги истеҳкомлари ва арсеналларидан бирига айлантирилди.

*Хўжалиги.* Австралия — саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Ҳозирги вақтда мамлакат экономикасида етакчи ролни эгаллаш учун Англия билан АҚШ ўртасида кураш бормоқда. Мамлакатга қўйилган чет эл капиталларининг кўп қисмини инглиз капитали ташкил этса-да, АҚШнинг ҳиссаси ҳам ўсиб бормоқда. Кейинги 2—3 йил ичида мамлакатдаги бутун чет эл капитал сарфларининг 25 процентини АҚШ капитали ташкил қилган.

Саноат Австралия экономикасида муҳим роль ўйнайди. Айниқса, машинасозлик ва металлургия саноатлари ривожланган бўлиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулот бутун саноат маҳсулотининг салкам 40 процентини ташкил қилади. Тоғ-кон саноатида кўмир қазиб чиқариш (йилига 20,4 миллион тонна), шунингдек, темир рудаси ва рангли металллар, атом хом ашёси қазиб чиқариш муҳим ўрин тутди. Австралияда саноат аҳамиятига эга бўлган нефть конлари йўқ. Мамлакатнинг нефть бозорида тўртта халқаро концерн хўжайинлик қилади. Бу ердаги нефтни қайта ишлайдиган заводлар Америка монополиялари қўлидадир.

Австралиянинг ишлаб чиқарувчи саноати заиф ривожланган бўлиб, асосан жун-калава ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат.

Австралияда ер фондининг анча қисми катта ер эгалари қўлида тўпланиб, экиладиган ернинг фақат 0,3 процентигина майда фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Асосан буғдой, сули, арпа ва маккажўхори экилади.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик, айниқса қўй боқиш жуда ривож топган. Бутун дунёда мавжуд бўлган қўйларнинг 15 проценти ва ишлаб чиқарилаётган жуннинг 30 проценти Австралия ҳиссасига тўғри келади. Сут берадиган ва гўштга боқиладиган йирик қорамоллар чорвачиликда иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозир мамлакатда 16,3 миллион бош ана шундай қорамоллар бор.

Австралия кенг ташқи савдо алоқаларига эга бўлган мамлакатдир. Экспортнинг 80 процентини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (жун ва буғдой), рангли металллар ва табиий хом ашё товарлари ташкил қилади. Австралия асосан Буюк Британия, Япония ва АҚШ мамлакатлари билан савдо қилади. Кейинги йилларда Австралия социалистик лагерь мамлакатлари билан (ХХР, Чехословакия, Польша) ҳам савдо муносабатлари ўрнатди. Мамлакатдаги савдо-сотиқ доиралари орасида Совет Иттифоқи билан савдони ривожлантириш ҳаракати ўсиб бормоқда.

*Давлат тузуми.* Австралия — Англия доминионидир. Давлат бошлиғи Англия қироли (1952 йилдан буён маликә Елизавета II) ҳисобланади. Қирол томонидан тайин этиладиган генерал-губернатор мамлакатни идора қилиб туради. Икки палатали парламент қонун чиқарувчи олий орган-дир.

*Сиёсий партиялари.* Либераллар партияси — 1944 йилда тузилган йирик буржуазия партияси; Аграр партия — 1916 йилда ташкил қилинган. Бу партия катта ер эгалари ва йирик чорвадорларнинг манфаатларини ифода этади; Коммунистик партия — 1920 йилда тузилган, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади.

Австралия Англия ва Американинг Тинч океандаги энг муҳим таянч пункти ролини ўйнайди. У, йирик ҳарбий сан-ат ва хом ашё базаси бўлишидан ташқари, Ҳинд ва Тинч океанларининг жанубий қисмида жойлашганлиги сабабли Британия империяси ва АҚШ учун жуда катта стратегик аҳамиятга ҳам эгадир.

АҚШ Австралияни ўзининг ҳарбий планлари доирасига тортишга муяссар бўлди. Австралиянинг ҳукмрон доиралари СЕАТО кенгашининг сессияларида актив қатнашиб келмоқда. Мамлакатнинг реакцион доиралари Нидерландиянинг Ғарбий Ирианни идора қилиш «ҳуқуқини» эътироф этилишини ёқлаб чиқмоқдалар.

Австралияда маҳаллий аҳолининг аҳволини яхшилаш учун бошланган ҳаракат кенгайиб бормоқда.

1954 йилда Австралия Иттифоқининг ҳукмрон доиралари томонидан ташкил қилинган антисовет компания натижасида узилиб қолган СССР ва Австралия муносабатлари 1959 йил март ойида нормаллаштирилди.

Австралия жамоатчилиги СССР ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатилиши учун курашмоқда.

Океания — Тинч океanning марказий ва жануби-ғарбий қисмида жойлашган ороллардан иборат. Майдони 1,26 миллион квадрат километр. Аҳолиси 3,5 миллион киши.

Океания — XIX асрда, яъни дунёни қайта тақсимлаб олиш вақтида империалистик давлатлар чангалига илинган райондир. Океания ҳозир Англия, Австралия, АҚШ, Франция ва Нидерландия давлатлари ўртасида тақсим қилиб олинган.

Океания уч асосий қисмдан — ғарбда жойлашган йирик оролларни ўз ичига олган Меланезия, Меланезиядан шимол томонга қараб чўзилган майда оролларни ўз ичига олган Микронезия ва қолган бошқа ороллар билан Янги Зеландияни ўз ичига олган Полинезиядан иборат.

Океаниядаги Фиджи, Ротума, Гильберт ва Эллис ороллари каби мустамлакалар, Соломон ороллари ва Тонга каби протекторатлар Британия империясига қарашли. Империя составида мустақил доминион ҳисобланган Янги Зеландия Кук, Ниуэ ороллари территорияларига эгалик қилади.

Британия империясининг доминиони бўлган Австралия Иттифоқи Папуа (Янги Гвинея оролининг жануби-шарқий қисми) территорияси устидан ҳукмронлик қилади ва Шимол-шарқий Янги Гвинея ороли ва унинг атрофидаги Бисмарк архипелаги ҳамда Адмиралтейство оролларига васийлик қилади. Науру ороли устидан Янги Зеландия, Буюк Британия ва Австралия биргаликда васийлик этади. Янги Гибрид, Банкс ва Торрес ороллари Буюк Британия ва Франция томонидан кондоминиум сифатида идора қилинади.

АҚШ Океанияда Гавайи ороллари (1959 йил 14 июлдан бошлаб АҚШ нинг 50-штатига айлантирилган), Гуам ороли, Самоа архипелагининг шарқий қисмига ҳамда иккинчи жаҳон урушидан кейин босиб олган — Мариана, Қоролина ва Маршалл архипелагларига эгалик қилади.

Янги Каледония, Франция Полинезияси, Таити, Туамоту, Маркиз, Аустраль ва Гамбе ороллари Океаниядаги Францияга тегишли бўлган территориялардир. Уолис ва Хори ороллари эса Франция протекторати ҳисобланади.

Нидерландия Янги Гвинеянинг Индонезияга қарашли бўлган ғарбий қисми — Ғарбий Ирианни оккупация қилишда давом этмоқда.

Океания катта иқтисодий имкониятларга эга. Унинг ер ости олтин, қумуш, платина, нефть, тошкўмир ва бошқа қазилма запасларига жуда бой. Кўп сонли архипелаглар ва ороллар қимматли тропик ўсимликлар ўсадиган жуда қулай об-ҳаво шароитлари доирасида жойлашгандир.

Лекин, Океания халқлари мустамлакачилик зулми асосига қурилган тузум туфайли қашшоқликда яшашмоқдалар. Импералистлар бу аҳволни Океания халқларининг гўё, аллақандай «пачоқлиги», «қобилиятсизлиги» тўғрисидаги тухматдан иборат уйдирмалар билангина оқламоқчи бўладилар. Океания халқларининг орасида бир неча йил бирга яшаб, улар турмушини яхши ўрганган атоқли рус олими Миклухо-Маклай яратган асарлар ирқчиларнинг бу уйдирмаларини кескин рад қилади.


XIX асрнинг иккинчи ярмида Океанияда ишчиларни «ишга йиғиш» ниқоби остида қул савдоси авж олди. Гарчи, туб аҳоли сонининг кескин камайиб кетганлиги сабабли қул савдоси 1904 йилда номигагина тақиқ қилинган бўлиб,

қулчиликнинг баъзи кўринишлари ҳозирги кунда ҳам мавжуд.

Океаниядаги мустамлакачилик эксплуатацияси жуда йиртқич характердадир. Урушдан кейинги йилларда, айниқса Осиё ва Африкада мустамлакачиликка зарба берилгандан кейин мустамлакачилар ўзларининг асосий диққатини Океанияга қаратди. Унинг Тинч океан районида муҳим стратегик ҳолатга эга бўлганлиги учун ҳам империалистлар ўзларининг агрессив планларида архипелагларга катта аҳамият бермоқдалар.

1951 йилда АҚШ, Австралия ва Янги Зеландия давлатлари ўртасида тузилган АНЗЮС ҳарбий иттифоқи, 1954 йилда эса СЕАТО вужудга келди. Инглиз, америка ва голланд империалистлари Ириандаги ҳарбий базалардан Индонезияга қарши ҳарбий фитналар қилиш учун фойдаланмоқдалар.

Империалистлар ороллари жон-жаҳдлари билан қуролантирмоқда. АҚШ Микронезия ва Маршалл оролларида ҳамда Бикини, Эниветок архипелагларида атом ва водород қуроллари синовлари олиб бормоқда. Франция Янги Каледонияда атом базасини барпо қилишни мўлжалламоқда.



Австралия ва Океаниянинг сиёсий картаси.

Мустамлакачи давлатлар ўзларига қулайлик туғдириш учун Океанияда уруғчилик, патриархал-феодал ва феодал муносабатлари каби қолоқ ижтимоий муносабатларни атай-лаб сақлаб келмоқдалар. Ҳатто, буржуазия статистикаси ҳам ҳозир Океания территориясида аҳоли жон бошига етиштирилаётган қишлоқ хўжалик хом ашё ва озиқ-овқат товарларининг миқдори иккинчи жаҳон урушидан аввалги даражадан анча паст эканлигини инкор қилмаётир.

Маҳаллий аҳоли плантацияларда ҳамда Европа ва Америка капиталларига қарашли тоғ-кон саноат корхоналарида арзимаган ҳақ эвазига жуда оғир шароитларда меҳнат қилмоқдалар.

Уруш йиллари ва урушдан кейинги даврда ерли халқлар шаҳарларда ва тоғ-кон саноат марказларида тўплана бошлади. Бу эса пролетариатнинг ўсишига олиб келди ва миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши учун янги шароитлар туғдирди. Империализмга қарши кураш ва демократик ҳаракатлар бу ерда жуда хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда. Бу ҳол Океания мустамлакачилиқка қарши актив кураш фронтига айланаётганлигини яна бир марта кўрсатади.





## ГАВАЙИ ОРОЛЛАРИ

Гавайи ороллари — Тинч океanning марказий қисмида жойлашган Океаниядаги энг шимолий ва йирик архипелаглардандир.

Майдони 16,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 560 минг киши бўлиб, этник ва миллий жиҳатдан жуда хилма-хилдир. Аҳоlining 30 процентини шимолий америкаликлар ва бошқа «оқ» танлилар, 15 процентини гавайликлар ва метислар, 32 процентини японлар, 10 процентини филиппинликлар ва 7 процентини хитойлар ташкил қилади.

Маъмурий маркази — Гонолулу шаҳарчаси (аҳолиси 248 минг киши).

*Табиий шароити.* Ороллар асосан сув остидан кўтарилиб чиққан тоғ тизмаларидан пайдо бўлган. Архипелагнинг шимоли-ғарбий қисми 2 минг километрга чўзилган, қоя тошли маржон ороллардан иборат. Энг йирик оролларнинг ҳаммаси архипелагнинг жануби-шарқий қисмига жойлашган. Гавайи (10399 квадрат километр), Мауи (1885 квадрат километр), Оауху (1554 квадрат километр) Кауан (1409 квадрат километр), Малакаи (676 квадрат километр) ва Ланаи (350 квадрат километр) ороллари шулар жумласидандир.

Бу йирик ороллар ер усти вулканлардан отилиб чиққан тоғ жинслардан ташкил топгандир. Денгиз бўйидаги пастликлар ва тоғ тизмаларининг этакларида кўпроқ тропик ҳам субтропик ўсимликлар ўсади; унча баланд бўлмаган районларида тропик ва денгиз иқлими мавжуд.

*Қисқача тарихи.* XVI асрда Гавайи оролларига испаниялик денгиз саёҳатчилари келди. Улар бу ерда ўзининг урф-одатлари ва маданияти жиҳатидан Марказий Полинезия аҳолисига яқин турган аҳолини учратдилар.



XIX аср бошларида рус денгизчилари бир неча бор бу оролларга келдилар. XIX асрнинг охирида АҚШ Гавайи ороллари очиқдан-очиқ босиб олиш йўлига ўтди. 1887 йилда америка плантаторлари раҳбарлик қилган «конституцияли партия» мамлакатда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1893 йилда ўша плантаторлар оролларда давлат тўнтариши ясадилар ва Америка крейсерида туширилган десант ёрдами билан малика Лилиукаланини тахтдан туширдилар. Шундан кейин АҚШга бутунлай қарам бўлган қўғирчоқ ҳукумат Гавайи Республикаси тузилди. 1898 йилда Гавайи оролларининг тамомила АҚШга қўшиб олинганлиги эълон қилинди. 1900 йил 14 июнда эса бу оролларга АҚШ «территорияси» статуту берилди.

Гавайи оролларида Америка империализмининг мустамлакачилик зулмига қарши, уруш оловини ёқувчиларга қарши ва тинчлик учун бошланган ҳаракат аҳолининг кенг доираларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда.

*Хўжалиги.* Гавайи ороллари — экономикаси шакар қамиши ва ананас дарахтлари ўстиришга ихтисослаштирилган йирик мустамлакачилик плантация хўжалигининг типик районидир. Энг ҳосилдор ерлар АҚШ монополиялари қўлида. Мамлакатдаги бутун экиладиган ер майдонининг 96 проценти шакар қамиши ва ананас плантациялари билан банд. Ананас плантацияларида ва консерва заводларида 25 мингга яқин доимий ишчилар ва мавсумли ишларда ишлайдиган салкам 35 минг киши, шакар қамиши плантацияларида эса 30 мингга яқин ишчи меҳнат қилади.

Мамлакат саноати ҳарбий корхоналардан ташқари, фақат баъзи бир қанд ва консерва заводларидан иборат, холос. Мамлакатда темир йўл тармоқлари унчалик кенг ёйилган эмас; автомобиль транспорти ва денгиз орқали юк ташиш катта аҳамиятга эга.

Гавайи оролларининг савдо-сотиқ ишлари батамом АҚШ монополиясидадир. Экспортнинг асосий қисмини қанд, ананас, кофе ва банан каби товарлар ташкил қилади. Еқилғи, қишлоқ хўжалик машиналари, газмол ва бошқа зарур буюмлар чет эллардан келтирилади.

Гавайи ороллари номигагина АҚШ «территорияси» ҳисобланиб, амалда ҳуқуқсиз мустамлакадир. АҚШ империалистлари ороллари ўзларининг Тинч океандаги асосий ҳарбий-денгиз базаларидан бирига айлантиришга эришганлар.

## ГИЛБЕРТ ВА ЭЛЛИС ОРОЛЛАРИ

Гилберт ва Эллис ороллари — Буюк Британияга қарашли Тинч океanning ғарб томонида жойлашган мустамлакаси бўлиб, Гилберт, Эллис, Феникс, Лайн ва Ошен каби тўрт группа маржон ороллардан иборатдир.

Умумий майдони 956 квадрат километр. Аҳолиси 37 минг киши. Асл халқи микронезияликлар ва полинезияликлардир.

Тарава шаҳарчаси маъмурий марказдир (аҳолиси 29 минг киши).

Оролларда кокос пальмалари ва донли дарахтлар ўстирилади, фосфоритлар қазиб чиқарилади. Кокос ёнғоқ мағизи ва фосфорит экспорт қилинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари (гуруч, ун), совун, тамаки ва газмоллар четдан киритилади.

Оролларни комиссар-резидентлар округ амалдорлари орқали Олий комиссар идора қилади. Унинг резиденцияси Солломон оролларида жойлашган.

## ГУАМ ОРОЛИ

Гуам ороли — Тинч океандаги Мариана архипелагининг жанубий қисмида жойлашган АҚШ мустамлакасидир. Майдони 534 квадрат километр. Аҳолиси 35 минг киши бўлиб, асосан қўшни ороллардан кўчиб келган халқлардан — европаликлар ва америкаликлардан иборатдир. Оролнинг туб халқи чаморролар испан мустамлакачилари томонидан батамом қириб ташланган.

Аганья порти оролнинг маъмурий марказидир (аҳолиси 1300 киши).

Оролнинг ер усти паст текислик (шимолда) ва баландлик (жанубда)дан иборат. Паст қисми тропик ўрмонлар билан қопланган. Иқлими юмшоқ.

XVII асрда Гуам оролларини испанлар босиб олди. 1898 йилда ороллар америка-испания уруши натижасида АҚШга ўтиб кетди ва унинг ҳарбий-денгиз базасига айлантирилди. 1941 йилга келиб уларни японлар тортди олди. 1944 йилда АҚШ оролларни яна қайта ишғол қилди.

Гуам оролларида жўхори, шоли экилиб, шакар қамиши, кокос пальмаси, кофе ва цитрус дарахтлари ўстирилади. Граждан ва ҳарбий ҳокимият АҚШ президенти томонидан тайинланадиган губернатор қўлидадир.

## КАРОЛИНА, МАРШАЛЛ ВА МАРИАНА ОРОЛЛАРИ

Каролина, Маршалл ва Мариана ороллари — Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган БМТ васийлигидаги, аслида эса АҚШ мустамлакаси бўлган территориялардир.

Майдони — 2,1 минг квадрат километр. Аҳолиси 64,3 минг киши. Оролларнинг туб халқи микронезияликлардир. Трук шаҳри оролларнинг маъмурий маркази.

Тропик иқлимга эга бўлган бу оролларнинг кўпчилиги паст ва маржон ороллар, вулканларнинг отилиши натижасида пайдо этилган жойлардан ташкил топган.

Уларда йил бўйи кўм-кўк бўлиб турадиган ўрмонлар ўсади, унча-мунча саванналар ҳам учрайди.

Каролина ороллари XVI аср бошларида португалияликлар томонидан кашф этилган. Маршалл ороллари эса дастлаб испаниялик Сааведра томонидан 1529 йилда топилган бўлса-да, кейинчалик улар унутилиб юборилган ва инглиз капитанлари Т. Гилберт ва Ж. Маршалл томонидан қайта очилган. Бу оролларни текшириш ишларида рус денгиз сайёҳлари ҳам яқиндан қатнашганлар.

1885 йилда Маршалл оролларини Германия босиб олди. Биринчи жаҳон урушидан кейин улар васийликдаги территориялар сифатида Японияга ўтиб кетди.

Каролина ороллари 1886 йилда Испания мустамлакаси деб эълон қилинди. Орадан икки йил ўтгач, Германия қарамоғига ўтди. Биринчи жаҳон уруши вақтида эса оролларни японлар босиб олди.

1920 йилда Япония Миллатлар Иттифоқидан Каролина оролларини идора қилиш ҳуқуқини олди ва уларни ўзининг Тинч океандаги ҳарбий базаларидан бирига айлантирди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Каролина, Маршалл ва Мариана ороллари Япония билан АҚШ ўртасидаги уруш майдонига айланди.

1947 йилда БМТнинг Хавфсизлик кенгаши бу оролларнинг барчасини АҚШ васийлигига топшириш ҳақидаги шартнома ни тасдиқлади.

Ороллар хўжалиги асосан ибтидий усулдаги деҳқончилик ва балиқ овлашдан иборат. Экиладиган ерларнинг деярли ҳаммаси чет эл мустамлакачилари қўлида. Фақат озгина кам ҳосил ерларгина микронезиялик олий мансабдорларга тегишли. Кўпчилик туб аҳоли америка плантацияларда ва балиқчилик корхоналарида ишлайди. Оролларда шакар қамиши, пахта, тамаки, шоли экилади ва кокос пальмаси, банан, кофе, маниок, таро ва цитрус дарахтлари ўстирилади.

Четга асосан копра (кокос ёнғоқ мағизи) экспорт қилинади. Ороллар фойдали қазилмаларга бой. Каролина оролларида фосфоритлар, боксит, темир рудаси, Мариана оролларида фосфорит, олтингургурт ва марганец руда запаслари бор.

Ороллар муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, АҚШ бу жойларда атом ва водород қуроллари синовларини ўтказиб туради.

## КУК ОРОЛЛАРИ

Кук ороллари — Янги Зеландиянинг Тинч океандаги мустамлакаси.

Майдони 259 квадрат километр. Аҳолиси 16 минг киши бўлиб, асосий туб халқи маорилардир. Маъмурий марказ ҳисобланган Аваруада 6 минг киши яшайди.

Хўжаликда кокос ёнғоғи йиғиш ва кокос ёнғоғи мағизи ишлаб чиқариш асосий ўрин тутаяди. Шунингдек, аҳоли балиқ овлаш, садаф чиғаноқларни тутиш билан ҳам шуғулланади. Оролда банан, томат ва цитрус дарахтлари ўстирилади.

Чорвачилик ривожланган. Бир неча тўқимачилик ва оёқкийим фабрикалари мавжуд.

Кук ороллари кокос ёнғоғи мағизи, цитрус мевалари ва садаф чиғаноқларини экспорт қилади. Қанд, газмол, нефть маҳсулотлари ва тамаки каби товарлар четдан келтирилади.

Кук ороллари 1961 йилдан бошлаб генерал-губернатор томонидан идора қилина бошлади. Айни вақтда Янги Зеландия парламенти ва ҳукуматига ҳам бўйсунаяди. Комиссар-резидент бошлиқ қонун чиқарувчи кенгаш ҳокимиятни амалга оширади.

## НАУРУ ОРОЛИ

Науру ороли — Тинч океаннинг ғарбий қисмида жойлашган Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландиянинг васийлигидаги территориядир.

Майдони 21 квадрат километр. Аҳолиси 3,5 минг киши. Халқининг асосий қисмини микронезияликлар ва хитойлар ташкил қилади. Шунингдек, қисман европаликлар ҳам яшайди.

Науру денгиз юзасидан 65 метр баланд турган, ҳалқасимон орол бўлиб, сернам, тропик иқлимга эга. Бу ерда фосфорит запаслари кўп.

Науру ороли 1798 йилда топилди. 1880 йилда уни Германия босиб олди. Биринчи жаҳон урушининг бошларида орол Австралия Иттифоқи қўшинлари томонидан ишғол қилинди, уруш тугагач, Миллатлар Иттифоқининг мандати ниқоби остида Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия давлатларининг биргаликдаги идоралари остига ўтди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида уни япон қўшинлари ишғол қилди.

Аҳолиси асосан, кокос пальмаси ўстириш, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик ишлари (гилам тўқиш, қайиқ-каное ясаш) билан шуғулланади. Шунингдек, оролда фосфорит ҳам қазиб чиқарилади.

Науру ороли асосан фосфорит (Австралия ва Янги Зеландияга ташиб кетилади) ва кокос ёнғоқ мағизи каби товарларни экспорт қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ускуналар, фосфорит қазиб чиқариш учун машиналар импорт қилинадиган асосий товарлардир.

Орол Австралия Иттифоқи томонидан, васийлик қилувчи бошқа мамлакатлар билан кенгашиб тайин қилинадиган маъмурият томонидан идора қилинади.

## НИУЭ

Ниуэ — Янги Зеландиянинг Тинч океандаги мустамлакаси.

Майдони 259 квадрат километр. Аҳолиси 4,7 минг киши. Алофи шаҳарчаси маъмурий марказ ва порт ҳисобланади.

Хўжаликнинг асосий тармоғи деҳқончилик бўлиб, кокос пальмаси ва бананлар ўстирилади. Оролда бир неча ҳунармандчилик корхоналари бор.

Орол кенгашининг тепасида комиссар-резидент туради.

## НОРФОЛК ОРОЛИ

Норфолк ороли — Тинч океанда, Австралиядан шарқ томонда жойлашган.

Майдони 35 квадрат километр, аҳолиси 5,3 минг киши. Аҳолисининг кўпчилиги бир вақтлар бу ерга кўчиб келган инглизларнинг авлодларидир.

Маъмурий маркази Кингстон (аҳолиси 900 киши).

Норфолк — вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлган орол бўлиб, унинг ер усти вулканли тоғ жиңсларидан

ташкил топган ва атрофи сув ости маржон қоялари билан ўралгандир. Тропик иқлимга эга.

Аҳоли банан ва цитрус дарахтлари ўстириш ва шунингдек балиқ овлаш билан шуғулланади.

Норфолк ороли 1774 йилда инглиз денгиз сайёҳи Ж. Кук томонидан топилди. Орол 1914 йилдан буён Австралия Иттифоқининг мустамлакаси ҳисобланади.

Мустамлакани идора қилиб турган маъмурият ҳузурида сайланадиган 9 аъзодан иборат маслаҳат кенгаши мавжуд.

## ПАПУА

Папуа — Янги Гвинея (Ириан) оролининг жануби-шарқий қисмида ва унга яқин турган бошқа ороларда жойлашган Австралия Иттифоқига қарашли территориядир.

Майдони 234,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 495 минг киши бўлиб, асосан папуаслардан иборат. Маркази Порт-Морсби шаҳридир (аҳолиси 2600 киши).

Папуанинг шимоли-шарқ томонини тоғлар ишғол қилган. Унинг ғарбий қисми эса паст текисликдан иборат, баъзи жойларда ботқоқликлар учрайди. Бу ернинг иқлими тропик характерга эга. Олтин, мис, марганец, кўмир, олтингугурт ва графит конлари бор. Кейинги йилларда 2,5 минг квадрат километр майдонда нефть конлари топилган.

Папуа — иқтисодий жиҳатдан қолоқ, аграр мамлакат. Энг ҳосилдор ерлар мустамлакачилар томонидан тортиб олиниб, каучук ва кокос плантацияларига айлантирилган. Плантацияларда туб аҳоли меҳнатидан фойдаланиш кенг қўлланилади. Кейинги йилларда жут, кофе, какао, чой, шоли, тамаки, ҳар хил хушбўй экинлар ва тропик мевалари ҳамда сабзавот экинлари экила бошлади.

Папуада олтин (йилига 400 минг килограммча), марганец рудалари ва қимматбаҳо тошлар қазиб чиқарилади. Орол атрофидаги сувларда балиқ овланади, марварид ва садаф қидирилади.

Папуа расман Австралия Иттифоқининг бир қисми ҳисобланади. Оролда Папуа ва Янги Гвинеянинг бирлашган қонун чиқарувчи кенгаши бор (Папуа Янги Гвинея билан «маъмурий иттифоқ» тузган). Қонун чиқарувчи Кенгаш — администраторлар, расмий тайинланадиган 16 чиновник, сайлаб қўйиладиган 3 аъзо, христиан миссияларининг 3 вакили, маҳаллий аҳолининг 3 вакили ҳамда 3 бошқа аъзолардан ташкил топгандир.

## ПИТКЭРН

Питкэрн — Тинч океаннинг жануби-шарқида жойлашган орол, Буюк Британия мулки ҳисобланади.

Майдони 5 квадрат километр. Аҳолиси 200 кишига яқин. Адамстаун маъмурий марказдир.

Питкэрн вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлган, баландлиги 335 метргача борадиган тоғли оролдир. Унда доимо кўм-кўк ўрмон ва бутазорлар ўсади.

Оролда кокос пальмаси, цитрус дарахтлари ўстирилади ва чучук картошка, ямса ҳамда шу каби экинлар экилади. Балиқ овланади.

Апельсин, ананас экспорт қилинади. Ун, қанд ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари оролнинг импортини ташкил қилади.

Орол расмий жиҳатдан беш кишидан ташкил топган маҳаллий кенгаш томонидан идора қилинади. Аслида эса, уни Фиджи оролларининг губернатори бошқаради.

## САМОА

Самоа — Тинч океанда жойлашган 14 оролни ўз ичига олган архипелагдир. Сиёсий жиҳатдан Самоа икки қисмга — Ғарбий ва Шарқий Самоага бўлинади.

Ғарбий Самоа 1962 йил январигача БМТ васийлигидаги территория бўлиб, васийликни Янги Зеландия амалга оширарди. Майдони 2,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 104,5 минг киши. Халқи полинезия тилининг самоа лаҳжасида сўзлашади. Инглиз тили эса маъмурий тил ҳисобланади. Апиа шаҳри маъмурий маркази ва муҳим порти бўлиб, унда 13 минг киши яшайди.

Шарқий Самоа — АҚШ мустамлакаси. Майдони 197 квадрат километр. Аҳолиси 24 минг киши. Халқининг кўпчилигини полинезияликлар ташкил қилади. Паго-Паго шаҳри маъмурий маркази ва ҳарбий-денгиз базасидир.

Самоа архипелагидаги Розе маржон оролидан ташқари ҳамма ороллар вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлиб, тоғли ерлардан иборатдир. Ороллар салқин тропик ўрмонлар билан қопланган. Соҳил бўйларида пальма дарахтлари ва донли дарахтлар ўсади. Оролларнинг иқлими иссиқ ва сернамдир.

Самоа архипелагида эрамининг биринчи асрларида полинезияликлар яшаганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Самоа Англия, Германия ва АҚШ ўртасидаги босқинчилик курашлари объектига айланиб қолди. 1899 йилда

мустамлакачилар архипелагни икки бўлакка бўлиб юбордилар. Ғарбий Самоа Германияга, Шарқий Самоа эса АҚШга тобе бўлиб қолди. 1920 йилга келиб, Янги Зеландия Ғарбий Самоани идора қилиш мандатини олди.

1947 йилда Самоа йўлбошчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилиб, архипелагнинг ҳар икки қисмини бирлаштиришни ва мустақиллик берилишини талаб қилдилар. Бироқ, бу қонуний талаб Янги Зеландия ва бошқа мустамлакачи мамлакатлар томонидан рад этилди.

1959 йил октябрдан бошлаб, Самоа тарихида биринчи ўлароқ, Самоа ҳукумати иш юрита бошлади. Бу ҳукумат 1961 йилнинг охиригача ички идора функцияларини амалга ошириб келди.

Ғарбий Самоанинг кўпчилик аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд. Бу ерда пальма ва банан дарахтлари ҳамда какао ўстирилади. Шарқий Самоада пальма ва каучук дарахтлари, маккажўхори, донли дарахтлар, банан, апельсин ҳамда шакар қамиши кўкаради. Мамлакат территориясининг 70 проценти ўрмонлар билан қопланган.

Шарқий Самоани АҚШ президенти томонидан тайинланадиган губернатор идора қилади. 1948 йилдан бошлаб, икки палатали қонун чиқарувчи мажлис таъсис этилган. Бу мажлис қуйи палата ва юқори палаталардан иборатдир. Мажлис ва олий йўлбошчилар кенгаши (матаи) губернатор ҳузуридаги маслаҳат берувчи органлар ҳисобланади.

Ғарбий Самоада 1961 йил давомида самоаликлар Янги Зеландия билан тузиладиган шартнома ва мамлакатнинг халқаро статуси тўғрисидаги масалаларни ҳал қилдилар ҳамда мамлакат янги Конституциясини ишлаб чиқдилар. Сўнгра БМТнинг кузатиши остида плебисцит ўтказилиб, 1962 йил 1 январдан бошлаб, Ғарбий Самоага мустақиллик берилди.

Самоадаги воқеалар Океаниядаги мустамлакачиликка қарши авж олиб бораётган миллий-озодлик курашларидан гувоҳлик беради.

## СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

Соломон ороллари — Тинч океанда, Янги Гвинея оролининг шарқида жойлашган архипелагдир. Майдони 42,5 минг квадрат километр. Аҳолиси 149,3 минг киши. Аҳолиси меланезияликлар бўлиб, қисман хитойлар ва европаликлар яшайди. Орол аҳолиси Меланезия группасига мансуб бўлган жуда кўп тилларда сўзлашади.



Соломон ороллариининг Бугенвиль, Бука ва Ниссан ороллариини ўз ичига олган шимолий қисми Австралия Иттифоқининг васийлик территорияси бўлиб, Янги Гвинея составига киради. Архипелагнинг қолган катта қисми Буюк Британия протекторати ҳисобланади. Маъмурий маркази ва муҳим порти Хониара (аҳолиси 1500 киши).

Ороллариининг ер усти тоғли ва ёнар тоғ жинсли ерлардан иборат, қирғоқлари сув ости маржон қоялари билан ўралган. Архипелагдаги кўпгина ўчган вулканлар билан бирга Бугенвиль ва Саво оролларида отилиб турган вулканлар бор. Бу ерларда сернам, экваториал иқлим мавжуд бўлиб, ўртача ойлик температура  $+26^{\circ} + 30^{\circ}$  ўртасида бўлади.

Архипелагда дарёлар кўп бўлса ҳам, кемалар қатнамайди. Ороллар қимматбаҳо дарахтлар ўсадиган салқин тропик ўрмонлар билан қоплангандир. Бугенвиль, Янги Георгия, Вангуну ва Гвадалканар оролларида олтин қазиб чиқарилади. Венел оролида эса фосфоритлар ва Бугенвилда қалайи конлари топилган.

Аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Хўжаликда кокос пальмалари ўстириш ва ундан кокос мағизи олиш кўпроқ аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари кофе, какао, ямс, таро, шакар қамиши ва бананлар ўстирилади. Ўрмон хўжалиги ва балиқ овлаш ҳам ривожланган. Ганчдан ишланган буюмлар ва ёғочга ўйиб гул солиш ҳунарлари кенг тарқалган.

Экспортнинг асосий қисмини кокос ёнғоқ мағизи ва қуруқ мевалар ташкил қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва газмоллар четдан келтирилади.

Соломон ороллари биринчи марта 1568 йилда испан сайёҳи А. Менданья де Нейра томонидан кашф этилган. XIX аср охирида ўзининг табиий бойликлари ва стратегик аҳамиятига кўра капиталистик мамлакатларнинг эътиборини жалб қилган бу ороллар шу мамлакатлар ўртасидаги кураш майдонига айланди. 1885, 1899 ва 1900 йилларда тузилган конвенцияларга мувофиқ, Соломон ороллари Англия ва Германия томонидан ўзаро тақсимланди. 1920 йилда ороллариининг Германияга қарашли қисмлари Миллатлар Иттифоқи мандатига, асосан Австрия Иттифоқининг васийлигига берилди ва шу билан бу жойлар Янги Гвинея мандатли территорияси составига қўшилди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Соломон ороллари Япония билан АҚШ ўртасидаги кураш майдонига айланди. Урушдан кейин оролларда мустамлакачилик зулмига қарши қатор қўзғолонлар кўтарилди. Айниқса, Малаита оролида бошланган «Масинга» («биродарлик») ҳаракати жуда кескин

тус олди. Халқ плантацияларда иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқда ва мустамлака судларига бойқот эълон қилди.

Бу ҳаракат ҳозир Соломон ороллариининг қарийб бутун аҳолисини қамраб олган.

## ТОКЕЛАУ ОРОЛЛАРИ

Токелау — Тинч океандаги Атафу, Никуноно ва Фокао-но деган учта маржон ороллар ҳалқасидан иборат.

Майдони 10 квадрат километр. Аҳолиси 1,8 минг киши. Кўпчилик аҳоли полинезияликлардир. Оролларнинг ер усти паст текисликлардан иборат бўлиб, бу ерда тропик ўсимликлар ўсади.

Балиқ овлаш ривожланган. Аҳоли ҳунармандчилик ишлари (ҳар хил буюмлар тўқиш) билан шуғулланади. Оролларда ички алоқа каноэ (қайиқ)лар воситасида олиб борилади.

Кокос ёнғоғи мағизи ва ҳунармандчилик буюмлари экспортнинг асосий қисмини ташкил қилади.

1948 йилда Токелау ороллари Янги Зеландиянинг бир қисми деб эълон қилинди.

## ТОНГА

Тонга — Тинч океанда, Шимолий (Вавау), Марказий (Хааней) ва Жанубий (Тонгатабу) ороллар группасидан ташкил топган Буюк Британия протекторатидир.

Майдони 0,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 53,1 минг киши, асосан полинезияликлардан иборат.

Маркази Нукуалофа шаҳри (аҳолиси 7 минг киши).

Тонга — вулканлар натижасида пайдо бўлган 150 га яқин ороллар ва сув остидан чиқиб турган маржон ороллари ўз ичига олади. Вулканлардан пайдо бўлган ороллар кўпроқ архипелагнинг ғарбий қисмини ташкил қилади. Ороллари баландлиги 1029 метргача борадиган тоғлар ишғол қилган. Бу ерда отилиб турувчи вулканлар бор. Архипелагнинг шарқий қисми кўпроқ маржон оролларида иборат. Сув юзидан 200 метргача юқори турадиган бу ороллар маржон қоялар билан ўралгандир.

Архипелагда иқлим нам, тропик ўрмонлар ўсади.

Тонга халқининг асосий машғулоти деҳқончиликдир. Кокос, банан, цитрус, ананас, ширин картошка, ерёнғоқ ва бошқа дарахтлар ўстирилади. Бу ерда чорвачилик ривожланиб, 1,7 минг бош қорамол, 6,3 минг бош йилқи, 1,8 минг бош эчки ва 20,8 минг бош чўчқа бор. Ҳунармандчилик корхоналари ҳам кенг тарқалган. Жумладан, ёғочга ўйиб гул солиш, балиқ овлайдиган тўр тўқиш ва кичик ҳажмдаги кемасозлик корхоналари мавжуд.

Тонга архипелаги Янги Зеландия мамлакати билан доимий денгиз йўлига эгадир.

Тонга ороллари кокос ёнғоқ мағизи экспорт қилувчи мамлакат ҳисобланиб, бу товар бутун экспортнинг 90 процентини ташкил қилади. Шунингдек, чет элларга банан, губка (булут — сув жонивори) ва шу каби маҳсулотлар чиқаради. Газмол, ун, консервалар, қанд, ҳар хил темир буюмлари, ёқилғи ва тамаки каби товарлар четдан келтирилади. Архипелаг асосан Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия билан савдо қилади.

Тонга ороллари XVII асрда голланд сайёҳи А. Тасман томонидан кашф этилган.

Тонга архипелаги ёки Полинезия қироллиги 1900 йилдан буён Буюк Британия протекторатидир. Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги инглиз олий комиссари архипелагни идора қилади. Яширин кенгаш деб аталган маҳаллий ҳукуматга эса 1918 йилдан бери малика Салоте — Тупору бошчилик қилади. Шунингдек, қонун чиқарувчи ассамблея ҳам бўлиб, у, подшоҳликнинг етти министрідан, маҳаллий аслзодаларнинг етти вакилидан ва сайлаб қўйиладиган етти аъзодан ташкил топгандир.

## ФИДЖИ

Фиджи — Тинч океаннинг жанубий қисмида бўлиб, 350 орол ва оролчаларни ўз ичига олган архипелагдир. Фиджи — Буюк Британия мустамлакаси ҳисобланади. Тахминан 300 минг квадрат километр сув майдонида сочилиб ётган жуда кўп маржон ороллари ҳам архипелаг составига киради. Оролларнинг фақат 80 тасидагина аҳоли яшайди. Вити-Леву ва Вануа-Леву ороллари улар ичида энг йирикларидир.

Майдони 18,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 368 минг киши бўлиб, фиджилликлар, ҳиндлар, европаликлар, метислар ва хитойлардан иборат. Фиджилликлар тил ва антропологик жиҳатдан меланезияликларга яқин туради.

Маркази Сува шаҳри (аҳолиси 30 минг киши).

Архипелагдаги барча йирик ороллар ва қисман майда оролчалар вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлган, қолганлари эса маржон ороллар ҳисобланади.

Фиджи иссиқ иқлимга эга бўлиб, бу ерда тропик ўсимликлар ва қимматли дарахт навларидан пальма ҳамда сандал дарахтлари ўсади.

Фиджи архипелаги XVII асрда кашф этилган, 1859 йилда Англия архипелаг устидан ўз протекторатини ўрнатди. 1874 йилда у Буюк Британиянинг мустамлакасига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги Фиджи экономикасининг асосини ташкил қилади, пальма дарахтлари, шакар қамиши ва шунингдек банан ўстириш, пахта ва шоли экиш билан шуғулланувчи плантация хўжалиги мустамлаканинг қишлоқ хўжалигида асосий тармоқ ҳисобланади. Саноат деярли ривожланмаган ва мавжуд корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади, холос.

Мустамлаканинг ташқи савдоси Буюк Британиянинг метрополиясидадир. Асосан, шакар қамиши, пальма мевалари ва кокос ёнғоғи мағизи экспорт қилинади.

Сува шаҳри Австралия ва Янги Зеландия билан Гавайи, АҚШ ва Канада ўртасида муҳим денгиз йўли ҳисобланади. Бу ердан трансокеан телеграф кабелли ўтган.

Фиджи Англия қироли тайинлаган губернатор томонидан бошқарилади. Губернатор ҳузурида губернаторнинг ўзи раис бўлган ижро этувчи ва Қонун чиқарувчи кенгашлар мавжуд. Қонун чиқарувчи кенгашда ҳам губернаторнинг ўзи раислик қилади. Фиджи халқи Англиянинг мустамлака режимига қарши курашмоқда.

## ФРАНЦИЯНИНГ ОКЕАНИЯДАГИ МУСТАМЛАКАЛАРИ

Тинч океanning шарқий қисмида жойлашган француз мустамлакалари бир қатор архипелаг ва оролларни бирлаштиради. Жамият ороллари, Маркиз ороллари, Таити ва Туамоту ороли улар ичида энг муҳимларидир.

Умумий майдони 4 минг квадрат километр. Аҳолиси 62,8 минг киши бўлиб, кўпчилиги хитойлар ва французлар.

Таити оролидаги 15,2 минг аҳолига эга бўлган Папезте шаҳарчаси маъмурий марказдир.

Жамият ороллари асосан икки группадан — шарқда Шамолли (Ильдю-ван) ва ғарбда Шамолсиз (Иль-суле-Ван) ороллари группасидан иборат. Таити ороли архипелагда ва

шунингдек бутун Шарқий Океанияда энг катта орол ҳисобланади.

Кўпчилик ороллар тоғли ва вулканларнинг отилишидан пайдо бўлиб, сув ости маржон қоялари билан ўралгандир. Таити оролидаги баландлиги 2237 метрга борадиган Орохена тоғи архипелагининг энг баланд нуқтасидир.

Архипелагда тропик, денгиз иқлими мавжуд.

Хўжаликда француз мустамлакачиларига қарашли бўлган кокос пальмаси, ваниль, ананас, ва бошқа тропик ўсимликларнинг йирик плантациялари асосий ўрин тутди. Шунингдек, марварид ва садаф йиғиш, балиқ овлаш ҳам ривожланган.

Палезте шаҳрида кокос ёнғоғи, сахар қамиши ва меваларни қайта ишлайдиган унча катта бўлмаган корхоналар бор.

Оролларнинг баъзиси 1767 йилда инглиз сайёҳи Уоллис томонидан топилган. Группадаги кўпчилик оролларни эса 1769 йилда Ж. Кук кашф этди ва уларга инглиз қироллиги шарофтини билдирувчи номлар берди.

*Маркиз ороллари* бир қатор оролларни ўз ичига олади. Хива-Оа (Доминика), Нукихива, Хуа-Пу (Адамс) ороллари улар ичида энг йирикларидир. Атуана шаҳарчаси маъмурий марказ ҳисобланади. Оролларнинг ер усти вулканлардан отилиб чиққан тоғ жинслари ва туфлар (бинокорликда ишлатиладиган бир хил тош) дан ташкил топган. Бу ерда кўпгина тоғлар бўлиб, энг баланд нуқтаси (Хива-Оа оролида) 1259 метрга етади. Тропик иқлимга эга.

Оролларда кокос пальмаси, банан, кофе ўстирилади ва пахта экилади. Марварид йиғиш, балиқ ва тошбақа овлаш кенг ривожланган.

Маркиз ороллари 1595 йилда испаниялик Меданья де Нейра томонидан топилган. Шунингдек, И. Ф. Крузенштерн ва Ю. Ф. Лисянскийларнинг рус экспедициялари ҳам бу оролларни текширган.

Океаниядаги француз мустамлакаларининг асосий экспорти кокос ёнғоғи мағизи, ваниль ва садаф чиғаноқларидан иборат. Озиқ-овқат маҳсулотлари, газмол, металл буюмлари ва нефть маҳсулотлари четдан келтирилади. Ороллар асосан Франция, АҚШ, Япония ва Австралия мамлакатлари билан савдо қилади.

Ороллар губернатор томонидан идора қилинади. Губернатор махфий кенгашга ва беш йил муддатга сайланидиган 20 аъзодан иборат «Вакиллилик мажлиси»га бошчилик қилади.

Океаниядаги француз мустамлакалари Франция Миллий мажлисига, Республика кенгашига ва Франция Иттифоқи Ассамблеясига биттадан депутат юбориш ҳуқуқига эга.

## ЯНГИ ГВИНЕЯ

Янги Гвинея (Ириан)—Тинч океанда, Гренландиядан кейин дунёда энг катта оролдир. У Австралиядан 150 километр шимолда ва ундан Торрес бўғози билан ажралган. Шимолда Тинч океани, жанубда Арафура ва Маржон денгизлари билан ўралган.

Майдони 8293 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион киши. Папуаслар ва меланезияликлар мамлакат аҳолисининг асосий кўпчилигини ташкил этади.

Сийсий жиҳатдан Янги Гвинея ороли уч қисмга бўлиниб, булар Ғарбий Янги Гвинея ёки Ғарбий Ириан, Шимоли-шарқий Янги Гвинея ва Жануби-шарқий Янги Гвинея ёки Папуадир. Индонезия республикасига қарашли Ғарбий Ириан территорияси ҳозирга қадар Нидерландия томонидан оккупация қилиниб келинмоқда. Шимоли-шарқий Янги Гвинеяга Австралия Иттифоқи васийлик қилмоқда. Папуа эса Австралия Иттифоқига қарашлидир.

*Табиий шароити.* Янги Гвинея оролининг марказий ва шимолий қисмларини тоғлар қоплаган. Оролниң жанубий қисми эса жуда кенг текисликдан иборат. Шимоли-шарқий соҳиллар бўйлаб ўртача баландликдаги Шимолий ёки Қирғоқ бўйи тоғлари чўзилиб кетган. Шимоли-ғарбдан жануби-шарқ томон бутун орол бўйлаб улкан ва юксак тоғ тизмалари бўлган Марказий тоғлар қад кўтарган. Оролниң жанубий ярми паст текисликлардан иборат бўлиб, булар жануби-ғарб томонда ботқоқликларга айланиб кетгандир.

Янги Гвинеянинг шимолий қисми экваториал, жанубий қисми эса тропик иқлимга эгадир. Ёғингарчилик кўп бўлади. Серсув дарёлари жуда кўп.

*Қисқача тарихи.* Янги Гвинея ороли XVI асрнинг биринчи ярмида португалиялик денгиз саёҳатчилари томонидан кашф этилган. Атоқли рус олими ва сайёҳи Н. Н. Миклухо-Маклайнинг XIX асрнинг 70 йилларидаги экспедицияси ва унинг Янги Гвинея оролида жуда кўп вақт турганлиги бу оролни текширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Голландия Янги Гвинея оролининг ғарбий қисмини босиб олди. 1884 йилда Англия Папуа территорияси устидан ўз протекторатини ўрнатди. XX асрга келиб, Янги Гвинеянинг бу қисми Австралия Иттифоқининг мустамлакаси бўлиб қолди. Германия Янги Гвинеянинг шимолий қисмини босиб олди. 1920 йилда оролниң бу қисми Миллатлар Иттифоқи томонидан Австралия Иттифоқининг мандатлигига берилди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Янги Гвинеянинг бир қисми япон қўшинлари томонидан оккупация қилиб турилди. Уша вақтда оролда «Мансери-Мангуди» ватанпарварлик ҳаракати пайдо бўлди. Шу ҳаракат аъзоларининг Стефанус бошчилигида кўтарган қуроли қўзғолони ўша даврдаги озодлик учун олиб борилган курашларнинг чўққиси бўлди. Бу қўзғолонда «Папуас ерлари — папуасларга!» деган шиор кўтариб чиқилди. Янги Гвинеяликларнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари урушдан кейинги даврда мустамлакачилик режими-га қарши қўзғолонлардан иборат бўлди.

1946 йил 30 ноябрда Индонезия мустақиллиги Ириан партияси ташкил этилди. Бу партия Голландия мустамлакачиларига қарши курашда муҳим роль ўйнади.

*Хўжалиги.* Янги Гвинея аҳолисининг асосий хўжалик машғулоти ибтидоий усулдаги деҳқончиликдир. Соҳил бўйи районларда балиқ овлаш, марварид қидириш ва садаф йиғиш ривожланган.

Экин ерларининг катта майдони мустамлакачилар қўлида бўлиб, кокос пальмалари, каучук, какао ва кофе дарахтларига банд. Маҳаллий аҳоли эса ерга муҳтож.

Мамлакатнинг ер ости бойликлари кам текширилган. Нефть, олтин, кўмир, мис, платина ва кумуш қазиб чиқарилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ мустамлакачилари Ғарбий Гвинеяга зўр бериб суқилиб кирдилар ва америка нефть компаниялари голландлар билан бирга бу ердаги нефть конларини эксплуатация қила бошладилар.

Янги Гвинея халқи Голландия мустамлакачиларига қарши курашиб, мустамлакачиларни Гвинеядан чиқиб кетишларини талаб қилди. Бу талабнинг 1950 йилда мустамлакачилар томонидан рад этилиши мамлакатда миллий-озодлик ҳаракатининг янада кучайиб кетишига сабабчи бўлди.

Ҳозирги вақтда Янги Гвинея халқи озодлик учун курашни давом эттирмоқда.

## ЯНГИ ГЕБРИД ОРОЛЛАРИ

Янги Гебрид ороллари — Тинч океандаги архипелаг бўлиб, Буюк Британия ва Франциянинг биргаликдаги мустамлакаси (кондоминиум)дир. Майдони 14,8 минг квадрат километр. Аҳолиси 53 минг киши. Аҳолисининг асосий қисми ерли меланезияликлардан иборат. Бундан ташқари Ҳиндихитойдан кўчиб келган баъзи халқлар — французлар ва инглиз-

лар ҳам яшайди. Эфат оролидаги Порт-Вила шаҳарчаси (аҳолиси 1 минг 200 киши) архипелагнинг маркази ва портидир.

Ороллар вулканларнинг отилиб чиқиши натижасида пайдо бўлган. Эспириту-Санто ёки Марино ва Малликоло ороллари улар ичида энг йирикларидир. Ороллар сернам тропик иқлимга эга. Шимол томонлари тропик ўрмонлар, жануби эса саванналар билан қопланган.

Француз ва инглиз мустамлакачилари оролдаги энг яхши ерларни кофе, какао, шакар қамиши ва пахта плантациялари учун эгаллаб олганлар. Плантацияларда маҳаллий аҳоли меҳнатидан кенг фойдаланилади. Банан ва цитрус ўсимликлари каби мевали дарахтлар ўстирилади. Баъзи оролларда чорвачилик ривожланган.

Эспортнинг асосий қисмини кокос ёнғоқ мағизи, какао ва кофе каби товарлар ташкил қилади. Четдан кўпроқ гуруч, ун, бензин ва газмоллар келтирилади.

Янги Гебрид ороллари 1606 йилда португалияликлар томонидан кашф этилди. 1906 йилда тузилган Англия — Франция конвенциясига мувофиқ, ороллар инглиз ва француз комиссарлари (резидентлари) томонидан бошқариладиган Британия — Франция кондоминиуми деб эълон қилинди.

Янги Гебрид оролларининг халқи мустамлакачиликка қарши зўр бериб курашмоқда.

## ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

Янги Зеландия — Тинч Океаннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Британия доминиони.

Майдони 268,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 331 минг киши, асосан Англиядан кўчиб келган кишилардан иборат. Туб халқи — маори ва метисларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Янги Зеландиянинг Кук ороллари, Ниуэ ва Такелау ороллари каби мустамлакалари бор. Пойтахти Веллингтон шаҳри (аҳолиси 143 минг киши). Инглиз тили мамлакатда давлат тили ҳисобланади.

*Қисқача тарихи.* Янги Зеландия 1642 йили голландиялик А. Я. Тасман раҳбарлигидаги экспедиция томонидан кашф этилди.

Янги Зеландия узоқ муддатгача инглиз ва француз империализмининг рақобат объекти бўлиб келди. 1840—1872 йилларда инглизлар Янги Зеландияни ўз мустамлакасига айлан-





*Мамлакат пойтахти Веллингтон шаҳарининг кўриниши.*

тирдилар. 1907 йилда Янги Зеландия доминион статус мандатини олди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Антанта томонида туриб урушда қатнашди. Иккинчи жаҳон уруши давомида Янги Зеландия Германия ва Японияга қарши уруш эълон қилди.

Урушдан кейинги йилларда Янги Зеландияга Америка капиталининг суқилиб кириши кучайди. 1951 йилнинг сентябрида Янги Зеландия Австралия билан бирликда (инглизларсиз) АҚШ билан агрессив «хавфсизлик шартномасини» имзолади. АҚШ бу шартномадан ўз манфаатлари учун фойдаланиб келмоқда.

*Хўжалиги.* Янги Зеландия қишлоқ хўжалиги ривожланган аграр мамлакатдир. Ишлаб чиқарувчи саноати заиф ривожланган, асосан жун-калава ишлаб чиқарувчи (жун ишлаб чиқаришда дунёда иккинчи ўринда туради), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат. 1959 йилдан мамлакатда оғир саноат корхоналари, жумладан, пўлат эритиш (йилига 50 минг тонна пўлат) ва нефтни қайта ишловчи заводлар қурила бошланди. Ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ишчиларнинг сони 200 минг кишидан ортиқ эмас. Қишлоқ хўжалигининг асоси чорвачилик, ундан келадиган маҳсулот умумий маҳсулотнинг 85 процентини ташкил қилади. Озиқ-овқат экинларидан бугдой ва арпа экилади.

Мамлакат экономикаси чет эл (асосан инглиз ва америка) капиталига бўйсундирилган.

Мамлакатда темир йўл тармоқларининг умумий узунлиги 5,5 минг километр. Хўжаликда автомобиль транспорти ва денгиз йўли орқали юк ташиш катта аҳамиятга эга.

*Давлат тузуми.* Давлат бошлиғи Англия қироли (1952 йилдан буён қиролича Елизавета II) ҳисобланиб, бу ерда унинг номидан генерал-губернатор иш юргизади. Қонун чиқарувчи олий орган — парламент бир палатадан (вакиллар палатасидан) иборат.

*Сийсий партиялари.* Лейбористлар партияси — 1909 йилда тузилган, Социалистик интернационал составига киради; Миллий партия — 1921 йилда тузилган, энг йирик буржуазия партияси; Кредит партияси — буржуазия партияси бўлиб демагогик шиорлар чиқариш билан машғур; 1921 йилда тузилган Коммунистик партия меҳнаткашлар манфаатини изчиллик билан ҳимоя қилмөқда.

## ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ

Янги Каледония архипелаги — Тинч океanning жануби-ғарбида жойлашган Франция мустамлакаси. Унинг составига шу номдаги йирик оролдан ташқари атрофдаги бир қанча ороллар ҳам киради.

Майдони 18,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 72 минг киши, асосан меланезияликлар ва французлардир. Маркази — Нумеа шаҳри (аҳолиси 22 минг киши).

Янги Каледонияда шимоли-ғарбдан жануби-шарқ томон чўзилиб кетган тоғлар бор. Оролнинг атроф қирғоқлари жуда эгри-бугри, қулай қўлтиқларга бой. Аммо, қирғоқ яқинидаги жуда кўп маржон қоялар қўлтиқларга киришни жуда қийинлаштиради. Оролда тропик ўрмонлар бўлиб, иқлими ҳам тропикдир.

Янги Каледония ороли XVIII асрда кашф этилди, уни 1853 йилда Франция ўз мустамлакаларига қўшиб олди. 1860 йилда Янги Каледония губернатор бошчилигидаги алоҳида мустамлакага айланди.

1863 йилдан 1896 йилгача бу ороллар жиноятчилар сургун қилинадиган жой бўлиб хизмат қилди. Жумладан бу ерларга Париж коммунасининг 4000 га яқин қатнашчиси бадарға қилинган эди.

Тоғ-кон саноати мамлакат экономикасида муҳим роль ўйнайди. Никель (никель запаси бўйича Янги Каледония капиталистик дунёда иккинчи ўринда туради), хром, марганец, мис, кобальт, қалайи, темир, олтин ва кумуш запасларига бой. Оролда никель қазиб чиқариш ва эритиш француз капиталистлари қўлидадир.

Қишлоқ хўжалигида асосан кокос пальма мевалари, кофе, маккажўхори, банан ва гуруч етиштирилади. Экспортнинг 92 процентини тоғ-кон саноат маҳсулотлари ташкил қилади.

Янги Каледония губернатор томонидан бошқарилади. Бу губернатор, айни вақтда, Франциянинг Тинч океандаги бош комиссари ва шунингдек, Англия ва Франция томонидан бир-галикда бошқариладиган Янги Гебрид оролларидаги Олий комиссар ҳамдир. Губернатор қошида сайлаб қўйиладиган 25 аъзодан иборат Бош кенгаш ҳам бор. Меланезияликлар манфаатини ифода этувчи Каледония Иттифоқи партияси 1957 йилда Янги Каледония Ассамблеясига ўтказилган сайловларда ғалаба қозонди. Сайловлар натижасида оролнинг ҳукумат кенгашига икки меланезиялик, тўрт европалик (Каледония Иттифоқи партиясига тарафдор), монополистик буржуазия ва мустамлакачи доиралар манфаатини ифодаловчи Республикачи социалистлар партиядан бир вакил аъзо бўлиб кирди. Бу ҳукумат мамлакатда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бир қатор демократик ва иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Бироқ, 1958 йилда француз губернатори ҳеч қандай ваколати бўлмагани ҳолда бу ҳукуматни ғайри қонуний равишда тарқатиб юборди.

1958 йил декабрда Ассамблеяга янги сайловлар ўтказилиб, Каледония Иттифоқи партияси 18 ўринга эга бўлди.

Ҳозирги вақтда Янги Каледонияда ҳокимият Каледония Иттифоқи партияси қўлида бўлиб, унинг программаси қатор демократик тадбирларни кўзда тутди.





# *ИЛОВАЛАР*

11.03.2011

## ЕР ШАРИНИНГ АҲОЛИСИ

Бути дунё аҳолисининг сони аямқ маълум эмас. Лекин, аҳолининг тахминий сонини тарихий статистик маълумотларга асосланиб, қадим замонларда қанча одам яшаганлигини чамалаб айтиш мумкин. Масалан, қадим замонда (бувдан 6 минг йил муқаддам) ер юзиде 20 миллион киши яшаганлиги тахмин қилинады.

XVII—XX асрларда ер шарининг аҳолиси тубандатн манзарата эга:

1700 йилда	545	миллион	киши		
1750 йилда	728	»	»		
1800 йилда	906	»	»		
1850 йилда	1 миллиард	171	миллион	киши	
1900	»	1	»	608	»
1920	»	1	»	810	»
1930	»	2	»	13	»
1940	»	2	»	246	»
1950	»	2	»	495	»
1955	»	2	»	691	»
1956	»	2	»	737	»
1958	»	2	»	800	»
1961	»	3	»	17	»

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистика бўлимининг маълумотларига кўра, ер шари аҳолиси ҳар йили 45—50 миллион кишига ортиб боради.

## ҚИТЪАЛАР БУЙИЧА АҲОЛИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

(Рақамлар яхлитлаб олинди)

Осиё (СССР дан ташқари)	1 миллиард	690	миллион	киши.
Европа (СССР дан ташқари)		430	»	»
Америка		400	»	»

Африка . . . . .	260	миллион киши
Австралия ва Океания . . . . .	17	“
СССР . . . . .	220	“
<b>Айрим мамлакатлар аҳоли сонига<sup>1</sup> қараб, қуйидагича ўрин оладилар</b>		
1. Хитой Халқ Республикаси —	670	миллион киши.
2. Ҳиндистон . . . . .	440	“
3. СССР . . . . .	220	“
4. АҚШ . . . . .	180	“
5. Япония . . . . .	98	“
6. Индонезия . . . . .	88	“
7. Покистон . . . . .	94	“
8. Буюк Британия . . . . .	52	“

### АҲОЛИНИНГ ЗИЧЛИГИ

Ер юзидаги 149 миллион квадрат километр қуруқликнинг фақат 135 миллион квадрат километрида аҳоли яшайди. Антрактида ва Гренландиянинг ички районлари ҳамда баъзи қутб оролларида доимий аҳоли турмайди. Умуман олганда ер юзидаги аҳоли яшайдиган қуруқликнинг ҳар бир квадрат километрга 23 кишидан тўғри келади.

Аҳолининг ўртача зичлиги мамлакатларда турличадир:

Мўғулистон Халқ Республикасида 1 квадрат километрга 1 киши тўғри келади.

Австралияда . . . . .	1	“
Канада . . . . .	2	“
СССРда . . . . .	10	“

Эронда 1 квадрат километрга 12 киши тўғри келади.

АҚШда . . . . .	19	“
Афғонистонда . . . . .	20	“
Индонезияда . . . . .	59	“
Хитойда . . . . .	70	“
Францияда . . . . .	80	“
Покистонда . . . . .	92	“
Чехословакияда . . . . .	106	“
Ҳиндистонда . . . . .	123	“
Буюк Британияда . . . . .	212	“
Японияда . . . . .	250	“
Нидерландия (Голландия) да . . . . .	273	“

<sup>1</sup> Барча мамлакатларнинг майдони ва аҳолиси китоб охиридаги иловада берилган.



---

**МИЛЛИОН АҲОЛИЛИ ШАҲАРЛАР**

Ҳозирги вақтда ер юзнда аҳолиси 1 миллиондан кўпроқ бўлган 120 ва аҳолиси 2 миллиондан кўпроқ бўлган 51 шаҳар бор.

Аҳолиси 5 миллиондан кўпроқ бўлган шаҳарлар 11 бўлиб, булар тубандагилар:

- |              |                  |
|--------------|------------------|
| 1. Токио     | 7. Париж         |
| 2. Лондон    | 8. Осака         |
| 3. Нью-Йорк  | 9. Буэнос-Айрес  |
| 4. Шанхай    | 10. Чикаго       |
| 5. Москва    | 11. Лос-Анжелес. |
| 6. Калькутта |                  |

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)—суверен давлатларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлигини сақлаш, мустақамлаш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ихтиёрий ҳамкорликлари асосида тузилган халқаро ташкилотдир.

1945 йил 26 июнда Сан-Францискода 50 давлат БМТ нинг Уставини имзолади. Ҳозир БМТ га аъзо бўлган давлатларнинг сони 99 га етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига унинг Уставида кўрсатган мажбуриятларни ихтиёрий бажаришни истоган ва бундай мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган ҳар бир мамлакат аъзо бўлиб кириши мумкин. БМТ га аъзоликка қабул қилиш ёки аъзоликдан чиқариш Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига кўра Бош Ассамблеянинг қарори билан амалга оширилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти унинг махсус ташкилотлари орқали олиб борилади. Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, халқаро суд ва Секретариат — БМТ нинг ана шундай ташкилотларидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, афсуски, давлатларнинг АҚШ бошчилигидаги группаси ҳукмронлик қилиш нуқтаи назаридан нотўғри хатти-ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Масалан, Секретариатдаги 28 лавозимнинг 17 тасини АҚШ ва ҳарбий блокларга аъзо бўлиб кирган бошқа ғарб мамлакатлари эгаллаган. Социалистик мамлакатлар эса фақат битта ўринга эга. 34 директорлик лавозимининг 28 таси ғарб мамлакатларига, 5 таси бетараф ва биттаси социалистик мамлакатларга тегишлидир.

Бош Ассамблея — БМТ га аъзо бўлган барча мамлакатларнинг вакилларида тузилган. БМТ ва унинг махсус ташкилотлари ҳуқуқ доираларига кирувчи (Хавфсизлик Кенгашининг кун тартибида турувчи масалалардан ташқари) ҳар қандай масалаларни муҳокама қилиш ва ўз тақлифларини киритиш ҳуқуқига эга. У давлатларнинг тинчлик ва хавфсизлигини

ҳимоя қилиш, шунингдек қуролсизланиш йўлидаги ўзаро ҳамкорлик умумий принципларини белгилайди ҳамда бу масалалар бўйича БМТ аъзолари ва Хавфсизлик Кенгашига тақлифлар киритади.

Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессияси ҳар йили сентябрь ойида, махсус сессиялари эса бош секретарь томонидан Хавфсизлик Кенгаши ёки кўпчилик БМТ аъзоларининг талабига мувофиқ қақрилади.

Бош Ассамблеянинг бир неча ёрдамчи ташкилотлари (комитетлар, комиссиялар ва бошқалар) бор. Бош Ассамблея БМТ нинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши ҳамда Васийлик кенгашларининг ишига раҳбарлик қилади.

Хавфсизлик Кенгаши — БМТ нинг доимий ишлаб турадиган энг муҳим органидир. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда асосий жавобгар ҳисобланган бу орган 11 (5 доимий ва 6 Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланадиган) аъзодан иборат.

Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари барча БМТ аъзолари учун мажбурийдир. Унинг қарорини қабул қилинган деб ҳисоблаш учун мутлоқ кўпчилик овоз талаб қилинади. Процедурага оид масалалар юзасидан Хавфсизлик Кенгаши аъзоларидан 7 мамлакат овози кифоя қилади. Қолган масалалар юзасидан берилган етти овознинг албатта бештаси буюк давлат вакилларининг овози бўлиши керак. Шундагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. Беш буюк давлатнинг ҳамкорлик принципи БМТ нинг энг асосий принциpidир, чунки, ана шу буюк давлатлар зиммасига бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдан иборат асосий масъулият юклатилган.


Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — 18 аъздан иборат. Аъзоларининг учдан бир қисми Бош Ассамблея томонидан уч йил муддат билан ҳар йили қайта сайланиб туради. ЭКОСОСнинг асосий вазифаси, социал соҳаларда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни мустаҳкамлашдан, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ёрдамлашишдан иборатдир. Кенгаш энг актуал иқтисодий ва социал масалалар бўйича текширишлар ўтказиш, докладлар тайёрлаш ва булар тўғрисида Бош Ассамблея, БМТ аъзолари ва шунингдек БМТ нинг ихтисослаштирилган муассасалари муҳокамасига тегишли тавсиялар киритишга вакил қилинган.

Кенгаш қарамоғида тўртта регионал иқтисодий комиссия: Европа иқтисодий комиссияси (ЕАК), Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссия (ЭКАДВ), Латин Америкаси учун иқтисодий комиссия (ЭКЛА) ва Африка учун иқтисодий комиссия (ЭКА) бўлиб, бу доимий комиссиялар ЭКОСОСнинг раҳбарлигида иш олиб борадилар.

Васийлик кенгаши — Бош Ассамблеянинг раҳбарлиги остида ишлайди. Кенгаш зиммасига БМТ нинг васийлигидаги ерларни идора қилиш, ҳамда ўз-ўзини идора қилмайдиган барча территорияларга тааллуқли масалаларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси юклатилган.

Халқаро суд — БМТ нинг асосий суд органи ҳисобланади. У Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан 9 йил муддатга сайланадиган 15 судьядан иборатдир.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ СТРУКТУРАСИ



Секретариат — Хавфсизлик Кенгашининг тавсияси билан Бош Ассамблея томонидан 5 йил муддатга тайинланадиган БМТ нинг бош секретаридан ҳамда 4500 га яқин секретариат ходимларидан иборатдир.

БМТ нинг бир неча бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳам бор, улар БМТ билан иқтисодий ва ижтимоий кенгаш воситаси орқали боғлангандирлар. Юнеско, МОТ, ФАО, ВОЗ, МФК, МТП ташкилотлари шулар жумласидандир.

БМТ нинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)—ҳукуматлараро энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси — тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашишдан, адолат, қонуничлик, инсон ҳуқуқларини, уларнинг миллати, жинси, тили ва диний эътиқодларидан қатъи назар БМТ Уставида ҳамма халқлар учун эълон қилинган асосий эркинликларни ҳурмат қилинишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, маориф, фан ва маданият йўли билан халқларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига ёрдамлашишдан иборатдир.

Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ)—1919 йилда ташкил этилиб, 1946 йилдан бошлаб БМТ нинг ихтисослаштирилган муассасасига айлантирилган. МОТнинг вазифаси — иш вақтини регламентация қилиш йўли билан халқаро ҳаракатлар воситасида аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашдан, ишсизликка қарши курашиш, ишчи, хизматчи ва бошқа меҳнаткашларни касалликдан, умумий меҳнат касалликларидан ва ишлаб чиқаришда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилишдан иборатдир. МОТ составида ҳукуматлар вакиллари, шунингдек, касаба союзлари ва БМТ аъзоси бўлган мамлакатлардаги корхона эгалари бўлган ташкилотларининг вакиллари бор.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО)— овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги ва шунингдек, ўрмон хўжалиги ҳамда балиқ овлаш масалалари билан шуғулланади. Ташкилотнинг асосий мақсади — турмуш даражасини кўтариш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш ишларида миллатларга ёрдам беришдан иборат.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ)— БМТ нинг 1946 йилда ташкил этилиб ихтисослаштирилган муассасасидир. ВОЗнинг вазифаси ҳамма халқларнинг соғлиқни сақлаш бўйича энг юқори даражага эришишларига ёрдамлашишдир.

Халқаро Молия корпорацияси (МФК)— 1956 йилда ташкил этилган. СССР бу ташкилотга аъзо эмас. Корпорациянинг асосий мақсади хусусий капитал сарфлаш йўли билан иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатларнинг ривожланишига кўмаклашишдан иборатдир. АҚШнинг монополистик капитали ўзининг ташқи-иқтисодий экспансияси манфаатлари йўлида МФК фаолиятдан фойдаланмоқда.

Халқаро савдо палатаси (МТП)— ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, унда савдо-саноат донралари ташкилотлари ва 64 мамлакатдаги айрим йирик фирмалар иштирок этади. МТП мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий

проблемаларни муҳсима қилиш учун савдо-саноат доиралари вакиллари-  
ванг учрашувини ташкил қилади ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқади.

Атом қуввати бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)— кам тараққий  
қилган мамлакатларга атом қувватидан тинчлик мақсадларида фойдала-  
ниш соҳасида ёрдам берадиган халқаро ташкилотдир. Ташкилот 1957 йил-  
да тузилиб, Бош Конференция, Бошқарувчилар кенгаши ва Секретариат  
(Бош директор бошчилигида)— ташкилотнинг органлари ҳисобланади.

### СИЕСИЯ ВА ҲАРБИЙ ИТТИФОҚЛАР

Шимолий Атлантик Иттифоқи (НАТО) — 1949 йил 4 апрелда Вашингтон шаҳрида имзоланган шартномага асосан тузилган агрессив ҳарбий группировкадир. Бу группировкага АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Дания, Исландия, Португалия, Греция, Туркия ва Германия Федератив Республикаси аъзодирлар.

Пактда иштирок этувчи мамлакатларнинг ташқи ишлар, мудофая ва молия министрларидан иборат Атлантик кенгаши — НАТОнинг олий раҳбар органидир. Кенгаш сессиялари ўртасида ўтган вақт ичида НАТО фаолиятига доимий кенгаш раҳбарлик қилиб туради. Ижро этувчи орган ҳисобланган секретариат, океанларда юк ташиниш бўйича план кенгаши, ҳарбий ва илмий комитетлар ана шу доимий кенгашга бўйсунadi. НАТОнинг қуроли кучлари америкалик генераллар қўмондонлигида бўлиб, АҚШ НАТОда раҳбарлик ролини ўйнайди.

НАТО халқаро кескинликни кучайтиришга, жаҳон империализмининг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ўта хавфли сиёсат олиб бормоқда.

Жануби-шарқий Осиё шартномаси ташкилоти (СЕАТО) — агрессив ҳарбий блок бўлиб, 1954 йил сентябрда тузилган. Унинг составига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Таиланд, Филиппин ва Покистон мамлакатлари киради. Бу блокнинг асосий мақсади Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатларига қарши курашдан ва социалистик лагерга қарши уруш тайёргарлигини амалга оширишдан иборатдир. СЕАТОнинг штаб квартираси Танланднинг Бангкок шаҳрида жойлашган. Империалистлар Жануби-шарқий Осиёдаги бетараф мамлакатларни ана шу блокка жалб этиш йўлида зўр бериб уриямоқдалар.

Марказий шартнома ташкилоти (СЕНТО) — 1955 йил ноябрда тузилган. 1959 йил август ойигача «Бағдод пакти» номи билан аталиб келган. Бу ҳарбий блок НАТО ва СЕАТО блоклари билан чамбарчас боғлангандир. Бу блокда қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар министрларидан иборат доимий кенгаш СЕНТОнинг бош органи ҳисобланади. 1958 йилда бу-

туи раҳбарлик органлари Туркиянинг Анқара шаҳрига кўчирилди. СЕНТОга Буюк Британия, Туркия, Покистон ва Эрон мамлакатлари аъзо бўлиб, АҚШ раҳбарлик ролини ўйнайди. АҚШ вакиллари блок комиссияларида иштирок этсалар-да, лекин расмий жиҳатдан ўзларини СЕНТО аъзоси деб ҳисобламайдилар.

Австралия, Янги Зеландия, АҚШ мамлакатларининг иттифоқи (АНЗЮС)—1951 йилда тузилган. Мазкур мамлакатлар ўртасида тузилган бу агрессив ҳарбий иттифоқ Хитой Халқ Республикасига қарши, шунингдек Жануби-шарқий Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши қаратилгандир. Бу иттифоқ Буюк Британиянинг иштирокисиз, аммо унинг иккита доминиони билан АҚШ ўртасида тузилган иттифоқдир. Австралия Иттифоқи ва Янги Зеландия қуроли кучларининг амалда АҚШ га бўйсундирилганлиги бу битимнинг асосини ташкил қилади.

Варшава шартномаси — Европадаги социалистик мамлакатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартномадир. У, 1955 йил 14 майда Варшава шаҳрида имзоланган. Варшава шартномаси муҳофаза характерига эга бўлиб, социалистик мамлакат халқларининг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга, уларнинг миллий мустақиллиги ва давлат суверенитетини сақлашга қаратилгандир.

Социалистик мамлакатлар бу шартномани Ғарб мамлакатларининг социалистик лагерь мамлакатларига қарши қаратилган НАТО ва бошқа агрессив ҳарбий блокларига жавобан туздилар. Шартнома иштирок этувчиларнинг коллектив муҳофазасини ташкил қилиш бўйича бир қатор тadbирларни кўзда тутди.

Шартномага асосан фикр олишув мақсадида сиёсий консултив комитет тузилган. Бу комитетда ҳар бир давлат ўзининг махсус вакилига эгадир. Шунингдек, Қуроли кучларининг бирлашган қўмондонлиги тузилган.

Бирлашган қуроли кучлар штаби Москва шаҳрида жойлашгандир.



**СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚА  
ҚИЛУВЧИ ЧЕТ ЭЛ ЖАМИЯТЛАРИ**

Мамлакатлар	Жамиятларнинг номи	Тузилган йили
Австралия . . . . .	„Австралия-Совет“ дўстлиги жамияти	1935
Австрия . . . . .	„Австрия-Совет“ жамияти	1945
Албания Халқ Респуб-ликаси . . . . .	„Албания-Совет Иттифоқи“ дўстлиги жамияти	1945
Афғонистон . . . . .	„Афғонистон-Совет“ дўстлиги жамияти	1960
Америка Қўшма Штатлари . . . . .	а) „Америка-Совет“ дўстлиги Миллий кенгаши (Нью-Йорк)	1943
	б) Лос-Анжелосдаги СССР билан маданий алоқа қилиш „Америкарус институти“	1946
	в) Сан-Францискодаги „Америкарус институти“	1932
	г) „Америка-Совет“ дўстлиги Чикаго Кенгаши	1943
Бельгия . . . . .	„Бельгия-Совет“ дўстлиги жамияти	1944
Бирма . . . . .	„Бирма-Совет“ маданий алоқалар жамияти	1952
Болгария Халқ Респуб-ликаси . . . . .	„Болгар-Совет“ дўстлиги Умум-халқ комитети	1957
Бразилия . . . . .	а) Бразилия-СССР маданий алоқалар институти	1954

30 Жаҳондаги мамлакатлар

Мамлакатлар	Жамиятларнинг номи	Тузилган йил
Буюк Британия . . . . .	б) Сан-Пауло шаҳридаги Бразилия-СССР маданий иттифоқи	1959
	а) „Англия-Совет“ дўстлиги жамияти	1946
	б) СССР билан маданий алоқалар жамияти	1924
	в) „Шимолий Ирландия-СССР“ дўстлиги жамияти	1954
	г) „Шотландия-СССР“ дўстлиги жамияти	1946
	д) „Буюк Британия-СССР“ Иттифоқи	1959
Венгрия Халқ Республикаси . . . . .	„Венгрия-Совет“ дўстлиги жамияти	1957
Вьетнам Демократик Республикаси . . . . .	„Вьетнам-Совет“ дўстлиги жамияти	1950
Гана . . . . .	„Гана — СССР“ дўстлиги жамияти	1961
Германия Демократик Республикаси . . . . .	„Германия-Совет“ дўстлиги жамияти	1949
Германия Федератив Республикаси . . . . .	СССР билан маданий алоқа қилиш Саар жамияти	1956
Греция . . . . .	„Греция-Совет“ жамияти	1955
Дания . . . . .	Дания билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик жамияти	1924
Жанубий Африка Республикаси . . . . .	Совет Иттифоқи билан дўстлик Жанубий Африка жамияти	1931
Индонезия Республикаси . . . . .	„Индонезия-СССР“ маданий алоқалар жамияти	1957
Ирландия . . . . .	„Ирландия-Совет“ дўстлиги жамияти	1947
Ироқ Республикаси . . . . .	„Ироқ-Совет“ дўстлиги жамияти	1959
Исландия . . . . .	„Исландия-СССР“ маданий алоқалар жамияти	1950
Исроил . . . . .	„Исроил-СССР“ дўстлиги жамияти	1954
Италия . . . . .	„Италия-СССР“ жамияти	1946
Канада . . . . .	а) „Канада-Совет“ дўстлиги жамияти	1943
	б) „Канада-Совет“ дўстлиги жамиятининг бўлими (Ванкувер шаҳри)	1943
	в) „Канада-Совет“ дўстлиги жамиятининг бўлими (Виннипег шаҳри)	1943

Мамлакатлар	Жамиятларнинг номи	Тузилган йили
	г) Халқаро дўстлик ва типчлик тарафдорлари жамияти	
	д) „Карпат-рус“ жамияти	
	е) „Кнебек-СССР“ жамияти	
	ё) Канада ишчиларининг ўзаро ёрдам жамияти	1943
Колумбия . . . . .	„Колумбия-Совет“ маданий алоқалар жамияти	1960
Корея Халқ Демократик Республикаси . . . . .	„Корея-Совет“ дўстлиги жамияти	1945
Куба . . . . .	Чет мамлакат халқлари билан маданий алоқа „Куба институти“	—
Люксембург . . . . .	„Люксембург-СССР“ жамияти	1944
Ливан . . . . .	Совет Иттифоқи билан маданий алоқалар жамияти	1956
Мальгаш Республикаси	„Мальгаш-СССР“ маданий алоқалар жамияти	1956
Мали Республикаси . . . . .	Мали Ассоциациясининг СССР халқлари билан дўстлиги	1961
Мексика . . . . .	„Мексика-рус“ маданий айирбошлаш институти	1944
Мўғулистон Халқ Республикаси . . . . .	„Мўғулистон-Совет“ дўстлиги жамияти	1947
Непал . . . . .	„Непал-Совет“ дўстлиги жамияти	1956
Нидерландия . . . . .	„Нидерландия-СССР“ жамияти	1947
Норвегия . . . . .	„Норвегия-СССР“ жамияти	1945
Перу . . . . .	„Перуан-Совет“ маданий иттифоқи	1959
Польша Халқ Республикаси . . . . .	„Польша-Совет“ дўстлиги жамияти	1944
Руминия Халқ Республикаси . . . . .	СССР билан дўстлик алоқалари Руминия жамияти	1944
Сан-Марино . . . . .	„Сан-Марино-СССР“ жамияти	—
Сенегал . . . . .	„Африка-СССР“ иттифоқи	1959
Сьерра-Леоне . . . . .	„Сьерра-Леоне-СССР“ дўстлиги жамияти	1960
Того . . . . .	„Того-СССР“ комитети	1959
Тунис . . . . .	„Тунис-СССР“ маданий алоқалар жамияти	—

Мамлакатлар	Жамиятларнинг номи	Тузилган йили
Уругвай . . . . .	„Уругвай-Совет“ маданий алоқалар институти	1946
Финляндия . . . . .	„Финляндия-Совет Иттифоқи“ жамияти	1944
Франция . . . . .	„Франция-СССР“ жамияти	1944
Хитой Халқ Республикаси . . . . .	„Хитой-Совет“ дустлиги жамияти	1949
Цейлон . . . . .	„Цейлон-Совет“ дустлиги жамияти	1956
Чехословакия социалистик Республикаси	„Чехословакия-Совет“ дустлиги уюшмаси	1924
Чили . . . . .	„Чили-Совет“ маданий алоқалар институти	1946
Швейцария . . . . .	„Швейцария-СССР“ жамияти	1946
Швеция . . . . .	„Швеция-СССР“ жамияти	1935
Эрон . . . . .	СССР билан маданий алоқа қилиш Эрон жамияти	1944
Янги Зеландия . . . . .	СССР билан ҳамкорлик қилиш Янги Зеландия жамияти	1941
Япония . . . . .	„Япония-СССР“ жамияти	1949
Ҳиндистон . . . . .	„Ҳиндистон-Совет“ маданий алоқалар жамияти	1952

## МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАР

Оя	Кун	Давлатлар	Миллий байрамларнинг номлари
Январь	1	Судан . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1956 йил)
	1	Гаити . . . . .	Мустақиллик куни
	4	Бирма . . . . .	Мустақиллик куни (1948 йил)
	26	Ҳиндистон . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1950 йил)
Февраль	26	Австралия . . . . .	Австралия куни (1788 йил)
	4	Цейлон . . . . .	Мустақиллик куни (1948)
	6	Янги Зеландия . . . . .	Янги Зеландия куни (1840 йил)
Февраль	7	Ғарбий Самоа . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1962 йил)
	18	Непал . . . . .	Непалнинг миллий куни (1951 йил)
	22	Бирлашган Араб Республикаси . . . . .	Бирлашган Араб Республикасининг миллий байрами (1958 йил)
	27	Доминикана Республикаси . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1844)
	27	Доминикана Республикаси . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1844)
Март	2	Марокаш . . . . .	Мустақиллик куни (1956 йил)
	6	Гана . . . . .	Мустақиллик куни (1957 йил)
	20	Тунис . . . . .	Мустақиллик куни (1956 йил)
	23	Покистон . . . . .	Покистон куни (1956 йил)
	24	Ироқ . . . . .	Озодлик байрами (1959 йил)
	25	Греция . . . . .	Мустақиллик куни (1821 йил)
Апрель	4	Венгрия Халқ Республикаси . . . . .	Озодлик куни (1945 йил)
	2	Исроил . . . . .	Мустақиллик куни (1948 йил)
Май	5	Эфиопия . . . . .	Мустақиллик куни (1941 йил)

Оя	Кун	Давлатлар	Миллий байрамларнинг номлари
	8	Германия Демократик Республикаси . . . .	Озодлик куни (1945 йил)
	9	Чехословакия Социалистик Республикаси	Миллий байрам куни (1945 йил)
	11	Лаос . . . . .	Миллий байрам куни
	15	Парагвай . . . . .	Мустақиллик куни (1811 йил)
	17	Норвегия . . . . .	Конституция куни (1814 йил)
	20	Куба . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1902 йил)
	25	Аргентина . . . . .	Революция йиллиги (1810 йил)
	27	Афғонистон . . . . .	Мустақиллик куни (1919 йил)
	31	Жанубий Африка Республикаси . . . . .	Республика куни
Июнь	1	Тунис . . . . .	Галаба куни (1955 йил)
	2	Италия . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1946 йил)
	5	Дания . . . . .	Конституция куни (1849 йил)
	6	Швеция . . . . .	Конституция куни (1809 йил)
	17	Исландия . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1944 йил)
Июль	24	Таиланд . . . . .	Миллий байрам куни (1932 йил)
	1	Гана . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1960 йил)
	1	Канада . . . . .	Конфедерация (иттифоқ) куни (1867 йил)
	4	Америка Қўшма Штатлари . . . . .	Мустақиллик куни (1776 йил)
	4	Филиппин . . . . .	Мустақиллик куни (1946 йил)
	5	Венесуэла . . . . .	Мустақиллик куни (1811 йил)
	9	Аргентина . . . . .	Мустақиллик куни (1816 йил)
	11	Мўғулистон Халқ Республикаси . . . .	Халқ Революцияси куни (1921 йил)
	14	Ироқ . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1958 йил)
	14	Франция . . . . .	Бастилия олинган кун (1789 йил)
	20	Колумбия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1810 йил)
	21	Бельгия . . . . .	Миллий байрам куни (1831 йил)

Ой	Кун	Давлатлар	Миллий байрамларнинг номлари
Август	22	Польша Халқ Республикаси . . . . .	Польшанинг қайта тикланган куни (1944 йил)
	23	Бирлашган Араб Республикаси . . . . .	Революция куни (1952 йил)
	25	Либерия . . . . .	Мустақиллик куни (1847 йил)
	28	Перу . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1821 йил)
	1	Швейцария . . . . .	Конфедерацияга асос қўйилган кун (1291 йил)
	6	Боливия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1825 йил)
	10	Эквадор . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1809 йил)
	15	Корея Халқ Демократик Республикаси . . . . .	Озодлик куни (1945 йил)
	17	Индонезия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1945 йил)
	23	Руминия Халқ Республикаси . . . . .	Озодлик куни (1944 йил)
Сентябрь	25	Уругвай . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1825 йил)
	31	Малайя . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1957 йил)
	2	Вьетнам Демократик Республикаси . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1945 йил)
	7	Бразилия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1882 йил)
	9	Болгария Халқ Республикаси . . . . .	Озодлик куни (1944 йил)
	15	Гватемала . . . . .	Мустақиллик куни (1821 йил)
	15	Коста-Рика . . . . .	Мустақиллик куни (1821 йил)
	15	Никарагуа . . . . .	Мустақиллик куни (1821 йил)
	16	Мексика . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1810 йил)
	18	Чили . . . . .	Мустақиллик куни (1810 йил)
	21	Гана . . . . .	Гана ташқил толган кун (1957 йил)

Оя	Кун	Давлатлар	Миллий байрамларнинг номлари
Октябрь	1	Хитой Халқ Республикаси . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1949 йил)
	2	Гвинея . . . . .	Мустақиллик куни (1958 йил)
	7	Германия Демократик Республикаси	Республика куни (1949 йил)
	29	Туркия . . . . .	Республика эълон қилинган кун (1923 йил)
Ноябрь	2	Эфиопия . . . . .	Конституция куни (1930 йил)
	3	Панама . . . . .	Мустақиллик куни (1903 йил)
	9	Камбоджа . . . . .	Мустақиллик куни (1953 йил)
	22	Ливан . . . . .	Мустақиллик куни (1943 йил)
	29	Албания Халқ Республикаси . . . . .	Озодлик куни (1944 йил)
Декабрь	29	Югославия . . . . .	Республика куни (1945 йил)
	6	Финляндия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1917 йил)
	24	Ливия . . . . .	Мустақиллик эълон қилинган кун (1951 йил)



## ЧЕТ ДАВЛАТЛАРНИНГ ВАЛЮТАЛАРИ

Валюталар номи	СССР Давлат банкнинг 1962 йил март ойигача булган курси (сўм ҳисоби билан)	
Австралия фунти . . . . .	1 фунт	2.02 сўмга тенг
Австралия шиллинги . . . . .	100 шиллинг	3.48 .
Албания леки . . . . .	100 лек	1.80 .
Англия фунт стерлинги . . . . .	1 фунт стерлинг	2.53 .
Аргентина песоси . . . . .	100 песо	1.09 .
Афгонистон афғониси . . . . .	100 афғон	4.50 .
АҚШ доллари . . . . .	1 доллар	0.90 .
Бельгия франки . . . . .	100 франк	1.81 .
Бирма кьяти . . . . .	100 кьят	19.04 .
Болгария леви . . . . .	100 лев	76.92 .
Венгрия форинти . . . . .	100 форинт	7.67 .
Вьетнам донги . . . . .	100 донг	30.60 .
Гана фунти . . . . .	1 фунт	2.53 .
Гвинея франки . . . . .	1000 франк	3.65 .
ГДР маркаси . . . . .	100 марка	40.50 .
ГФР маркаси . . . . .	100 марка	22.55 .
Голландия гульдени . . . . .	100 гульден	24.95 .
Греция драхми . . . . .	100 драхм	3.02 .
Дания крони . . . . .	100 крон	13.08 .
Жанубий Африка Республикаси рэнди . . . . .	1 рэнд	1.27 .
Исроил фунти . . . . .	100 фунт	50.00 .
Индонезия рупияси . . . . .	100 рупия	2.00 .
Ироқ динори . . . . .	1 динор	2.53 .
Исландия крони . . . . .	100 крон	2.09 .

Валюталар номи	СССР Давлат банкининг 1982 йил март ойигача бўлган курси (сум дивизи билан)	
Италия лираси . . . . .	1000 лира	1.45 сумга тенг
Камбоджа риали . . . . .	100 риал	2.57
Канада доллари . . . . .	1 доллар	0.86
Куба песоси . . . . .	1 песо	0.90
Корея вон . . . . .	100 вон	74.93
Ливан фунти . . . . .	100 фунт	29.87
Ливия фунти . . . . .	1 фунт	2.53
Марокаш дирхами . . . . .	100 дирхам	17.78
Мексика песоси . . . . .	100 песо	7.22
Миср фунти . . . . .	1 фунт	2.60
Мўғулистон тугриги . . . . .	100 тугрик	22.50
Непал рупияси . . . . .	100 рупия	11.95
Норвегия крони . . . . .	100 крон	12.61
Покистон рупияси . . . . .	100 рупия	19.04
Польша злотаси . . . . .	100 злота	22.50
Руминия лейи . . . . .	100 лей	15.00
Сурия фунти . . . . .	100 фунт	25.10
Судан фунти . . . . .	1 фунт	2.58
Тунис динори . . . . .	1 динор	2.14
Туркия лираси . . . . .	100 лира	10.00
Уругвай песоси . . . . .	100 песо	8.22
Финляндия маркаси . . . . .	100 марка	2.81
Франция франки . . . . .	100 франк	18.37
Цейлон рупияси . . . . .	100 рупия	19.07
Чехословакия крони . . . . .	100 крон	12.50
Швеция крони . . . . .	100 крон	17.38
Швейцария франки . . . . .	100 франк	20.84
Эрон риали . . . . .	100 риал	1.20
Эфиопия доллари . . . . .	100 доллар	36.00
Югославия динори . . . . .	1000 динор	1.20
Янги Зеландия фунти . . . . .	1 фунт	2.50
Япония йени . . . . .	1000 йен	2.51
Ҳиндистон рупияси . . . . .	100 рупия	19.04
Хитой юани (ХХР) . . . . .	100 юан	45.00

**ВАҚТЛАР ЖАЛВАЛИ**  
(Москва вақтига нисбатан)

Шаҳарларнинг номи	Соят Москва вақти билан	Соят маҳаллий вақт билан	Москва вақтидан Фарқи
Абакан	12.00	16.00	+4
Аддис-Абеба	12.00	12.00	0
Актюбинск	12.00	15.00	+3
Андижон	12.00	15.00	+3
Анкара	12.00	11.00	-1
Архангельск	12.00	13.00	+1
Астрахань	12.00	13.00	+1
Ашхобод	12.00	14.00	+2
Барнаул	12.00	16.00	+4
Батуми	12.00	13.00	+1
Бағдод	12.00	12.30	+0,30
Берлин	12.00	10.00	-2
Биробиджан	12.00	19.00	+7
Благовешченск	12.00	18.00	+6
Боку	12.00	13.00	+1
Бухоро	12.00	14.00	+2
Буэнос-Айрес	12.00	6.00	-6
Владивосток	12.00	19.00	+7
Владимир	12.00	13.00	+1
Волгоград	12.00	13.00	+3
Вологда	12.00	13.00	+1
Горький	12.00	13.00	+1
Грозный	12.00	13.00	+1

Шаҳарларнинг номи	Соат Москва вақти билан	Соат маҳаллий вақт билан	Москва ва вақтидан фарқи
Гурьев . . . . .	12.00	14.00	+2
Дехли . . . . .	12.00	14.30	+2,30
Душанба . . . . .	12.00	15.00	+3
Ереван . . . . .	12.00	13.00	+1
Жакарта . . . . .	12.00	16.30	+4.30
Жамбул . . . . .	12.00	15.00	+3
Иваново . . . . .	12.00	13.00	+1
Ижевск . . . . .	12.00	13.00	+1
Иркутск . . . . .	12.00	17.00	+5
Йошкар-Ола . . . . .	12.00	13.00	+1
Қараганда . . . . .	12.00	15.00	+3
Кемерово . . . . .	12.00	16.00	+4
Киров . . . . .	12.00	13.00	+1
Кобул . . . . .	12.00	13.30	+1.30
Кострома . . . . .	12.00	13.00	+1
Краснодар . . . . .	12.00	13.00	+1
Красноярск . . . . .	12.00	16.00	+4
Куба . . . . .	12.00	4.00	-8
Кўжчатов . . . . .	12.00	15.00	+3
Курган . . . . .	12.00	14.00	+2
Қустанай . . . . .	12.00	14.00	+2
Ленинобод . . . . .	12.00	15.00	+3
Лондон . . . . .	12.00	9.00	-3
Магадан . . . . .	12.00	19.00	+7
Мадрид . . . . .	12.00	9.00	-3
Мари . . . . .	12.00	14.00	+2
Махачкала . . . . .	12.00	13.00	+1
Нальчик . . . . .	12.00	13.00	+1
Наманган . . . . .	12.00	15.00	+3
Нахичеван . . . . .	12.00	13.00	+1
Новосибирск . . . . .	12.00	16.00	+4
Норин . . . . .	12.00	15.00	+3
Нукус . . . . .	12.00	14.00	+2
Нью-Йорк . . . . .	12.00	4.00	-8
Олмаота . . . . .	12.00	15.00	+3
Омск . . . . .	12.00	15.00	+3
Оржоникидзе . . . . .	12.00	13.00	+1
Оренбург . . . . .	12.00	14.00	+2
Павлодар . . . . .	12.00	15.00	+3

Шахарларнинг номи	Соат Москва вақти билан	Соат маҳаллий вақт билан	Москва вақтидан фарқи
Париж . . . . .	12.00	9.00	-3
Пекин . . . . .	12.00	17.00	+5
Пенза . . . . .	12.00	13.00	+1
Пермь . . . . .	12.00	14.00	+2
Петропавловск . . . . .	12.00	15.00	+3
Петропавловск-Камчатский . . . . .	12.00	19.00	+7
Рим . . . . .	12.00	10.00	-2
Рио де Жанейро . . . . .	12.00	6.00	-6
Самарқанд . . . . .	12.00	14.00	+2
Саранск . . . . .	12.00	13.00	+1
Саратов . . . . .	12.00	13.00	+1
Свердловск . . . . .	12.00	14.00	+2
Семипалатинск . . . . .	12.00	15.00	+3
Ставрополь . . . . .	12.00	13.00	+1
Степанакерт . . . . .	12.00	13.00	+1
Сиктивкар . . . . .	12.00	14.00	+2
Сухуми . . . . .	12.00	13.00	+1
Техрон . . . . .	12.00	12.00	0
Токио . . . . .	12.00	18.00	+6
Талди-Кўрғон . . . . .	12.00	15.00	+3
Тошовуз . . . . .	12.00	14.00	+2
Тошкент . . . . .	12.00	15.00	+3
Тбилиси . . . . .	12.00	13.00	+1
Термиз . . . . .	12.00	14.00	+2
Томск . . . . .	12.00	14.00	+2
Тюмень . . . . .	12.00	15.00	+3
Улан-Удэ . . . . .	12.00	17.00	+5
Ульяновск . . . . .	12.00	13.00	+1
Уральск . . . . .	12.00	14.00	+2
Урганч . . . . .	12.00	14.00	+2
Усть-Каменогорск . . . . .	12.00	15.00	+3
Уфа . . . . .	12.00	14.00	+2
Фарғона . . . . .	12.00	15.00	+3
Фрунзе . . . . .	12.00	15.00	+3
Хабаровск . . . . .	12.00	19.00	+7
Хорог . . . . .	12.00	15.00	+3
Целиноград . . . . .	12.00	15.00	+3
Чебоксари . . . . .	12.00	13.00	+1
Челябинск . . . . .	12.00	14.00	+2
Черкасск . . . . .	12.00	13.00	+1

Шаҳарларнинг номи	Соат Москва вақти билан	Соат маҳаллий вақт билан	Москва вақтидан фарқи
Чимкент . . . . .	12.00	15.00	+3
Чита . . . . .	12.00	18.00	+6
Чоржўй . . . . .	12.00	14.00	+2
Элиста . . . . .	12.00	13.00	+1
Южно-Сахалинск . . . . .	12.00	19.00	+7
Якутск . . . . .	12.00	19.00	+7
Ўш . . . . .	12.00	15.00	+3
Қарши . . . . .	12.00	14.00	+2
Кизил . . . . .	12.00	14.00	+2
Қизилўрда . . . . .	12.00	14.00	+2
Қозон . . . . .	12.00	13.00	+1
Қоҳира . . . . .	12.00	11.00	-1
Қуйбишев . . . . .	12.00	13.00	+1
Кутаиси . . . . .	12.00	13.00	+1

**ЖАҲОНДАГИ МАМЛАКАТЛАР**  
(майдони, аҳолиси, пойтахти)

№	Мамлакатлар	Майдон (минг. кв. ки.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
1.	Австралия Иттифоқи .	7704	10,1	Канберра (39 минг киши)
2.	Австрия . . . . .	83,9	7,0	Вена (1683 минг киши)
3.	Адан . . . . .	300	0,8	Адан (96 минг)
4.	Албания Ҳалқ Респуб- ликаси . . . . .	28,7	1,5	Тирана (120 минг киши)
5.	Аляска . . . . .	1519	0,2	Жуно (7 минг киши)
6.	Америка Қўшма Штатла- ри . . . . .	9364	179,2	Вашингтон (2 млн. киши)
7.	Ангола . . . . .	1247	4,5	Луанда (190 минг киши)
8.	Андорра . . . . .	0,465	0,006	Андорра-л а-Вьеха (2 минг киши)
9.	Аргентина . . . . .	2800	21,0	Буэнос-Айрес (3,7 млн. киши)
10.	Арманистон ССР . . . . .	29,8	1,8	Ереван (509 минг киши)
11.	Афғонистон . . . . .	655	13,0	Кобул (310 минг киши)
12.	Багама ороллари . . . . .	11,4	0,09	Нассау (29 минг киши)
13.	Басутоленд . . . . .	30,3	0,658	Масеру (5,6 минг киши)

№	Мамлакатлар	Майдон (минг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
14.	Бахрайн . . . . .	0,6	0,122	Манама (65 минг ки- ши)
15.	Белоруссия ССР . . . . .	207,6	8055	Минск (509 минг ки- ши)
16.	Бельгия . . . . .	30,5	9079	Брюссель (994 минг киши)
17.	Бермуда ороллари . . . . .	0,1053	0,040	Гамильтон (4 минг киши)
18.	Бечуаналенд . . . . .	712,2	0,337	Мафекинг (3 минг киши)
19.	Бирлашган Араб Респуб- ликаси . . . . .	1000	26080	Қоҳира (3445 минг киши)
20.	Бирма . . . . .	678	20457	Рангун (822 минг киши)
21.	Болгария Халқ Респуб- ликаси . . . . .	111	7829	София (644 минг ки- ши)
22.	Боливия . . . . .	1100	3316	Сукре (40 минг ки- ши)
23.	Борнео:			
	Саравак . . . . .	122	0,640	Кучинг (60 минг ки- ши)
	Шимолий Борнео	76,1	0,401	Жесселтон (12 минг киши)
	Бруней . . . . .	5,8	0,075	Бруней (18 минг ки- ши)
24.	Бразилия . . . . .	8500	63,9	Бразилия Рио-де-Жанейро (3220 минг киши)
25.	Британия Гондураси . . . . .	22,3	0,076	Белиз (28 минг ки- ши)
26.	Буюк Британия . . . . .	244,1	51,9	Лондон (3227 минг киши)
27.	Ватикан . . . . .	0,044	0,001	—
28.	Венгрия Халқ Республи- каси . . . . .	93	9,978	Будапешт (1807 минг киши)



№ № олт	Мамлакатлар	Майдон (минг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
29.	Венесуэла . . . . .	912	6320	Каракас (1100 миңг киши)
30.	Вест-Индия Федерацияси	20,7	3056	Порт-оф Спейн (120 миңг киши)
31.	Виргин ороллари . . .	0,174	0,008	Родтаун (1 миңг киши)
32.	Вьетнам Демократик Республикаси . . . . .	157	15903	Ханой (638 миңг киши)
33.	Жанубий Вьетнам . .	171	12,5	Сайгон (2 млн. киши)
34.	Габон . . . . .	267	0,420	Либревиль (10 миңг киши)
35.	Гавайи ороллари . . .	16,7	0,560	Гонолулу (248 миңг киши)
36.	Гаити . . . . .	27,8	3,5	Порт-о-Пренс (200 миңг киши)
37.	Гамбия . . . . .	10,4	0,300	Батёрст (20 миңг киши)
38.	Гана . . . . .	237,8	6691	Аккра (200 миңг киши)
39.	Гваделупа . . . . .	1,8	0,271	Бас-Тер (14 миңг киши)
40.	Гватемала . . . . .	108,9	3,7	Гватемала (350 миңг киши)
41.	Гвиана:			
	Британия Гвианаси .	215	0,540	Жоржтаун (120 миңг киши)
	Нидерландия Гвианаси	142,8	0,267	Парамарибо (97 миңг киши)
	Франция Гвианаси	90	0,029	Кайенна (13 миңг киши)
42.	Гвинея . . . . .	246	3,0	Конакри (80 миңг киши)
43.	Германия Демократик Республикаси . . . . .	107,8	17,4	Берлин (1122 миңг киши)
44.	Германия Федератив Республикаси . . . . .	248	53,1	Бонн (140 миңг киши)

31 Жаҳондаги мамлакатлар

№	Мамлакатлар	Майдоғи (минг. кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
45.	Гилберт ва Элис оро- ларни . . . . .	0,656	0,037	Тарава (29 миңг ки- ши)
46.	Гондурас . . . . .	112	2,0	Тегусигальпа (103 миңг киши)
47.	Гонконг . . . . .	1,0	2,5	Виктория (1 млн. киши)
48.	Греция . . . . .	132,6	8,2	Афина (565 миңг киши)
49.	Грузия ССР . . . . .	69,7	4044	Тбилиси (695 миңг киши)
50.	Гуам . . . . .	0,534	0,035	Аганья (1300 киши)
51.	дагомея . . . . .	116	1720	Порто—Ново (30 миңг киши)
52.	Дания . . . . .	43	4,5	Копенгаген (1168 миңг киши)
53.	Доминикана Республикаси	48,7	2894	Сайто-Доминго (261 миңг киши)
54.	Жазоир . . . . .	2191	10,3	Жазоир (805,6 миңг киши)
55.	Жануби-Ғарбий Африка	824,0	0,554	Виндхук (29 миңг киши)
56.	Жанубий Африка Рес- публикаси . . . . .	1223,4	14673	Претория (335 миңг киши)
57.	Жанубий Родезия . . .	389,3	2,9	Солсбери (215 миңг киши)
58.	Занзибар . . . . .	2,6	0,304	Занзибар (58 миңг киши)
59.	Индонезия . . . . .	1904,3	88,0	Жакарта (1993 миңг киши)
60.	Иордания . . . . .	96,6	1,6	Амман (170 миңг киши)
61.	Ирландия . . . . .	70,3	2,8	Дублин (584 миңг киши)
62.	Ироқ . . . . .	444,4	6,5	Бағдод (720 миңг киши)
63.	Исландия . . . . .	103	0,173	Рейкьявик (70 миңг киши)

№	Мамлакатлар	Майдон (минг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
64.	Испания . . . . .	503,5	29,9	Мадрид (1900 миңг киши)
65.	Испания Гвинеяси . . .	28	0,209	Санта—Исабель (9 миңг киши)
66.	Испания Саҳрон Кабири .	267,0	0,625	Вилья—Сиснерос
67.	Исронл . . . . .	20,7	2,0	Қуддус (360 миңг киши)
68.	Италия . . . . .	301,2	50,5	Рим (1956 миңг киши)
69.	Ифни . . . . .	2,0	0,040	Ифни
70.	Камбоджа . . . . .	181,0	5,0	Пном—Пень (500 миңг киши)
71.	Камерун . . . . .	88,3	1621	Буза (3 миңг киши)
72.	Камерун Республикаси .	432,0	3,5	Яунде (54 миңг киши)
73.	Канада . . . . .	9974,0	17,8	Оттава (242 миңг киши)
74.	Каролина, Маршалл ва Мариан ороллари . . .	2,1	0,064	Трук
75.	Катар . . . . .	22,0	0,035	Доха (20 миңг киши)
76.	Кения . . . . .	582,6	6450	Найроби (227 миңг киши)
77.	Кипр . . . . .	9,3	0,549	Никосия (82 миңг киши)
78.	Колумбия . . . . .	1138,4	13824	Богота (800 миңг киши)
79.	Конго Республикаси . .	2345,0	13,6	Леопольдвиль (350 миңг киши)
80.	Конго Республикаси . .	342	0,764	Браззавиль (84 миңг киши)
81.	Корея Халқ Демократик Республикаси . . .	127,2	10	Пхеньян (940 миңг киши)
82.	Жанубий Корея . . . .	93,6	21,9	Сеул (1966 миңг киши)
83.	Коста-Рика . . . . .	51,0	1126	Сан-Хосе (128 миңг киши)
84.	Куба . . . . .	114,5	6466	Гавана (789 миңг киши)
85.	Кук ороллари . . . . .	0,259	0,016	Аваруа (6 миңг киши)

№ №	Мамлакатлар	Майдони (минг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
86.	Лаос . . . . .	231,0	3,0	Вьентян (110 минг киши)
87.	Латвия ССР . . . . .	63,7	2,1	Рига (605 минг киши)
88.	Либерия . . . . .	111,4	2,2	Монровия (45 минг киши)
89.	Ливан . . . . .	10,4	1,550	Байрут (450 минг киши)
90.	Ливия . . . . .	1761,0	1200	Триполи (179 минг киши)
91.	Литва ССР . . . . .	65,2	2,7	Вильнюс (235 минг киши)
92.	Лихтенштейн . . . . .	0,157	0,015	Вадуц (3 минг киши)
93.	Люксембург . . . . .	2,6	0,320	Люксембург (70 минг киши)
94.	Мавритания . . . . .	1,169	0,700	Нуакшотт—
95.	Мальгаш Республикаси . . . . .	590,0	5,050	Тананариве (190 минг киши)
96.	Малайя Федерацияси . . . . .	131,0	6,6	Куала-Лумпур (315 минг киши)
97.	Мали . . . . .	1,204	3700	Бомako (68 минг киши)
98.	Макао . . . . .	0,016	0,200	Макао
99.	Мальдив ороллари . . . . .	0,298	0,089	Мале (8 минг киши)
100.	Мальта . . . . .	0,316	0,319	Ла-Валетта (19 минг киши)
101.	Марказий Африка Респуб- ликаси . . . . .	617,0	1,200	Банги (80 минг киши)
102.	Марокаш . . . . .	444,0	10,5	Работ (162 минг киши)
103.	Мартиника . . . . .	1102	0,282	Фор-де Франс (61 минг киши)
104.	Мексика . . . . .	1969,4	33,3	Мехико (4,6 млн. киши)
105.	Мозамбик . . . . .	783,0	6,234	Лоуренсу-Маркиш (100 минг киши)
106.	Молдавия ССР . . . . .	33,7	2,9	Кишинев (214 минг киши)
107.	Монако . . . . .	0,002	0,020	Монако (2 минг киши)

№ п/п	Мамлекетлар	Майдони (миңг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки-ши)	По: тахти
108.	Мўғулистон Халқ Республикаси . . . . .	1531	1,0	Улан-Батор (180 миңг киши)
109.	Науру ороли . . . . .	0,021	0,004	—
110.	Непал . . . . .	140,0	8,7	Катманду (195 миңг киши)
111.	Нигер . . . . .	1189,0	2,4	Ниамей (18 миңг киши)
112.	Нигерия . . . . .	878,0	35,0	Лагос (350 миңг киши)
113.	Нидерландия . . . . .	32,4	11384	Амстердам (872 миңг киши)
114.	Нидерландия Вест-Индияси	0,947	0,180	Веллемстад (4.4 миңг киши)
115.	Никарагуа . . . . .	148,0	1,378	Манагуа (176 миңг киши)
116.	Ниуэ ороли . . . . .	0,259	0,005	Алофи (1 миңг киши)
117.	Норвегия . . . . .	324,0	3,565	Осло (467 миңг киши)
118.	Норфолк ороли . . . . .	0,035	0,005	Кингстон (900 миңг)
119.	Ньясаленд . . . . .	127,3	2,7	Зомба (6 миңг киши)
120.	Озарбайжон ССР . . . . .	86,6	3,7	Боку (971 миңг киши)
121.	Панама . . . . .	74,5	1024,0	Панама (205 миңг киши)
122.	Папуа ороли . . . . .	234,5	0,495	Порт-Морсиби (2600 киши)
123.	Парагвай . . . . .	407,0	1,700	Асунсьон (205 миңг киши)
124.	Перу . . . . .	1249	10,524	Лима (1086 миңг киши)
125.	Польша Халқ Республикаси	311,7	29,5	Варшава (1102 миңг киши)
126.	Покистон . . . . .	944,7	93,8	Равалпинди (300 миңг киши)
127.	Португалия . . . . .	92,1	9,052	Лиссабон (790 миңг киши)
128.	Португалия Гвинеяси . . . . .	36,0	0,565	Бисау (20 миңг киши)
129.	Пуэрто-Рико . . . . .	8,9	2,3	Сан-Хуан (225 миңг киши)
130.	Режён . . . . .	2,5	0,295	Сен-Дени (39 миңг киши)
131.	РСФСР . . . . .	17075	117534	Москва (5046 миңг киши)

№ п.п.	Мамлакатлар	Майдон (минг кв. км.)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтакти
132.	Руанда-Урунди . . . . .	54,2	4,640	Усумбура (55 минг киши)
133.	Руминия Халқ Республи- каси . . . . .	237,5	18,350	Бухарест (1237 минг киши)
134.	Сальвадор . . . . .	20,0	2,434	Сан-Сальвадор (204 минг киши)
135.	Ғарбий Самоа . . . . .	2,9	0,105	Апиа (13 минг киши)
136.	Сан-Марино . . . . .	0,060	0,014	Сан-Марино (2 минг киши)
137.	Саудия Арабистони . .	1,600	7,0	Эр-Рияд (100 минг киши)
138.	Свазиленд . . . . .	17,4	0,242	Мбабане (3,5 минг киши)
139.	Сенегал . . . . .	197,0	2,250	Дакар (234 минг киши)
140.	Сен-Пьер ва Микелон .	0,240	0,005	Сен-Пьер (3400 киши)
141.	Сингапур . . . . .	0,581	1,446	Сингапур (912 минг киши)
142.	Совет Социалистик Рес- публикалар Иттифоқи	22,40	220	Москва (5046 минг киши)
143.	Соломон ороллари . . .	42,5	149,3	Хориара (1500 киши)
144.	Сомали Республикаси .	640,0	2,068	Могадишо (83 минг киши)
145.	Судан . . . . .	2,500	13,0	Хартум (93 минг киши)
146.	Сурия Араб Республикаси	185	4561	Дамашк (532 минг киши)
147.	Сьерра-Леоне . . . . .	72,3	2,300	Фритаун (77 минг киши)
148.	Таиланд . . . . .	514,0	24,0	Бангкок (1350 минг киши)
149.	Таиғаньика . . . . .	939,0	8,8	Дар-ас-Салом (129 минг киши)
150.	Того . . . . .	57,0	1,200	Ломе (70 минг киши)
151.	Тонга . . . . .	0,7	0,653	Нукуалофа (7 минг киши)
152.	Тожикистон ССР . . . .	143	1980	Душанба (224 минг киши)
153.	Тринидад ва Тобого орол- лари . . . . .		0,721	Порт-оф-Спейн (120 минг киши)

№	Мамлакатлар	Майдони (минг кв. км)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
154.	Тунис . . . . .	125,2	4	Тунис (700 миңг ки- ши)
155.	Туркия . . . . .	767,0	28	Анкара (605 миңг киши)
156.	Туркменистон ССР . . .	488,0	1,5	Ашхобод 170 миңг (киши)
157.	Уганда . . . . .	244,0	6,517	Энтеббе (8 миңг ки- ши)
158.	Украина ССР . . . . .	601,0	41869	Киев (1104 миңг ки- ши)
159.	Уммон . . . . .	212,4	0,550	Маскат (6 миңг киши)
160.	Уругвай . . . . .	286,9	2,700	Монтевидео (923 миңг киши)
161.	Фиджи . . . . .	18,2	0,368	Сува (30 миңг киши)
162.	Филиппин . . . . .	299,4	27,0	Кесон-Сити (130 миңг киши)
163.	Фил Суяги Қирғоғи . . .	322,0	3,100	Абилжан (130 миңг киши)
164.	Финляндия . . . . .	337,0	4,444	Хельсинки (459 миңг киши)
165.	Фолкленд ороллари . . .	12,00	0,002	Порт-Стэнли (1300 киши)
166.	Франция . . . . .	552,0	45,355	Париж (2,850 миңг киши)
167.	Франциянинг Океаниядаги мустанлакалари . . .	4,0	0,063	Папэте (15 миңг ки- ши)
168.	Хитой Халқ Республикаси	9900,0	670,0	Пекин (4,1 млн. ки- ши)
169.	Цейлон . . . . .	65,6	9,6	Коломбо (423 миңг киши)
170.	Чад . . . . .	1284,0	2,6	Форт-Лами (30 миңг киши)
171.	Чехословакия Социалис- тик Республикаси . . .	127,9	13,6	Прага (988 миңг ки- ши)
172.	Чили . . . . .	741,8	7,424	Сантяго (1547 миңг киши)
173.	Шартномали Уммон . . .	83,0	0,100	Дибай (25 миңг ки- ши)
174.	Швейцария . . . . .	41,3	5,411	Берн (161 миңг ки- ши)
175.	Швеция . . . . .	449,7	7,5	Стокгольм (805 миңг киши)

№	Мамлакатлар	Майdonи (минг кв. км)	Аҳолиси (млн. ки- ши)	Пойтахти
176.	Шимолй Родезия . . .	746,0	2,4	Лусака (с0 минг ки- ши)
177.	Шпицберген . . . . .	62,1	3163	Лонгвир —
178.	Эрон . . . . .	1600	20,042	Техрон (1 млн. киши)
179.	Эквадор . . . . .	270,7	4,169	Кито (237 минг киши)
180.	Эстония ССР . . . . .	45,1	1,2	Таллин (220 минг ки- ши)
181.	Эфиопия . . . . .	1200	20,0	Аддис-Абеба (410 минг киши)
182.	Югославия . . . . .	255,8	18,530	Белград (565 минг киши)
183.	Юқори Вольта . . . . .	274	3473	Вагадугу (38 минг киши)
184.	Яман . . . . .	195,0	5,0	Сана (30 минг киши)
185.	Янги Гвинея ороллари .	829,3	2,0	
186.	Янги Гебрид ороллари .	14,8	0,053	Порт-Била (1200 киши)
187.	Янги Зеландия . . . . .	268,7	2,331	Веллингтон (143 минг киши)
188.	Янги Каледония . . . . .	18,6	0,072	Нумеа (22 минг ки- ши)
189.	Япония . . . . .	372,0	93,0	Токио (9908 минг ки- ши)
190.	Ўзбекистон ССР . . . . .	408,9	8,106	Тошкент (912 минг киши)
191.	Қирғизистон ССР . . . . .	198,5	2,1	Фрунзе (217 минг ки- ши)
192.	Қозоғистон ССР . . . . .	2756	9310	Олма-Ота (455 минг киши)
193.	Қувайт . . . . .	21,0	0,206	Эль-Қувайт (120 минг киши)
194.	Ғарбий Ириан . . . . .	413,0	0,700	Ҳолландия (11 минг киши)
195.	Ҳиндистон . . . . .	3293,2	440,645	Деҳли (1400 минг ки- ши)



# МУНДАРИЖА

## Е В Р О П А

Австрия . . . . .	17	Люксембург . . . . .	58
Албания . . . . .	19	Мальта . . . . .	59
Андорра . . . . .	22	Монако . . . . .	61
Бельгия . . . . .	23	Нидерландия . . . . .	62
Болгария . . . . .	26	Норвегия . . . . .	64
Буюк Британия . . . . .	29	Польша . . . . .	66
Ватикан . . . . .	34	Португалия . . . . .	69
Венгрия . . . . .	36	Румыния . . . . .	72
Германия Демократик Рес- публикаси . . . . .	38	Сан-Марино . . . . .	75
Германия Федератив Рес- публикаси . . . . .	41	Совет Социалистик Республика- лар Иттифоқи (СССР) . . . . .	77
Греция . . . . .	43	Финляндия . . . . .	106
Дания . . . . .	45	Франция . . . . .	107
Ирландия . . . . .	47	Чехословакия . . . . .	111
Исландия . . . . .	49	Швейцария . . . . .	116
Испания . . . . .	50	Швеция . . . . .	119
Италия . . . . .	52	Шпицберген . . . . .	123
Лихтенштейн . . . . .	56	Югославия . . . . .	124

## О С И Е

Адан . . . . .	135	Иордания . . . . .	156
Афғонистон . . . . .	136	Ироқ . . . . .	158
Баҳрайн . . . . .	139	Исроил . . . . .	160
Бирма . . . . .	140	Камбоджа . . . . .	162
Борнео . . . . .	144	Катар . . . . .	165
Вьетнам Демократик Рес- публикаси . . . . .	145	Кипр . . . . .	167
Жанубий Вьетнам . . . . .	149	Корея Халқ Демократик Республикаси . . . . .	168
Гонконг . . . . .	150	Жанубий Корея . . . . .	171
Индонезия . . . . .	151		

Лаос . . . . .	172	Туркия . . . . .	197
Ливан . . . . .	175	Уммон . . . . .	199
Макао (Аоминь) . . . . .	177	Филиппин . . . . .	200
Малайя федерацияси . . . . .	178	Хитой . . . . .	202
Мальдив ороллари . . . . .	179	Шейлон . . . . .	210
Мўғулистон . . . . .	180	Шартномали Уммон . . . . .	212
Непал . . . . .	183	Эрон . . . . .	212
Покистон . . . . .	186	Яман . . . . .	216
Саудия Арабистони . . . . .	190	Япония . . . . .	217
Сингапур . . . . .	191	Қувайт . . . . .	221
Сурия . . . . .	193	Ғарбий Ириан . . . . .	222
Таиланд . . . . .	195	Ҳиндистон . . . . .	223

## А Ф Р И К А

Ангола . . . . .	231	Мали . . . . .	288
Басутоленд . . . . .	241	Марказий Африка Республи- каси . . . . .	290
Бечуаналенд . . . . .	243	Марокаш . . . . .	291
Бирлашган Араб Республикаси . . . . .	244	Мозамбик . . . . .	295
Габон . . . . .	249	Нигер . . . . .	296
Гамбия . . . . .	251	Нигерия . . . . .	298
Гана . . . . .	252	Ньясаленд . . . . .	300
Гвинея . . . . .	255	Португалия Гвинеяси . . . . .	301
Дагомея . . . . .	258	Реюньон . . . . .	302
Жазоир . . . . .	259	Руанда-Урунди . . . . .	303
Жануби-Ғарбий Африка . . . . .	262	Свазиленд . . . . .	305
Жанубий Африка Республикаси . . . . .	263	Сенегал . . . . .	306
Жанубий Родезия . . . . .	266	Сомали . . . . .	308
Занзибар . . . . .	268	Сомали (Сомали қирғоғи) . . . . .	311
Испания Гвинеяси . . . . .	270	Судан . . . . .	312
Испания Саҳрон Кабири . . . . .	271	Сьерра-Леоне . . . . .	315
Ифни . . . . .	272	Танганьика . . . . .	316
Камерун . . . . .	272	Того . . . . .	318
Камерун . . . . .	273	Тунис . . . . .	321
Кения . . . . .	275	Уганда . . . . .	324
Конго . . . . .	277	Фил Суяги Қирғоғи . . . . .	326
Конго . . . . .	280	Чад . . . . .	328
Либерия . . . . .	281	Шимолий Родезия . . . . .	329
Ливия . . . . .	283	Эфиопия . . . . .	331
Мавритания . . . . .	284	Юқори Вольта . . . . .	335
Мальгаш Республикаси . . . . .	286		

## А М Е Р И К А

Аляска . . . . .	350	Аргентина . . . . .	358
Америка Қўшма Штатлари . . . . .	351	Гагама ороллари . . . . .	360



*На узбекском языке*

## СТРАНЫ МИРА

*Госиздат УзССР — 1962 — Ташкент*

Редактор Н. Бекназаров  
Рисов Т. А. Марфин  
Бздний редактор И. Икрамов  
Техн. редактор А. Бахтиёров  
Корректор Ф. Мудамедов

\* \* \*

Теринга берилли 13/Х-1961 й. Босишга рухсат этили  
24/III-1962 й. Формати 60×90<sup>1/2</sup> мм. Бос. л. 30,75. Настр.  
л. 32,27. Тиражи 10000 Р 05349. Ўзбекистон ССР  
Давлат нашриёти, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома 37—61.

\* \* \*

ЎзССР Малавийат министрлиги Главиздатияниг  
3-босмахонаси, Ташкент, Ленинград кўчаси, 15.  
Заказ № 365, Баҳоси 1 с. 35 т.

Ж .